


Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал

206



МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 7/206

2014 йил, июль

Бош муҳаррир:
Шухрат РИЗАЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Эркин ВОҲИДОВ
Абдулла ОРИПОВ
Омонулла ЮНУСОВ
Муҳаммад АЛИ
Муҳаммаджон ҚУРОНОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Низом КОМИЛОВ
Хурийд ДЎСТМУҲАММАД
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ

Таҳрир ҳайъати:

Омонулла РИЗАЕВ
(масъул котиб)
Амир ФАЙЗУЛЛА
Назира ЖЎРАЕВА
Музаффар АҲМАД
Дилдорхон АЛИЕВА
Алмурад ТОЖИЕВ
Шаҳноза НАЗАРОВА
Севара АЛИЖОНОВА

МУНДАРИЖА

Алишер НАВОИЙ. **Шохбайтлар**..... 3

НАСР

В. ШУКШИН. **Мот қилди. Ҳикоя.**
(Рус тилидан М. Ҳазратқулов тарж.)..... 4
Ж. ОСТИН. **Андиша ва ғурур. Роман.**
(Рус тилидан М. Исмоилова тарж.)..... 10
Ш.УСНАТДИНОВ. **Шоирнинг ёшлиги.**
Роман. (Қорақалтоқ тилидан М. Аҳмад тарж.)..... 42

ГЛОБУС КАНАДА

Бағри кенг мамлакат..... 130
Канада шеърляти..... 158
Канада насри..... 138
Унутилмас сиймолар..... 197

ДРАМА

Сэмюэл БЕККЕТ. **Годони кутиш.**
(Рус тилидан Ж. Эшонқул тарж.)..... 88
Эдуардо де ФИЛИППО.
Неаполь — миллионерлар шахри.
(Рус тилидан У. Азим тарж.)..... 170

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Назар ЭШОНҚУЛ.
Ўзини ўрганаётган одам..... 109
Асад АСИЛ.
Олам аро чарақлаган нур 113
Акбар САБИРДИНОВ.
Ойбек ва Эмиль Верхарн..... 123
Шаҳноза НАЗАРОВА.
Перпендикуляр тасаввурлар..... 127
Муқовамизда 204
Тақвим 205



НАВОИЙ ШОҲБАЙТЛАРИ

* * *

*Чок қил кўксимни, эй бадмехр, токим билгасен,
Тиғи ҳажрингдин не навъ озурда жоним бор менинг.*

* * *

*Хусн аро мағлуб анга Ширину Лайли, ўйлаким,
Ийиқ аро Фарҳоду Мажнун ҳам анинг шайдосига.*

* * *

*Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас ўй,
Бўлмаса анда турфа кадбону¹.*

* * *

*Нега фарёд этмайин ёхуд нетай фарёд этиб,
Бўйлаким, фарёд этиб, етмас киши фарёдима.*

* * *

*Фатила² доғ учун ўт солса ҳар дам,
Агарчи куйдурур, лекин куяр ҳам.*

* * *

*Пил ўлса сенинг хасминг, десангки зарар топмай,
Бир паишига оламда еткурма зарар ҳаргиз.*

* * *

*Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзга тийра³ бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?*

* * *

*Ки, ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате,
Таабсиз муяссар эмас ишрате⁴.*

* * *

*Одаме бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхишроқ.*

* * *

*Гар яхши амал кишига одат бўлгай,
Умри бу одат бирла зиёдат бўлгай.*

1 Кадбону – катхудо, кайвони аёл, уйда хотин-қизларнинг раҳбари маъносида.

2 Фатила – халқа-халқа, эшилган, ўрилган соч толаси.

3 Тийра – қора, хира тортган, қоронғилик.

4 Ишрат – кайф-сафо, айш-ишрат, роҳат-фароғат.



Василий ШУКШИН

МОТ ҚИЛДИ

Ҳикоя

Агафья Журавлеваникига ўғли Константин Иванович келди. Хотини ва кизи билан онасидан хабар олиб, хордиқ чиқариб кетишмоқчи.

Новое кишлоғи унча узоқ бўлмаса-да, Константин Иванович таксида келди, бунинг устига, бутун оила аъзолари машина юкхонасидан анча чамадон ташидилар. Дарҳол бутун кишлоққа: Агафьяникига оиласи билан ўртанча ўғли Костя келибди, у бадавлат, олим деган гап ёйилди.

Кечга бориб ҳаммасини батафсил билиб олишди: у фан номзоди, хотини ҳам, қизи эса ўқувчи экан. Агафьяга электр самовар, гулдор халат ва ёғоч қошиқ олиб келишибди.

Кишлоқ чоллари Глеб Капустин эшиги олдида тўпланишди. Улар Глебни кутардилар.

Чоллар нега Глебникига тўпланишгани ва уни кутишгани аниқ бўлиши учун Глеб Капустин ҳақида маълумот бериш лозим.

Глеб Капустин – дўрдоқ лабли, малламўй, анча билимдон, писмиқ чол. Новая кишлоғи у қадар йирик бўлмаса-да, бу ердан кўпгина таниқли кишилар чиққан: битта полковник, иккита учувчи, шифокор, муҳбир... Мана энди Журавлев – номзод. Таниқли кишилар айланиб, хордиқ чиқариб кетгани кишлоққа келишганда уларнинг олдига ҳамкишлоқлари йиғилиб, қизикарли ҳикоялардан эшитардилар. Агар кишлоқдошлари сўраб қолишса, улар ўзлари ҳақида сўзлаб беришарди. Глеб Капустин бир гал обрўли меҳмонни мот қилиб қўйган эди. Бундан кўпчилик норози бўлган, айримлар эса, хусусан, чоллар Глеб Капустин машхур меҳмонни мот қилишини интиқиб кутган эдилар.

Глебни кутишга тоқатлари бўлмай, унинг хузурига боришди, сўнгра биргаликда меҳмоннинг олдига кетишди. Худди спектаклга боришаётгандек кўринади. Глеб ўтган йили кишлоққа келган башанг кийимли, қадди расо полковникни гангиб қўйган эди. 1812 йил уруши ҳақида суҳбатлашгандилар... Москвага ким ўт қўйганини полковник билмаслиги ўшанда ошкор бўлди. Аслида қанақадир граф эканлигини биларди, аммо фамилиясини янглиштирди, Распутин деди. Глеб Капустин калхатдек ҳаволаниб, полковник устидан кинояли кулди... Ва қайириб ташлади. Ўшанда ҳамма ҳаяжонланиб кетди, полковник сўқиниб қўйди... Ут қўйган графнинг фамилиясини аниқлаш учун муаллиманинг уйига чопдилар. Глеб Капустин кизариб кетган, ҳал қилувчи дақиқаларни бетоқатлик билан кутиб ўтирар ва “Тинчланинг, тинчланинг, ўртоқ полковник, ахир биз Филица эмасмиз-ку, тўғрими?” деб такрорларди. Глеб ғолиб бўлиб чиқди: полковник ўзининг бошига муштлай кетди ва эсанкираб қолди. У жуда эзилди. Шундан кейин Глеб узоқ вақтгача кишлоқ аҳлининг оғзидан тушмади, унинг “Тинчланинг, тинчланинг, ўртоқ полковник, ахир биз Филица эмасмиз-ку?” деб такрорлашини эслаб юрдилар. Жуда ҳайрон қолишди Глебга. Кексалар нима учун бундай деганини қизиксиниб сўрашди.

Глеб мийиғида кулди, сўнгра ўжар кўзларини донишмандларча қисиб қўйди. Кишлоқдан чиққан ҳамма машхур кишиларнинг онаси Глебни хуш кўрмайдилар. Хавфсираб туришади ундан.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мана энди номзод Журавлев келди...

Глеб ишдан (у ёғоч кесадиған жойда ишларди) келиб ювинди, кийимини алмаштирди... Овқатланмади. Эшик тагида турған чолларнинг олдиға чикди.

Чекишди... Бироз у-бу нарса ҳақида гаплашдилар, аммо Журавлев тўғрисида атай гап очмадилар. Глеб Агафья Журавлеванинг ёғоч уйи томонга бир-икки қараб қўйди.

– Агафья кампирниқига меҳмон кептими? – деб сўради.

– Фан номзодлари!

– Номзодлар? – ҳайратланди Глеб. – О-о!.. Эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак. Уларга бас келиш жўн иш эмас.

Чоллар кулишди: лекин кимдир бас келолмайди деса, кимдир бас келиши ҳам мумкин деярди. Улар сабрсизлик билан Глебга қарашди.

– Қани, кетдик, кўрайлик-чи фан номзодларини, – деди камтарлик билан Глеб.

Йўлга тушдилар.

Глеб бироз илгарироқда, қолганлар бамайлихотир, қўлларини чўнтагиға солганча, ҳозир иккита номзод ўтирган Агафья кампирнинг ёғоч уйидан кўз узмай боришарди. Чоллар гўё Глебни олдиларига солиб бораётгандек кўринарди. Хатарли йўлда қандайдир безори, учар йигит пайдо бўлгани сезилса, тажрибали полвонни мана шундай бошлаб боришади.

Йўлда кўп гаплашмадилар.

– Қайси соҳадан фан номзоди экан? – сўради Глеб.

– Қанақа мутахассислик бўйичами? Ким билади дейсан. Номзодлар, деб менга хотиним айтди. Эриям, хотиниям номзод эмиш...

– Техника фанлари номзодлари бор, умумий таълим бўйича бор, улар асосан трепалогия билан шуғулланишади, – уқтирди Глеб.

– Костя умуман математикани яхши биларди, – Костя билан бир мактабда ўқиганлардан кимдир эслади. – Аълочи эди.

Глеб Капустин асли қўшни кишлоқдан эди, шу сабаб бу ерлик машхур кишиларни яхши танимасди.

– Кўрамиз, кўрамиз, – мужмал гапирди Глеб. – Ҳозир номзодлар бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетган.

– Таксида келишибди...

– Ахир обрўйини сақлаши керак-да! – жилмайди Глеб.

Номзод Константин Иванович меҳмонларни қувноклик билан кутиб олди, столни ясатишни буюрди... Меҳмонлар Агафья кампир столга ноз-неъматлар қўйгунча одоб юзасидан кутиб туришди, номзод билан суҳбатлашдилар, болалиқда бирга ўтказган дамларини эслашди...

– Эҳ, болалиқ, болалиқ! – деди фан номзоди. – Қани, столга марҳамат, дўстлар.

Ҳамма стол атрофига ўтирди. Глеб Капустин ҳам чўкди. Аммо сакрашга ҳозирлик кўраётган спортчидек енгил ўтиргани сезилиб турарди. У кулимсираб ўтирар, болалиқ ҳақидаги гапларни маъқуллар, кўзлари эса номзодни кузатарди.

Суҳбат ғоят дўстона давом этди. Улар гўё Глеб Капустинни унутишган эди. Шу топда у номзодга дабдурустдан гап ташлади.

– Қайси соҳада ўзингизни кўрсатаяпсиз? – сўради у.

– Қаерда ишлайсан деяпсизми? – тушунмади номзод.

– Ҳа.

– Филфақда.

– Фалсафада?

– Унчалиқмас... Умуман, шунақа деса ҳам бўлаверади.

– Зарур нарса. – Глебга кераги ҳам худди шу фалсафа эди. У жонланиб кетди. – Хўш, бирламчилик масаласи қандай?

– Қанақа бирламчилик? – яна тушунмади номзод. Глебга диққат билан разм солди. Бошқалар ҳам Глебга қарашди.

– Материя ва онгнинг бирламчилигини айтаяпман. – Глеб гап ташлаб қўйди.

Бу гапнинг қандай давом этишини у хушёрлик билан кузатиб турарди. Номзод уни илиб кетди.

– Ҳар доимгидай, – деди у табассум билан. – Материя бирламчи...

– Онг-чи?

– Онг эса кейин. Нимаиди?

– Бу минимумга кирадимиз? – Глеб ҳам жилмайди. – Сиз кечирингу биз бу ерда... ижтимоий марказдан узоқдамиз, гаплашгимиз келади, лекин истаган пайтда олдига чопиб борадиган билимдон киши йўқ-да. Ҳозир фалсафа вазнсизлик тушунчасини қандай аниқлаяпти?

– Ҳамишагидай аниқлаяпти. Нега энда ҳозирни сўрайсиз?

– Унинг кўриниши яқинда очилди-ку. – Глеб номзоднинг кўзига тик қараб кулди. – Шунинг учун сўраяпман-да. Натурфалсафа, айтайлик, буни шундай ҳал қилади, стратегик фалсафа – мутлақо бошқача...

– Умуман стратегик фалсафанинг ўзи йўқ! – ҳаяжонланиб кетди номзод. – Сиз умуман нима тўғрисида сўраяпсиз?

– Тўғри, лекин табиат диалектикаси бор, – бамайлихотир, ҳаммага эшиттириб давом этди Глеб. – Табиатни эса фалсафа аниқлайди. Табиат унсурларидан бири тимсолида вазнсизлик аниқ бўлди яқинда. Шунинг учун сўраяпман: ўзини йўқотиш ҳоллари файласуфлар орасида ҳам учраб турадимиз?

Номзод мириқиб кулди. Аммо бир кулди-ю... Ўзида ожизлик сезди. Хотинини чақирди:

– Валя, бу ёққа кел, бу ерда... ғалати суҳбат бўлаяпти.

Валя столга яқин келди, аммо номзод Константин Иванович ҳали ҳам ожизлик, ўнғайсизлик сезарди, чунки чоллар бу саволга қандай жавоб бераркан, деб унга термилиб туришарди.

– Келинг, яхшиси, – жиддий оҳангда гапирди номзод, – нима ҳақда гаплашишимизни келишиб олайлик.

– Яхши. Иккинчи савол: Шимолнинг айрим туманларидаги шаманлик муаммосига шахсан сиз қандай муносабатдасиз?

Номзодлар кулиб юборишди. Глеб Капустин ҳам жилмайди. Номзодларнинг кулиб бўлишини эса сабр билан кутди.

– Бунақа муаммо йўқ деб туриб олиш мумкин, албатта. Мен ҳам жоним билан сизларга кўшилиб куламан... – Глеб яна олийжаноблик, самимийлик билан кулди. Айниқса, номзоднинг хотинига қараб кулди, дарвоқе у ҳам номзод. – Бироқ бу билан мазкур муаммо йўқолиб қолмайди-ку. Тўғрими?

– Сиз буларни жиддий сўраяпсизми? – сўради Валя.

– Сизнинг руҳсатингиз билан. – Глеб Капустин ўрнидан сал турди ва ўзини жиддий тутган ҳолда номзод хотинга таъзим қилди. У қизариб кетди. – Савол, албатта, у қадар муҳим эмас, аммо бизнинг укувимиз нуктаи назари бўйича уни билиш қизиқарли.

– Қанақа савол ўзи?! – ҳайқирди номзод.

– Шаманлик муаммосига сенинг муносабатинг. – Валя яна беихтиёр кулиб юборди. Аммо бирдан тушуниб қолди-ю, Глебга деди: – Кечиринг, илтимос.

– Ҳечкиси йўқ, – деди Глеб. – Тушунаман, эҳтимол мен бошқа мутахассислик бўйича савол бергандирман...

– Бунақа муаммо йўқ ахир, – яна қичқириб юборди номзод. У бекор бундай қилди. Бунақа қичқириш яхши эмас.

Энди Глеб беихтиёр кулиб юборди. Сўнгра деди:

– Албатта, йўққа йўқ-да!

Чоллар номзодга назар солишди.

– Муаммо йўқ, булар-чи... – Глеб қўли билан ғалати, тушуниб бўлмайдиган қилиб нималарнидир кўрсатди, – рақсга тушаяпти, шикилдоқчалардек овоз чиқараяпти... Шундайми? Аммо истасам... – Глеб қайтарди: – Ис-та-сам – улар гўё йўқдек. Тўғрими? Чунки агар... Яхши! Яна битта савол: сиз нима дейсиз, Ой ҳам ақл-идрокли қўлнинг ишимиз?

Номзод миқ этмай Глебга термилиб турарди. Глеб давом этди:

– Олимларнинг фараз қилишича, Ой сунъий орбита устида турармиш, унинг ичида ақлли мавжудот яшайди, деган тахминлар ҳам бор...

– Хўш? – сўради номзод. – Нима бўпти?

– Табиий траектория бўйича сизнинг қарашингиз қандай? Умуман, барча космик фанлар қаерга сарф қилиниши мумкин?

Чоллар диққат билан Глебни тинглашарди.

– Инсоният космос бўйича бизнинг энг яқин қўшнимиз – Ойга тез-тез бориб туради, деб фараз қилайлик. Худди шундай, айтиш мумкинки, ажойиб кунларнинг бирида у ердаги ақлли мавжудот чидаб туролмай бизга пешвоз чиқади. Шунда бир-биримизнинг гапимизга тушуна ола-мизми? Бунга тайёرمىзми?

– Кимдан сўраяпсиз?

– Сизлардан, донишмандлардан...

– Сиз-чи, тайёرمىсиз?

– Бизлар билимдон эмасмиз, маошимиз ҳам у қадар эмас. Борди-ю, сизлар учун бу қизикарли бўлса биз, қишлоқилар қайси йўналиш бўйича ўйлашимизни айтиб беришимиз мумкин. Айтайлик, Ойнинг устки қатламидан ақлли мавжудот чиқиб келди... Нима қилишни буюрасиз? Ит бўлиб хуришними? Хўроз бўлиб қичқиришними?

Чоллар кулиб юбордилар. Ҳазро пичирлашдилар. Кейин яна диққат билан Глебга тикилдилар.

– Бироқ шунга қарамай биз бир-биримизни тушунишимиз керак. Тўғрими? Нима дедингиз? – Глеб жавоб кутгандек жим қолди. Утирганларга бир-бир разм солди.

– Масалан, мен қумда бизнинг қуёш системамизнинг схемасини чизиш ва унга менинг Ердан эканлигимни кўрсатишни таклиф қиламан. Скафандрда бўлишимга қарамай, менда ҳам бош бор, мен ҳам ақлли мавжудотман. Буни тасдиқлаш учун схемада у қаердан эканлигини кўрсатиш мумкин: Ойни кўрсатиш керак, сўнгра уни. Мантиқ борми? Шундай қилиб, аниқ бўладики, биз қўшнилармиз. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас! Ундан кейин мен ҳозирги босқичдаги ҳолатга етгунимга қадар қанақа йўл билан ривожланганимни, ўсганимни тушунтириб бериш талаб қилинади...

– Хўш, хўш? – Номзод жойида қимирлаб қўйди ва хотинига маъноли қаради. – Жудаям қизиқ-ку: қанақа йўл билан?

Унинг бу ҳаракати ҳам беҳуда эди, чунки унинг маъноли боқиши тўсиб қўйилганди. Глеб юксакка парвоз қилган эди... Ҳа ердан, ўша баландликдан туриб номзодга зарба берганди. Қишлоқнинг машхур кишилари билан бўлган ҳар бир суҳбатда шундай ҳолат – Глебнинг юқорига кўтарилиши содир бўларди. У эҳтимол мана шу қувончли ҳолатни кутгандир, чунки бу ёғи ўз-ўзидан, хаширдан қил суғургандай давом этаверади.

– Бирга кулишгани хотинингизни ҳам қақирмайсизми? – сўради Глеб. У хотиржам гапирди, аммо унинг ичи, балки титраб кетгандир. – Яхши иш... Фақат, аввало, биз лоақал газета ўқишни ўрганишимиз мумкин бўлар? А? Нима дедингиз? Номзодлар учун бу ҳам ортиқча эмас дейишади...

– Эшитсангиз-чи!...

– Биз эшитиб бўлдик! Қаноат ҳосил қилдик, десак ҳам бўлаверади. Шунинг учун, жаноб фан номзоди, сизга танбеҳ беришимга рухсат этинг: номзодлик – бир марта сотиб олинандиган кийим эмас. Бироқ ҳатто кийим ҳам вақти-вақтида тозалаб турилади. Номзодлик эса, келишганимиз бўйича, кийим эмас, шундай бўлгач, сақлаш, ҳимоя қилиш керак. – Глеб оҳиста, аммо шиддат билан, нафас олмай гапирарди. Номзод унга қарай олмас, юзи чидамасди: у ўзини йўқотиб қўйганди, гоҳ хотинига, гоҳ Глебга, гоҳ чолларга термиларди... Чоллар эса унга қарамасликка ҳаракат қиларди. – Уйга таксида келиш, машина юкхонасидан бешта-

лаб чамадон тушириш билан бизларни ҳайратда қолдириш мумкин... Аммо сиз унутмангки, информация оқими ҳозир ҳамма жойга бир хилда етиб бормоқда. Мен шунни айтмоқчиманки, бу ерда акс ҳолат ҳайрон қолдириши мумкин. Шунақаси ҳам бўлади. Имоним комилки, бу ерни номзодлар ўз кўзлари билан кўрмаганлар, уларни – номзодларни, профессорларни, полковникларни эса бу ерликлар кўришган. Улар ҳақида яхши таассурот қолдиришган кўнгилларида, чунки бу ернинг одамлари жуда ҳам содда. Мана, сизга менинг маслаҳатим, ўртоқ фан номзоди: тез-тез ерга тушиб туринг. Худо ҳаққи, ҳамма ақлли нарсанинг бошланиши заминдан. У қадар хатарли ҳам эмас: йиқилсангиз ҳам қаттиқ ботмайди.

– Буни аравани куруқ опқочиш дейилади, – деди номзод. – Нима бало, занжирни узиб қочганмисан? Нима гап ўзи, ахир...

– Билмайман, билмайман, – шошилинич унинг гапини бўлди Глеб, – билмайман бу нима деб аталишини. Мен қамоқда бўлмаганман, занжирдан чиқиб қочганим ҳам йўқ. Нима керак бунақа гаплар? Бу ердагиларнинг биронтаси ҳам, – Глеб чолларга юзланди, – ўтириб чиқмаган – тушунмайди. Сизнинг хотинингиз эса кўзини ғалаги қилди... У ёқда қизингиз эшитаяпти. Эшитади ва Москвада кимгадир “бочка ғилдиратади”. Бу аҳтимол жаргондир... лекин охири яхши бўлмайди, ўртоқ номзод. Ҳамма воситалар ҳам яхши эмас, сизни ишонтириб айтаман, воситаларнинг ҳаммаси ҳам маъқул бўлавермайди. Сиз, ўзингиз номзодлик минимумини топширганингизда профессор учун “бочка ғилдиратмагансиз-ку”. Тўғрими? – Глеб ўрнидан турди. – “Ўз устингизга кўрпа ҳам ёполмагансиз”. Чунки профессорларни ҳурмат қилиш керак – тақдирингиз уларнинг қўлида, бизларнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Шундайми? Бекор гап... Бу ерда биз ҳам озгина... “донишмандлашаяпмиз”. Газеталар ҳам ўқиймиз, гоҳида китоблар титкилаб қоламиз... Ҳатто телевизор ҳам кўрамыз. Тасаввур қилишингиз мумкинки, биз “КВН”дан, “Ун уч стул” қаҳвахонасидан қаттиқ ҳаяжонга тушмаймиз. Нима учун деб сўрайсизми? Чунки у ерда фақат ўзига ишониш, мағрурланиш бор. Тўғри, ҳамма нарсани гапириши, ҳал қилиши мумкин. Бунинг учун ҳеч нарса деёлмайсан, албатта. Бироқ у ердагиларнинг ҳаммаси даҳо деган тасаввур бермаслик керак-да. Кимдир тушунади... Камтарроқ бўлмоқ лозим.

– Ғирт сафсатабоз, тухматчи, – деди номзод хотинига қараб. – Барча ифвогарликни ўзига...

– Тополмадингиз. Бутун умрим давомида бировнинг устидан биронта на ғийбат, на аноним хат ёзганман. – Глеб чолларга қаради: улар Глебнинг бу гапи тўғри эканини билишарди. – Янглишдингиз, ўртоқ фан номзоди. Нимага жон куйдираётганимни тушунтириб беришимни истайсизми?

– Марҳамат, тушунтиринг.

– Бурунга чертиб қўйишни яхши кўраман – димоғингизни кўпам кўтариб юборманг, меъёридан ошиб кетмасин. Камтар бўлиш яхши, азиз дўстлар...

– Бизнинг нокамтарлигимизни нимада кўрдингиз? – Валя ўзини тутолмади. – Қачон димоғдорлик қилдик?

– Ёлғиз қолганингизда яхшилаб бир ўйлаб кўринг. Ўйласангиз – тушуниб етасиз, англаб оласиз. – Глеб номзодларга қандайдир ачинганнамо қаради. – “Асал” сўзини юз марта такрорлаш мумкин, лекин бу билан оғиз чучимайди-ку. Буни тушуниш учун номзодлик минимуми топшириш шарт эмас. Тўғрими? Ҳар бир мақолада “халқ” деб юзлаб марта ёзиш мумкин, бироқ бу билан мақолага илм қўшилмайди, бойимайди. Шунинг учун мана шу ҳақиқий халқ олдига келишдан олдин ўзларингизни сал чоғлаб олинглар. Тайёрланиб оласизларми? Бўлмаса ўсал бўлиб қолиш ҳеч гапмас. Хайр. Таътилни яхши ўтказинглар... халқ орасида. – Глеб кулимсираб қўйди ва шошилмай кулбадан чиқиб кетди. Машҳур кишиларнинг олдидан у ҳар доим ўзи ёлғиз кетарди.

Номзодлар хузуридан тарқалаётган чолларнинг гапларини у эшитмади:

– Роса боплади уни!.. Билимдон, ярамас. Ой ҳақида бунақа нарсаларни қаердан билади?

– Ёмон эзди.

– Қаёқдан билақолдйкин!

Чоллар ҳайрат ва ажабланиш билан бошларини ирғаб қўйишди.

– Билимдон, шайтон. Бечора Константин Ивановичнинг роса пўстагини қокди... А? Худди ёш боладек савалади-я! Анави бўлса, Валячи, лоақал оғзини ҳам очолмади-я.

– Нима ҳам дердинг? Ҳеч нарса деёлмайсан. Костя гапирмоқчи бўлди, албатта... У бўлса битта сўзига бешта жавоб беради.

– Нима ҳам қилардинг... Билимдон-да, ҳайвон!

Чолларнинг овозида ҳатто фан номзодларига ачиниш, раҳм-шафқат оҳанги сезиларди. Глеб ўша Капустин-да, олдингидай ҳаммани ҳайрон қолдирди. Ажаблантирди. Қойил қилди ҳатто. Лоақал андиша ҳам қилмади бугун. Йўқ, андиша йўқ эди. Глеб – чўрткесар, қаҳри қаттик. Бундай одамларни ҳали ҳеч ким, ҳеч қаерда, ҳеч қачон яхши кўрмаган.

Эртага Глеб Капустин ишга келиши билан (дарвоқе, у талмовсирайди, артистлик қилади) чоллардан сўрайди:

– Хўш, номзодларнинг аҳволи қалай?

Ўзича кулиб кўяди.

– Уни сен қаттик эздинг, мот қилдинг, – дейишади Глебга.

– Ҳечқиси йўқ, – очикқўнгиллик билан таъкидлайди Глеб. – Бунинг фойдаси бор. Қўявер, бекор қолганида бир ўйлаб кўрсин. Бўлмаса ўзига ҳаддан зиёд бино қўйиб юборади...

*Рус тилидан
Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ
таржимаси*





Жейн ОСТИН

АНДИША ВА ҒУРУР

Роман¹

УЧИНЧИ КИТОБ

I БОБ

Пемберли ўрмонлари бошланишини кутиб, Элизабет атроф-теваракка тўлқинланиб қарай кетди. Қоровулхона олдидан ўтиб, ахири кўрғон томонга бурилишганда, у хаддан ортиқ хаяжонда эди: бениҳоя қатта паркнинг кўриниши ажойиб эди. Ярим милялар юқорига томон кўтарилишганда бирдан уларнинг олдида тақир тепалик пайдо бўлиб, у ердан рўпарада қад кўтарган хўжайиннинг уйи кўриниб турарди. Бу тошлардан қурилган бахайбат уй бўлиб, тоғ ёнбағрида жуда қулай жойлашган эди.

Уйга яқинлашишар экан, уларнинг олдида уй бошқарувчиси пайдо бўлди. Меҳмонлар унинг ортидан емакхонага – нафис қилиб безатилган кенг хонага киришди. Хоналар қатта, шифтлари баланд бўлиб, бундай поместъенинг эгасига мос тарзда жуда бой жиҳозланган эди.

“Сал бўлмаса мен шу ерга бека бўлай дегандим-а! – ичида ўз-ўзига деди Элизабет. – Аллақачон бу хоналарга ўрганиб улгурган бўлардим. Бу хоналарни тасодифий бир ўткинчидай томоша қилмай, улар ўзимники бўларди...”

Қиз бир неча бор уй бошқарувчисидан хожасининг ростдан ҳам сафардалигини сўрамоқчи бўлди, лекин юраги дов бермади. Бу саволни мистер Гардинер берди.

– Ҳа. Биз унинг эртага келишини кутяпмиз. Дўстлари билан келади.

Элизабет бу жавобдан хурсанд бўлиб турар экан, деворда осилган бир расмни кўрсатиш учун уни миссис Гардинер чақириб қолди. Элизабет яқинроқ келиб камин устидаги расмлар орасида мистер Уикхемнинг портретини кўрди. Уларга яқинлашган миссис Рейнолдс расмдаги йигит олдинги бошқарувчининг ўғли эканлигини айтди.

– У ҳозир армияда, лекин ундан яхши одам чиқмади, – кўшиб қўйди аёл. – Мана бу эса, – бошқа расмни кўрсатар экан, деди миссис Рейнолдс, – ёш Дарси, ўзига жуда ўхшайди.

– Мен мистер Дарси ҳақида кўп эшитганман, – расмни кўздан кечираётиб, деди миссис Гардинер. – Расмига қараганда жуда келишган йигит. Лиззи, ўхшашлигини сезаяпсанми?

Элизабетнинг Пемберлининг эгаси билан танишлигини эшитган аёлнинг унга ҳурмати ошди:

– Бу қизимиз мистер Дарсини танийдими?

– Бироз, – қизариб деди Элизабет.

– Нима дейсиз, хоним, жуда келишган йигит-а?

– Ҳа, тўғри айтасиз.

Миссис Рейнолдс уларнинг диққатини мисс Дарсининг расмига қаратди.

– Мисс Дарси ҳам акасичалик чиройлими? – қизиқди мистер Гардинер.

– У дунёдаги энг гўзаллардан қолишмайди, – хитоб қилди миссис Рейнолдс.

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

– Яна қандай тарбияли! Мусиқа билан шуғулланади. Эртага у ҳам акаси билан келишини кутаяпмиз.

– Хўжайинингиз кўп вақтини Пемберлида ўтказадими?

– Мен хоҳлаганимчалик кўп эмас. Умрининг ярми шу ерда ўтади дейишим мумкин.

– Хўжайинингиз уйланса, уни кўпроқ кўриб турарсиз?

– Ҳа, аммо бу қачон бўлиши номаълум-да. Унга бироз бўлса-да муносиб жуфт бўла оладиган бирортасини билмайман.

– Менимча, сиз унинг фойдасига шундай деяпсиз? – ўзини тутолмай сўради Элизабет.

– Мен фақат бор гапни гапираман. Бутун умри давомида менга битта ҳам ёмон сўз айтмаган. Мен эса уни тўрт ёшидан бери биламан.

“Наҳотки гап мистер Дарси ҳақида кетаётган бўлса?” – ўйлади қиз.

Иккинчи кирган хоналари пастки қаватлардагидан ҳам мухташам бўлиб, нозик жиҳозланган эди. Миссис Рейнолд ўтган йили мисс Дарсига ёқиб қолгани учун бу хонага қайтадан пардоз берилганини айтиб ўтди.

Улар хали кўрмаган расмлар галереяси билан икки ёки учта катта ётоқхона қолган эди. Галереяда жуда чиройли чизилган расмлар кўп бўлса-да, Элизабет мисс Дарсининг қаламда чизган суратларини томоша қила бошлади. Оилавий портретларни кўрар экан, Элизабет улар орасидан ўзига таниш қиёфани қидирар эди. Ахири бу расмга кўзи тушди: портретнинг Дарсига жуда ўхшашлигидан хайрон қолди. Қиз бир неча вақт расмга тикилиб қолди.

Ушбу дақиқаларда Элизабет биринчи марта расмнинг аслига нисбатан илиқ туйғуларни ҳис қилди. Миссис Рейнолдсининг мактаб айтаётган гап-сўзлари таъсир қилмай қолмади. Қиз Дарсига юклатилган акалик жавобгарлиги, ер эгаси, уй эгаси сифатидаги жавобгарликлар тўғрисида ўйларди. Кўзлари унга қараб турган портрет олдида турар экан, Элизабет унинг севги изҳор қилиб айтган сўзларининг маъносини ҳозир янада чуқурроқ ҳис қилди.

Кўриш мумкин бўлган ҳамма жойларни кўриб бўлишгач, улар пастга тушишди ва уй бошқарувчиси билан хайрлашиб, эшик олдида уларни кутиб турган боғбон билан қолишди.

Уша заҳотиёқ Элизабетнинг ёнига мистер ва миссис Гардинерлар келишиб, йигитнинг кўринишидан хайратда эканликларини айтишди. Бироқ ўз ўйлари билан машғул Элизабет уларнинг гапларига жавоб бермади. Қандай шармандалик! Нимага ўзи бу ерларга келди? Уйдан ўн дақиқагина вақтлик чикишганда эди, уни учратмаган бўлишарди! Унинг ҳозиргина келгани кўриниб турибди. Лекин мистер Дарсининг ўзгариб кетганини! Унинг қиз билан гаплашганининг ўзиёқ хайрон қоларли эди. Қиз ҳозир унинг нималарни ўйлаётганини, қизни бу ерда кўриб нималарни ҳис қилганини, ҳеч нарсага қарамай хали ҳам ўзига нисбатан нозик туйғулари сақланиб қолдимикан, билишни истарди.

Ҳамроҳларининг қизнинг паришонхотирлигига ишоралари уни ўзини қўлга олишга мажбур қилди. Улар дарахтзор ичига кириб, қияликдан тепага қараб кўтарила бошлашди. Дарахтлар орасидан тушаётган ёруғлик орқали сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада чиройли манзарани кўриш мумкин эди. Энгашиб ётган дарахтлар орасидан ўтиб, улар дарёнинг торайган жойига келиб, атрофдаги табиат руҳига мос қурилган кўприқдан нариги томонга ўтдилар. Миссис Гардинер бирдан уйдан анча узоқлаб кетишганини сезиб қолиб, тезроқ қайтишни сўрай бошлади. Улар энг яқин йўлдан дарё бўйида қолган экипаж ёнига туша бошладилар. Шу аҳволда секин–секин тушишар экан, улар яна ўзларига томон келаётган мистер Дарсини кўриб қолишди.

Мистер Дарси қиздан ҳамроҳларини таништиришни сўради. Қиз йигит унинг розилигини сўраган пайтда бундай одамларга нисбатан ғурури қандай бош кўтарганини эслади. Узининг Гардинерларга жиян эканлигини айта туриб, зимдан йигитни кузатар экан, у ҳозир югуриб

кочиб қолса керак, деб ўйлади. Уларнинг қариндош эканлиги чиндан ҳам Дарси учун томдан тараша тушгандек бўлди. Лекин у тезда ўзини ўнглаб олди ва бирга кета туриб, мистер Гардинер билан қизгин суҳбатлаша кетди. “У нима учун шунчалик ўзгарди? Сабаби нима? У мени ҳали ҳам севиши мумкин эмас-ку?!” – тинмай ўйларди қиз.

Бироз жим кетишгандан сўнг, Элизабет биринчи бўлиб гап бошлади. У Пемберлига келишга қарор қилганида ўзининг йигит у ерда эмаслигига амин бўлганини тушунтирмоқчи эди. Дарси чиндан ҳам кутилмаганда келганини, сабаби дўстлари келгунча уй бошқарувчиси билан қиладиган ишлари борлигини айтди.

– Улар эртага эрталаб келишади, – гапида давом этди йигит. – Уларнинг орасида сизнинг эски дўстларингиз – мистер Бингли ва унинг опа-сингиллари ҳам бўлишади. Сизларнинг шу ердалигингиздан фойдаланиб, сизни синглим билан таништириб қўйсам майлими?

Элизабет йигитнинг бу илтимосидан ажабланди. Қандай қилиб бундай шарафга эга бўлгани унга қоронғи эди. Уни беайб хафа қилганларига қарамасдан, йигитнинг ўзи ҳақида ёмон ўйламаётгани учун йигитдан миннатдор эди.

Карета олдига етиб келишганда мезбон билан илиқ хайрлашиб, йўлга тушишди.

Мистер ва миссис Гардинерлар мистер Дарси ҳақидаги ўз таассуротларини айтишни кечиктиришмади. Иккаласи ҳам бир овоздан ундан хайратда эканликларини айтишди.

– У ўзини олий даражада тутар экан: хурмати ҳам, камтарлиги ҳам, ҳаммаси ўз ўрнида, – деди мистер Гардинер.

– Албатта, бироз виқор сезилиб турибди, лекин кўриниши шундай бўлса керак, ўзига ярашиб турибди, – деди миссис Гардинер. – Мен уй бошқарувчиси айтган гапларга юз фоиз кўшиламан: баъзилар уни кеккайган дейишса-да, мен буни ҳеч ҳам сезмадим.

– Менимча, у кўнглига келган номаъқулчиликни қилаверадиганлардан бўлса керак, – деди мистер Гардинер. – Бундай поғонадаги одамлар одатда шунақа бўлишади.

– Унга қараб туриб, бу йигит бирортасига, худди Уикхемга қилганидек, ёмонлик қилиши мумкинлигига ишонгим келмаяпти. Унинг ўз кадр-қимматини билиши сезилиб турибди.

Элизабет йигитнинг Уикхемга нисбатан қилган хатти-ҳаракатини оқлаш зарурлигини тушуниб йигитлар ўртасида бўлиб ўтган можароларни сўзлаб берди.

II БОБ

Элизабет мистер Дарси ва синглиси уларни кўришга мисс Дарси келган куннинг эртасига келишса керак, деб ўйлаётганди. Лекин мистер Дарси синглиси Пемберлига келган куниёқ уларни кўришга келди. Овқатланиб олиш учун меҳмонхонага қайтган Гардинерлар ва Элизабет экипаж шовқинини эшитишди ва деразадан қараб, ичида йигит ва қиз ўтирган очик фаэтон яқинлашганини кўришди. Элизабет улар кимлигини дарров сизди ва уларни ҳозир қандай иззат-икром кутаётганини айтиб, Гардинерларни хайрон қолдирди.

Хонага мисс Дарси акаси билан кириб келишди ва ниҳоят шунчалик кўрқув билан кутилган танишув амалга ошди. Аввал мисс Дарсининг ўта мағрурлиги тўғрисида кўп эшитганига қарамай, унинг ўта уятчанлигини билиш учун Элизабетга бир неча дақиқа кифоя қилди. Мисс Дарси баланд бўйли, Элизабетдан ҳам баландроқ эди. Эндигина ўн олтига чиққанига қарамай, у буй етган кизлардек латофатли эди. Кўриниши ва ўзини тутишлари унинг ақли, кўнгилчанлиги ва одобидан дарак берарди.

Мистер Дарси уларни кўргани мистер Бингли ҳам келганини айтди. Қиз ўз розилигини айтишга ҳам улгурмай, қадам товушлари эшитилиб, хонага йигитнинг ўзи кириб келди. У ҳеч кимнинг исмини айтмаган ҳолда

хамманинг соғлиги билан қизиқди. Йигит Гардинерларда катта қизиқиш уйғотди – уни кўришни жуда ҳам хоҳлашаётганди. Мистер Дарсининг ўз жиянларига муносабати борасидаги шубҳалари энди уларни иккала йигитни ҳам диққат билан қузатишга ундарди.

Ҳаммалари гап билан банд бўлиб туришганда, Бингли чуқур хўрсиниш билан деди:

– Сизлар билан кўришганимдан бери қанча вақт ўтди! – Элизабет ҳали жавоб беришга улгурмай, қўшиб қўйди: – Саккиз ойдан ошиқроқ! Ахир йигирма олтинчи ноябрь, Незирфилдда ракс тушганимиздан бери кўришганимиз йўқ!

Элизабет йигитнинг бу қунни аниқ санасигача эслаб қолганига эътибор берди. Бироз вақт ўтгач, йигит пайтини топиб, қиздан опа-сингиллари ҳақида сўради.

Меҳмонлар улар билан ярим соатлар давомида бирга ўтиришди. Ҳали бекаликни ўрганмаган мисс Дарси уларни чин дилдан уйларига таклиф қилди.

Меҳмонлар жўнаб кетгач, Гардинерларнинг бериб қолиши мумкин бўлган саволлардан қочиб Элизабет шоша-пиша ўз хонасига кириб кетди. Унинг юрагида Дарсига бўлган ҳурмат ва таҳсиндан ҳам юксакроқ овоз гапира бошлаган эдики, бу миннатдорлик туйғуси эди.

Уша куни кечкуруннинг ўзида хола-жиян мисс Дарси Пемберлига келган куннинг ўзидаёқ уларга кўрсатган иззат-ҳурматга яраша жавоб қайтариш учун, эртаси куни эрталаб уларникига жавоб ташрифи билан боришга келишиб олишди.

III БОБ

Пемберлига етиб келишганида уларни мисс Дарси, опа-сингил Бингиллар ва мисс Дарси билан Лондонда бирга яшаган аёллар кутиб олишди. Жоржиана меҳмонлар билан хурсанд ҳолда кўришди. Ҳаммалари ўтиришгач, орага жимлик чўкди. Жимликни миссис Энсли бузиб, суҳбатни бошлаб берди ва бу ердагилар ичида энг яхши суҳбатдош эканлигини кўрсатди.

Ҳар дақиқада эркаларнинг кириб келиши кутилаётганди. Қиз бир пайтнинг ўзида уй эгасининг улар билан бирга киришини ҳам хоҳлар, ҳам хоҳламас, хоҳишидан қайси бири кучлироқ эканини ўзи ҳам тушунмасди. Утирганларига ўн беш дақиқалар бўлганда, Элизабетга шу пайтгача бирор оғиз сўз қотмаган мисс Бингли сиполик билан ундан қариндошлари соғомонлигини сўради. Элизабет ҳам унга худди шу тарзда жавоб қайтарди.

Йигит хонага кириб келганда Элизабет, ўзимни бемалол тутишим керак, деган хулосага келганди. Ҳамманинг уларга шубҳа билан қараётгани ҳисобга олинадиган бўлса, кизнинг қарори тўғри эди. Лекин ҳеч кимнинг қизиқиши, мисс Бинглиникидек юзидан очикчасига кўриниб турмаётганди. Унинг Дарсига қизиқиши ҳали сусаймаган эди. Элизабет йигитнинг ўзини синглиси билан яқинроқдан таништиргиси келаётганини сезиб турарди. Бу мисс Бинглининг ҳам назаридан четда қолмади ва истехзо билан сўради:

– Айтганча, мисс Элиза, ***шир полкининг Меритондан кетгани ростми? Бу нарса сизларнинг оилангиз учун ҳақиқий фалокат бўлгандир-а?

Элизабет кизнинг Уикхемни кўзда тутаётганини тушунди ва йигит билан боғлиқ оғриқли воқеалар ёдига тушди. Лекин ўзини босиб олиб, лоқайдлик билан жавоб қайтарди. Шу пайт унинг кўзи тасодифан қизариб кетган Дарсининг унга тикилиб турганига ва уялганидан ерга қараб турган Жоржианага тушди. Узининг бу гапи билан кадрдон дугонасига қандай азоб беришини билганида эди, мисс Бингли асло бу саволни бермаган бўларди. Мисс Дарсининг Уикхем билан қочиб кетмоқчи бўлгани тўғрисидаги воқеани эса у эшитмаган эди.

Орадан бироз ўтиб, меҳмонлар жўнаб кетишди. Мистер Дарси уларни

кузатгани чикиб кетганда, Кэролайн мисс Беннетнинг кўринишини, ўзини тутиши-ю кўйлагигача гапириб, аламдан чикиб олди. Лекин Жоржиана унинг гапларига кўшилмади. Хохлаган бировни яхши кўриб, ҳурмат қилиши учун унга акасининг тавсияси етарли эди. Дарси хонага қайтиб келганда, мисс Бингли ҳозиргина опасига айтган гапларини Дарсига ҳам қайтарди:

– Биринчи марта уни Хартфордширда учратганимизда, у ҳаммамизнинг кўзимизга чиройли бўлиб кўрингани ёдимда. Сиз айтган гаплар шундай қулоғимнинг тагида турибди: “Шу қиз чиройлими? Мен қайтага унинг онаси одамларнинг жони-дили деган бўлардим!” Кейинчалик у сизга ёқа бошлади, шекилли, уни ҳатто келишгангина ҳам дегандингиз.

– Ҳа, – деди сабр косаси тўлган Дарси. – Бошида шундай дегандим. Лекин орадан шунча ой ўтгач, унинг мен учратган аёллар ичида энг чиройлиси эканлигига тан бердим! – Йигит мисс Бинглини ўзи суғуриб олган иқрори билан унинг юрагини яралаб, хонадан чикиб кетди.

IV БОБ

Лэмтонга келишганининг тўртинчи куни эрталаб ниҳоят Жейндан хат келди. Бу пайтда Элизабет Гардинерлар билан айлангани чикиб кетаётган эди. Хатнинг боши одатдаги гаплар, ён-агрофдагилар ҳақида эди. Хатнинг давомига эса эртаси кунги сана кўйилиб, шошиб ёзилгани кўриниб турарди, мазмуни эса куйидагича эди:

“Азизам Лиззи, бу қутилмаган ва жиддий ҳодиса юз берганда хатнинг бошини ёзиб қўйган эдим. Лекин қўрқиб кетма – биз ҳаммамиз соғмиз. Кеча кечаси, биз эндиgina уйқуга кетай деганда Лондондан полковник Форстер хат бериб жўнатган чопар келиб қолди. Хатда ёзилишича, Лидия зобитлардан бири... қисқаси, Уикхем билан Шотландияга кетиб қолибди! Бизнинг аҳволимизни куз олдинга келтиравер. Иккаласи учун ҳам тўзри келмайдиган никоҳ! Бечора онам нима қилишни билмаяпти. Отамиз тузук. Тахмин қилишларича, улар шанба куни кечаси кетишган, уларнинг йўқлигини эса кеча эрталаб соат саккизда билиб қолишган. Ўша заҳотиёқ бизнига чопар юборишган. Хатига қараганда, полковник Форстер яқин орада бу ерда бўлса керак, деб умид қиляпмиз. Лидия ўзларининг режалари ҳақида қисқагина хат ёзиб полковникнинг хотинида қолдирибди. Бошқа ёза олмайман – онам бечоранинг ёлғиз ўзини қолдириб бўлмаёпти”.

Элизабет биринчи хатни ўқиб бўлиши билан, иккинчисини очиб, куйидагиларни ўқиди:

“Сингилжоним, кеча шошилинчда ёзиб юборган хатимни олган бўлсанг керак. Лиззи, азизам, бу ерда ёмон гаплар ҳам бор ва мен сенга уларни етказишим шарт. Мистер Уикхем билан бечора Лидиямизнинг никоҳи ўхшамаган нарса бўлса ҳам, айти пайтда биз бу никоҳнинг бўлишига ишонини хоҳлардик. Чунки улар Шотландияга умуман бормаган, деган гаплар юрибди. Бизнига чопар келиб кетганидан бир неча соат ўтиб, полковник Форстернинг ўзи келди. Лидиянинг миссис Форстерга ёзиб юборган хатига қараганда, улар Гретна-Гринга кетишган бўлиши керак эди. Лекин мистер Денни кимгадир Уикхемнинг умуман Лидияга уйланиши нияти бўлмаганини айтган экан. Бу гап полковник Форстерга етиб келган ва у ўша заҳоти ваҳима қилиб, уларнинг қаёққа йўл олганларини билиши учун Брайтондан жўнаб кетган. Лиззи, ҳаммамиз жуда ёмон аҳволдамиз. Отам билан онам энг ёмон нарсани кутишмаяпти. Полковник Форстер уларнинг никоҳ ўқитган бўлишларига унчалик ишонмаяпти. Бечора онамнинг жуда мазаси йўқ, хонасидан ҳам чиқмаяпти. Отамизга келсак, мен уни бу аҳволда энди кўришим. Шароит иложи борича тезроқ қайтишларингни тақозо қиляпти. Отам ҳозир Лидияни қидириши учун полковник Форстер билан Лондонга жўнаб кетяпти. Бу шароитда тоғамизнинг маслаҳати ва ёрдами айти муддао бўларди”.

Хатни ўқиб бўлиши билан Элизабет ўрнидан сакраб туриб кетди:

– Қани, улар қани, тоғамни қаердан топай?!

Шу пайт эшик очилиб, хонага мистер Дарси кириб келди. Қизнинг оқариб кетгани ва ўзига қараб қадам ташлаганини кўриб, йигит нима қилишни билмай қолди. У Элизабетга бир оғиз гап топиб айтгунча, бутун дарди-фикри Лидияда бўлган қиз унга қараб деди:

– Узр, мен бир муҳим иш юзасидан ҳозироқ мистер Гардинерни топишим керак.

– Нима бўлди, менга айта оласизми? – ҳамдардлик билан сўради йигит ва кўшиб қўйди: – Албатта, сизни ушлаб қолишга ҳаққим йўқ. Лекин мистер ва миссис Гардинерларни топишни менга қўйиб беринг. Жуда мазаңгиз йўққа ўхшайди, бир стакан вино куйиб берайми?

– Йўқ-йўқ, миннатдорман, – ўзини зўрға босиб, деди қиз. – Менга ҳеч нарса қилмади. Мен соппа-соғман. Фақат ҳозиргина Лонгборндан келган ёмон хабар мени ташвишлантиряпти.

Бу гапларни айта туриб, қиз ўзини йиғидан тутиб тура олмади. Мистер Дарси нима қилишни билмай, қизга таскин беришга уриниб нималардир дер ва унга аянч билан термилиб турар эди.

– Мен ҳозиргина Жейндан жуда ёмон хабар олдим. Энг кичкина синглим қочиб кетибди, мистер Уикхем билан... Бу одамни билганингиз учун, бу нимани англитишини жуда яхши тушунасиз. Синглимнинг уни ушлаб қолиш учун ҳеч нарсаси йўқ, у тамом бўлди!

– Жуда ачинарли ҳол! Рост, менга ҳам ёмон таъсир қилди. Лекин худди сиз айтиб берганингиздек бўлганига аминсиз? Хатдаги ҳамма гаплар тўғримиқан?

– Улар иккаласи Брайтондан яқшанба куни тунда чиқиб кетишган. Уларнинг Лондонгача излари топилган, лекин у ёғи номаълум. Шотландияга кетишмагани эса аниқ. Отам Лондонга кетибди. Жейн хатида тоғамнинг тезроқ қайтишини сўрабди. Ахир менга у ҳақда айтишганди-ку! Уша пайтда мен бу нарсанинг олдини олишим мумкинлигини, йўқ, йўқ, кераклигини билганимда эди! Катта хато қилдим!

Дарси жим эди. Элизабет унга қараб туриб бирдан ҳаммасини тушунди: ўзининг йигит устидан ҳокимлиги тугади. Наҳотки ҳаммаси шундай оилавий шармандалик билан тугаса?! Энди иккалалари ўртасида севи тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин бўлмаган дақиқаларда, уни қанчалик қаттиқ севиб қолиши мумкинлигини бирор марта ҳам ҳозиргидек аниқ хис қилмаганди.

Дастрўмолини юзига босганча йиғлаётган Элизабетнинг қулоғига суҳбатдошининг ҳамдардлик ва саросима билан гапираётган гаплари кирди:

– Сиз менинг кетишимни кутаётган бўлсангиз керак. Мен ўзимнинг фойдасиз бўлса-да, чин дилдан ўз ҳамдардлигимни айтмасам, бу ерда туришимга бошқа баҳона топа олмайман. Сиз учун бирор нима қила олсам ёки сизнинг ғамингизни енгиллатиш учун бирор нарса дея олсам эди! Бу воқеа сабаб энди синглим сизни Пемберлида кўриш шарафига муяссар бўла олмайдими?

– Мисс Дарсига узримни айтиб қўйинг. Ундан бу воқеани яширинг, илтимос.

Йигит ҳозиржавоблик билан сирни яширишга ваъда берди ва қариндошларига ундан салом айтишни сўраб, кўзлари билан хайрлашганча, чиқиб кетди.

Элизабет Жейннинг кейинги хатини ўқигач, йигитнинг синглисига уйланиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигига амин бўлди. Бу турдаги саргузашт учун синглиси келишгангина эди. Элизабет синглисининг турмушга чиқишни хатто ўйламаган ҳолда осонлик билан уни йўлдан урган одамнинг қурбонига айланиши мумкинлигини, бирорта йигит сал гап отса ҳам ўшанинг бўйнига осилиб олишини яхши биларди. Мана шу қизга ишониб, қаровсиз қолишига рухсат берилибди!

Қиз ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўриб, ўз қулоқлари билан эши-

тиш, уйларидаги ҳамма муаммоларни ёлғиз кўтараётган опаси билан тенг бўлишиш учун тезроқ кетишни истаётган эди. Хизматкордан жиянларининг мазаси қочиб қолганини эшитган Гардинерлар хавотирланиб тезда етиб келишди. Қиз уларга ваҳимасининг сабабини тушунтириб, опасидан келган хатларни ўқиб берди. Бу гапларни эшитиб, афсус қилган мистер Гардинер ёрдамга тайёрлигини билдирди. Шу заҳоти жўнашни режалаштириб, йўл тадоригини кўра бошлашди.

– Пемберлини нима қиламиз? – хитоб қилди миссис Гардинер. – Жон мистер Дарсини шу ерда деганди. Шу тўғрими?

– Ҳа. Хавотирланманг, мен унга бора олмаслигимизни айтдим.

Улар шоша-пиша нарсаларини йиғиштира бошлашди. Бу орада мистер Гардинер меҳмонхона билан ҳисоб-китоб қилди ва улар Лонгборнга жўнайдиган экипажга ўтиришди.

V БОБ

– Мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим, – йўлга тушишгандан сўнг бироз ўтиб, Элизабетга деди мистер Гардинер, – яхшилаб мулоҳаза қилиб, Жейн айтганлари тўғри, деган хулосага келдим. Менимча, ўз полки командириникида меҳмон бўлаётган қизга зобитнинг шунчалик аблаҳлик қилиши ақлга сиғмайди. Ҳар ҳолда Уикхем Лидия билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди, деб ўйламагандир? Уикхемни шу даражада айбдор деб ўйлаш учун, бу воқеа ҳаддан ташқари одоб-ахлоқ ва ор-номус деган тушунчаларга, хатто Уикхемнинг манфаатларига ҳам зид. Лиззи, наҳотки ўзинг ҳам уни айбдор санасанг?

– Ўз фойдасига беписандлик масаласида – йўқ. Лекин қолган ҳамма нарсага нисбатан у кибрли эди. Албатта, сиз ҳақ бўлиб чиқишингизни жуда ҳам хоҳлардим. Лекин, афсуски, мен бунга ишона олмайман. Уларнинг Шотландияга боришмаганини нима билан изоҳлаш мумкин?

– Авваламбор, уларнинг у ёққа кетишмагани ҳали аниқ эмас, – деди мистер Гардинер. – Демак, бундан чикдики, уларни ҳозирча Лондонда деб ҳисоблаймиз. Бошқа сабаблардан ташқари, улар Лондонга ўзларини қидираётганлардан қочиш учун ҳам боргандир. Никоҳдан ўтишнинг осонроқ йўлини излаётган бўлишлари ҳам мумкин.

– Лекин нега яширинча? Нега беркитиб никоҳдан ўтишмоқчи? Жейннинг ёзишича, Уикхемнинг энг яқин дўсти унинг синглимга уйланиш нияти бўлмаганини айтибди. Синглим ўзининг ёшлиги, соғломлиги, енгилтаклигидан бошқа нимаси билан уни йўлдан ура олибди-ки, у уйланиш билан ўз моддий аҳволини тўғрилаб олиш имкониятини Лидия учун қурбон қилибди?

– Сенингча, Лидия ўзидан бошқа ҳеч кимни ўйламай, унга турмушга чикмай туриб ҳам бирга яшайверишга рози бўлиши мумкинми?

– Энг даҳшатлиси шуки, Лидиянинг ҳамма бирдек амал қиладиган фазилат ва ахлоқ-одоб қоидаларига қарашлари бутунлай бошқача, – кўзида ёш билан деди Элизабет. – Охири ярим йил, йўқ, бир йилча бўлди – у ўйинқулгидан бошқа нарсани билмайди. ***шир полки Меритонга келганидан бери унинг калласида фақат севги-муҳаббат, зобитлар ва хушторлар эди. Уикхемнинг ўз гаплари билан аёлларни қандай осонликча ийдира олишини эса яхши биламиз.

– Ҳа, лекин Жейн уни, Лидияни йўлдан уриши мумкин бўлган даражада ёмон эмас, деб ҳисобляпти-ку! – деди миссис Гардинер.

– Жейн ким ҳақида ёмон ўйлаган? Лекин у Уикхемнинг қандайлигини жуда яхши билади. Унинг на уяти ва на номуси борлигини ҳам.

– Сен ростдан ҳам шуларнинг ҳаммасини билармидинг? – хитоб қилди хайрон қолган миссис Гардинер.

– Ҳа, билардим, – қизариб деди Элизабет. – Мен бир пайтлар унинг мистер Дарсига нисбатан пасткашлик қилганини сизга айтиб бергандим. Унинг мисс Дарси ҳақида менга айтганларидан уни кеккайган, писмиқ ва

ёқимсиз қиз деб тасаввур қилгандим. У мисс Дарсининг кеча биз ўзимиз гувоҳи бўлганимиздек, хушмуомала ва самимий қиз эканлигини яхши билгандир ахир.

– Нахотки Лидия шу нарсаларни сезмаган? У сен ва Жейнга маълум нарсаларни ҳеч билмаган бўлиши мумкинми?

– Афсуски, ҳа! Мени эзаётган нарса ҳам шу. Кентда мистер Дарси ва унинг қариндоши полковник Фицуильям билан яқиндан танишмагунча, ўзим беҳабар эдим. Уйга қайтганимда эса ***шир полки Меритондан жўнаб кетиш арафасида экан. Лидиянинг миссис Форстер билан кетиши маълум бўлганда ҳам, унга бу гапларни айтиб қўйиш лозимлигини хаёлимга келтирмабман.

– Демак, Брайтонга жўнашаётганда улар бир-бирларига бефарқ эмаслигини сезмагансан?

– Ҳеч ҳам. Улар бир-бирини ёқтирганига ҳатто ишора ҳам йўқ эди. Тўғри, Уикхем полкка янги келганда Лидия уни севиб қолишга тайёр эди. Дарвоқе, фақат у эмас, ҳаммамиз ҳам шундай бўлгандик. Икки ойларгача Меритондаги ва ён-агрофдаги қизларнинг ҳаммаси Уикхем учун жонларини фидо қилишга тайёр эди. Лекин у Лидиянинг борлигини ҳам сезмаган.

Саёҳатчилар тунни йўлда ўтказиб, эртаси куни тушда Лонгборнга етиб келишди. Ҳовлига кираётиб улар эшик олдида каретага қараб турган кичик Гардинерларни кўришди. Элизабет каретадан сакраб тушиб, болаларни бирма-бир ўпди-да, югуриб ичкарига кирди. Ичкарида онасининг хонасидан йиғлаб тушиб келаётган Жейнни учратди. Иккаласи кучоқлашиб кўришишди ва қиз опасидан янгилик бор-йўқлигини сўради.

– Ҳали йўқ, – жавоб берди Жейн. – Лекин, мана тоғамиз келди, энди ҳаммаси изига тушиб кетар.

– Отам Лондондами?

– Ҳа, сешанба куни кетган. Ундан биттагина хат келди. Эсон-омон етиб борганини ёзиб юборибди. Яна ёзишга арзигулик бирор гап чиқмагунча, хат ёзиб ўтирмаслигини ҳам айтибди. Онам ҳам бироз ўзига келиб қолди. Сизларни кўриб роса хурсанд бўлади. Мэри билан Китти эса, худога шукур, яхши юришибди.

– Ўзинг қанақасан? Рангинг оқариб кетибди. Сен бечорага роса қийин бўлгандир?

Ҳаммалари меҳмонхонада тўпланишганда, Гардинерларга ҳам Жейн бор гапни айтиб бергач, миссис Беннетнинг хонасига киришди. У меҳмонларни кўзларида ёш, ҳаммадан гина қилиб кутиб олди.

– Брайтонга ҳаммамиз боришимизга кўндира олганимда эди, шу гап-лар бўлмасди, – деди у. – Бечора Лидияга ғамхўрлик қиладиган ҳеч ким бўлмаган. Ахир Форстерлар унга доим кўз-қулоқ бўлиб туришлари керак эди-ку? Бечора болажоним! Энди мистер Беннет ҳам бизни ташлаб кетди, биламан, Уикхемни топган заҳоти у билан муштлашади ва уни ўлдиришади. Унинг танаси совигунча эса Коллинзлар бизни ташқарига улоқтиришади!

Ҳаммалари бир бўлиб унинг ғамгин тахминларини йўққа чиқаришди. Опасини уни ва унинг оиласини жуда яхши кўришига ишонтирган мистер Гардинер эрталаб Лондонга жўнаши ва Лидияни топишда мистер Беннетга ёрдам беришини айтди.

– Ғамга ботиб ўтиришимиз керак эмас. Лекин энг ёмон нарсага ҳам тайёр туриш керак, – деди мистер Гардинер. – Улар Брайтондан кетишганига ҳали бир ҳафта бўлгани йўқ. У Лидияга уйландими ёки йўқлигига амин бўлмаганимизча, саросимага тушмаслигимиз шарт. Лондонга етиб келишим билан мен Беннетни Грейсчёрч-стритга кўчириб келаман ва нима қилишимизни яхшилаб келишиб оламиз.

– Оҳ, укажоним! – хитоб қилди миссис Беннет. – Сиздан шунга кутаётгандим. Илтимос, уларни қаердан бўлса ҳам топинг, шундай қилингни, улар никоҳдан ўтишсин. Яна Лидияга айтингни, менинг маслаҳатимсиз никоҳ қўйлагига буюртма бериб қўймасин.

Мистер Гардинер кўлидан келадиган ҳамма ишни қилишга ваъда берди ва шу билан бирга бу ҳақда камроқ ўйлашни ҳам маслаҳат берди.

Емакхонада улар ҳали келишганидан бери кўришмагани – Мэри билан Киттини учратишди. Улардан бири эндигина китобдан, бошқаси эса пардоз столдан бошини кўтарган эди. Мэри Элизабет ўтириши билан унинг ёнига ўтириб, маънос овоз билан деди:

– Қандай кутилмаган фалокат! Роса гап-сўз бўлади энди! Лекин биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, маҳкам туришимиз керак.

Элизабетнинг жавоб бермоқчи эмаслигини кўриб, гапида давом этди:

– Лидия билан бўлган бу бахтсиз воқеадан биз хулоса чиқариб олишимиз керак. Булар: қиз бола учун ор-номусини йўқотиш тузатиб бўлмас гуноҳ; унинг номи қанчалик тоза бўлса, шунчалик нозик.

Элизабет синглисига ҳайрон бўлиб қаради, лекин индамай қўя қолди.

Кечқурунга бориб Жейн ва Элизабет ярим соатгина ёлғиз ўзлари қолишга эришдилар. Вақтдан фойдаланиб, Элиза опасидан ўзини қизиқтирган саволларни сўради ва Жейн ҳам берилиб ҳамма саволларга батафсил жавоб берди.

– Жейн, ҳали менга ҳаммасини айтиб берганинг йўқ. Бу воқеага отамиз қандай қаради? Лидия билан Уикхем қочиб кетишгунча Форстерлар ҳеч нимани сезишмаган эканми?

– Полковник Форстер уларнинг бир-бирларига интилишларини сезган, лекин ваҳима қиларли ҳеч нарсани сезмаган. У қочоқларнинг Шотландияга кетмаганликларидан хабар топгунча ҳам бизникига келмоқчи бўлган экан. Уларнинг у ерга кетганликларига шубҳа туғилгани заҳоти эса, етиб келибди.

– Денни Уикхемнинг Лидияга уйланмаслигига амин эканми? Уларнинг қочмоқчи бўлишганини билган эканми? Полковник Форстер Деннинг ўзини кўрибдими?

– Ҳа. Лекин полковник билан гаплашганда у ёшларнинг қочмоқчи бўлишганини билганини айтмаган. Мен ўзим Лидиянинг бахтидан хавотирда эдим, чунки Уикхемнинг ахлоқи яхши эмаслигини билардим. Отам ва онам эса бу никоҳ ақлдан эмаслигини айтишди. Бирдан, Китти Лидия унга ёзган охириги хатида унга ўз режаси ҳақида гапирганини айтиб қолди: у Лидия билан Уикхемнинг бир неча ҳафтадан бери бир-бирларини яхши кўриб юришганини билар экан.

– Бу улар Брайтонга кетишгандан кейин бошланган эканми?

– Менимча, шундай бўлса керак.

– Полковник Форстер Уикхем ҳақида жуда ёмон фикрдами? У йигитнинг қандайлигини энди билибдими?

– Очиги у Уикхемни олдингидек мақтаб гапирмади. Бу гаплардан кейин, Уикхемнинг Меритонда кўпчиликдан қарздор эканлиги ҳам маълум бўлиб қолди.

– Полковник Форстер Лидиянинг хотинига ёзган хати ҳақида нима деди?

– У хатни бизга бериш учун олиб келган экан. – Жейн китоб орасидан хатни олиб Элизабетга узатди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

“Азизам Харриет.

Мен қаерга кетганимни билсанг, кулавериб йиқилиб қоласан. Ўзим ҳам, эрталаб турганимда менинг йўқолиб қолганимни сенга айтишишганда қандай ҳолатга тушишингни тасаввур қилиб, кулавериб ўлиб қолай деяпман. Мен Гретна-Гринга жўнаб кетаяпман, агар қим биланлигини ҳали сезмаган бўлсанг, унда сени тентак деб ҳисоблайман, чунки дунёда мен севадиган инсон битта ва бу инсон – фаришта. Менинг қочиб кетганимни Лонгборндагиларга айтмай қўя қол. У ҳолда улар менинг “Лидия Уикхем” деб қўл қўйган хатимни олиб, баттар ҳайрон бўлишади.

Кўришигунча. Полковник Форстерга мендан салом!

Сенинг содиқ дугонанг Лидия Беннет”.

– Беғам, беғам Лидия! – хитоб қилди Элизабет. – Ҳаётидаги шундай жиддий воқеа ҳақида ҳам шунақа хат ёзадими?

– Отам ўн дақиқача нима дейишни билмай жим бўлиб қолди. Онамнинг эса дарров мазаси қочиб уйда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Мэри ва Китти ўзларини жуда яхши тутишди.

Элизабет опасидан отаси Лондонда нима қилмоқчи бўлганини сўради.

– Менимча, улар охириги марта отларини алмаштирган Эпсомга бориб, извошлардан бирор нарса аниқламоқчи эди. Мақсади уларни Клэпхемдан олиб кетган извошнинг номерини билиш эди. Ушаниси Лондондан ким биландир келган экан. Отам бундай тасодиф, яъни бир йигит ва қизнинг бир извошдан иккинчисига ўтиши сезилмай қолиши мумкин эмас деб ўйлаб, Клэпхемга кетмоқчи бўлди. Агар извошчи у одамларни қайси уйнинг олдида туширганини эсласа, айти уйга бормоқчи эди.

VI БОБ

Эртаси куни ҳамма мистер Беннетдан албатта хат келишини кутаётганди. Оила аъзолари унинг одатда хат ёзишни ёқтирмаслигини билишарди. Балки хабар берадиган ҳеч қандай яхши гап йўқдир, деб ҳам ўйлашди. Хат кутиб ушланиб турган мистер Гардинер жўнаб кетди. Миссис Гардинер ёрдамим керак бўлиб қолар деб Хартфордширда яна бир неча кун қолишга қарор қилди.

Уикхемнинг бу ерда деярли барча дўконлардан қарздор эканлиги маълум бўлиб қолди. Қишлоқда бўлаётган гап-сўзлар Элизабетнинг энди синглисининг номига доғ тушади, деган хавотири бежиз эмаслигини исботларди.

Мистер Гардинер Лонгборндан якшанба куни жўнаб кетганди. Сешанба куни эса у хотинига хат ёзиб юборди. Хатда мистер Беннетни топгани ва уни уйига кўчириб келгани тўғрисида ёзилган эди. Хатнинг охирида яна кўшимча бор эди:

“Мен полковник Форстердан бу йигитнинг таниш-билишларидан унинг Лондонда бирор таниши ёки қариндоши бор-йўқлигини билиб беришни илтимос қилдим. Аниқ ишонаманки, полковник бизга ёрдам бериш учун қўлидан келадиган ҳамма нарсани қилади. Лекин ҳаёлимга бировлардан кўра Лиззининг ўзи йигит бориши мумкин бўлган қариндошларининг номини билиши мумкин-ку, деган фикр келди”.

Элизабет нима учун мистер Гардинернинг ҳаёлига бундай фикр келганини дарров тушунди. Лекин у ҳам Уикхемнинг бир неча йиллар бурун ўтиб кетган ота-онаси томондан қариндошлари ҳақида ҳеч нарса эшитмаганди.

Одамни энг эзадиган пайт – хат ташувчининг келишини кутиш бўлиб, хат олишлари катта воқеа эди. Хатлардан қидириш ишларининг яхши ёки ёмон кетаётганини билса бўлар, ҳар бир кун эса энг муҳим хабарни олиб келиши мумкин эди. Лекин бир куни мистер Гардинернинг навбатдаги хатини олишларидан бурун, мистер Коллинздан хат келди.

“Хурматли сэр! Биз кеча Хартфордширдан олган хат орқали эшитганимиз – сизнинг ошлангизда содир бўлган воқеа туфайли сизга таъзиямни изҳор қилишни ўз бурчим деб биламан. Бошингизга тушган бу қайғу жуда оғир бўлса керак, чунки бу воқеанинг асоратларини вақт билан даволаб бўлмайди. Агар қизингиз вафот этганда эди, унинг қайғуси ҳозирги воқеалар бошингизга солган қайғудан енгилроқ бўларди. Ундан ҳам оғирроғи, бу воқеаларнинг сабаби – мен эшитганим Сизнинг қизингизнинг бузуқлиги унинг тарбиясида йўл қўйилган бепарволик орқасидан эканлигини тан олиш бўлса керак. Бу фикримга фақат миссис Коллинз эмас, мен орқали бу гаплардан хабар топган леди Кэтрин ва мисс де Бёрлар ҳам қўйилишилади. Улар яна менинг қизларингиздан бирининг нотўғри қадами орқасида бошқа қизларингиз ҳам ёмонотлиққа чиқади, деган хавотиримга ҳам қўйилишиаяпти. Бу фикр ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган воқеани ёдимга солди. Агар ўша пайтда ишларимиз бошқача бўлганда, мен ҳам ҳозир Сиз билан бир қаторда Сизнинг гамингизга ва Сизнинг шармандалигингизга

шерик бўлган бўлардим. Сэр, яна бир марта ҳамдардлгимни билдиришга ҳамда қизингиз бир умр ўзининг бузуқ ахлоқининг меваларини тотиши учун уни тоабад оқ қилишингизни маслаҳат беришга ижозат беринг.

Ҳурмат билан... ҳ.к.э”.

Полковникнинг аниқлашича, Уикхемнинг эски танишлари жуда кўп бўлиб, полкка келгач йигит улар билан мулоқотни давом эттирмаган экан. У нафақат Лидиянинг қариндошларидан беркиниб юрибди, балки бунинг яна бошқа сабаблари ҳам бор эмиш: Брайтонда қартада ютказган бўлиб, полковникнинг фикрича, унинг қарзларини ёпиш учун минг фунтдан ортиқроқ керак экан.

Мистер Гардинер хатида мистер Беннетнинг эртаси куни қайтиб кетаётганини ҳам қўшиб қўйганди. Миссис Гардинер болалари билан уйига қайтишни ўйлаб турган эди, мистер Беннет келишини эшитиб, Лонгборндан мистер Беннетни олиб келиш учун юбориладиган экипажда кутиб олмоқчи бўлди. У Лэмтондан қайтишганидан бери бош қотираётгани – Элизабет билан унинг дербиширлик дўсти ўртасида қандай муносабат бўлиши мумкин, деган саволга жавоб топа олмай кетаётган эди. Элизабет биринчи бўлиб унинг номини тилга олмасди.

Мистер Беннет Лонгборнга қайтиб келганда одатдагидан кўпроқ гапирмади, уни Лондонга боришга мажбур қилган сабабларни ҳам тилга олмади ва қизларнинг ҳам анчагача бу ҳақда оғиз очишга ҳаддилари сиғмади. Тушликдан кейин чой ичишаётганда Элизабет отасига бошига тушган муаммолар учун ҳамдардлик билдириб айтган гапларига мистер Беннет куйидагича жавоб берди:

– Бу ҳақда гаплашмаймиз. Бу ишларнинг айбдори фақат мен ва мен жавоб бераман.

– Ўзингизни бунчалик айбламанг.

– Йўқ, Лиззи, ҳаётимда бир марта бўлса ҳам ўз айбимни ҳис қилишим учун менга изн бер. Қўркма, бу мени букиб қўймайди. Бундай туйғулар тез ўтиб кетади. Май ойида мени огоҳлантириб қўйганинг учун сендан хафа эмасман. Айтганларинг ҳаммаси тўғри чикди.

VII БОБ

Мистер Беннет қайтиб келганидан икки кун ўтиб, Жейн билан Элизабет уйлариининг орқа томонидаги дарахтзорда айланиб юришар экан, югуриб келаётган хизматчи аёлни кўришди. Уларнинг олдига етиб келгач у Жейнга қараб деди:

– Кечирасиз, хоним, Лондондан яхши хабарлар бор бўлса, мен ҳам эштай, деб келгандим.

– Хилл, нимани кўзда тутаяпсиз? Лондондан ҳеч қандай хат олганимиз йўқ.

– Хоним, бу нима деганингиз? – хайрон бўлиб сўради миссис Хилл. – Сиз ҳали мистер Гардинердан чопар келганини эшитмадингизми? У мистер Беннетга нимадир олиб келди.

Янгиликни тезроқ эшитишга ошиқиб, қизлар уйга қараб югуришди. Холлдан ўтиб аввал ошхонага қарашди, сўнг кутубхонага, у ерда оталарининг йўқлигини кўриб, оналарининг хонасига бормоқчи бўлишаётганда уларни эшик оғаси тўхтади:

– Хўжайинни қидираётган бўлсангиз, дарахтзорга боринглар – у ҳозиргина ўша ёққа кетди.

Қизлар оталарига етиб олиш учун гулзор оралаб югуриб кетишди. Жейн орқада қолиб кетди, Элизабет эса кела солиб, ҳансираганча отасини саволга тутди:

– Отажон, нима гаплар? Янгиликлар борми? Гардинер амакимдан хабар борми?

– Ҳа, у чопардан хат бериб юборибди.

– Нималар ёзибди? Яхши гапми ёки ёмонми?
– Ҳозир биз яхши хабар келадиган аҳволдаммизми? – пальтосининг чўнтагидан хатни чиқараётди деди мистер Беннет. – Қизиксанг, балки ўқиб чиқарсан.

Элизабет хатни шоша-пиша олаётганда Жейн ҳам етиб келди.

– Овозингни чиқариб ўқи-чи, – сўради мистер Беннет. – Нима дейилганига зўрға тушундим.

“Грейс-чёрч стрит, душанба, 2 август.

Ҳурматли мистер Беннет.

Ниҳоят жияним борасида сизни биров тинчлантирадиган хабарни айтишим мумкин. Сиз шанба куни жўнаб кетганингиздан сўнг мен улар Лондоннинг қайси бурчагида яширинганларини билишга муваффақ бўлдим ва иккаласини ҳам кўрдим. Улар никоҳдан ўтишмаган экан ва ҳеч қандай тайёргарлик ҳам йўқ. Лекин, айтган шартларига рози бўлсангиз, яқин орада тўй бўлади. Сиздан талаб қилинадиган нарса битта – ота-онаси ўтиб кетгандан кейин Сизнинг фарзандларингизга қоладиган беш минг фунтнинг бешдан бир қисмини Лидияга қолдиришингизни ва Сизлар туриклингизда қизингизга йилига юз фунт тўлаб туришингизни ёзма тарзда тасдиқлаб бериши. Бўлиб ўтган гаплардан кейин, менга ишониб топширган ваколатингиздан фойдаланиб уларнинг шартига рози бўлдим. Айтганларим мистер Уикхемнинг ишлари у қадар пачава эмаслигига сизни ишонтиради, деб умид қиламан. Бу ўринда ҳамма адашган – у ҳамма қарзларини тўлаган тақдирда ҳам унда Лидиянинг пулларига қўшиб қўядиган пул ортиб қолади. Агар, сиз бу шартларнинг ҳаммасига рози бўлсангиз, мен тезликда сизнинг номингиздан Хагерстонга керакли қозоғларни тайёрлашни топшираман. Жавобни тезроқ ёзиб юборинг ва иложи борича фикрингизни аниқроқ ифодаланг. Бу ерда – сиз албатта рози бўлишингизга ишонаман – жияним черковга бизникидан кетади, деб қарор қилдик.

Сизнинг Эдв.Гардинер”.

– Хатга жавоб ёздингизми? – сўради Элизабет.

– Йўқ ҳали. Лекин тезроқ ёзишим керак.

– Отажон, илтимос, тезроқ ёзинг. Бундай ишларда сусткашлик қилиб бўлмаслигини ўзингиз жуда яхши биласиз-ку.

– Агар жавоб ёзишни хохламаётган бўлсангиз, сизнинг номингиздан мен ёза қолай? – таклиф қилди Жейн.

– Албатта, хохламаяпман, – жавоб берди мистер Беннет. – Лекин, афсус, хатни ёзиш керак.

Шу гаплар билан улар уйга киришди.

– Отажон, сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим... Сиз айтилган шартларни қабул қиласизми? – сўради Элизабет.

– Қабул қиламанми? Шунчалик кам сўраганидан унинг учун мен уялиб кетаяпман.

– Ва Лидия унга тегиши керак! Унинг шундай одамлигига қарамай!

– Ҳа, унга тегиши керак. Энди ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Лекин мен иккита нарсани тушунишни хоҳлардим. Биринчиси, тоғангиз унга неча пул тиқиштирганикин, иккинчиси, мен бу пулларни унга энди қандай қилиб қайтараман?

– Пул? Тоғамга? Нимани кўзда тутаяпсиз? – хайрон бўлди Жейн.

– Ақли бор бирорта йигит ҳам йилига келадиган аллақандай юз фунт ва мен ўлганимдан сўнг келадиган беш минг фунт учун Лидияга уйланмас эди.

– Ростдан. Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келмабди. Қарзлардан қутулиб, яна қолар ҳам эмиш. Албатта, бу иш тоғамсиз битмаган бўлса керак. Тоғамиз қандай сахий-а!

Мистер Беннет жавоб бермади ва ҳаммалари ўз ўйлари билан банд бўлганча уйга киришди.

– Наҳотки улар никоҳдан ўтишади? Бахтли бўлишга заррача умид

бўлмасдан ва эрининг ҳамма камчиликларига қарамай – тўй бўлади! Гап-сўзларнинг олдини олишнинг ягона йўли!

– Мен эса, – деди Жейн, – Лидияда кўнгли бўлмаганда, у ҳеч ҳам уйланмасди, деб ўзимни овутияпман. Яна агар тоғамиз унга ёрдам берган тақдирда ҳам, бу ўн мингга ва ҳатто шунга яқин бўлишига ҳам ишонгим келмаяпти.

Гап шу ерга келганда қизлар оналарининг ҳали хат келганидан хабари йўқлигини эслаб, оталаридан унга айтиш керак-керакмаслигини сўраш учун кутубхонага киришди. Мистер Беннет ҳали хатини тугатмаган эди. Бошини кўтармай, бефарқ овозда деди:

– Ўзингиз биласиз.

– Онамга ўқиб бериш учун хатни олсак майлими?

– Хоҳлаган нарсани олиб, мени тинч қўйинглар.

Элизабет стол устидан хатни олгач, Жейн иккаласи юқорига югуриб кетишди. Яхши хабарлар келганини айтишгандан кейин, хатни баланд овозда ўқиб чиқишди. Жейн мистер Гардинернинг тўй ҳақидаги гапларига келганда миссис Беннетнинг юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди ва борган сари бу ифода кучая борди. Унга қизи турмушга чиқиши тўғрисидаги хабарнинг ўзи етарли бўлиб, қизининг ҳаёти ўнгланиши учун қилинган ҳаракатлар, қизининг енгилтаклигидан афсусланиш ҳаёлига ҳам, келмаётган эди.

– Лидия, қизалоғим! – хитоб қилди миссис Беннет. – Қандай ажойиб! Ўн олти ёшида турмушга чиқаяпти! Қизимни қанчалик кўргим келаётганини билсангиз эди! Уикхемни ҳам!

Кайфияти баланд миссис Беннетнинг миясида янги режалар пайдо бўла бошлаган эди.

– Ҳозир кийиниб бўлиб, янгиликларни айтиш учун Меритонга, Филипсникига бораман. Қайтаётганда эса Лукасларникига ва миссис Лонгларникига кириб ўтаман.

Икки соатгина бурун қандай кўрқувда ўтиришганини ўйлаб, Элизабет бу воқеанинг шундай якунига ҳам шукур қилди.

VIII БОБ

Мистер Беннет анча пайтдан бери тушумларидан оз-оздан жамғариб қўйишни ўйлаётган эди. Шундай қилган тақдирда бироз пул тўплаб қизларини ва агар яна қоладиган бўлса хотинини ҳам таъминлаб қўйган бўларди. Агар у бурунроқ шу ишни қилганида қанчалик ақлли иш тутган бўлишини тушунаётган эди. Қизи Лидиянинг шубҳали бахтининг тўловини қайниси тўлаганини мистер Беннет ҳеч ҳазм қила олмаётган эди.

Мистер Беннет янги уйланган пайтда, меросхўр туғилади, деган фикр билан, пул тежаш ҳақида ўйламаган ҳам эди. Уғил туғилган тақдирда, балоғат ёшига етгач, ер-мулкни ўз номига расмийлаштириб, онаси ва ўзидан кичик фарзандларнинг келажагини таъминлаган бўларди. Лекин, бахтга қарши, кетма-кет қиз туғилиб, ўғилдан дарак бўлмади. Ахири бир кун келиб умидлари пучга чиққан, лекин энди пул жамғаришга кеч бўлган эди. Миссис Беннет ва унинг фарзандлари учун никоҳ шартномаси бўйича беш минг фунт ўтказилган эди. Аини пайтда, Беннетлар олдида ҳозир Лидия учун ушбу муаммони ҳал қилиш масаласи турарди. Қилган яхшилиги учун қайнисига ўз миннатдорлигини билдирган ҳолда, мистер Беннет унинг номидан қайниси ўз устига олган мажбуриятларни бажаришига розилигини билдирди. У хатини бир зумда ёзиб тугатди. Лидиядан шунчалик ғазабда эдики, у ҳақида бирор оғиз ҳам сўз айтмади.

Ушбу байрамона кунда миссис Беннет ахири ўз хонасидан чиқиб, овқат тепасида ўзи бош бўлиб ўтирди. Унинг фикри-зикри ҳозир фақат тўй маросими, кийим-кечаклар, кареталар, янги хизматчилар билан банд эди. У туганмас бир ғайрат билан қизи тўйдан кейин яшаши учун яқин

атрофдан уй қидира бошлади. Бир куни мистер Беннет ўзлари ёлғиз қолишганида хотинига деди:

– Миссис Беннет, қизингиз ва унинг эри учун шу уйлардан бирини ёки ҳаммасини ижарага олишингиздан аввал иккаламиз бир нарсани аниқ келишиб олишимиз керак: улар биз билан бир жойда яшамайди. Мен уларнинг Лонгборнга келавериш, жонимга тегишларини асло истамайман!

Миссис Беннет эрининг бу гапига роса қаршилиқ кўрсатди, лекин бефойда. Миссис Беннет нима дейишни билмасди. Қизининг эрга тегаётиб қилиниши лозим бўлган ҳамма нарсадан нима учун мосуво бўлаётганини тушунишга унинг ақли ноқислик қиларди.

Элизабет асабийлашиб турганида мистер Дарсига Лидиянинг тақдиридан хавотир олаётганини айтиб юборганидан энди афсусда эди. У ўзи ҳам нималигини билмаётган нарсасини йўқотганидан юраклари чок-чокидан сўкилиб кетаётгандек эди. Дарси билан ёнма-ён биргалликда бахтли ҳаёт кечиришлари мумкин бўлганини қиз энди, у билан кўришишларига ҳеч қандай умид қолмаганда, тушуниб етганди. Элизабет ўз табиати билан, қизиқишлари билан айни шу йигит унга мос келишига энди ақли ета бошлаган эди. Йигитнинг ўзиникидан юқорироқ бўлган ақли, табиати унинг талабларига жавоб берарди. Иккаласининг бирлашуви ҳар бири учун ҳам яхши бўлган бўларди. Аммо инсониятга асл эр-хотинлик бахти нималигини исботлаб берадиган бу никоҳнинг бўлиши насиб қилмаган экан!

Тез орада мистер Беннет мистер Гардинердан хат олди. Хатни ёзишдан мақсади мистер Уикхем полкдан кетишга қарор қилгани экан:

*“Мистер Уикхем доимий армияга киришни режаслаштираяпти. Дўстлари орасида бу борада ёрдам бера оладиган одам бор экан. Унга шимолда жойлашган генерал ***нинг полкида прапоришк унвонини ваъда қилишаяпти. У ўзини яхши тутиб юришга ваъда бераяпти, мен ҳам улар ўзларини муносиб тутиб юришлари шарт бўлган янги муҳитда ақллари кириб қолади, деган умиддаман. Ишларимиз қандай кетаётгани ҳақида полковник Форстерга ёзиб юбордим ва ундан Брайтон ва бошқа яқин-атрофдаги Уикхемга пул қарз берган одамларни, яқин орада пуллари қайтарлишини айтиб, тинчлантириб қўйишни, бу борада ҳамма жавобгарликни ўз бўйнимга олишимни тўқатишни сўрадим. Балки, сиз ҳам унинг Меритондаги кредиторларини шу гапга ишонтирарсиз. Уикхемдан олган рўйхатимни сизга юбораяпман. Миссис Гардинернинг айтишича, Лидия жўнаб кетишидан олдин сизни жуда кўргиси келаётган эмиш. Сизнинг Э.Гардинер”.*

Мистер Беннет аввалига Лидиянинг шимолга кетишдан олдин уйдигилар билан кўришиш сўраб қилган илтимосини рад қилди. Лекин сингилларига ачинган Жейн ва Элизабет, оталарига ялиниб, эркаланиб, ундан Лидиянинг шимолга кетишидан олдин Уикхем билан бирга уйга келиб кетишига рухсат беришни сўрашди. Ахири мистер Беннет розилиқ берди. Оналарининг ҳам куёви билан қўни-қўшнилар олдида кўриниш бера олишидан боши осмонга етди. Мистер Беннет розилигини билдириб, қайнисига хат ёзиб юборди.

IX БОБ

Ёшлар учун жўнатилган экипаж ахири келин-куёвни олиб келди. Бутун оила кутиб олиш учун меҳмонхонага тўпланди. Уй олдида экипаж келиб тўхтаганда миссис Беннетнинг юзларига кулги ёйилди, мистер Беннет жуда жиддий, қизлар эса ҳаяжондан ўзларини ноқулай сезишаркан эди.

Ташқаридан Лидиянинг овози эшитилди ва эшик ланг очилиб у хонага югуриб кирди. Онаси унга қараб қучоғини очганча югурди. Сўнг мулоимгина жилмайиб Уикхемга қўлини узатди ва шундай бўлиши аниқдек, иккала ёшга бахт тилади. Онасидан кейин улар мистер Беннетга

яқинлашишди. Лекин у хотиничалик хурсандлигини изҳор қилмади. Элизабет хайратда, ҳатто Жейн ҳам хайрон эди: Лидия олдинги Лидиялигича қолган эди – сурбет, ақлсиз, тиниб-тинчимас ва мактанчок.

Янги келин онаси билан гаплашиб тўймас эди. Элизабетнинг ёнида ўтириб қолган Уикхем эса ўзининг хартфордширлик танишлари тўғрисида шунчалар бепарволик билан сўраб эдики, қиз унинг саволларига жавоб беришга ожиз қолди. Лидия эса суҳбат мавзусини опалари улиб қолса ҳам яқин келмайдиган мавзуга бурмоқчи бўларди.

– Айтганча, онажон, бу ерда менинг эрга текканимни ҳамма биладими? Мен бу гап ҳаммага етиб бормаган бўлса-я, деб роса кўрқдим.

Вақти келиб Лидияда жиндек уят пайдо бўлар, дея умид қилиш қийин эди. Аксинча, у баттароқ сурбет ва манман бўлган эди.

– Хўш, онажон, менинг эрим сизга ёқаяптими? – онасидан сўради қиз. – Ажойиб-а? Опаларимнинг менга роса ҳасадлари келаяпти. Улар ҳам Брайтонга боришлари керак. Мана, қаердан эр қидириш керак!

– Бўлмасам-чи! Агар менинг қўлимда бўлса, ҳаммамиз борган бўлардик. Лекин, Лидия, рости сен у ердан қай ҳолда кетиб қолганинг менга ёкмади. Шундай қилиш шартмиди?

– Вой, албатта-да! Нима қилибди? Шуниси қизиқ-да! Энди отам иккалангиз, опаларим бизни кўргани боришларинг керак. Биз бутун қиш бўйи Нью-каслда яшаймиз, у ерда опаларимнинг ҳаммасига йигит етади, қиш тугагунча, мен уларнинг ҳаммасига эр топиб бераман.

Ешларга бир қарашнинг ўзиёқ, қочиш фикри Уикхемдан эмас, Лидиядан чиққанини тасдиқлаб турарди. У Уикхемдан боши осмонда бўлиб, уни “азизим Уикхем” деб аташ учун ҳар бир баҳонадан фойдаланаётганди. Бир куни, иккала катта опаси билан ўтирган Лидия Элизабетга деди:

– Ҳали биз қандай турмуш қурганимизни билмайсан-а? Қандай бўлганини сенга айтиб берайми? Биз авлиё Климент черковида никоҳдан ўтдик, Уикхемнинг уйи ўша ерда. Мен тоғам ва холам билан боришим керак эди, қолганлар эса бизни черковнинг олдида кутишларига келишилган эди. Душанба куни мен роса ҳаяжонландим – худди нимадир бўладигандек, худди тўйни қолдиришадигандек. Карета келганда, тоғамни мистер Стоун чақириб қолди. Биласан-ку, иккаласи топишса охири кўринмайди. Бахтимга бироздан сўнг тоғам бўшаб биз йўлга тушдик. Кейин эсимга тушди: тоғам ушланиб қолса ҳам унинг ўрнига мистер Дарси бор эди-ку!

– Мистер Дарси? – хайрон бўлиб қолди Элизабет.

– Ҳа, мистер Дарси. У Уикхем билан келиши керак эди. Вой, ёдимдан кўтарилибди, буни айтиш мумкин эмасди-ку! Сўз бергандим. Энди Уикхем нима дейди? Бу сир эди-ку!

– Агар бу сир бўлса, бошқа гапирма, – деди Жейн. – Биз сени айт, деб мажбурламаймиз.

Савол беришдан ўзини зўрға ушлаётган Элизабет узоқроқ кетишни маъқул кўрди. Дарси сингисининг тўйига келган! Турли-туман фаразлар қизнинг хаёлидан кетмай қолди. Тезда қоғоз олиб, миссис Гардинердан Лидиянинг оғзидан чиқиб кетган гапни тушунтириб беришни сўради:

“Бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ ва бизнинг оилага бутунлай бегона бу одамнинг шундай пайтда сизлар билан бирга бўлиши сабаби мен учун қанчалик қизиқлигини тасаввур қилаётган бўлсангиз керак, – дерди Элизабет. – Илтимос, агар Лидия айтгандек бу сир бўлмаса, менга гап нимадалигини тушунтириб беринг. Акс ҳолда азобда қоламан”.

Х БОБ

Элизабетнинг бахтига жавоб хати жуда тез келди. Хатни олиши билан қиз уни топишлари мушкул бўлган дарахтзор орасига кириб кетди-да, бахтли дақиқалардан олдиндан ҳузур қилиб ўриндиқлардан бирига ўтирди-да хатни ўқий бошлади:

Грейс-чёрч-стрит, 6 сентябрь

Азиз жияним,

Ҳозиргина хатингни олдим. Очиғи, сендан хат кутмагандим. Тоғанг мендан баттар хайрон. Лекин чиндан ҳам сенинг ҳеч нарсадан хабаринг бўлмаса, мен сенга аниқроқ қилиб тушунтириб бераман. Лонгборндан

қайтиб келган куним мистер Дарси келган экан. Унинг бизникига келишдан мақсади, синглинг билан Уикхемни топангани билдириб қўйиши экан. У ёшлар билан аллақачон кўришиб, бир неча марта гаплашиб ҳам олган экан. Ўз хатти-ҳаракатини уни деб Уикхемнинг пасткашлиги вақтида ҳаммага очиб ташланмагани, акс ҳолда ёш қизлар у билан қизиқмаган бўлишларини тушунтирди. Шунинг учун бу ишга аралашиб, унинг эътиборсизлиги орқасида сизларга етказилган зарарни қоплашни ўзининг бурчи, деб билибди. Бир пайтлар мисс Дарсига гувернантка бўлган миссис Янг исми аёл бор экан. Дарсининг айтишича, бу аёл Уикхемни яхши танир экан. Шунинг учун у шаҳарга келиши билан ўша аёлликка бориб ундан ёшларнинг ***стритда яшаётгани бўлибди. Мистер Дарси олдин Уикхем билан кўришган, кейин эса Лидия билан гаплашган. Унинг айтишича, агар ота-онаси рухсат берган тақдирда Лидияни уйга қайтишига кўндирмоқчи бўлган ва ўз ёрдамини аямаслигини айтган. Лидия эса қарори қатъийлигини айтиб, унинг ёрдамидан воз кечибди. Шундан сўнг мистер Дарси уларнинг никоҳ масалаларини тезлаштиришига қарор қилибди. Уикхем истеъфоза чиқмоқчи бўлгану, келажакини эса ҳали ҳал қилмаган, қаергалиги номаълуму, кетишни режаслаштираётган экан. Уикхемнинг жавобларидан у янги жойда уйланиб, шунинг орқасидан ишларини йўлга қўйиб олишни режаслаштиргани маълум бўлибди. Унинг бу аҳволида унга қилинаётган – ҳамма ишларини бирданга ҳал қилиб берадиган таклифдан воз кечиши қийин экан. Улар бир неча мартаба учрашиб, ҳамма нарса келишиб олинган, мистер Дарси бу хабарни етказиши учун бизникига келибди. Шанба кuni тоғанг иккаласи ўртасида узоқ суҳбат бўлиб ўтди. Улар жуда кўп тортишишиди (бу гаплар тегишли бўлган одамлар бунга арзимаса ҳам). Ахири тоғанг ён беришига мажбур бўлди ва ўзи хоҳламаган тарзда фақат яхшилик қилаётган одамдек туриб берадиган бўлди. Уикхемнинг минг фунтдан ҳам ошиб кетган қарзини тўлаш керак эди. Яна минг фунт ўзиникига қўшиб Лидиянинг номига ўтказилди. Ҳамма ишлар ҳал бўлгач, мистер Дарси никоҳ кuni қолган пул масалаларини ҳам ҳал қилиб олиши учун яна Лондонга келадиган бўлиб, уйга қайтиб кетди. У келишилган вақтда етиб келди ва эшитганигдек, никоҳ маросимида қатнашди. Лиззи, азизам, вақтдан фойдаланиб менга мистер Дарси қанчалик ёққанини айтиб қўймоқчиман. Унга етишмаётган нарса фақат ҳаракатлари сал сустлигида, агар яхши умр йўлдоши учраса, бу тузатса бўладиган одат. Илтимос, мени подадан олдин чанг чиқараяпти, деб ранжима. Жуда бўлмаганда мен Пемберлига келганимда юзимга эшикни ётиб қўядиган даражада ранжима. Мен у ерда бутун паркни айланиб чиқмагунча, тинчмайман. Менимча, бунинг учун бир жуфт пони отга қўшилган фаэтон тўғри келади. Бошиқа ёза олмайман – болаларга қарашим керак. Ҳурмат билан М.Гардинер”.

Бу хат Элизабетнинг кўнглида ғалаён кўтарди. Бу ғалаён ҳам қувончдан, ҳам аламдан эди. Мистер Дарсининг Лидиянинг турмушга чиқишидаги ўрни борасидаги тахминлари бутунлай тасдиқланди: ўзи кўришни ҳам истамаган, номини тилга олишдан нафратланадиган инсон билан бир неча марта кўришиб, унга пора бериб, сотиб олган. Элизабетнинг юраги булар ҳаммаси унинг учун қилинганини айтиб турарди. Лекин қиз ҳозирда йигитнинг бир пайтлар унга рад жавоби берган қизга бўлганчалик муҳаббатига умид қилишга ҳақким йўқ, деб ўйлаётгани учун, юқоридаги тахминни нотўғри, деб ҳисобларди. Тўғри, у жуда кўп нарсани ҳал қилди, унинг ўзини айбдор деб санаши тўғрига ўхшайди. Элизабет ҳозир йигит ҳақида ўйлаган ҳар бир ёмон фикри учун афсусланаётган, лекин айна пайтда ғурурланаётган ҳам эди, чунки олийҳимматлик ва мардонаворликда йигит кутилгандан ҳам аъло эди.

Қизнинг хаёлини орқасидан эшитилган қадам товушлари бўлди. У сакраб туриб кетаётганда орқасидан Уикхем етиб келди:

– Ёлғиз сайр қилишингизга халақит бердимми, деб кўрқаман.
– Ростдан ҳам, – кулиб жавоб берди Элизабет. – Лекин бу бевақт дегани эмас.

– Раҳмат. Гардинерларнинг гапларидан тушунишимча, сиз Пемберлига борибсиз-а? Сизга хавасим келаяпти. Лекин менга у ёққа бориш оғир бўларди – бўлмаса Ньюкаслга кетаётганимда кириш мумкин эди. Кекса хизматчи аёлни кўрдингизми? Бечора Рейнолдс, мени шунақа яхши кўрарди! У албатта, мен ҳақимда сизга ҳеч нарса демаган бўлса керак?

– Йўқ, деди.

– Нима деди?

– Армияга хизматга кирганингизни ва яна у ерда ўзингизни яхши тутмаганингизни айтди. Биласизми, узоқда бўлганда баъзи гаплар бошқача етиб боради.

– Ҳа, рост, – деди йигит лабларини тишлаб ва давом этди: – Мен яқинда Лондонда Дарсини кўриб хайрон бўлдим. Биз бир неча марта учрашдик. Қизиқ, у Лондонда нима қилаётган экан?

– Балки мисс де Бёр билан тўйларига тайёргарчилик кўраётгандир? – сўради Элизабет.

– Ҳа, албатта. Лэмтонга борганингизда уни кўрдингизми? Гардинерларнинг айтганларидан кўргансиз, деб тушундим.

– Ҳа, у мени синглиси билан таништирди. Жоржиана менга жуда ёқди.

– Мен ҳам икки йил ичида у кўп ўзгарган, деб эшитдим. У кейин ҳам шундайлигича қолади, деб умид қиламан. У ерда Кимтон қишлоғига бормадингизми? У айти мен сизга айтганим, мен умид қилган мулк. Ажойиб жой! Пасторнинг уйи ҳам зўр! Мен учун ҳозир жуда яхши бўларди! Сизлар Кентда бўлганингизда Дарси сизга буларни айтмадими?

– Дарсидан камроқ билмайдиган бўлак одамдан мулк сизга шартли равишда қолдирилганини эшитдим. Охирги қарорни чиқариш ҳозирги хўжайиннинг қўлида экан.

– Ҳааа, мана гап нимада! Ҳа, бу бир томондан тўғри...

Бу пайтда уй олдига келиб қолишганди. Синглисига ачиниб ва синглиси учун йигит билан орани бузишни истамай, Элизабет йигитга кулиб қараб, деди:

– Мистер Уикхем, биз энди ака-сингилдекмиз. Келажакда ҳамма нарса тўғрисида бир хил ўйлаймиз, деб умид қиламан.

ХИ БОБ

Тез орада ёшларнинг жўнайдиган куни ҳам етиб келди. Миссис Беннет уларнинг бу ерда бўлиши ҳали чўзилади, дея умид қилгани учун кетишларига зўрға розилик берди.

– Лидия, жоним, – хитоб қилди миссис Беннет. – Энди сени қачон кўраман?!

– Мен қаёқдан биламан? Балки икки, балки уч йилдан кейиндир.

– Азизам, менга тез-тез хат ёзиб тур.

– Иложи бўлса. Эрли хотинларнинг хат ёзишга вақти бўлмаслигини билсангиз керак. Яхшиси опаларим менга кўпроқ ёзиб туришсин. Уларнинг қиладиган иши йўқ-ку!

Мистер Уикхем қариндошлар билан қуюқ хайрлашди ва улар жўнаб кетишди. Қизининг жўнаб кетиши миссис Беннетни бир неча кунга издан чиқарди.

– Дунёда азиз одамнинг билан айрилиқдан ёмон нарса бўлмаса керак, деб кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим, – дерди у. – У ёнингда бўлмаса, ҳамма ёқ бўшаб қолганга ўхшайди!

Миссис Беннетни бу ҳолга солган воқеа аста-секин ўз кучини йўқота бошлади ва миссис Беннет яқингинада эшитгани янгилик сабаб яна умид қила бошлади: Незерфилднинг хизматкори икки-уч кундан кейин ов қилиш учун отланган хўжайинининг шу ерларга келишига уйларни тайёрлаб

кўйиши керак эмиш. Миссис Беннет дам ўтмай Жейнга қараб жилмаярди.
– Демак, сингилжон, мистер Бингли қайтиб келаётган экан-да? – уларга янгиликни миссис Филипс етказган эди. – Жуда яхши. Менга барибир, чунки у биз учун ҳеч ким эмас, мен уни кўришни хоҳлаётганим ҳам йўқ. Лекин унинг Незирфилдга қайтиши, барибир яхши бўлибди.

Мистер Бинглининг келиши ҳақидаги хабардан Жейннинг юзлари қизариб кетди. Элизабет билан суҳбатда унинг номини охириги марта тилга олганидан бери бир неча ой ўтиб кетган эди. Ҳозир синглиси билан иккаласи ёлғиз қолишганда у Элизабетга деди:

– Холам бу янгиликни айтганида менга қараб кўйганингни сездим. Сенга қайфиятим бузилгандек кўрингандир? Ҳамма менга ўгирилиб қарагандек бўлиб туюлди.

Элизабет нима деб ўйлашни ҳам билмас эди. Дербиширда йигит опасини ҳали ҳам севадиганга ўхшаб кўринганди. Шунинг учун ҳозир нима деб ўйлашга қийналаётган эди: у дўстининг маслаҳати билан келаяптими ёки ўзи ҳаракат қилишга қарор қилдимикин?

Жейн мистер Бинглининг келаётгани тўғрисидаги хабар ўзи учун барибир, деб айтаётган бўлса-да, Элизабет унинг ҳаяжонланаётганини сезиб турарди. Унинг ҳар бир ҳаракатида одатда унга хос бўлмаган асабийлик, бетоқатлик сезилаётган эди.

– Азизим, мистер Беннет, мистер Бингли келиши билан уни бориб кўришингиз керак, – деди миссис Беннет бир куни эрига.

– Кечириб кўясиз! Утган йили бунинг учун у қизларимиздан бирига уйланади, деб ваъда берган эдингиз. Лекин, кўриб турганингиздек, ҳеч нарса бўлмади. Агар Бингли биз билан кўришгиси келаётган бўлса, ўзи келиб кўрсин. Қаерда яшашимизни жуда яхши билади.

– Бўпти, демак бормасиз. У ҳолда ўзим уни бизникига таклиф қиламан. Яқинда бизникига Голдинглар билан миссис Лонг келишмоқчи эди. Уни ҳам таклиф қиламан.

– Унинг келишини ҳеч ҳам хоҳламайман, – деди Жейн синглисига. – Мен учун борди-келдиси йўқ – ҳеч нарса бўлмагандай бемалол гаплашавераман. Аммо гап-сўзлардан кўрқяпман. Онамиз менга ёмонлик соғинмаяпти, туншунаман. У тезроқ қайтиб кетса эди, яна хотиржам бўлардим.

– Сени жуда овутгим келаяпти, лекин кўлимдан келмайди. Ҳатто одатда бундай пайтларда айтиладигандек “бироз чида”, ҳам дея олмайман, шундоқ ҳам чидаяпсан.

Мистер Бингли келди. Миссис Беннет бундан тезда хабар топиб, уни қачон меҳмонга чақирса қулай бўларкин, дея ўйлай бошлади. Йигит Хартфордширга келганининг учинчи куни отда улар томон келаётган эди. Суюниб кетганидан қизларининг ҳаммасини дераза олдига чақирди. Жейн стол олдидан туришни хоҳламади. Лекин Элизабет онаси хурсанд бўла қолсин деб, деразадан ташқарига қаради-да, Бинглининг ёнида мистер Дарси ҳам борлигини кўриб, опасининг ёнига келди.

– Унинг ёнида қандайдир йигит ҳам бор. Онажон, у ким бўлиши мумкин? – сўради Китти. – Вой! У олдин доим мистер Бингли билан юрган жентльмен-ку!

– Вой худойим! Мистер Дарси! Онт ичаман, ўша. Нима қилдик, биз мистер Бинглининг дўстларини, ким бўлишидан қатъий назар, кутиб олишдан хурсандимиз. Агар улар дўст бўлишмаганда, унинг кўринишиданок ғазабим қайнашини айтган бўлардим.

Жейн таажжуб ва ҳамдардлик билан Элизабетга қараб қўйди. У Дербиширда нималар бўлганидан ҳали беҳабар эди. Иккала қизнинг дарди тўлиб-тошган ва бир-бирларига раҳмлари келаётганди. Элизабетнинг хавотир бўлишига опаси ҳали беҳабар бўлган сабаб бор эди: у ҳали опасига миссис Гардинердан олган хатини кўрсатишга улгурмаган ва ўзининг мистер Дарсига нисбатан муносабати ўзгарганини ҳам айтмаган эди. Элизабет йигит қиёфасида уларнинг оиласига бекиёс яхшилик қилган дўстни кўраётган ва унга нисбатан балки Жейн Бинглига нисбатан хис қилаётган туйғулардан

хам нозикроқ бир туйғуни ҳис қилаётган эди.

Эшик орқасида яқинлашаётган қадам товушларини эшитиб, Элизабет опасига қараб қўйди. Жейннинг ранги оппоқ бўлса-да, Элизабет кутганидан хотиржамроқ эди. Меҳмонлар пайдо бўлишганида у бироз қизаринқиради. Шундай бўлсада йигитларни бетакаллүф кутиб олди: унинг ўзини тутишида на сохта хушмуомалалик ва на алам сезиларди.

Элизабет меҳмонларнинг ҳар бири билан меҳмондўстлик одатлари талаб қилган даражада сўрашди. Фақат бир мартагина Дарсига қарашга юраги дов берди: йигит одатдагидек жиддий эди. Қиз Бинглига ҳам бир нигоҳ ташлашга улгурди – у жуда бахтли ва ҳаяжонланаётганга ўхшарди. Дарси қиздан Гардинерларнинг соғ-саломатликлари тўғрисида сўради ва Элизабет унинг саволига зўрға жавоб қайтаргач, бошқа оғзини ҳам очмади. Қизнинг орзулари чил-чил синиб ўзи ўзидан нафратланиб кетди: “Нимани кутаётгандим ўзи? Унда нега бу ерга келди?”

– Бу ердан кетганингизга жуда кўп бўлди-а, мистер Бингли? – сўради миссис Беннет. – Энди қайтиб келмассиз, деб ўйлай бошлагандим. Йўқлигингизда шунчалар кўп янгиликлар бўлди! Мисс Лукас турмушга чикди. Менинг қизларимдан бири ҳам. Эшитган бўлсангиз керак – бу ҳақда газеталарда ҳам ёзишган эди.

Мистер Бингли тўй ҳақида эшитганини айтиб, миссис Бинглини тўй билан табриклади. Элизабет бошини ҳам қўтара олмаётгани учун бу Дарсига қандай таъсир қилганини кўра олмади.

– Қизингиз яхши жойга турмушга чикса, бу чиндан катта бахт, – гапида давом этди миссис Беннет. – Лекин уларнинг биздан узоққа кетишаётгани адолатдан эмас. Улар шимолга, жуда узоққа, Ньюкаслга кетишди. Уикхемнинг полки ўша ерда жойлашган. Сиз унинг ***шир полкидан кетиб, ҳаракатдаги армияга хизматга кирганини эшитгансиз, шекилли. Унинг кўп бўлмаса-да, Худога шукур, қанча керак бўлса ўшанча яқин дўстлари бор.

Бу гап мистер Дарсига теккизиб айтилганини тушунган Элизабет, ўзини хўрлангандек ҳис қилиб, жойида зўрға ўтирарди. Лекин онасининг сўзлари унинг сабр косасини тўлдириб, гапга қўшилишга қарор қилди. У йигитдан қанча кунга келгани ва нималар қилмоқчилигини сўради.

– Ўзингиз томондаги ҳамма ёввойи қушларни отиб бўлгач, бизларникига ўтаверинг, мистер Бингли, – гапга қўшилди миссис Беннет. – Сиз мистер Беннетнинг ерида хоҳлаганингизча ов қилишингиз мумкин. Ишонаверинг, у бундан жуда хурсанд бўлади.

Йигитлар кириб келишгани заҳоти мистер Бингли Жейн билан бироз гаплашганди. У қизнинг аввалгидан ҳам чиройли бўлиб кетганини ҳис қилди. Улар кетишга отланишганда, ҳар қанақасига Бинглига мулозамат қилишга уринаётган миссис Беннет уларни бирор кун Лонгборнда тушлик қилиб кетишга таклиф қилди.

ХII БОБ

Элизабетни ҳайрон қолдираётган ва кийнаётган нарса Дарсининг ўзини тутиши эди: “Яқингинада Лондонда у тоғамлар билан жуда яхши муносабатда бўлибди. Мен билан эса нега бундай? Агар менинг олдимда ноқулай бўлса, унда нега бу ерга келди?”

Жейннинг эрталабки учрашувдан жуда хурсандлиги кўришиб турар эди: – Биринчи учрашув ортда қолганидан анча енгил тортдим. Ўзимнинг кучимга ишона бошладим ва унинг сешанба куни бизникига тушликка келаётганидан ҳатто хурсандман. Ушанда ҳамма бизнинг ўртамызда оддий танишликдан бошқа ҳеч нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилади.

– Ҳа, ҳа, оддий танишлик, – кулди Элизабет. – Жейн, менга қара, эҳтиёт бўл!

Сешанба куни Лонгборнга жуда кўп одам йиғилди. Ҳаммалари меҳмонхонага киришаётганда Элизабет Бинглининг олдинги сафар ўтирган жойи – Жейннинг ёнидаги стулга бориб ўтирармикин, деб қизиқиб қараб турди. Жейн беҳосдан қилгандай атрофга қараб жилмайиб кўйди ва ҳамма нарса ҳал бўлди-кўйди: йигит унинг ёнига бориб ўтирди.

Йигитнинг тушлик давомида Жейнга нисбатан ўзини тутиши унинг қизга бўлган туйғулари ўша-ўшалигидан дарак берарди. Мистер Дарси Элизабетдан узоқроқда, миссис Беннетнинг ёнида ўтирарди. Қиз у гаплашаётган ҳар бир одамга ҳаваси келиб, йигитни кузатар экан бирдан ўзининг шунчалик соддалигига ҳайрон қолди:

“Мен севгисини рад қилган одам! У мени яна севиб қолади, деб ўйлашим қандай тентаклик! Ахир эркаклар орасида иккинчи бор севги изҳор қилишга жазм қила оладигани бормикин?”

Лекин йигит ундан яна бир чашка кофе қуйиб беришини сўраганида, қиз бироз енгил тортди ва фурсатдан фойдаланиб сўради:

– Синглингиз ҳали ҳам Пемберлидами?

– Ҳа, Рождество байрамигача ўша ерда бўлади.

– У билан ҳеч ким қолмаганми? Дўстлари кетиб бўлишганми?

– Миссис Энсли ҳали ўша ерда. Қолган аёллар уч ҳафта бурун Скарборога жўнаб кетишди.

Элизабет яна нима дейишни билмай жим қолди ва қизлардан бири Элизабетнинг қулоғига шивирлаб нимадир деяётганида, секингина четга чикди.

Миссис Беннет мистер Бингли ва унинг дўсти кечки овқатга ҳам қолишади, деб ўйлаганди. Лекин йигитнинг экипажи келиб қолиб, аёл уларга рухсат беришга мажбур бўлди. Лекин унинг кайфияти зўр эди: у Бинглининг қизига кўрсатаётган муносабатини яхшилаб кузатган ва қизимга албатта уйланади, дея хулоса қилган эди.

– Кун жуда ажойиб бўлди-а? – деди Жейн синглисига. – Ҳамма келганлар бир-бирларига мос тушишди. Бундан кейин ҳам учрашиб турармиз, а? Элизабет жилмайди.

– Лиззи, нега куласан? Мендан шубҳаланишнинг ҳожати йўқ. Менга ёқмаяпти. Мен бошқа ҳеч нимани ҳис қилмаган ҳолда у йигит билан шунчаки маза қилиб суҳбаталаша олишни ўргандим, ишонавер. Унда менинг қалбимни забт этиш истаги бўлмаганини ҳам англаб етдим.

– Айтган нарсамиз билиб қўйишга арзимаса ҳам ҳаммамиз бировни ўқитишни яхши кўраемиз. Мени кечирасан. Мистер Бинглига бефарқман, деб ўз синглингни ишонтиришга уринмоқчи бўлсанг, мени бошқа сирдош дугона демай кўя қол.

ХIII БОБ

Меҳмондорчиликдан бир неча кун ўтгач, мистер Бингли яна Лонгборнга ташриф буюрди. Бу сафар у ёлғиз эди: мистер Дарси ўша куни эрталаб, ўн кундан кейин қайтишни режалаштириб, Лондонга жўнаб кетибди. Миссис Беннет йигитни тушликка таклиф қилди, лекин йигит бошқа борадиган жойи борлигини айтиб, миннатдорлик билдирди.

– Эртага кела оласизими? – сўради миссис Беннет. Йигит эртага албатта келишини айтди. Чиндан ҳам эртасига эрталаб, аёллар кийинишга ҳам улгурмаган пайтида етиб келди.

Миссис Беннет битта халатда, сочлари таралмаган ҳолда йўл-йўлакай бақириб, қизининг хонасига чопди:

– Жейн, қизим, бўла қол тезроқ! Сара, Лиззининг сочини кўя тур, Жейнга ёрдамлаш.

– Тайёр бўлишимиз билан тушамиз, – деди Жейн. – Китти вақтлироқ тушса керак, у аллақачон хонасига кетган эди.

Чойдан сўнг мистер Беннет одатдагидек кутубхонасига, Мэри эса мусиқа билан шуғулланиш учун ўз хонасига кетди. Ёшларни ёлғиз

қолдиргиси келаётган миссис Беннет бундай қулай фурсатни қўлдан бой бергиси келмай ўрнадан туриб Киттига: “Қизим, юр, гапим бор” деб, хонадан олиб чиқиб кетди. Бир неча дақиқалардан кейин яна эшик очилиб, миссис Беннет Элизабетни чақирди:

– Лиззи, жоним, бу ёққа кара.

Бинглининг ҳали ҳеч нарса таклиф қилмаганини ҳисобга олмаганда, ҳамма нарса яхши кетаётганди. Қизлар йигитнинг миссис Беннет кўрсатаётган ҳаддан ортиқ ғамхўрликка чидаётгани ва ҳамма беандиша гапларини индамай ютаётганидан беҳад миннатдор эдилар. У жўнаб кетишидан олдин эртаси куни мистер Беннет билан овга чиқишлари тўғрисида келишиб олишди.

Бингли эртаси куни келишилган пайтга етиб келди ва анча вақтгача мистер Беннет билан бўлди. Бинглининг ҳамроҳи у кутганидан аъло эди. Бингли ҳам ўзига бино қўйган аҳмоқ эмасди ва у мистер Беннетнинг унга истехзо қилишига ёки ўз қобиғига ўралиб олишига йўл қўймади. Мистер Беннет ва Бингли тушликка бирга келишди, кечқурун эса миссис Беннет яна қизи билан йигитни ёлғиз қолдириш учун баҳона излаб қолди: хат ёзиши керак бўлган Элизабет ўз хонасига қараб кетди, қолганлар эса қарга ўйнаш учун стол атрофига йиғилдилар. Бироздан сўнг хатини ёзиб бўлган қиз хонанинг эшигини катта очиб ичкарига кирар экан, опаси билан йигитнинг камин олдида берилиб суҳбатлашаётганларини кўрди. Диванда ўтирган Бингли сакраб турди-да, Жейнга нимадир деб, хонадан чиқиб кетди.

Яхши хабарлар айтишга келганда Жейн синглисидан ҳеч нарсани яшира олмасди. Ҳаддан ортиқ ҳаяжонланган қиз синглисининг бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди-да, ўзини дунёдаги энг бахтиёр инсон санаётганини айтди:

– Бу мен учун ҳаддан ташқари кўп! – деди у. – Рост, жуда кўп. Ахир мен бунга лойиқ эмасман-ку! Нимага ҳамма ҳам менчалик бахтли бўлолмайди?!

Синглиси Жейнни сўз билан ифодалаб бўлолмайдиган даражада сидқидилдан табриклади.

– Мистер Бингли ҳозир отамнинг олдига кетди. Тезроқ онамнинг олдига боришим керак, унинг бу гапларни бошқалардан эшитишини ис-тамайман, – бу гапларни гапираётиб Жейн тепада Китти билан ўтирган онасининг олдига югурди.

Бир неча вақтдан сўнг қизларнинг отаси билан суҳбати муваффақиятли тугаган мистер Бингли хонага қайтиб кирди. У эшикни ёпиб, аста Элизабетнинг олдига келди-да ундан ўзларига бахт, ўзи эса сингиллик садоқатини тилашини сўради. Элизабет ўзларининг қариндош тутинаётганларидан сидқидилдан хурсанд эканлигини айтди ва икковлари бир-бирларининг қўлларини сиқиб қўйишди.

Бугун ҳамма одатдагидан кўпроқ хурсанд эди. Ҳаётдан мамнунлик ва хотиржамлик Жейннинг юзида шундай акс этиб турар эдики, у янада гўзаллашиб кетгандек эди. Овқат маҳали уларга қўшилган мистер Беннетнинг кўриниши ва ўзини тутиши унинг ҳам бу воқеадан хурсандлигини билдирарди. Бингли жўнагач, у кизига қараб деди:

– Жейн, қизим, табриклайман. Сен албатта бахтли бўласан.

– Жейн, жонгинам! Мен ҳайратдаман! Худойим, бугун ҳам уйку бўлмайди! Шундай тугагини билдардим – ахир бошқача бўлиши мумкинмиди? – хитоб қилди миссис Беннет.

Уикхем ва Лидиялар эсдан чиқишган эди. Шу кундан бошлаб, Бингли Лонгборннинг кундалик меҳмонига айланди. У нонуштадан олдин келар ва кечки овқатгача шу ерда юрарди.

– Утган баҳорда у менинг Лондонга келганидан хабари бўлмаганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, – деди бир куни кечқурун Жейн. – Ҳаммасига опалари сабаб. Улар акасининг мен билан танишувини маъқуллашмаган экан. Лекин улар Бинглининг мен билан қанчалик бахт-

лилигини кўришса никоҳимизга қаршилиқ билдиришмайди ва бизлар яна дўст бўлиб қоламиз. Лиззи, оиламизда нега битта менга омад кулиб боқди? Сенга ҳам худди шундай одам дуч келса эди!

– Бундайлардан юзтасини таклиф қилсанг ҳам мен сенчалик бахтли бўла олмайман. Бунинг учун табиатим сеникидек бўлиши керак. Худо хоҳласа, бир куни иккинчи Коллинз учраб қолар.

XIV БОБ

Бир куни эрталаб, мистер Бингли ва оила аъзолари нонушта қилишаётган маҳалда эшик ланг очилиб, леди Кэтрин де Бёр кириб келди. Шундай улуғ зотнинг уларникига қадам ранжида қилганидан боши осмонга етган миссис Беннет, ортиқ мулозамат кўрсатишга уринди. Бироз индамай ўтиргач, леди Кэтрин Элизабетга деди:

– Мисс Беннет, ишларингиз жойида, деб умид қиламан. Бу аёл сизнинг онангиз, шекилли?

Элизабет бу гапни тасдиқлади.

– Бу эса сизнинг сингилларингиздан бири, шекилли?

– Ҳа, ҳа, хоним, бу менинг иккинчи қизим, – гапириш имконияти туғилганидан хурсанд бўлган миссис Беннет дарров гапга қўшилди. – Зоти олияларидан мистер ва миссис Колинзларнинг соғлиғини сўрасам бўладими?

– Жуда ҳам яхши. Мен уларни ўтган куни кечкурун кўрган эдим.

Миссис Беннет зоти олияларини бирор нима еб олишга таклиф қилди, лекин леди Кэтрин кўполлик билан таклифни рад қилди. Бироз ўтиб ўрнидан тураётиб, Элизабетга деди:

– Мисс Беннет, ҳов анави ерда – ўтлоқнинг орқасида чиройли чангалзор бор, шекилли. Агар бирга борсангиз ўша ерларни кўриб келардим.

Элизабет рози бўлди. Улар бирор оғиз ҳам гап қотмай чангалзорга олиб борадиган тош йўлқадан секин кетиб боришарди. Элизабет одатдагиданда баландпарвоз меҳмоннинг ўзи гап бошламаса, оғзини ҳам очмасликка қарор қилди.

Чақалақзор ичига киришган заҳоти леди Кэтрин гап бошлади:

– Сиз келишим сабабини тушунмаётган бўлишингиз мумкин эмас. Буни виждонингиз ва юрагингиз айтиб турган бўлиши керак.

– Хоним, мен нима сабабдан бу хурматга сазоворлигимни чиндан тушунмаяпман.

– Мисс Беннет, мен билан ҳазиллашиш мумкин эмаслигини сиз билиб қўйишингиз керак эди, – қатъий товуш билан гап бошлади леди Кэтрин. – Икки кун бурун мени жуда ҳайратга солган янгиликни эшитдим. Айтишдики, нафақат опангиз яхши жойга турмушга чиқаётибди, балки сиз ўзингиз ҳам яқин кунларда жияним Дарси билан никоҳдан ўтишга умид қиляётган экансиз. Бу нарсага менинг муносабатимни билиб қўйинг деб бу ерга келишни лозим топдим.

– Агар бу гапларнинг уйдирмалигига ишонсангиз, нима қилиб шунча узоқ йўлдан бу ерга келдингиз? – деди алаmidан қизариб кетган Элизабет.

– Сиз бу гаплар ёлғонлигини тасдиқлашингизни хоҳлайман!

– Чиндан шундай гап тарқалган бўлса, – совуққина давом этди Элизабет, – сизнинг Лонгборнга келганингиз, мен ва менинг оилам билан учрашганингиз бу гапларнинг тасдиғига олиб келади.

– “Агар” дедингизми?! Ахир бу гапларни ўзингиз тарқатмаганмисиз? Мисс Беннет, ҳаммасини тушунтириб беришингизни сўрайман! Жияним сиздан турмушга чиқишингизни сўрагани ростми? Бундай бўлиши мумкин эмас! Дарси қизим билан унаштириб қўйилган!

– Чиндан шундай бўлганда, у менинг розилигимни сўраган, дея тахмин қилмасдингиз.

– Улар бошқачароқ унаштирилган. Бу уларнинг оналарининг орзуси эди. Мархума онасининг орзуси рўёбга чиқай деганда паст табақалик бир

қиз орадан чиқиб қоляпти! Ахир менинг ўзимдан улар туғилганиданок бир-бирларига аталгани тўғрисида эшитмаганмидингиз?

– Ҳа, эшитгандим. Аммо, бунинг менга нима дахли бор? Мистер Дарси на сўзда, на туйғуда сизнинг қизингизга боғлиқ эмас экан, нега бошқа қизни танлашга ҳақли эмас? Агар у мени танлаган бўлса, нега мен унга розилик бера олмас эканман?

– Бунга номус, олийжаноблик, одоб-ахлоқ ва яна ўзингизнинг фойдангиз ҳам йўл қўймайди! Акс ҳолда, сиз унинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва дўстларидан бирор илиқ муносабат кутманг. Унга яқин ҳар бир инсон сиздан хазар қиладиган бўлади! Қайсар, бемаъни қиз! Яхшилаб тушуниб олинг, мисс Беннет, менда ютқишиш одати йўқ!

– Бу сизнинг аҳволингизни оғирлаштиради. Лекин бунинг менга дахли йўқ.

– Фойдангизни билганингизда эди, ўзингиз ўсган бу муҳитни ташлаб кетмасдингиз!

– Лекин мен сизнинг жиянингизга турмушга чиқиб, бу муҳитни ташлаб кетмоқчи эмасман. У оқсуяк. Мен ҳам шу насабданман. Бу борада биз иккимиз тенгимиз.

– Майли, оқсуякнинг қизи эканлигингиз ростдир. Лекин онангиз-чи? Онангиз қандай оиладан? Тоға, холаларингиз-чи? Тўғриси айтинг, сизлар унаштирилдингларми?

– Йўқ.

– Унга ҳеч қачон турмушга чиқмайман, деб менга сўз берасизми?

– Мен ҳеч қандай ваъда бермайман! Агар сиз хоҳлаётган ваъдани берсам, уларнинг орасидаги никоҳ аниқ бўлиб қоладими? Мен унинг севгисини рад қилиб, мистер Дарсини ўзининг холаваччасига уйланишга ундаган бўламанми? Леди Кэтрин, сиз мендан талаб қилаётган сабаблар ҳеч қандай мантқиққа тўғри келмайдиган, арзимас нарсалар. Сиз ҳалигача менинг табиатимни тушуниб олмаган кўринасиз.

– Йўқ, мен ҳали гапимни тугатганим йўқ. Кичик синглингизнинг ҳаммангизни шарманда қилиб қочиб кетганидан хабарим бор. Шунингдек, уларнинг тўйи отангиз ва тоғангизнинг пулига орқадаги сана билан бир амаллаб ташкил қилинганини ҳам. Нима, энди келиб-келиб шу қиз менинг жиянимга сингил бўладими? Пемберли шундай булғанишга муносибми?!

– Менга айтадиган бошқа гапингиз қолмадими? Сиз мени қанчалик мумкин бўлса, ўшанча ҳақоратлаб бўлдингиз. Рухсат этинг, кетишим керак.

– Демак, жиянимнинг номуси ва обрўси сиз учун бир пул? Худбин! Наҳотки, сиз билан боғланиб у ўзини бутун оламга кулгига қўйишини тушунмасангиз? Сиз уни дўстлари кўз олдида хароб қилиб, унга бутун оламнинг нафратини уйғотишга қарор қилдингизми?

– Ҳозир на бурч, на номус, на миннатдорлик менга бирор нарсада мажбурият юкламайди. Менинг мистер Дарси билан турмуш қуришим ҳеч қандай ахлоқ-одоб қоидаларини бузмасди. Унинг қариндошларининг қарашлари, бутун оламнинг нафрати менга у қадар тегмаган бўларди, чунки бу нарсаларга унчалик жиддий эътибор бермаслик учун бутун олам етарли даражада ақлли.

– Ҳа, мана сиз нималарни ўйлар экансиз?! Жуда яхши. Энди нима қилишни мен яхши биламан. Сизни етарли даражада ақлли, деб ўйлагандим. Хомтама бўлманг, мен албатта мақсадимга етаман!

XV БОБ

Элизабет эртаси куни эрталаб зинадан тушиб келаётиб, кўлида қандайдир хат ушлаб турган мистер Беннетни кўрди:

– Лиззи, – деди отаси, – сен менга кераксан, олдимга киргин.

Қиз отасининг гапи унинг кўлидаги хат билан боғлиқлигини сезиб турар эди. Иккаласи камин олдида ўтиришгач, мистер Беннет гап бошлади:

– Бугун эрталаб мени жуда ҳайратга солган мана бу хатни олдим. Хат сенга тегишли бўлгани учун у нима тўғрисида эканлигини билишинг керак.

Мен яна битта қизим турмушга чиқиш арафасида эканлигини билмаган эканман. Сени буюк ғалаба билан табриклайман. Мана бу хат мистер Коллинздан келибди. Гапини Жейннинг тўй табригидан бошлабди. Бу гапларни у ғийбатчи аёллардан эшитган, шекилли. Мана, эшит:

“...шундай қилиб, ушбу хурсандчилик билан Сизни ўзим ва миссис Коллинз номидан табриклайтиб, рухсатингиз билан биз яна ўша одамдан эшитганимиз бир янгиликка сизнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Сизнинг Элизабет қизингиз, унинг опаси ва у танлаган турмуш ўртоғи асосли равишда бу мамлакатнинг машхур шахслари дея саналишига улгурмай, Беннет фамилиясини алмайтиради.

Лекин жозибалилиги кўриниб турган бу таклифни шошилинч билан қабул қилиб қўйманглр, деб огоҳлантириб қўймоқчиман. Сизларни огоҳлантириб қўйишига мени чорлайтган мулоҳазалар қуйидагилардир: бу жанобнинг холаси бўлмиш леди Кэтрин де Бёр бу никоҳга бутунлай қариш...”

Хоҳлаган аёлдан бир қарашда ҳамма камчилигини топа оладиган, сенга бирор марта ҳам қарамаган мистер Дарсига сени тўғрилаб қўйиш! Зўр-ку!

– Илтимос, давомини ўқинг.

“Кеча кечкурун мен зоти олияларига бу эҳтимол тўғрисида гапирганимда, улар бу борадаги ўз муносабатларини айтиб ўтдилар. Унга кўра амакиваччамнинг баъзи нобоп қариндошлари орқасидан унингча номувофиқ бўлган ушбу никоҳга ҳар қандай тақдирда ҳам ўз розилиklarини бермасликларини айтиб ўтдилар. Шунинг учун ҳеч ким оқ фотиҳа бермайдиган бу никоҳга шошилмасликни маслаҳат беришини ўз бурчим деб биламан”.

– Лиззи, бу хат сенга ҳеч ҳам ёқмаганга ўхшайди. Чиндан ҳам Дарсининг сенга бефарқлиги ва сенинг ҳам уни ёқтирмаслигинг маълум-ку! Мен хат ёзишни ёқтирмаслигимни биласан. Лекин Коллинз билан албатта ёзишаман!

Элизабет шу пайтгача бирор марта ҳам бу аҳволга тушмаган эди. Йиғлагиси келаётганда ундан кулишни талаб қилишяпти. Қиз икки йўлнинг ўртасида қолганди: отаси ҳеч нарсани сезмаётганига хайрон қолсинми ёки отасининг кам нарсани кўраётганидан эмас, ўзининг кўп нарсани кўраётганидан хавфсирасинми?

XVI БОБ

Леди Кэтрин келиб кетганидан бироз ўтиб Бингли мистер Дарсининг ўзини олиб келди. Йигитлар вақтли келишди. Миссис Беннет Дарсига унинг холаси келиб-кетганини айтгунча, Жейн билан тезроқ ёлғиз қолишга шошаётган Бингли ҳаммани бирга айлангани чиқишга таклиф қилди. Миссис Беннетнинг айланиш одати йўқ эди, Мэрининг эса бўш вақти бўлмай, қолганлар бажонидил рози бўлишди. Бингли ва Жейн бошқаларнинг улардан ўзиб кетишларига йўл қўйиб беришди ва аста-секин орқада қолишди. Элизабет, Китти ва Дарси эса нима қилишни билмай, секин гаплашиб кетишарди. Улар Китти Марияни кўриб чиқмоқчи бўлган Лукас Ложга қараб кетишарди. Китти йўлда қолиб кетгач, гапириш пайти келганини ҳис қилган Элизабет шоша-пиша деди:

– Мистер Дарси, биласизми, мен жуда худбинман. Ўзимнинг кўнглимни бўшатиб олиш учун ҳамма муаммони сизга юклаб қўйишим мумкин: бу ёғига синглимга қилган ғамхўрлигингиз учун миннатдорчилик билдиришни энди орқага суролмайман. Сизнинг хизматларингизни ҳамма эшитганида эди, миннатдорчиликни фақат ўз номимдан билдирмаган бўлардим.

– Агар миннатдорчилик билдиришингиз жуда зарур бўлса, унда ўзингизнинг номингиздан билдира қолинг, – деди йигит. – Оилангизнинг бошқа аъзолари менинг олдимда қарздор эмаслар – мен фақат сиз тўғрингизда ўйладим.

Элизабет хижолат чекаётгани сабаб, бирор нима дейишга ожиз эди. Бироз сукутдан сўнг Дарси гапида давом этди:

– Менинг қалбим билан ҳазиллашмаётисиз, деб умид қиламан, чунки жуда олийжанобсиз. Агар апрель ойида гаплашганимиздан бери менга бўлган муносабатингиз ўзгармаган бўлса, дарров айтиб қўя қолинг. Менинг туйғуларим ва ниятларим ўша-ўша. Сизнинг бир оғиз сўзингиз ва мен бу ҳақда бошқа оғиз очмайман.

Йигитнинг ахволини юракдан ҳис қилиб турган Элизабет гапиришга ўзида куч топди. У ўтган давр давомида унга бошқа кўз билан қарай бошлаганини, унинг гапларидан миннатдорлигини аста тушунтирди. Қизнинг сўзларидан йигит ўзгача бир бахтни ҳис қилди. У ўзи ҳис қилаётган туйғуларни самимий сўзлар билан қизга етказишга уринди. Йигит Элизабетнинг унга қанчалик қадрли эканлигини айтар экан, қизга борган сари қадрлироқ бўлиб борарди.

Улар каергалигини билмаган ҳолда олдинга қараб кетишарди. Айтадиган гаплар ҳали жуда кўп эди. Элизабет бироздан сўнг улар бир-бирларини тушунишларига леди Кэтриннинг ҳаракатлари ёрдам берганини англади. Бу аёл Лондондан ўтиб кетаётган чиндан ҳам йигит билан учрашган, унга Лонгборнга борганини, қиз билан суҳбатини айтиб берган экан. Леди Кэтрин Элизабетнинг жавоблари унинг беҳаё ва бузуклигини исботлаганига урғу берибди. Лекин зоти олияларининг бахтига қарши, унинг гаплари акс таъсир қилибди.

– Бу гаплар менда шу пайтгача ҳатто орзу қилишга ҳам юрагим дов бермаётган умид уйғотди. Сизнинг дангал гапиришингизни билганим учун ўйладимки, агар менга қарши бўлганингизда буни холамга тўғридан-тўғри айтиб қўя қолган бўлардингиз.

Қизариб кетган Элизабет кулибгина деди:

– Ҳа, сиз менинг дангалчилигим билан танишсиз. Сизнинг юзингизга шунча гапни айтиб ташлаганимдан сўнг, сизнинг қариндошларингизга сиз ҳақингиздаги фикримни айтиш ҳеч гап эмасди, албатта.

– Мен ҳақимдаги салбий таасуротларингиз ёлғонлардан туғилган бўлсада, ўша кечадаги ўзимни тутишим чиндан ҳам қоралашга муносиб. Уни асло кечириб бўлмайди.

– Келинг, яхшиси ўша куни ким, кўпроқ айбдор бўлгани тўғрисида бахшлашмайлик, – деди Элизабет. – Ўшандан бери иккаламиз ҳам одобли бўлишга ўргандик, шундай эмасми?

– Менга қилган таънангиз бир умр ёдимдан чиқмайди: “Сиз ўзингизни олийжаноб инсондек тутсангиз...” дегандингиз. Бу гапингиз менга қанчалик алам қилганини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз. Лекин сал вақт ўтгандан сўнг сизнинг ҳақ эканлигингизга тан бердим.

– Илтмос, ўша куни мен айтган гапларимни қайтаравермайлик. Булар ҳаммаси хато эди ва уларни эсдан чиқарамиз. Шундоғам хижолат чекиб юрибман.

Дарси ёзган хатини эслатди:

– Қизик, хатни ўқиган заҳотиёқ мен тўғримда яхши ўйлай бошладингизми? Хатни ўқиганингизда унга ишондингизми?

Қиз хат унга қандай таъсир қилганини, кейинчалик секин-аста ўзининг нотўғри фикрлари ўзгара бошлаганини айтиб берди.

– Хатим кўнглингизни оғритишини сезгандим. Лекин шундай қилишим керак эди. Хатимни йўқ қилиб ташладингизми? Ундаги мени ўша гаплар учун ёмон кўришга арзийдиган нарсалар ёдимда турибди.

– Агар, зарур десангиз, уни ёқиб юбораман. Лекин бу нарсалар менинг туйғуларимга акс таъсир қилмайди – уларни ўзгартириш осон эмас. Аслида, иккаламиз амин бўлганимиздек, улар баъзида ўзгариб туради.

– Ўша хатни ёзаётганимда совуқкондек эдим. Лекин уни ёзаётганимда қанчалар рухий азобда бўлганимни энди-энди тушуняпман.

– Келинг, яхшиси бу ҳақда ўйламаймиз. Бу хатни ёзган одамнинг ҳам, уни ўқиган одамнинг ҳам туйғулари шунчалик ўзгарди-ки, бу хат билан боғлиқ барча хафагарчиликлар нутилиши керак. Менинг файлусуфона қатъий қоидам мана бундай: “Бирор нарсани эсга олмоқчи бўлсанг, у сенга

ёқадиган пайтдагина эсга олгин”.

– Очиғини айтсам, бундай фалсафани у қадар хуш кўрмайман. Мен бир умр фикрларимда бўлмаса-да, хатти-ҳаракатларимда худбинлик қилиб келган эканман. Болалигимда менга нима тўғри, нима нотўғрилигини тушунтиришган, лекин ўз қарашларим устида ишлашни ўргатишмаган. Менга гўзал эътиқодни сингдиришган, лекин мағрур ва кеккайма бўлишимга йўл қўйиб беришган. Мен йигирма саккиз ёшгача ана шундай эдим. Сиз бўлмаганингизда мен шундайлигимча қолардим! Сиз мени рухий барқарорликка ўргатдингиз. Сиз олишингизга амин бўлган ҳолда қўлимни тутган эдим.

– Наҳотки, ўшанда таклифингизни қабул қилишимга, ишонган бўлсангиз?

– Ҳамма гап шунда-да! Менинг шуҳратпарастлигимга нима дейсиз? Мени севиб қолганимни айтишга мажбур қилмоқчисиз, деб ўйлагандим.

– Демак, ўзим сезмаган ҳолда хато қилганман. Менинг қувноқлигим мени нотўғри йўлга бошлаган шекилли. Ушандан кейин мени ёмон кўриб қолгандирсиз-а?

– Сизни ёмон кўриш? Балки, чиндан ҳам бошида жаҳлим чиққандир. Лекин кейин бу ғазабга лойиқ одам ўз жазосини олди.

– Мени Пемберлида кўрганингизда нималарни ўйладингиз, жаҳлингиз чиқмадими?

– Нималар деяпсиз, ҳеч ҳам. Фақат жуда ҳайрон бўлгандим.

– Менчалик ҳайрон бўлмагансиз. Менга яхши муомалада бўлишларига виждоним йўл қўймаётган эди, очиғи бундай яхши муносабатни кутмагандим.

– Мен эса ўша пайтда қўлимдан келганча кекчи эмаслигимни исботламоқчи бўлдим. Кечиришингизга, фикрларингизни яхши томонга буришга, таъналарингиз менга фойдали таъсир қилганини кўрсатишга уринаётгандим.

Гап шу ерга етганда уларнинг Пемберлидан тез жўнашларига сабаб бўлган мавзуга ўтиб кетилди. Элизабет, йигит ҳали меҳмонхонадан кетмасданок унинг синглисини қидириш учун йўлга тушишга қарор қилганини энди билди.

Яна бироз юргач уйга қайтадиган вақт бўлганини билишди. Бингли ва Жейн қаерга кетган бўлишлари мумкинлигига қизиқиб, улар ҳақида гапир кетишди. Дарси ўртоғининг Жейнга унаштирилганидан жуда хурсанд эканлигини айтди.

– Тўғрисини айтинг, бунга ҳайрон бўлмадингизми? – сўради Элизабет.

– Асло. Кетаётганимнинг ўзидаёқ уларнинг унаштирилишига ишонгандим.

– Бошқача айтганда, сиз розилигингизни айтдингиз? Ўзим ҳам шундайди деб ўйлагандим.

– Лондонга кетишим арафасида, унга аввалроқ айтишим керак бўлган нарсаларни айтиб бердим. Ҳеч қандай асоссиз, қўполлик билан унинг ҳаётига аралашганимни айтдим, – деди мистер Дарси. – Бу нарсалар унинг ҳаёлига ҳам келмаган экан, ҳайрон қолди. Мен яна, сизнинг опангизнинг унда кўнгли йўқ, деганимда янглишганимни ҳам айтдим.

– Бунда ўз кузатишларингизга суяндингизми ёки баҳорда мендан эшитганларингизга асосландингизми?

– Ўз кўзларим билан амин бўлдим. Лонгборнга охириги икки марта келганимиздаги кузатишларимдан келиб чиқиб, опангизнинг севгисига шубҳа қилмай қўйдим.

– Дўстингиз эса сизнинг гапларингизга дарров ишонди-а?

– Ҳа. Бингли жуда камтар йигит. Унинг ўзига-ўзи ишонмаслиги шундай муҳим ишни ёлғиз ҳал қилишига йўл қўймади. Лекин у ҳамма нарсада менга ишонгани учун ҳамма нарса ўз жойига тушди. Мен унга опангиз уч ой қишни Лондонда ўтказганини, мен бундан хабарим бўла туриб унга айтмаганимни маълум қилдим. У чиндан ҳам жуда хафа бўлди. Лекин

опангизнинг туйғулари ҳали ҳам ўша-ўшалигига ишонгач, ўзига келди. Ҳозир эса мени бутунлай кечирган.

Йўлнинг қолган қисмини Дарсининг Бинглининг келажакда ўзлариникидан кам бўлмаган бахтли ҳаёти ҳақидаги гаплар билан босиб ўтишди.

XVII БОБ

– Лиззи, азизам, қаерларда қолиб кетдинглар? – Элизабет хонага кирганда Жейн уни шу сўзлар билан кутиб олди. Қизариб кетган қиз нотаниш жойларга бориб қолишганини айтди. Лекин унинг қизариши ҳеч кимда шубҳа уйғотмади.

Оқшом тинч ўтди. Севишганлар дея тан олинганлар кулиб гаплашиб ўтиришар, ҳали тан олинмаганлар эса – жим ўтиришарди. Дарсининг ўз ҳиссиётларини қувноқлик билан ташқарига чиқариш одати йўқ эди. Элизабет эса, оиладагилари Дарсига ёқтирмай қарашини билгани учун, уларнинг бу муаммолари Дарсининг бойлигидан ҳам, жамиятда тутган ўрнидан ҳам кучли чиқиб қолишидан хавотирда эди.

Уйкуга ётишдан олдин қиз ҳамма гапни опасига айтиб берди. Одатда Жейн унинг ҳамма гапларига ишонса-да, бу сафар ишонқирамади:

– Ҳазиллашаяпсанми, Лиззи? Бундай бўлиши мумкин эмас! Мистер Дарси билан унаштириш! Йўқ, сен мени алдаяпсан. Бундай бўлиши мумкин эмас.

– Бошланиши яхши эмас. Мен сенга умид қилгандим. Агар сен ишонмасанг, унда бошқаларни қандай ишонтираман? Жейн, жоним, у ҳалигача мени севади. Биз келишиб олдик.

– Лиззи, ҳеч ҳам ишона олмаяпман. Ахир уни кўргани кўзинг йўқ эди-ку.

– Ҳеч нарсадан хабаринг йўқ. Ўтган нарсаларнинг ҳаммасини унутиш керак. Балки мен уни ҳеч қачон ҳозиргидек севмагандирман.

– Наҳот шунақаси ҳам бўлса? Лекин сенга ишонаман. Жоним, чин дилдан табриклайман. Саволим учун кечир – у билан бахтли бўлишингга ишонсанми?

– Хотиржам бўлишинг мумкин. Биз дунёдаги энг бахтли оила бўлаемиз. Лекин, Жейн, сен хафа эмасмисан? Шундай акани сен ёқтира оласанми?

– Албатта, жоним билан! Мен билан Бингли учун бу катта хурсандчилик. Биз у билан шу тўғрисида гаплашган эдик, лекин кейин, бўлиши мумкин эмас, деб воз кечгандик. Сен чиндан уни севасанми? Сен уни етарли даражада севишингга ишончинг комилми?

– Чиндан айтадиган бўлсам, уни Бинглидан ҳам ортиқроқ севаман. Хафа эмасмисан?

– Лиззи, жоним, бирпас ҳазил қилмай тургин. Уни анчадан бери севасанми?

– Бу туйғулар шундай секинлик билан пайдо бўлди-ки, қачон бошланганини аниқ айта олмайман. Балки, биринчи марта унинг Дербиширдаги уйини кўрганимда туғилгандир.

Жейннинг уни жиддийроқ бўлишга чорлаши аниқ мўлжалга тегди ва Элизабет муҳаббатига ишонтирди.

– Энди чинакамига бахтиёрман! – хитоб қилди у. – Мистер Дарси тўғрисида доим яхши фикрда эдим. У сени севиб қолганининг ўзиёқ уни менинг олдимда кўкларга кўтариб қўйди. Лекин бундан буён Бинглининг дўсти ва сенинг эринг сифатида у сен ва Бинглидан кейин дунёдаги энг азиз инсонларим қаторида туради. Лекин, мендан шунча нарсани яшириб юрган экансанда-а!?

Элизабет нима учун ундан яширганлиги сабабини опасига айтиб берди: у пайтда қиз Бинглининг номини опасининг ёдига туширишни хоҳламаган, ўзи ҳали ҳам унча ишонмаётган туйғуларини очишни эса ножоиз деб билган.

– Вой, Худойим-ей, – деди эртаси куни дераза олдида турган миссис

Беннет. – Бу шилқим мистер Дарси яна бизнинг Бингли биланми? Эртадан кечгача кунини бизникида ўтказиб нима топаркин? Агар ўзининг шу ердалиги билан бизга халақит бермаса, барибир эдику-я! Лиззи, қизим, Бинглига халал бермасин, у билан бироз айланиб келгин.

Бу таклиф ёқиб тушган Элизабет ўзини зўрға кулгидан тийиб қолди. Лекин онасининг йигитни ҳар хил сўзлар билан аташи унга бироз тегиб кетди. Йигитлар хонага кириб келишганда Бингли Элизабетга шундай ифодали қараб кўришдики, унинг ҳамма гапдан хабардорлиги сезилди. У миссис Беннетга қараб деди:

– Миссис Беннет, бу яқин атрофда Лиззи йўқолиб қолиши мумкин бўлган жойлар яна борми?

– Мен мистер Дарси, Лиззи ва Киттига Оукхем тепалигига боришларини маслаҳат берардим, маза қилиб айланиб келасизлар, мистер Дарси эса у ерларда бўлмаган.

Китти уйда қолгиси келаётганини айтди. Мистер Дарси ҳам тепаликдан ён-атроф қандай кўринишига қизиқиб қолди ва Элизабет уни кузатиб боришга розилик билдирди. У кийиниб олиш учун хонасига борар экан, онаси кетидан кириб шивирлади:

– Лиззи, узр, бу одамга сен қарашингга тўғри келаяпти. Ўзинг тушунасанку – ҳаммаси Жейн учун қилинапти. У билан гаплашиб юришинг шарт эмас, бир-икки оғиз гапириб кўйгин, бўлди.

Ёшлар айланиш давомида бу кеч мистер Беннетнинг розилигини сўрашга қелишиб олишди. Онасига тушунтиришни Элизабет ўз бўйнига олди. Йигитнинг машхурлиги ва бойлиги онасининг муносабатини ўзгартира олармикин, дея иккиланарди. Лекин бўлғуси никоҳдан онаси ғазабга тўладими ёки ҳайратга тушадими – иккала ҳолда ҳам онасининг ўзини ножоиз тутиши қизга маълум эди.

Кечкурун отаси кутубхонасига кириб кетгач, Элизабет Дарси ҳам унинг кетидан йўналганини кўрди. У отасининг рад жавобидан кўркмасди. Хавотири отаси қизининг танловидан норози бўлиб, унинг тақдирдан хавотирга тушиши мумкинлигида эди. Қиз Дарси кутубхонадан чиққунича бетоқат ўтирди ва фақат юзида кулги билан Дарси кўрингандан кейингина хавотири бироз босилди. Дарси Китти тикиш билан банд бўлиб ўтирган столнинг олдига келди-да, худди унинг тикаётган нарсасини томоша қилаётгандек, шивирлади:

– Отангиз сизни кутубхонада кутаяпти.

Қиз кутубхонага кирганда отаси тунд бир аҳволда хонанинг у бошидан бу бошига юрарди.

– Лиззи, – деди қизига мистер Беннет, – сенга нима бўлди? Ақлинг борми? Шу йигитга турмушга чиқишга розимисан? Ахир уни ҳеч қачон ёқтирмагансан.

Қиз ўзининг ўша пайтларда ҳамма нарсани очик-ойдин гапирганига пушаймонлар бўлиб кетди. Тилига эҳтиётроқ бўлганида эди, ҳозир ташвиши камроқ бўларди. У тутилиб-тутилиб отасига ўзининг Дарсига муносабатини билдирди.

– Демак, бир гап билан айтганда, сен унга турмушга чиқмоқчисан. Тўғри, у жуда бой, чиройли кўйлақларинг, экипажларинг бўлади. Лекин бундан бахтли бўла оласанми?

– Отажон, менинг туйғуларимга ишонмаслигингизнинг бошқа сабаблари ҳам борми?

– Йўқ. Ҳаммамиз уни мағрур ва такаббур ҳисоблаётгандик. Лекин уни чиндан ёқтирадиган бўлсанг, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

– Ёқтираман, бутун юрагим билан! – ёшли кўзлари билан деди Элизабет. – Уни бекорга кибрли деган эканмиз. Аслида, у ажойиб инсон. Сиз унинг қанақалигини ҳеч ҳам билмайсиз. Илтимос, у тўғрисида бундай гапириб менга азоб берманг.

– Лиззи, қизим, мен розиман. У шундай одамлар тоифасига кирадики, мендан бирор нарса сўрасалар рад қилишга ҳаддим сиғмайди. Лекин сенга

бир маслаҳат – яна бир марта ўйлаб кўр. Агар никоҳда омадинг келмаса, ақлинг ўткирлиги ва ҳаётни севишинг сенга кўп ташвиш келтиради. Бу ҳолда сен ҳамма нарсадан совуб кетасан. Қизим, умр йўлдошингга ҳурматинг йўқолганини кўриб, сенга ачиниб қайғу чекишдан мени кутқаргин.

Отасидан баттар ҳаяжонланган қиз яна бир марта мистер Дарсини чиндан севишини, унга муносабати тубдан ўзгарганини айтиб берди. Унинг хислатларини фахр билан санаб берар экан, йигитнинг муҳаббати чин эканлигига ишонишини, бу вақт билан синалганини сўзлади.

– Бўпти, нима ҳам дердим, – деди ахири мистер Беннет Элизабет гапларини тугатгач. – Агар ҳозиргина айтган гапларингнинг ҳаммаси рост бўлса, сенга муносиб. Муносиб бўлмаган одамга турмушга чиқишингга чидай олмаган бўлардим.

Мистер Дарсини отасининг кўзи олдида яна ҳам кўтариб қўйишни истаган қиз унинг Лидия учун нималар қилганини айтиб берди.

– Музокаралар, тўй шартномаси бўйича тўловлар, Уикхемнинг қарзларини тўлаш, зобитлик патентини сотиб олиш – ҳаммаси мистер Дарсининг иши экан-да! Ундан ҳам яхши. Бу мени ҳар хил муаммолардан кутқаради: буларнинг ҳаммасини тоғанг қилганда у билан ҳисоб-китоб қилишим керак бўларди. Мен эртага унга қарзларимни қайтаришни таклиф қиламан. У қаршилиқ қила бошлайди, сенга бўлган севгисини айтади ва ҳамма нарса ҳал бўлади!

Шуни гапираётиб, мистер Беннет бир неча кун бурун мистер Коллинзнинг хатини ўқиётганида қизининг уялганини эслади. У кулганича, қизини кузата туриб деди:

– Агар бирорга йигит Киттини ёки Мэрини сўраб келадиган бўлса, менга юбравер, ҳозир бўшман.

Элизабетнинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Ўзига келиб олгунча ярим соатча хонасида бўлиб, сўнг меҳмонхонага тушди. Кейин онаси уйкуга етиши олдидан унинг хонасига кирди-да янгиликни айтди. Унинг гапларини охиригача эшитган онаси бирор нарса дейишга ҳам мажоли етмай бир қанча вақтгача жим қолди. Одатда, унинг ақли қизлари фойдасига бўлса дарров ишлаб кетарди, лекин бу сафар қизининг айтган гаплари унга етиб боргунча анча вақт ўтди. Ахири сал ўзига кела бошлади, ўрнидан турди, яна ўтирди, Худого шукур қилди:

– Яратган эгам! Узингга шукур! Наҳотки! Менга нима бўлаяпти ўзи? Мистер Дарси! Лиззи, қизгинам! Қанақа бой бўласан-а! Жейн сен билан беллаша олмайди ҳам! Мен қандай бахтлиман! Қандоқ ажойиб йигит! Лиззи, қизгинам, ёқтирмай юрганам учун ундан узр сўраб қўй. Қандай яхши! Учта қизим турмушга чиқди! Йилига ўн минг! Худойим! Эсим оғиб қолай деяпти!

Онасининг рози бўлганини англаш учун шунинг ўзи етарли эди. Онасининг юрагидаги гапларига ёлғиз ўзи гувоҳ бўлган Элизабет хурсанд бўлганча чиқиб кетди.

Эртаси куни эрталаб нонушта жуда яхши ўтди, миссис Беннет бўлғуси куёв олдида шундай ҳаяжонландики, уни овқатга таклиф қилиш, бирор масалада гапини тасдиқлашдан бўлак сўз топа олмади ҳам.

Элизабет отасининг мистер Дарси билан яқиндан танишишга ҳаракат қилаётганидан хурсанд бўлди. Бироз ўтиб у қизига йигитнинг тобора ёқиб бораётганини айтиб қўйди:

– Уччала куёвим ҳам зўр. Менимча, барибир энг яхши кўрганам Уикхем бўлиб қолади. Лекин Дарсини ҳам Бинглидан кам яхши кўрмасам керак.

XVIII БОБ

Элизабет тез орада ўзига келиб олди ва аввалгидек қувноқ қайфиятда кечаётган кунларининг бирида мистер Дарсидан қандай қилиб ўзини яхши кўриб қолганини сўради:

– Нимадан бошланди ўзи? Кейин нима бўлганини биламан, лекин биринчи бор эътибор беришингизга нима сабаб эди?

– Биринчи марта қаерда, қандай, қачон бошланганини ёки сабаб бўлган бирорта гап ёки кўз қарашларни аниқ айта олмайман. Нима гаплигини тушунганимда эса кеч бўлган эди.

– Дастлаб менинг кўринишим сизга ҳеч ёкмаган эди-а? Менинг гапиришим-чи, сизга муносабатим жуда қўпол эди. Ҳар бир гапимда теккизиб гапиришга ҳаракат қилардим. Чиндан ҳам, сизга ёкиб қолган фазилатим жасоратим эмасмиди?

– Мен сизни тийрак ақлингиз учун севиб қолдим.

– Фикри-зикри кўз қараши, эътибори билан, хатти-ҳаракати билан эътиборингизни қозониш бўлган аёллардан кўнглингиз озаётганди. Менга эътибор бера бошлаганингизнинг сабаби мен ўшаларга ўхшамаганим учун бўлган. Агар юрагингиз тоза бўлмаганида менинг гапларим учун мендан нафратланган бўлардингиз. Лекин сиз доим ўзингизнинг аслида қандай эканлигингизни яширишга уринганингиз билан барибир, сизнинг туйғуларингиз доим адолатли ва олийжаноб эди. Сизнинг бойлигингиз ва жамиятдаги ўрнингиз учунгина сизга таъзим қиладиганлардан нафратланар эдингиз. Мана – сизни бирорта нарсани тушунтириб беришдан озод қилиб қўя қолдим. Албатта, менинг қандайлигимни ҳали тасаввур ҳам қила олмайсиз.

– Қани, менга айтинг-чи – нимага қатъий гаплашиб олишни шунча чўздингиз? Биринчи марта келганларингизда нима учун мендан қочишга ҳаракат қилдингиз?

– Чунки ўша пайтда кўринишингиз жуда аянчли эди. Менга ҳеч қандай далда ҳам бермадингиз.

– Уялаётган эдим!

– Мен ҳам.

– Шунинг учун ҳам бизникига тушликка келганингизда мен билан гаплаша олмадингизми?

– Ҳиссиётлари меникичалик бўлмаган одам балки бу ишни қила оларди.

– Зўр-қу – ҳамма гапга жавобингиз тайёр. Мен эса дарров ишониб қўя қоламан. Лекин ўзингизга қолса, изҳори дилни ҳали анчага чўзармидингиз? Менинг Лидия учун миннатдорчилик билдирганим иш берди-а?

– Лекин, сиз ўзингиз Незерфилдга нима учун келганингиз? Наҳотки фақат Лонгборнга келганда уялиш учун бўлса? Ёки узокни кўзлаган режаларингиз бормиди?

– Асосий мақсадим – сизни кўриш эди. Сизнинг муҳаббатингизга эришишга бирорта имкониятим бор ёки йўқлигини билиш эди. Уз-ўзимни эса, опангиз ҳали ҳам Бинглини ёқтирадим ёки йўқми, аниқлашим керак деб ишонтираётгандим. Агар шундай бўлса, дўстимнинг олдида гуноҳимни бўйнимга олмоқчи эдим. Кейинчалик шундай қилдим ҳам.

– Кейинчалик леди Кэтринга уни нима кутаётганини айтишга қурбингиз етадими?

– Тўғрироғи менинг қурбим эмас, вақтим етмайди. Лекин буни албатта қилиш керак, агар менга бир варақ қоғоз берсангиз, ҳозироқ ўринлатаман.

– Мен эса – агар ўзим ҳам ҳозир хат ёзишим керак бўлмаганда – сизнинг ёнингизда ўтириб бир текис ёзишингизни томоша қилган бўлардим. Лекин менинг ҳам холам бор, уни унутишга эса ҳаққим йўқ.

Элизабет ҳалигача миссис Гардинернинг хатига жавоб бермаган эди. Лекин энди унга бу янгиликни айтса бўлади. Қиз Гардинерларнинг унинг бахтидан хурсанд бўлишлари тўғрисидаги хабарни уч кун кечиқиб эшитишга кетганидан уялиб кетди ва ўша заҳотиёқ хат ёзишга ўтирди.

“Ҳолажоним, сизнинг хатингизга аллақачон жавоб ёзиб юборишим керак эди. Гумон қилганларингиз тўғри экан. Энди нима ўйласангиз ўйлайверинг. Менинг турмушга чиққаним хаёлингизга келмагунча ўйлайверинг. Қўллар Ўлкасига борингиз келмагани учун сизга қайта-қайтадан раҳмат айтаман. У ёққа боришни роса орзу қилганимда қанчалар аҳмоқ эканман!”

Сизнинг кичкинагина фаэтон ҳақидаги гоянғиз менга ёқди. Иккаламиз ҳар куни паркда сайр қиламиз. Мен ҳозир дунёдаги энг бахтиёр инсонман. Балки менгача кўплар бу гапни айтишигандир. Лекин ҳақ кимда меникичалик асос бўлмаган бўлса керак. Мен ҳатто Жейндан ҳам бахтиёрроқман. У фақат жилмаяпти, мен эса хохолаб қулаяпман! Мистер Дарси мендан яшириб қолган севгисини сизга изҳор қилаяпти. Рождествода Пемберлига албатта келинг.

Сизнинг

Элизабет”.

Мистер Дарсининг холасига ёзган хати эса бутунлай бошқача эди. Мистер Беннетнинг мистер Коллинзнинг охирги хатига жавоби эса юқоридаги иккала хатга умуман ўхшамасди:

“Ҳурматли сэр,

Сиз яна бир марта бизни табриклар кўйишингизга тўғри келади. Элизабет яқинда мистер Дарсига турмушга чиқаяпти. Қўлингиздан келганча леди Кэтринни овутиб қўйинг. Лекин сизнинг ўрнингизда бўлсам, унинг жияни тарафга ўтган бўлардим. Чунки унинг имконияти кўпроқ.

Ҳурмат билан мистер Беннет”.

Мисс Бингли ёзиб юборган табрик ўта сохта эди. Жейн бу хатга алданмаган бўлса-да, лекин хурсанд бўлди ва бўлажак қийнисинглиси арзимаса ҳам самимийроқ жавоб ёзиб юборди.

Мисс Дарсининг ушбу муносабат билан ёзиб юборган хати эса, акаси унга юборган хатидек самимий эди. Қизнинг Элизабет уни ўз синглисидек яхши кўришига бўлган умиди борлигини ва ўз хурсандчилигини ёзишига тўрт варақ қоғоз камлик қилгандек эди.

XIX БОБ

Миссис Беннет учун энг бахтиёр кун ўзининг энг яхши қизлари билан хайрлашган кун бўлди. Унинг қанчалик ғурур билан қизлариникига борганини бемалол тасаввур қилиш мумкин. Оиласининг хурмати учун айтиб қўйиш лозим-ки, энг катта орзуси – қисқа вақт ичида сал кам ҳамма қизини узатиб юбориши – унга шунчалик яхши таъсир қилдики, ҳаётининг охирларига келиб анча ёқимли аёлга айланди.

Мистер Беннетга доим иккинчи қизи етишмасди ва қизига бўлган интилиш унинг тез-тез уйдан чиқиб туришига баҳона бўларди. Унга Пемберлига – айниқса уни кутишмаётган пайтда – бориш жуда ёқарди.

Мистер Бингли ва Жейн Незирфилдда атиги бир йилгина яшашди: бироз ўтиб Дербишир билан чегарадош графликдан ер сотиб олишди ва опа-сингиллар бир-бирларига қўшни бўлдилар.

Китти кўп вақтини икки опасиникида ўтказа бошлади ва натижада табиати анча яхши томонга ўзгарди. Уни ҳар қанақасига Лидиянинг таъсиридан химоя қилишарди.

Оилада қолган ёлғиз қиз Мэри эди. У оила ҳаётида кўпроқ иштирок эта бошлади.

Уикхем ва Лидияларга келадиган бўлсак, иккита опасининг турмушга чиққани уларга таъсир қилгани йўқ. Уикхем Дарси ҳали ҳам уларга ғамхўрлик қилади, деган умидидан кечмаган эди. Тўйи арафасида Элизабет Лидиядан олган хатда, синглисининг шу ниятда эканлиги ёзилган эди:

“Азизам Лиззи.

Сенга доимо хурсандчилик тилайман. Агар сен мистер Дарсини мен ўзимнинг Уикхемимни севганимнинг ярмича севсанг ҳам, жуда бахтли бўласан. Шу қадар бой бўлишинг қандай яхши! Умид қиламанки, қиладиган ишинг бўлмай қолганда, бизларни эсга оласан. Агар иложи бўлса, саройда бирор жойга эга бўлишига Уикхем ҳам рози бўларди. Биров бизга ёрдам бермаса, қийналиб қолсак керак, деб кўрқаман.

Сенинг Лидиянг”.

Элизабет синглисига ёзган жавоб хатида бу тўғридаги ҳар қандай умид ва даъволарга нуқта қўйишга ҳаракат қилди. Шунга қарамай, ўзига кетадиган харажатлардан орттириб йиғганларини тез-тез уларга юбориб турарди. Уикхемларнинг ўзларини тутишлари, ўз жойларига қайтиб келганларидан сўнг ҳам аввалгидек тараллабедод бўлиб қолаверди. Уикхемнинг Лидияга бўлган қизиқиша жуда тез сўнди. Лидияники эса бироз чўзилди. Эри Лондонда айшини суриб юрган пайтда Лидия баъзан Пемберлига меҳмонга келарди. Улар Бинглиникига ҳам шунчалик кўп келишардики, фариштадек Бингли ҳам уларга энди жўнаш кераклигини айтишга мажбур бўларди.

Дарсининг уйланиши мисс Бинглининг қалбини қаттиқ яралаган бўлса-да, Дарсига ҳали ҳам яхши муносабатда бўлиб, Элизабетга нисбатан эса ўзини ўта эҳтиромли тутарди.

Жоржиана энди бутунлай Пемберлида яшай бошлади. У Элизабетни жуда яхши кўриб қолган эди. Қиз аста-секин илгари ҳеч унинг хаёлига келмаган бир нарсага ақли етди: қиз бола акасига қилишга ҳадди сиғмаган муносабатни аёл киши эрига қила олар экан.

Жиянининг Элизабетга уйланиши леди Кэтринни ғоятда ғазаблантирди. У кутилаётган тўйга таклиф қилиб жўнатилган хатига ёзган жавобида ўзини кўйиб юборди. Жавобда, айниқса Элизабет ҳақиқага, шунчалик ҳақоратли сўзлар бор эдики, Розингсга бориш анча вақтгача орқага сурилди. Лекин кейинчалик, Дарси Элизабетнинг илтимоси билан аразни йиғиштириб кўйиб, ярашишга рози бўлди. Леди Кэтрин жиянини яхши кўргани сабабми, унинг хотини ўзини қандай тутаётганига қизиқаётгани сабабми, ахири ёшларга нисбатан юмшоқ муносабатда бўла бошлади.

Ёш келин-куёв Гардинерлар билан жуда илик муносабатда қолишди. Дарси ҳам, худди Элизабетдек, уларни жуда яхши кўрарди. Улар иккови ҳам Элизабетни Дербиширга олиб келиб, уларнинг бирга бўлишларига сабаб бўлган инсонлардан бир умр миннатдор бўлишди.

*Рус тилидан
Муҳаббат ИСМОИЛОВА
таржимаси*



ИККИ МИЛЛАТ ФАХРИ ЭДИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, қорақалпоқ шеърятининг чинори ҳисобланмиш Ибройим Юсупов (1929 – 2008)¹ билан шоир умрининг сўнгги йилларида тез-тез учрашиб, тўй-маросимларга бирга бориб юрдик. Ута маданиятли, халқ ҳаётининг билимдони, дунё шеърятидан, айниқса Шарқ шеърятидан чуқур хабардор бўлган бу инсон ўз ҳаёти ҳақида осонлик билан сўз очавермас эди. Бугунги кунда унинг болалик пайтлари, ўспиринлик йиллари билан боғлиқ бўлган, айниқса ота-онаси, қариндош-уруғлари қимлар бўлганлиги ҳақида шоирнинг ўзи ёзиб қолдирган таржимаи ҳоли, автобиографияси йўқ. Унинг атрофида юрган одамлар – бизлар ҳам бу борада шоирдан ҳижжалаб сўрайвермаганмиз.

1997 йилнинг 6 март куни “Қорақалпоғистон ёшлари” газетасида Ибройим Юсуповнинг “Онали етим – зўр етим...” деган мақоласи чоп этилади. Ана шундан сўнггина отаси Юсуф охуннинг мол-мулки хатга тушиб, мусодара қилингани, ўзи ҳуқуқсиз қилиниб, бир четдаги одамсиз бўз тупроққа “халқ душмани” сифатида сурегун қилингани, 1931 йили қамоққа олиниб, 1932 йилда Тўрткўлдаги қамоқхонада қазо топгани, онаси Хонбиби элти² жуда ёшлигида эридан есир қолгани, акаси Маден (Муҳаммадамин) икковини онаизор есир боши билан ёлғиз тарбиялаб оёққа кўйгани, Сатулла дойи (тоғаси) буларни Лор³ бўйига кўчиришиб боргани ҳақидаги маълумотларни билиб олдик. Шулардан бошқаси ҳали-ҳамон номаълум қолиб келаётган эди.

Шоир ҳақида автобиографик асар ёзмоқчи бўлган одам учун шоирнинг 1945 йилдан – Нукус педагогика институтига кириб ўқий бошлаган пайтидан бу томонини тадқиқ қилиши имконияти кўпроқ экан. Ўша даврга довуз бирга ўйнаб-ўсган замондошларининг деярли барчаси ҳозирги кунда дунёдан ўтиб бўлган. Тилга олинган йилдан олдинги даврга оид ҳужжатлар Чимбойда ҳам, Нукус архивларида ҳам топилмади. Биз ёзишга ниятланган давр ҳақида эса “Қорақалпоғистоннинг янги тарихи” (2003 йилги нашр), муаллиф Ш.Бабашевнинг “Тўхмат дейгиши” (2009 йил), муаллифлар Файратдин Хўжаниёзов, Ўнгорбой Юсуповларнинг “Қорақалпоғистондаги муқаддас қадамжолар”, Қалли Айимбетовнинг “Халқ донолиги”, Ж.Уббинёзовнинг “Қорақалпоғистон XX аср бошларида”, О.Пайзуллаевнинг “Чимбой тадқиқот ва ривоятларида” номли китобларидан, илмий монографиялардан йўл-йўриқлар асос қилиб олинди.

Ибройим Юсупов ўзи туғилиб ўсган овул ҳақида 1980 йиллардан бошлабгина аниқроқ ёза бошлаган. Ёзган асарларида бирга ўйнаб-ўсган, мактабда бирга ўқиган жўралари, ер-сув, ҳудуд номлари тилга олинади. Биз ана ўша маълумотлар бўйича шоир туғилиб ўсган овулда бир неча марта бўлдик.

Шоирнинг яқин огаиниси, фахрий муаллим Ўринбой Сулаймонов бизни шоир билан бирга мактабда ўқиган жўраларининг уйларига олиб борди. Ҳозир 92 ёшга кирган, шоирнинг оғаси Маден билан бошлангич мактабда бирга ўқиган Қарлибой ога Бойниязов, Узоқ, Лепесбой, Хонбиби элтининг отадоши иниси, таниқли журналист Яҳуда Мурадов, шоирнинг жияни Хўжаназар огалар, шунингдек, диний мактабда икки Ибройимни ўқитган Қурбонниёз эшоннинг боласи Ибройим мулла, уруғдош инилари Давлатбой мулла билан Искандарлар, Хонбиби элти туғилган “Куйин” овулининг ёши улуг, диловар инсонларидан бири – Есен қозининг ўғли Неъматулла оқсоқолнинг қизи Жиянгул опага ўхшаган бир қатор нуронийлар билан учрашув тўғрисида бир қанча воқеалар тафсилотларига эга бўлдик. Учрашувлар жараёнида ҳам, уларни қозога тушириши жараёнида ҳам ўша воқеаларга аниқликлар, ўзгартишилар киритиши ишлари олиб борилди (бунақа ишлар асарни ёзиши мобайнида ҳам давом эттирилди, ҳозир ҳам давом этмоқда).

¹ Ибройим оғанинг туғилган йили ҳужжат бўйича – 1929 йил, лекин шоирнинг туғилган вақти шу санадан уч йилча олдин кечган. Роман воқеаларини ёзаётганда, биз асл туғилган вақтини ҳисобга олганмиз.

² Элти – диния арбоблари (эшон, охунлар)нинг завжа(аёл)ларига халқ томонидан айтилаётган муҳтарам ном.

³ Лор – кимсасиз, овлоқ манзил номи. Ҳукумат томонидан таъқиб қилинган одамлар ўша манзилга сургун қилинган.

Шоир ҳақида бадиий асарлар ҳам, эсдаликлар ҳам ҳали кўп ёзилади. Айтайлик, рус адабиётида Пушкин ҳақида ёзилган романлару бошқа илмий монографияларни бир жойга тўпланса, эҳ-ҳе, шуларнинг ўзи бир кутубхона бўлган бўлурди. А.С.Пушкин ўзидан кейинги давр рус адабиётига қандай таъсир кўрсатган бўлса, Ибройим Юсупов ҳам XX аср қорақалпоқ адабиётига шундай таъсир кўрсатган шоир. Биз таваккал этиб бошлаган ушбу “Шоирнинг ёшлиги” деб номланган ҳужжатли романда 1930–1950 йиллардаги қорақалпоқ қишлоғида кечган воқеаларни тасвирлашга ҳаракат қилдик. Шоир ҳаётининг тасвирга олинган бу даври ҳам ҳали янги маълумотлар билан янада тўлиқтирилиб, анча тафсилотлар киритилади, деган умиддамиз.

Муаллифдан

Шарап УСНАТДИНОВ

ШОИРНИНГ ЁШЛИГИ

Ҳужжатли роман

*Ўлимдан ҳеч югрук қочиб қутилмас,
Ҳисобдан янглишмас, у ҳеч утилмас¹,
Валекин қасд айлаб қилсаю амр,
Фақат бир куч унинг айтганин қилмас, –
Соғ бўлсин чарчамас курашчан умр!
Бир барғи узилса – минги унар, бас!!!*

И. Юсупов

Биринчи қисм

ЮСУФ ОХУН

1

Эрта тонг. Куёш терак бўйи кўтарилган. Кунлар анча қисқариб қолган. Ёз бўлганида эди, тонг отмай туриб ер суғоришга кетган деҳқонлар бу пайтда нонушталик ёрмани симириш учун аллақачон уйларига етиб келиб, ўтирган бўлардилар. Ҳозир эса куз. Кузнинг ҳам этаги кўтарилиб, оёғи кўриниб қолган пайт. Ҳадемай қиличини судраб киш келиб қолади.

Овулда подага қўшиладиган молларни тўплайдиган иккита чанглоф майдон бор. Қорамоллар – ёпни қиблага қараб кесиб ўтиладиган жойда, қўй-жонлиқлар эса “Ўтабойнинг чуқури” деган ерда тўпланади. “Эчки бошлаган кўй ўнгмас, хотин бошлаган уй ўнгмас” дейдиган халқ майда-ушоқ мол ўрлаб кетиб қолмасин деб ўйлаб, тўпланиш учун шу жойларни танлаган бўлса керак.

Эрталабки соғиндан кейин молларини подага қўшиб қайтган икки аёл овулнинг шимол томонида, кунчиқардан кунботарга қараб чўзилган, оёғи катта ўрисйўлга чиқадиган аравайўлдан келаётган эди. Нариги овулдан шу йўлга келиб қўшиладиган сўқмоққа яқинлашганда, уларнинг бири бакириб юборди:

– Вой-вой, чеча, анавилар кимлар?! Шўримиз қуриди, чечажон-ов! Отлиқларнинг олдида кетаётган одам – охун ота эмасми?!

Ёши бориб қолган аёл ялт қараб:

– Ростдан ҳам шўримиз қуриб қолибди, келин, бу қандай юзи коралик бўлди! – деди-да, келиннинг қўлидан тортиб, ҳали куртаги тушиб улгурмаган бир уюм юлгиннинг орқасидан паналаб ўтиб, ариқ ёкасидаги оқтолнинг тубига бориб ўтириб қолди. Уларнинг бу ҳаракатларида кўрқув ҳам бор, элдаги таниқли уламои икромларга бўлган ҳурмат ҳам бор. Ўзлари аввал-бурун ҳеч учрамаган бунақа инсофсизликдан ҳайрат

¹ Утилмас — ютқазмас.

ҳам бор, шу билан бирга, қорақалпоқ аёл-қизларига хос ибо ҳам акс этиб турарди.

– Шундай уламо кишиларни ҳам шунчалар хор қилиш мумкинми-я?! – деди келинчак сабрсизланиб.

– “Худодан кўркмагандан кўрк” деганлари шу, келин. Қарғишдан кўркмайдиганлар ҳам бор-да, болам...

– Отларига мингаштириб олса бўлмасмиди?! – деди келин яна йиғламосираб.

– Вой қароғим-ай, отга мингаштирса, жаллод бўлармиди?

– Ахир булар жаллод эмас, мелиса-ку!

– Жаллоддан нима фарқи бор буларнинг? Яқиндагина эмасми, овулга келиб, “пахта планни бажармадинглар!” деб ҳаммани тўз-тўз қилгани?! “Чигитдан чиққан тоза пахтани ёстигинга тикқансан, йирт, текшира-миз” деган гапни рўқач қилиб, кўрпа-тўшакларимизни тилким-тилким қилиб кетишди-ку! “Хоннинг навкарлариям бунчалик золим эмасди” деб чинқирган чечамнинг йиғлаганларини эшитмадингми ўшанда?

– Ҳеч бўлмаса, охун отанинг аравасини хайдатиб, Чимбойгача шу аравада олиб боришса, бўларди-ку ахир?! Соқоли оқариб қолган уламонинг ёшини сийлашмаса-я булар.

– Бу садағанг кетайиннинг уйида арава қолибдими ҳозир?! Ўтган йилги пахтанинг солиғини тўлашга моли етмай, аравасини ҳам сотиб юборди-ку, қароғим-ов...

Отлиқлар узоклашгандан кейин аёллар ўринларидан турдилар. Сочсоқоли оқара бошлаган, ўрта бўйли, қотмадан келган сарик одам кичкина тугунчасини қўлтиқлаганича икки милиционернинг олдига тушиб ерга қараганича аста юриб борарди. Аёллар уларнинг изларидан қараб турдилар. Отлиқлар Гулимбат калта кўнжлининг уйига яқинлашган пайтда эшак аравада келаётган бир одам буларга яқинлашаверди. “Ие, бу ким бўлди”, дегандай, аёллар бўйинларини чўзиб қарашди. Бир пайт бояги одам аравасини овул томон бурди-да, тасир-тусур хайдаб кетди.

– Ким бўлсаям, ёши улуғларга хабар берайин деб кетди-ёв, – деди келинчак.

– Овулда ёши улуғ одам қолдими? Кимни динчил, кимнидир бой, яна кимнидир зараркунанда деб, барининг бошига сув куйди-ку булар! – Аёллар аравайўл томонга юра бошлашди. – Охун қайноғанинг овулинда ҳам ҳаммаси ўзига ўхшаб айбланганлар. Биров бировдан кўрқади, биров бировдан шубҳада. Узинг айт қани, овулда бош кўтариб юргудай ким қолди ўзи? Тўрт-бештаси халқ душмани бўлиб қамокда ётибди, қолган кўзга кўринганлари ҳам Чимбойда бир-бир ётиб чиқишди-ку ахир...

2

От олдида хайдалиб кетаётган одам Чимбойдай катта элатнинг ҳисобда бор таникли уламоларидан бири эди. У ўз овулидан мана шундай хайдалиб чиқаётганидан уялаётгани ҳам, номусланаётгани ҳам йўқ. Яратган эгамнинг ўзи бир ҳисобини топиб ҳузурига чақиртириб қолмаса, тонгла машҳардан бурун мана шу воқеанинг бўлишини аллақачонок бўйнига олиб, кутиб юрган эди. Айниқса сўнгги икки йилнинг жаҳаннамдан фарқи қолмади. Бисотидаги бор мол-мулкни тортиб олишди, элнинг чеккасидаги Лор деб аталган жойнинг хув четидаги курак тегмаган партав¹ ерга суриб чиқариб, сургун қилганларидан бери, қачон бўлмасин мана шу воқеа бошига тушишини аниқ сезиб юрган эди.

Утган икки йил ичида ҳаёлига қанақа ўйлар келмади, дейсиз. Туркманистоннинг Кубатов деган манзилига қочиб кетган биродарларининг аҳволидан ҳам хабардор. Қорақум эшонларининг муриди бўлган Жунайдохонга Илёс эшон орқали йўл топиб кетган уламоларга ҳам у қўшилмасдан қолган эди. Хуфя ваъдалашиб, ҳар хил йўллар билан Афғонистонга, Эронга чиқиб кетганлар ҳам неча марта чақиришган.

¹ Партав ер – экин экилмаган, чеккадаги ташландиқ жой маъносида.

Иложсизликдан сиқилиб, бир кунмас-бир кун мана шу воқеа бошига тушишини билиб, куни-туни мияси алғов-далғов, егани ичига тушмас, бирор кун ястаниб яшамаган эди. Энди нима қилсин? Худонинг хоҳлаганидир-да, бошини кундага қўйиб берсинми, ёки “хаййо-хув!” дея чўлу биебонларга чиқиб кетсинми? Шуларни ўйлаб-ўйлаб, бир куни охун Илёс эшоннинг олдида борди.

– Менинг бошимга ҳам сизнинг кунингиз тушиб турибди, охун оға, – деди эшон. – Сиз қочиб-қўчган вазиятда ҳам чегаралардан ўтказиб юборадиган тиллаларингиз кўп эмас. Бошқаларга ўхшаб, сурув-сурув молларингиз бўлса эди, барини пуллаб, йўлга чиқаверишингиз мумкин эди. Қўлингизда харажат бўлмагач, иккинчи чегарадаёқ ушланиб, бандига айланасиз. Омон-эсон ўтиб олганингизда ҳам, бола-чақани камида бир йил ториқтирмай сақлаш учун дунё керак. Бўлмаса ҳаммаларингизни қулга айлантириб, даладаги ишларга ташлашади... – Илёс эшон узоқ вақт ўйланиб ўтирди. – Охун оға, сизнинг ошиб-тошиб кетаётган нарсангиз йўқ. Дин пешволари билан борди-келдингиз ҳам кўзга тушарлик эмас. Уйингиздаги мачитингиз ҳали ёпилмадимми?

– Аввалги йилги савдолардан кейин ҳаммасини тўхтатдик-ку, Илёс-жон. Ҳозир мачит дегудай мачит қолдимми? Сургун бўлиб кетганимиздан бери аввалги юртимизга бир ғарибҳол муридимишни ўтиргизиб қўйибмиз.

– Ундай бўлса, энди буёғига ҳукуматга қайишинг, унинг хизматидан қочманг. Иншооллоҳ, сизга эндиам олайиб қарайвермаса керак...

Эшоннинг гаплари анчагина оғир ботгани билан, ҳақиқат шу эди. Болалари ҳали кичкина, ўзларини ўзлари эплаб юролмади. Катта қизлари ҳали бўй етмаган, кичкина Ибройим беш ёшга энди тўлади. Битта ўзининг қора боши бўлганда-ку, дарвишликнинг хирқа-тўнини кийиб, йўлга чиқаверган бўларди. Жонини омон сақлаб қолиш учун болаларини ташлаб кетворса – бу ишининг сўнги хайрли бўладими ё...

Аравайўлнинг икки томони – чакалакзор эди. Тоқёп ариғи куз-бахор демай тошиб кетиб, икки бўйини сув олиб туради. Шунинг учун ҳам бу ерларнинг жингили билан жийдаси қалин ўсади. Ҳозир охун сувга ўзини ташлаб қочман деганида ҳам йўл топиши қийин. Авваллари бу ерлар бепоён тўқайзор эди. Етилиб ўсган тўрангили билан ермани жингилини ўтган-кетган одам юлиб-юлкаб бошини еди. Энди бу ерларни ҳам чакалакзор босибди. Бўз ерларда араванинг излари мойтупроқ билан тўлиб, одам юролмай, ичига ботиб қолади. Охун пиёдалаб, араванинг икки изи ўртасидан юриб келаётир.

Орқадаги отларнинг ора-сира пишқирганини эшитади, отлик ясовулларнинг “одимингни катта от, ухлаб келаяпсанми?” деб ўшқирган овозлари келади – шуларни айтмаса, охуннинг кўзи ҳеч нарсани кўриб келаётгани йўқ. Орқадан товуш эшитилгандагина аланглаб ўрпонг¹да келаётганини, “ўрис йўл”га ҳали етмаганини пайқайди. Тўрт оёқли икки хайвоннинг оёқлари остидан чанг кўтарилади. Шу кунларда ўзи қиров қалин тушиб турибди. Тонгда жўхори бошини қайришга чиққанлар тушлик ёрмасини ичишга усти-боши ботмон-ботмон чанг бўлиб келади. Шундай пайтда терласанг, қўйлагинг тер ва лойдан баданингга чип-чип ёпишиб, кейин қотиб ҳам қолади. Охун шундай ҳолатда, чанги чиқиб, жони чиқмай юриб келаётир.

Бояги бир қақирим жойга ҳам кўликли-уловли бўлиб юрган даврларда, ҳозиргидай йўлни пиёда босиб ўтганидами, аллақачон ўпкаси ўчиб, тинкаси қуриб битган бўларди. Ўтган йили Лор бўйига кўчиб келганларидан буён қўрадаги мол-ҳол билан уй ёнидаги томорқа ерда андармон бўлиб юрди. Пахта отиз²га чиқиб ёрдамчилар орасида бўлади. Шунинг таъсири сезилдими, ҳартугул, юзига қон югуриб, ўзига келгандай ҳам эди.

¹ Ўрпонг – одам отлик-пиёда юравериб, йўлнинг тупроғи эзилиб, ундай майдаланади. Шунга “ўрпонг” дейилади.

² Отиз – экин майдони, дала.

Лекин... мана, йўл босиб келаяпти, келаяпти, негадир миясига ҳеч нарса кирмаяпти. Гўё ҳаётидаги энг охирги, энг муҳим масала узил-кесил ҳал бўлган-у, энди бу ҳақда ўйлаб ўтириш ҳам, бунга қарши бирор чора қўллаш ҳам бефойда. Энди келажакда – олдинда уни нималар кутиб турган бўлса, ўша кўргуликларни кутиб олишга тайёрланиш керак. Неча ой, неча кунлардан бери ўйлагани шу эди: кутилган-кутилмаган кўргуликлар рўй бериб қолса, нима қилиш керак? Изимда қоладиган бола-чақаларимнинг аҳволи не кечади? Мабодо энди ишлар шунақа бўлиб кетса, изимдан сўроқлаб-суриштириб ким келади? Фарзандларимга ким ёрдам қўлини чўзади? Қизларимнинг турмуши нима бўлади? Болаларим қандай одам бўлиб етишиб чиқади-ю, элга қандай аралашади? Хонбиби элтининг ўзи жуда ёш қолиб бораётир, болаларни қушдай оғзида тишлаб, халқ қаторига қўшиш учун куч-ғайрати етармикан? Мана шундай охири йўқ ташвишларни ўйлайвериб, бутунлай ҳаловати йўқолган эди. Энди, бундан буёғига яна бир марта, бир марта эмас, қайта-қайта эслаб, кўз олдига келтириб, ҳозир обориб қамаганларидан кейинги чекадиган азобларга чидаш учун сабр беришини, ортиқча қийнамай омонатини олиб қўяқолишни Яратгандан тилашни ўйлаб бораётир...

– Анавини қаранглар-а! – Охун тўсатдан янграган кичқириқдан уйкуси бирдан очилган одамдай қалқиниб, ўзига келди.

– Ох-ох!

– Қуйруғиям ўзи бир кучоқ келади-я!

– Каттагина қизил тулки экан, – деди отликларнинг иккинчиси.

– Милтиғинг бўлиб отиб олганингдами, зўр тумоқ чиқарди-я...

“Елкангга осиб олганларинг милтиқ бўлмай, қорауйнинг увиқ¹-таёғимиди?! – ичидан койинди охун. – Бояги ёвгарчилик йиллари ёвмутлар тунда увиқ тақиниб келиб ҳам чет-чеккадаги уйларнинг молларини ҳайдаб кетаверган экан. Шунга ўхшаб, буларга ҳам ўқсиз милтиқ берилар экан-да...”

Овул итлари туни билан уй пойлаб, кундуз уйкуга кетганларида тулки билан шоқоллар, чивин-чиркайни қувалаб чангалзорнинг ўртасига келиб қоладиган товукларни ғиппа тутиш илинжида келади. Манов икки ясовул аравайўлни кесиб ўтган ана ўшандай тулкини кўрган, шекилли.

Хаёли бўлиниб кетган охун бир қур атрофга кўз югуртирди. Анча йўлни босиб қўйишибди. Аммо, йўлда бораётган ё келаётган бирор кимса кўринмасди. “Колхоз деганлари ёмон кучга минди-да, бебошвок юришга ҳатто бола ҳам қўрқадиган бўлиб қолди”.

– Таксир, аравайўлдан чиқиб, чап томондаги сўқмоққа туш! – буюрди ясовулларнинг ичидаги ўктам товушлиси.

– Қадамнингни ҳам тезлаштир, бу юришингда ҳадемай иссиққа қоламиз, – деди иккинчиси.

Охун уларни эшитмагандай чурқ этмади. Лекин, ажабо, “таксир” дейишдими? Бу сўзни бугун ясовуллардан биринчи марта эшитиши эди, шунга ажабланди-да, айтган сўқмоғига тушди. Шундан сўнггина отликларнинг бири иккинчисининг изига тизилганини кўрди. “Бу чангаллар жуда бўлиқ экан” деб сўзлашганини эшитди.

У яна ўзининг хаёлларига ўралди, яна боя-бояги ҳолатга тушди: нигоҳини тўғрига тиккан-у, кўзларига ҳеч нарса кўринмайди, манов сўқмоқнинг икки томонидаги кўкракка уриб турган чангал кўнғироқчаларининг от бағрига тегиб жингирагани нари турсин, кулоқлари қуш товушини ҳам эшитмасдан бораёпти.

“...Утган йилги текширишлар пайтида мени ҳуқуқсиз қилишиб, мол-мулкимни, экин ерларимни мусодара этган эдилар. Ўз элимда юриб, ўзимдай одамлар қаторидан чиқиб қолганимга орланиб юрган бошим мана энди биратўла қамоқхона томон эгилиб бораётир. Одамнинг дунёга чиқиб кўрадиган азобининг энг оғири, чекадиган хўрликларининг энг ёмони – шу бўлса керак. Эртадан бошлаб бошимга қандай кунлар

¹ Увуқ – ўтов тиклашда бир учи билан чанғароқни кўтариб турадиган ва иккинчи учи керага (ёғоч панжара девор)га тиралган узун таёқлар.

тушади, қисматнинг қайси балосига учрар эканман? Мендан нималарни сўрашар экан? Мен нима деб жавоб беришим керагу, нималарни айт-маслигим керак? Қийнашса-чи?

Янги ҳукумат тез кучайиб кетди. Авваллари нариги боши Тахтақўпир билан Мўйнок, бериги боши Тўк тоғи билан Назархон ўртасини кўзгаб, Тўрткўл билан Нукусга кучни солсак, уни ағдариб ташлаш мумкиндай туюлар эди. Янги ҳукумат императорнинг курулли кучларини, мол-мулкини эгаллаб, шунчалар кучайиб кетишини ким ўйлабди дейсан.

1927 йили мачитларни ёппасига ёптирганда, пойтахт Тўрткўлдан, кейин эса Қизилўрдадан одам келиб текширди. Мачитнинг кўп ерларини қаздириб кўрди. Мусулмонларнинг Кавказда бўлган курултойи чиқарган қарорни, Хоразм ва Туркменистонга қочиб кетганларнинг рўйхатини излади. “Шўролар ҳукуматига қарши курашаётган чет эллардаги кучлар билан қандай алоқанг бор?” деб азоб беришди. Чимбой, Кегейли агрофларида югурук отлар, курул-аслаҳа тўплаб, овулларни тайёрлаш бўйича махфий йиғилишлар ўтказиш топширилган одамларнинг рўйхатида сен ҳам борсан, деб ҳам қийнашди. Инкилобга қарши Чимбой ташкилотининг раҳбари Каримберди охун, саркарда Борлиқбой бўлисининг Тахтақўпирдаги курулланган тўдаларига чимбойли деҳқонларни олиб бориб қўшганларнинг бирови сенсан деб ҳам тўхмат қилиб кўришди. Мен бу тўхмату ёлғон даъволарнинг ҳеч биридан кўрқмадим, фақат, Бекмурод эшоннинг намозидан кейин, Асқар охун, Сержон охунларга қўшилиб, худойи ош бериш баҳонаси билан махфий йиғилиш ўтказганимизда юритган тарғиб-ташвиқларимдан кўрқдим. Ахир ўшанда кўп ерларни оралаган эдик, кўрган кўз, эшитган қулоқ кўп эди. Тўраниёз охуннинг илиниб, қамалишига шу сабаб бўлган эди. Энди тилимга эҳтиёт бўлишим керак. “Фалон раҳбарнинг думи” деган гаплар чиқаяпти. “Дум” сифатида терговга тортилганларнинг эми йўқ эмиш, авф қилинмас эмиш. Мол-мулклардан-ку кўрқадиган, ачинадиган нарсам қолмади. Хонмахсумнинг уйини хатлаб, бор-йўқ мол-мулки, дастгоҳ-жихозларини Чимбой туманидаги “Биринчи овул” фуқароларига сотган кунларда, бизнинг ҳам топган-тутган мулкимизни аравага босиб олиб кетишди. Қайга олиб кетиб сотганини билмайман. Яна бир кўрқадиганим – хуснихат бўйичаги дастгоҳларим. Уларни ҳам юқорига юбориб текширтирамиз, деб китобларимга қўшиб олиб кетишди. Хаттотлик – бу хунар эканини, унинг динга алоқаси йўқлигини айтиб тушунтира олмадим. Энди, яқиндан бери, тўй-маъракаларда, диний маросимларда “ҳукуматнинг кишлоқларни, худудларни шўролаштириш сиёсатига қарши тарғиб-ташвиқ қилиш, халқни заифлаштириб, душманлик кайфиятини уйғотиб юрганлар” деган айблар айтиляпти. Бу томонлардан унчалик бало келавермаса керак-у, лекин мени ҳам Илёс эшон, Жалил махсум, Борлиқбой бўлисларнинг изига қўшиб юборишларидан кўрқаман. Мана шулардан эҳтиёт бўлишим керакка ўхшайди...”

Юриши анча сусайган, шекилли, бир пайтлар қулоғи остида орқадаги отнинг пишқирган нафасини туйгандай бўлди. Дарҳол сергак тортди. Изидаги икки отлиқнинг жағлари тинмасдан гапириб келаётгани қулоғига кирмаётган эди, ҳозиргина хохолаб қулишганлари эса аниқ эшитилди. Юришини сал тезлатмоқчи бўлганди, оёқларини кўтариб босиш қийинлашган эди. Чамалаб кўрди: беш чақиримча йўл юрибди. Оёқларидан миннатдор бўлди – шунчалик йўлга чидаб келаётир. Орқада юриб келаётган иккита отнинг қадам ташлаши ҳам буниқидан ортмаяпти. Жониворлар минишга ўрганган ювош мол экан. Чамаси, ички ишлар бўлимининг чорвоғида қуни-туни боғловда турса керак, иш орасида кимнинг чекига тушса, шу одамнинг миниб кетаверишига ўрганган отлар. Доимо бир одам парвариш қилиб юрган отлар эмас булар, унақа отлар бошқача бўлади.

Охун яқиндаги шарқираб оқиб турган Токёпга қаради. Сув шарқираб-шовуллаб бир текисда оқмоқда. Ёп суви хув наридан айланиб, учлари

сарғайган, икки-уч боғ чиққудай жеканзордан¹ иккига бўлиниб, нариги томондаги тепаликка бориб урилар экан. Булар яқинлашган пайтда катта бир қурбақа сувга ўзини отди. “Бу йил қиш келишига ҳали эрта экан”, ўйлаб қўйди охун. Тўқайликда ҳаққалар кўпайиб қолганми, ёки шунча қушнинг бари овулдан буёғига эргашиб келаяптими, жуфтлашиб гоҳ олдинга ўтиб кетишади, гоҳ орқада қолиб, айланиб-айланиб ерга кўнади. Чангал билан жийдаси таллашиб ўсган чакалакзор сийраклай бошлади. “Чамаси, катта йўлга келиб қолдик, шекилли”, ўйлади охун. Ростдан ҳам, овулнинг бир четига етиб келишибди, бундан буёғи – қўшни овул, ундан нариси эса – Чимбой шаҳри. Охун негадир орқасига ўгирилиб, анча вақтгача қараб турди.

Эсини билганидан буён ялангоёқ югуриб юрган шу сўкмоқ, ўспиринлик йилларида яйловда от чопдириб, пойгада совринлар олган майдон – мана шу, сувларида сузиб қирғалоқ² ўйнаган, югуриб келиб қалла ташлаган баланд рош³лар, бари-бари кўзининг нурлари ила ял-ял ўйнашиб, тўппа-тўғри юрагига келиб ўрнашаётир. Умр бўйи қалбдан чиқмасдай бўлиб жой олган кенг далалар, ота макон! Қарагани сайин кўзи тўймай, кўнгли бузилиб, бўшашиб бораётганини сездди. Нега бундай бўлаяпти, нега? Хаёлига алланимарсалар шов этиб қуюлиб, юраги титраб кетди: “Йўғ-э, ундай бўлмас-ов, Парвардигорим бу ерларни яна қайта кўришни пешонамизга насиб қилар-ов. Ё Аллоҳ Таоло, ўзинг сақлайвер бу ғофил бандангни, ўзинг мадад бўл, Аллоҳим!..”

3

“Ўрисйўл”га ҳам етиб келишди. Қибла томонга салгина юрган пайтларида узоқда араваларга пахта юклаётган одам кўзга чалинди. Булар пахтачиларга яқинлашмай, йўлнинг кунботар томонига ўтиб, мойзаводнинг усти билан одамлар бозорга қатнайидиган сўкмоққа тушдилар. Энди отликларнинг бири олға ўтиб, охунни ўртага олишди. Буниси қайтанга яхши бўлди, чунки йўлдаги одамлар кўпайгани сари, ҳамманинг кўзи туша бошлаган охун қисиниб келаётган эди, мана энди озгина бўлса-да кўздан паналанди. Йўлнинг бу томонида йўловчилар кўп эди. Оқ қўйлак-иштоннинг устидан чопон кийган кишилар, ихчамгина сандиқчани орқалаб олган йигитча, эгарнинг олдинги ва ортги ёнига икки-уч товукнинг бошини пастга қаратиб боғлаган аёл, олдга қараб шошилишиб, тасир-тусир қадам ташлаб бораётган одамлар... “Бугун душанба-ку, – ўйлади охун, – ҳа-а, Чимбойнинг қисқа бозорига бораётганлар экан, илоё ишларингизга барака берсин”. Чимбойда, камида юз йил бурун ўрнатилган тартиб бўйича ҳафтанинг жума куни узун бозор, душанба куни қисқа бозор удуми ҳали бузилмаган экан-да.

Ҳафтада икки бозор – халқни сақлаб турган хосиятли ўрин бу. “Худонинг назари тушмаган ерда бозор солиб бўлмайди”, деган гаплар бор. Бозорнинг ҳам, Чимбой шаҳрининг ҳам ўрнини боболар тўғри танлаганлар. Яратган эгамнинг ўзи елкаларидан тутиб олиб келган-да. Бу бозорга сўнгги марта қачон келган эдим ўзи, эслашга уринди охун. Утган йили кишнинг ўрталарида эди-ёв. Пахта солиғи деган гап чиққанда, ҳукумат уйини мусодара қилиб, моллари, араваси, дастгоҳлари-ю иш қуролларига қўшиб, ўтов тўрида илдирилиб турган сангсанг пўстини⁴ни, тўқима хуржунини, миниб юрган отининг эгар-жабдуғигача хатлаб, олиб кетган эдилар. Хатга тушган мулклари пахтасининг қарзига етди, шекилли, ҳартугул худо ёрлақаб, ўтовига тегишмади. Сангсанг пўстинни, хатлашга келганларнинг бири, ўзи кийиш учун қўшиб олганини охун сездди ўшанда, аммо, илож қанча, “буюрсин, насиб қилсин” деганича қолаверди. Йўқса, у ёқ-бу ёққа чиққанида, хуржунсиз ҳам куннинг ўтиши қийин. Сангсанг пўстиннинг қадрини айтмаса ҳам бўлади, ора-сира

¹ Жекан – сувда ўсадиган ўсимлик.

² Қирғалоқ – болалар сувда ўйнайдиган қувлашмақоқ ўйинининг бир номи.

³ Рош – сув оқадиган анҳорнинг икки ёқаси.

⁴ Сангсанг пўстин – қўй терисидан тикиладиган қалин кийим, тўн.

кийгани бўлмаса, ўтовнинг тўрида ярашиққа илиғлиқ турарди. “Ёмонни айтмай, яхши йўқ” деганларидай, бундан буёғига энди ўлимлигига бир сангсанг пўстин олиб қўяйин деган мақсадда Чимбой бозорига чиққани ўшанда эди. Кўп ўтмай эса “халқ душмани” деган от олди, қувғунга учради. “Ўшандан бу ёғига бозор эсимга тушибдими, ичган ошимнинг таъмини билишимнинг ўзи даргумон бўлиб қолди-ку ахир..”

Қаршисидан пиёдалаб келаётганлар охуннинг хайрли тилаklarини эшитгандай, қаватлашиб, ёнма-ён келиб қолган пайтларида сесканиб, дарҳол ўзларини четга олар, ўтиб кетгунча тўхтаб турар, баъзи бировлари кўкракларига туф-туф килиб ҳовлиққанларича жовдираб қарарди. От тўғининг овозини эшитмай қолганлар ясовулларнинг “Пўшт!” деган наърасидан кейин бир чўчиб тушиб, ўзини четга уради.

Шаҳарга яқинлашгани сайин отлиқлар шалвираб юришни қўйиб, белларини кўтарди, узангига оёқ тираб, гавдани ғоз тутиб, отларини жадаллатдилар.

– Етишиб юр! – деб қичқирди ортда келаётгани. Отлар ҳам бир нарсани сезгандай қулоқларини чимирди, усти-устига пишқириш бошлади. Охун бошини қуйи солиб, отнинг орқа оёғидан бошқа жойга қарамай борарди. “Эй Парвардигор, тезроқ тўрт паҳса ичига олиб бор. Бу синовларингга бардош бергудайин куч-қувват бағишла!”

Ёши эллиқдан ошган одамнинг юриши билан шаҳарга кирди. Чамаси, уни аввалги ўрис приставнинг маҳкамасига олиб борсалар керак. Ўша ерда маҳкаманинг остида ертўла ҳам бор дейишади. “Жуда хавфли ҳисобланган жиноятчиларни шу ертўлага ташлаб, чиритиб юборади”, деган гапларни ҳам эшитган. “Мени ҳам ўша ерга ташламоқчилар, шекилли”, деган ўй келди миясига. Бурунги подшо ҳукумати замонида, 1916 йилги қўзғолонларда Аннакул деган отадош оғаси шу ерга ташланиб, икки йил ётиб, эси кирди-чиқди бўлиб қолиб, ўзи аранг тирик қолганди.

Йўқ, приставнинг маҳкамасидан ҳам ўтиб кетишди, қай кўча эканини яхши пайқаб ололмади, адашмаса, шаҳардаги ҳаммага маълум бўлган “қоронғи кўча”га келиб қолишди-ёв. Бир дарвозадан кириб бориб, тош уйнинг даҳлизига бош суқди, ичкарилади. Уй ичи нимқоронғи эди. Темир тўр тутилган яна бир ердан ўтдилар. Темир эшик ғижирлаб очилди. Яна ичкарилади. Хонанинг ичи юриб келган даҳлиздан ҳам қоронғироқ экан, одам кўпчиликдай сезилди. “Ассалому алайкум”, деб тўғрига қаради. Саломига алик олган жон бўлмади. Тўрда ётган гавдали бир киши ўмганин кўтарди-да, ўнг томондаги ўрттароқда ётган бир йигитга: “Ҳой товукбош, манов кишига ўрнингни бер!” деб буюрди. Йигит охунга бир олариб қаради-да, кириш эшигининг чап томонидаги бўш тўшакка ўтди. Охун қўлидаги тугунчани ичига сомон солинган олача тўшакнинг бош учига қўйди-да, ўзи тиз букиб ўтирди. Ҳаммага бир-бир кўз югуртириб чиқди-да, фотиҳага қўл очди. Унга қўшилганлар ҳам бўлди.

“Вақт ҳам эрта пешинга келиб тақалган, таҳоратимни бузмай туриб намозимни ўқиб олсаммикан? Бунга рухсат борми бу ерда, йўқми?” деб ўйланиб, тараддулданди-да, сўнг паст овозда сўради:

– Таҳоратим борида пешин намозини ўқиб олсам бўлармикан?

Тўрда ётган одам овоз берди:

– Таҳорат сувинг зое кетмасин, ўкисанг ўқиб ола қол, бундан кейингисига худо раззоқ, ўкитадими-ўқитмайдими...

Қамоқхонадагилар неғадир кулиб юборишди. Барибир, охунга сал бўлса-да, жон киргандай бўлди. Тўрдаги одам ё охунни таниган эди, ёки танимаса-да, соқолини ҳурмат қилган бўлди. “Ё Парвардигорим, бандаларингга ўзинг инсоф бер...”

пиёлача ийжон¹, бир патир, иккита зоғоранон чиқди. Бу маҳкамада ҳам худодан умиди бор одамлар топиларкан шекилли, қоронғида ўзини танитмай, тугунчакни ушлатиб кетган одам: “Опкеган йигитнинг оти Сатулла экан, тақсир”, деди-да, ғойиб бўлди. Унга “Аллоҳ ёрлақасин” айтиб, раҳмат дейишга ҳам улгурмади.

“Кундуз дегелей² билан сангсан тўннинг устидан киядиган туркмени чопонимни олиб келибди”. “Жонингиздан ортиқ бўлибдими, кийсангиз кийинг, киймасангиз ёпиниб ётарсиз, худойим тўздиришни насиб қилсин”, деган товуш эшитилгандай бўлди, бу – Хонбиби элтининг овози эди (агар ҳозир ёнида Хонбиби элти бўлганида, худди шу сўзларни айтган бўларди).

“Бериб юборган маҳси-ковуш билан кундуз дегелейни кўрган сайин терговчиларнинг кўзи мендан узилмайдиган бўлди-ёв энди, – ўйлади охун. – Уларнинг “бой”, “қулок”, “ёт унсур” деб айтаверадиган гаплари бор ахир”. “Олдингиз қиш бўлса... сангсанг пўстинни бериб юбориб яхши қилдимми-йўқми, қайдан билайин. Эндигидан бу ёғи совуқ бўлаверади-да. Қўйинг-е, қишга етмасдан-оқ уйга кириб келарсиз ҳали, худо хоҳласа. Сизнинг-чи, бир яшириб, ўғирлаб еган-ичганингиз бўлмаса, бировга етказган озорингиз бўлмаса, охунлигингизни айтмаганда ҳам, ғарибнинг йўли қайдасан деб юрган мўмин мусулмон бўлсангиз...” (бу ҳам Хонбининг овози).

“Хонбиби элти мени терговчиларнинг олдида маъракага келгандай бўлиб ўтирсин, дедимикан? Шундайдир, дейин десам, чопоннинг устидан ўрашга мадали³ белбоғ эмас, бир қўшойдинли⁴ юборибди. Айтгандай, мана шуниси дуруст бўлибди, бет-қўлни супиришга яхши-да...”

“Шунчалик илм-билимнинг изидан қувиб юрган уламозсиз, озми-кўпми элнинг ҳурматидаги одамсиз. Терговчиларнинг кўзига бало бўлиб кўринаман, деб, қалай энди эски-туски кийимда юрасиз. Шуларни ўйладим-да, шоввозим⁵. “Танимаган ерда тўн ҳурматда” деган гаплар бор-ку. Олдиларида ўтирган одамнинг кимлигини бир билиб қўйсинлар-да улар ҳам...” деган овоз эшитилгандай бўлди (элтисининг овози-да, элтисининг...).

5

Охуннинг бугун бу ерда иккинчи тунаши эди. Келганидан бери терговга чақирган, ё бўлмаса “нима қилиб юрибсан?” деган одам бўлгани йўқ. Бирданига олиб кетадиган бўлиб қолса, алвираб қолмайин деб, тонг азондан кийимларини бош учига ғамлаштириб қўйди.

– Шошилманг, тақсир, – деди тўрда ётадиган одам. – Ҳаливери ётасиз, шу ерга ўрганишасиз, аста-аста кўникасиз ҳам. Қамокда кўзлари тўрт бўлиб, тақдири не бўлишини кутиб ётган одамларга атиги икки терговчи. Сизга қачон навбат келишини бир худо билади.

“Мол манграша-манграша, одам сўраша-сўраша” деганлари рост экан, кечадан бери хужрадошлари охуннинг ким эканлигини билиб олди. Озгина бўлса-да, муносабатлари ўзгарди. Тўрда ётадиган гавдали одамнинг исми Хонкелди экан. Ўзи охундан бир мучал кичик. Урис подшонинг ҳукм суриб турган йиллари Хива хонининг ўзими, вазирларими Қозокдарё атрофларига қуш солиб, қирғовул овлашга келган экан. Шундан кейин ўша атрофда туғилган болаларга ана шундай ном қўйиш урфга айланибди.

Хонкелди ҳукуматнинг топшириғига кўра балиқ овлаб-тузлайдиган артель очади. Иниларини, фарзандларини жамлаб, артелнинг ишини юритиб турганида, бир боласи Чимбой бозорида икки арава балиқ

¹ Ийжон – кунжут билан ноннинг увоғини қўшиб тайёрланадиган хуштаъм миллий таом.

² Дегелей – кундуз, тулки, йўлбарс териларидан тикиладиган қишки бош кийим.

³ Мадали – мато, газмол номлари.

⁴ Қўшойдинли – дағалрок, кўримсиз.

⁵ Шоввозим – қорақалпоқ аёлларининг эрларига айтадиган мурожаати.

билан ушланади. Финагентлар¹ бориб мелисаларни чақириб келаман дегунларича, Хонкелди ўғлини қочириб юборади, ўрнига ўзи туриб олади-да, ҳамма ишни қилган менман деб тураверади. Бу ерда ётганига ҳам икки ой бўлибди, тергови ҳам ҳаливери битадиган эмас. Хужрада ўздан бошқа тўрт одамнинг миқтиси ҳам шу Хонкелди, ўмровлиси ҳам. Худо умрини зиёд қилсин, тарбия кўрган йигит экан, хужрадагиларнинг ҳаммасини бўйсундириб, тартибга солиб қўйибди.

Хонкелдининг айтгани келмади. Бирга ётган одамлар ўзларидан орттириб берган бир хўплам-бир хўплам сувларига олган таҳорати билан хуфтон намозини энди ўқиб бўлганида, икки ясовул охунни олиб кетиш учун келди.

– Тезлатдингизлар-ку, – деди Хонкелди ясовулларга. Унинг товушидан бундай нарсаларга кўникиб, ички ишлар ходимларига ўрганишиб қолгани сезилар эди. – Терговчига айт, дуоси кучли катта охунлардан экан де. Кўп қийнамасин.

Келганлар унинг гапига “тинч ёт!” дегандай бир олайиб қарашди-да, охуннинг икки қўлини орқасига қайириб ушлатиб, олиб чиқиб кетишди. “Тун – ғарибники”, дейишади куни билан қора меҳнатдан чарчаган деҳқонлар. Бу ерда иш тунда қизийди экан. Терговчи Хонкелдининг айтиб юборган сўзларига тушунадигандай эмас, рус одами экан. Ёнида тури татарга ўхшаган бир йигит бор. Унинг тилмоч эканини охун дарҳол фаҳмлади.

Икки қўлини қайириб ушлаган ҳолда тик турди. Сўроқни нўғай (татарларни аввал шундай деб аташган) тусли йигит бошлади.

– Отангизнинг оти ким?

– Отамнинг оти Саеке, ўзимнинг исмим Юсуф.

– Ёшингиз, миллатингиз, маълумотингиз?

– Ёшим 55 да, миллатим қорақалпоқ, мадрасани битирганман, диний даражам охун.

– Оила аъзоларингиз, аёлингизнинг, фарзандларингизнинг исмлари?

– Аёлим Хонбиби, уч қиз, икки ўғлим бор. Қизларим Азима, Карима, Завра, ўғилларим Мадан, Ибройим. Катта қизим ўн еттида, кичкина ўғлим беш яшар.

– Икки хотинингиз бор экан-ку, биринчисидан нечта бола бор?

– Катта икки қизим биринчи элтимиздан. Биринчи элтимиз қайтиш бўлиб кетганига анча бўлди.

Рус терговчи бу маълумотларни бурундан биладими ёки қорақалпоқчага тушунадими, тилмочдан охуннинг айтганларини сўрамади. Тилмоч терговда ёлғон гапириб бўлмаслигини, ҳар бир ёлғон гап учун жазо қўлланиб, йили ошиб кетишини, терговга ёрдам берса, гуноҳи озайишини эслатди. Сўнг унга ўтириш учун ўриндиқ берди. Ўрнини рус терговчига бўшатиб берди-да, ўзи унинг чап томонига жойлашди. Энди рус терговчи сўроқ қила бошлади.

– Илёс эшон Идрисовни танийсизми?

– Танийман.

– Қачондан бери танийсиз?

– У киши биздан бир мучал кичик. Қорақум эшоннинг невараси. Биз Бухорода мадрасани битираётганимизда у киши таҳсилга бориб қолган эди.

– Аксилинқилобий марказнинг Чимбой аймағида Илёс Идрисов бошқарган гуруҳга аъзомисиз?

– Чироғим, мен ундай гуруҳ борлигини билмайман.

– Чироғим, дейишни қўйинг, – жеркинди тилмоч. – Бу ерда сизнинг болангиз ёки инингиз ўтиргани йўқ.

– Қуллук, қуллук, – деди охун қўлини кўкрагига олиб бориб. Тилмоч яна унга олайиб қараб қўйди.

– Илёс эшон Қозоғистонга қочиб кетганида қанча тилла бериб юбордингиз?

¹ Финагент – молия ходими.

– У кишини кўрмаганимга анча бўлди. Бошқага бериб юборгудай тиллам ҳам йўқ.

– Ёлғон гапираяписиз. Ўзингизнинг жазо муддатингизни ошираяписиз. Сизнинг Илёс эшон билан неча марта учрашганингиз ҳақида бизда тўла маълумот бор.

Охуннинг бадани жунжикиб кетди. “Булар пойлаб юрганга ўхшайди-ёв, икки марта никоҳланганимизни билиб ўтирибди-ку. Илёсжонни кўзгаштиряпти, бўйнига бир нарсаларни ёпиштирмоқчими?”

Бутун Хоразм воҳасида машҳур бўлган Қорақум эшонлари сулоласининг асос-тамалини қўйган, араб мамлакатларида таълим-тахсил олиб келган Қутлихўжа азиз эшоннинг катта фарзанди бўлган Сирожиддиннинг ўғли Идрис эшон, отаси оламдан ўтгандан кейин сулоланинг меросхўри бўлиб қолади. Рус подшолиги тайинлаган губернатор билан Хива хони бошқариб турган Хоразм воҳаси ахли шу йилларда Асфандиёрхоннинг зулмидан жуда қийналади. Амударёнинг чап томонида Хўжайли беклигининг ҳокими Авазжон, Шўраҳонда, Чимбойда оқ пошшо элига мардикорликка одам юборишга қарши эркаклар билан бирга қўзғолонга чиққан аёллар хонни тахтдан ағдариб ташлаш учун бутун халқни исёнга чорлайди. Хон зулмидан халқни қутқариш мақсадида бир гуруҳ қорақалпоқ эшонлари ўша пайтдаги дини исломнинг таянчи бўлган Сурия мамлакатининг Куфа шаҳрига ёрдам сўраб хат йўллайдилар. Асфандиёрхонга “агар хатдаги шикоятлар рост бўлиб чиқса, сени йўқ қиламиз!” деган мазмунда хат келади. Куфага ёзилган шикоят хатида Идрис эшоннинг ҳам муҳри борлиги маълум бўлади. Шундай қилиб, ҳали шўролар ҳокимияти ўрнатилмасдан бурунок Қорақум эшоннинг авлодлари билан муридлари, Амударёнинг ўнг ёқасидаги йирик дин вакиллари барчаси таъқибга, тергов-суриштиришларга дучор қилинган эди. Оқ пошшо билан Хива хонлиги таркагандан кейин ҳам уламолар яширин ҳаракатларни тўхтатмаган эди. Энди улар Шўро ҳукуматига ҳам қарши кураша бошладилар. Илёс эшон отаси Идрис эшоннинг тириклигида ҳам, отаси оламдан ўтгандан кейин ҳам ана шу яширин ҳаракатларнинг бошида турган эди...

6

Юсуф охуннинг чамалашни бўйича ҳозир тун ярмидан оғиб қолган бўлиши керак. Терговчи чилим чекишни бурунгидан ҳам кўпайтирди. Ора-сира тилмоч ҳам сўраб чекиб олаётир. Рухсатни ёнидаги раҳбаридан сўрагани бўлмаса, қаршисида ўтирган мўйсафидни одам ҳисобламайди, шекилли. Терговчининг ҳаракатлари ҳам сал бўшашди, баъзан олдидаги қоғозларни кўтариб ўқиган бўлади, у нарсани олиб бу ёққа қўйган бўлади-да, яна терговча тушади. Боядан бери фақат эшонларга тегишли воқеаларни сўраш билан банд бўлаётир, баъзи саволларининг охунга мутлақо алоқаси бўлмаса-да, ўзи тушуниб етмаган ёки шубҳаланаётган воқеаларни ҳам орага суқадими-ей. Охун барини сезиб ўтирибди. Сўраган саволларининг ҳаммасига “ўлимдан хабарим бор, аммо бундан хабарим йўқ”, деяверадиган бўлса, терговчи яна тўнини биратўла тескари кийиб олиб, “йўқотаман”га тушиб оладими, деб кўрқадди охун. “Тилга киритиш, ўзига керакли гапни тортиб олиш учун исканжага солиб қисади, очликка ташлайди, қозикқа ўтирғизади” деганларини ҳам эшитган эди. “Йўғ-е, қозикқа... деган гаплари ҳозир йўқ бўлса керак, ўйлади у, аввалги хон, подшолар замонида шундай бўлганини биламиз. Бухорода ўқиб юрган йилларим, “бизнинг отамизни зиндонда қозикқа ўтирғизиб, азоблаб ўлдираганлар” деган гапларни эшитган эдик. Ўрус ҳукуматининг қонун-қоидасида унақа гаплар бўлмаса керак. Бирок қайси бир замон бўлмасин, одамзод бирини бири қийнашнинг турли усулларини ўйлаб топаверган-ку, булар ҳам бошқалардан қолишмаса керак...”

Тергов давом этди.

– Хоразм, Тошҳовуз вилоятларида Шўролар ҳукуматига қарши ту-

зилган аксилинқилобий марказга қўшилиб, 1929 йилнинг 26 сентябрида Тахтақўпир кўзғолонини ташкил этишда сиз билан бирга яна неча одам қатнашди?

– Мен у гуруҳга қўшилмаганман.

– Абдихалилни, яъни Жалил махсумни хон кўтариб, кўзғолонни қўллаб-қувватлаш учун неча ҳўкизнинг пулини юборгансиз?

– Мен ўша йилнинг январида пахта бўйича айбланиб, якка солиққа тортилганман. Бир отимни, иккита сигиримни, ҳўкизимни, қўй-жонликларимни, бир аравамни сотиб жазони ўташдан қутулганман. Шундан кейин мени овулнинг кунчиқар томонидаги ёвонга сургун қилишди. Оилам билан эрта баҳорда ўша ёкка кўчиб пахта экдим. Менда Тахтақўпирга боргудай улов, юборадиган харажат бўлган эмас.

– Уша куни “Жалил махсум қорақалпоқ халқининг хони бўлиб сайлансин” деб қўл кўтарган 30 нафар уламнинг ичида сизнинг ҳам отингиз бор. Бу ҳақда ҳозир Тўрткўл турмасида ётган хонингизнинг ўзи булбул бўлиб сайрапти. Сиз нега буни бўйингизга олмайсиз?

– Чирокларим, – деди Юсуф охун чин дилидан ҳақиқатни айтмоқчи бўлиб; буни эшитган тилмоч йигит нимадир деб шартта гапни бўлмоқчи эди, рус йигит “айтаверсин” дегандай ишора қилиб, тўхтатди. – Тонгла маҳшарда, – деб гап бошлаган охун яна булар бу сўзга тушунмай қоларов деб иккиланиб, сўнг деди: – у дунёда Аллоҳ Таолонинг олдида ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради. Қайси биримиз ёлғон гапирган бўлсак, иншооллоҳ, ўша жойда ҳар ким жазосини ҳам тортади. Бирок мен Жалил махсумнинг бунақа гапларни айтганига ишонмайман. Сабаби, чирокларим, мен охун бўлганимга қарамасдан йўқ-юпқа¹ одамман, унақа катта, бой-бадавлат уламолар билан кўп бориш-келиш қилолмадим. Иккинчи маротаба тўшак янгилайман² деб, ҳўжалигим пастлаб кетди³, чирокларим.

– Уйингда мачит очиб, бола ўқитгансан, шундан бойимадингми?

Тилмоч йигит чарчади, шекилли, охунни сансирашга ўтди.

– Мачитнинг ёпилганига уч йил бўлди. Биз бола ўқитганда ўзимиз якка бўлганимиз учун, болаларни кундузи мол-ҳол, экин-тикинга бир ёрдам учун ўқитдик, пул олмадик.

– Қул қилиб ишлатдик, демоқчимисиз?

– Ундайдан худо сақласин. Талаба болаларга уйимиздан овқат бердик, шунинг ҳисобидан ёрдам олдик.

– Уйингиздан китоб созлайдиган, қоғоз босиб чиқарадиган ускуналар топишди. Сиз Кавказ мусулмонлари қурултойининг, Шўролар ҳукуматига қарши Афғонистонда ҳаракат қилиб турган, аксилинқилобий Чимбой ташкилотларининг кўрсатмалари, қарорларини кўпайтириб, тарқатганингизни бўйингизга оласизми?

– Олмайман.

– Унда нега бу дастгоҳларни уйингизда сақлаб келдингиз?

– Мен ҳуснихат эгасиман. Бухоро мадрасасида ўқиган йилларимдан бошлаб мен китоб кўчириш, чиройли ёзиш, китоб варақлари ҳошиясига безак-нақш тушириш сабоқларидан таҳсил олганман. Мен ўқувдан бўш пайтларимда ҳуснихат соҳиби бўлган одамлардан кўп нарса ўрганганман, бу жуда қунт талаб қиладиган, ҳамманинг қўлидан келавермайдиган қадимий ҳунар. Мадрасани битирганимдан кейин ҳам устозларим мени яна бир йилгача олиб қолишди. Тўзган, эскирган, ноёб китобларни ҳуснихат билан чиройли қилиб кўчирардик.

– Унда нега китоб чиқаришингизни бўйинга олмайсиз? Яширин кўрсатмалар билан фатволарни сиз кўпайтириб тарқатгансиз!

– Бу менинг ишим эмас, – деб охун ўрнидан туриб кетишига сал қолди, қизишиб кетганидан кейин қўллари ҳаракатга кела бошлади.

– Нега ундай дейсиз?

¹ Йўқ-юпқа – камбағал, йўқсил деган маънода.

² Тўшак янгиламоқ – иккинчи марта, қайта уйланиш.

³ Камбағаллашиб қолдим, демоқчи.

– Бунга менинг алоқам йўқ, деганим – бизлар бир китобни бир неча ойлар давомида кўчириб бўламиз. Ёзган ҳар бир ҳарфимиз тош босмадан фарқ қилмаслиги, қоғоз юзига текис ҳамда тўғри тушиши керак. Бу жуда нозик иш, хаттот шошилмасдан, ниҳоятда чеварлик билан амалга оширадиган иш. Бир китобни ёзиб бўлгандан кейин, иккинчисини бошлайсиз, унга ҳам шунчалик вақт кетади. Беш дона китобни ёзиб, тайёр қилгунингизча икки-уч йил вақтимиз кетиб қолади. Бизда эса уларни безаб-нақшлаб чиқарадиган дастгоҳларимиз йўқ. Ҳар битта ҳарфни, нуқтани битта-битталаб ўз қўлимиз билан, қалам учини сиёҳга ботириб, ёзиб чиқишимиз керак бўлади.

– Яширин очиб кўйган босмаҳонангизда ана шундай одамларингиздан нечтаси бор?

Охун сал мийиқ тортиб кулмоқчи бўлган эди, лекин ўзини тийди.

– Ҳуснихат ёзадиган одамлар бизда авваллари бўлган. Улар ҳам Хоразмдан келиб, буюртма олиб кетиб ишлаганлар. Мен шу ёшимга келиб, дарёнинг бу томонида мана шундай хаттот одамни кўрмадим. Агар шундай усталар Хивадан, Бухородан, Самарқанддан келиб ишлаганда эди, халқ буни дарров биларди, бу ҳукуматнинг ҳам кўзига тушарди...

Терговчи Юсуф охуннинг юзига тикилиб узоқ вақт қараб ўтирди. Охун ҳам “чирогим, мен ростини айтаяпман, сизлар ўйлагандай бой ҳам, кулоқ ҳам, ёт унсур ҳам эмасман” дегандай, тиклиниб ўтираверди. “Миллатимиз ким бўлишидан қатъи назар, ҳаммамиз ҳам одамимиз. Ҳеч ким ҳам онасидан ёвуз бўлиб туғилмаса керак. Манови ўрис йигити ҳам бир пайтлар бинойидай йигит бўлганлар, кўзларида унчалик ҳам ёвузлик, одамзотга қаратилган ўч-кек сезилмайди. Хизматининг шароити шуни тақозо этса, на чора?! Манов кўз қарашларидан менга бирор-бир ёмонлик қилмоқчилиги сезилмайди.”

Шундай хаёллардан кейин Юсуф охуннинг кўнгли озгина бўлса-да тинчланиб, таскин топай деди.

– Ҳозирча тергов тамом, – деди йигит охунга. “Бу ҳозирча деди-ку, эрталабгача ҳали яна чақирармикан?”

Сиртдан кириб келган икки милиционер охуннинг кўлларини орқага қайириб ушлатиб олиб чиқди.

7

Қамокдаги хонага келганида ҳамма ҳужрадошлари ухлаш учун ётган экан. Бир пайт Хонкелди бошини кўтарди-да:

– Олиб чиққанда ҳам кишан солмадимми? – деб сўради. Юсуф охун “кўрмаяпсанми?” дегандай икки қўлини олдинга чўзди.

– Сизнинг дуоингиздан кўрққан, – кулди Хонкелди.

– Охун оғанинг хавфли одам эмаслиги кўриниб турибди-ку.

Охун бу гапни айтган одамнинг ким эканлигини билмади. Ухлаб ётибди деб ўйлаган одамлари аста-аста гавдасини тиклаб ўтира бошлади.

– Ким тергади?

– Билмайман, бир ўрис йигит, ёнида тилмочи ҳам бор, нўғай бўлса керак.

– Узун, ориқ йигитми? – деди “товуқбош” лақабли маҳбус. – Заводовский деган терговчи, – деди у охуннинг маъқуллаган сўзидан кейин. – Ёнидаги нўғай эмас, ярми қозоқ, ярми татар. Оти Жонкелди. Чимкентнинг йигити. Бу ерга Қизил Урдадан келди.

Хонкелди “товуқбош” деб номлаган йигит қозоқ бўлиб, исми Саидвақос эди. Танасига қараганда боши кичкина бўлгани учун, бу лақаб ўзи эргашиб келгандай осонгина топилган. Ҳужрадошлари ичида энг ёши шу йигит эди.

Терговга қачон бориб келсанг ҳам, барча маҳбус изли-изидан уйғонар, нима бўлиб, нима кўйганини сўраб-суриштирар экан. Юсуф охундан ҳам сўрай бошлашди. Қаттиқ тергадимми, қийнадимми, бўйнингга нималарни илдирмоқчи бўлди, нималарни бўйнингга олдинг-у, бу эртага неча йилга

тортади – барини бир пасда тахминлаб ташлашди.

– Асосан Илёс эшон билан Жалил махсумлар ҳақида кўпроқ сўради.

– Тақсир, Илёс эшонингиз ҳозир ё Тошкентда, ё Самарқандда ётибди, – деди Саидваққос.

– Менга Жалил махсумни Тўрткўлда деди-ку терговчи.

– Мен у ёғини билмайман.

– Эшонни унда қаёқдан биласан?

– Мени Илёс эшон билан бирга ушлаб келишди. Мен бу ерда қолдим-у, уларни – Хонмахсум икковларини тўппа-тўғри Тошкентга олиб кетишди...

Илёс эшон Идирис ўғли Амударёнинг икки ёқасидаги Шўро ҳукуматини ағдариш бўйича марказ билан мунтазам алоқада бўлиб, Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари доирасида яширин ҳаракат қилувчи ташкилотларни бириктириб, ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи раҳбарлардан эди. Қизил армияга қарши бир қанча хужумлар уюштирганни учун жазо органларидан яшириниб юриб, Қозоғистонга қочиб кетган. 1929 йилнинг 26 сентябри куни Тахтақўпирдаги йиғилишда уни хон қилиб кўтариш режалаштирилади. Бироқ у бундан анча олдин Каспий денгизи бўйидаги Адай ва Шалқар туманларида қўлга тушиб, қамокқа олинади. Яширин йиғилишга тўпланган ўттиздан зиёд уламнинг ҳар қайсиси бир ташкилот номидан келган эди. Жалил махсум билан Борлиқбой бўлиш шу ўртамаздан бировни хон қилиб кўтариб, ҳамма шу хонга бўйсунуши лозимлигини таклиф қилади. Кўпчилик Илёс эшонни хон қилиб сайлаш ниятида келган бўлади. Бироқ, Каримберди охун сўз олиб, бугунги мажлисга қатнашувчиларнинг сони озлигини, бунинг устига Илёс эшоннинг ўзи қатнашмаётганини айтиб, уни сиртидан хон қилиб сайлаш – шариат қоида-низомларига тўғри келмаслигини билдиради. Йиғилишга келганлар эса бугун хон сайланмаса бўлмайди, деган қарорга келиб, Исмагулла ўғли Абдижалил (Жалил махсум)ни қорақалпоқ халқининг хони қилиб кўтаради.

– Биз ўша пайтда пойтахтдан чиқиб Шалқарга кетдик. Ниятимиз – Кўнғирот орқали Тахтақўпирдаги мажлисга элга етиб бориш эди, – деди Саидваққос бояж сўзини давом эттириб. У пойтахт деганда Қизил Урдани назарда тутмоқда эди. У пайтлар Қорақалпоғистон мухтор вилояти Қозоғистон мухтор республикасининг таркибида бўлганлиги сабабли, пойтахт дейилса, ўша пайтлардаги марказ кўзда тутилаётганлиги ўз-ўзидан тушунарли эди.

– Илёс эшон билан Хонмахсумга ҳамма жойда қидирув эълон қилиб қўйилган экан, буларни меҳмон тушган уйдаги айғокчилар ушлаб беришди. – Саидваққос озгина унсиз ўтириб совуқ дамани олди. Бизларни бу ёққа етап¹ қиламан деганларича Шалқарда бир ҳафтача ётдик. Ёнингдаги иккала эшоннинг аксилинкилобий ҳаракатларини тўлиқ билиб-айтиб берасан, деб мени ҳар куни тонг отгунча азоблашарди. Кўкармаган жойим қолмади. Бир қўлим майиб бўлиб чиқдим. Бунинг ўрнига оёғимни синдиришгани яхши эди, ўша ёқларда қолиб кетишим аниқ эди. Энди эса ётишим, мана, қайда эканимни ҳеч ким билмайди, излаб келадиган одамим йўқ...

Жалил махсум хон бўлиб сайлангандан кейин Тахтақўпирда ҳукуматга қарши хужум қилган отряднинг раҳбари сифатида декабр ойида қамокқа олингани, уни қайси бир қамокхонада Илёс эшон билан юзлаштириб, “қайси бирингиз раҳбар, қайси бирингиз хонсиз?” деб тергаганларини, қийноқларга чидаёлмаган садағанг кетайинлар бир-бирига ҳар хил сўз отганлари ҳақида Юсуф охун эшитиб юрган эди. Яқиндан бери, Жалил махсум отиш жазосига ҳукм қилинибди деган совуқ хабар тарқалди. Бироқ унинг Тўрткўлда ётганини, Илёс эшон билан Хонмахсумнинг Тошкентдалигини билмасди. Қамокқа тушганларнинг-ку афв қилиниб, омон чиққанларини ҳали эшитгани йўқ. Шундан-да, ўзича гуноҳи йўқдай кўринади, ҳукуматга очиқдан-очиқ қарши чиққан жойи йўқ,

¹ Этап – қоровуллар билан манзилга олиб бориладиган маҳбуслар гуруҳи, тўдаси.

нима бўлмасин, иншооллох, бир куни кутулиб чиқарман деган ички умиди бор эди.

“Нима бўлган-да ҳам, эндиги терговда бир ёкли бўларман, – деб ўйлади у. – Яратган эгам ўт-олов ичида пахтани омон саклайман деса, кудрати келади. Бизлардан ўз иноятингни, кўзга кўрсатган фарзандларингнинг қизигини аямагайсан, худойим!”

Келгуси тергов Хонкелдининг айтганидай, узокка чўзилди. Бир ҳафта деганда, қош қорайган бир паллада кимдир болалари Маден билан Иброимни маҳбуслар ётган хонага киритиб кетди. Юсуф охун бундай бўлишини ҳеч кутмаган эди. Болалар ичи зимзиё хужрага кирдилар-у, анграйиб қараб қолдилар. Охун келиб икковини бараварига бағрига босди. Каттасининг бўйнидан маҳкам кучоклади. Кичкинаси ҳалиям қаерга келиб қолганини билолмай, аланглаб қараб турарди. Юсуф охун уларни кучоғидан қўймай ётоқ ўрнига олиб бориб ўтирғизди. Айниқса кичкинтойининг бошини, бўйинларини ҳидлаб, меҳрига қонмасди.

– Сизларни бу ерга ким олиб келди? – сўради у Маденнинг юз-кўзларини силар экан.

– Сатулла дойим¹ – деди Маден охуннинг кучоғидан сал ўзини бўшатиб.

– Онангиз қайда, чироқларим?

– Онам дарвозадан ташқарида қолди, уни киритишмади.

– Қоронғи тушиб кетди-ку, манов совукда овулга қандай қайтасизлар?

– Овулга қайтмаймиз, онам энди шу Чимбойнинг ўзида яшаймиз, деди.

Маден бу йил саккиз ёшга тўлар эди. Ёшига қараганда бўйчанрок кўринади, эси кириб қолибди, шу сўзларни айтиб бўлиши билан чўнтагидан япроқдай бир қоғозни олиб отасига узатди. Юсуф охун қоғозга шошилишч кўз югуртирди:

“Охунжон, соғ-саломат ётибсизми? Барча тукқан-туғишган, қариндошлар, овул-эл сизнинг тилагингиздамиз. Худойим, яхши кунлар яқин бўлсин. Изингиздан бориб хабар ололмадик. Энди, худога шукур, муридларингиз ўртага одам солиб, бундан бу ёғига тез-тез хабарлашиб турадиганга ўхшаяпмиз. Шаҳарнинг ичида Карим мошинчи деган одамнинг уйидан бир хужрасини ижарага олдик. Фарзандсиз, ёши катта эр-хотинлар экан. Болаларимизга ғамхўр, ўзлариям яхши одамлар экан. Энди изингиздан овқат келтириб, кийимларингизни алмаштириб турамиз. Лордаги кулбада энди бундан буёғига яшаш қийин, эски юртга борган эдик, ўтин ғамланмаган экан. Сатулла ўтин тўплашга одам ёллади. Чимбойда турган ижара уй иссик, болалар яйрашяпти. Хўш, омон бўлинг, илойим, дийдор кўришиш насиб қилсин, ўзингизга қаранг. Бизларнинг ташвишимизни қилманг, ҳайтовур, биз омонмиз.”

Юсуф охун кўнгли бўш одам эмас эди, бироқ манави хатни ўқиб, кўзидан томчи ёш оқиб келиб, юзидан думалаб тушганини пайқайди. Хонбиби элти жуда камгап, дўндириб ташлаган хайрли ишларини ҳам дарров айтавермайдиган, мактов сўзни тама ҳам қилмайдиган аёл эди. Бу муаммони ҳам мана шундайига тез-тез, узил-кесил ҳал қилиб қўяқолиши охуннинг хаёлигаям келмаган эди. “Эр бошига иш тушса, аёли ҳам этиги билан сув кечади экан-а, фазилатларингдан топ, онаси”, деди ичида охун. Болаларини қайта-қайта кучиб-ўпиб, изга қайтарди. Ортларидан дуо ўқиб, юзини силаб узок ўтирди...

Охун келганидан буён хужрадошлари ичидан озодликка чикқан-кетган одам йўқ. Ора-сирада терговга бориб келганлари бўлмаса, ҳаммалари гўё кўп йиллардан бери бирга яшаб келаётгандай, бир-бирига қўникишиб ҳам кетди. Ўтириб-туришда, сўзлашганда ҳам ҳар ким ўзининг ўрнини, навбатини билади. “Кунинг учун кул таши”

¹ Дойи – тоға дегани.

деганларидай, ҳаммалариям шароитга мослашиб, ўпкалари босилиб, шукронага, тўзимлиликка ўрганишди. Охун уларнинг ҳар бирини ўзича синаб, кимга қандай тасалли бериш, кимдан қандай қилиб кўнгили сўраш кераклигини ҳам демаёқ билиб олган эди. Шундаям анови Қўшим деган йигитнинг (асли исми Қўшмурод бўлса керак) гапга-сўзга қўшилмай, ҳеч кимга аралашмасдан ғамгин бўлиб ўтиравериши Охун учун бир жумбоқ бўлди. Сарикдан келган, кўк кўзли бу йигитнинг ичидан гап тортиб олиш қийин эди. Дастлабки кунлари-ку аччиққа-чучукка қўшилмай, кўзининг қири билан қараб, деворга тикилганича ётаверарди. Ота-онасининг муродлари кўш-кўшдан амалга ошаверсин деган яхши ният билан қўйган исмларини ҳамма қискартириб Қўшим деб кетган.

Оқ пошшонинг замонида бу атрофларга татарлар, арманилар, уйғурлар, руслар кўплаб келиб қолганлар. Шулар ичида ураллик руслар кўпчилик бўлган. Маҳаллий халқ уларни “уралский” деб атаб, бари йирик гавдали, пахмоқ соқолли, ўзлари рус бўлгани билан дини бир бошқача, бирининг идиши ё пиёласи билан иккинчиси сув ичмайди, сиртга чиққанда ҳам ҳар ким ўзининг идишини ўзи олиб юрадиган бир халқ экан. Бировлари бор, ароқ деганни қўлларига ҳам олмайди. Бировлар бор ётиб олиб ўлгунча ичади. Соқолга тиг теккизмаганликларидан кейин ёшлари орасида ҳам соқоллари бир қарич бўлиб кетганлари бор. Уларнинг бошқалардан устун фазилати – маҳаллий халқларнинг тилини дарров ўрганиб оларкан. “Биз Олтой тоғларида яшаганмиз, туркий сўзлар ота-боболаримизнинг тилларига сингишиб кетган”, дейишади ёши улуғлари. Улар асосан Амударё билан Орол денгизи бўйларида яша-шарди. Мўйноқ, Қўнғирот, Нукус қўрғони атрофларида кўпроқ қўниш қилганлар. Асосий ишлари – балиқ овлаш, балиқ тузлаш, тайёрларини пароходга ташиб-босиб, аллақадарга юбориш эди. Уралскийларга балиқ топширишга келган бир қорақалпоқ киши уларни биринчи марта кўриши экан: “Бай-бай-бай, манов шўрликларнинг оғзи йўқ-ку, шунда овқатни қандай қилиб ер эканлар” деб тонг қолиб турса, бирови қўли билан муртининг орасини очиб: “Манов оғиз бўлмай нима, энангнинг...” деб, қорақалпоқчалаб гапириб юборган экан” дейишади.

Қўшмуроднинг уйи Маржонқўлда экан. Балиқ овлашга келган “уралский” лар унияма ишга ёллашган. Узун, ориқ бўлгани билан суякларини бузук, бақувват йигит тўрни, овни тортишда уларга бас келиб, ҳамма билан тенг ишлашга ҳаракат қилибди. Дарёда катта пароход келган куни балиқларни кемаларга юклаб, топшириб келар экан. Келганларидан кейин байрам бошланар экан, пароходдан сотиб олган ароқ-шаробларини икки-уч кунлаб ичиб, тўйиб олишаркан. Бундай кунларда “ит эгасини, мушук бекасини танитай”, ароқ тугагандан кейингина ўзларига келишар экан.

Навбатдаги ана шундай мастликдан кейин Қўшим уйғониб қараса, уралскийлар униқига меҳмонга келган, бирга ичган, бировлари мол-хонада, бировлари товуккатакка қўлини тикиб ухлаб қолган бўлади. Қўшмуроднинг ўзи уй эшиги олдидаги супада қийшайиб қолган экан. Атрофда эса турли-туман нарса – тўшак, қўрпача, идиш-товоқ ағдар-тўнтар бўлиб ётибди. Ичкарига кириб қараса, уралскийларнинг бирови дахлизда ётибди, иккинчиси эса, ички хужрада – Қўшимнинг тўшагида ухлаб ётган бўлади. Буни кўриб Қўшмуроднинг орияти келади, ўйланиб қараса, номуси булғанадиган ишга ўхшаб кетади. Шундан сўнг чопиб ташқарига чиқади-да, молқўрага суяб қўйилган темир паншахани қўлига олиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб қарайди. Кўзи сигир соғиб ўтирган хотинига тушади, хотинига ҳамла қилади, уни қувиб келиб, тўрғи хонага қамайди. Паншахани хотиннинг бўғзига тираб, энди сўроққа тутаман деган пайтда, уйғониб кетган уралскийни орага тушади. Қўшмурод хотинини қўйиб юбориб, уралскийни паншаҳанинг дастаси билан савалашга тушади. Ур-ийкит, дод-вой бошланади. Сал орада овул одамлари тўпланиб қолади. Ҳали ҳеч нарсани сўраб-суриштиришга, аниқлашга улгурмай

қизиб кетган Қўшмурод тўқмоқдай билакларининг кучларини тўла ишга солиб, қўноқларини сулайтириб ташлайди. Улим-йитим бўлиб қолса ўзларининг бўйинларига тушиб қолишидан қўрққан уралскийлар милиция чақириб, Қўшмуродни тутиб беришади.

Шундай қилиб, у Юсуф оғадан бир ҳафта бурун келган экан. Хотини ҳам, ўзи ҳам ҳали четга чиқиб кўрмаган мусофир, туғишган қариндошлари, дўст-ёрони ҳам йўқ йигит, қилиб қўйган тўполоннинг қандай яқун топганини ҳам билмай, овулдан хат-хабарсиз, ичи дардга тўлиб, таёқ еган уралскийларнинг ичида ўлганлари бўлмасин, ўлганлари бўлса улар хун талаб этишларини, хун тўлагани билан барибир судланиб кетишидан юраги орқага тортиб, деворга қараб ётганининг сабаби шу экан. Қолган икковининг бири – Чимбойнинг кисовури, иккинчиси ота мерос баққол экан. Баққолман дегани Сотим савдогарнинг боласи Эгам (Эгамназар). Унинг аҳволи шу ерда ётганларнинг ичида энг оғири (Юсуф охунниқидан ҳам оғир) – авваллари савдо-сотик ишлари билан Тошовуз, Ҳазорасп, нарёғи Эронгача бориб-келиб юрган экан. Мана, ўтирибди бечора “Англиянинг жосуси”, “ватан сотқини” бўлиб...

– Сен сиёсий маҳбуссан, сени қандай қилиб бизларга қўшиб қўйибди? – дейди Саидваққос.

– Бундай қарайдиган бўлсак, сен ҳам, охун оға ҳам сиёсий маҳбус бўлиб чиқади. Кетсак, учовимиз бирга кетамиз...

Маҳбуслар ҳазил-чин аралаш шундай даҳанаки жикқамушт бўла бошлаганларида ё Хонкелди, ёки Қўшмурод араллашиб, ўртага жимлик тушади. Бундай пайтларда Юсуф охун Худонинг бандаларини ярашувга ундайдиган оятлар ўқиб ўтиради, фотиҳа қилади.

9

Ҳар қайсиси ҳар хил жинойтларда айбланиб тергов қилинаётган бу йигитларнинг ҳеч бири мачитга қатнаб, мулладан сабоқ олиб кўрмаган. Юсуф охун шу ерда ўтаётган уч ойча вақтнинг ичида уларнинг ҳар бирига мусулмон авлоди, худонинг кули, Муҳаммаднинг уммати эканликларини айтиб, аста-аста мияларига қуя бошлади. “Мусулмонмисан?”, “Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман”, “Дининг қайси?”, “Ислом дини”, “Имонинг неча қисм?” каби мусулмончиликдаги энг оддий савол-жавоблардан бошлаб, қисқа вақт ичида бу диндаги фарз ва суннатлардан хабардор қилди. Ҳадис аралашган ҳикоятлар, диний ривоятлар айта бошлаганда маҳбус йигитлар аввалгидай енгилтакланиб гапни бўлмайдиган, гапириб бўлгунча савол бермай кутиб ўтирадиган бўлишди. Бу уларда сабр-тоқат пайдо бўла бошлаганининг белгиси эди. Айниқса охун оғанинг бир гал Халифа Умар ҳазратимиз ҳақида айтиб берган ривояти йигитларга жуда таъсир қилди.

Ривоятда айтилишича, амиралмуъминин хазрати Умар халифалиги даврида Мадинаи мунаввара кўчаларидан бирида кетиб бораётса, олди-дан бир йигит чиқиб қолибди, у чопонининг этагига бир шиша шароб ўраб келаётган экан. Халифа:

– Ҳой йигит, олиб келаётганинг нима? – деб сўрабди.

Йигит халифадан қўрққанидан:

– Тақсир, олиб келаётганим сирка – деб жавоб берибди-ю, ичидан Худога мурожат қилибди: “Худойим, менинг ёлғонимни ўзинг кечириб, ҳазрати Умарнинг жазосидан, шармандалиқдан қутқарсанг, қайтиб шароб ичмаганим бўлсин!”

Шунда ҳазрати Умар йигитга қараб:

– Сенинг сирка деганингга кўнглим ишонмаяпти, агар сирка бўлса, қани менга кўрсат-чи, – дебди.

Йигит ноилож шишани кўрсатибди, Худонинг қудрати билан бу пайтда шароб сиркага айланиб қолган экан. Ҳазрати Умар шиша ичидагининг сирка эканлигига ишонибди. Йигит улуғ халифа олдида шармандалиқдан асрагани, юзини ёруғ қилгани учун Парвардигорга минг қатла шукрлар

қилиб, берган ваъдасининг устидан чиқибди ва шу воқеадан кейин қайтиб шаробни оғзига олмабди...

Юсуф охун қамоқхонадаги кичкина жамоатга деярли ҳар куни мана шундай ҳикоятлар, ривоятлар айтиб берарди-ю, негадир бу галгиси ҳаммага бошқача таъсир қилгандай сезилди. Шу тариқа, эндиликда йигитларда диний таълим-тарбияга ҳам мойиллик пайдо бўла бошлади, уларнинг гап-сўзлари орасида ибратли ибора ва одатлар билина бошлади.

Кунларнинг бирида жамоатдаги энг кўп гапирадиган йигит Саидвақос савол бериб қолди:

– Тақсир, сизнинг исмингизни нега Юсуф деб қўйишган? Кўпчилик одамлар бу исмни “Жусуп”, баъзилар эса қозоқчасига “Дусип” деб ҳам атайди, буларнинг бари битта исм эмасми?

Бундай саволларга охуннинг жавоби ҳамини тайёр бўларди, бироқ бу гал у негадир узоқ унсиз ўтириб, тортинчоқлик билан гап бошлади:

– Чироғим, бизнинг ота-боболаримиз авлодма-авлод толибул илм, уламо одамлар бўлган. Улар фарзандларига ҳам китоблардан танлаб исм қўйганлар. Бизнинг исмимиз ҳазрати пайғамбар Юсуф алайҳиссалом шарафига қўйилган. Диний ривоятларда Юсуф алайҳиссаломнинг ҳам пайғамбар, элчилардан бири бўлганлиги, Аллоҳ уни ҳусну-жамолда, ақл-заковатда тенгсиз қилиб яратганлиги айтилади. У кишининг чиройи, ақл-идроки шу даражада мукамал эдики, ҳатто юлдузлар ҳам у кишига сажда қилиб, таъзим этиб туришган... Юсуф алайҳиссаломни кўрган одамлар “бу киши инсон фарзанди эмас, магар фаришталардан бўлсамикан?” деб гумонланиб туришган. Отаси Яъқуб алайҳиссалом ҳам: “Мен ўғлимнинг келаётганлигини уч кунлик йўлдан сезиб тураман, чунки унинг вужудидан шундай ёқимли ҳид таралиб туради”, дер экан...

Охун Юсуф алайҳиссалом ҳақидаги ривоятни қисқача қилиб шу ўринда тугатди. Ҳасадчи оғалари Юсуфга болалиқдан бошлаб озор-захмат бериб келганларини, ёш болакай пайтида ҳатто қул қилиб сотиб юборишгача борганликларини, сўнг эса, очарчилик пайтида ўзлари шу укалари шох бўлган мамлакатга егулик нон излаб борганликлари ва укалари Юсуф алайҳиссалом олдида бош эгиб таъзим қилганликларини эса айтиб ўтирмади. Ҳа, ҳали яна бир фурсати келар-да... Узининг исми билан алоқадор бўлганлигидан, охун шуларни ҳам қисина-қисина ҳикоя қилди.

“Эндиги терговда бир ёқли бўларман”, деб умид қилган Юсуф охун шу кунни кута-кута тоқати тоқ бўлди. Икки кўзи эшиқда. Дилгир бўлиб кутиб ётганига ҳам мана бир ой бўлиб қолди. Узун билан энини қўшганда ўн метр чиқар-чиқмас ушбу хужранинг ичида умри ўтаётир. Одам боласи иложсизликка учраса, сал вақтда эрки бутунлай синиб, умидлари сўна бошлайди экан. Қамоқхона ичидаги қўланса ҳид, ҳавонинг бузқлигига кўникиб, бора-бора буларни ўйламай ҳам кўяр экансан. Умри бўйи ўзини озода тутиб, кунлик беш вақт намоз олтидан ҳар гал ювиниб, таҳоратининг бузилиб кетишидан ўзини эҳтиётлаб юрган одам, агар қийимининг бирор жойига ўзга биров таҳоратининг томчиси тегса ҳам шуни дарҳол ювиб ташлашга ўрганган одам манов хужранинг ичидаги ҳожатга чиқишга ҳам кўникиб кетганига қара. “Одам боласини ҳайвонга айлантириш қийин эмас экан-ов...”. Одамзодни хурликка, имон-эътиқодга, инсофга чақириш, шу руҳда тарбиялаш, ҳар бир ёшнинг кўнглига адолат ва ҳалоллик уругини сепишга ихтисослашган, ўзининг мана шу савобли ишини кўнгилтўлар даражада ҳаққоний ва фидойи бажариб келаётган диния муршиди, бугунги кунда бошига тушган воқеалардан кейин, манави торгина хужра ичида ўтаётган бир ҳовуч тақдири азал ўйинларини таҳлил қила-қила, рухан чарчаганлиги шунчалик, ҳар куни худди “Токёп” каналини қазиб чиққандай, чарчаб қоларди. Бир куннинг ўтиши ўлимдан қийин. Энди билса, ҳар бир куннинг ўзи шунчалар узоқ, шунчалар бемалолчилик билан ўтадики,

одам ўзига яна сабр-бардош тиламоқдан бошқа иложи қолмайди. Кунни-туни анови “чиғирчиқ” темир эшикнинг ташқарисидаги оёқ товушларига қулоқ солиб ётасан, тергов деган офатнинг оғирлиги шунчалар ёмон, қачон чақираркан деб кутиб ётишининг ўзида одам итдай хўрланаётганини ҳис қиласан. Бугун чақира қолса экан, бирёқли бўла қолсам экан, дейсан, бироқ сени тергамоққа шошилаётган киши йўқ. Бу ерда ётибоқ ҳамма нарсани билиб олаётган “кўзи очиклар”нинг гапи нақ юрагингни ўйнатиб юборади.

– Энди уч кундан кейин янги йил киради, – дейди Саидваққос, – Заводовский Россияга, ота-онасининг уйига бориб, байрамлаб қайтади. Жонкелди ҳам Чимкентга кетади, қайтишда, иш ҳақимни олиб қайтайин деб Қизил Ўрдага ўгирилса – унда Худонинг бергани, ярим ойсиз қайтмайди. У келмаса, бошқа тилмоч йўқ, яна манов тувакка тикилиб ётаверасан...

– Вой, тилингни чаён чақмагур-ей, ҳаммасини қўлга нақд ушлатгандай гапиришини қаранг бунинг! Оғзингга кум! Юракни ёрмаган битта сен қолувдинг ўзи! – деб ғовурлашади ҳамма.

– Ҳой оғайнилар, айтсам сизларнинг фойдангизни кўзлаб айтаяпман, – дейди Саидваққос. – Кунда қулоқни динг қилиб эшикка тикилгандан озгина бўлса-да тинасизлар. Мени айтди деяверинг, нариги боши ярим ойсиз ҳеч қаёққа чиқмайсиз...

Янги йил ҳам ўтди.

Хонбиби элти йўлини топиб, ҳафтасига ёпган нон-понини, кийим-кечагини етказиб турди. Буларга уйининг бир хужрасини ижарага бериб қўйган машинчи қариянинг эскича саводи бор экан, ҳув боягида киритган хатни ҳам ўша ёзиб берган экан. Бўлаётган бошқа гап-сўзларни ҳам ёзиб-етказиб, хабардор қилиб турибди. “Биз сизнинг элтингиздан ҳам ижара пули талаб қилаётганимиз йўқ, оқ фотиҳангизнинг ўзи етади” дебди бир мактубида.

“Кўзи очиклар”нинг тахмини тўғри чиқмади, ҳукумат юмушни жиддий юритишни талаб қилиб турган бўлса керак. Янги йил ўтди деган куннинг эртасигаёқ Юсуф охунни тонг билан терговга олиб кетишди.

10

– Бугун 1931 йилнинг 2 январни, – деди Жонкелди тилмоч. – Одамга ўхшаб янги йилни ўчоқ бошида кутиб олишнинг ўрнига, сизларнинг касрингиздан шу ерда тунаб чиқдик.

Юсуф охун гап қўшмай, ерга қараб ўтираверди. Терговчининг топшириғи шундай бўлса керак, сўзни Жонкелдининг ўзи бошлади.

– Сиз якка хўжалик сифатида 1929 йилги пахта планини бажармаганингни учун хўжалик солиғини тўлаб, қолган қарзларингиз учун мол-мулкнингизни сотиб ўрнини қоплагансиз. Шу тўғайли сизни қамашмаган. Ҳукумат сизни оқлаш учун имконият яратиб берган. Бошқа бир республика ёки бошқа бир районга эмас, ўз овулингизнинг кун чиқишидаги ёвонликка сургун қилиб, экин-тикин қилишга ер ажратиб берган. Шу ердан сиз минг килограмм пахта етиштириб, 1930 йилнинг 7 ноябригача топширишингиз керак эди. Текширув натижаларига кўра, сиз бор-йўғи 200 килограммга етар-етмас пахта топширгансиз.

Бу терговнинг кириш сўзи экан. Тилмоч “мен гапириб бўлдим” дегандай терговчига қаради-да, ён томонга ўтирди. Боядан бери хонанинг ичида у ёқдан-бу ёққа ўтиб юрган терговчи яна ўз ўрнига келди.

– Давлатга пахта етиштириб бериш бўйича топширикни нега бажармадингиз? Сиз мана шу зараркунандачилигингизни бўйингизга оласизми?

– Мен бу ишни зиён етказай деб қилганим йўқ. Пахтани бурунги ўзимнинг еримга экмадим. Янгидан очилган ерларга сув кечикиб келди. Менга берилган ер унумсиз бўлиб чиқди.

– Ўзинг билан бирга сургун қилинган бошқа бой-феодаллар, диний унсурларнинг кўпчилиги планни бажарди-ку?

– Менинг экинларим сувга қонмай ўсгани учун ғўзалар текис ўсади, бунинг устига, кеч ўсаётган пахтани совуқ уриб кетди.

– Совуқ ҳаммага тенг келди. Шунга қарамай, ҳамма планни бажарди-ю, сиз эса ҳукуматни ағдариб ташлаш фикрингиздан қайтмагансиз...

Юсуф охун узоқ вақт унсиз қолди. Лор бўйига сургун қилинганларнинг кўпчилиги шартномасини бажарганлиги рост эди. Ўтган йилдан бери давом этаётган колхозлаштиришгача, Чимбой шаҳрида яшовчи армани савдогарлар пахта терими бошланиши билан овулларни қайиқли-аравали айланиб юриб, якка хўжаликлардан пахта сотиб олишарди. Тўплаган пахталарини улар киши билан денгиз орқали Оренбургга юборишарди. Ортган-қолганларини яна улар яқин атрофлардан харидор топиб сотади. Юсуф охуннинг янги қўшниларида бадавлатлари, Бўзатов тўқайларида ва Қозокдарё йўлининг атрофларида мол боқтириб қўйган бели бақувватлар арманилардан пахта сотиб олиб, ўзларининг шартномаларини бажаришган эди. Аммо бу гапни бу ерда айтиб, шуни баҳона қилиб бўлмайди-да.

– Ўзингизнинг бузуқ ниятларингизни амалга ошириш учун, Шўролар ҳукуматини, улуғ Иттифокни иқтисодий жиҳатдан қувватсизлантириш мақсадида қилган душманлигингизни бўйнингизга оласизми?

– Пахта планини бажара олмаганимни, юмушни яхши олиб боролмай, ҳукумат томонидан менга кўрсатилган ишончни оқлай олмаганимни тан оламан. Бироқ мен зиён етказиш мақсадида душманлик қилишни ҳеч ўйламаганман...

Жонкелди тилмоч ўзининг мусулмон эканини ёдладими ёки манови ғарибҳол, мўмин-муслим бандани – ялтоқиланиб гапиришни билмайдиган, ёлғон сўзлашни эплай олмайдиган одамни аядими, бир гапнинг орасида “пахта бўйича барини тан олаверинг, бўлмаса изи қийинлашиб кетади” деган иборани қўшиб кетди. Шу куни айблов хулосаси қабул қилинди: Юсуф охуннинг келиб чиқиши йирик дин вакилларига бориб тақалиши, пахта мавсумида теримни пайсалга солиб, зиён келтиргани, Шўро ҳукуматига қарши бўлган аксилинқилобий гуруҳлардан тўла қўл узмаганлиги кўрсатилиб, Ўрта Осиё жазо бошқармаси ёнидаги “тройка”га хат ёзиладиган, унда охунга тегишли жазони белгилаш сўраладиган бўлди.

11

Хонага қайтиб келганидан кейин “тергов”ни кўзи очиқ ва билағон хужрадошлари давом эттирди.

– Шўролар ҳукуматига қарши кўтарилишларни бу гал қўшмаган бўлса, унда сизни энди тинч қўйишса керак, – дейишди улар.

– Пахта билан солиқдан бошқа айб қўйишмадимми?

– Уйингизда хусусий масжид очиб, бола ўқитишингизни сўрамадимми?

– Ундай бўлса, бўйнингизга солиқ ва жарима айбини солишади-да, сизни озод қилиб юборишса керак...

– Қайдам-ов, озодликка қўйиб юборишадиган бўлса, “тройка”га ёзиб беришармиди...

– Оғзингга кум! Нега қақилдаб олдини кўндаланг кесаверасан! – Хонкелдининг овози қаттиқроқ чикди. – Кўп ўқиб, охун бўлганидан бошқа бу кишининг нима айби бор?! Неча кунлардан бери бирга ётиб, бирга туриб юрибсан-ку, шундай мусофир, шундай мулойим одамни ҳеч кўрганмисан ўзи!

Хонкелди айтган гапнинг бир четида ўзига бўлган ҳурмат ва кўнгилчанликни сездди Юсуф охун.

Ҳужжати “тройка”га кетганлар жазосиз қолмайди. Ўтган йили февралда Қозоғистондан райкомга келган тақсим рўйхати бўйича бой хўжаликларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, 300 га яқин хўжалик (оила) Оқтепа округига кўчирилди. 29 оила сургун қилинди. Чимбойдаги ҳукумат билан алоқаси бор бўлган укаларининг кулоққа шивирлаб айт-

ганлари рост бўлса, 147 одамга отув жазоси белгиланган. “Бой”, “Ярим феодал”, “бой ва эшоннинг қуйруқлари”, “халқ душмани” деган ата-малар пайдо бўлди. Уларнинг баъзиларини Туркменистонга, Хоразмга кўчириш ҳозир ҳам давом этаётир. Илёс эшон, Жалил махсум, Барлиқбой бўлис, Қидир қози, Бекбовли охун кабиларга “эшигида доим одам кўп бўлади” деган баҳона билан отув жазоси берилиб, ҳукм аллақачон бажарилди, деган гап-сўзлар тарқалган. Рост гап қайси-ю, ёлғони қайси – билиб бўлмай қолди. Аллоҳ Таолонинг ўзи бандаларига инсоф бериб, ер юзига тинчлик-осойишталик уруғини сепмаса, даҳшатли-хавотирли кунлар кўпайиб, кўрқинч осуиб-тошиб бораётир.

– Тақсир, сизнингча, мусулмончилик тилида буларни нима деб атайдими, тухмат балоси деганлари шуми?

Юсуф охунга Саидваққос берган кўп саволнинг бири ана шу эди. Бу, биринчи сўзлашганда беғам-бепарво, енгилтакроқ кўринган йигит аслида тарбия кўриб ўсган инсон бўлиб чиқди. Отаси ўз овулида муллачилик қилади, шекилли, бунинг Илёс эшон хизматида юрганлиги ҳам бежиз эмасга ўхшайди.

– Чироғим Саидваққос, – деб тушунтирди Юсуф охун, – тухмат балоси ҳақиқатан ҳам оғир нарса. Шунинг учун ҳам халқимиз “ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан ўзинг сақла” дейди. Ўт куйдиради, сув чўқдиради, тухмат одамни чалаўлик қилиб кўяди. Бирок бизнинг аҳволимиз тухматдан ҳам оғирроқ, сабаби, агар тинглайдиган кулоқ бўлса, далилларнинг айтиб, тухмат балосидан қутилса бўлади. Бизнинг бошимизга ёпирилгани қип-қизил бўҳтон-ку, чироғим, бўҳтон ёғилганда бир томон ҳукмираволик қилади-да, қаршисида ўтирган одамни тингламайди, ўзи айтади, ўзи ҳукм чиқаради-да, кўзини лўқ қилиб тураверади. Сенинг додингга ҳеч ким кулоқ осмайди, бўйнингга қийиб солади...

Юсуф охун ўзининг мачитини битириб чиқувчиларга шариат нишомларидан хабардор қилиб қўйиш учун “Мухтасар” дарслигидан ҳам бир оз сабоқ бериб, бу борадаги илмини оширадими эди. Аслида, Қуръони карим ва ҳадисларга асосланган, Ислому қонун-қоидаларидан иборат “Фикҳ” илми (арабча бу – билим, англаб етиш дегани) мадрасаларда “Мухтасарул-виқоъ” деб аталмиш дарсликка биноан ўқитилади. Шариат қонун-қоидалари ихчамлашган ҳолда, ёдлашга қулай усулда ёзилган бу дарслик китоб шунинг учун ҳам “Мухтасар” деб аталади. Мусулмонлар орасидаги турли хил тортишув ёки ярашувлар Шариат (арабча – тўғри йўл, илоҳий йўл), яъни диний ҳуқуқлар бўйича юритилади. Шунга кўра, Юсуф охун шогирдларига умумий тушунча беришни лозим кўрганлигидан ўша дарслиқдан гап очиб, сал хабардор бўлиб олишларини истарди. Мана, бугун ўзининг айбланганлиги маълум бўлгач, дини исломдаги иймон, инсоф, ҳалолликни излаб юрган бир банда сифатида, ўзининг қилмишларини “Мухтасар”да белгиланган ўлчамларга солиб кўрди. Бўйнига қўйилган айбларни ҳалол-ҳаром, макруҳ, закот, фитр-садақа каби тушунчалар мезонига солиб бўладими? Охун ана шундай эзгу тушунчалар доирасида тарбия олган, ўсиб-улғайган эди. Уйлашича, ҳукумат одамлари қўяётган айб у тарбияланган тушунчаларга сира-сира тўғри келмасди. Охун узоқ вақт ўй суриб ётди. Қилган жинояти нима ўзи? Қилмиши “Мухтасар”да кўрсатилган “хизмат борасида онт бериш”га тўғри келадими? “Мухтасар”да мусулмон одам қарзимни тўлайман деб онт ичса-ю, вақтида тўлай олмаса, айбли ҳисобланади, дейилади. Биз ҳам ахир қарздор бўлдик, аммо тўламаймиз деяётганимиз йўқ. “Мухтасар”да, партав ер ҳақидаги, сувдан фойдаланиш ҳақидаги бўлимларда ҳам сабаблар аниқланиб, етган зиённинг ўрни тўлдирилса, бас, дейилган, жудаём бир оғир жазо белгиланмаган-ку.

Бу ҳукумат кечиримни, одамга одам каби муносабатда бўлишни, айтаётган далилларни тинглашни билмас экан. Кечириниш тугул, гапингга тушуниш учун ҳаракат ҳам қилиб кўрмайди. “Йўқ, сен ишончли одам

бўла олмайсан, бойнинг боласи – бой, эшоннинг боласи – эшон бўлиб қолаверади”, деган гап буларнинг мияларига ўтириб қолган, шекилли. Бойларнинг ҳам яхши-ёмони, йўқсулнинг ҳам яхшиси, ёмони бўлади, деган фикр уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Хадисда: “Кимда-ким ғайридин одамни ҳақоратласа, камситса, қиёмат куни ўтли қамчи урилади”, деган жойи бор. Булар ғайридин одамгагина эмас, ўзлари мусулмон авлодлари бўла туриб, Ислом динини, диния ходимларини ҳам оёқ учида кўрсатадилар, ит азобини берадилар. Улар бизларни ростдан ҳам ўзлари ўйлаганчалик ёвуз, кекчи, қасоскор одамлар деб, доимо душманлик ўйлайдиган даҳшатли одамлар деб биладиларми? Инсонларга шунчалик жирканч нарса деб қарайдиган одамлар, ўзимизнинг ичимиздан чиққан халқ фарзандлари – булар қачон, қандай қилиб пайдо бўлишди экан? Уларнинг ҳаммалари ҳам бундай эмасдир, албатта, улар ичида мана шу хизматга аралашиб қолиб, куним яхши ўтармикан деб ишлаб юрганлари ҳам бордир, баъзилари эса, “кўрмаганнинг кўргани курсин” дегандай, ўзи аслида шундай бўлиши керак деб ақли ноқислигидан ишлаб юрганлар, даврон келганлигидан қувона-қувона юрганлари ҳам бор. Буларнинг бари бизлар билан кетгай, илойим, бизнинг фарзандларимиз бундай шармандаликларни кўрмасин-да...

12

Тақдирининг нима бўлишини кутиб ётган одамни хаёл деган нарса қаёқларга етаклаб кетмайди, дейсиз. Бўлмаса, ҳозир қўйилаётган талабларниям, уларнинг қаердан чиқиб, нега шундай бўлаётганини ҳам охун яхши билади. Жалил махсум, Илёс эшон, Қидир қози каби уламолар Кенгаш ҳукумати тузилган йигирманчи йиллардан бошлаб янги бошқарув муассасаларида ҳар бири катта лавозимларда ишлаган одамлар. Масалан, Абдужалил (Жалил) махсум партия сафига кириб, Қизил Армиянинг ЧОН гуруҳига аъзо бўлган, Кўк ўзак партия ячейкасининг котиби, ҳатто вилоят судининг раҳбари даражасигага кўтарилган. Худди шундай, Юсуф охун ҳам эскича ўқийдиган, янги лотин алифбосида ўқиб-ёза оладиган, янги замоннинг низом-қоидаларидан хабардор уламо эди.

Ҳозир эса элдаги нотинчликларнинг бир учи овулга ҳам келиб тегаётир. Колхозлаштирув деган жараён одамларни яна олалаб ташлади. Бировларнинг қадрини жуда баландлатади, колхозга аъзо қилади, яна бошқа бировни эса бойсан, ярим феодалсан, халқ душманисан деб чикитга чиқариб ташлайди, колхозга аъзо бўлмаганларнинг эса мол-мулкани тортиб олиб, элдан ажратади. Бундоқ ўйлаб қарасанг, ландовурликдан ҳеч нарсани эплаёлмай юрган одамлар сал ўтмай керакли мутахассис бўлиб ўртага чиқади. Хали боймаган, кўлида гулдаи хунари бўлган, ўз хўжалигининг дастгоҳини ўзи ясаб, эплаб-эпақага келтириб кўядиганлардан эса гумонсирайди. Хонбиби элти “Бешинчи” овулидаги эски уйга темирчиликдан озгина хабардор бўлган Ҳабибулла деган уруғдош инисини қўйиб келган эди, энди унинг ҳам уйдаги аравасини, сотаман деб қўйган пазна¹ларини, кунига яраб турган чиғирини хатлаб кетишибди.

Округдаги давлат сиёсий Бошқармасининг Қорақалпоғистон мухтор вилояти бўйича “тройка” мажлисига Юсуф охуннинг хужжатлари кетганига ҳам 2 ойга яқинлашиб қолди, аммо ҳалигача ҳеч нарсанинг дараги йўқ. Бу “тройка” деб аталмиш кичкина, лекин қудратли ташкилотнинг-ку аралашмаган соҳаси йўқ экан: ОГПУ ёнида тузилади, унга шу сиёсий Бошқарма бошлиғи раҳбар бўлади, вилоят фирқа кўмитасидан, ҳукуматнинг номидан бир-бир вакил қўшилади-да, “тройка” бўлиб олиб, фуқароларнинг тақдирини ҳал қилиб беради. Сиёсий Бошқарма терговчилари ёзган якуний қарорларга энг сўнги, ҳал қилувчи ҳукми мана шу ташкилот чиқаради (1932 йилдан кейин бу кичкина ташкилот Ички ишлар халқ комиссариати (НКВД) ёнида ҳаракат қиладиган бўлди)...

¹ Пазна – омоннинг бир тури.

– Оладиган жазомизни олаяпмиз, энди овулга кўчиб келиб, кўнишимизга¹ жойлашсак бўлармикан?

Хонбиби элти колхоз бошлиғи Қаллибек Қодировга шу савол билан мурожаат қилганда, у бечора тилини тишлаб, лол бўлиб қолибди. Бўлмаса, бошлиқ – Юсуф охуннинг уруғдош иниси. Мана шу лавозимга кўтарилганда, охун оғасининг “попуги пасайтирилгани” дан ҳам, ўзига қандайдир бир зиён-заҳмати тегиб қолишидан ҳам хижолат-хавотирда юрган эди. Энди у элти опасининг сўроғига нима деб жавоб берсин? Буларни Лорнинг нариги томонига сургун қилиб юборишганда “фалон йилгача сургунда яшасин” деб кўрсатилмаган эди-да. У томонда энди қишда кун кечиргудай қилиб уй солиш бу заифанинг қўлидан келмаса, нима қилиш керак? Ёзи билан бир амаллаб илашиққа² ўхшаш турар жой тиклаб, шунда жон сақлаган бўлсалар-да, қишда яшаёлмай, Чимбойга бориб, ижара уйда турганлар. Ҳалиям элга раҳмат. Йўқса, элтини шаҳарга кўчиб кетди деб ҳукуматга хабар қилганида, буларнинг ҳоли не кечар эди? Ахир булар – “халқ душмани”нинг бола-чақаси-ку! Ҳукуматнинг ўзи буларнинг пешонасига шундай тамға босиб қўйибди-да!

– Энди бир-бир ярим ойдан кейин яна экин-тикин бошланади, – деди Хонбиби элти. – Мен ҳали суяги қотмаган болалар билан шартномали пахтани эка олмайман. Уйга қайтиб келсак, ҳолим етганча уйнинг атрофидаги экин-тикинга қарашармидим...

Қаллибекда ҳалиям ун йўқ. Бунақа пайтларда нима қилиш керак, нима дейиш керак, жавобини ўзиям билмайди.

– Опа, бир-икки кун сабр қилинг, – деди у анча жимликдан кейин. – Қандай бўлмасин, Кароматдинни топиб маслаҳат қилайин. Сизларнинг кўчирилган (“сургун қилинган” дейишга унинг тили бормади) ердан у ёққа-бу ёққа бориб-келиб юрганингиз ҳам у туфайли бўлаяпти. Арз қиламан, бориб айтаман деганлар ҳам уруғдош эканлигингизни билиб, чўчийди. Мен буларнинг қонун-қоидасини билавермайман-да. – У яна биров ўйланиб турди. – Сизларнинг шундай озиб-тўзиб юрганингиз менга ботмайди деб ўйлайсизми? Қани энди қайтиб келсангиз, “бир кўлим ўғри, бир кўлим тўғри” деганларидай, қочиб-тегиб бўлсаям, сизларга ёрдам кўлимни чўзар эдим...

Кароматдин Изекеев – мана шу ўзларининг овулидан чиққан амалдор. Ёшлигида Қорақум эшон мадрасасида ўқиб савод чиқарган. Рус тилини яхши билади. Милициянинг берган кийими ўзига жуда ярашадиган, хушқомат, гавдали йигит. Остида осмонга сапчиб турган жийрон оти, белида қуроли бор, ўмровли одам. Шу кунларда Чимбой районининг ички ишлар бўлимида бир тармоқнинг, кейинчалик район бўйича милициянинг бошлиғи бўлди, уйига ора-сира кийимларини алмашлагга келиб турганини айтмаса, кўли ишдан бўшамайди. Келганда ҳам тонг отди демасдан туриб, ишига жўнайди. Қаллибекнинг “Кароматдинни топиб олай, маслаҳат қилай” дегани шу одам эди.

Бошлиқларнинг маслаҳат қилишини, жавоб айтишини кутиб ўтиришга элтида вақт борми? Лордаги илашиқнинг ичига ўт ёқиладиган ўчоқ ҳам қурилмаган, кузнинг изғиринида шамоллаб оғриган уч яшар Зухраси кўп вақтдан бери бу ёққа қарай демайди. Бўлмаса, оти чиққан табибларга кўрсатди, эмлатди, лекин норасида гўдак кўзини очмади. Машинчи қариянинг кампири шунча елиб-югурди, ҳаракат қилди – фойдаси бўлмади. Бошлиқ қайиниси билан гаплашган заҳоти Чимбойга етиб келган Хонбиби Зухрасининг қалқина-қалқина жон бераётганини устидан чиқди. Бу совуқ хабарни эшитиб етиб келган Юсуф охуннинг муридлари арава топиб, нораства гўдакни овулга элтиб жойлаштиришга киришдилар. Бировлар бунинг хабарини охунга билдирайлик деса,

¹ Кўниш – асосий яшаш жойи.

² Илашиқ – чайлага ўхшаш, шох-шабба билан қурилган уй.

бошқа бировлар бунга қарши бўлди. Энг охирида, “Гўдакни жойлаб олайлик, хабарини сўнг айтаверармиз”, деб келишдилар.

Бу хабарни эшитганда, шунча балоларга чидаб келаётган охун:

– Воҳ-воҳ норастагинам-ай, Ибройимжонимнинг ўйинчоғи эди-я, эгиз кўзилардай тўмпонглашиб юришарди, – деб, оҳ тортиб юборибди. Ростдан ҳам, кичкина Ибройим сингилчасининг энди шу кетишдан уйга қайтиб келмаслигини тушуниб етганида, кўғирчоқдайгина майитнинг изидан ўқириб югурган экан...

Иккинчи қисм

ХОНБИБИ ЭЛТИ

*Яралгансан мени яратиш учун,
Жаҳонга тириклик таратиш
учун,
Оқшом уйқусиз тонг оттириш
учун
Дунёга келгансан ўзинг, онажон.*

И.Юсуфов.

1

Чимбой шахрининг шимоли-шарқ томонида, шаҳарга бир от чоптирим ерда жойлашган Тоқёп овули бугун мотамда. Тонг саҳарда, биринчи хўроз қичқириғидан кейин-оқ етиб келган қайғули хабар бирпасда бутун овулга тарқалди.

– Воҳ атганг-ай, ёлгончи дунё! Юсуф охун ҳазратимизни ҳам Аллоҳ даргоҳига олибди-я!

– Яратган эгам, садағаси кетайин бу одамни ёруғ дунёнинг азобларидан кутқарибди-да...

– Пок-номусли одам эди, юраги чидамаган-да...

Овул одамлари шундай деб бир-бирларига таскин-тасалли бериб, Лор бўйидаги янги кулбага қараб гувраниб бораёттирлар.

Аввал кооперативга, кейинчалик колхозга аъзо бўлиб кирган халқ, сўнгги икки йилдан бери батрачкомнинг бир чивиги билан-оқ қай томонга ҳайдасалар ўша ёққа мана шундай тўда-тўда бўлиб юриш қиладиган бўлганди. Айниқса бу йилги февраль ойида ернинг тўнги¹ кетар-кетмасдан овулнинг хотину эркаклари ҳар куни ариқ қазишга чиқиб, жавзогача кўлларида белкурак тушмаган эди.

Ол, ҳозирги чувраниб бораётган одамлар “ҳукумат бор-ку, қаёққа кетяпсанлар деб сўрайди-ку, “халқ душмани” учун ҳам шунчалар қайғурасизми деб айтади-ку”, каби кўрқув-хавотирлардан ҳатлаб ўтиб, мусибат тушган оиланинг қайғусини бўлишиш учун келаёттир!

Бундан икки йил аввал бўйинларига бой, кулоқ, феодал, диний унсур деган ёрлиқ тақилиб, Лорнинг қибла томонига сургун қилинганлар янги кўнишда уй тикиб, қапа тиклаб бошлаган эдилар. Юсуф охун Чимбой қамоқхонасида ётганда “аввалги макон-жойимизга кўчиб ўтамиз” деб умид қилган Хонбиби элтининг ниятлари пучга чиқди. “Халқ душмани” деб ном олганларнинг бола-чақаси ҳам элга қайта аралаша олмас экан, қайга сургун қилинган бўлса, ўша жойга боришлари керак экан. Хонбиби элтининг катта оғаси Сатулла аҳволни тушуниб етгандан кейин, Лор бўйига ўзи ҳам кўчиб келиб, энди қишда жон сақлагудай бир-икки хужра тиклашга киришган эди.

Хонбиби – Хўжаниёз сўфининг Сатулла, Нурабулла, Ниятулла деган уч ўғли ўртасида битта қизи эди. Юсуф охуннинг элтиси Бибиҳожар

¹ Тўнг – ернинг музлаган қисми.

бола туғиш пайтида касалланиб, тўшак тортиб, ётиб қолади. Охуннинг қизлари Карима ва Азималар ҳали кичкина эди, охунга, унинг оиласига хизмат қиладиган аёл керак. Хўжаниёз сўфи охуннинг отаси Оллониёз эшоннинг муриди бўлган. Эски кадрдонликни ўртага солиб, сўфининг бўй етиб турган қизи Хонбибини сўратиб, одам юборадилар. Сўфи қартайган пайт, оиласидаги бутун бийлик¹ катта ўғли Сатулланинг қўлига ўтган эди. Бироқ Сатулла ҳам охунлар томонидан келган одамнинг сўзини икки қилолмайди. Шундай қилиб, Хонбиби қиз даврида хотин устига тўқол хотин бўлиб, бу оилага келган эди. “Арпа ичида бир бугдой” дегандай, бугунги кунда Хонбиби элти бўлиб кетган жигарларининг бошига тушган қийинчиликни азамат акалар ҳам бирга елкалашиб юрибди...

Юсуф охуннинг жони Тўрткўл турмасида узилган экан. Кароматдин милициянинг чопари тунда, хуфтон намози чамасида Қаллибек бошлиққа бунинг хабарини айтиб кетибди. Бошлиқ ярим оқшомда аёли билан Хонбиби элтининг уйига келиб, мусибат хабарини етказди. Ҳаммаларининг товуш чиқариб йиғлаганларига қўшнилар уйғониб, йиғила бошлайди. Охуннинг биринчи элтиси Бибиҳожардан қолган Карима ва Азима Хонбибини онасидай кўриб, бағир босиб қолган эдилар. Бўй етай деб турган қизларга ота-она жуда-жуда керак... Энди икковидан ҳам айрилганига кўзлари етган қизлар кўлда-оёқда турмай, ўкириб йиғлашарди. Бу йил ўн бир ёшга тўлган Маденга ҳам оталарининг йўқлиги билиниб юрган эди, воқеага тушунгандан кейин чинқирганича далага отилмоқчи эди, Қаллибек бошлиқ бағрига босиб узоқ ўтирди.

Бунақада қазо этган одамнинг яқин-ёвуқ, туғишганлари бир чақирим ердан товуш чиқариб, дод-вой солиб келади. Баъзилар ўзларини шу оилага яқин санаб, дастурга кўра (овоз чиқариб, ҳақиқий жоначирлари²) чин юракдан дод-вой солиб кирадилар. Кимнинг бу оилага қанчалик яқинлиги шунга қараб ажралади. Шунинг учун ҳам халқ “қоронғида қариндош овозидан белгили” дейди. Бироқ, элдаги катта уламо инсонлар қайтиш бўлганда овоз чиқарилмайди. “Улим ҳақ, у – худонинг буйруғи, Аллоҳ Таолонинг иродаси билан бўлган нарсага бандаси нолимаслиги керак...” деб ўргатилган. Бироқ содда-баёв халқ “шундай жон-да” деб қараб ўтирадимми, дастур бўйича соз-овоз чиқариб, аёллар эса йўл бўйи хўнг-хўнг йиғлаб келаверади. Эртаси куни тонгдан бошлаб Тоқёп бўйидаги овулдан чувиллашиб йўлга чикқанлар ҳам ер гуврантириб, овоз кўшиб келмоқда эди.

Ҳукумат хизматидаги овул бошчилари учун “халқ душмани”нинг жанозасига келиш ҳам ман қилинган, шекилли, жанозада Қаллибекнинг қораси кўринмади.

Хонбиби элтининг янги “ҳовли”да ана йиқиламан-мана йиқиламан дегандайгина ҳоли бор эди. Охуннинг оғир жазога тортилмай, беш йиллик қамоқ муддати берилганига шукур этиб, омон бўлса Ибройимжони ўн бирга чиққанида келар экан, деб юрган боши бугун яшин ургандай бўлди. Тўсатдан тушган мусибатга ким ҳам олдиндан тайёрланиб юради? Тайёрланаман деган одамнинг ҳам сўйишга моли, уйида чакса уни бўлмаса – бундай одамга бари бир эмасми?

Чимбой, Тахтақўпир аймақларида белгили қуюн³ларнинг “Қирқбой овули” деб аталган макони – файзли, ободон, халқи тўлишган эл эди. Кейинчалик бу ерлар “Бешёп бўйлари” деб атала бошлади. Тоқёп билан сувашиб турган бу атроф яна ўз ичида “Мамбетқул анна”, “Олламурад оқсоқолнинг овули”, “Қирқбойовул”, “Сейдон қарининг овули” деб ҳам бўлакланади. Утиришларда қуюн уруғининг ёшулдилари қуйидагича гурунг қиладилар:

¹ Бийлик – ҳокимият.

² Жоначир – қиймас, яқин қариндош.

³ Қуюн – уруғ-қабилани номи.

– Эрта замонларда бу ерларга бизнинг Сазан бобо деган отамиз қўниш қилган. У бир куни сув излаб, йўлга чиқса, олдида шарқираб окиб ётган ариқни кўрибди. Ариқнинг лабидан пастга қараб тарам-тарам оққан қор ва ёгин сувлари бешга бўлиниб сой бўлиб ётган экан. У ерлар кейинчалик “хўкиз сидик” деб аталган. Сазан бобо ўша сойларнинг биттасини казиб, кишлоғига сув олиб келибди. Экин экса, экканлари бехато униб чиқаверибди. Буни кўрган бошқа оғайнилари ҳам кўчиб келиб, ҳар қайсиси бир сойни казиб сув олиб келиб, шундан “Бешёп” бўлиб, бу ерларга кўчиб келган 40 хўжалик (оила)нинг ҳаёти тобора фаровонлашиб, “Қирқ бойнинг овули” деб ном чиқарган экан...

Ол, “Токёп бўйи”нинг анналари¹ бўлса, бурун бу атрофда фақат биттагина ариқ бўлган, шундан бу ерлар “Ток ёп” (якка ариқ) деб аталган, Шўролар ҳукумати даврида техника кучи билан янгидан бешта ариқ қазилган, шундан “Беш ёп” бўлган дейишади. Буларнинг қайси бири дуруст бўлса ҳам, бу икки овул асрлар бўйи кўшни бўлиб қўшилиб, тўймаърақалари бир бўлиб, куда-андалашиб, иттифокда яшаб келаяптилар.

Хонбиби шу Қуюн овулининг кизи эди. Ториққан пайтларида оғаларининг уйларига бош суқиб айланиб, озгина мош, тарик, жўхори дегандай бир нима ўлмас овқатлик, дон-дун олиб келади.

Халқда “қўлдан берганга қуш тўймас” деган гап бор. Нима бўлмасин, қариндошнинг, туғишганнинг бори яхши. Не ҳам қилсин, ҳозир Хонбиби манов йиғилган халқнинг олдида дастурхон ёйиб, Юсуф охуннинг ош-обод² ини бериб юборгудай аҳволда эмас. Қаллибек бошлиқ кун чикмасдан бурун келиб, ҳеч кимга билдирмай эшикка битта ғунажинни боғлаб кетди. “Халқ душмани”нинг жанозасига бориш уёқда турсин, уйи томонга сояси тушса ҳам, ҳукумат ёмон қилади, шекилли. Тонг отгунча кўзи илинмаган Хонбиби элти энди бу мол билан қандай қилиб маърақа ўтказишни ўйлаб, узок тўлғанди.

Кундуз келишга ҳукуматнинг “кўзи”дан қўрққан Қаллибекнинг ўзи уюштирганми, Обил бухгалтер овулнинг ёшулдилари – Элмурод қарияни, Юсуф охуннинг яқин иниси Медетуллани, Жалий муллага ўхшаган яна беш-олти нафар овулда босими кучли оқсоқолларни эрғаштириб келди. Обил ўтирганларнинг ичида энг кичиги бўлишига қарамай, тизгинни қўлга олиб, сўзни ўзи бошлади:

– Элти кише³, – деди у бирга келганлар номидан сўзлаган бўлиб, – охун оғамнинг ош-ободини темир қизиғида бериб юборайлик. Чўзаверсак, дабабага айланиб, улғайиб кетади. Узингиз биласиз, буни замон кўтармайди...

Ёш йигитнинг айтганлари ўзиники эмас, бошчиларнинг сўзи эканини ҳамма пайқади.

– Сўядиганимиз бор, қолган нарсалар ҳам аста-аста тушгача келиб бўлади, ҳозир эса нон ёпишга ун келади, – деб қўшиб қўйди у.

Ҳамма жим. Маъқуллаган ёки гап қўшган одам йўқ. Фақат Хонбибигина эмас, овулнинг ёши улўғлари ҳам Юсуф охуннинг яқин оғайни-қариндошлари сифатида бу гаплар ўзларига ҳам тегишли эканлигини сезиб ўтирибди.

Бироздан кейин Элмурод мулла сукунатни бузди:

– Қора қозон билан дастурхонга қўйиладиган нон-чўрак ҳал бўлса, Юсуфжоннинг ош-ободини намоздигарга қолдирмай бериб юборган маъқул.

Қария бошини кўтариб, ҳаммасига бир-бир қараб чиқди.

– Оғайни-туғишганларнинг ҳаммаси шу атрофда, уларга хабар етди ҳисоби. Олисидаги уламоларга хабар юборишнинг кераги йўқ, икки-уч йил бўлиб қолди, улар жанозага қатнашишни қўйганлар. Сўнг ўзлари

¹ Анна – қабила номи.

² Ош-обод – вафот қилган одамга бағишланган худойи.

³ Кише – янга дегани. Ҳурмат маъносидеги сўз.

бир ҳисобини топиб келиб-кетадилар.

Бунинг сабабини манов ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам билади. Шунга қарамай, Элмурод мулла сўзини далиллаш учун яна давом этди:

– Туркменистоннинг “Илонли” туманига кўчиб кетган Сарик эшон авлодларидан бири қайтиш қилганида, унинг номозидан келаётган ўнга яқин мулла Халқободда “ҳукуматга қарши йиғилиш қилгансизлар” деган тухмат гап билан қамалганини биласизлар. Юсуф охун ўша сафари кўпчиликка қўшилмай, икки муриди билан бирга тўғри овулга қайтган экан. Шунинг ўзида бир ҳафта тергов қилиниб ётди. Ўша-ўша, уламолар ҳам жанозага келишни қўйди...

Элмурод мулланинг сўзи, колхоз бошчиларининг айтиб юборганини тасдиқлагандай, ўтирганларга маъқул тушди. Обил дарҳол юмушларни ташкиллаштириб юбориш учун ташқарига чиқиб кетди.

– Элмурод оға, бу маъракамизнинг намоз ўқиш, Қуръон хатм қилиш томонлари қандай бўлади? – сўради Жалий мулла.

– Ёш бўлсанг-да, сен ҳам мулласан-ку, – деди Элмурод қария, – сен айт қани, бундай ахволда қанақа йўл тутиш керак?

– Буни, энди, шаҳид кетганларга қўшамиз, бу аниқ. Намоз ўқилмаса керак. – Сал сукут сақлаб турди-да, яна давом этди. – Марҳумнинг руҳини тинчлантириш, қабр азобини озайтириш учун “Ёсин” ўқиймиз. Зиёратлаб боришга қабри йўқ. Шу ерда ўтириб, “Фотиҳа”, “Ихлос” сураларини ўқийверамиз-да. Пайғамбаримиздан “Марҳумлар учун садақа бериб, дуо қиламиз, буларнинг савоби уларга етиб борадими?” деб сўраганларида, “Албатта етиб боради. Марҳумларни эслаб, улар учун қилинган хайрли ишларга ўзларимиз қанчалик севинсак, уларнинг руҳлари ҳам шунчалик шод бўлади” – деб жавоб берган эканлар.

Жалий мулла Юсуф охуннинг масжидида ўқиган, яқин иниларидан бири. Ўзига ўхшаш ёшлар орасида бу зийракрок чиқиб, диний саводи ҳам яхшигина эди. Яқин атрофдаги овуллар бўйича яширин бир имом сайланган, у ҳамма жойга бориб улгура олмаганлиги учун, Лор бўйидаги овулни Жалийга топшириб қўйган эди.

– Катта имом ҳам келиб қолар, у билан ҳам бир маслаҳатлашиб кўрайлик...

– Катта имом келмайди, – деди ўтирганларнинг биттаси, – келадиган бўлса, кечадан бери эшитмай ўтирибдими? “Халқ душмани”нинг уйи деб, ёғдусидаям бошини суқишга кўрқади.

Боядан бери сассиз ўтирган Хонбиби гапга аралашди.

– Уни имомликка тайёрлаб, тарбиялаган – охун оғаси эди. Келмаса, у кишининг руҳи тинч қўймаса керак.

– Унақа дема, келин, – деди Элмурод қария. – Кимки ёмон бўлса ўзига, Яратган эгамга топширдик.

– Рост айтасиз, қайноға, охуннинг ош-ободини ҳам берармиз, Қуръон хатми ҳам битар, – деди элти кўзларига қалқиб чиққан ёшларини артиб. – Менга ботиб турган дарднинг энг каттаси бошқа нарса бўлиб турибди, қадрдонларим-ов... Садағанг кетайиннинг лоши қаёқларда қолди экан? Ҳеч бўлмаса, жасадини ўз кўзимиз билан кўрмасак, кўлимиз билан тупроққа кўшиб, бошига ҳеч бўлмаса бир сирик¹ санчиб, оёқ учида ўтириб “тегаверсин”² айтмасак, фарзандлари отамнинг қабри деб бир ҳовуч тупроқ ташламаса – бу қанақаси? Одамни бунчалик хор қилгудай, нима ёзиғимиз бор эди ўзи? Ичак-бовурларим куйиб кетди-ку, оғаларим-ов!.. – Элти биратўла хўнграб йиғлаб юборди. – Тўрткўлга излаб борганимиз билан, суякларини бермаса, ё “ана, анови ерда ётибди” деб кўрсатмаса... Бу йилги баҳорда Камол махсумнинг туғишганлари

¹ Сирик – дарахт ниҳоли.

² Дуо демоқчи.

отли-аравали излаб бориб, танини тополмай, топса ололмай оворайи сарсон бўлиб, ярим ой деганда қайтиб келганларини биласизлар-ку...

2

Маърақанинг номи “Юсуф охуннинг ошободи” бўлди. Шариат бўйича танаси йўқ мархумга, танаси бўлганида ҳам, боши бўлмаса – жаноза ўқилмайди. Замонанинг равишидан кўрқиб, масжид-қавмнинг имомхатиби ҳам бир ёқларга зим-зиё бўлиб кетган. Аннанинг ҳозирги ёши улуғи, етмиш бешларни қоралаб қолган Элмурод қария: “Жуда нари борса, мениям Юсуфжоннинг ёнига юборар-да” деди-ю, келган-кетганларга қуръон ўқиб ўтираверди.

Қиз болалар йиғлашга ҳам ҳоллари етмай, сас чиқарадилар. Бошқа пайтлари укасини эркалатмай, нуқул ўзи ётиб олиб, укасига уни қилбунни қил деб буйруқ бераверадиган Маден кечадан бери Ибройимни кучоқлаб йиғлайди. Айниқса, уйнинг атрофи одамларга тўлиб кетган чошгоҳ пайтида жингилқўрага суяниб ўтириб узоқ йиғлади. Бировлар “чироғим, чироғим” лаб бориб, бир нималарни айтиб бошини силайди, аммо ҳеч кимнинг гапи Маденнинг қулоғига кирмайди. Икки елкаси силкиниб, сира ўзини босодмайди. Укаси Ибройим ундан баттар акасига тикилиб ҳиқиллайди. Утган йили уч яшар Зухра ўлганидан буён, Ибройим ўлган одамнинг энди қайтиб келмаслигига, соғинса ҳам кўрмай юраверишини тушуниб етган эди. У ҳозир Маден акасининг орқасига суюниб ўтириб, отасини эслади...

Негадир отасининг тури-ранги кўз олдига келавермади. Қамокхонага, икковининг ичи қоп-қоронғи хужрага кириб борганлари кўз олдига келаверди. Хужранинг ичи зим-зиё эди. Отаси бағрига босиб-эркалаб ўпган, ўшанда отасининг соқоли-мурти юзига ботган эди, шу эсида қолибди. Ҳа, эслади – ҳайдарини¹ сийпалаб, бўйинларидан ҳидлади отаси, шулар эсига тушди. Яна, овқатдан кейин фотиҳа қилганда, беш вақт намозни ўқиб бўлгач, жойнамознинг бир муюшини қайириб қўйиб, босиб олар, болаларига қараб ўтириб, овоз чиқариб оят ўқиганларидан кўзни юмиб олишларини эслади. Ибройим отасига қўшилиб, омин қилиш учун қўлини ёйиб ўтирар экан, беихтиёр назарини пастга қадаб, гоҳида эса у ҳам отасига ўхшаб кўзларини чала юмиб оларди. Эсини таниганидан бери шундай манзарага кўзи тушаверганигами, ёки отасининг юзига тик қараб ўрганмаганиданми, ишқилиб бола ҳозиргача отасини кўз олдига келтиролмай ўтирарди. Шунда... энди у, ўтган йиллари баҳорда Медетулла оғаси, Сатулла дойиси² билан бирга (кўпчилик эдилар, бошқа одамлар ҳам бор эди) Кегейли каналининг бўйига борганларини эслади. Канал соҳили одамлар билан лик тўлган эди. Сувда иккита пароход турарди. Бутун оламни айюҳаннос овоз тутиб кетган, биров у ёққа, биров бу ёққа чопади, кимларнингдир исмини айтиб чақиршади. Онаси ҳам буларнинг қўлларидан қаттиқ қисиб олганича одамларга қўшилишиб югуради. Шу пайтда кимдир болани баланд кўтариб, Маден икковини пароходга миндириб юборади. Ана шу лаҳзаларда бола соқол-муртини юзларига ботирган отасини эслади. Отаси эса болаларини кўтариб олади, сўнг яна уларни ердагиларга қайтариб узатади. Шулар боланинг эсига тушди. Ўшанда пароходлар қаттиқ чинқириб юборганда, бола ҳам кўрқанидан роса дод-вой солиб йиғлаган эди. Маден оғаси бу воқеаларни сўзлаб бераётиб, ҳали-ҳалигача Ибройимнинг йиғлаганларини ўхшатиб, устидан кулиб юради. Пароходлар сувда сузиб кетди, қирғоқдаги одамлар ҳам пароходдагиларга қўл силкитиб, интилиб, анча ергача эргашиб борган эди ўшанда.

Бу – отасини энг сўнгги маротаба кўриши эканини ўша вақтда Ибройим

¹ Ҳайдар – кокил, зулф.

² Дойи – тоға.

қайдан билсин. Катта ёшли одамлар шунақа бўлади ўзи, деб ўйлаган, улар гоҳ отга миниб, гоҳ пароходга чиқиб аллақаяёқларгадир кетиб қолишади, гоҳ эса яна қайтиб келишади, яна кетадилар. Отасининг пароходга чиқиб қаёққа кетганини бола билмайди, сўрамайди ҳам, ўзи шундай бўлса керак, деб ўйлайди. Ҳозир ҳам у “отам нега ўлди? Уни ким ўлдирди?” деган саволларни хаёлига ҳам келтирмайди, катта ёшдагилар шунақа қиялпими, демак, бари ана шундай бўлиши керакдир-да деб ўйлайди. Қандай бўлса, барини шундайича қабул қилади.

3

Ростдан ҳам, эндигина эллик олти ёшга чиккан Юсуф охун турмада ётганига бир йил бўлар-бўлмас нега ўлади? Отишга ҳукм қилинганларнинг ёки йигирма, йигирма беш йилга кесилиб кетаётганларнинг қошида бунга беш йил қамоқ жазоси белгиланганига шукур қилиш керак-ку. Омон бўлса, экиб кетган ўриги мева бераман дегунча қайтиб келади. Бошқаларга қиёслаганда минг маротаба шукр қилса арзийди. Шукур, шукур, Яратган эгамизнинг инояти ҳали ҳам бу, деб Хонбиби элти қувонган эди. Энди болаларининг ўсиб-унишини тилаб, қолганига белини маҳкам боғлаб, мана шу қора кўзларга қўл-қанот бўлишни ўйларди муштипар аёл. Бибиҳожар элтидан қолган қизларнинг каттаси Карима кўпдан бери касалманд. Онасига бағир босиб қолган эканми, волидаси оламдан ўтганидан буён ҳали бўйини тиклаб у ёқ-бу ёққа юрган эмас. Узининг аҳволига ўзи тушундими, синглиси Азимага ҳам рухсат берган, шекилли. Азима ҳам Хонбиби элтининг олтидан бир бор ўтди-да, бултур кузакда бир йигитнинг қўлидан тутиб... кетди-қолди. Қиз деганнинг кўрпа-тўшагини, топсанг данғирлаган отаравасини сепига кўшиб узатсанг, қани эди. Бундай бўлмагач, қиз боланинг аниқ эгаси чикқанидан кейин ҳам ўйлаб ўтираверсанг бўлмайди. Шундай қилолмаган оналар кўпинча қизларига айтади:

– Тенгингни топан бўлсанг, қўлидан тут-да, кетавер, қизим. Сени узатиб бера олмаслигимизни биласан-ку. Қизнинг аниқ совчиси-ёвчиси келганда кўп куттириб бўлмайди. Бахтинг очилсин! – дейди. Онаизор қизининг йигити билан кетишига хайрихоҳ бўлиб қоладиган вақтлари ҳам бўлади. Шундай, шундай... Азимани ҳам қанжиғали кипчоқдан Мамбетназар деган бир йигит қош қорайган пайтда оқ отга миндириб олиб кетган.

...Хонбиби ҳам Юсуф охуннинг эшигига тушгандан кейин катта элти билан кундошлиги кўпга чўзилмаган. Жойи жаннатда бўлгур яхши аёл эди. Хонбибини кундош деб эмас, синглисидай кўриб қабул қилган. Бибиҳожар элти бола тўлғоғи пайти каттик оғриб қолган, касали ҳам ўтиб кетган экан. Эрига ўзи айтган:

– Менинг ётишим мана. Сизга эса таҳорат суви тайёрлаб берадиган танмахрам керак. Хўжаниёз сўфининг қизини ўзингизга сўратинг, мен розиман, шоввозим, – деб, охунга ўзи ақл берган экан.

Опа-сингиллар каби бирга яшаган вақтларида бир-бирини жуда ардоқлаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишди. Ортида қолиб кетаётган икки қизига ҳам Хонбиби оналарча меҳр кўрсатишига ишониб-ишониб кетди...

Юсуф охун шарият йўли билан иккала элтисига ҳам тенг муносабатда бўлиб, уларнинг ўзаро ҳурмат-эҳтиромини мустаҳкамлашга ҳаракат қиларди. Хонбибига кўшилганидан кейин хўжалиги иккига бўлинди, бироқ охуннинг элтиларига муносабати ўша-ўша эди. Бемор аёлининг кўнглини оғритиб қўймасликка тиришар, оила масаласида пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларидан ривоятлар айтиб берарди. Бир сафар икки элтининг бошини кўшиб, мана шу ривоятни айтиб бергани эсида: ул зот навбатдаги аёлининг уйига қўнганларида, навқас(хаста)ланиб қоладилар. Бетоблигига қарамай, ҳар куни навбат билан аёлларининг бирининг уйига кўчиб ўтиб юриб, мана энди дарди

оғирлашгандан сўнг, Ойша онамизнинг хоналарида яшаш учун бошқа аёлларидан рухсат сўрабдилар. Улар ҳам рози бўлишибди. Уч кундан кейин Муҳаммад алайҳиссалом ўша хонада дунёдан кўз юмибдилар.

Пайғамбаримизнинг аёлларига халифалик томонидан нафақа пули белгиланган экан. Бир куни Ойша онамиз халифалик ходимларидан:

– Нима сабабдан менга кундошларимдан кўра кўпроқ ҳақ тайинлагансизлар? – деб сўрабди.

– Сабаби, Расулulloҳ алайҳиссаломнинг сизга меҳри бошқача эди.

Шунда Ойша онамиз:

– Дуруст, бу борада мен улардан фарқланиб туришни истаганман, бироқ улардан кўра кўпроқ ҳақ олмайман, – деб, шу пайтгача олиб келган ортиқча пулларни қайтариб берибди...

Мана бу олатасир замонда Азиманинг келин бўлиб тушган уйи билан бориш-келишларни ҳали яхши йўлга қўёлмаган эди. Қудаси Курбонниёз қанжиғали-қипчоқнинг эътиборли кадхудоларидан бири бўлганидан кейин, жанозага ҳам ҳамма қатори келиб кетди. Ҳамманинг кўнглида бир савол: “Юсуф охунга нима бўлган экан? Сабрли, тўзимли одам эди, бирдан хасталанганми ёки бошқа бир нарса бўлибдими?” Бунинг сабабини биладиган, жавобини айта оладиган одам йўқ. Буларга аввалроқ Тошовуздаги турмага олиб кетишди, деган хабар келган эди. Энди эса раҳматлини Тўрткўл турмасида жон топширди, дейишяпти.

Қаллибек бошлиқ анналардан бир йигитни, қуюнлардан бир йигитни белгилаб, охуннинг изидан юборишни ниятлаб юрган эди. Милициянинг каттаси Кароматдин бир-икки йилликда ҳукуматнинг топшириғи билан ёлғиз ўзи Тўрткўлга отли бориб қайтган, шу сабабдан ҳам “ботир” деган ном чиқарган эди. У пайтларда “Ўғрисой”да омон ўтишининг ўзи ботирлик эди. Бу атрофда, “Ўғрисой”да, фақат “Ўғрисой”дагина эмас, бутун йўл бўйида ўтган-кетганни тунаб кун кўриб юрган ўғри-каззоб, йўлтўсар қароқчилар, босмачиларнинг қуйруқлари изғиб юрарди. Чимбойдан Тўрткўлга, Тўрткўлдан яна Чимбойга отлик етиб келишнинг ўзи – савашдан омон қайтган билан баробар эди. Ана шундай пайтда ички ишларнинг мард ходими сифатида Кароматдин Изекеевнинг обрўйи тез кўтарилиб кетган эди. Қаллибек бошлиқ охуннинг қамокда ётган ерини ва йўлнинг аҳволини ўзи бирга ўйнаб-ўсган дўсти Кароматдиндан билиб олиб, қандай қилиб бўлмасин, икки йигитни “ҳақ таваккал” деб юбормоқчи бўлиб юрган эди. Шу орада эса манови мусибатли хабар келиб қолди. Энди турмада охунга нима бўлганини билса, биргина шу Изекеев билади. У ҳам ҳали “буни айтиб бўлмайди” деб турмаса гўрга эди-я...

4

Хонбиби элти бўйчан, хушқомат, буғдойранг аёл эди. Одамга тик боқавермайдиган, оз сўзлайдиган, ҳамма билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб кетавермайдиган, аёллар билан ҳам сўзга тўн кийдиравермай, обрўйини сақлаб, вазмингина муомалада бўладиган атворли аёл эди. Эри олдида юриб, “ел эсганда пана бўлиб, ёв келганда қалъа бўлиб” турса-ку, бунақа феъл-атвор билан “ана, элти бибимиз” дегудай элнинг олд аёли бўлиб юрса бўларди. Аммо... бир оиланинг беги ҳам, кули ҳам ўзинг бўлиб қолганидан кейин, аввалги бийликдан воз кечганингни, болаларинг очликдан товланиб ётганида бир коса жўхори учун кишининг тегирмони ни тортиб, сўкини туюшга киришиб кетганингни билмай қоласан.

Лор бўйига кўчиб келганда иқтирма кўч¹ қуриб, ёзи билан шу ерда яшадилар, қишга қараб Чимбойда қамалиб ётган охунга яқинроқ бўлай деб, ижарага уй тутиб яшади. Баҳорда ҳукумат одамлари “ҳалқ душмани”нинг болаларини овулга қўшмай, Лор бўйига қайтадан олиб келиб ташлади. Хонбинининг энди бу ердан бошқа ёққа чиқа олмаслигини билган оғалари, яқин-йироқдан ҳашарчилар чорлаб, бир уй-бир

¹ Иқтирма кўч – шох-шабба, четандан тикилган чайла-кулба.

дахлизли бошпана куриб берсалар. Ўша пайтларда белига сал қувват инган хўжаликларгина бундай уйларни тиклашга холи келарди. Юсуф охуннинг аввалги қўнишидаги терс айвонли, Хивадаги ҳовлилардай ҳашаматли уйининг мавжудлигидан энди фойда борми, унга бориш учун рухсат йўқ, ҳукумат мусодара қилиб юборган.

Уртаҳол дехкон шунака бир уй-бир дахлизли уй солади. Олдиндаги дахлиз мўъжазгина, тўрдаги хона эндоррок. Шу хонанинг ўртасидан жой олган, юпқа хом карбичдан қурилган печ бўлиб, яна икки хужра қилади. Қишда шу ўчоққа топса тўмор¹ қалаб, топмаса оқбош, янтоқ, шох-шаббага ўхшаган ялпидок ўтин ёқади. Печ устига туйилган шолди, тарик, кунжут каби дон-дунларни ёйиб, қуритилади. У пайтларда ҳозиргидек оҳақ бўлмаган, оқ кесакни ивитиб-эритиб, пахсанинг ичини шу билан суваб чиқиларди. Дераза ўрнида деворда чоғроқ тўртбурчак қолдириларди. Дераза ёзи билан очиқ туради, қишда ойна топилса ойна қўйилади, ойна топилмаса ёстиқ тикиб қўйилади. Уй ичидаги тутун, дуд тепадаги туйнукдан чиқиб кетади.

Сатулланинг булар учун куриб бошлаган уйига қишда киришлари ҳам гумон бўлди. Шунинг учун Хонбиби элти олдинги уйдаги саккиз қанот қорауйни (ўтовни) опкелиб тиклади. Юсуф охун таъқиқга учрамасдан аввал бу қорауй эмас, оқўтов эди. Ўтовга киргандаги чап томон – ўтовнинг ўнг қаноти ҳисобланиб, жуда озода сақланади, келган кўноқлар, эр кишилар шу ерга ўтиради. Тўрда охуннинг ўзи ўтиради, ўтовга киргандаги ўнг томони уйнинг “чап жапсари”² деб аталади, у ерда хотин-қизлар ўтиради. Қолган жойлари – қозон-товоқ, ошхона ўрнини босади – бу тарафда сабаяк (чамаси ярим метрча баландликдаги хонтахта), унинг устида зах тегмаслиги учун ичига тўроқ³ тикилган тулуп⁴, остига қозон-товоқ жойлаштирилади. Уларнинг устида керагага илдирилган керги⁵нинг ичига қошиқ, пичоқ, кирма, заранг⁶, бодия⁷ солиб қўйилади. Қишда кичкина мойқовоқ билан сувқовоқ осилади. Сувқовоқнинг бўйин томони кесиб ташланса, “оғиз ковоқ” бўлади, унинг ичида сут, ғалла сақланади, булар ҳам сабаякнинг устида туради. Керагага қапгир, чўмич илиб қўйилади.

Тўрда сандик, унинг ўнг томонида арча-сандик туради. Сандикнинг устига қарчин, унинг устига бўғжама, ундан кейин кўрпа-тўшак йиғилади. Қарчинда кузда, баҳорда кийиладиган кийимлар, бўғжомога кўноқ келганда тўшалладиган кийиз, кепрен⁸ солиниб, бўялган нақшли жун ип билан икки еридан боғлаб қўйилади. Қапталда керегага илинган хуржун, охуннинг қўнғир рангли қўй терисидан тикилган силкма чўгирмаси, жез ёқали чопони билан сангсанг тўни осиглик туради.

Уйни олиб келиб қурганларидан кейин Хонбиби элти мана шуларнинг барини худди аввалгидай қилиб жой-жойига қўйган эди. Сиртки узукни кигиз билан ёпиб, чийнинг устини чипта, бўйрага ўхшаш нарсалар билан қалинлатди. Қишда шунинг ичида яшашга тайёргарлик кўрди.

Қора уйнинг ўртаси тўртбурчак қилиб қазилиб, ўчоқ қилинади. Шунга ўт ёқилади, атрофи юпқа тахта билан қуршалади. Буни “алақчин” дейилади. Баъзан қорауйли оилаларда уруш-жанжал чиққан пайтларда, қизишиб кетганлар алақчинни тўполон қуролига айлантириб олишади. Шунинг учун ҳам халқда: “Билмадик элингниг сирин, едик алақчиннинг қирин” деган нақл бор. Бўйи анча ўсиб қолган Маден Лорга кўчиб келганларидан бери илашиқда яшашга кўниқолмай, ўзи тенги болалар олдида шумшайиб, мумсикланиб юрган эди. Қорауй қурилганидан бери ковоғи очилиб, бўйинини кўтариб юрадиган бўлди.

Барибир, бу оиланинг аҳволи, кун кўриши пастлаб бормоқда эди.

¹ Тўмор – катта бўлиб ўсан жингилнинг илдизи.

² Жапсар – ён томон, қаптал.

³ Тўроқ – таом номи. Қурут ишланадиган масаллиқ.

⁴ Тулуп – молнинг терисидан тикилган, қопчиққа ўхшаш идиш.

⁵ Керги – идиш-товоқ сақланадиган мослама.

⁶ Заранг – идиш-коса.

⁷ Бодия – сопол товоқ.

⁸ Кепрен – ичига сомон ёки пахта солинган тўшак.

Тунда оч ётган болалар эрталаб уйғониши биланок нон сўрайди. Хонбибининг отаси Хўжаниёз сўфи қўли хунарли одам эди. Фарзандларига ҳар соҳадан бир шингил дегандай, хўжалик учун керак бўладиган нарсаларни кишига ялинмасдан ўзлари ясаб олишга ўргатган. Хонбиби ҳам “уяда кўрганини учганида қилиб”, уй ичида қилинаётган ишлардан ўзини тортиб ўтирмай, қанақа иш бўлса, шунга киришиб кетаверарди. Кўрпа қавиш, ёши улуг одамлар учун дамбал¹ тикиш, қув пишиш, челақда мой ажратиш, сарёғ, сузма, қурут қилиш, тарик қайнатиш, сўк туйиш – бари-барига эпди. Ҳозир ҳам у болалари учун қиладиган ҳар қандай оғир ишдан қочмасди. Шу кунларда ўзининг ўтмишда ким бўлганлигини унутиб, нима хизмат бўлса, орланиб турмай бажариб кетаверарди. Шунга қарамай, овул одамларининг кўкрагида унга нисбатан элтилик ҳурмати сақланиб қолган экан, бошқалардан кўра ўзига бир тийин бўлса-да кўпроқ қўл ҳақи беришаётганини сезиб қоларди...

5

Қиш яқинлашиб қолди. У йилларда қиш астойдил қаҳрланиб келар, совуғи ерни қоқ ёриб юбораман дерди. Баҳор шошилмай кучга келар, экин-тикин ишлари ҳозиргидай жавзодаёқ тугаб битмасди, “жавзода жовдай (ёвдай) экиш” бўларди. Ибройим ҳукумат очган мактабнинг биринчи синфига борадиган йили Маден тўрттинчини битирди. Ўша пайтдаги сиёсатга кўра, ҳар бир бола етти йиллик билим олишга мажбур деган кўрсатма чиққан эди. Маден энди Чимбой шахридаги мактабга қатнамоғи керак, онасининг қўлтиғига кириб, мол-қолга қарашиб юрган бола тонг отар-отмасдан пиёдалаб йўлга тушса, кечқурун кош қорайганда келса?.. Ибройимнинг ўқийдиган мактаби эса эски овулда, у ҳам анов-манов жойда эмасди, хуллас, фарзандларининг ўқишга қатнашини ўйласа, ҳозирданок онаизорнинг юрагини ваҳима босарди. Ўйлаб-ўйлаб, ўйининг тубига етолмай, Хонбиби элти охири яна бошлиқнинг идорасига борди.

– Маден Чимбойга қатнамаса, пахта теримига чиқиши керак, – деди Қаллибек бошлиқ узоқ тин олиб. – Ўйлашиб кўрайлик, бир иложини топармиз. Бироқ, Лор бўйига юборилган оилаларнинг аъзолари ҳамма вақт ҳукуматнинг қаттиқ назоратида турибди. Буни унутмайлик...

Барибир иложини топгандай бўлишди – Маден тўрттинчи синфдан нарига “ҳатлаёлмай қолган” деб ҳисобланди, энди у Ибройим то биринчи синфни битиргунча укаси билан мактабга бирга қатнайдиган бўлди. Онаизорнинг меҳнати, ваҳимаси салгина енгиллашди. Маден “синфда қолди” деган гапни парвойига ҳам келтирмади. Ўзининг ўқишга ихлоси кам эди. Аммо Ибройимни ўқитиш кераклигини у яхши тушунарди, негаки Ибройим ҳали мактабга борма-ёқ Мадендан ҳарфларни ёзишни, алифбе китобига қараб ўтириб сурат чизишни ўрганиб олган эди. Маден эса қўлига китоб тутқиси келмайди, шеър ёдлашга-ку умуман тоби йўқ, бунинг ўрнига у қаерда бўлмасин “чатоқ чиқариш”га, шовқин-сурон кўтаришга уста. Айниқса болалар орасида уруш-жанжал уюштиришда доим илғор, қўшни овулнинг болалари билан урушиш, муштлашиш бўлса, болаларни тўплаб, улар томонга бошлаб бориш, тўполонни биринчи бўлиб бошлаш бўлса – Маден доим тайёр. Лор бўйининг қизлари ҳам кўпинча Маден борлиги учун мактабга қатнайдилар.

Ўша пайтларда отадан болага, онадан қизга ўтиб, халқ орасида ҳаммага ёд бўлиб кетган қўшиқлар бўларди. Шуларнинг бирида:

*Қарчигай қушининг боласи,
Қайинда бўлар уяси.
Қайиннинг тагин сув босса,
Қайғуда бўлар онаси, –*

¹ Дамбал – лозим-иштон.

дейилади. Халқнинг яна бир терма кўшиғида:

*Манг-манг босган, манг босган,
Тўрт оёгин тенг босган.
Чувдаларин чанг босган,
Уркачларин мой босган
Қора норим бор эди... – деб куйланади.*

Ёшлар, ҳали турмуш қурмаган йигит-қизлар гап-гаштакларда, сайлларда ўтовга кириб, икки тарафга бўлиниб ўтириб, пиёла суришиб, чой ичишиб, “қанд кўприк” қурганларида Бердак шоирнинг манов бир шеърини кўшиқ қилиб куйлашарди:

*Менинг ўзим кийик бўлсам,
Ҳамма тоғдан бийик бўлсам,
Қиз йигирган ийиқ¹ бўлсам,
Тусағанг²да турмасмидим.*

Ибройим кичкинтойлигидан мана шундай кўшиқларни ёдлашга, тинглашга ихлосли эди. Юришига қарасанг, тортинчок, худди онасига ўхшаб вазмин феъл-атворли, босик. Лекин керак жойида жуда зийрак, хушёр, бир кўрган нарсасини анов-манов ерда эсдан чиқаравермайдиган, хотираси кучли.

Баъзан тўполонларда бирга қатнашадиган ўртоқлари Маденни ўртага олиб, бири дейди:

– Сенинг уканг салгина нарсага камишдай қалтираб қолади, сенга ўхшаб сас чиққан томонга мушт ўқталиб югуриб кетавермайди. Нега у ҳамма билан урушавермайди?

– Сен катта элтидан туғилганмисан? – дейди яна бири. Шунда Маден кизиб кетиб дарров кўлини мушт қилади:

– Ким айтди бу гапни?!

– Унда нега икковинг турли-тумансиз? Сен сап-сариксан, уканг бўлса қоп-қора?

Сўзга Айтмурод деган бола аралашади:

– Маден охун оғамга ўхшайди, опам айтди, сариклиги ҳам, юраклиги ҳам худди охун оғамнинг ўзи эмиш. Юсуф охун ҳеч қачон ёлғон гапирмаган, кишиларга ёмонлик қилмаган экан. Ол Ибройим бўлса Хонбиби элтига ўхшаган, худди бир олманинг икки калласи. Бола ҳам онасига шунчалик ўхшайдими? Юриши, туриши, гапиришлари – ҳаммаси элти опамга қуйиб қўйгандай-а!..

Сентябрнинг бошланишига икки кун қолган эди. Ёзда камиш қапада овқатланиб ўтиришганда устига ҳарбий кийим, бошига шапка кийган муаллим йигит келиб, Ибройимни биринчи синфга ёзиб қетган эди. Шундан бери Ибройим учун кун ўтмайди, тонг отмайди. Ўқувчи бўлишга ҳавасланиб, сирти чиройли сувалган оқ мактаб биносига кириб-чиқиб, ўзини ўқувчи деб ҳис қилиб юргани қачон. Мана шундай ўй-хаёллар билан учиб-кўниб, бугун сой бўйидаги поданинг олдида чикаб, эчки-улокни айириб опкелсам, ўқишга бир кун қолади, деб кун санаб юрган Ибройим уйига яқинлашганда, эшик олдида боғловда турган отни кўрди.

– Азима опам билан поччам келди, – деди Маден, – бор, кўриш, сенга жийда, ийжон опкелишди.

– Сенга нима олиб келишибди?

– Менгами, кирғовул тутадиган тузоқ, қочармон ўйнайдиган тўп, балиқ қармоқ. Кўрдингми, ҳаммаси янги.

Болаларнинг опаларини кўрмаганларигаам уч-тўрт йил бўлиб қолган эди. Ибройим ҳув бирда Азима опаси мингашиб кетган оқ бўз отни бирдан эслади. Мамбетназар поччаси ҳам узун бўйли, қуюқ қошли,

¹ Ийиқ – пахтадан ип йигирадиган мослама.

² Тусағанг – бўсағанг

киприклари узун, қирра бурун йигит экан.

Азима Ибройимни бағрига босиб, узоқ йиғлади. Бу кўз ёшлари фақат соғинчгина эмас, балки охун отасининг хотирасини ҳам ёдлаш эди.

– Айнанайин, Ибрашжоним-ов, сени ҳаммадан кўп соғиндим-ку! Қалайгина соғинмайин ахир, мени келинчак қилиб кузатиб қўйган сен эдинг-ку ахир! – деб гоҳ кулади, гоҳ яна йиғлайди. Юзларидан тишлаб-тишлаб ўпади. – Ҳов, ҳайдарингни ҳалиям олишмадимми? – деб, сочини силаб, қайта-қайта бағрига тортади.

– Эртага Мулла акалари билан бир-икки уй қўшни-қўбони, яқин-ёвуқни чақиртириб, кичкина дастурхон ёзамиз. Ҳайдарини боболарига кесдириб, фотиҳаларини оламиз. Худо хоҳласа, менинг болам ҳам эрта ўтиб, нариги куни мактабга йигит бўлиб боради. Сизлар ҳам кўриб кетадиган бўлдингиз. – Шуларни айтиб Хонбиби элти кўзига ёш олди. – Ибрашжон, ма, опагонинг сенга куроқ папка тикиб келибди (у замонларда “бўғча” дейиларди, негадир элти “бўғча” демасдан “папка” деган янги сўзни тилга олди). Ҳозирги болалар мана шунинг ичига қоғоз-қалам солиб, елкасига осиб, мактабга боради экан. Қутли бўлсин, чироғим.

Ибройим бошқаларникидай бўлмаган, майда чий куроқлаб тикилган папкани қувона-қувона олди, бўйнига осиб ҳам кўрди.

– Тақиянгни, чопонингни, ковушингни эртага, ҳайдарингни олиб бўлганларидан кейин кийдираман, – деди Азима.

Шу пайт печнинг нариги томонидан кичкина чақалокнинг бирдан чинқириб йиғлагани эшитилди. Ибройим кўрқиб кетди.

– Уй-бай, қизгинам-ов, кумурсқа чақиб олмадимикан? – Ўрнидан туриб кетди Хонбиби элти. Азима опаси ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган норастанни кучоқлаб олиб келди.

– Ма, манови сенинг Хўжаназар деган жиянинг, – деб Ибройимнинг кўлига ушлатди. Йиғини бас қилгани билан, оғзини каппа-каппа очиб-юмаётган чақалокнинг ҳиди, йўргагининг сиртидан ҳам ўтиб турган илиқлиги Ибройимни сергаклантириб юборди. Бу илиқ ҳовур билан ёқимли хид шундан кейин ҳам кўп вақтларгача эсидан чиқмай юрди...

6

Мадендан ҳам катта, бўйи узун бир бола жез кўнғирокни силкитиб чалди. Унинг жаранги худди “тез кел, тез келинглар” дегандай эшитиларди. Ибройим оғзини очганича кўнғирок чалган болага анграйиб қараб қолди. Атрофда сочилиб ўйнаб юрганларнинг бари мактаб эшиги олдига уюлишиб келди. Муаллимлардан бири бу йил биринчи синфга келганларни бир қаторга, уларнинг ортидан тўртинчи синф болаларини тизди. Болаларнинг олдига чиққан киши озгина ваъз сўзлади, тушунганлар чапак чалди, кичкинтойлар ҳам чапакка қўшилдилар. Бир пайт орқада турган чарм костюм кийган одамга сўз берилди. У яқин келиб сўзини бошлаган эди, Ибройим таниш овозни эшитиб, ялт этиб қаради: “Ие, бу Пақирбой оға-ку, овулимизнинг бояғи подачиси. Буям муаллим бўлибди-да...”

Ибройимнинг ҳайратлари шу ердан бошланди. Пақирбой ака кўп гапирди, “фаол бўласизлар, кизил аскар бўласизлар, ота-онангизни қўриқлайсизлар” деган гапларни айтди. У Пақирбой подачига эргашиб кўп юрган, подачи овулнинг болақайларини эргаштириб кетиб, “Тоқёп”нинг саёз жойларига олиб бориб чўмилтирарди. Болалар ўша ёқларга бориб, уйдан олиб чиққан нон-понларини ўртага қўйиб, бирга ердилар. Пақирбой подачи таёғини дутор қилиб чалиб, халқ қўшиқларини куйлар, сўнг шу таёғини қўбиз қилиб чалиб, жиров бўлиб термалар айтарди. Болаларга кўп қўшиқларнинг маъноларини тушунтириб берар, сўнг “қани, ким қўшиқ айта олади?” деб, болалар ўртасида мусобақа ўтказарди. Болалар ичида хушовоз, истеъдоддилари топилиб қолса, қувониб кетар, овози яхши, истеъдоди бўртиб турган болага янги қўшиқлар ўргатарди, ўзиям бирга қўшилиб куйларди.

“Эҳ-хе, бизнинг Чимбойимиздан қандай жировлар, бахшилар, шоирлар чиқмаган, сизларнинг орангиздан ҳам ҳали шундай машҳур одамлар чиқади! Чимбой – шоирларнинг элати!” деб, кўплаб ҳикоят у ривоятларни, эртақларни гапириб берарди.

Ибройимнинг бир хосияти – эшитган кўшиқ ёки шеърни тез ёдлаб оларди. Пақирбой подачи ҳали мактабга бормаган бу болакайнинг қобилиятдан кўнгли тўлиб, доим уни мактаб тилга олар, бошқа болаларга ўрнак қилиб кўрсатарди. У Ибройимга ҳам кўплаб шеър, кўшиқ ўргатган, ёд олтирган, икки-уч кундан кейин болаларнинг олдига чиқариб куйлаттирган.

Сўнгги пайтларда “Пақирбойни Чимбойга чақиршибди” деган хабар тарқалиб, у кўринмай кетганди. Овулдаги одамлар уни кўпам эслайвермаса ҳам, ёшлар уни жони-танидай яхши кўрар, унинг ўргатган эртақлари, кўшиқларини доимо давраларда айтиб юришарди. Мана шу Пақирбой подачи энди муаллим бўлиб келибди-да...

Пақирбой муаллим гапириб бўлди. Ҳамма болалар шапур-шупур қарсақ чалдилар. Болаларини биринчи синфга олиб келган ота-оналар ҳам қарсақка кўшилиб, Пақирбой муаллимнинг изидан ҳавас билан қараб қолишди. Муаллимнинг мана шундай ҳарбий кийимда келиши, ҳамма болани оғзига қаратиб гапириши, сўнг ҳаммани эргаштириб мактабнинг ичига олиб кириши – булар бари Ибройимга бир эртақдай туюлмоқда эди. Ибройим бўлаётган воқеаларнинг, айтилаётган гапларнинг ҳаммасига тушуниб етавермаса-да, хув бир пайтлар бирга нон, зоғорани сувга ивитиб еб юрган Пақирбой оғаси эртақдаги воқеалар ичидан чиқиб, овулга катта одам бўлиб келганини сезиб олган эди. Муаллимни кўриш, китобни очиб ўқиш, мактаб кўнғироғининг овозини эшитиш – ширин ҳаёлларга берилиб юрган болакай учун қанчалар қувонишли бўлса, эсини билганидан бери энг яқин, энг сеҳрли одамдай бўлиб қолган Пақирбой оғасининг ўйламаган ерда пайдо бўлиб, ҳамма қатори Ибройимни ҳам синф хонасига олиб киргани – булар ... бари эртақдай воқеалар эди, эртақдай...

Синфда болаларни яна бир муаллим кутиб олди.

Яна жез кўнғироқ жаранглади. Болалар бир сафга тизилиб, муаллим кўрсатган эшикдан одоб билан ичкари кириб келдилар. Бу муаллим – узун бўйли, озғин чехрали, кўриниши жайдари бир одам бўлиб, қай бир жиҳатлари Юсуф охунга ҳам ўхшаб кетар эди. У ҳам ҳеч кимга кўзларини тикиб қарамас, аксинча, худди сендан бир яхши гап эшитмоқчи бўлиб тургандай.

“Ҳукуматнинг муаллими бетингга уради, кулоғингни бурайди, бошингдан тақимой¹ олади, ҳамма билан бирга турғалиб туриб чоптирмасанг, дарсдан ҳайдаб юборади”, – деган гапларни эшитиб юрган Ибройим мана бу муаллимни кўриб, ҳамма эшитганларини унутди ва “менинг отамнинг худди ўзи экан” деган ўй кечди дилидан.

– Биринчи сўзимиз “Ассалому алайкум” деган сўз бўлади. Қани, бунга нима деб жавоб беришимиз керак? – деб сўради муаллим. Болалар индамади. Муаллим нимқоронғи синфда тик турган болаларга бир-бир қараб чиқди. Улар узун-қисқа бўлиб турибдилар. Бировлари тўққиз-ўн ёшлар чамасида, эслари кириб қолган болалар. Пакана бўйли, осиб олган папкалари ерга тегиб турганлари ҳам, зўрға-зўрға кўтариб турганлари ҳам бор. Муаллим синфга кириб келганда, ўқувчилар уни қандай кутиб олишлари кераклигини, саломлашиш одобларини ўргатиб бўлди-да, кейин болаларни бўйига қараб ўриндиқларга ўтирғиза бошлади. Уларнинг ораларида етти-саккиз нафар қиз болалар ҳам бор экан, қашқирдан кўрққан кўзичоқлардай бари бир бурчакка текилиб олган эди. Муаллим “булар бугун-эрта сал ўрганишсин, биринчи кундан болалар билан араллашиб ўтирасизлар десам, ота-оналари мактабга юбормай қўйишлари мумкин” деб

¹ Тақимой (такибой) олиш – боланинг сочи олинганда, бошига бармоқ билан нуқиб-чертиб ўйнаш ўйини.

ўйладими, қизларни бўлаклар турмади.

Муаллим ўзини таништиради:

– Менинг отим Тўлаган, сизлар мени “муаллим” деб чақирасизлар. “Сизларни ким ўқитади?” деб сўраганларга “Тўлаган муаллим” деб айтасизлар.

Кейин у болалар билан таниша бошлади.

Синфга кириб, ҳамма бош кийимини ечган пайтда Ибройимнинг тос тепаси шамол тортган эди. Эсидаям йўқ, аста қўлини бошига олиб борган эди – ҳайдари кесилган, туғилганидан бери силкиниб, югурганда бошига ёйилиб, кўзига тушиб юрадиган узун-узун сочлари ҳам энди йўқ эди. Шунгами, бош териси қирчиб олингандай, шамол тортиб турган экан. Онам, “боламнинг сочини сақлаб кўяман” деб, оқ матога ўраб-туғиб қўйди, уни нима қиларкан? Отам ҳам: “Пайғамбаримиз умрида уч мартагина соч олдирган. Ушандаги олинган сочлари дунёдаги мусулмон халқларига улаштирилган”, деб айтар экан. Қизиқ, менинг сочимни онам нима қилмоқчи экан?..

Ибройимнинг мана шундай ғалати хаёллари бир гал болаларнинг дув кулгусидан бўлиниб кетди. Болалар муаллимнинг қайсидир бир гапига кулган экан, мана, Ибройим қизиқ бир гапдан беҳабар қолди. Муаллим гапираётганда бошқа нарсаларни ўйлаб ўтирмаслик керак экан, Ибройим бунини ҳам тушуниб олди...

Ибройим кун оға бошлаганда уйига етиб келди. Онаси қорауй олдида туриб, кели туяётган экан. Умрида шошилиб, очилиб гапирмайдиган бола:

– Опа¹, опа, мактабга Пақирбой оғам келди! – деди қувониб.

– Яхши бўлибди, болам, кўришиб, қўлини олдингми?

– Йўқ, у мени кўргани йўқ.

– Ҳовва-да, кўп боланинг ичида пайқамаган ҳам чиқар, кўрганда сени дарҳол чақириб оларди.

Ибройим онасининг “Пақирбой мактабда нима қилиб юрган экан, у қаёқдан келибди?” деб сўрамаганига ҳайрон бўлди.

– Муаллимнинг ким экан?

– Муаллимнинг оти муаллим, сўраган одамларга “Тўлаган муаллим” деб айтасизлар, – деди.

Онаси кулиб қўйди.

– Маден қайда қолди?

– У “Урдаги овул”нинг қизларини уйларига обориб қўйиш учун кетди.

Хонбиби элти Пақирбойнинг шу колхозга батрачком бошлиғи бўлиб келганини бир ҳафта бурун эшитган эди. Уйга келиб салом бериб кетаров, деган умиди ҳам йўқ эмас, отли одам кўринса, шумасмикан деб қараб ҳам туради. Бироқ ҳали “Пақирбой Лор тарафларга ҳам ўтибди” деган хабар чиққанича йўқ.

– Батрачком дегани нима? – деб сўради у Сатулла оғасидан.

– Батрачком дегани батрақлар уюшмасининг бошлиғи дегани бўлса керак, бояги бой, охун, эшонларнинг молларини тортиб оламиз деб, меласанинг ёнида отга яйдоқ миниб юрган оч-яланғочларни кўрган эдинг-ку, “анов бойнинг фалон тўқайда яширин моллари бор, фалон эшоннинг буғдой ўраси фалон ерда” деб ҳукумат одамларига бориб айтадиганлар бор-ку, ўшаларнинг каттаси-да!

– Ҳа, унда Худо бериб қолган экан... Пақирбойнинг ўзи етим ўсган эди, ҳеч кими йўқ йигит. Бироқ ундан ёмонлик чиқади деб, ҳеч ўйламасдим.

– Бу ҳукумат шунақаларни топиб, бошчи қилиб қўяди-да, – деди Сатулла. – Бояги йиллар, ҳукуматнинг энди тузилиб ётган пайтларида, ниманинг нималигини ўзлари ҳам тушунмасдан, ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб юрарди, мана энди шуларнинг ҳам кўпчилиги ўзини ёмонотлик қилиб кўрсатиб, кўчада қолишган...

¹ “Опа” сўзи қорақалпоқларда “она” деган маънода ҳам ишлатилади.

Дарвоқе, чор Россияси бир пайтлар – элдаги жуда кескинлашиб қолган иқтисодий аҳволини яхшилаш, бундан келиб чиқадиган норозилик ҳаракатларини бостириш учун ҳукуматга қўшимча куч зарур бўлиб қолганда, Урта Осиёнинг ўзига қарашли ҳудудларидан мардикорга одам олиш мақсадида 1916 йилнинг июнида буйруқ чиқарган эди. Буйруқда 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклар мардикорликка олинсин, деб кўрсатилади. Мардикорлар ўша пайтда уруш ҳаракатларини юритаётган Россия жаңгчиларига кўмак бериб, фронт орқасида меҳнат қилишлари керак эди. Ўшанда Амударё бўлими бошқармасига 5200 нафар одамни мардикорликка юбориш топширилади. Бу кўрсатмадаги сонлар Петро-Александровск (Тўрткўл), Шўраҳон, Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот каби уездларга тақсимланиб, одамлар ёппасига мардикорликка олина бошлади. Кўрсатилган манзилларнинг барча ҳудудларида халқнинг норозилиги кучайиб, мардикорликка қарши исёнлар келиб чиқа бошлади. Исённинг энг каттаси Чимбойда юз бериб, “1916 йилги Қорақалпоғистондаги ўнг соҳил исёни” деган ном билан тарихга кирган. Амударё бўлими ҳудудий бошқармаси бўйича биринчилардан бўлиб Чимбойда эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам исёнда иштирок қилади. Ўша пайтлардаги тарихий маълумотларга қараганда, “эрларимизни ва болаларимизни мардикорликка юбормаймиз” деб, қўлларига таёқ, курак, паншаха, тош кўтариб чиққан аёлларнинг сони умумий иштирокчиларнинг учдан бир қисмини ташкил қилган. Чимбой шаҳрида қорақалпоқлар билан бирга яшаган ўзбек, татар, қирғиз, қозоқ, туркманлардан 1000 га яқин одам оломон бўлиб, приставнинг уйи ёнида йиғилганда, шундан 300 га яқини аёллар билан кампирлар бўлган экан. Улар олдинда юриб исёнда қатнашганларни бошлаб борганлар. Исённинг қандай тугагани тарихдан маълум. Кўзғолончиларга қарши Чимбой пристава Микаэльжаниянц ўт очади, Олламурад деган ишчи ярадор бўлади. Буни кўрган оломон приставни ушлаб олади-да, оқ калтак-қора калтак қилиб савалайди ва хушсиз танани Кегайли каналига отиб юборади. Шундан сўнг кўзғолонни босиш учун етиб келган жазо отряди тинтув ва текширувлар ўтказиб, кўзғолон кўтарилишининг сабабчиси сифатида 103 нафар одамни қамайди, шулардан 18 нафари аёллар эди. Мана шу фатаротдан кейин ҳам мардикорликка одам олиш, одам юбориш давом этаверади. Бундайда, албатта, биринчи навбатда етимликда ўсиб-улғайганлар, хомийси-суянчиғи йўқ ёлғизлар, камбағал-йўқсиллар кетади. Пақирбой ҳам шулар қатори мардикорликка юборилган эди.

Орадан бир йил ўтар-ўтмас Россияда 1917 йилги давлат тўнтариши амалга ошиб, Қизил Армия тузилади. Кўпчилик манзилларда эзилган халқ, камбағал-йўқсиллар шу армия сафига ёзилиб, оқ гвардия деб ном олган чор армиясига қарши курашга чиқади. Пақирбой бу вақтлари Урал дарёси бўйларидаги манзилларда мардикор бўлиб, дарахт кесиб юрган эди. Толеини қарангки, у борган манзил – нўғайлар аралаш овул экан. Авваллари қорақалпоқларга тили ҳам, дини ҳам, урф-одати ҳам жуда яқин бўлган бундай халқнинг борлигини эшитмаган Пақирбой, уларни кўриб, дастлабки кунларда ишонарини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай, анграйиб қолади. Сўнг улар билан апоқ-чапоқлашиб, ўзининг халқи ҳақида айтиб бериб, яқиндан танишади. Шу элнинг оқсоқоли Амирхон деган нўғай уни ўз уйига сўраб олади. Ўзи шоиртабиат одам экан. Фарзандларининг қай бири муаллим, қай бири созанда, ол Анвар деган ўртанча боласи маданият ходими бўлиб ишлар экан. Бу уйда ўтган икки йилдан зиёдроқ вақт ичида Пақирбой улардан кўпгина халқ кўшиқларини, афсоналарни, ҳикматли гурунглари ўрганиб олади, ёддан айтиб юради.

Нўғайларнинг тўй-маъракаларида ҳам бизларникига ўхшаш жойлари кўп экан. Қур (давра) тузаб, бахши-жиров айттириш буларда ҳам бор

экан. Уларда асосан “Нўғайнинг қирқ ботири”, қорақалпоқларнинг “Едигей” сига ўхшаган атоқли дostonлар куйланаркан. Бу халқ вакиллари ўзларини турли туркий уруғ-қавмлардан – манғитлар, қўнғиротлар, қипчоқлардан тарқалганмиз, деб ҳисоблар экан. Бир гапида, нўғайлар билан қўмиқлар битта халқ деса, яна бир гапида нўғайлар билан бошқирдларнинг ҳам туби бир, битта халқ, дейишади. Бизлар – манғит қавмидан чиққан беглар беги Едигейнинг авлодларимиз, амир Едигей узоқ йиллар Соҳибқирон Амир Темурнинг бош аскарбошиси бўлган, деган гаплари ҳам бор. Нўғайлар Астрахан (Ҳожи Тархон) шаҳрига асос солган, дейишади.

Ростдан ҳам, нўғайларнинг тили қорақалпоқ тилига жуда ўхшаш экан. Улар ҳам халқ бошчиларини “бий”, “бек”, “мирза” деб аташаркан. Улар ҳам худди бизларга ўхшаб, “той”, “тулпор”, “айғир”, “арғумоқ”, “бия”, “йўрға” деган сўзларни ишлатишар экан. Туғилган овулингдан бир неча минглаб чақирим узоқда тили, дини ўхшаш халқ билан учрашиш – ҳайрон қоларлик ҳодиса-ку! Дунё кенг, унда кишини ҳайратлантирадиган бундай воқеа-ҳодисалар учраб туришига, бунақа ўхшашликлар кўплигига гувоҳ бўлаверасан. Пақирбой ҳам шу ерда ўтган икки йиллик умри мобайнида қангли, қипчоқ, найман, манғит, қўнғирот қавмлари вакиллари бўлган одамлар билан учрашди, танишди, уларнинг ҳам худди бизлар каби овул-овул, кўча-кўча бўлиб яшаётганларини кўрди. Пақирбой уларни ёқтириб қолди, улар ҳам Пақирбой билан дўст тутиниб, жўра-ёр бўлишиб, ҳаммалари Пақирбойнинг омон-эсон ўз юртига етиб боришини тилаб қолдилар.

Пақирбой ўзимиз томонда – овулда юрган пайтларида ҳам кўплаб халқ кўшиқларини билар, айтиб ҳам юрарди. Энди нўғайлар юртига келиб, улардан:

*Манг-манг босган, манг босган,
Тўрт оёгин тенг босган, –*

деб бошланадиган тўлғов¹ни эшитганда, шу билан бирга:

*Бир деганда не ёмон? –
Билимсиз ўсган ул ёмон!
Икки деганда ким ёмон? –
Ибосиз ўсган қиз ёмон!
Уч деганда не ёмон? –
Улғусиз бичган тўн ёмон!
Тўрт деганда не ёмон? –
Тўраллик бузган бий ёмон! –*

деб айтиладиган насихат-кўшиқларни эшитиб, бизнинг овулнинг тўлғовлари бу ёқларга ҳам келиб қолган экан-да, деб ҳайрон бўлган эди. Кейин сўраша-билиша келса, буларнинг бари нўғайли халқнинг Сўппасли Сипира жиров деган шоирининг кўшиқлари экан.

Пақирбой овулдаги билимли-ўқимишли одамлардан эшитиб-ёдлаган кўплаб шеърларининг муаллифи Асан қайғи деган шоирнинг шеърлари деб ҳам эшитган. Унинг мана бу кўшиқлари нўғайлар орасида ҳам айтилар экан:

*Қуйруғи йўқ, ёли йўқ
Қулон қандоқ кун кўрар?
Оёғи йўқ, қўли йўқ,
Илон қандоқ кун кўрар?
Чивин чақса ёз бўлиб,
Тоз²лар қандоқ кун кўрар?
Ялангоёқ мусофир
Ҳозлар қандоқ кун кўрар?*

¹ Тўлғов – тарихий воқеа-dostonлар куйланадиган оғир оҳангли халқ кўшиқлари жанри.

² Тоз – кал.

Бундай икки элнинг орасига бирдай сингишиб кетган, ҳамма жойда кўшиқ қилиб айтилаверадиган шеърый сатрларни Пақирбой кўп эшитди, кўпини ёдлаб олди, айтиб ҳам юрди. Яна, қорақалпоқ заминада юрганида, у “Едигей” деган дoston ҳақида кўп эшитган эди. Бу дostonни Чимбойдаги “куюн” уруғи макон тутган “Қирқ бой” овулидаги Қойип куюн кўбиз чалмасдан куйлар экан, бир гал у тонг отгунча шу дostonни куйлаб чикқанида, очик ҳавони булут босиб, қор ёғиб юборган экан, деган гаплар ҳам юрар эди. Худди шундайин, бу дostonни бахшилар куйлаганда ёмғир ёғиб юборади, қор ёғиб юборади, деган гапларни нўғайлар орасида ҳам эшитди. Дostonнинг ўзини ҳар хил бахши, жировлардан эшитавериб, ёд бўлиб ҳам кетди. Пақирбой ёлғиз ўзи қолганида эса куйидаги термасини айтиб-айтиб, юртини соғиниб-соғиниб йиғлаб ўтирадиган бўлди:

*Эдил бўлса – элинг бор,
Элинг бўлса – еринг бор.
Эл бор ерда унинг бор,
Эл бор ерда кунинг бор.
Салтинг бўлса – халқинг бор,
Халқинг бўлса – донгинг бор.*

Пақирбойнинг кўшиқ эшитса, ёки ўзи кўшиқ айтса йиғлаб ўтиришини бир неча бор пайқаб қолган Амирхон оқсоқол бир куни шундай деди:

– Агар сен уйингга қайтишни истасанг, бунинг бир йўли бор, сен Қизил Армия сафига аъзо бўлиб киришинг керак. Мен ҳарбий раҳбарларга айтиб, сени Ўрта Осиёга юбортираман, нарёғини ўзинг кўраверасан...

Ана шундай қилиб Пақирбой Қизил Армиянинг аскарлари бўлиб, Уралдан Оренбургга, ундан сўнг Туркистон мухтор республикаси ҳудудларига келиб, Самарқандда тўхтади. Ярим йилдан сўнг Шайдаковнинг экспедицион ротасига кўшилиб, Тўрткўлда узок йиллар хизмат қилади. Шу йиллар ичида икки марта (Нукус кўрғонида, кўхна Урганчда) халқ кўзғолонларини бостиришда иштирок этади. Беш йиллик хизмат муддати тугагандан кейин туғилган юрти – “Қирқбой овули”га қайтиб келади. Ҳукуматдан иш сўраштира, бунинг насл-насабини текшириб, мардикорда бўлган-бўлмаганлигидан шубҳаланиб, кўп вақт иш бермай, қатнашиб ҳам кўядилар. Охир-оқибатда у ўз овулида подачи бўлишга ор қилиб, ҳеч ким танимайдиган Тоқёп бўйидаги Анна овулига келиб, уч-тўрт йил мол боқиб юради. Бу атрофда кўринмай кетганига ҳам икки йилнинг юзи бўлиб қолган эди. Туманнинг катталари уни топиб олиб, Қозоққарё томонларга ишга юборган экан. У ёқларда ҳам Пақирбой балиқчилик хўжаликларида, промхоз артели ва ўрмон тўралари, тоғбегиларнинг ишларини текширадиган нозир (инспектор) бўлиб ишлайди.

Пақирбойнинг мана шундай лавозимларда ишлаб келганини овул одамлари энди-энди билаётир...

8

Шу куни “Ўрдаги овул”га кетган Маден тун ярмида келди. Хонбиби элтининг йўлга қараш билан кўзлари толди. Шу пайтгача ҳали болалари бирон-бир “чаток” чиқармаган, гап келтирмаган бўлса-да, онаизор боласининг кечикканини ҳар қанча яхшилиқка йўйган бўлишига қарамай, болангнинг қайтишини кутиб ётиш – азоб экан. Бировларга айтиб излатишга кўнгли чопмади. Айтса, одамлар буни барибир ёмонликка йўяди. Аммо...

Ёмонлик дегани барибир юз берди – “Ўрдаги овул”дан қатнайидиган болаларнинг биттаси Маденни кўрсатиб:

– “Халқ душмани”нинг боласини бир синфда икки йил ўқитиш мумкинми? – дебди.

Маден қизларни кузатиб кўйгани эмас, ўша бола билан яккама-якка

“сўзлашиб олгани” кетган экан. Йўлда катта муштлашув бўлади. Бола сулайиб, ўзидан кетиб, йиқилиб қолади. Буни эшитган ота-она етиб келганида ҳам бола ҳали кўзгалмай ётган бўлади. Маден жингилзор ичига кирган-у, “хой-хув” деганларига қарамай, зим-ғойиб бўлган. Уйгача излаб келса-я, деган кўркув билан томорқадаги жўхоризорнинг ичида оч-наҳор ўтираверади. Тун ярмидан оғиб, эл қаттиқ уйкуга ётганидан кейин, мана, келиб тургани.

Бу жанжалнинг оқибати оғирлашгандан оғирлашди. Иккинчи томондагилар эртаси куни жабрланган ҳисобида милицияга ариза берибди. Шу колхознинг тинчлик-осойишталигига жавоб берадиган милиция ходими Маденни излаб келди. Маден ўқишга кетдим деб эрталабдан чиқиб кетган эди.

– Мактабга бормабди, шу ёқдан келаяпман, – деди милиционер.

– Чироғим, мен энди не қилай? Билган ақлинг бўлса бер, – деб ялинди Хонбиби элти.

– Болани яхши тарбиялаш керак. Бойнинг боласиман деб гердайиб юришини энди қўйсин!

– Бундан-бу ёғини кўрамиз-ов, иним, манов бўлиб ўтган ишнинг чорасини айт! – деб ёлворди элти эзилиб.

– Жабрланган томон аризасини қайтариб олмаса, боланг қамалади.

Қамоқ сўзини эшитиши билан онаизор кўз олди тиниб, ўтириб қолди.

– Муштдай болани ҳам қамайсизларми?

– Сиз муштдай деган болаларнинг ҳам бўлак қамоқхонаси бор!

Онаизорнинг кўнглига, “шундан болам қочиб кетиб, уйга келмай қўйса нима қиламан?” – деган ваҳимали ўй келди. Келган милиция ходимига “боламни излаб топай, кейин сизларга хабар бераман” деди-ю, оҳуннинг отадош иниси Мадатуллани ва оғаси Сатуллани чақиртирди. Ўзи Юсуф охун қамалганидан кейин кўлигаям ушлаб кўрмаган катта “Ойдинли” рўмодини ўраб, ўйма ёқали камзулини, ковуш-маҳсисини кийиб, учовлон “Ўрдаги овул” томон йўл олди.

Бу ўзи яхшилик билан битадиган иш эмас экан, жабрланган томон кечиргани билан милицияга тушган қоғоз кўриб чиқилиб, айбдор жазоланиши лозимга ўхшайди. Энди бунга раҳбарлар аралашмаса, иш баттар чувалашиб кетаверадиган тури бор. Маден бўлса “Қирк бой овул” даги дойсининг уйига кетиб қолибди. “У ёққа чоп-бу ёққа чоп” кучайгандан-кучайиб, Хонбиби элти йиқилиш арафасида турган бир пайтда, эшикдан бояги милиция ходимини эргаштириб батрачком бошлиғи Пақирбой кириб келди.

Садақанг кетайин, халким, “зар қадрини заргар билади” деган гап бор-ку. Подачилик қилиб, уйларга навбатма-навбат қўниб юрган йиллари ёши улуғларга, элдаги уламоларга иззат-хурмат кўрсатишни ўрнига қўйиб, бошига мусибат тушганларга, азадорларга қарашиб-кайишиб, шу билан ўзига ҳам хурмат орттирган бу йигитнинг асли-наслини ҳеч ким тузукроқ билмасди. Шундаям Юсуф охун уни кўрган сайин кўнглини кўтариб, худди инисидай яхши кўриб, изидан ҳам яхши гаплар айтиб қоларди:

– Шу боланинг қадрини овулдагилар билмаяпти-ёв. Сандиғи тузук, яхши одамларнинг фарзанди бўлиши керак... Шундай қилиб, вақтида оҳуннинг ихлос-ишончига сазовор бўлган Пақирбой замоннинг гардиши билан ўрдаси ўпирилиб қолган мана бу “хонадон”га зиёратга келди. Элти опасидан кўнгил сўради, тасалли билдирди. Бўлган воқеани эшитгандан кейин жабрланувчининг овулига ўзи борганини, у боланинг ота-онаси ҳам оҳуннинг руҳини сийлаб фикридан қайтганини хабарлади. Мактабга қатнаб бошлаган Ибройим инисининг қадамларига “қутли бўлсин”лар ёғдириб, унинг зийраклигини, шеър айтишга, ёдлашга ихлосли эканини эслаб-мақтади, элтининг кўнглини кўтариб кетди...

Уйингга батрачкомнинг ўзи ташриф буюрдими, энди колхоз раиси ҳам, бригадир ҳам бошини сукаверади экан. Уларнинг ташрифи – чакмоқ чакқан пайтдаги яшинқайтаргичдай экан, кўп гап-сўзларнинг, ғийбатларнинг, бало-баттарнинг олдини олар экан. Маденнинг қизиб-ёниб, аччиқ устида қилиб кўйган иши сабабли бошланган келим-ке-тимлар “халқ душмани” деган тамғанинг устига ун сепалаб, кўздан анчагина йироқлагандай бўлди. Баъзи бировларнинг олақўзланиб кам-ситувларидан мана шундай жабр тортиб юрганлар биргина булар эмас эди, бундай савдо Лор бўйига сургун қилинган кўпгина оилаларнинг бошида бор. “Иниси ботир бўлса, оғаси обрўли бўлади” деганларидай, бир Маденнинг ўркўкрак¹лиги туфайли келиб чиққан бу муштлашув воқеаси бутун яқин-йироққа тарқалиб, энди оғзиенгил кимсалар сал эҳтиётланиб гапирадиган бўлишди. Бўйи кўтарилиб, ўн тўрт ёшига етай деб турган Маденга фақат болаларнинг эмас, катта ёшли кишиларнинг ҳам кўз қарашлари, муносабатлари ўзгарди.

Олдида эр азамати бор аёл ўзининг кундалик юмушлари билан бўлиб, хўжалик юритиш ташвишларини бутунлай эрининг бўйнига юклаб кўяди. Хонбиби эса сўнги уч-тўрт йил ичида рўзгор юритиш, оила те-братиш ишларида ўйланиб иш қиладиган, нимадир қилиш керак бўлса ўттиз икки марта ўйлаб, режалаштириб кўядиган бўлиб қолди. Бугунги кундан кўра эртанги кунини кўпроқ ўйлайдиган бўлди. “Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак”, деганларидай, болаларининг бугун нима еб-ичишидан ташқари, эртага, индинга, кейинги ойда, кейинги йилда, ундан кейинги йилларда қандай қилиб кун кечирришларигача ўйлайдиган бўлди. Одамлар билан ҳам борди-келди муносабатларни минг ўйлаб, минг марта тарозига солиб, ундан кейин муомала қилишинг керак, хуллас, кимга нима қилсанг, нима десанг – эртага шу сенинг олдиндан чиқади экан.

Пақирбой батрачком сабабини топиб уйларига келиб кетганидан кейин Хонбиби тез-тез мана шундай хаёллар исканжасига тушиб туради. Халқда “Киши кўрсанг, Хизр бил” деган ҳикмат бор. Ростдан ҳам, чўпон бўлиб, ёки деҳқон бўлиб, оқ соқолли мусофир бўлиб олдиндан чиққан одамнинг ким эканлигини қайдан биласан? Билмас экансан, олдиндан чиққаннинг ким бўлишидан қатъи назар, Тангри саломини бериб, жўнингни айтиб, ёшига лойиқ хурматини кўрсатсанг бўлди, унинг сендан бошқа бир тамаси йўқ.

Пақирбой ҳам шу овулга подачи бўлиб келганида уни ҳар ким ҳар хил тушунди. Уйи бўлмагани учун, подага мол кўшган одамларнинг уйларида навбати билан кўниб юрди. Бировнинг оиласида доимий очлик ҳукмрон, бир одамга худо яхши феъл-атвор бермаган, биров эса подачини “сен ҳам одамсан-ку”, дегиси келмайди. Юсуф охун мана шуларнинг барини сезиб-билиб юрган экан, қандайдир баҳоналар топиб, “анов юмуш бор эди, манов иш бор эди” деб, Пақирбойни топиб келиб, уйда меҳмон қилар, кейин кўниб қолишга ундарди.

– Сен бизларга болдиз ҳисобланасан, ҳеч қисинмай келавер, – дерди охун. Буни эшитган Хонбиби элти:

– Пақирбой, сен ҳам қуюнларданмисан? – деб сўради.

– Туғилган ери “Томликум” овули экан, – деди охун, – демак, бу ҳам Сазан бобонинг уруғ-бутоқларидан бўлади-да.

Охун Пақирбойга сўз қолдирмай, унинг кичкоқлар орасида туғилиб, қуюнлар орасида тарбияланганини, ота-онасидан эрта етим қолиб, эр етаман дегунча қўлдан қўлга ўтиб улғайганини айтиб берди. Шундан бошлаб Хонбиби элти ҳам Пақирбойни ота юридан келган туғишганидай кўриб ҳурматлайдиган бўлди. Ўзи ҳам подачи дегудай эмас, эсли-хушли йигит, устидан ҳеч кимга оёқ бостирмайди, ҳеч кимга

¹ Ўркўкрак – ўжар, ботир, қайсар деган маъноларни англатади.

ҳам зулм-ситам ўтказгиси келмайдиган, ҳамма билан иззат-хурматда бўладиган инсон эди. Тақдирни қарангки, шу йигит, мана, йиллар ўтиб, эл ичида бошчи бўлиб, от миниб юрибди.

Қуюнларнинг “Қирқ бой” овули – Чимбой аймоғидаги эски, ўзининг ўтиримлигига эга бўлган, дастури, урф-одатларига эга, полвони билан шоири бор, жирови билан диловар қариялари бор бўлган обрўли эл. Ўзларининг тарихини Сазан отадан бошлайди. Овулга эгилиб тушган келинчаклар қартайиб, кўз юмгунча Сазан отанинг отини айтмайди, “Сазанёп”ни ҳам “Баликёп” деб, “Полвон овул”ни “Салвон овул” деб ўзгартириб айтади. Шу элдан ўсиб чиққан одамлар билан фахрланади. Бурунчилардан: “Боймондай ботири бор, Қобил азиздай пири бор, Хаса пўлатдай бийи бор – қуюнга кимнинг сўзи бор?” деган нақл қолган. “Полвон овул”да “Эшимўй” деган ер бор. Замонасида атокли Эшим бахшининг номига қўйилган. Эшим бахши – кўриниши жуда чиройли, қизлар кўрса эс-хушидан айрилар даражада хусндор, нафаси баланд овозли йигит бўлган экан. Хотин-қизлар Эшим бахшини бир кўрсак экан деб, у дoston айтиб ўтирган ўтовга тирмашиб чиқиб, ўтовнинг керагаларини синдириб қўйганликларини ҳам ривоят қилиб айтишадди эл. Шунинг учун ҳам бу бахшини доимо оғалари худди ҳозирги тансоқчилардай кўриқлаб юришган экан. Шўролар ҳукумати даврида бу атрофлардан Олломурад оксоқол, Абдужалий, Тўлибой бошлиқ каби обрўли-обрўли одамлар чиққан.

Ёзининг кунлари Пақирбойнинг қўниш навбати келганда, унинг ташқарисидаги қари толнинг остига тўшак солиб, Маден, Ибройим учаласи бирга ётар эдилар.

– Менинг туғилган овулим – сизларга дойи юрт бўлади. У ерга бир марта бориб келганимда дунёнинг қизиқ-қизиқ гапларини эшитиб келасан, – деб, жиянларига турли воқеа, хангомаларни айтиб ётарди Пақирбой. Маденга “Қирқ бой” овулдаги Мамбетниёз муаллимнинг ҳозиржавоблиги ҳақидаги кулгули латифалар айникса ёкарди. Ўша латифалардан биттаси мана шундай:

Мамбетниёз ичишни яхши кўрар экан. Бир мулланамо жўраси унга:

– Ҳой шўриқайнаган, ичишни ташласанг-чи! Ароқ ичган одамни ҳатто гўр ҳам қабул қилмасдан, ташқарига чиқариб ташлар эмиш, – деса, Мамбетниёз бундай деган экан:

– Қани эди, мениям чиқариб ташласа, тоза ҳавода маза қилиб нафас олиб ётардим. Бироқ ҳалигача ернинг остидан чиқиб келган одамни кўрганим йўқ!

Яна бир латифада шундай дейилади:

Бир куни Тўлибой бошлиқнинг уйида зиёфат бўлибди. Мамбетниёз ҳам зиёфатда бор экан, у соқийнинг куйиб берганини ичаверибди, ичаверибди. Бу эса бошлиқнинг иниси Сарсенбойга ёқмабди. Ҳамма иштирокчилар шамоллаб келиш учун боғнинг ичкарасига йўналганда Сарсенбой Мамбетниёзнинг бошини ҳовузга тикиб-тикиб олибди. Шунда Мамбетниёз Тўлибой бошлиққа шундай дебди:

– Манови инингни эргаштириб уч-тўрт маъракани кўрсатмасанг, бу ҳалиям чала экан-ку...

Пақирбой мана шундай латифамонанд хангомаларни бир бошласа, гаплари ҳеч тугамасдан, бир-бирига уланиб кетаверарди. Хонбиби элти ана шундай халқона дастурга, шоирона илҳомга, чечанларнинг айтишувлари билан халқ кўшиқларига бой бўлган овулнинг – “Сазанёп” бўйидаги овулнинг қизи эди. Юсуф охун тирик пайтида турли диний ривоятлар, афсоналарни эшитиб улғайган болаларга эндиликда онаси “Қирқ бой” овулида эшитган эртақларни, гурунгларни, халқона афсона ва нақлларни тез-тез айтиб берадиган бўлди.

Тўлаган муаллим қишнинг қисқа кунда уйига бориб келишга улгурмайдиган бўлгач, мактабда дафтар текшириб ўтирар эди. Ташқарида отнинг кишнагани, пишқиргани, депсингани эшитилди. Муаллим дафтарини ёпиб, ўрнидан турди. Синфнинг ичи анча қоронғилашиб қолганини пайқаб, далага юзланди.

– Ичкарида ёруғ кўринмагач, одам йўқ деб ўйлаб, энди кетмоқчи бўлиб турган эдим, – деди Пақирбой у билан қўл олиб кўришар экан. – Бугун ликбезда ўқиш бўладими?

– Ликбезда ҳафтасига уч маротаба ўқиш бўлади, тоқ кунларда.

– Қатнашувчилар қалай, келиб туришибдими?

– Ҳозирча аёллар фаол қатнашяпти, эркаклар унчалик эмас. Уларнинг баҳонаси кўп, ўтинга кетган эдим дейди, жўхорининг донини айирдим дейди... – Улар сўзлаша-сўзлаша синфга кирдилар. Тўлаган тошчирокни ёқиб столга қўйди.

– Кўпдан бери сўрайман дейман, орамиздаги ёшларимизнинг фарқи қандай экан?

Пақирбой, “чиройимизга қараганда тенгдошларга ўхшаймиз” дегандай, Тўлаганнинг юзига тикилди.

– Менинг йилим куён, – деди Тўлаган.

– Мен йил қайтаришни билмайман. Отам ўлаётиб Мустафо дойимга: “Боламнинг йили қора кийик, шуни унутма”, деб тайинлаган экан.

– Ундай бўлса, мендан тўрт ёш катта экансиз. Ўринларимиздан туриб кўришайлик, ассалому алайкум!

Бундай кўришишни кутмаган Пақирбой ўрнидан туриб, сал алвираганича икки қўллаб қайтадан кўришаркан:

– Ваалайкум ассалом, – деди. Деярли тенгдош бўлиб чиққан йигитлар кулишиб, ўртадаги бегонасирашни суриб ташлашди.

– Шунда мен аниқ неча ёшда бўламан?

– Сиз энди, омонлик бўлса, ўттиз еттига қараб кетаяпсиз...

Пақирбой Тўлаганнинг сизлаб гапирганига ҳайрон бўлиб турди-ю, ёши катталигидан фойдаланиб, деди:

– Қани, Тўлаган, менга келиб чиқишинг ҳақида гапириб бер-чи.

Боядан бери ўзи Тўлаганнинг кўнглидан турли гаплар кечиб турган эди. “Бу нимага келган экан ўзи? Менинг юмушимни текширмоқчимми ёки бошқа бир топширик билан келганми? Бригадир Гулсаврига сиртидан кўз тикиб юрибди, деган гаплар бор, шунинг ўқишга келишини кутиб ўтирибдими?”

Пақирбой билан гаплашиб ўтирганда ҳам Тўлаганнинг хаёлининг бир чеккасида мана шу саволлар ғужғон ўйнаётган эди. Пақирбойнинг ҳозирги гапи унинг хаёлларини багтар чувалатиб юборди.

– Менинг асли наслим ҳам шу атрофлардан, – деди Тўлаган Пақирбойнинг юз-чехрасидаги ўзгаришларни кўраин, дегандай тикилиб, – манов ердаги қирқларданмиз. Отам Тўрамурод боғбон шу ернинг азалий боғбони.

– Ундай бўлса овулдош эканмиз-ку.

– Йўқ, сиз “Қирқ бой” овулидансиз. Бизларнинг эса уруғимиз қирқ. Тоқёп билан Сазан ёпнинг оралиғидаги овул.

– Лорободдаги Олланиёзбойнинг жиянлари билан чатоклашибди, деган гап чиқди, шуни ўз оғзингиздан эшитсам, деган эдим.

“Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на килур” дегандай, бу ерга келиш сабабининг учи чиқа бошлади”, деб ўйлади муаллим. Шундан-да, сўзни ўзини кўрсам айтарман, деб юрган гапдан бошлади.

– Пақирбой, – деди-да, “оға” демокчи эди, сал кутиб турди, – бундан буёғига оға-ини бўламизми, ё бурунгисидай қаторлашиб кета берамизми?

– Муаллимдан катта одам бор эканми? Оға керак бўлса, сен бўласан-да, – деди Пақирбой кулиб.

– Ундай бўлса, орамиздаги фарқни икки ёш-икки ёшдан бўлиб оламиз. Мен кўп вақтдан бери сени кўрсам раҳмат айтарман деб юрган эдим, ҳозир яна ўзинг ёдимга солдинг. Лорнинг бўйидаги овулга бориб йиғилиш қилибсан, овулнинг отини “Лоробод” деб кўйибсан. Мен жуда қувондим. У ердагиларнинг ҳам кўкрагини кўтариб, халқ каторига қўшадиган вақт бўлиб қолди. Мажлисингга мени ҳам чақирганингда шу гапларимни ўша ерда айтган бўлардим.

Пақирбой Тўлаганнинг озгина ўпқасини пайқамаганга олиб:

– Ўзлари ҳам шуни кутиб юрган экан, қувонишиб қолди. Ростини айтганда, у ерга кўчирилганларнинг бари саводли, ишнинг кўзини билладиган, бир пулини икки пулга айлантормаса ётиб уйқуси келмайдиган бурунги бойлар билан уламолар. Ақли бор одам очликка кўнадими? Ҳаракат қилиб, тирмашиб, интилиб, у ёққа чопиб-бу ёққа чопиб, сал вақт ичида хўжаликларини тиклаб олишди, ерларни кенгайтириб, яшил тераклари тебраниб турган, мевалари мўл-кўл элга айландилар. Пахта-лари ҳам, кўк экинлари ҳам бошқа овулларга қараганда яхши. Шуларни кўриб, яхши ният билан “Лоробод” деб ном кўйдик. Бирок туманда “нега унақа бўлади?” деб икки оёғини бир этикка тикмоқчи бўлаётганлар бор экан, шулар туман ижроқўмининг қарорисиз бундай қилиш мумкин эмас деб, оёқ тираб турган эмиш...

“Сенга ҳам осон эмас, кўпам жон куйдириб ишлаганларни ёқтиришмайди, ўзимнинг мисолимдан биламан, Пақирбой деган ялангоёқ келиб ҳаммани бошқариб кетди” деган гапни айтувчилар шу ернинг ўзида ҳам бор”, деб кўйди Тўлаган ичида.

– Мен берган савол яқунланмай қолди-ку, – деди Пақирбой муаллимнинг олдидаги китобларни қўлига олиб.

– Саволингнинг жавоби тайин-ку. Бу – синфий курашнинг қишлоқ жойдаги бир кўриниши. Мен туман таълим бўлимнинг кўрсатмасига биноан, ўқишга келган қизларни болалар билан аралаш қилиб ўтиргизиб қўйган эдим. Шуларнинг бировлари ота-оналаридан кўрқибми ё ўзлари қарши бўлганлиги учунми, уйдагиларга бориб айтган. Бу эса бутун Лорободга тарқалган. Унинг устига “Ялангбош бўлиб ўтирмаса, қизларни урар эмиш, қатта қизларнинг у ер-бу ерини ушлар эмиш, фалончининг қизини ўқишдан кейин олиб қолибди”, деган гапларни ҳам қўшибди.

– Олиб қолганинг ростмиди?

– Олиб қолганим рост. Уша куни қизнинг онаси ликбезга келиши керак эди. Уйлари “Ўрдаги овул”да. Онасининг ўзи “Олдинг кеч бўлиб қолади, мени кутиб ўтириб тур, бирга қайтамыз”, деган экан. Қолганда ҳам унинг битта ўзи эмас, яна бир овулдош дугонаси билан икковлон қолган эди.

– Шундай қилиб, кейин нима бўлди?

– Кейин Олланиёз бойнинг болалари, жиянлари одамларни чалғитган. “У – кофир одам, хотин-қизларимизни бузади. Уни элимиздан ҳайдаш керак, ўзимиздан муаллим чиқмайдими?” – деганга ўхшаш зиён етказишни уйғотувчи кўп гапларни айтган. Қизларнинг ўқишга юборманлар деб, кўп уйларга кириб чиққан. Қизлар уч кунгача ўқишга келмади. Тўртинчи куни тушдан кейин овулга бордим.

– Ёнингга участка милициясини олмадингми?

– Халқни хуркитиб юбормайин деб, ўзим боравердим. Олланиёз бойнинг бир кутириниб юрган жияни бор экан. Бурун ҳам Маден билан чатоқлашиб, “ўзи ўғри, ўзи зўравон” деб, мени халқ душманининг боласи урди деб ариза берган экан. Бу эркатой ўғилларнинг жабру ситами овулдошларига жуда кўп ўтган, ўзлари аввалдан ҳам мана шундай жалатайчилик қилиб, ўрганиб қолишган экан, “сен нега қизларнинг кўкрагига ёпишасан, деб бир-иккитаси ёпирилиб мени калтаклашди. “Энди ўлмаса ҳам, майиб бўлиб қолди-ёв” деган пайтда ҳарсиллаб югуриб Олланиёз етиб келди. “Чироғим, ҳозиргина эшитиб, чалаўпка бўлиб келаяпман, бу жувонмарг қотгурларни кўзини ўяман, элдан чиқариб юбораман, юкорига айтиб борма” деб, уйига олиб бориб, ювинтириб,

жароҳатларимни боғлади, чой-сув берди. У кишини мендан ҳам яхши биласан, эшигида кўп бўлгансан. Қаторидаги бойларнинг бари камалиб, бу бой ўзи ҳукуматга бор дунё-дастгоҳини топшириб омон юрган эди, жуда кўрқиб қолган экан. Оёғимга йиқилиб, кучоқлаб олди, юбормади. “Боланинг қилиги тузда¹, дейишади, мен шуларнинг нима қилиб юрганини биламанми? Булар нима иш қилса, бор айб менга тушаверади. Халқ буларни “Олланиёзбой кутуртириб қўйибди”, деб айтишади. Ҳозир мен бировни кутуртириб қўядигандай аҳволдаманми? Топганим халқнинг кўзи олдида-ку, деб сел-селоб бўлиб йиғлади. “Шу галги аччиғингни менга бер, чироғим, кўчадаги одам бўлса ҳам бошқа гап эди, муаллимни урди дегани – ҳукуматнинг жон жойига урди дегани-ку, ахир. Мени энди қартайганимда Чимбойга қатнаиб хор-зор қилма, чироғим!” деб энтиқиб йиғлаганида аяб кетасан экан одам. Ҳаммамиз ҳам одам боласимиз-ку, ахир, менинг ҳам худди мана шу ёшдаги оппоқ соқолли отам бор, барини кечирдим деб, фотиҳасини олиб қайтдим.

– Да, это не хорошо, – деди Пақирбой ўйланиб ўтириб: – Менинг эшитганларим сал бошқачароқ эди. Нима бўлгандаям сен одамгарчилик қилибсан. Шундай қилмаганимда, Олланиёз оға бетини қўли билан босиб бўлсаям менинг олдимга келарди. “Очликда еган зоғоранинг тўқликда таъми оғиздан кетмас” деганларидай, барибир мен қиймасдан сенинг олдинга келар эдим...

Икки йигит бир-бирига тикилиб, бир-бирини тинглашди. Буларнинг иккови ҳам янги давр, янги бир давлатнинг зарурат туфайли етиштириб чиқарган ходими, улар эшитганларининг барини чин юракдан қабул қилиб олганлар, улкан умидлар билан уларни бажаришга киришганлар, қалбида ана шундай пок умидлар ила пойгага қўшилган, ҳали бузилмаган, ҳақ ниятли инсонлар, улар янги ҳукуматнинг иш юритиш услубларига энди-энди ўрганишиб келаётирлар, улар ҳали “нега бундай бўлаётир? Айтганлари, ваъдалари бунақа-ю, аммо иш юритишда бошқача-ку, янги ҳукуматга одамгарчилик, меҳр-шафоат деган нарсалар керак эмасмикан?” деб, ичларида ўйлагани билан, бу норозилиklarини сиртга чиқармасдан, топширилган вазифани бажаришим керак, деб кунни-кунни фидойиларча ишлаб, ўзларини янги давр талабларига бутунлай бағишлаган одамлар эди. Барибир, ўрталарида гумон бор, “эрнинг хавфи эрдан” деганларидай, ораларидаги оддий инсоний ишонч-эътиқод ўлган, қоғоз юзида бир гапни ўқиб, амалда бошқа бир нарсани бажаришга маҳкум эдилар!

– Боя келиб чиқишингни сўраганимни кўнглингга олма, – деди Пақирбой. – Ўтган куни туман фирка кўмитасига мажлисга бордик. Ёпиқ йиғилиш бўлди, тун ярмида қайтдик. – Пақирбой, бизни ҳеч ким тинглаб турмагандир-ов, барибир паст овозда гаплашаверайлик, дегандай овозини ўзгартирди. – Ўтган йили Қорақалпоғистон вилоят фирка кўмитасининг биринчи котиби Чурбанов ва унинг ўринбосарлари, Қораўзақ туман фирка кўмитаси биринчи котиби Маткаримовлар судланиб, баъзи бировларига отиш жазоси берилганини биласан. Энди Совнарком бошлиғи Қосим Аvezовни, Саидрасулевларни ўзларининг асли-наслини, диний уламоларнинг фарзандлари эканлигини яшириб, фиркага суқилиб кирган деб, текширишлар бўлаяпти. Туманда ҳам барча бошлиқларнинг таржимаи холини ўрганиш бўйича текширувлар бошланди. Ҳадемай навбат ўқитувчиларга ҳам келади.

– Бизларда ҳам бу бошланган, – деди Тўлаган. – Танимайдиган бировлар келиб, сўроққа тутиб кетишди.

Пақирбой соатига қаради. Ликбезнинг ўқиши соат олтида бошланади, ҳадемай ўқувчи халқ вакиллари кела бошлайди. Ташқарида қош қорайиб қолган эди.

– Манави китобларинг қорақалпоқчага ўхшайди, буларни қаерда нашр қилишган, кимлар ёзган? – сўради Пақирбой кўлидаги китобни варақлаб.

¹ Туз – ташқари, майдон, дала.

– Манависи қорақалпоқча янги алифбо, – деди Тўлаган китобларнинг бирига имо қилиб. – Лотинчани ҳали яхши ўқиёлмасанг керак.

– Мен русчага анча ўрганганман.

– Унда тингла. Манавинга “Қорақалпоқ вилояти янги турк алифбоси кўмитаси раёсатининг қарори билан қабул қилинган қорақалпоқ янги алифбоси” деб ёзилган. Ол манавилари “Катта ёшдагилар саводи”, “Қорақалпоқ тилининг грамматикаси”. Бахи Эргалиев, Қалли Айимбетов, Генжебой Убайдуллаевлар ёзган. Мана, пастида Тошкентда чоп этилди, деб қўйибди.

– Муаллифларини танийсанми?

– Ушбу китобларни олишга борганимда, тумандаги ходимлар бу йигитларни Тўрткўлдаги педтехникумни биринчи тамомлаганлар деб таништирган эди, Эргалиев дегани вилоятда таълим бўлимининг бошлиғи, Айимбетов ўзимизнинг чимбойлик йигит эканини айтишди, бироқ Убайдуллаевнинг ким эканлигини билмадим...

Улар шу тахлит элдаги аҳвол ҳақида бироз суҳбатлашиб ўтирдилар. Тўлаганнинг аёли ҳам соғлиғи бўйича дала ишларига ярамас экан, унга мос келгудайин иш топиш юзасидан, кейин эса шу мактабни етти йиллик муассасага айлантириш борасида гаплашиб олдилар. Айланиб келиб гап Маденга тақалди. У Чимбойдаги мактабга борса бориб, бор-маса шаҳарни беҳуда кезиб юрганга ўхшайди. Хонбиби элтини унча тинглайвермаслиғи ҳам тилга олинди. Туман марказига қатнашни олис кўриб, овулдаги бошқа бир-икки бола ҳам унга эргашиб юрар эмиш.

– Ибройимнинг ўқишлари қалай?

– Кўз тегмасин, ҳозирча яхши. Кўп термаларни ўргатган экансан, улар ичида менинг эшитмаганларим ҳам бор экан. Синфдагиларнинг бари деярли ёдлаб олиб, қўшилиб куйлайдиган бўлишди. Ибройим ўзича китоб ўқишга жуда шайдо. Атрофдаги гап-сўзлар билан иши йўқ, қўлига китоб тушса, ўқиб тугатмагунча ажралмайди.

– Уни кўрмаганимга ҳам кўп бўлди, бир-иккита китоб олиб яна келиб-кетарман.

– Ўтган ойда Шақамандаги дойим қайтиш бўлиб, икки кун шу ёқда қолиб кетган эдим. Мен йўғимда синфда Ибройимнинг ўзи адабиёт дарсини ўтаверибди. Болаларга кўшиқ ёдлатибди, овоз чиқариб ҳикоялар ўқиб берибди...

*Қорақалпоқ тилидан
Музаффар АҲМАД
таржумаси*

(Давоми бор)





Сэмюэл БЕККЕТ

ГОДОНИ КУТИШ

(Пьеса)¹

В л а д и м и р. Мен нима деётган эдим? Аслида, ўзи шундан бош-лаш керак эди.

Э с т р а г о н. Қачон?

В л а д и м и р. Энг бошида.

Э с т р а г о н. Ниманинг бошида?

В л а д и м и р. Бугун оқшом. Мен айтдим-ку... айтдим-ку...

Э с т р а г о н. Очиғини айтсам, мендан кўп нарса талаб қилаяпсан.

В л а д и м и р. Шошма... биз алмашдик... биз мамнун эдик... мам-нун... мамнун бўлгандан кейин нима қилмоқчи эдик... биз кутаяпмиз... эсладим... биз кутаётгандик... тўғри... Ҳа! Дарахт!

Э с т р а г о н. Дарахт?

В л а д и м и р. Эслай олмайсанми?

Э с т р а г о н. Мен жуда чарчадим.

В л а д и м и р. Унга бир қарагин.

Эстрагон дарахтга кўз ташлайди.

Э с т р а г о н. Мен ҳеч нарса кўрмаяпман.

В л а д и м и р. Бирок, кеча кечкурун яп-яланғоч ва курук эди. Бугун эса барг чиқарибди.

Э с т р а г о н. Барг?!

В л а д и м и р. Бир кечада!

Э с т р а г о н. Ҳойнаҳой, ҳозир баҳор бўлса керак.

В л а д и м и р. Бир кечада-я!

Э с т р а г о н. Сенга айтаяпман-ку, биз кеча бу ерда бўлмагандик. Афтидан туш кўрган бўлсанг керак.

В л а д и м и р. У ҳолда сенингча биз кеча қаерда бўлганмиз?

Э с т р а г о н. Билмайман. Бошқа бирор ерда. Бошқа бир кафасда. Ҳамма ер бир гўр.

В л а д и м и р (*ўз ҳақлигига ишонч билан.*) Яхши. Кеча бу ерда бўлмаганмиз ҳам дейлик. Хўш, у ҳолда биз кеча нима қилдик?

Э с т р а г о н. Кеча нима қилдик?

В л а д и м и р. Бир эслаб кўр-чи.

Э с т р а г о н. У ёқдан-бу ёқдан гаплашгандирмиз.

В л а д и м и р (*босиқлик билан.*) Нима ҳақида?

Э с т р а г о н. Ҳалиги... у-бу нарса, бошмоқ ҳақида. (*Ишонч билан.*) Ҳа, эсладим. Кеча биз бошмоқ ҳақида гаплашган эдик. Ярим асрдан буён шуни гаплашамиз.

В л а д и м и р. Нахотки бирор бир воқеа ёки ҳолатни эслай олмасанг?

Э с т р а г о н (*норози бўлиб*). Жаҳлимни чиқарма, Диди.

В л а д и м и р. Куёшни? Ойни? Эслай олмайсанми?

Э с т р а г о н. Нимасини эслайман, ҳар доимги ой, ҳар доимги куёш бўлса.

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

В л а д и м и р. Бирор бир ғалати нарсани сезмадингми?
 Э с т р а г о н. Минг афсуски, йўқ.
 В л а д и м и р. Поццони-чи? Лакини-чи?
 Э с т р а г о н. Поццо?
 В л а д и м и р. Иликлар.
 Э с т р а г о н. Улар коворға эди.
 В л а д и м и р. Уларни сенга Поццо берганди.
 Э с т р а г о н. Билмадим.
 В л а д и м и р. Оёғинг лат егани-чи?
 Э с т р а г о н. Оёғим лат егани? Ҳа, оёғимга тегишганди.
 В л а д и м и р. Лаки сени тепган эди.
 Э с т р а г о н. Бу воқеа кеча бўлганмиди?
 В л а д и м и р. Оёғингни кўрсат-чи.
 Э с т р а г о н. Қайсинисини?
 В л а д и м и р. Иккаласини ҳам. Шимингни кўтар. *(Эстрагон, бир оёқда туриб, Владимирга иккинчисини тутуди. Сал бўлмаса йиқилиб кетай дейди. Владимир Эстрагоннинг оёгини ушлаб кўра бошлайди. Эстрагон доводирайди.)* Шимингни кўтар.
 Э с т р а г о н *(довдираб.)* Бундай қила олмайман.

Владимир шимнинг почасини шимариб, оёгини кўздан кечириб, қўйиб юборади. Эстрагон йиқилиб тушай дейди.

В л а д и м и р. Бошқасини. *(Эстрагон яна ўша оёгини тутуди.)*
 Сенга бошқасини деяпман! *(Бошқа оёқ билан яна ўша ҳаракатлар такрорланади.)* Мана ўша яра бўлган жой.
 Э с т р а г о н. Хўш, шунга нима бўлибди?
 В л а д и м и р. Сенинг бошмоқларинг қани?
 Э с т р а г о н. Отиб юборган бўлсам керак.
 В л а д и м и р. Қачон?
 Э с т р а г о н. Билмайман.
 В л а д и м и р. Нима учун?
 Э с т р а г о н. Эслай олмайман.
 В л а д и м и р. Йўқ, нима учун уларни отиб юбординг деяпман?
 Э с т р а г о н. Оёғимни қисгани учун.
 В л а д и м и р *(этикларни кўрсатиб)*. Мана улар. *(Эстрагон этикларга қарайди.)* Кеча ташлаб кетган жойингда ётибди.

Эстрагон бошмоқларга яқин боради, эгилиб, кўздан кечира бошлайди.

Э с т р а г о н. Бу меники эмас.
 В л а д и м и р. Сеники эмас?!
 Э с т р а г о н. Меники қора эди, булар эса сарик.
 В л а д и м и р. Сеники қора эканлигига ишончинг комилми?
 Э с т р а г о н. Тўғрироғи, улар кулранг эди.
 В л а д и м и р. Булар сарикми? Кўрсат-чи.
 Э с т р а г о н *(бир пойини кўтариб)*. Бир оз яшилтоб экан.
 В л а д и м и р *(яқинлашиб)*. Кўрсат-чи. *(Эстрагон унга бошмоқни беради. Владимир бошмоқни кўздан кечириб, жаҳл билан отиб юборади.)* Минг лаънат бўлсин!
 Э с т р а г о н. Биласанми, бунинг бари...
 В л а д и м и р. Гап нимадалигини биласан. Ҳа, нима бўлгани менга тушунарли.
 Э с т р а г о н. Бунинг бари...
 В л а д и м и р. Ҳаммаси беш қўлдай аён. Кимдир келган, сенинг бошмоқларингни олиб, ўрнига ўзиникини ташлаб кетган.
 Э с т р а г о н. Нима учун?

В л а д и м и р. Ўзиники унга тўғри келмаган. Шунга сеникини олган.
 Э с т р а г о н. Бироқ меники жуда кичик эди.
 В л а д и м и р. Сен учун. Бироқ у учун эмас.
 Э с т р а г о н. Мен чарчадим. *(Сукут.)* Кетдик.
 В л а д и м и р. Биз кета олмаймиз.
 Э с т р а г о н. Нима учун?
 В л а д и м и р. Биз Годони кутаяпмиз.
 Э с т р а г о н. Ҳа, тўғри. *(Жимлик.)* У ҳолда нима қиламиз?
 В л а д и м и р. Ҳеч нарса.
 Э с т р а г о н. Бироқ мен ортиқ чидай олмайман.
 В л а д и м и р. Турп ейсанми?
 Э с т р а г о н. Бор-йўғи шуми?
 В л а д и м и р. Шолғом билан турп бор.
 Э с т р а г о н. Сабзи қолмадими?
 В л а д и м и р. Йўқ. Дарвоқе, намунча сабзихўр бўлиб қолдинг?
 Э с т р а г о н. У ҳолда менга турпни бер. *(Владимир чўнтақларини қовлаштиради, пайпаслаб турп топади, чўнтагидан чиқариб Эстрагонга узатади. Эстрагон эса уни олиб, кўздан кечириб, ҳидлаб кўради.)*
 У қора-ку!
 В л а д и м и р. Бу турп.
 Э с т р а г о н. Ўзинг яхши биласан, мен оқини ёқтираман.
 В л а д и м и р. Нима у сенга керак эмасми?
 Э с т р а г о н. Мен оқини яхши кўраман!
 В л а д и м и р. У ҳолда буни менга бер.

Эстрагон турпни унга беради.

Э с т р а г о н. Бориб сабзи қидириб кўрай.

Жойидан қимир этмайди.

В л а д и м и р. Бу нарса энди ростдан ҳам мазмунсиз тус олаяпти.
 Э с т р а г о н. Хулосага ҳали шошилма.

Жимлик.

В л а д и м и р. Сен бир уриниб кўрсанг қандай бўлади?
 Э с т р а г о н. Аллақачон ҳаммасини татиб кўрганман.
 В л а д и м и р. Мен бошмоқни назарда тутгандим.
 Э с т р а г о н. Шундай деб ўйлайсанми?
 В л а д и м и р. Ушанда балки зерикмасмидик. *(Иккиланади.)* Сенга айтаяпман-ку, шунчаки ўзимизни овутиш учун.
 Э с т р а г о н. Ўзимизни овутиш учун.
 В л а д и м и р. Кўнгилхушлик учун.
 Э с т р а г о н. Овутиш учун.
 В л а д и м и р. Кийиб кўр.
 Э с т р а г о н. Менга ёрдамлашасанми?
 В л а д и м и р. Албатта.
 Э с т р а г о н. Агар бирга бўлсак, ҳаракатларимиз чакки эмас, тўғрими, Диди?
 В л а д и м и р. Ҳа, албатта. Кел, олдин чапини кийиб кўраимиз.
 Э с т р а г о н. Ҳали тирик эканимизни билдириб қўйиш учун доим бир нарсаларни ўйлаб топамиз, тўғрими, Диди?
 В л а д и м и р *(шошилиб)*. Ҳа, ҳа. Биз афсунгарлармиз. Осонгина йўлдан чалғитишларига изн бермаймиз. *(Бошмоқни қўлига олади.)* Қани, оёғингни узат-чи. *(Эстрагон унинг олдига келиб, оёғини кўтаради.)* Бошқасини, ярамас! *(Эстрагон бошқа оёғини кўтаради.)* Баландроқ! *(Бир-бирларини қучоқлаб улар саҳна бўйлаб довриаб юра*

бошлайдилар. Ниҳоят Владимир бошмоқни унга кийгизишга муваффақ бўлади.) Юриб кўр-чи. (*Эстрагон юра бошлайди.*) Хўш, қандай?

Эстрагон. Менга жуда ярашди.

Владимир (*чўнтагидан богич чиқариб*). Ҳозир ипини боғлаймиз.

Эстрагон (*жазавага тушиб*). Йўқ, йўқ. Боғичини боғлаш шарт эмас, хожати йўқ!

Владимир. Нотўғри гапираяпсан. Иккинчи пойини кийиб кўр. (*Саҳна такрорланади.*) Хўш, қандай?

Эстрагон. Буниси ҳам менга ярашди.

Владимир. Оёғингни қисмаяптими?

Эстрагон (*диққат билан бир-икки қадам юриб кўриб*). Ҳозирча қисмаяпти.

Владимир. У ҳолда энди уни кийиб юравер.

Эстрагон. Бироқ менга катта-ку?!

Владимир. Балки, вақти келиб пайпоғинг ҳам бўлиб қолар.

Эстрагон. Ҳа, тўғри.

Владимир. Хўш, бошмоқни энди ечмайсанми?

Эстрагон. Ҳадеб шу ҳақида гаплашавермайлик.

Владимир. Тўғри-ку, лекин...

Эстрагон. Етар! (*Сукут.*) Бориб ўтира қолай.

Ўтирадиган жой излайди, кейин эса биринчи кўринишининг бошида ўтирган жойига бориб ўтирмоқчи бўлади.

Владимир. Кеча сен шу ерда ўтирган эдинг.

Жимлик.

Эстрагон. Қани эди ухлаб қолганимда.

Владимир. Кеча ухлаган эдинг.

Эстрагон. Яна уриниб кўраман.

Бошини оёқлари орасига олиб, гўжанақ бўлиб олади.

Владимир. Шошма. (*Эстрагон ёнига келиб, баланд овозда куйлай бошлайди.*) Алла жоним, алла-ё, алла-ё алла.

Эстрагон (*бошини кўтариб*). Сал секинроқ.

Владимир (*паст овозда*). Алла жоним, алла-ё алла, ухла кўзим, алла-ё алла. Алла-ё алла...

Эстрагон мудрай бошлайди. Владимир нимчасини олиб, унинг елкасига ташлайди-да, исиниш учун қўлини ишқалаб саҳнанинг барча йўналишлари бўйича юра бошлайди. Эстрагон бирдан уйғонади, ўрнидан туриб, додираб бир неча қадам ташлайди. Владимир югуриб унинг олдига келиб, маҳкам бағрига босади.

Владимир. Шу ердаман... шу ерда... мен шу ердаман... кўркма.

Эстрагон. Нима!

Владимир. Шу ерда... шу ерда... ҳаммаси тугади.

Эстрагон. Мен йиқилдим.

Владимир. Ҳаммаси тугади. Бу ҳақида бошқа ўйлама.

Эстрагон. Мен ҳалиги....

Владимир. Йўқ, йўқ, ҳеч нарса дема. Қани, кел, бир оз сайр қиламиз.

Эстрагон ортиқ юришдан бош тортмагунга қадар Владимир унинг қўлтигидан олиб, саҳна бўйлаб юра бошлайди.

Э с т р а г о н. Етар! Мен чарчадим.
В л а д и м и р. Хеч нарса қилмасдан, тўнкага ўхшаб бир жойда
тураверасанми?
Э с т р а г о н. Ҳа.
В л а д и м и р. Билганингни қил.

Эстрагонни қўйиб юбориб, нимчасини олади-да, устига кияди.

Э с т р а г о н. Кетдик.
В л а д и м и р. Биз кета олмаймиз.
Э с т р а г о н. Нима учун?
В л а д и м и р. Биз Годони кутаяпмиз.
Э с т р а г о н. Ҳа-я. *(Владимир яна у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.)*
Ҳали ҳам асабийлашаяпсанми?
В л а д и м и р. Совуқ қотаяпман.
Э с т р а г о н. Жуда вақтли келганга ўхшаймиз.
В л а д и м и р. Ҳар доимгидек, кун ботиш олдидан.
Э с т р а г о н. Ҳали-бери ботадиганга ўхшамайди.
В л а д и м и р. Худди кечагига ўхшаб бирдан кеч киради.
Э с т р а г о н. Кейин қоронғи тун бошланади.
В л а д и м и р. Кейин кетаверсак ҳам бўлади.
Э с т р а г о н. Кейин яна кун келади. *(Жимлик.)* Нима қилиш керак?
Нима қилиш керак?
В л а д и м и р *(тўхтади. Ҳазаб билан)*. Минғирлашни бас қил!
Оҳ-воҳларинг билан ғашимга тегаяпсан.
Э с т р а г о н. Мен кетаман.
В л а д и м и р *(Лакининг шляпасига кўзи тушиб)*. Қарагин!
Э с т р а г о н. Яхши қол.
В л а д и м и р. Лакининг шляпаси! *(Шляпага яқинлашади.)* Бир
саотдан буён шу ердаман, бироқ эътибор ҳам бермабман. *(Хурсанд
бўлиб.)* Жуда ажойиб!
Э с т р а г о н. Мени ортиқ кўрмайсан.
В л а д и м и р. Демак, жойни адаштирмаганим аниқ. Энди хотир-
жам бўлсак ҳам бўлаверади. *(Лакининг шляпасига эгилади, кўздан
кечириб, қўлига олади.)* Яхши шляпа эканлиги шундоқ кўриниб ту-
рибди. *(Ўзининг шляпаси ўрнига уни кияди, ўзиникини эса Эстрагонга
ўзатади.)* Ма.
Э с т р а г о н. Нима?
В л а д и м и р. Мана буни ол.

*Эстрагон Владимирнинг шляпасини олади. Владимир икки қўллаб
Лакининг шляпасини тўғирлайди. Эстрагон ўзиники ўрнига Владимир-
нинг шляпасини кияди, ўзиникини эса Владимирга узатади. Владимир
Эстрагондан шляпасини олади. Эстрагон икки қўллаб Владимирнинг
шляпасини тўғирлайди. Владимир Лакининг шляпаси ўрнига Эстра-
гонникини кияди. Лакиникини эса Эстрагонга узатади. Эстрагон
Лакининг шляпасини олади. Владимир икки қўллаб Эстрагоннинг
шляпасини тўғирлайди. Эстрагон Лакининг шляпасини кияди, Вла-
димирникини эса унинг ўзига узатади. Владимир ўз шляпасини олади.
Эстрагон икки қўллаб Лакининг шляпасини тўғирлайди. Владимир ўз
шляпасини кияди, Эстрагонникини эса унинг ўзига узатади. Эстрагон
ўз шляпасини олади, Владимир ўз шляпасини икки қўллаб тўғирлайди.
Эстрагон ўз шляпасини кияди, Лакиникини эса Владимирга тутқазади.
Владимир Лакининг шляпасини олади. Эстрагон икки қўллаб ўз шля-
пасини тўғирлайди. Владимир Лакининг шляпасини кийиб, ўзиникини
Эстрагонга узатади. Эстрагон Владимирнинг шляпасини олади. Вла-
димир Лакининг шляпасини икки қўлда тўғирлайди. Эстрагон Влади-
мирнинг шляпасини унинг ўзига тутқазади. У уни олиб, Эстрагонга*

қайтаради, у эса олиб, яна Владимирга қайтаради, у ўз навбатида олиб, отиб юборади. Бунинг бари тез бўлиб ўтади.

В л а д и м и р. Менга ярашдимми?
Э с т р а г о н. Билмадим.
В л а д и м и р. Йўқми, бироқ сенингча қандай турибди?

Уялтоғланиб бошини у ёқ-бу ёққа буради. Ўзини кўз-кўзлаётгандек тутади.

Э с т р а г о н. Бўлмайти.
В л а д и м и р. Одатдагидан ҳам ёмонроқми?
Э с т р а г о н. Фарқи йўқ.
В л а д и м и р. У ҳолда бунинг ўзимда қолдираман. Меники ноқулайроқ эди. *(Жимлик.)* Нима десам экан... *(Жимлик.)* Уриниб қолганди.
Э с т р а г о н. Мен кетаман.
В л а д и м и р. Нима, ўйнашни истамайсанми?
Э с т р а г о н. Нимани ўйнайман?
В л а д и м и р. Поццо ва Лакини ўйнашимиз мумкин.
Э с т р а г о н. Мен уларни танитайман.
В л а д и м и р. Мен Лаки бўламан, сен эса Поццо бўласан. *(Оғир нарсани кўтариб, эгилиб турган Лакининг қиёфасига киради. Эстрагон ажабланиб уни кузатиб туради.)* Бошла.
Э с т р а г о н. Мен нима қилишим керак?
В л а д и м и р. Мени сўк!
Э с т р а г о н. Ярамас!
В л а д и м и р. Қаттиқроқ!
Э с т р а г о н. Ифлос! Ярамас!

Владимир эгилган кўйи, узоқлашиб, яна яқинлашиб туради.

В л а д и м и р. Мени ўйлашга мажбурла.
Э с т р а г о н. Қанақасига?
В л а д и м и р. Аҳмоқ, ўйла, деб буюр!
Э с т р а г о н. Ўйла, аҳмоқ!

Жимлик.

В л а д и м и р. Бу кўлимдан келмайди.
Э с т р а г о н. Етар!
В л а д и м и р. Менга рақсга туш де.
Э с т р а г о н. Мен кетаман.
В л а д и м и р. Рақсга туш, тўнғиз! *(У турган жойида ижирғанади. Эстрагон шошиб кета бошлайди.)* Бу кўлимдан келмайди! *(Бошини кўтариб, Эстрагоннинг йўқлигини англайди. Юракни ўртаб юборидиган оҳангда ўқириб юборади.)* Гого! *(Жимлик. У сал бўлмса югурган каби саҳнада у ёқдан бу ёққа бориб кела бошлайди. Эстрагон шошиб кириб келади-да, ҳансираб нафас олганча Владимир томон югуради. Улар бир-бирларига бир неча қадам қолганда тўхтаб қолишади.)* Ниҳоят, сен яна ёнимдасан!

Э с т р а г о н *(ҳансираб)*. Жин урсин мени!
В л а д и м и р. Қаерда эдинг? Бутунлай кетиб қолгансан деб ўйлагандим.

Э с т р а г о н. Дўнглик ёнигача бордим. Бу ёққа келишаяпти.
В л а д и м и р. Ким?
Э с т р а г о н. Билмадим.
В л а д и м и р. Неча киши?
Э с т р а г о н. Билмайман.

В л а д и м и р (*тантанавор*). Бу Годо! Ниҳоят! (У Эстрагонни маҳкам бағрига босади.) Годо! Бу Годо! Энди озодмиз! Уни кутиб оламиз! Юр! (*Эстрагонни парда олдиғача судраб боради. Эстрагон қаршилик қилиб, унинг қўлидан чиқиб кетадида, бошқа томонга қараб югуради.*) Гого! Қайт! (*Жимлик. Владимир Эстрагон келган томондаги парда томон югуриб бориб, узоқларга тикилади. Эстрагон шошиб кириб келиб, Владимир томон отилади. У эса ўгирилади.*) Яна қайтиб келдингми?!

Э с т р а г о н. Минг лаънат бўлсин!

В л а д и м и р. Узоққа кетиб қолганмидинг?

Э с т р а г о н. Дўнгликкача бордим.

В л а д и м и р. Ростданми, бизни тузоққа туширишди. Худди мушукка ем бўлган сичқондек.

Э с т р а г о н. У ёқдан ҳам бу ёққа келишаяпти.

В л а д и м и р. Биз қуршовдамиз! (*Қўрқувга тушган Эстрагон орқа парда томон югуради, пардага ўралашиб, йиқилиб тушади.*) Тентак! У ёқда йўл йўқ-ку! (*Владимир келиб, уни ўрнидан тургазиб, олд тўсиқ ёнига олиб боради. Томошабинларга кўрсатади.*) Бу ерда ҳеч ким йўқ. Шу ерда югур. Қани. (*Уни саҳна чети томон итаради. Эстрагон қўрқув аралаш, ортга чекинади.*) Истамайсанми? Рост айтаяпман, ахволинг менга тушунарли. Яхши. (*Ўйлайди.*) Сен фақат бекинишни эплайсан, холос.

Э с т р а г о н. Қаерга?

В л а д и м и р. Дарахт ортига. (*Эстрагон иккиланади.*) Тезроқ! Дарахт ортига. (*Эстрагон югуриб, танаси барибир кўриниб турадиган дарахт ортига яширанади.*) Қимирлама! (*Эстрагон дарахт ортидан чиқади.*) Бу дарахт бизга ёрдам беролмаслиги аниқ. (*Эстрагонга.*) Нима, ақлдан оздингми?

Э с т р а г о н. Бошим гангиб қолди. (*Уялиб, бошини букади.*) Мени кечир. (*Бошини мағзур кўтаради.*) Ҳаммаси тугади! Ҳозир ўзинг кўрасан. Қани айт, нима қилай?

В л а д и м и р. Ҳеч нарса.

Э с т р а г о н. Сен мана шу ерда турасан. (*Владимирни чап парда томон етаклайди-да, саҳнага орқасини ўгириб, юзини йўлга қаратиб қўяди.*) Шу ерда. Қимирламай, ҳеч нарсани кўздан кочирмай тур. (*Бошқа парда томон югуради. Владимир унга елка ошиб қарайди. Эстрагон тўхтайдди, узоқларга қараб, ўгирилади. Иккаласи ҳам бир-бирларига елка оша қарашади.*) Худди бир пайтлардагидек, яна елкама-елкамиз! (*Улар яна неча муддат бир-бирларига тикилиб туришади, кейин кута бошлашади. Узоқ жимлик.*) Бирор нарса кўраяпсанми?

В л а д и м и р (*ўгирилиб*). Нима?

Э с т р а г о н (*баландроқ овозда*). Сен бирон нарсани кўраяпсанми?

В л а д и м и р. Йўқ.

Э с т р а г о н. Мен ҳам.

Яна кутишади. Узоқ жимлик.

В л а д и м и р. Ҳойнаҳой сенга шундай туюлгандир?

Э с т р а г о н (*ўгирилиб*). Нима?

В л а д и м и р (*баландроқ овозда*). Ҳойнаҳой, сенга шундай туюлгандир?

Э с т р а г о н. Бақирма.

Яна кутишади. Узоқ жимлик.

В л а д и м и р, Э с т р а г о н (*бирданига баравар ўгирилиб*). Борди-ю, агар...

В л а д и м и р. Э, кечирасан.

Эстрагон. Кулоғим сенда.
 Владимир. Иўқ, йўқ.
 Эстрагон. Ҳа, ҳа.
 Владимир. Гапингни бўлиб қўйдим.
 Эстрагон. Аксинча.

Ғазаб билан бир-бирига тикилишади.

Владимир. Кел, ортиқча мулозаматни йиғиштирайлик.
 Эстрагон. Қани, қайсарлик қилма.
 Владимир (*мажбуран*). Сенга айтаяпман, гапингни охиригача тугат.
 Эстрагон (*худди шу оҳангда*). Ўзингникини тугат.

Жимлик. Улар бир-бирлари томон юришиб, тўхтайдилар.

Владимир. Бечорагина!
 Эстрагон. Ниҳоят, кел, бир-биримизни ҳақоратлаймиз. (*Ўзаро ҳақоратлашишади. Жимлик.*) Кел, энди ярашамиз.
 Владимир. Гого!
 Эстрагон. Диди!
 Владимир. Қўлингни бер!
 Эстрагон. Ма!
 Владимир. Қани-кела қол!
 Эстрагон. Сенинг ёнинггами?
 Владимир (*қучоғини очиб*). Бағримга!
 Эстрагон. Бўпти!

Қучоқлашишади. Жимлик.

Владимир. Кайфиятимиз яхши бўлганда, вақт жуда тез ўтади.

Жимлик.

Эстрагон. Энди нима қиламиз?
 Владимир. Кута турибми?
 Эстрагон. Кута туриб.

Жимлик.

Владимир. Биргаликда қиладиган машқимизни бажарсак нима бўлади?
 Эстрагон. Биргаликдаги ҳаракатни.
 Владимир. Асабларни бўшаштиришни.
 Эстрагон. Асабларни чиниқтиришни.
 Владимир. Толиқтиришни.
 Эстрагон. Чиниқтиришни
 Владимир. Қизишиб олиш учун.
 Эстрагон. Ҳовурдан тушиш учун.
 Владимир. Бошладик.

Жойида сакрайди. Эстрагон унинг изидан қайтаради.

Эстрагон (*тўхтайди*). Етар. Мен чарчадим.
 Владимир (*тўхтаб*). Бугун унчалик ўхшатолмаяпмиз. Кел, яхшиси, бир неча нафас олиш машқларини бажарамиз.
 Эстрагон. Мен ортиқ нафас олишни истамайман.
 Владимир. Сен ҳақсан. (*Жимлик.*) Кел унда “дарахт”ни бажа-

раميز. Мувозонатни сақлаш учун.

Э с т р а г о н. Дарахт?

Владимир дарахт кўринишини қилиб кўрсатади, довдирайди.

В л а д и м и р (тўхтаб). Энди сен.

Эстрагон дарахт кўринишини қилади, довдирайди.

Э с т р а г о н. Нима деб ўйлайсан, Худо мени кўриб турибдими?

В л а д и м и р. Кўзингни юмишинг керак.

Эстрагон кўзини юмади, мувозанатини баттарин йўқотади.

Э с т р а г о н (тўхтаб, телбаларча муштини силкиб). Худойим, менга раҳминг келсин!

В л а д и м и р (ранжигандек). Менга-чи?

Э с т р а г о н. Раҳминг келсин! Раҳминг келсин! Менга! Раҳминг келсин!

Поццо ва Лаки кириб келади. Поццо кўр бўлиб қолган. Лаки худди биринчи сахнадагидек унинг юкларини кўтариб олган. Поццонинг юришига қўлай бўлиши учун Лакининг бўйнига боғланган арқон бир оз қисқарган. Лакининг бошида янги ишляпа. Владимир ва Эстрагонни кўриб у тўхтабди. Поццо юришда давом этиб, улар билан тўқнашиб кетади. Владимир ва Эстрагон ортга чекинишади.

П о ц ц о (Поццо янги юкларнинг оғирлигидан эгилиб кетаётган Лакига эргашади.) Ким бор бу ерда? Ким қичқирди?

Лаки қўлидагиларни ерга тушириб юбориб, Поццо билан бирга қўшилиб қулаб тушади.

Э с т р а г о н. Бу Годоми?

В л а д и м и р. Шу етмай турганди. (Уларга яқинлашади, ортидан Эстрагон эргашади.) Мана ёрдамчилар ҳам етиб келишди!

П о ц ц о (баъзур овози чиқиб). Ёрдам беринглар.

Э с т р а г о н. Бу Годоми?

В л а д и м и р. Энди суҳбатлашишни бошлаймиз. Оқшом пайти бу жуда аскотади.

П о ц ц о. Ёнимга кел!

Э с т р а г о н. У ёрдам сўраяпти.

В л а д и м и р. Биз энди ёлғиз қолмаймиз, тунни ёлғиз кутмаймиз, Годони ёлғиз кутмаймиз, биз энди... кутмаймиз. Кун бўйи ўзимиз билан курашиб чарчадик. Энди бундай бўлмайди. Эртамик аллақачон бошланди.

П о ц ц о. Ёнимга кел!

В л а д и м и р. Энди вақт ғилдираги бошқача айланади. Қуёш ботади, ой ҳам чиқади, биз эса бу ердан... кетамиз.

П о ц ц о. Раҳмингиз келсин!

В л а д и м и р. Бечора Поццо!

Э с т р а г о н. Бу ўша эканини билдим.

В л а д и м и р. Ким?

Э с т р а г о н. Годо.

В л а д и м и р. Бироқ бу Годо эмас.

Э с т р а г о н. Годо эмасми?

В л а д и м и р. Годо эмас.

Э с т р а г о н. У ҳолда бу ким?

В л а д и м и р. Бу Поццо.
 П о ц ц о. Бу мен! Бу мен! Туришимга ёрдамлашинглар!
 В л а д и м и р. У тура олмаяпти.
 Э с т р а г о н. Юр.
 В л а д и м и р. Биз бундай қила олмаймиз.
 Э с т р а г о н. Нима учун?
 В л а д и м и р. Биз Годони кутаяпмиз.
 Э с т р а г о н. Ҳа, тўғри.
 В л а д и м и р. Балки, ҳали ҳам унинг сенга аталган суяги бордир?
 Э с т р а г о н. Суяк?
 В л а д и м и р. Товукники. Эсингдан чикдими?
 Э с т р а г о н. Бу туш эди-ку?
 В л а д и м и р. Ростданми?
 Э с т р а г о н. Ўзидан сўраб кўр.
 В л а д и м и р. Балки, олдин унга ёрдам берармиз?
 Э с т р а г о н. Нима масалада?
 В л а д и м и р. Туришига.
 Э с т р а г о н. Нима, ўзи тура олмайдими?
 В л а д и м и р. У туришни истаяпти.
 Э с т р а г о н. У ҳолда тура қолсин.
 В л а д и м и р. Ўзи тура олмайди.
 Э с т р а г о н. Унга нима бўлган?
 В л а д и м и р. Билмайман.

Поццо букилганча, ер муштраб нола қилади.

Э с т р а г о н. Балки, олдин ундан суякларни сўрармиз. Агар бер-
 маса, ёрдам бермаймиз.
 В л а д и м и р. Бу билан у бизнинг ҳукмимизда демоқчимисан?
 Э с т р а г о н. Шундай.
 В л а д и м и р. Демак, ёрдам беришдан олдин унга шарт қўямиз?
 Э с т р а г о н. Шундай.
 В л а д и м и р. Рост, ақлингга қойилман. Бироқ, бир нарсадан ха-
 вотиририм бор.
 Э с т р а г о н. Нимадан?
 В л а д и м и р. Бирдан Лаки ўзига келса-чи? У ҳолда ҳолимиз хароб
 деявер.
 Э с т р а г о н. Лаки?!
 В л а д и м и р. Анави, кеча сени тепкилаган.
 Э с т р а г о н. Ахир сенга айтдим-ку, улар ўн киши эди деб.
 В л а д и м и р. Э, йўқ, олдин. Сени оёғи билан тепган.
 Э с т р а г о н. У шу ердами?
 В л а д и м и р. Ана, қара. *(Кўрсатади.)* Ҳозирча қимир этмай ётибди.
 Бироқ, истаган пайтда у арконни узиб юбориши мумкин.
 Э с т р а г о н. Унинг яхшилаб адабини бериб қўйсак нима бўлади?
 В л а д и м и р. Ухлаб ётганда унинг устига ташланиб, таъзирини
 берайлик демоқчимисан?
 Э с т р а г о н. Ҳа-да.
 В л а д и м и р. Яхши фикр. Бироқ, бу қўлимиздан келармикан? У
 ростдан ҳам ухлаяптимикиан? *(Жимлик.)* Йўқ, яхшиси Поццо ёрдам
 сўраётган вазиятдан фойдаланиб қолайлик, бор умидимиз ундан.
 Э с т р а г о н. Бироқ у барибир...
 В л а д и м и р. Бекорчи гаплар билан вақтни ўтказмайлик. *(Жимлик.*
Ҳаяжон аралаш.) Пайти келган экан ундан фойдаланиб қолайлик.
 Ҳар куни ҳам биздан ёрдам сўрашавермайди. Албатта, одамлар айнан
 бизнинг ёрдамимизга муҳтож эмас. Бошқалар ҳам шундай қилган,
 эҳтимол, буни биздан ҳам яхшироқ бажаришар. Биз эшитган илтижо
 бани инсониятга қаратилган. Бироқ бизга бу нарса ёкса-ёқмаса ҳам

мана шу жойда, айни дамда инсоният – бу сен билан менмиз. Кеч бўлмасдан отни қамчилаб қолайлик. Жамиятнинг бизларни – мусибат тенг қилган чиқиндиларини – муносиб тарзда намоён этайлик. Сен бунга нима дейсан? (*Эстрагон чурқ этмайди.*) Гап шундаки, тарафдорлар ҳам, қаршилар ҳам кўлларни қовуштирганча чамалаб турар эканмиз, биз ўзимизнинг ижтимоий аҳволимизга эҳтиром бажо айлаймиз. Арслон бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмай ўз шерикларини кутқаришга ташланади. Еки чангалзор ортига кириб, ғойиб бўлади. Бирок, ҳозир гап бошқа ёқда. Бу ерда нима қиляпмиз, биз мана шу саволга жавоб беришимиз зарур. Бахтимиз шуки, биз буни яхши биламиз. Ҳа, бу дахшатли, алғов-долғовли дунёда бир нарса бизга таскин беради: биз Годонинг келишини кутаяпмиз.

Э с т р а г о н. Ҳа, тўғри.

В л а д и м и р. Қоронғи тушишини кутайлик. (*Жимлик.*) Биз учрашишимиз керак, тамом вассалом. Биз фаришта эмасмиз, бироқ бизга учрашув белгиланган. Нечта одам сенга мана шундай жавоб бера олиши мумкин?

Э с т р а г о н. Мингта.

В л а д и м и р. Шундай деб ўйлайсанми?

Э с т р а г о н. Билмайман.

В л а д и м и р. Эҳтимол.

П о ц ц о. Ёрдам беринглар!

В л а д и м и р. Шу нарса аниқки, бундай пайтларда вақт гўё тўхтаб қолгандек бўлади. Ва бир қараганда бизга тўғри бўлиб кўринган, биз кўниккан амаллардан воз кечишни талаб қилади. Айтасанки, бунинг бари ақли ҳушимизни йўқотмаслик учун қилинган деб. Ҳа, бу табиий, албатта. Бирок у ер тагида, мангу зулмат ичра адашиб қолмаганмикан? Баъзан ўзимга шундай савол бераман. Айтганларимни сен англаб олаяпсанми?

Э с т р а г о н. Ҳаммамиз телба бўлиб дунёга келамиз. Кимдир эса телбалигича қолади.

П о ц ц о. Ёрдам берганларинг учун пул тўлайман!

Э с т р а г о н. Қанча?

П о ц ц о. Беш танга.

Э с т р а г о н. Бу кам.

В л а д и м и р. Мен бунчалик ўзимдан кетмаган бўлардим.

Э с т р а г о н. Нима, сенингча, шу етарлими?

В л а д и м и р. Йўк, лекин таъкид ўрнида шуни айтмоқчиманки, мен дунёга келганда, ақли ҳушим жойида бўлмаган. Бирок, гап ҳозир бунда эмас.

П о ц ц о. Ўн танга.

В л а д и м и р. Биз кутаяпмиз. Биз зерикдик. (*Кўлини кўтаради.*) Йўк, эътироз қилма, унчалик зерикканимиз ҳам йўк, буни рад қилолмайсан. Билиб қўй. Бирдан кулгили томошо олдидан чиқиб қолдик, биз эса нима қиламиз? Томошога эътибор қилмаймиз. Ишга киришиб кетамиз. (*Поццо олдида келиб тўхтайд.*) Бир неча сониядан кейин ҳаммаси тумандек тарқаб кетади, яна биз ёлғизликка маҳкум бўламиз. (*Ўз жойига қайтади.*)

П о ц ц о. Ун танга!

В л а д и м и р. Кетдик, кетдик!

Поццони турғизмоқчи бўлади, эплай олмайди, яна уриниб кўради, ердаги нарсаларга ўралашиб, йиқилиб тушади, турмоқчи бўлади, бироқ тура олмайди.

Э с т р а г о н. Бу сизларга шерик, энди ҳаммаларинг биргамисизлар?

В л а д и м и р. Ёрдам бер!
 Э с т р а г о н. Мен кетаяпман.
 В л а д и м и р. Мени ташлаб кетма! Улар мени тирик қўйишмайди.
 П о ц ц о. Мен қаердаман?
 В л а д и м и р. Гого!
 П о ц ц о. Ёнимга кел!
 В л а д и м и р. Менга ёрдам бер!
 Э с т р а г о н. Мен кетаяпман.
 В л а д и м и р. Олдин менга ёрдам бер. Кейин бирга кетамиз.
 Э с т р а г о н. Ваъда берасанми?
 В л а д и м и р. Қасам ичаман!
 Э с т р а г о н. Ва бу ерга қайтиб келмаймиз.
 В л а д и м и р. Ҳеч қачон.
 Э с т р а г о н. Биз Арьежга кетамиз.
 В л а д и м и р. Истаган жойингга.
 П о ц ц о. Ун беш танга! Йигирма танга!
 Э с т р а г о н. Доим Арьеж бўйлаб сайр қилишни орзу қилардим.
 В л а д и м и р. Албатта сайр қиласан.
 Э с т р а г о н. Йўлдан ким қайтарди?
 В л а д и м и р. Бу Поццо.
 П о ц ц о. Бу мен! Бу мен! Раҳмингиз келсин!
 Э с т р а г о н. Жуда жирканч.
 В л а д и м и р. Тезроқ! Тезроқ! Қўлингни бер!
 Э с т р а г о н. Мен кетдим. (*Жимлик. Баландроқ овозда.*) Мен кетаяпман.
 В л а д и м и р. Алал-оқибат, бир илож қилиб ўзим тураман. (*Туришига ҳаракат қилади, яна ерга йиқилиб тушади.*) Эртами, кечми, албатта.
 Э с т р а г о н. Сенга нима бўлди?
 В л а д и м и р. Тошингни тер.
 Э с т р а г о н. Шу ерда қолмоқчимисан?
 В л а д и м и р. Ҳозирча шундай.
 Э с т р а г о н. Тура қол, шамоллаб қоласан.
 В л а д и м и р. Мендан ташвишланмай қўя қол.
 Э с т р а г о н. Бўла қол, Диди, қайсарлик қилма. (*Владимирга қўлини узатади, у эса бор кучи билан унга ёпишади.*) Қани, тура қол!
 В л а д и м и р. Торт!

Эстрагон тортади, гандираклаб йиқилиб тушади.

П о ц ц о. Ёнимга кел!
 В л а д и м и р. Биз шу ердамиз.
 П о ц ц о. Кимсизлар?
 В л а д и м и р. Биз — одамлармиз.

Жимлик.

Э с т р а г о н. Ерда ётиш қандай яхши!
 В л а д и м и р. Урнингдан тура оласанми?
 Э с т р а г о н. Билмайман.
 В л а д и м и р. Уриниб кўр.
 Э с т р а г о н. Ҳозир, ҳозир.

Жимлик.

П о ц ц о. Нима бўлди?
 В л а д и м и р (*газаб билан*). Жим бўласанми, йўкми! Ҳа, касофат!
 Фақат ўзини ўйлайди.
 Э с т р а г о н. Ухлашга ҳаракат қилиб кўрсак-чи?

В л а д и м и р. У нима деганини сен эшитдингми? У нима бўлганини билишни истаяпти.

Э с т р а г о н. Уни тинч қўй, ухла.

Жимлик.

П о ц ц о. Раҳмингиз келсин! Раҳмингиз келсин!

Э с т р а г о н (*чўчиб тушиб*). Нима? Нима бўлди?

В л а д и м и р. Ухлаётганмидинг?

Э с т р а г о н. Шунақа, шекилли.

В л а д и м и р. Бу анави тентак, Поццо.

Э с т р а г о н. Унга айт, жим ўтирсин! Башарасига бир туширгин!

В л а д и м и р (*Поццони ура туриб*). Энди бўлдими? Бошқа гапирмайсанми? Ярамас! (*Поццо озриқдан додлаганча, судралиб нари кета бошлайди. Вақти-вақти билан тўхтаб, кўрга ўхшаб, ҳавони қўли билан пайпаслаб кўради. Лақини чақиради. Владимир, тиззасига суяниб, унинг ортидан кузатиб туради.*) У қочиб кетди. (*Поццо тўхтаб, жойида жим бўлиб олади. Жимлик.*) У йиқилди!

Жимлик.

Э с т р а г о н. Энди биз нима қиламиз?

В л а д и м и р. Унинг ёнида бўлганимда эди.

Э с т р а г о н. Мени ташлаб кетма.

В л а д и м и р. Унинг ўзини чақирсак нима бўлади?

Э с т р а г о н. Тўғри, чақир уни.

В л а д и м и р. Поццо! (*Жимлик.*) Поццо! (*Жимлик.*) У энди жавоб бермаяпти.

Э с т р а г о н. Биргаликда чақирамиз.

В л а д и м и р, Э с т р а г о н. Поццо! Поццо!

В л а д и м и р. Қимирлагандай бўлди.

Э с т р а г о н. Унинг исми Поццо эканига ишончинг комилми?

В л а д и м и р (*ташвишланиб*). Жаноб Поццо! Қайт! Биз сенга ҳеч бир ёмонлик қилмаймиз.

Жимлик.

Э с т р а г о н. Бошқа исми айтиб чақириб кўрсак-чи?

В л а д и м и р. Унга бир гап бўлдими деб хавотирдаман.

Э с т р а г о н. У ҳолда жуда қизиқ бўларди.

В л а д и м и р. Жуда қизиқ бўларди?

Э с т р а г о н. Бир бошдан бошқа исмларни айтиб чақириб кўр-чи. Шунда вақт ўтганини билмай қолардик. Оқибатда унинг исмини ҳам билиб оламиз.

В л а д и м и р. Сенга айтаяпман-ку, унинг исми Поццо.

Э с т р а г о н. Мана ҳозир кўрамиз. Хўш. (*Уйлайди.*) Абель! Абель!

П о ц ц о. Ёнимга кел!

Э с т р а г о н. Мана кўрдингми!

В л а д и м и р. Бу қўшиқ менинг жонимга тега бошлади.

Э с т р а г о н. Балки, иккинчисининг исми Каиндир? (*Чақиради.*) Каин! Каин!

П о ц ц о. Ёнимга кел!

Э с т р а г о н. Хайрият, одамга ўхшаб овоз чиқарди. (*Жимлик.*) Анави булутга қарагин.

В л а д и м и р (*нигоҳини осмонга қаратиб*). Қаерда?

Э с т р а г о н. Анави томонда, уфқда.

В л а д и м и р. Нима бўпти? (*Жимлик.*) Бунинг нимаси ажабланарли?

Жимлик.

Э с т р а г о н. Истасанг, бошка мавзуда сухбатлашамиз.
 В л а д и м и р. Мен ҳам сенга шундай демоқчи бўлиб тургандим.
 Э с т р а г о н. Бирок, қандай мавзуда?
 В л а д и м и р. Ҳамма гап шунда-да!

Жимлик.

Э с т р а г о н. Балки, бошлаш учун туришимиз керакдир?
 В л а д и м и р. Уриниб кўрса бўлади.

Туришади.

Э с т р а г о н. Унчалик қийин эмас экан.
 В л а д и м и р. Муҳими – истак.
 Э с т р а г о н. Хўш, энди-чи?
 П о ц ц о. Ёрдам беринглар!
 Э с т р а г о н. Қани, кетдик.
 В л а д и м и р. Биз бундай қила олмаймиз.
 Э с т р а г о н. Нима учун?
 В л а д и м и р. Биз Годони кутаяпмиз.
 Э с т р а г о н. Э, ҳа. *(Жимлик.)* Нима қиламиз?
 П о ц ц о. Ёрдам беринглар!
 В л а д и м и р. Унга ёрдам берсак бўлмайдимиз?
 Э с т р а г о н. Нима қилишимиз керак?
 В л а д и м и р. У ўрнидан туролмапти.
 Э с т р а г о н. Нима бўпти?
 В л а д и м и р. Туриб олиши учун биздан ёрдам сўрапти.
 Э с т р а г о н. У ҳолда ёрдамлашайлик. Нимани кутаяпмиз?

Улар Поццога ёрдамлашишади-да, нарироққа бориб туришади. У яна йиқилиб тушади.

В л а д и м и р. Уни ушлаб туриш керак. *(Саҳна такрорланади. Поццо иккаласининг ўртасида, елкаларига суянган кўйи туради.)* Унинг ўзи тик туришни ўрганиши керак. *(Поццога.)* Хўш, энди ахволингиз яхшими?

П о ц ц о. Кимсизлар?
 В л а д и м и р. Бизни танимаяпсизми?
 П о ц ц о. Менинг кўзларим кўр.

Жимлик.

Э с т р а г о н. Балки, у келажакни башорат қилар?
 В л а д и м и р *(Поццога)*. Қачондан буён?
 П о ц ц о. Илгарилари кўзим жуда ўткир эди. Бирок... сизлар дўстмисизлар?
 Э с т р а г о н *(қаҳ-қаҳ отиб)*. У дўстмисизлар, деб сўрапти.
 В л а д и м и р. Йўқ, унга дўстмиз деб ўйлапти.
 Э с т р а г о н. Нима учун?
 В л а д и м и р. Унга ёрдам берганимиз бунинг исботи.
 Э с т р а г о н. Рост! Дўст бўлмасак унга ёрдам берган бўлармидик?
 В л а д и м и р. Балки.
 Э с т р а г о н. Бермасдик.
 В л а д и м и р. Бу борада тортишиб ўтирмайлик.
 П о ц ц о. Сизлар қароқчи эмасмисизлар?
 Э с т р а г о н. Қароқчилар! Нима, биз қароқчиларга ўхшаймизми?
 В л а д и м и р. Ахир у кўр-ку!
 Э с т р а г о н. Жинурсин! Тўғри. *(Жимлик.)* Гапларидан сезилиб турибди.

П о ц ц о. Мени ташлаб кетманглар.
 В л а д и м и р. Бу ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.
 Э с т р а г о н. Ҳозирча.
 П о ц ц о. Соат неча бўлди?
 Э с т р а г о н (*осмонга қараб*). Тахминан...
 В л а д и м и р. Соат етими?.. Ёки саккизи?..
 Э с т р а г о н. Қайси фасл эканлигига қараб.
 П о ц ц о. Ҳозир оқшом пайtimi?

Жимлик. Владимир ва Эстрагон ботаётган қуёшни томошо қилишади.

Э с т р а г о н. Афтидан у кўтарилаётганга ўхшайди.
 В л а д и м и р. Бўлиши мумкин эмас.
 Э с т р а г о н. Қуёш чиқаётган бўлса-чи?
 В л а д и м и р. Бемаъни гапларни қўй. У томон Ғарб-ку.
 Э с т р а г о н. Буни аниқ биласанми?
 П о ц ц о (*ташвишланиб*). Айтинг-чи, ҳозир кечки пайтми?
 В л а д и м и р. Дарвоқе, у жойидан қимирламаяпти.
 Э с т р а г о н. Мен сенга айтаяпман-ку, у кўтарилаяпти деб.
 П о ц ц о. Нима учун жавоб бермайсизлар?
 Э с т р а г о н. Чунки, сизга номақбул жавоб беришни истамаймиз.
 В л а д и м и р (*хотиржам оҳангда*). Ҳозир кечки пайт, таксир,
 биз кечга яқин келгандик. Дўстим эса, бунинг акси эканига мени
 ишонтирмоқчи бўлаяпти, очиғини айтсам, бир оз иккиланган ҳолатим
 ҳам бўлди. Бироқ, бугун мен осонгина унутадиган кун бўлгани йўқ,
 сизни ишонтириб айтаманки, қуёш ботай деб колди. (*Жимлик.*)
 Дарвоқе, аҳволингиз энди тузукми?
 Э с т р а г о н. Уни яна қанча шундай тутиб турмоқчисан? (*Улар
 Поццони қуйиб юборишига ҳаракат қилишади, бироқ салдан кейин
 йиқилиб тушиши мумкинлигини кўриб, яна тутиб туришади.*) Биз
 устун эмасмиз.
 В л а д и м и р. Сизни тўғри тушунган бўлсам, илгари кўзим ўткир
 эди деб айтдингиз.
 П о ц ц о. Ҳа, кўзларим жуда ўткир эди.

Жимлик.

Э с т р а г о н (*аччиқланиб*). Бошидан бошла! Бошидан!
 В л а д и м и р. Уни тинч қўй. Кўрмаяпсанми, у ўзининг бахтли
 дамларни эслаяпти. (*Жимлик.*) Memoria praeteritorum bonorum¹ – бу,
 албатта осон бўлмаса керак.
 П о ц ц о. Ҳа, жуда ўткир эди.
 В л а д и м и р. Кейин эса бирор кўнгилсизлик юз бердими?
 П о ц ц о. Ўткир эди.
 В л а д и м и р. Сиздан сўраяпман, қутилмаганда кўнгилсизлик юз
 бердими?
 П о ц ц о. Кунлардан бир кун ухлаб, кўр бўлиб уйғондим. (*Жимлик.*)
 Баъзан ҳали ҳам ухлаётганмиканман деб ўзимдан сўраб қоламан.
 В л а д и м и р. Қачон бўлди?
 П о ц ц о. Билмайман.
 В л а д и м и р. Бироқ, кечадан олдин эмас...
 П о ц ц о. Мени саволга тутманг. Кўрларга вақтнинг фарқи йўқ.
 (*Жимлик.*)
 В л а д и м и р. Нима! Мен эса бошқа фикрда эдим.
 Э с т р а г о н. Мен кетаяпман.
 П о ц ц о. Биз қаердамиз?
 В л а д и м и р. Билмайман.

¹ Ўтган бахтли дамларнинг ёди (*лот*).

П о ц ц о. Эхтимол, бу ерни Ла Планше деб атармиз.
 В л а д и м и р. Билмайман.
 П о ц ц о. Қанақа жойга ўхшайди?
 В л а д и м и р (*атрофни кўздан кечириб*). Сизга тасвирлаб берол-
 майман. Ҳеч қаерга ўхшамайди. Бу ер курук даштлик. Якка дарахт бор.
 П о ц ц о. У ҳолда Ла Планше эмас экан.
 Э с т р а г о н (*энгашиб*). Мана сенга эрмак.
 П о ц ц о. Менинг хизматкорим қаерда?
 В л а д и м и р. У шу ерда.
 П о ц ц о. Нима учун уни чақирсам жавоб бермайди?
 В л а д и м и р. Билмадим. Ухлаётган бўлса керак.
 П о ц ц о. Ростини айтинг-чи, ўзи нима гап бўлди?
 Э с т р а г о н. Ростини айтганда!
 В л а д и м и р. Иккалангиз ҳам йиқилиб тушдингиз.
 П о ц ц о. Қаранглар-чи, балки, жароҳатлангандир?
 В л а д и м и р. Бироқ, биз сизни ташлаб кетолмаймиз.
 П о ц ц о. Иккалангиз боришингиз шарт эмас.
 В л а д и м и р (*Эстрагонга*). Сен бора қол.
 П о ц ц о. Ҳа, дўстингиз бориб кўра қолсин. Ундан кўланса хид
 келяпти. (*Жимлик.*) У нимани кутаяпти?
 В л а д и м и р (*Эстрагонга*). Нимани кутаяпсан?
 Э с т р а г о н. Мен Годони кутаяпман.
 В л а д и м и р. У ўзи нимани аниқлаши керак?
 П о ц ц о. Хўш, олдин уни бўғиб қўймаслик учун, аста арқондан
 тортиб кўрсин. Одатда арқон тортилса, уйғонади. Қимирламаса, майли
 башарасигами, дуч келган жойига бошлаб тепсин.
 В л а д и м и р (*Эстрагонга*). Кўрдингми, кўрқишингга ҳожат йўқ.
 Қасос олишинг учун қулай имконият.
 Э с т р а г о н. Бордию у қаршилик кўрсатса-чи?
 П о ц ц о. Йўқ, йўқ, у ҳеч қачон қаршилик қилмайди.
 В л а д и м и р. Мен дарров ёрдамга етиб бораман.
 Э с т р а г о н. Мендан кўзингни узмай тур. (*Лаки томон юради.*)
 В л а д и м и р. Олдин текшириб кўр, тирикмикан. Улган бўлса,
 тепкилашдан маъни йўқ.
 Э с т р а г о н (*Лакининг устига эгилиб*). У нафас олаяпти.
 В л а д и м и р. У ҳолда бошлайвер.

*Бирдан Эстрагон қутуриб кетиб, бақирганча Лакини тепа бош-
 лайди. Бироқ оёғини қайириб олиб, ортга қайтиб, додлай бошлайди.
 Лаки кўзини очади.*

Э с т р а г о н (*бир оёқда турганча*). Уу-у, тўнғиз!

*Эстрагон ўтириб, бошмоғини ечмоқчи бўлади, кейин алами тарқаб,
 тиззаси орасига эгилган бошини қўли билан маҳкам ушлаб, гужсанак
 ҳолда ётиб олади.*

П о ц ц о. Нима бўлди?
 В л а д и м и р. Дўстим оёғини қайириб олди.
 П о ц ц о. Лакига нима қилди?
 В л а д и м и р. Демак, бу ростдан ҳам ўша эканда?
 П о ц ц о. Бу нима деганингиз?
 В л а д и м и р. Бу ростдан Лакими?
 П о ц ц о. Ҳеч нарсани тушунмаяпман.
 В л а д и м и р. Сиз Поццомисиз?
 П о ц ц о. Албатта, мен Поццоман.
 В л а д и м и р. Ўша, кеча келганларми?
 П о ц ц о. Қанақа кеча?

В л а д и м и р. Кеча кўришган эдик. (*Жимлик.*) Нима, эсингиздан чиқдимми?

П о ц ц о. Кеча кимнидир учратганимни эслай олмайман. Эртага эса бугун кимни учратганимни эслай олмайман. Билмоқчи бўлсангиз, мендан умид қилманг. Бу ҳақида бошқа сўраманг. Турилсин!

В л а д и м и р. Уни муқаддас Халоскор бозорига олиб бормоқчи эдингиз, сотиш учун. Бизга айтиб бергандингиз. У рақсга тушди. У ўйлади. Кўзларингиз ҳам соғ эди.

П о ц ц о. Буни ноиложликдан қилаётган экансиз, майли. Ўтинаман, мени ушлаб турманг. (*Владимир кўйиб юборади.*) Турилсин!

В л а д и м и р. У турапти.

Лаки туриб, нарсаларни йиғиштира бошлайди.

П о ц ц о. Тўғри қилади.

В л а д и м и р. Қаерга кетаяпсизлар ўзи?

П о ц ц о. Бу мени ташвишга солаётгани йўқ.

В л а д и м и р. Жуда ўзгариб кетибсиз.

Лаки нарсалари билан Поццо олдида кўндаланг бўлади.

П о ц ц о. Қамчи! (*Лаки ерга нарсаларини кўйиб, қамчини излай бошлайди, уни топиб, Поццога тутқзадади-да, нарсаларни кўлига олади.*) Арқон! (*Лаки нарсаларни ерга кўйиб, арқон учини Поццонинг кўлига тутқзадади-да, нарсаларни яна кўтариб олади.*)

В л а д и м и р. Жомадонингизда нима бор?

П о ц ц о. Қум. (*Арқонни тортиб.*) Олға! (*Лаки жойидан қимирлайди, Поццо ортидан эргашади.*)

В л а д и м и р. Яна бир оз қолинглар.

П о ц ц о (*тўхтаб*). Мен кетаяпман.

В л а д и м и р. Ҳеч ким ёрдам бера олмайдиган жойда йиқилиб-негиб қолсангиз нима бўлади?

П о ц ц о. То тургунча сабр қилишимизга тўғри келади. Кейин яна йўлга тушамиз.

В л а д и м и р. Кетишдан олдин, унга буюринг, куйлаб берсин.

П о ц ц о. Кимга?

В л а д и м и р. Лакига.

П о ц ц о. Куйлаб берсин?

В л а д и м и р. Ҳа. Ёки ўйласин. Ёки бирон нарсани ёддан айтиб берсин.

П о ц ц о. Бироқ, у соқов-ку.

В л а д и м и р. Соқов!

П о ц ц о. Мутлақо. У ҳатто овоз чиқара олмайди.

В л а д и м и р. Соқов! Қачондан буён?

П о ц ц о (*бирдан газаби келиб*). Ўтмиш тўғрисида хадеб бўлмағур саволлар беришни бас қиласизми, йўқми? Ғашимни келтираяпти! Қачон! Қачон! Ажойиб кунларнинг бирида, энди кўнглингиз тўлдими? Бошқа кунларга ўхшаган ажойиб кунларнинг бирида у кар бўлиб қолда, ажойиб кунларнинг бирида мен кўр бўлиб қолдим. Ажойиб кунларнинг бирида биз кар бўлиб қоламиз. Ажойиб кунларнинг бирида биз туғилганмиз, ажойиб кунларнинг бирида ўламиз. Бир куни, бир лаҳзада, шу жавобим сизга етарлими? (*Хотиржамроқ оҳангда*) Ҳаёт ва ўлим эгизак, кўз очиб-юмсанг кун, кейин эса яна тун. (*Арқон учини тортиб.*) Олға!

Улар кетишади. Владимир саҳна четига қадар улар ортидан бориб, изидан қараб қолади. Йиқилган товуш. Владимирнинг юз ҳаракати уларнинг яна йиқилганидан дарак беради. Жимлик. Владимир ухлаб

ётган Эстрагон олдига келиб, бир муддат унга тикилиб туради, кейин уни уйготади.

Эстрагон (*тушуниксиз ҳаракат, алмойи-алжойи сўзлар. Энсаси қотиб*). Нима учун доим ҳеч ухлагани кўймайсан?

Владимир. Ўзимни ёлғиз ҳис қилаяпман.

Эстрагон. Туш кўрибман, жуда ҳам бахтли эмишман...

Владимир. Вақт ўтиши учун бу ҳам эрмак.

Эстрагон. Туш кўрибман, тушимда...

Владимир. Жим бўл! (*Жимлик.*) Қизиқ, у ростдан ҳам кўрмикан?

Эстрагон. Ким?

Владимир. Сенга айтсам, кўр одам вақтнинг фарқига бормайди.

Эстрагон. Ким?

Владимир. Поццо.

Эстрагон. У кўрми?

Владимир. Ўзи бизга шундай деди.

Эстрагон. Бўлса нима қилибди?

Владимир. Менга худди бизни кўраётгандек туюлди.

Эстрагон. Сен туш кўргансан. (*Жимлик.*) Кетдик. Бунинг иложи йўқ. Ҳа, тўғри. (*Жимлик.*) Бу аниқ ўша эмаслигига ишончинг комилми?

Владимир. Ким?

Эстрагон. Годо.

Владимир. Кимни айтаяпсан?

Эстрагон. Поццони.

Владимир. Э, йўғ-е! Бўлиши мумкин эмас! (*Жимлик.*) Йўқ.

Эстрагон. Мен барибир тураман. (*Қийинчилик билан туради.*)

Вой!..

Владимир. Нима деб ўйлашга ҳам ҳайронман.

Эстрагон. Вой, оёғим! (*Яна ўтириб, бошмогини ечишга уринади.*) Менга ёрдам бер!

Владимир. Бошқалар азоб чекаётганда мен ухладиммикан? Ҳозир ҳам ухлаётганим йўқми? Эртага уйғондим деб ўйлаганимда, бугун ҳақида нималар дея оламан? Эстрагон дўстимга нима қилганини, мана шу ерда, коронгуга қадар Годони кутганимни айтиб бера оламанми? Поццо ўзининг ҳаммоли билан келиб, биз билан гаплашганиничи? Шубҳасиз. Бироқ, буларнинг қайси бири ҳақиқатга яқин бўлиб кўринади? (*Эстрагон бошмоқларини ечишга беҳуда уринади. Яна уйқуга кетади. Владимир уни кузатиб туради.*) У ҳеч нарсани эслай олмайди. У яна ўзини калтаклашганини айтади ва мендан сабзи сўрайди. (*Жимлик.*) Ҳаёт ва ўлимнинг ораси бир қадам. Гўрков ҳам умид билан гўр қазийди. Қариш учун ҳали имкон бор. Азоб-уқубатларимиз охи кўкларга етган. (*Қулоқ солади.*) Тарки одат-амри маҳол. (*Эстрагонга қарайди.*) Кимдир, бошқа биров менга ҳам қараб тургандир. Мен ўзимга-ўзим: “У ухляпти, ўзи эса ухлаётганидан беҳабар”, дейман. (*Жимлик.*) Бунга ортиқ чидай олмайман. (*Жимлик.*) Мен нима дедим?

У асабий у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди, ниҳоят, чап парда олдида тўхтайтиди, узоқларга қарайди. Олдин кечаги болакай кириб келади, тўхтайтиди. Жимлик.

Болакай. Таксир... (*Владимир ўғирилади.*) Жаноб Альберт...

Владимир. Давом этамиз. (*Жимлик. Болакайга.*) Сен мени танимаяпсанми?

Болакай. Йўқ, таксир.

Владимир. Сен мени танимаяпсанми?

Болакай. Йўқ, таксир.

Владимир. Бу ерга биринчи марта келдингми?

Болакай. Ҳа, таксир.

В л а д и м и р. У бугун кечқурин келмайди.
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.
 В л а д и м и р. Аниқми?
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.

Жимлик.

В л а д и м и р. Сен бирон кишини учратдингми?
 Б о л а к а й. Йўқ, тақсир.
 В л а д и м и р. Бошқа иккита... (*чайналади*) одамни.
 Б о л а к а й. Ҳеч кимни кўрганим йўқ, тақсир.

Жимлик.

В л а д и м и р. Жаноб Годо нима қиляпти? (*Жимлик.*) Мени
 эшитаяпсанми?
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.
 В л а д и м и р. Хўш, жавоб бер.
 Б о л а к а й. Тақсир, у ҳеч нарса қилмаяпти.

Жимлик.

В л а д и м и р. Акангнинг аҳволи қандай?
 Б о л а к а й. У касал, тақсир.
 В л а д и м и р. Эҳтимол, у кеча келгандир?
 Б о л а к а й. Билмайман, тақсир.

Жимлик.

В л а д и м и р. Жаноб Годонинг соқоли борми?
 Б о л а к а й. Ҳа, тақсир.
 В л а д и м и р. Оппоқми ёки... (*чайналади*) қора?
 Б о л а к а й (*чайналиб*). Менинг назаримда, қора бўлиши керак.

Жимлик.

В л а д и м и р. Шўринг кўрғур.

Жимлик.

Б о л а к а й. Тақсир, жаноб Годога нима деб кўяй?
 В л а д и м и р. Сен унга айтасанки... (*тўхтайди*) сен унга мени
 кўрганингни айтасан ва яна... (*уйлайди*) мени ростдан кўрганингни
 айтасан. (*Жимлик. Владимир олдинга юради, болакай ортга қайтади.*
Владимир тўхтайди, болакай ҳам тўхтайди.) Айтки, сен мени
 кўрганингга ишончинг комилми? Тагин эртага сизни ҳеч қачон
 кўрмаганман деб айтмайсанми?

*Жимлик. Бирдан Владимир олдинга сакрайди, болакай бир зумда
 гойиб бўлади. Қуёш ботади, ой чиқади. Владимир тош қотиб туради.
 Эстрагон уйғониб, керишиб, қўлида бошмоғи билан ўрнидан туради.
 Уларни олд тўсиқ олдиға қўйиб, Владимир томон юради, унга тикилиб
 туради.*

Э с т р а г о н. Сенга нима бўлди?
 В л а д и м и р. Ҳеч нарса бўлгани йўқ.
 Э с т р а г о н. Мен кетаяпман.
 В л а д и м и р. Мен ҳам.

Жимлик.

Эстрагон. Узоқ вақт ухлаб қолдимми?
Владимир. Билмадим.

Жимлик.

Эстрагон. Қаерга борамиз?
Владимир. Шу яқин атрофга.
Эстрагон. Йўк, йўк, бу ердан узоқларга кетамиз.
Владимир. Биз бундай қилолмаймиз.
Эстрагон. Нима учун?
Владимир. Эртага яна қайтиб келишимиз керак.
Эстрагон. Нима учун?
Владимир. Годони кутиш учун.
Эстрагон. Э, ха. (*Жимлик.*) У келмадимми?
Владимир. Йўк.
Эстрагон. Энди жуда кеч бўлиб қолди.
Владимир. Ха, қоронғи тушди.
Эстрагон. Бу нарсадан бош тортсак нима бўлади? (*Жимлик.*)
Бу нарсадан бош тортсак нима бўлади?
Владимир. У бизни жазолайди. (*Сукут. Дарахтга қарайди.*)
Биргина дарахт тирик.
Эстрагон (*узоқларга тикилиб*). Нима бу?
Владимир. Бу дарахт.
Эстрагон. Тўғри, лекин у қанақа дарахт экан?
Владимир. Билмайман. Мажнунтол.
Эстрагон. Юр, кўрамиз. (*Владимирни ўзи билан дарахт томон етаклайди... Улар дарахт олдида қотиб туриб қолишади. Жимлик.*)
Ўзимизни оссак нима бўлади?
Владимир. Нима билан?
Эстрагон. Бир тутам арқонинг йўкми?
Владимир. Йўк.
Эстрагон. У ҳолда бундай қила олмаймиз.
Владимир. Кетдик.
Эстрагон. Шошма, менинг қайишим бор.
Владимир. Жуда калта.
Эстрагон. Мени оёғимдан кўтариб турасан.
Владимир. Менинг оёғимдан ким кўтариб туради?
Эстрагон. Э, ха.
Владимир. Қани, кўрсат-чи? (*Эстрагон шимини тутиб турган арқонни еча бошлайди. Катта шими бирдан тўпиққача тушиб кетади. У арқонни кўздан кечиради.*) Ҳеч бўлмаганда, шу зорманда аскотсинда. Ишқилиб, узилиб кетмасмикан?
Эстрагон. Ҳозир аниқлаймиз. Ушла.

Улар арқоннинг икки учидан ушлаб торта бошлайди. Арқон узилиб кетади, сал бўлмаса улар йиқилиб кетай дейди.

Владимир. У ҳеч нарсага ярамайди.

Жимлик.

Эстрагон. Демак, сенингча, бу ерга эртага яна қайтиб келишимиз керак?
Владимир. Ха.
Эстрагон. У ҳолда яхши арқон олиб келамиз.
Владимир. Тўғри.

Жимлик.

Э с т р а г о н. Диди.
 В л а д и м и р. Нима.
 Э с т р а г о н. Ортиқ бунга чидай олмайман.
 В л а д и м и р. ...
 Э с т р а г о н. Ажралсак нима бўлади? Шундай қилсак балки яхши бўлар?
 В л а д и м и р. Эртага ўзимизни осамиз. (*Жимлик.*) Фақат, агар Годо келмаса.
 Э с т р а г о н. Бордию у келса-чи?
 В л а д и м и р. Биз қутулиб қоламиз.

Владимир Лакидан олган иляпасини ечади, ичига кўз ташлайди, қўли билан титкилаб кўради, силкитади, қайта кияди.

Э с т р а г о н. Нима қилдик, кетдикми?
 В л а д и м и р. Шимингни кўтар.
 Э с т р а г о н. Нима?
 В л а д и м и р. Шимингни кўтар.
 Э с т р а г о н. Шимингни еч дейсанми?
 В л а д и м и р. Шимингни КЎТАР.
 Э с т р а г о н. Э, ҳа.

*Ушимини кўтаради.
 Жимлик.*

В л а д и м и р. Хўш, кетдикми?
 Э с т р а г о н. Кетдик.

Улар қимир этишмайди.

ПАРДА

(*Тамом*)

*Рус тилидан
 Жаббор ЭШОНҚУЛ
 таржимаси*



ЎЗИНИ ЎРГАНАЁТГАН ОДАМ

Сўнгги икки юз йилликдаги илм-фан кашфиётлари, инсониятнинг ўзлигини топиш, ҳаётнинг моҳиятига баҳо бериш йўлидаги изланишлар шу пайтгача инсон ва тириклик ҳақидаги хулосаларни таназзул ёқасига олиб келиб қўйди. Бу хулосалар ва қарашлар янги даврнинг одамани шархлашга ва унинг ботинини қамраб олишга ожизлик қилиб қолди. Шу сабабли санъатда, айниқса, адабиётда инсон кўнглини тўлароқ, чуқурроқ акс эттириш учун янги шакллар, янги услублар пайдо бўла бошлади. Ш. Бодлер, Эдгар По, П. Верлен, А. Рембо, М. Пруст, Ф. Кафка, Ж. Жойс, А. Камю, Р. Музил, У. Фолькнер, Б. Брехт, Э. Ионеско каби сўз санъатининг бетакрор ижодкорлари инсонни таҳлил ва тасвир этишда ўзига хос шакллар ва услубларни адабиётга мардона тарзда олиб кирдилар. Бу сиймолар қаторида С. Беккетнинг ўзига хос ўрни бор. Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, ҳаёт хилма-хил бўлгани каби адабиётдаги услублар, анъаналар ва инсонга муносабат ҳам турлича кечди. Айниқса, XX асрга келиб, инсоннинг моҳиятини ўрганиш чуқурлашди, ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги хулосалар анъанавий қолипларга, анъанавий тасаввурларга сиғмай қолди. Натижада унинг мураккаб руҳиятига мос равишда бадиий тафаккурнинг ифода усуллари ҳам мураккаблашди, адабиёт ранг-баранглашди. Том маънодаги ҳақиқий адабиёт энди бевосита ўқувчилар талаби билан эмас, балки янги давр тафаккури талабларидан келиб чиқиб, инсонни таҳлил қилишга киришди. Бу эса адабиётни маълум маънода кенг ўқувчилар оммасидан ажратиб қўйди. Лекин бадиий тафаккурдаги изланишлар ўзларининг юксак мақомларига эришдилар. Ўзларини хоҳ символист, хоҳ сюрреалист, хоҳ дадаист, хоҳ ультраист деб атамасин, барибир бу адабий оқимлар яратган асарлар инсон ва унинг қалби ҳақидадир. XX аср жаҳон адабиётидаги барча янги оқимлар, услубий изланишлар, энг аввало, француз адабиётида юз бердики, бу адабиёт том маънодаги янги бадиий тафаккурнинг маркази бўлиб қолди.

С. Беккет 1906 йилда Ирландиянинг пойтахти Дублинда ватандоши ва устози Ж. Жойсдан 24 йил кейин руҳоний оиласида дунёга келди. Шу шаҳарда таълим олди, нуфузли коллежни, кейин университетни битирди. Беккет ҳаёти қайсидир маънода Ж. Жойснинг ҳаётига ўхшаб кетади. У ҳам адабий эътироф ва эркинлик истаб, Парижга йўл олди. Бир муддат Ж. Жойсга котиблик ҳам қилди. Уларнинг ўртасидаги илиқ муносабат умрининг охиригача сақланиб қолди. Беккет “Улисс” романи ҳақида бир неча мақолалар ҳам ёзди, қатор тадқиқотлар олиб борди. 30-йилларнинг бошида у ўзининг романлари билан Европада таниқли адибга айланди.

С. Беккет Дантенинг “Илохий комедия” асарини қўлдан қўймасди. Беккетшуносларнинг таъкидлашича, адиб “Илохий комедия”нинг иккинчи қисми бўлган “Аросат” достони манзаралари ва образларини асарларига олиб киришни ва маълум маънода ўз ижодий концепциясини ана шу дostonга қолиплашни мақсад қилган экан. Умуман, унинг асарларида бу мақсад аяққол сезилади: унинг асарлари аросатдаги одамлар, аросат замон, аросатдаги маънавий ҳақида ҳикоя қилади.

XX аср бадиий тафаккурида кескин бурилиш ясаган, янги оқим сифатида бутун дунёда шов-шув қўзғаган Беккет мансуб “абсурд театри” ўз даврининг, умуман, Шекспирдан кейинги асрлар санъатининг фавқулodда янгилиги эди. У театр ифода услубига янги йўналиш

олиб кирди, бу йўналиш сахна ҳақидаги мавжуд қарашларни до-вдиратиб қўйди. Бу эса театрга янги муносабат даври бошланганини билдирарди ва бу янги босқичнинг асосчилари сафида Беккет номи биринчилардан бўлиб қайд этилади. Беккет томошабиннинг ҳисларига эмас, заковатига мурожаат этади ва ўқувчининг идрок сахнаси, ҳар бир ўқувчи ўзининг дунёқарashi, диди, савиясидан келиб чиқадиган тасаввур сахнасини яратади. Тасаввур қилишга заковати етмаганлар учун Беккет асарлари шунчаки чўпчак бўлиб қолади.

Беккет асарлари 50-йиллар бошида бутун дунёга тарқалган, муҳокама қилинган эса-да, собиқ Иттифоқ мафкураси 80-йилларгача уни зарарли ёзувчилар рўйхатига қўшиб қўйди. Шу билан бирга Беккет асарларини чириётган капиталистик ҳаётнинг инъикоси сифатида баҳолашди. Аслини олганда, Беккет асарларини ботиний таназзул арафасида турган XX аср маънавиятининг тимсоли сифатида қабул қилиш ҳақиқатга яқинроқдир. 50-йиллардаёқ у кўтарган муаммоларга инсоният 80-йилларда дуч келди. Бу ёзувчининг инсон психологиясини чуқур билишини ҳамда инсоният Беккет кўтарган муаммолардан қочиб қутулолмаслигини кўрсатди.

Номини бутун дунёга машҳур қилган “Мерфи”, “Моллой”, “Малоннинг ўлими”, “Исмсиз” каби романлари, “Театр I”, “Театр II”, “Фалокат”, “Элефтерия”, “Ўйин”, “Ўйиннинг охири” пьесалари (жами 11 та роман, 20 та драматик асарлари)да Беккет инсоннинг мавҳумлик билан юзма-юз турган ҳолатдаги ички дунёсини таҳлил қилди. Худди Кафка асарлари каби бу пьесаларда ҳам инсон умрини беадад саробга, мавҳумотга, ўзлиги, ўз қиёфасидан, инсоний хислатларидан ётлаштиришга хизмат этувчи, уни муте ва қул қилувчи жамият билан қарама-қарши турган инсон фожиаси қаламга олинади. XX аср Ғарб кишиси маънавий қадриятлар харобаси устида ўтирибди, унда ўз ҳурлигига интилишдан кўра қулликка, мутеликка мойиллик кучли. У ўтмишдан айро қилинган, келажакка ишонмайди. Беккет бу ҳолни шундай ифодалайди: келажак зулмат ичида, ўтмиш эса олисда. Шу сабабли ҳам унинг асарларида зулмат, олислик, ётлашув рамзлари қайта-қайта бўй кўрсатади.

Беккет иложи борица асарларни қисқа ва лўнда ёзишга уринарди. Бу борада ҳам у ўзигача ва ўзидан кейинги барча ёзувчиларни ортда қолдирди. Унинг “Сўнгги нафас” номли пьесаси бор-йўғи 30 сонияга мўлжалланган. Унда бир неча марта чақалоқ йиғиси ва йиғидан сўнг шунча марта чуқур нафас олиш ҳамда хўрсиниқ эшитилади. Бу икки марта такрорланади, холос, ва шу билан пьеса тугайди. Асар учта жумладан иборат. Аммо шу уч жумлани театршунослар ва адабиётшунослар 1969 йилдан бери турлича шарҳлаб келишади. Бу сахна инсоннинг ҳаётга келиши ва ҳаётнинг сўнгги дақиқаларида умр хулосасини тимсоллаштираётгандай бўлади. Баъзи театрлар чақалоқ йиғиси ўрнига инсон фарёдини қўйишади ва турли талқинлар қилишади. Шу пайтгача асарга ёзилган шарҳларнинг ҳажми асар ҳажмидан минг баробар ошиб кетди.

“Қадам товушлари” пьесасида Мэй касал онасига қараб туради. Биз сахнада унинг онасини кўрмаймиз, фақат товушини эшитамиз. Она ва қиз ўртасидаги савол-жавоб асосан касаллик ҳақида кетади. Бироқ пьеса давомида гап жисмоний касаллик эмас, маънавий мажруҳлик ҳақида кетаётгани аён бўлади, тўғрироғи, касал она мажруҳ маънавиятнинг тимсоли. Она ва қиз ўртасидаги суҳбатдан шу нарса аён бўладики, улар бир-бирларини мутлақо билишмайди, яъни мутлақо бир-бирига бегона. Худди сахна каби уларнинг онги, оқибатлари ҳам, она-болаликлари ҳам, қондош эканликлари ҳам зулматга ғарқ бўлган. Пьеса бошида она ва қиздек кўринган қаҳрамонлар охирига келиб бир-бирига мутлақо ёт кишилар бўлиб чиқади, демак, улар ҳеч қачон она-бола бўлишмаган, демак, Мэй ҳали туғилмаган, ҳали дунёга келмаган, яъни уларнинг ҳаётида инсонга хос ҳеч қандай маънонинг, изнинг ўзи йўқ: улар изсиз ғойиб бўлиш, қаршисидаги зулматга сингиб кетиш арафасида. Бу

одамларнинг ҳаётлари шунчалик мазмунсизки, бундай умрдан қадам товушлари мазмунлироқ, чунки қадам товушлари, ҳар қалай, ҳаракат қилади ва товуш беради. Инсон умри эса ана шу қадам товушидан ҳам қадрсизроқ ва аҳамиятсизроқдир. Инсонни маънан қашшоқ қилиб қўйган жамиятда инсон умри шунга маҳкум. Чунки инсон фақат маънавият ва ишонч билан бирга ҳайвондан фарқ қилади. Ана шу хусусият бўлмаса, инсоннинг ҳаёти ҳайвонникидан баттарроқ.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган “Годони кутиш” асари Беккет номини бутун дунёга машҳур қилиб юборган асарлардан биридир. Асарда ҳеч қандай воқеа йўқ, икки киши катта йўл ёқасида, қуриган дарахт остида ўтиришади, сўнг уларга яна икки киши қўшилади. Годонинг кимлиги ҳам номаълум. Унинг кимлигини ёки нималигини ҳеч ким билмайди. Бирок ҳаммаси “Ҳозир Годо келади” деб кутиб туришаверади. Годо сахна охиригача номаълум бўлиб қолади, у келмайди. Беккет бу асарида Ғарб кишининг руҳий дунёсини очади, яъни одамнинг ҳаёти номаълум ва ҳеч қачон ташриф буюрмайдиган Годони кутиш каби бемаънидир. Одам ҳаётдан нима кутаётганини ўзи билмайди. Ҳаётлари ҳам ўзлари каби, Годо каби бемаъни кутиш, ёлғон умид билан ўтиб кетади, ҳаётнинг абсурдлиги ана шу ерда дейди адиб. Годо – асарда умрнинг тимсоли, инсон ҳаётининг, тўғрироғи, инсон маҳкумлигининг тимсоли. Бошқа томондан, бу Ғарб кишининг бўшаб қолган кўнгли ойнаси. Ғарб ақли илоҳий итоатни инкор қилди. Инкор қилинган илоҳ ва ишонч ўрнини сароб эгаллади. Сароб – бу Годо. Саробга қанчалик яқинлашсангиз, шунчалик қочади. Инсон моҳияти ўтган асрнинг бошларидан бери инсониятдан ана шундай қочиб юрибди. Тараққиёт ичида яшаётган инсон ақлининг “Годо” – яъни “маъно” деб билгани сароб бўлиб чиқди, энди у шу маънони излашга ва кутишга ҳамда абадий сарсонликка маҳкум этилган. Бу асар ана шу маҳкумлиқнинг кичик бир кўриниши. Асарда Беккет Владимир ва Эстрагон образлари орқали моҳиятан ҳеч қандай маънога эга бўлмаган, лекин инсон ўзи учун ясаб олган психологик қолипларни, яъни эзувчи ва эзилувчини, куллик ва соҳибликни, соддароқ айтганда, кул ва хўжайинни, нафс ва худбинликни тимсоллаштиради. Қаҳрамонлар шу даражадаки, улар моҳият, яъни асл кимликлари ҳақида ҳатто ўйлагиси ҳам келмайди, уларнинг гап-сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари моҳиятдан чалғиган, адашган, маъноси бой берилган, завол топган. Асар давомида ҳеч қандай воқеа содир бўлмайди. Биз анъанавий сахна асарларида кўрадиган сюжет йўқ. Годони кутиб-кутиб, яна эртага кутиш учун тарқалишади. Бу абадий маҳкумлиқ (“Годо” сўзи инглиз тилидаги “худо” сўзига маънодош ва шаклдош). Беккет бу ерда XX асрнинг маънавий таназзули инсоннинг жисми тугул ҳаёли, фикри, ақли, кечинмаларига ҳам кишан солган, уни ҳам ўзига кул қилиб олган, тараққиётга ружу қўйган идрок инкор қилинган инсон ҳаёти ва умрининг маъноси бўлган худонинг ўрнига маъносизликнинг, демак, ишончсизликнинг ўзи чиқиб ўтирибди демоқчи бўлгандир? Бу асар тимсолини ҳали-ҳануз шарҳлашяпти, ҳали-ҳануз бир тўхтамага келингани йўқ, ҳали-ҳануз Годони кутишгандай бу асардан маъно излашяпти, инсоният ҳалигача Годонинг кимлигини аниқлагани ва хулоса чиқаргани йўқ.

Беккет асарлари инсоннинг фақат фожиалари ҳақида эмас. Бу асарлар ўзини ўрганаётган, фожиадан қутулиш, халос бўлиш йўлини излаётган, кишанларни ва тафаккурга соя солган зулматни парчалаётган ақл-идрок ҳақидадир. Ўзини ўрганаётган, фожиасини таниётган, мавхумлик ёки мазмунсизлик, аслида, инсоний қиёфасини тиклаётган, ўзини, “мени”ни излаётган, “мени”ни таҳлил қилаётган, уйғона бошлаган идрокдир. Беккет асарлари ақл-идрок ва тафаккурни хушёрликка чақирувчи бир чорловдир. Нима бўлганда ҳам, Беккет XX аср кишисига ўз асарлари билан кўзгу қўйиб кетди. Бу кўзгуга бот-бот қараб қўйиш ҳеч кимга зиён қилмайди. Қараб қўйганингиздан сўнг ўзингиз ҳақингизда хулоса чиқариб оласиз...

1969 йилда Беккет адабиётдаги хизматлари учун Нобел мукофоти билан тақдирланди. Бу янгилик унга Тунисда Ғарб тамаддунининг шовқинидан қочиб, саёҳатда юрган пайти етказилди. У хабарни ўзининг ҳаёт тарзини бузадиган, адабий оламига алоқаси йўқ бир воқеа сифатида қабул қилди, холос. Мукофот тақдимотига ҳам келмади, анъанавий нутқ ҳам сўзламади, мукофотнинг барча маблағини етимлар ва ногиронларга бўлиб бериш ҳақида кўрсатма берди. Уни зохирий мукофотлар заррача қизиқтирмасди, у худди шарқдаги сўфийлар каби ёлғизлик ва узлатни яхши кўрарди. Ҳаёти давомида бор-йўғи икки-уч марта журналистларга интервью берди. Қолган пайтлари у ўзини барча нарсадан, шон-шухрат, эътироф, кибр, шовқин-сурондан четга тортиб, камсуқумгина яшаб юрди. 1989 йил 22 декабрь куни вафот этганда Франциянинг “Лир” журнали шундай деб ёзганди: “Ёзувчи, драматург, эҳтимол, ер юзининг сўнгги авлиё одами бизни ташлаб кетди”.

Беккет ёш, йигитлик пайтлари ғирт бекорчиликдан кўчаларда санғиб, уззу кун ҳаёл суриб, кунини беҳуда ўтказиб юрарди. Ижод қилиш ва ишлаш учун барча шароитни яратиб берган яқинлари унинг бу хил ялқовлигидан хавотирга тушиб: “Сенга ўзи нима керак, нима хоҳлайсан?” деб сўрашганда, Беккет шундай жавоб берган экан: “Данте ҳақида ўйлаб, Данте билан бирга ўлишни истайман. Бошқа ҳеч нарсани...”. У ўз ваъдасида турди. Вафот этганда ҳам унинг тўшагидан Дантенинг “Илоҳий комедиясини” топишди. Беккет сўнгги нафасигача инсонни халос қиладиган йўлни излади. У Данте китобини ўқиганча жимгина жон берганди. Эҳтимол, у маънавий халоскорликни инсонни ва илоҳиятни улуғлаган “Илоҳий комедия”дан излаб топган ва шунга ишора қилгандир?

Назар ЭШОНҚУЛ



ОЛАМ АРО ЧАРАҚЛАГАН НУР

Маърифий эссе-хотира

1. Кунлардан бир кун

Мулла Зоҳид ота ичкари ҳовлисида оҳиста одимлар экан, лаблари беихтиёр шивирларди:

*– Айлантирган уч жонсан,
Бир-бирингга меҳмонсан...*

Ҳозир қаршисида ҳеч ким йўқ. Азбаройи чуқур ўйга толганидан шу сўзларни беихтиёр такрорлапти. Аслида уч ўғил бақамти турганларида ёки уларнинг ораларидан гап қочиб кўнгилсизликка айланиш эҳтимоли туғилганда айтгучи эди бу ҳикматни. Отанинг мақсади битта: фарзандлари ўзаро аҳил ва тотув яшасалар бас, ишқилиб, доғу ҳасратларини яна қайта кўрмасин-да! Исроил маҳсумдан айрилиб, жудолик дардини ҳеч унутолмаётган Ҳазрат домла қолган фарзандларига салгина эпкинниям раво кўрмасди...

Мирзоҳид отанинг тўрт ўғил ва бир кизи бор. Қизини оқилу доно шогирди Имомалига турмушга берди. Ўғилларининг эса камида ўзи сингари билимдон бўлишларини хоҳлайди. Ахир Сайрам, Чимкент ва Фарғона томонлардан толиблар илм излаб, шу инсон хонадонига келишарди. Теваракдаги ўндан ортиқ қишлоқлар, ҳатто қозоқ овулларидагилар ҳам фарзандларининг Ҳазрат домла кўлида билим олишини орзу қилар эди. Нафақат илм излаб, балки бошқа заруратлар юзасидан нажот сўровчи ҳар бир эҳтиёжманд бу даргоҳдан ноумид кетмайди. Мирзоҳид ота кўли билан ёрдам беришга чоғи йўқ маҳалларда, ҳеч бўлмаса, тўғри маслаҳати, ширин каломини келгувчилардан сира-сира аямайди. Оддий одамлар, айниқса, бева-бечоралар саҳийқалб, бағрикенг бу донишмандни ўзларининг пири санаб, этагидан маҳкам тутган эди. Бухорои Шарифдаги Мир Араб мадрасасида таҳсилни мукаммал адо айлаган, ҳам диний, ҳам дунёвий билимлари туфайли “Ҳазрат домла” унвонига сазовор бўлган бу инсон ҳамма мушкулотларга чора топа олади, ҳар қандай қалтис вазиятлардан бизни кутқаришга қодир, деб ишонарди одамлар.

Шундай доно, мўътабар зот қалбидан бир ташвиш сира аримас, болалари бўй етиб боргани сайин ҳадиги зўрайгандан-зўрайарди. Кўлида яшаб турган фарзандларининг тўнғичи – Исмоилнинг келажагидан-ку, отанинг кўнгли тўқ. Бу ўғил хўжалик юмушларига анча ихлос қўйган, тирикчилик ташвишларига бош кўшиб, рўзғор тебратишга ҳам баҳоли қудрат қайишади. Кенжабойи Асомиддин эса ҳали ёш, унча-мунчанинг фарқига бормайди. Аммо Сирожиддин...

Дилига ғулу солиб қўйган ўртанча ўғил – Сирожиддиннинг феълу атворини Мирзоҳид отанинг ўзи ҳам тушунолмай лолу хайрон эди. Жисмонан анча нозик, ушоқдеккина бу боланинг фикр юритишлари, манаман деган фозиллар айтмайдиган гапларни топиб гапиришлари, айниқса, бағоят бирсўзлилиги ва ўжарлиги падари бузрукворни доимо ташвишга соларди. Сирожиддинга сен фалонни ўки ёки ёд ол, дейиш шарт эмасди. У отаси билан тингловчи-шогирдлар орасидаги савол-жавоблар-

ни бир тинглашдаёқ қулоғига қуйиб олар, ёзувни-ку, қиска фурсатдаёқ ўзлаштирганди. Шундай бўлса-да, ўз меҳнатлари натижасидан сира кўнгли тўлмас, хуснихат машқларини тинмай қайтарар, отасидан тобора ҳажми каттарок, мазмуни чуқурроқ китоб сўраб олиб ўқишни канда қилмасди.

Уртанча ўғилнинг билим олишга муккасидан кетганлигидан-ку, ота шод, унинг келажагидан умиди катта эди. Аммо Сирожиддиннинг ўзбилармонлиги, тутган еридаң кесадиған одати, ота назарида, яхшиликка олиб борадиганга ўхшамасди. Ўзидан катталар – акаси ва яқин қариндош-уруғларининг ҳам оғзиларидан чиққан гапларию, ҳар бир хатти-ҳаракати Сирожиддиннинг “ғалвир”ида эланар, дарҳол “дони – донга, келаги – кепакка” ажратиб ташланарди. Кўнглига келган гапни шартта бетга айтишда Сирожиддиндек оғзи ботирни ҳали-ҳануз Мирзоҳид ота учратмаганди. Барча шогирдлар, ҳамқишлоқлар, узоқ-яқиндаги таниш-билишлар “пирим” деб астойдил эъозлайдиган табаррук бу зот ўз ўғлининг тошни тарс ёрувчи аччиқ сўзларидан, қилни қирқ бўлувчи мулоҳазаларидан баъзан ноқулай ҳолга тушиб қоларди. “Тилингни тий”, дея уришайин деса, Сирожиддиннинг ҳамма гаплари ҳақ, истак-галаблари ўринли, ниятлари холис ва пок. Индамай деса, ота қалби сезиб турибди: шундай кетаверса, охири бахайр бўлмайди. Чунки замон зўравонларники, ҳақ гапирганларнинг оғзи ошга эмас, боши тошга тегяпти. Бу – ташвишнинг бир томони бўлса, ундан ҳам қалтисроғи – Сирожиддин кўр-кўрона ўқувни ёқтирмайди, у ўрганаётганларининг, ёд олаётганларининг мағзини чақмагунча қўймайди. Баъзи саволлари унча-мунча домла-имомлар у ёқда турсин, Мирзоҳид отанинг ўзини ҳам шошириб, тадбиридан адаштириб қўярди. Худди шу масалада оға-инилар – Исмоил махсум билан Сирожиддин икковлари орасида чиқадиган тортишувлар, баҳс ва мунозаралар баъзан аччиқ-тирсик гапларгача бориб етарди. Шундай кунларнинг бирида:

– Падали бузрукворимизнинг юзларига тик қараяпсан, тилингни тийиброк юр, – дея укасига сиёсат қилди Исмоил махсум.

– Бу гапингиз ноўрин, ака, – қизишди Сирожиддин. – Мен дадамизни сиздан ортиқ ҳурмат қиламан. Биз ахир дунёдаги энг ақлли зот – инсонмиз, илм юзасидан суҳбатлашамиз, мунозара қиламиз, баъзан тортишамиз ҳам. Бу – отамизнинг юзларига тик боқиш ёки ул зотнинг ҳурматларини тўқиш, дегани эмас.

– Барибир, сен билан биз доимо итоатда бўлмоғимиз, дадамиз ўргатаётган билимларга қаноат қилмоғимиз даркор. Отадан, қолаверса, устоздан ўзаман деб уриниш яхшиликка олиб бормайди...

– Сизни билмадим-у, мен бул истакларимдан воз кечолмайман, тўнғич оғамиз ўқиган табаррук жойларга бориб билим олмагунча тинчий олмайман, – деди Сирожиддин қатъий.

– Унда, бу даргоҳлардан мерос тугул бир мири ҳам ололмайсан, ялангоёқ-ялангош кетаверасан! – укасини йўлдан қайтармоқ учун сўнги “чора”ни қўллаб кўрди Исмоил махсум.

Акасининг мол-дунё, мерос ҳақида гапириши, қалби айни ғурурга тўлган ўспириннинг дилига қаттиқ озор берди, эғнидаги эски-туски кийимлари билан дангал йўлга тушди. Исмоилнинг “қайт!” дейишига жавобан: “Менга сиз айтган бир мири ҳам керак эмас, отамизнинг бошлари омон бўлса бас!” дея эшикдан шиддат билан чиқиб кетди.

Исмоил махсум не қиларини билмай, қишлоқ бошидаги катта масжид сари югурди. Пешин намози ҳали тугамаган, ўжар ва тиксўз Сирожиддин эса қишлоқдан узоқлашиб борарди. Ташвиши зўрайган Исмоил бир жойда тура олмас, масжид эшиги олдида у ёқдан-бу ёққа бетиним бориб-келарди. Ниҳоят, одамлар бирин-сирин чиқа бошлади. Масжид имоми, ҳар доимгидек, энг охирида эшикни ёпди. Исмоил махсум чидаб туролмади, намозхонлар билан шошилишч сўраша-сўраша масжид ичкарасига кириб борди. Салмоқли одимлар билан ўзи сари келаётган отасини кўргач, кўзларидан беихтиёр ёш чиқиб кетди.

– Укангиз билан орангизда яна гап ўтдими, ўғлим? – воқеани билиб

тургандек сўради дадаси.

– Сирож Тошкентга кетиб қолди!..

– Мен ҳовлида кутаман, мулла Имомали Тошкентдан келган экан, бориб дарров уйимизга чорлаб келинг!..

Кесакқўрғон мадрасасини имтиёзли тугаллаб, шу билим даргоҳида мударриснинг ёрдамчиси вазифасида олиб қолинган мулла Имомали шу кунларда қишлоқда эди. Устози йўқлаётганини эшитиб, Мирзоҳид ота хонадонига кириб келганда Ҳазрат домла ташқи ҳовлидаги ўриндикда ҳаёлчан ва ташвишли киефада уни кутмоқда эди. Мулла Имомалини бағрига босиб кўришар экан, Мирзоҳид ота дардчил оҳангда дарҳол мақсадга ўтди:

– Кўпларнинг ишончу ҳурматларини қозонибман-у, болаларимга яхши ота бўлолмабман, чироғим. Онаси билан акаси вафотидан кейин Исмоил инингизни сал бўш қўйиб юборибман, шекилли, кейинги она фарзандларини, айниқса Сирожиддинни унчалик чиқиштирмаётган кўринади. Бундай гапларни бировларга айтиб бўлмайди. Сиз фарзандларим қаторидасиз, тўнғич ўғлим ўрнидасиз!.. – Ҳазрат домланинг овозлари титраб тинди.

Мулла Имомали бир сўз дея олмай, қаттиқ изтироб ва сукут оғушида ўтирарди. Мирзоҳид ота ўзини қўлга олгач, сўзида давом этди:

– Биласиз, Сирожиддин ўжар, сиздан ўзга одам уни кўндирилмайди, чамамда ҳозир Қирғизқулоққа етди-ёв! Майли, борсин, фақат яхши тайёргарлик кўриб, дуои фотиҳамизни олиб ҳамда биродаримиз Шохмуҳиддин охунд домлага мактубимизни олиб борсалар, дегандим...

Мулла Имомали шу заҳоти Сирожиддиннинг изига тушди. Тезлаб юриб кўрдик, Сирожиддин Қирғизқулоқдан ҳам ўтиб кетиб, нақ Тўрайска (Троицк)га етиб қолган экан. Бу ўспирин жуссаси кичик ва нозик кўринса-да, ўзига пишиқ-пухта, чакмоқдек чакнаганлардан эди. Ҳаяжонли бу воқеалар Сирожиддиннинг – яъни машҳур маърифатпарвар Сидқий-Хондайлиқийнинг Тошкентдаги Кесакқўрғон мадрасасига билим олиш учун жўнаш жараёнида содир бўлганди...

2. Ўжар ўспирин Тошкентда мунаввар инсонга айланди

Сирожиддин ибн Мирзоҳид охунд – Сидқий Хондайлиқий Кесакқўрғон мадрасасида олган билими билан кифояланиб қолмади. У Тошкентдаги Кўкалдош ва Бекларбеги мадрасаларида ҳам таҳсил олди. Шу фурсат давомида бир йўла Шохмурод котиб мактабига қатнаб, хуснихатини ҳам такомилига етказди. Илмга чанқок қалб барибир тинчий олмасди. Мадрасаларда олаётган билимларидан қаноатланмагач, мустақил мутолаага берилди. Натижада араб, форс тилларини ўз она тилидай ўзлаштирди. Довруғи дoston хаттот Мирзаҳошим Хўжандийдан хуснихатнинг мураккаб усулларини, муҳр ясашни, китобларга зарварақлар ишлашни, хошияларни тилла ҳал билан безашни ўрганди. Сидқий Хондайлиқий энди шоирлар орасида ҳам танилиб, бу даврада ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб қолган эди. Мадрасаларнинг тор доираларини ёриб чиқиб кетган Сирожиддин Сидқий-Хондайлиқийнинг ихлоси ҳазрат Навоий, Жомий каби улуғ шоирлар ижодига ғоят баландлигидан уларнинг жуда кўп ғазалларини ёд биларди.

Хондайлиқ отли қишлоқнинг боғу тоғларида сайр этиб, ёшлигидан ғазаллар битган, шеърлар ёзган Сирожиддин Тошкентда таълим олгач, айниқса етук шоирлар даврасига қўшилгач, ўзининг назм бобидаги ожиз томонларини тезда илғаб олади, бу борадаги камчиликларини бартараф қилишга киришади, кизғин бадий ижодга берилади. Шоир ўзининг бу ҳақдаги самимий дил ихлосида: “Қачонки илм ўқиш учун Тошкентга бордим, олим ва шоирларга улфат бўлиб, алардан маърифат йўлларини ва шеър ёзиш сирларини ҳам ўргандим”, деб ёзган эди.

Сирожиддин чин шеърият майдонига киргунга қадар анча адашиб юргани каби, ўзига таҳаллус танлашда ҳам бир неча номларни қўллагани маълум. 1913 йилга қадар шоир асосан Шавкат, Шеван таҳаллуслари би-

лан ижод қилди. Ушбу имзолар билан ёзган шеър ва ғазалларини жамлаб, “Тухфаи Шавкат” (1913), “Савғоти Шавкат” (1914) китобларини нашр эттирди.

Шеърят майдонида жавлон ураётган, истеъдоди ғоят тез камол топиб, даврадошларидан ҳар томонлама ўзиб кетаётган Сирожиддиннинг бора-бора дунёкараши ҳам кескин ўзгара бошлади. Унинг ижодида ҳажвиёт алоҳида бир йўналиш бўлиб ажралиб турарди. Давр тенгсизлиги, тузумнинг адолатсизликлари аввал юмшоқроқ юморда, сўнг кескин масалу маталлар, шеърый қиссаларда, ниҳоят, ўткир сатрларда намоён бўла бошлади. Умр инсон учун берилган ноёб имконият эканлигини тушуниб етган салоҳиятли шоир таржима соҳасига ҳам киришиб, араб ва форс тилларидаги дурдона асарларни ўз она тилига таржима қилиш йўлида шиддат билан ишлайди. Ўз навбатида шоирнинг сара асарлари Шарқий Туркистон каби давлатларга чарақлаган нур каби кириб борди. “Шарқ мамлакатлари сари асарларимни анча ошурдим”, деб ёзган эди Сидқий. Тошкентдай азим шаҳарда хужрама-хужра кўчиб, сарсонун саргардон бўлиб юрган шоир қалби шу оғир ўн олти йил (1903–1919) давомида ҳижронга, алам-ситамагарга лиммо-лим тўлди, ноҳақликлар, жабру зулмларни кўра-кўра тоқати тоқ бўлди. Аммо энди у эмин-эркин юрган қишлоғига қайтиб кетолмасди. Шу азоблар оғушида, дарбадарликлар қўйнида ўзининг кунма-кун ўсиб бораётгани, кўзлари каттарок очилиб тобора камолга етаётганини жуда яхши ҳис қилар, шунинг учун ҳам кўхна шаҳардаги нафосат оламининг етук давраларидан, ижодидан, бадий таржима машғулотларидан сира кўнгил узолмасди. Сирожиддин нафосат оламига чуқурроқ кириш, ижодкорларнинг катта давраларига қўшилиш, улкан ва машаққатли ижод йўлига бор бўйи билан сингиб кетиш учун Тошкентга келганди, худди шу мақсад йўлида тоғ келса кемириб, сув келса симирарди. Лекин жаннатдек яшнаб турувчи қишлоғи мудом кўз олдидан кетмас, қалбидаги ҳижрон ўтини тобора баландроқ алангалатар, бунга даво истаб шоир шеърлар битар, қафасдаги булбулдек азобда юрарди. 1913 йилдан сўнг танлаган тахаллуси шу тарика туғилди. Асарларига “Сидқий Хондайлиқий” деб имзо чека бошлади. Шундан сўнг шоир мазкур тахаллуси умрининг сўнгиғача асарларида қўллаб ижод қилди. Илҳоми жўшиб, она қишлоғига бағишлаб, алоҳида шеър битгани ҳам маълум. Унда қуйидагича ҳаяжонли сатрлар бор эди:

*Ватан надир – туққон ерим, тургон ерим,
Ўсиб-униб, ўйнаб-қулиб юргон ерим...
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан,
Ёздан чиқар они кўргоч кўргон ерим...*

Сидқий Хондайлиқий бор-йўғи эллик йил (1884–1934) умр кўрди. Шоир қисқа умр кўрганига қарамай, адабиётнинг кўп жанрларида қалам тебратди. Ёзган шеърлари, дostonлари, ҳажвий асарларини жамлаб 1913–1917 йиллар давомида тўққизта китоб нашр қилдиришга муваффақ бўлди. Араб ва форс тилларидан ўнга яқин сара асарларни ўзбекчалаштирди. “Минг бир кеча”, “Бўстон”, “Раҳимо” таржимаи “Каримо”, “Шавкатус салом таржимаи Футуҳ ал-Шом”, “Ўғри ва қози”, “Ажойиб ул-махлуқот”, “Мирзо Ҳамдам”, “Қиссаи шахзода Баҳром” каби нодир асарлар шулар жумласидандир. Таржимачилик бобида Сидқий бағоят улкан заҳматлар чекар, бу борадаги машаққатлардан чекинмасди. Араб ва форс тилларини ўз она тилидек ўзлаштирган истеъдодли адиб, бу имкониятларнинг жуда ноёблигини, ўзининг зўр бериб ишлаши керак эканлигини қалб-қалбидан ҳис этиб, таржималар устида узлуксиз қалам тебратарди (Сидқий Хондайлиқий томонидан ўзбекчалаштирилган дурдона асарларнинг бугунги кунгача қайта нашр қилинмай, Шарқшунослик институтида ҳамон қолиб келаётгани жуда ачинарли ҳолдир. Биз ба гал 1998 йил “Маънавийят” нашриётида чоп қилинган, Бегали Қосимов ва Рамида Жавҳаровалар

тайёрлаган Сидқий Хондайлиқийнинг “Танланган асарлар” тўпламига киритилган Шайх Саъдийнинг машҳур асарлари таржималаридан намуналарни ўқувчилар диққатига ҳавола этаётимиз).

Сидқий Хондайлиқий моҳир хаттот сифатида ҳам адабиётимиз намоёндаларининг ўнлаб асарларини қайта-қайта кўчирди, уларни зарҳаллар, чиройли безаклар билан беади, устозларга бўлган чин ихлос ва садоқатини амалда шу тарика исботлади.

Сидқий Хондайлиқий ўз имкониятларини юқори даражада ишга солганлиги унинг серқирра ижодида аниқ кўринади. Сидқий – шоир, таржимон, ношир, хаттот бўлиб танилди. Унинг бу жиҳатлари кўпчиликка маълум; босилган ёки босилмаган, тугалланмаган асарлари, таржималари ва қайта-қайта кўчириб нашр эттирган китоблари ҳақида матбуотда кўплаб маълумотлар берилган. Аммо ҳамон кўпчиликка номаълум қолиб келаётган ва намуналари Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган ижод маҳсуллари борки, уларни ҳам китобхонлар оммасига етказиш бу соҳа мутахассисларининг муҳим бурчидир. Хусусан, Сидқий томонидан тўпланган халқ мақоллари, қадимий ўзбек сўзлари луғати, шоирлар, хаттотлар, турли кишилар билан ёзишмаларини – ҳали-ҳануз қўл теккизилмаган хазина дейиш мумкин...

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Сидқий Хондайлиқийнинг ижтимоий мавзулардаги шеърлари, 1914 йилги урушга бағишланган “Муҳораба”, инқилобий воқеалар тасвирланган “Рабочилар намойиши”, айниқса, даврнинг талотўпли воқеаларига жавобан ёзилган “Русия инқилоби” достони айна вақтда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Тадқиқотчилар Бегали Қосимов, Рамида Жавҳароваларнинг ёзишича, ушбу шеърлар “воқеалар иссиқлигида”, ҳали Россияда юз берган инқилобий ҳодисалар Жаҳон афкори оммаси томонидан тўла идрок қилинмасдан туриб бу воқеаларга ўзбек зиёлилар қатламининг муносабат билдириб ёзганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Сидқий Хондайлиқий Тошкентга келишининг дастлабки йилларидаёқ уни элга танитган, оддий халқ хурматида сазовор этган, шунинг баробарида ўз бошига катта ситам ва кулфатлар солган ҳақгўйлик ва ҳажвгўйлиги шоир ижодида алоҳида бўртиб туради. Шоирнинг ўзи ҳам “Холоти Сидқий” деб номланган таржимаи холида: “Ошиқона ғазалларим кўп бўлса, аксар таъбим ҳажвийётга мойил эди” деб очиқ-ойдин ёзган эди. Сидқий ҳажвий асарларини ҳам тўплаб, китоб холида нашр эттирганди.

3. Қишлоқда нима гаплар? Вилоятда-чи?

Тўғри сўзни айтишда хатто отангдан ҳам тортинма, деган ақидага амал қилувчи жигаргўшаси Сирожиддиннинг қалам “найза”сини қозию мингбошиларга, катта-катта амалдорларга аёвсиз санча бошлагани мулла Имомалини қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Мирзохид ота ўғли тақдирини унга ишониб топширганди, кўз-қулоқ бўлиб юришни тайинлаганди. Агар шу алфозда кетаверса, Сирожиддин бирор фалокатга дучор бўлиши ва мулла Имомалини устоз олдида юзикаро қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Қандай йўл тутса экан, Хондайлиққа чиқиб юз бераётган воқеаларни устозига билдирсамикан? Бу иш чакимчиликка ётмасмикан, Сирожиддин маҳдум эшитса хафа бўлмасмикан?..

Мулла Имомали боши берк кўчаларга кириб, ҳардамхаёл бўлиб юрганида яна бир кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Сирожиддиннинг шамширдек ўтқир сатираси бесаранжом қилиб қўйган қозию мингбошилар Тошкент амалдорлари билан тил бириктиришиб, шоирни “Сибирга сургун, овок (турма) ичра турғун” қилмоқчи бўлдилар. Хайрият, амалдорлар давраси ичида ҳам шоир ижодига ихлосмандлар борлиги бу балоларнинг олдини олишга имкон яратди. Тошкентнинг Себзор даҳаси қозиси Ғуломхон тайёрланаётган фитнадан шоир ва унинг дўстларини огоҳ этди. Васлий, Абдулла Авлоний, Ризоий, Хислат, Камий, Мискин, Муродхўжа, Асирий каби ҳамфикр кадрдонлар маслаҳатлашиб, Сирожиддинни Тош-

кентдан вақтинча бош олиб кетишга кўндирдилар. Шоир таржима учун мўлжаллаган “Алиф лайло”, “Ҳикояи латифа” каби китобларни қўлтиқлаб, 1910 йилда андижонлик дўсти Мирзакарим паноҳига йўл олди. Фарғона водийсида яшаб юрган кезларида “Ҳикояи латифа”ни тўлиқ таржима қилиб, Тошкентга жўнатди. “Алиф лайло” (“Минг бир кеча”)нинг эса ярмини ўзбекчалаштиришга улгурган эди...

Бундан буён ҳам индамай юраверишга энди мулла Имомалида илож ва тоқат йўқ эди. Мирзоҳид ота юз берган ва бўлаётган воқеаларни сукут сақлаб тинглади, чуқур хаёлга толди. Ниҳоят, қаршисида бош эгиб, фаромуш ҳолда ўтирган мулла Имомалига юзланиб, шу баҳонада ўзига ҳам тасалли бера бошлади:

– Бу қодир Аллоҳнинг иродаси, бўтам. Кўп ташвиш чекаверманг, сизда ҳам, бизда ҳам айб йўқ. Сирожиддиннинг зуваласи ўзи шундок яратилган экан. Фаҳмимча, ўғлимиз қўлимиздан чиқиб, энди халқ фарзандига айланиб кетибдир, инчунин, тақдирида борини кўраверар... Аммо биз ҳам қараб ўтирмай, қўлимиздан келган чора-тадбирларни кўравермоғимиз даркор. Оғирлик яна сизнинг зиммангизга тушади, бўтам. Бир илож айлаб, Фарғона сари бормоққа ва Сирожиддинни қайтариб олиб келмоққа жазм этиб кўринг. Сўнгги чора сифатида биз унинг бошини икки қилиб қўйиш тадоригини кўрамиз. Шояд, шундан сўнг ўғлимиз шу теварақларда айланишиб қолса.

Ҳам қайнота, ҳам устознинг бу илтимосини мулла Имомали сира оғринмай қабул этди ва зудлик билан поездда Фарғона сари отланди.

Сирожиддин яшаб турган хужрага азонда кириб борган мулла Имомали бошини хонтахтага қўйганча ухлаб қолган жафокаш шоирни кўриб ва эндигина ёзилган шеърини дуои саломни ўқиб, беихтиёр кўзлари ёшга тўлди.

*Гурбат ичра, сиздин эй, мағмурдурмен айрилиб,
Сухбатингиздан ажаб маҳрумдурмен айрилиб.
Васлингиз гулзорида чу булбул эрдим нағмасанж,
Ушбу кун вайроналарда бумдурмен айрилиб.
Кўп замонлардан бери бир қадрдоним сан эдинг,
Шарбати ҳажринг тотиб масмурдурмен айрилиб.
Ҳамдамим ҳам мунисим, жону жаҳоним сан эдинг,
Бир кишим йўқ сўргудек, мазмурдурмен айрилиб.
Борлигимни истамангиз ким нишонимнинг мани
Сафҳаи маълумдин маъдумдурмен айрилиб.
Ҳазратингда эрканимда эрди кўп қадрим баланд,
Энди сориг ранг ила марсумдурмен айрилиб...
Ҳаста Шеван ушбу матлағни тилидан солмағай,
Гурбат ичра Сиздан-эй, мағмурдурмен айрилиб.*

“Аддои фақир Сирожиддин соҳиби Шеван. Таҳрир ўлинди, фурсат зиқ эрди, яъни кечаси соат ўн икки эрди. Рўзи одина учинчи сафарда. Ушбунинг жавобиға мутассардирмен”.

Имомали шеърни ўқиб, кўнгли бузилиб турган бир пайтда Сирожиддиннинг кўзлари очилди ва энг яқин қадрдонини қошида кўрди. Улар сўзсиз-садосиз кучоклашдилар. Мулла Имомалининг келишдан мақсадини эшитган шоир чехрасида яна хомушлик пардаси пайдо бўлди.

– Боришим ҳамоно ул қози далолати бирла мени ҳибсга олурлар ва Сибирга сургун қилурлар, – деди Сирожиддин ғамга ботиб.

– Гарчи ўлимни гапирмоқ қувонч бўлмаса ҳам, ул золимнинг яқинда тобутга тортилганини сизга айтишим керак! – деди мулла Имомали Сирожиддинни юпатиб.

– Ундай бўлса, “ё Ҳақ!” деб ҳозирок йўлга чиқамиз! Ёру биродарларни, падари бузрукворимизни яна кўрар кун бор экан-да! – деди шодланиб шоир. Сирожиддиннинг қувғинда дарбадар юришларига, ғарибона ахволига ачинган мулла Имомали йўлга чиқишлари олдидан:

– Махсум, бир нарса сўрасам, кўнглингизга оғир олмайсизми? – деди

кўпдан хаёлида айланиб юрган иштибоҳни домласининг ўғлига очик айтишга ботинолмай.

– Бемалол, Имомали оға, – унга юзланди Сирожиддин.

– Ўзингизни шундай азобларга отгандан кўра, тўра-амалдорларга қаттиқ тегмаёқ, домлачилик қилиб, роҳат-фароғатда ижодингизни қилиб юргангиз маъкул эмасми? Ахир билимингиз бошқаларникидан ўткир, барча эл сизни улуг аллома деб эъзозлайди. Энг муҳими, падари бузрукворингиз кексайиб қолган бир пайтда ғам-андухлардан қутулармидилар...

Сирожиддин ярқ этиб суҳбатдошига қараб қўйгач, ўйчан назарини ерга тикди. Кўйилган масала анча мураккаб эди. Сирожиддин ниҳоятда ҳозиржавоб бўлгани билан бу саволга шарт-шурт жавоб қайтара олмади. Билъакс, унга мурожаат этаётган одам анойилардан эмас: отасининг энг севимли шогирди, Кесакқўрғон мадрасасида йигирма беш йил таҳсил кўргач, мударрис домла Мавлоно Шохмуҳйиддин охундга ёрдамчи этиб олинган ҳурматли инсон. Қолаверса, ўзининг поччаси, мудом раҳнамолик қилиб келаётган меҳрибони. Анча хаёлга толиб қолган Сирожиддин аччиқроқ бўлса ҳам тўғри жавобни лозим топди:

– Сизни туғишган оғамдан ҳам аъло кўраман, тақсир, – деди у одатдаги жангари ва кескирлигига номувофиқ тарзда юмшоқлик ва меҳрибонлик билан. – Аммо, ростини айтсам, сизнинг йўригингиз билан менинг йўлим бошқа-бошқа экан. Мен фақат мадрасаларга боғланиб умр ўтказа олмайман. Мен қалбим буюрганини ёзишим керак. Мен қаламим бирла, ҳажвиётим тиғи билан ришвахўр золимлар, текинхўр фирибгарларнинг додини беришим, ситамдийда бечораларнинг жароҳатланган қалбларига малҳам қўйишим лозим. Бу йўлдан қайтувимни сира иложи йўқ, зеро у менинг ихтиёримдаги имкон эмас. Отам масаласига келсак, қайтиб боргач, табаррук ул зотнинг кўнгилларини шод этмак йўлида жон борича тиришарман...

– Узр, махсум, бу ҳақда ортиқ гап кавлаштирмаймиз, – деди унга жавобан мулла Имомали.

4. Жонажонсан, Тошкентининг оғуши...

Сирожиддин сўзида туриб, дадасини ранжитмади, Мирзоҳид ота тақлиф этган қизга уйланди. Аммо, аввалгилари етмагандек, бундан бу ёғида ҳам кулфатлар қаторлашиб турган экан: аввал дадаси, кейин умр йўлдоши, Омонулла ва Фатхулкарим исмли ўғлонлари бирин-кетин вафот этди. Юрак-бағри айрилиқ азобида ўртаниб кетган Сидкий Хондайликий ўзини яна ижод билан овунтирди, мадрасаларнинг хужраларида, шоир Хислатнинг меҳмонхонасида, Чорсуда, Шайхонтохурдаги ижарага олинган уйларда кечаю кундуз тинимсиз ижод қилди. Лекин, барибир, охир-оқибат Тошкентдай шаҳри азим ҳам унга торлик қилиб қолди... 1919 йилдан бошлаб туғилган қишлоғи яқинидаги Паргиз деган ерда уй-жой тиклаб, сокин ҳаёт кечиршига ўтди. Шоир қалбида она қишлоғи – Хондайликда яшаш орзуси доимо жўш уриб турарди. Аммо шу даврларда бунга сира имкон йўқ эди: йигирманчи йилларда, ўттизинчи йилларнинг бошларида Хондайликда дўпписини олиб кел деса, биратўла бошини кесиб келтирувчи, ҳар бир нарса кўзига хурوفот бўлиб кўринувчи шахслар изғиб қолганди. Улар ҳатто Сидкийнинг акаси Исмоил махсумни ҳам тутқун этиб, сарсону саргардон қилишди. Қишлоқ халқининг талаби билан Хондайликқа қайтиб, талабаларга билим бериб юрган мударрис домла Имомали ҳам ўша “янги замон яратувчи”лар қутқусидан қочиб, Тошкентга кўчиб кетди.

Шундай воқеалар содир бўлаётган кунларнинг бирида Сидкий Хондайликий ола биясини миниб, Искандар қишлоғи бозорига келиб қолади. У пайтларда бозор Искандар қишлоғини кесиб ўтувчи Хонимарик билан Кенасарик оралиғидаги майдонда (ҳозирги якка қувур ўрнида) бўларди. Бир зарурат юзасидан раста оралаб юрган шоир хондайликлик қариндошларидан бўлмиш уста Бўрабойни учратиб қолди. Улар омон-

лашиб, бир чеккага чиқиб суҳбатлашиб ўтирдилар.

– Ҳа, жияним, нега жуда хомушсан? – сўраб қолди синчков шоир.

Бўрабой бошига тушган ташвишлар, қишлоқдаги хангомаларни билдирмоқчи эмасди. Шоирнинг дардчил оҳангдаги биттагина сўровиёқ унинг қалб тугунини ечиб юборди. Бўрабой дийдаси бўшаб кетиб, ўзининг ҳам бойлар рўйхатига тиркалиб қолганлиги, бор-йўқ рўзгорини, тикув машиналарини тортиб олиб қамаганлари, сарсон-саргардон қилганликларини сўзлаб берди. Қишлоққа шу кунларда асло қадам босмаслик кераклигини шоирдан ўтиниб илтимос қилди. Сидқий Хондайлиқий хушёрликда, зехнда ҳам жуда ўткир эди. У ўзининг ташвишга тушганини сездирмади-ю, Бўрабойга таскин бериб, бир оз койиган ҳам бўлди:

– Янглишмасам, ҳозир йигирма етти ёшга кирдинг-а? – деди шоир жиянининг кўзларига тикилиб. Тасдиқ жавобини олгач, ўша шиддатли оҳангда давом этди: – Аввало, булар ҳаммаси ўткинчи ишлар, вақти билан жой-жойига тушади. Қолаверса, кўлингга гулдек ҳунаринг бор, мол-дунё – кўлнинг кири, ўрни тўлиб кетар. Дарвоқе, сен кўли гул устасан-ку, менинг асал ҳайдайдиган машинам бузилиб қолди, тузатиб беролмайсанми?

– Жоним билан, тоға! – деди Бўрабой қувониб. – Ҳозир уйга чиқаман-у, новшадил, қалай, жавҳар олиб тушаман. Унгача сиз примус топиб кўйинг.

Уста Бўрабой шу куни кечга яқин Сидқий Хондайлиқийнинг Паргиздаги ҳовлисига кириб борди. Кейинчалик Бўрабой ота Сидқий Хондайлиқий яшаб турган ҳовлини шундай таърифлаган эди: “Тоғамнинг уйи Чирчиқ дарёсига олиб борувчи йўлнинг ўнг тарафида жойлашган эди. Уй олдида бир туп тоғ арчаси гуркираб ўсиб турибди. Йўл чеккаси бўйлаб каттагина ариқ оқиб ўтаркан. Ариқ ёқасидаги каллакланган улкан тол дарахти бошида лайлак бола очган эди. Ҳовлига киргач, анграйиб қолдим: ҳаммаёқ гулзор. Гулларнинг кўпи менга нотаниш. Уларга қараб ҳайрон қоласан киши: гўё одам боласи тикилиб тургандек – кўзлари, бурунлари, оғизлари ҳам бордай...”

Шоир уста Бўрабойни яхшилаб меҳмон қилди, туни билан турли мавзуларда суҳбатлашдилар. Эртаси куни аппаратни тузатиб, асал чиқардилар. Сўнг шоир совға-саломлар билан Бўрабойни уйига кузатди. Мунаввар юзли шоирнинг рухсори табассумли эди-ю, аммо қалби чок-чокидан сўкилиб изтироб чекарди: “Хондайликқа қайтишдан умид узсам ҳам бўлар экан...”

Жигаргўша ҳамқишлоқлар дийдорлашуви 1928 йилда содир бўлган эди. Юз ёшдан зиёд умр кўрган Бўрабой ота ҳаётининг охиригача мудом изтироб билан гапириб юрди: “Шу учрашувдан сўнг ҳар хил тирикчилигу ташвишлар билан ўралашиб, Сирожиддин тоғамникига узоқ вақт бора олмадим-а! Кўп ўтмай вафот этиб кетишларини билганимда эди, ҳар куни хабар олмасмидим!..”

5. Мангулик йўлида

Беаёв ўлим Сирожиддин Сидқий Хондайлиқийни 1934 йилнинг кеч кузида ҳаётдан олиб кетди. Таваллудига бир юз ўттиз йил тўлаётган шоир хотираси Мустақиллигимиз шарофати туфайлигина юксак эъзоз топиб бормоқда.

Асад АСИЛ

Сидқий ХОНДАЙЛИҚИЙ

Таржималардан парчалар

“РАҲИМО” ТАРЖИМАИ “КАРИМО”

(Шайх Саъдийдан)

*Раҳимо, бағишла менинг ҳолима,
Қи бормен асири каманди ҳаво.
Ўзингдин бўлак бизга йўқ додрас¹,
Ёзуқ аҳлига сен хатобаҳишу бас.
Хатонинг йўлидин мени айла дур².
Тузук йўлни кўрсат, гуноҳим ёшур.*

Пайғамбар алайҳис-саломнинг санолари баёнида

*Қачон тил огизда эса жойғир,
Муҳаммад саноси бўлур дилназир.
Набилар улуги, ҳабиби Худо,
Ки ариши мажид анго муттако³.
Минубон жаҳонгир якрон Буроқ,
Ки қасридин ошти шаҳе кўк равоқ.*

Муаннифнинг ўз нафсига ишорат

*Санинг қирқ йил ўтти умринг эсиз,
Қилиб ёшлиқ, бўлмадинг ботамиз.
Барин орзу бирла қилдинг тамом,
Даме қилмадинг яхиши ишқа хиром.
Суюнма, эрур умр нопойдор,
Бўл огоҳ замон макридин зинҳор.*

Карамнинг мадҳи баёнида

*Дило, ҳар киши ёзса хони карам,
Бўлур номдори жаҳони карам.
Карам номдори жаҳон айлагай,
Карам комгори⁴ замон айлагай.
Карам моян шомдони бўлур,
Карам ҳосили зиндагоний⁵ бўлур.
Карам ортида дунёда кор йўқ,
Ва мундин исик ҳеч бозор йўқ.
Карамдин бори эл дилин тоза тут,
Жаҳонни саходан пуроваза тут,
Бағишлашда бўл доимо мустақим⁶,
Ки жонни(нг) яратқувчи бордур карим.*

Саховатнинг сифати баёнида

*Саховат қилур некбахт ихтиёр,
Ки кимса саходан бўлур бахтиёр.
Қилиб лутфу эҳсон, жаҳонгир бўл,
Саховатнинг иқлимида мир бўл.*

¹ Додрас – дод (гапинг)га қулоқ солувчи.

² Дур – йироқ, узоқ.

³ Муттако – суянчиқ.

⁴ Камгор – бахтиёр.

⁵ Зиндагони – тириклик.

⁶ Мустақим – тўғри, ҳалол.

Саховатдур аҳли басират иши,
 Саховат бўлур яхшининг варзини¹
 Саховат эмиш айбга кимё,
 Саховат бори дардларга даво.
 Чу қодир эсанг, айлагайсан сахо,
 Ки етгай улуглуқ саходин санго.

Бахилнинг музаммати баёнида

Бахил қасдига гар жаҳон айланур,
 Вар иқбол анинг гуломи ўлур.
 Ва гар илкида ганжи Қорун эса,
 Ва гар тобеъи рубъи маскун эса,
 Бахл арзимас улки, тутқунг отин,
 Ва гар рўзгор этса ҳам хидматин.
 Бахил молига қилма бир илтифот,
 Бахил молининг отин айтмоқ уёт.
 Бахил ар эса зоҳиди баҳравар,
 Беҳиш аҳли йўқ деди хайрул башар.
 Бахил арчи моли билан бўлса бой,
 Чекар хорлиқ ўйла пулсиз гадой.
 Карам аҳли молин егай ҳосилин,
 Бахилин егай олтунининг гамин.

Тавозенинг сифати баёнида

Тавозеъ гар этсанг, дило, ихтиёр,
 Бўлур халқи дунё санга дўстдор.
 Тавозеъ зиёд айлагай жоҳни²,
 Ки кун партави ёритур моҳни.
 Тавозеъ бўлур мойн дўстлиқ,
 Ки ўлгай бинг³ поян дўстлиқ.
 Тавозеъ кишини қилур сарбаланд,
 Тавозеъ улуглардан ўлғой писанд.
 Тавозеъ қилур ҳар ким эрса киши,
 Ярашмас кишидан ямонлиқ иши.
 Тавозеъ қилур оқил нуктапош⁴,
 Қўюр шохи пурмева ер узра бош.
 Тавозеъ бўлур иззатафзо⁵ сенга,
 Беҳишти баринда қилур жо сенга.
 Тавозеъ беҳиш эшикига калид,
 Бўлур жоҳу давлат сарига навид⁶.
 Тавозеъ кишини эса одати,
 Улуг бўлгучи ортибон давлати.
 Кишиким, они давлати бор эрур,
 Тавозеъни андин топиш яхшидур.
 Тавозеъ, сени айлагай аржуманд⁷,
 Улуглар қошида ўлурсан писанд.
 Халойиқдин этма тавозеъ дариг,
 Тавозеъдин эт бўйнуни андоқни, тиг...

¹ Варзиш – одат.

² Жоҳ – амал, мансаб.

³ Бинг – минг.

⁴ Нуктапош – зеҳнли, идрокли.

⁵ Иззатафзо – улуг иззат эгаси, жойи тўрдан.

⁶ Навид – хушхабар.

⁷ Аржуманд – ҳурматли, эъзозли.



ОЙБЕК ВА ЭМИЛЬ ВЕРХАРН

Эмилъ Верхарн XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаган жаҳон адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири бўлиб, символизмнинг формал изланишлари пафосига суғорилган шеърини билан машҳурдир. Шеърини техникани такомиллаштириш, шаклини янгилаш йўлидан борган Э.Верхарн таъсири Ойбекнинг “Машъала” (1932) тўпламидан ўрин олган айрим асарларида сезилиб туради. Шунингдек, Э.Верхарн романтизм – Гюго анъаналари руҳида ҳам асарлар яратди.

“Ойбек 1928-1929 йилларда В.Брюсов ва Бельгиянинг атокли шоири Эмилъ Верхарн поэзиясини кўп ўқир эди. Бу ўқиш унга ижодий таъсир кўрсатган. Э.Верхарн поэтик традициясидан ижодий фойдаланиш борлиқнинг абадийлигини, ниҳоясизлигини тасдиқлашда, у билан шоирнинг узвий боғлиқлигини таъкидлашда ўз кучини кўрсатди. Ижодий ўрганиш чегараларининг кенгайиши Ойбек лирикасининг тараккиётида жиддий аҳамиятга эга бўлди”¹ деб ёзди профессор Ҳ.Ёқубов.

Э.Верхарннинг “Ҳаво ипакларига...” деб бошланган сарлавҳасиз бир пейзаж шеърини таржима қилган Ойбек 1929 йилда “Онлар” номли икки пейзаж шеър яратди. Уларга эпиграф қилиб “Қара, абадият нақадар гўзал ва сокиндр” деган Э.Верхарннинг сатрларини иқтибос қилиб келтиради. Ойбек томонидан таржима қилиниб, илк бор “Машъала” тўпламида чоп этилган юқоридаги шеърда акс этган Фламендия кишлоғига хос гўзал манзаралар лирик қаҳрамоннинг абадийлик, чексизлик ҳақидаги кечинмалари, турфа мушоҳадалари талқинида муҳим ўрин тутган. Шеър “Ҳаво ипакларига Олтин билан тўқилган, Эй нашъамиз порламаси! Мана нозик уй ва енгил шийпон. Мана боғча ва мевазорлар. Олма боғчаларнинг кўланкасида Ана супача...”² тарздаги тасвир билан бошланади. Сўнгги тасвир “олма оғочларидан оқ баҳордек тўкилаётган эринчак ва эркаловчи гул япроқлари”га ўтади. Шеърнинг “Ана нури қаптарларнинг жавлони Порлоқ кўкда сирпанган Бир белги каби... Тоза мовий шиша лабидан Ерга тушган бўсалардек Ана икки соф ва содда Зангори кулча”³ сатрларида борлик билан муштараклик, абадийлик касб этиши ифодаланган. Сўнг умр ўткинчилиги, оламнинг эса абадийлиги ҳақидаги фикр қуйидагича ифодаланади: “Эй нашъа-

¹ Ёқубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. Тошкент, “Фан”, 1963. – Б. 87.

² Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Тошкент, “Фан”, 1980. – Б. 432.

³ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том, Тошкент, “Фан”, 1975. –Б. 198-199.

миз порламаси, бизлар ҳам бу боғчада яшаймиз, Ўз хотирамиз билан...” Э.Верхарн боғча тимсолида абадий, чексиз олам ва унинг сўнгсиз ҳаракати, ўткинчи инсонни мангулаштирувчи хотира ҳақидаги кечинмаларни тасвирлайди. Тўкилаётган олма гули япроқлари, борлиққа бўлган маъсум, эрксиз гуллар, нурли каптарлар жавлони, жимираётган икки зангори сояда ҳам борлиқнинг абадий ҳаракати мужассамлиги ҳақидаги фикрлар, Э.Верхарн ижодига хос бўлган абадийлик ва сўнгсизлик ҳақидаги ғоялар Ойбекнинг юқорида “Онлар (II)” шеърида ҳам кўриниб туради. 1929 йилнинг апрель, май ойларида Ойбекнинг Ялтага сафари чоғида ёзилган ушбу шеърларда Қрим табиатининг бетакрор манзаралари биринчи шоирда Қора денгиз бўйида куёш ботиши, иккинчисида куёш чиқishi манзараси тасвирида намоён бўлади. Абадиётнинг сокин ва гўзал, чексизликка туташ манзараси қофияланиш тизими терцина шаклидаги икки банд бўйича а, б, в; а, б, в; г, д, е; г, д, е тарзидаги сатрларда ифодаланган. Э.Верхарн ва Ойбек шеърларида Фламендия ва Ялта табиати тасвиридаги ўзаро яқинлик табиатнинг бетакрор, уйғун чизгиларини юзага келтиради. Поёнсизлик, мангулик, сокинлик, шу сокинликда ҳам ҳаракатдаги борлиқнинг ўзига хос гўзаллиги ва улғуворлигидан туғилган ҳайрат Э.Верхарнда баҳор чоғидаги боғчалар, Ойбекда Қримга окшом тушиши ҳамда тонг отиши чоғидаги лаҳзалик манзаралар абадийлиги ҳақидаги ўйлар билан уйғун чизгисига хизмат қилган. Куёшнинг ботиш чоғидаги табиатнинг рангин жилolari, ходисалари инсон кифаси, унинг бирор аъзоси шаклида (“бир тўплам олов соч”, “енгил табассум”, “гўзал қиз каби ётар”) юз кўрсатади. Куёш нурларининг дарахтлардаги товланиши олов сочга айланса, майин мовий туманлар қанотларини ёзиб парвозга чоғланган қушлар шаклига киради. Сўнгсиз, зангори осмон енгил табассум қилаётган қиз кифасида намоён бўлади.

Мавхум тушунчаларни моддийлаштириш хусусияти шеърнинг “Кўкда юлдузлар ёнар, Абадиёт гўзал қиз Каби ётар толамен...” каби сатрли шеърнинг 7-12-сатрлари қўлёзмада ва “Ер юзи” журналининг 1929 йил 2-сонидagi нусхаларида “Юлдузларнинг узокда Олтин киприги титрар, Осмон мовий ва сўнгсиз. Коинотда шу чокда Тўкилади кўп сирлар Шоир қалбига ёлғиз...” тарзида ифодаланган. Оққа кўчирилган ва китоб ҳолида чоп этилган вариантда ушбу тасвир жиддий ўзгаришга учрайди. Мовий осмон “зангори”га, олтин кипригини титраётган юлдузлар “ёнаётган” ҳолатга, абадиёт гўзал қизга айланади. Фалсафий фикр, ифода салмоғи, аниқлиги, туйғу ва оҳангнинг изчил тасвири бандлар давомида орта боради. С.Цвейг Э.Верхарн ижодий лабораторияси ҳақида ёзаркан: “унинг қўлёзмалари шоир қўли билан ўлдирилган сўзларга тўла жанг майдонини эслатади”¹, дея ёзади. Ушбу фикрни Ойбекнинг шеърни мукамаллаштириш борасидаги ижодий жараёнига ҳам тўла тадбиқ этиш мумкин.

Э.Верхарн ижодига хос бўлган табиатнинг яхлит манзарасини бетакрор ранглар, лаҳзалик ҳолатлар билан изчил акс эттириш услуги унинг илк тўплами “Фламендия шеърлари” (1883) га кирган “Якшанба тонги”, “Мевали боғлар”, “Дехқонлар”, шунингдек, “Йўл бўйларида” (1882-1894) китобидаги “Ноябрь”, “Қаердадир” шеърларида табиат тасвирининг нозик ҳис-туйғуларга йўғрилган ва чуқур фалсафий фикрлар сингдирилган ҳолда намоён бўлишини кўриш мумкин. Ушбу жиҳатлар Ойбекнинг юқорида тилга олинган шеърини тўплами “Машъала” (1932) га кирган ва Қримда яратилган қатор шеърларининг юзага келишига ижодий туртки берган. Ушбу ўринда профессор И.Ҳаққулнинг “Шеърятда символизм оқими тажрибаларини пухта ўрганган ва ижодий ўзлаштирган Ойбек борлиқ-оламга ажиб таассуротлар нигоҳи билан қарайди, ундаги нарса, воқеа-ходисалар қандай ҳис этилади, руҳ ва кўнгилга улар қандай шавқ, қандай изтироб кўзгайди – мана шуларни рангин бўёқларда тасвирлаб беради”², деган сўзлари характерлидир.

¹ Цвейг С. Избранное сочинения: В 2-х томах. –Т., 2. –М.: Гослитиздат, 1956. –С. 37.

² Иброҳим Ҳаққул. Ойбек маҳорати ва шеърятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2005. -№ 2. –Б. 32.

Э.Верхарннинг “Ноябрь” шеърисидаги табиат воқеалари лирик қаҳрамоннинг нозик туйғу-кечинмалари билан уйғунлашиб бетакрор манзара юзага келади. Оламнинг абадий, сўнгсиз ҳаракати заъфарон баргларининг ёмғирдек тўхтовсиз тўкилиши тасвирида акс этади: “Яра тусли ҳамда қайғули барглар. Мен турган заминга кулар бетиним. Оғир ва заъфарон бамисоли дардлар Кулайдилар аста қалбимга маним. Лахтаклари билан вазмин булутлар Басир кўзларини беркитиб олган. Шамол узра кирар оғир нолалар Куёшнинг соққаси қартайган, толган. Ноябрь менинг қалбимда”¹ сатрларидаги тўкилаётган барглар, вазмин булутларга тўла осмон, қартайган қуёш, дарахтзор узра янграган нолалар сирлилиги билан жумбоқ ва мўъжизаларга тўла борлиқ ҳақида тасаввур уйғотади.

Тилсимотларга тўла олам ва инсон кўнгли, чексизлик ва абадийлик, умр ўткинчилиги ва сўнгсиз ҳаракат ҳақидаги кечинмалар тасвири Ойбекнинг “Оқшом сезгиси” (1929) шеърининг ҳам асосини ташкил этади. “Учиб бир гала куш аллақайларга Йўқолди кўзимдан нукталар каби. Сукунат чўзилди жар ва сойларга, Ҳар ёқда кундузнинг ўчди шўх дами” сатрларидаги бир қарашда табиатнинг гўзал, оний ҳолати акс этгандек таассурот қолдирувчи ушбу шеърда биз мангу ҳаракатдаги замин ва замон ҳамда ана шу абадийликнинг бир қисми бўлган денгиз, гала кушлар, Қрим қизлари тасвирини кўраимиз.

“Ноябрь” шеърисидаги тинимсиз тўкилаётган япроқлар тасвири Ойбекнинг юқоридаги шеърисидаги аллақайларга учиб бораётган, нукталар каби йўқолган кушлар тасвирининг яратилишига ижодий туртки берган. Дарахтзорда янграган нолаларнинг узоклардаги акс-садолари, Қрим қизларининг мунгли кўшиқлари тасвирининг яратилишига таъсир ўтказган. “Тоғларда илинди қуёш этаги, Оғочлар узокда бир тўплам кўлка. Денгизда порлаган ғуруб чечаги – Сувларнинг кўйнида қизил машъала... Фақат онда-сонда юксалар секин Қрим қизларининг мунгли кўшиғи. Ёнаркан юлдузлар ҳам бирин-сирин Оқади кўнглингга олтин туйғуси” тарзи табиатнинг ҳар бир оний лаҳзалардаги манзаралари, ва уларда абадийлик ва чексизлик муҳрини кўради. Турфа оҳанг ва ранглар оғушидаги борлиқнинг ўзига хос тасвирини яратишга муваффақ бўлади. Ойбек юқоридаги шеърини картинада истиоравий иборалар (“қуёш этаги”, “ғуруб чечаги”, “қизил машъала”)дан, ўхшатиш (“нукталар каби”, “бир тўплам кўлка”) ҳамда сифатлаш (“қизил”, “шўх”, “мунгли”, “олтин”)лардан маҳорат билан фойдаланиб, табиатнинг лаҳзалик манзара ва ранглар жилоси, ҳолат ва ҳодисаларини яхлитликда ифодалайди. Қуёш нурлари этакка, денгиздаги товланиш чечакка, машъалага, гала кушларнинг узоклашиб, кўкка сингиб кетиши нукталарга, юлдузлар нури олтинга айланади.

Айтишларича, Э.Верхарнда ижод жараёнида, шеър ёза бошлаганда энг аввало, оҳанг юзага келаркан. “Верхарн доимо аниқ, ўткир ва ўзига хос тарзда ҳаракат ва ҳолатни кўради: шеърларидаги динамизм ана шу зийраклик билан узвий боғлиқдир. Ҳаракат – Верхарн поэзиясидаги товушлар оҳангдорлиги, муштараклигининг асоси”², дея таъкидлайди Я.Фрид. Ойбек ҳам Верхарн каби доим ҳаракатда бўлган борлик, тилсимотлари тўла олам тасвирини шеърга олиб кириб, башариятни ўйга тўлдирган азалий муаммоларга жавоб излайди.

Э.Верхарннинг “Мумдек юмшоқ кеча кўйнига Бостириб киради аёз, сукунат. Қайғу зарбалари бўлиб бешафқат Абадиятни киритар онгга” (“Гумбазлар остида”) сатрларидаги товушлар уйғунлиги тасвирдаги ҳаракат билан муштараклик касб этади. Фалсафий фикр салмоғини, таъсирчанликни оширади. Бу эса Ойбекнинг “Ой кўкда бепарво тентирар яна, Кумуш тун, чексизлик кучоклашганлар” (“Ялта кечаси-2”) тарздаги оҳангдор, аллитерацияга асосланган сатрларнинг яратилиши ҳам асос бўлган. Ёки, Э.Верхарндаги “Ҳайбатли шаффоф гумбаз, самарасиз

¹ Верхарн Э. Стихи. – М., Л.: Худ.лит., 1961. – С. 44.

² Фрид Я. Эмиль Верхарн. Творческий пут поэта. – М.: Худ.лит., 1985. – С. 99.

ва бўм-бўш Юлдузлар тўнган аёз – хувиллаган чексизлик. Инсоний нолаларни бунда мушкулдир англаш – Кўзгусида акс этар музлаган абадийлик” (“Аёз”) тарздаги сирли ва нажиб, Ойбек шеъридаги “Фақат сўнгсизлик ҳар он Хаёлимни кўзгайди. Белгисиз узоқлардан Туйғулар бағишлайди” (“Кўклам тароналари”) сатрларидаги ифодаларда инсоний нолаларни англаш мушкул бўлган чексизлик, унинг кўзгусида акс этган абадийлик билан қахрамон туйғуларини кўзговчи сўнгсизлик ва белгисиз узоқлик уйғунлашади. Жўравозлик ва фикрий муштаракликни юзага келтиради.

“...Э.Верхарн шеъриятида ранг, нур ва зулмат образлари ижтимоий маъно ташийти ва ҳаётни реалистик ифодалашда кенг имкониятларга эга эканлигини кўрсатди. Умуман, Шарқ адабиётида реалистик символларга интилиш кучлидир. Эҳтимол, Э.Верхарн ижодининг Ойбек эътиборини ўзига тортганлиги сабаби ҳам шундадир”¹, дея ёзади адабиётшунос А.Раҳимов.

Э.Верхарннинг “Эй мангулик йўлчиси! Эй инсон! Англаб, ҳис этдингми, сен қайдан?” (“Шаҳар ва далалар”) сатрларидаги “мангулик йўлчиси” образи Ойбекнинг “Эй чексизлик йўлчиси, Кўзи юмуқ, кучли қиз!” (“Нур қизга”) мисраларидаги “чексизлик йўлчиси – кўзи юмуқ кучли қиз” образининг яратилишига ижодий таъсир кўрсатган. Ижодий таъсирнинг тафаккур элагида сараланган, мукамал ишланган намуналарини яратган Ойбек Э.Верхарннинг эргашувчиси ва тақлидчиси бўлмади. Бу унинг қатор шеърларидаги мавзулар талқини, образлар тизими ҳамда ифода воситаларидаги ўзига хосликда яққол сезилиб туради.

Хуллас, Э.Верхарн асарларидан Ойбекнинг ижодий таъсирланиши борликдаги нарса ва ҳодисаларда бетинимликни, тадрижий такомилни акс эттиришда, табиатни майда тафсилотлари билан изчил тасвирлаш воситасида бетакрор картиналар яратиш маҳоратида, тасвир ва сўз такрорларидан самарали фойдаланиб, хушоҳангликни юзага чиқаришида, мусикийлик сатрлар замиридаги ҳаракат тасвири билан уйғунлашиб кетишида кўзга ташланади. Утган асрнинг 20-30 йиллар шеъриятида кўп қўлланган кеча, йўлчи, барг, денгиз, оқшом, япроқ, оғоч каби сўз ва образлар Ойбек шеъриятида янгича маъно касб этиб, чексизлик ва абадийлик ҳақидаги фалсафий фикрлар ифодасига хизмат қилдиришда намоён бўлган.

*Акбар САБИРДИНОВ,
филология фанлари доктори*

¹ Сафо Очил, Азим Раҳим. Замон ва замон садолари. –Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1985. –Б. 157.

ПЕРПЕНДИКУЛЯР ТАСАВВУРЛАР

Дунё фольклоршунослигида эртақларни ўрганиш, тадқиқ қилиш усуллари ва йўллари доимо янгиланиб борган. Мотивлар тизимининг ўсиши ва ўзгариши оқибатида сюжетнинг вужудга келишига кўра тадқиқотлар, асосан, мотивларни текшириш, кузатиш, таснифлаш йўналишида олиб борилган. Ўзбек эртақларидаги шарт-синов мотиви масаласи муаллиф белгилаган мавзуга бўйсунган ҳолда йўл-йўлакай ўрганилган, аммо унинг ўзи махсус кўриб чиқилмаган мотив ҳисобланади. Ваҳоланки, умуман, бадиий адабиёт, хусусан, халқ оғзаки ижодида яратилаётган ҳар бир персонаж, образ, характер сўз санъаткори томонидан муайян ҳаёт заминида ҳаракат қилади. Унинг фаолиятидаги ҳар бир ҳаракат эса шарт-синов билан узвий боғланган бўлади. Ўзбек фольклоршунослигида туш, от, замон ва макон масалалари кейинги йилларда алоҳида диққат билан ўрганилди¹. Бу тадқиқотлар халқ оғзаки ижодида образ яратиш, реал ҳаётни тасвирлаш, бадиий маҳоратга баҳо бериш каби бир қатор илмий муаммоларнинг ҳал этилишини таъминлади. Бироқ халқ оғзаки ижодидаги бадиий асарни ҳаракатга келтирувчи омил унинг қаҳрамони ва унинг тақдирисиз фольклор намунасини тасаввур қилиш мумкин эмас. Инсон тақдири эса ҳаёт томонидан унинг олдида кўйиладиган шарт-синов билан уйғун ҳолда боғланади. Биз танлаган мавзунинг аҳамияти айнан ана шу мақсад билан белгиланади.

Умумий адабиётшунослик қиёслар, типлар, фарқлар-тафовутларнинг илмий изоҳини тадқиқ этиш орқали амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан муаммонинг ўрганилишидаги бошланғич даврни А.Н.Веселовский, Ж.Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, К.Леви-Строс, А.Н.Самойлович, В.М.Жирмунский, Е.М.Мелетинский, В.П.Аникин ва бошқа олимлар тадқиқотлари билан белгилаш мумкин. Бу олимлар мотив масаласи, хусусан, шарт-синов мотиви генезисига доир изланишлар юзасидан назарий ва амалий асосларни яратиб берди. К.Леви-Строс мифлар структурасини тадқиқ қилиш орқали сюжетлар тизимини ҳосил қилган умумий циклга йўл очди. В.Я.Пропп кўрсатиб ўтган мотивлар илк бор тартибга тушди, уларнинг тарихий ва маросимий илдизларини текшириш бошланди. Ж.Ж.Фрэзер мотивларнинг маросим орқали дастлабки мифологик ва бадиий тафаккурга бориб туташишини асослашга имкон берувчи бой манба тўплади. А.Н.Веселовский ишнинг назарий негизини – мотив муаммосини даври учун етарлича ҳал қилиб берди. А.Н.Самойлович ўзбек эртақларини текширар экан, икки етакчи мотивни кўрсатади: жумбоқ айтиш (ёки ёлғон ҳикоя айтиш), синов мотиви².

Ҳ.Зариф, М.Афзалов, М.Саидов, К.Имомов, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Ж.Юсупов, М.Жўраев, Т.Собитова, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул каби ўзбек олимлари муаммога дахлдор ва ёндош изланишларни олиб бордилар³.

¹ Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий илдизлири ва бадиий талқини: ф.ф.н. дисс... – Т., 2000. Қодиров Д. Ўзбек сеҳрли эртақларида замон ва макон талқини. ф.ф.н. дисс. – Т., 2004. Ҳалилова Д. Ўзбек фольклоридида илон образи: ф.ф.н. дисс. – Т., 2004. Эшонқул Ж. Ўзбек фольклоридида туш мотиви ва унинг бадиий талқинлари: ф.ф.д.дисс... – Т., 2011.

² Веселовский А.Н. Поэтика сюжетов. Соб.соч. т. 2. – СПб., 1913; Самойлович А.Н. Сказка “Сорок небылиц” по туркмен., узбек., киргиз. вариантам (“Живая старина”), 1912; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1946; Аникин В.П. Русская народная сказка. – М., 1959; Пропп В.Я. Морфология сказки. – М., 1969; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л., 1974; Леви-Строс К. Структурная антропология. М., 1983; Леви-Строс К. Печальные тропики. – М.: Мысль, 1984; Фрэзер Ж.Ж. Золотая ветвь. – М., 1986; Фрэзер Ж.Ж. Фольклор в ветхом завете. – М., 1989.

³ Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Т.: Фан, 1964; Саидов М. Ўзбек дostonчилигида бадиий маҳорат. – Т.: Фан, 1969; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976; Имомов К. Ўзбек сатирик эртақлари. – Т., 1979; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982; Собитова Т. Ўзбек дostonларида конфликт: ф.ф.н.дисс. – Б., 1984. Юсупов Ж. Хоразм эртағи ва ҳаёт ҳақиқати. – Т.: Фан, 1996; Турдимов Ш. “Гўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Т.: Фан, 2011.

Қаҳрамоннинг синовдан ўтиши барча халқлар фольклори жанрларида турли даражада ва турли кўринишларда учрайди. Ҳар бир янги жанр зарурат. Узгача ифодалаш зарурати. Сюжет ва мотив муносабати ўша жанр, ўша ифода билан боғлиқ тарзда ҳам ўзгаради. Мотив модификацияси эртақларда бошқача, кўшиқларда, достонларда бошқача. Достонда ифода ишонтириш, кўшиқда кўзғатишга қаратилган бўлади. Биз тадқиқ этмоқчи бўлганимиз эртақ интуитив билимларни тартибга солади. Эртақ ишончини кўзлаган ифода эмас. Бу уларнинг ишланганлик даражаси ҳар хиллигини кўрсатади. Фольклор асарлари тадқиқи учун манбанинг ишланганлик даражаси қанча паст бўлса, шунча яхши. Бундай аниқлик сабаб биз шарт-синов мотивини текширишда эртақларни объект қилиб олдик.

Бу мотивнинг, бизнинг ҳисобда, 20 дан ортиқ турлари ва уларнинг ҳар бирининг юзлаб навлари мавжуд. Масалан, тақиб билан боғлиқ шартлар: муайян ичимликни ичмаслик (“Опа-ука”, “Шаҳзода Салмон”); сочни кесмаслик; сирли сўзларни айтмаслик (“Чол билан кампир”, “Меҳригиё”, “Соҳибжон ва Аҳмаджон”); қиз туғмаслик (“Олтин қиз”); пари юзидаги 40-пардани кўтармаслик (“Мислабу”); маликага қарамаслик (“Ҳасан ва Хусан”); гапирмаслик (“Беш қиз”, “Сирли туш”, “Тўқлибой”, “Етти аҳмоқ”, “Куйган чол”). Синовдан ўтолмаганлар маҳрумликка учрайдилар, жазоланадилар. Ёки куч синашиш билан боғлиқ мотив ҳам эртақларда энг кўп ва турли шаклларда учровчи синов мотивидир. Душманларни қисмонан, руҳан энгиш талаб қилинади. Куч турли йўллар билан синаб кўрилади. Жисмонан бақувватлик пойгада чопиш, сокка ирғитиш, ўк отиш, арқонларни узиш, кураш, дарахтни кўпориш, кўп овқат ея олиш шаклларида келади. Руҳий қувват эса оловли хонадан омон чиқиш, аждарни энгиш, бошқа қиёфага кириш, кимнидир даволаш йўллари билан аниқланади. “Момир ва Сомир”, “Пахлавон Рустам”, “Қорасоч пари”, “Аждар қуш”, “Ғуллом полвон” эртақ сюжетларида бу синов мотивининг кўплаб турларини кўрамиз.

Имкон даражасида айрим шарт-синов мотивлари генезисини аниқлашга уринайлик: қиздирилган темир хонадан омон чиқиш шарт. В.Я.Пропп “Сеҳрли эртақларнинг тарихий илдизлари” китобида ҳам, “Эртақлар морфологияси”нинг “Қаҳрамонга оғир топшириқнинг юкланиши” (XXV) қисмида ҳам бу шарт ҳақида фикр билдирмаган. Ушбу синов мотиви “Аҳмадлар” эртагида учрайди. “Етим Иброҳим ва очкўз дўкондор” номли озарбайжон эртагида золим шох ва унинг тарафдорлари ўтда қуйдирилади. “Алпомиш”дан ўқиймиз: “Алпомиш... Шохимардон пирнинг тарбият қилганидан ўтга солса, қуймас эди, қилич солса, ўтмас эди, милтиқ отган билан ўқи ботмас эди...”

Х.Эгамов тадқиқотларида оловнинг айбдорнинг чиндан ҳам айбдор ёки айбсизлигини аниқлаб берувчи восита эканлиги баён қилинган. Гуноҳсиз одам оловдан соғ-омон чиқиб келган. Олим фикри исботи учун “Рамаёна”даги Ситанинг олов ёрдамида поклигини исботлагани тасвирини беради². Ж.Юсупов Л.А.Лелековдан маълумотлар келтиради: Оролбўйи қабилаларида қабилла бошлиғи ўлса, танаси тўртбурчак шаклидаги ёғоч уйга қўйилиб, ёндирилган. Бу маросим излари Қўйқирилганқалъада сақланган. Олим қадим ҳинд ёдгорлиги “Упанишад”дан парчалар ҳавола қилади: “Улим худоси Яма жасадга қарата: “Мен сени самовий оловга топшираман. Билгинки, бу олов боқий дунё маҳсули!” дер эмиш. Жисм ёнса, руҳ олов билан кўкка ўрлагай, Брахман нурига қўшилиб кетгай”³. Зардуштийликда ҳам марҳумлар қуйдирилган, олов муқаддаслиги айтилган. Жисм, руҳнинг олов билан туғридан-туғри мулоқоти илдизи қаерда? Қайси дастлабки мотив динларга турли кўринишларда сочилиб кетган? Эртақдаги Иброҳим исми кимга далолат? Қуръони карим гувоҳлиги: “Биз айтдик: “Эй олов, сен Иброҳим учун салқинлик ва омонлик бўл!” (Анбиё сураси, 69-оят). Динларда, бадий асарларда сочилиб ётган, маросимларда узлуксиз турли даражада амалга оширилган олов билан боғлиқ урф-одатлар, шартлар Анбиё сурасидаги Иброҳим а.с.нинг жисман, руҳан олов билан юзлашишига ишора

¹ Алпомиш. Достон. - Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 225.

² Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. - Т.: Ўқитувчи, 1982. Б. 128-129.

³ Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. - Т.: Фан, 1996. Б. 106-107.

қилаётгандек.

Бошқа қиёфага кириш шартини олайлик. Тақиқланган мева ёки ичимликни истеъмол қилиш қахрамонни имкониятлари чекланган ҳолатга келтиради. Аёлга ҳомиладорлик, эркакка трансфигурация, яъни қиёфа ўзгариши хавф солади. Қахрамон жазо муддати тугагунча никобда юришга мажбур бўлади.

“Беш қиз” эртагида дуо билан маймунни одам ҳолига қайтариш ва маймундан асл одамга айланиш мотивлари бор. Дев жазолаш учун дуо билан қахрамонни маймунга айлантиради, уни маликанинг дуоси аслига қайтаради. Жазонинг бу тури ҳақида Куръони каримнинг Бақара (65) ва Нисо (154) суралари хабар беради. Шанба куни балиқ овламаслик шартини бузган қавм маймунларга айлантирилади.

Баъзи эртақларда никоб ёрдамчи кучга айланади. Эртақларда ўзини дарёга ташлаган кизни ютган балиқ ҳақида ҳикоя қилинади. А.Мусақуловнинг “Ўзбек халқ қўшиқларининг тарихий асослари” китобидан ўқиймиз: “Нил бўйидаги халқлар ҳар ёш қизни ясантириб, Нилга ташлаганлар. Гўё шу билан қиз ва эр деб билинган дарёни никоҳлаганлар”. Балиқнинг қимгадир аталган кизни ютиши қизни дарё никоҳидан сақлаган. Балиқнинг омонатни сақловчи восита эканлиги Юнус а.с. қиссасига алоқадордек.

Алоҳида иктидор эгаларининг кўримсиз, ёқимсиз никобда яширин (масалан, турли бош кийимларида, турли соч турмаклари билан, қал, қурбақа малика, тошбақа шаҳзода қиёфасида) юриши учрайди. В.Пропп “Сехрли эртақларнинг тарихий илдизлари” да бу ҳодисани инициация² вақтида бошга чизиладинан турли хайвон тасвирлари, турлича қирғишланган сочлар билан; никоҳ инициациясида сочининг катта мажик кучга эгаллиги билан боғлайди.

Асарнинг “Оловли дарёда” қисмида инициация вақтида кишиларнинг дафн маросимида тананинг терига ўралгани ҳақида маълумот беради³. Ўзгарган қиёфа, ўзгарган шакл бошқа оламга олиб ўтувчи воситадир. “Зулм” эртагида отасининг никоҳидан қочиб қиз қиз кигиз кийиб беркиниб юради. Яна бир эртақда тулупга солинган қахрамонни овчи қуш дарёдан олиб ўтади ва ўликлар маконига элтади. “Беш қиз” эртагида бўлса қаландарлар қахрамонга нега йиғлаётганлари сирини очиш учун шарт қўяди: “Бозорга бориб, бир катта қўй олиб кел, сўйиб гўштини бизларга бер, ўзинг терисига кириб турсанг, шундан кейин биз сенга бу сирларни айтамыз”. Қахрамон шартни бажаради, аммо терида ётган вақти семурғ келиб кўтариб кетади ва чўлу биёбонга олиб бориб емоқчи бўлади. Теридан чиқиши билан семурғ қўрқиб учиб кетади. Қахрамон иккинчи марта яна чўлда қолиб кетади. Хулоса шуки, ниманидир билиш учун қиёфа ўзгартирилади, семурғ қиёфаси ўзгарган қахрамонни ўзга оламга – чўлга олиб ўтади.

Жазога буюрилган ошиқларнинг хом терига солиб жазоланиши дostonларда қуйланган.

Инсоннинг қиёфа ўзгартириши Куръони каримда икки пайғамбар ҳаёти билан боғлиқ ҳолатда тилга олинади. Биринчиси, ғазаб устида қавмини тарк этган Юнус а.с.нинг кемачилар томонидан сувга улоқтирилиши. Чунки гуноҳқорни аниқлаш учун ташланган қуръа учинчи марта ҳам Юнус а.с.ни кўрсатади. Юнус а.с.ни кит ютиб юборади, 40 кунлик ибодатдан сўнг, тавба муддати тугагач кит оғзидан омон чиқади. Бу Аллоҳнинг рухсатисиз қавмини тарк этгани учун берилган жазо эди. Юнус а.с. гуноҳлар олаmidан дастлабки гуноҳларсиз оламга ўтадилар. Бирор жонивор терисига кириш мотиви шу сюжетдан ўсиб чиққандек. Иккинчи пайғамбар – Исо а.с. Куръони каримнинг “Нисо” сурасида айтилади: “Ҳолбуки уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат (бошқа бир киши Исога) ўхшатиб қўйилди, холос”. Биз ён бераётган фикрлаш тарзи бошқа инсон қиёфасига ўтиш мотивини мазкур сюжетга алоқадордек кўрсатади. Илохий китоблардаги тушунчалар оғзаки, ёзма адабиётни кесиб ўтгандек ва бизни туташ тасаввурлар ичида қолдиргандек бўлади.

Шаҳноза НАЗАРОВА

¹ Мусақулов А. Ўзбек халқ қўшиқларининг тарихий асослари. – Т., 1994. Б. 8.

² Усмирликдан эр йигитликка ўтиш маросими.

³ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1946. С. – 121-122.



КАНАДА



Мустақиллик санаси:

1867 йил 1 июль


Пойтахти: *Оттава*

Майдони: *9 984 670 км²*

Аҳолиси: *34 568 211*
киши

Расмий тили:

Инглиз ва француз тили



БАҒРИ КЕНГ МАМЛАКАТ

Канада иқтисоди ва саноати ривожланган, кўпмиллатли, табиий ресурсларга бой мамлакатлардан бири ҳисобланади. Канаданинг ўзига хос миллий маданияти шаклланишида давлат ривожланишининг стратегияси даражасидаги “Мультикультурализм” (кўпмаданиятчилик) сиёсати асосий омил ҳисобланади.

“Мультикультурализм” фалсафаси амалда Канада жамиятидаги турли миллатларнинг ўзига хос маданияти, тили, адабиёти ва бошқа санъат турларининг тенг ривожланиши гаровидир.

ЮНЕСКО Умумжаҳон ривожланиш комиссиясининг 1997 йилдаги қарорида миллий ривожланишда миллатлараро этник ва ижтимоий тенглик муаммоларини ечишдаги катта ютуқлари билан Канада барча давлатлар учун намуна бўла олади деб эътироф этилган.

Аҳолисининг сони нисбатан камлигига қарамай, миллий ва ҳудудий жиҳатдан тили, дини ва ўзига хос анъаналарига эга Нью Брансвик, Янги Шотландия, Онтарио ва Квебек колониялари бирлашмаси асосида 1867 йил Конфедерация – янги Канада давлати ташкил этилиб, инглиз ва француз тиллари расмий давлат тиллари деб қабул қилинади.

Адабиёт

Канада адабиётининг дастлабки шаклланиш даври XVI-XVII асрлар давомида француз ва инглиз мустамлакачиларининг Канадага кириб келиши ва колониялар тузиши палласига тўғри келади. XVIII асргача Канада адабиёти канадалик ҳинду, инуит ва эскимосларнинг оғзаки ижоди, дунё ва коинот яралиши ҳақидаги афсоналари, анъанавий фольклор кўшиқлари, европалик сайёҳлар ва миссионерлар кундаликлари, ҳарбий аскарлар, савдогарларнинг таассуротлари, губернаторларнинг мемуарларидан иборат бўлган. Кейинчалик ёзилган бадий асарлар

француз ва инглиз классик адабиёти анъаналари таъсирида ёзилган-лиги, фақат шакли шамойили ва мазмуни Канада воқелигига кўчгани сезилиб туради. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмига келиб ҳажм ва мавзу жиҳатидан тор ва жўн бўлган Канада адабиёти кенгайиб боради.

XIX аср француз Канадаси поэзияси ривожланишида Квебек ва Монреаль шеърият мактаблари атрофида бирлашган романтик шоирлар гуруҳининг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Франсуа Касавье, Дени Гарно, Гюстав Фрешетт, Шарль Жиль, Эмиль Неллиган, Албер Лазо каби шоирларнинг ижоди аввалги тақлидчиликдан узоқлашиб, ўзига хос услубларда ватанпарварлик, озодлик туйғуларига бой, инсон улуглигини тараннум этувчи хусусият касб этади. Айниқса, “Миллат шоири” деб тан олинган Октав Кремазининг шеърияти ва адабий мероси француз Канадаси адабиётида алоҳида ўринга эга. Кремази поэзиясида шахсий ҳиссиётлар эмас, кўпроқ миллат ва жамиятни уйғотиш ғоялари, инсон орзу-идеаллари устуворлик қилади. Кремази адабий мероси фақатгина шеърият билан эмас, балки франко-канада адабий муҳитининг ривожланиш тенденцияларига бўлган муносабати, ижтимоий-фалсафий қарашлари билан ҳам эътиборга лойиқдир. Октав Кремази 1862 йил “Канада оқшомлари” номли илк адабий журнал нашрини йўлга қўяди ва унда ўз даври адибларининг янги асарларидан парчалар бериб боради. XIX аср франко-канада бадий адабиётида роман ва ҳикоя жанрларида эътиборга лойиқ асарлар деярли яратилмайди. Катта ижтимоий кучга эга черков руҳонийлари адабиёт ва санъат ривожини чеклаб, ёзилган асарлар нашрини маън этишгача борадилар. Шунинг учун ҳам фақат А.Эммоннинг оддий французлар ҳаёти қаламга олинган “Мария Шапделен” романини эътиборга олмаганда, тадқиқотчилар ушбу даврни “йўқотилган имкониятлар ва ёзилмаган китоблар даври” деб аташган.

Канаданинг англо-канада адабиётида маърифатпарварлик ғоялари устун бўлиб, асосан, инсон ва табиат, Онтарио кенгликларидаги ҳаёт, мустабидликка қарши кураш мавзулари асосий ўрин эгаллайди. “Сатира отаси” деб ном олган Томас Хамбэртоннинг “Соатсоз”и Канада адабиётининг биринчи энг машхур ва етук асари ҳисобланади. Хамбертоннинг “Соатсоз” ва “Атташе” асарлари аслида бадиа ёки сайёҳлар кундалик дафтари шаклида ёзилган бўлиб, унда ижтимоий муаммоларнинг ўтқир сатира орқали танқидий ёритилиши образлар таъсирчанлигини янада оширади. Муаллиф Сэм образида баъзи америкаликлар характерига хос манманлик, фирибгарлик, оддий ва соддадил одамларга нисбатан беписандлик, товламачилик каби нуксонларни ёрқин эпизодларда фош этади. “Соатсоз” аввал “Новоскошн” газетасида босилади. Кейинчалик Канадада бир неча бор нашр этилиб, Англия, АҚШ, Франция, Германия ва бошқа мамлакатлар тилларига таржима қилинади. Опа-сингил Катрина Трейл ва Сюзанна Муди ҳикояларида Канаданинг бўйсунмас табиати, қаҳратон совуқ иқлимида европаликларнинг ҳаёт учун кураши, асл канадалик хинду-инуитлар билан муносабатларининг ёритилиши жамоатчилик эътиборини тортади.

XIX аср англо-канада адабиётида муҳим ўрин эгаллаган ёзувчилардан бири Ж. Ричардсон бўлиб, унинг “Текулис – Ғарб курашчиси” поэмаси, “Вакуста”, “Канадада саккиз йил”, “Тугалланмаган 1812 йил уруши” романларида Канада хиндуларининг америкалик босқинчиларга қарши мардонавор кураши бадий талқин этилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Канада адабиётида миллийлик учун интилишлар даври бошланади. Канада халқининг миллий бирлиги, ягона миллат сифатида ўзликни англаш, ватанпарварлик, бетақрор табиат манзараларини қуйлаш франко-канада ва англо-канада ёзувчи ва шоирлари асарларининг асосий мавзусига айланади. Ушбу давр адабиётида поэзия алоҳида ўрин эгаллайди. Англо-канада шоирлари: Александр Маклачлан, Чарльз Мэр, Изабелла Кроунфорд, Чарльз Робертсон,

Д. Скотт, Блисс Кармен шеърятти эътиборга лойиқ. Канада табиати куйчиси Арчибальд Лампмен ўша даврнинг энг иқтидорли шоири деб эътироф қилинади. Лампменнинг ижтимоий тенгсизлик, ёвузлик ва босқинчилик қораланган “Ер лирикаси” поэмаси турли тилларга таржима қилинади. Помена Жонсон (асл ҳиндуча исми Техаки Онвейк) поэмалари ва шеърларида она табиат манзаралари, қадим ҳиндулар кўшиқларидаги эрк ва озодлик ҳақидаги орзу-хаёллар ўзининг ёрқин бадий ифодасини топади.

XX аср Канада бадий адабиётида кескин бурилишлар, мавзу ва жанр доирасининг кенгайиб бориши, янги замонавий йўналишлар кўзга ташланади. Кишлоқ ҳаёти, фермерларнинг мураккаб турмуш тарзи, ижтимоий муаммолар, табиатнинг шафқатсизлиги Фридрих Филлип Гров, Тимоти Финдлей, Жак Годбу, Рюжан Дюшарм романлари ва Марли Каллахон прозасининг асосий мавзусига айланади. Хью Макленан эса “Барометр”, “Икки ёлғизлик” романларида Канада ижтимоий-маданий ҳаёти учун муаммоли бўлган англо-канада ва франко-канадаликлар орасидаги муносабат, қарама-қаршилик масаласига эътибор қаратади. Канада “юморининг отаси” Мордихай Ричлер асарларида жамиятдаги ижтимоий муаммоларнинг ҳажвиёт орқали ёритилиши Канада адабиётини жанр жиҳатидан кенгайтиради. Машҳур романапис Робертсон Дэвиснинг “Дептфол трилогияси”ни адабиётшунослар XX аср Канада бадий адабиётининг энг мукамал асари деб эътироф этади. Канада замонавий адабиётининг атоқли намояндalarидан бири Тимоти Ирвин Фредерик (адабий тахаллуси ТИФФ) номи Канада адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Канада ва Франциянинг Олий орденилари кавалери ТИФФнинг “Урушлар” романи Канада генерал-губернаторининг Олий мукофотига сазовор бўлган. Тимоти Ирвин Фредерик Канада адабиёт Ассоциациясининг уч номинацияси бўйича – “роман, драма ва ҳикоя асарлари учун” мукофотининг ягона совриндори ҳисобланади. Унинг “Зиёратчи”, Анн Эбернинг “Камураска” романлари жаҳон адабиётининг энг сара асарлари қаторидан ўрин эгаллаган. Майкл Ондатже асарлари, Маргарет Этвуднинг ҳикоя ва новеллалари Букер мукофотига, Кэрол Шилдснинг “Стоун қундаликлари” асари Пулитцер мукофотига сазовор бўлиши, Габриэль Руанинг “Тасодифий бахт”, Кинселланинг “Орзулар майдони” асарлари асосида бадий фильмлар яратилиши, Майкл Ондаатжининг “Англиялик пациент” фильми “Оскар” мукофоти билан тақдирланиши Канада адабиётининг дунёга чиқишида муҳим аҳамият касб этди.

XX асрнинг иккинчи ярмида Канада поэзияси юксак даражага кўтарилди. Замонавий Канада шеърятининг ўзига хос мавзу ва услублар ранг-баранглиги машҳур шоирлари Филлис Вебб, Маргарет Этвуд, Гведолин Мак Юин ижодида намоён бўлади. Эрл Берни ижодидаги ижтимоий мавзунинг янгича поэтик ифодаси, Леонард Коэннинг сюрреалистик тажрибалари, Жо Розенблатнинг шаклий экспериментлари, Барри Николь қаламига мансуб шеърӣ романлар ва поэмалар, Кристиан Бёкнинг “куйловчи” поэзияси, Патрик Лейннинг содда шеърӣ ҳикоялари, поэзиядаги услубий, бадий-ғоявий изланишлар кўламининг кенглиги Канада шоирларини жаҳонга танитади.

Канада адабиётининг ривожидида мамлакатда адабиёт ва маданият раънақида давлат сиёсати даражасида аҳамият берилишининг ўрни бекиёс. Шу муносабат билан аҳолининг бадий-эстетик онгини шакллантиришга қаратилган қатор дастурларни эшлаш жоиз. Шулардан бири “Шеърӣ тарбияси” дастури бўлиб, биринчи босқичда 7-12 ёшли болаларнинг бадий ижодга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш учун машҳур шоирларни бошланғич ва ўрта мактабларга устоз сифатида бириктириш ишлари амалга оширилади. Иккинчи босқичда эса олий ўқув юртлири талабалари, ҳукумат идоралари хизматчилари ва турли соҳа ходимларида шеърӣга қизиқиш уйғотиш, ижод қилишлари

учун амалий ёрдам сифатида таниқли шоир ва адибларни жалб этиб, хаваскорликни рағбатлантиришга эътибор қаратилди.

XX асрнинг 90 йилларида “Канада шоирлари лигаси” ташкил топади. Лига шеърятга бағишланган турли фестивалъ ва танловлар ўтказди, болалар шеърлари тўпламлари, хаваскор шоир ва ёзувчилар ижодидан намуналар нашр этиб, кенг тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади.

Лиганинг яна бир муҳим вазифаларидан бири хорижий мамлакатларда Канада ёзувчиларининг китоб бозорлари ва ярмаркаларини ўтказиш, дунёдаги адабиёт марказларига Канада шоирлари ва адибларининг янги асарлари ҳақида ахборот тарқатишдан иборатдир.

“Шоирлар лигаси”, Канада ёзувчилар уюшмаси, Канада муаллифлар ассоциацияси, Канада шеърят ассоциацияси, “Ёзувчилар болалар учун”, Канада санъати конфедерацияси каби ташкилотлар ҳамда адабиёт соҳасидаги энг нуфузли миллий мукофотлар кўпмиллатли Канада адабиёти ва санъатининг тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

2013 йилда 82 ёшли ёзувчи Элис Манронинг адабиёт бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлиши Канада адабиётининг мавқеини янада юксакликка кўтарди.

Театр ва драматургия

Канада театр санъатининг шаклланиши XVII асрда ҳиндуларнинг афсона, фольклор ва маросим қўшиқлари ижроси, француз ва инглиз муҳожирлари, миссионер ва сайёҳлар учун кўрсатилган томошалардан бошланади. Квебекдаги Франция мустамлакачилари колониясида роҳиб изуит О.Рагено муаллифлик қилган спектакль Канадада театр санъатининг илк намунаси ҳисобланади. Факатгина XVIII асрнинг охирида Галифаксда махсус Катта театр курилиб, унда инглиз театрлари труппалари спектакллар кўрсатишган. XIX асрга келиб, Торонто ва Монреаль шаҳарларида биринчи профессионал труппалар ташкил топиб, театр бинолари курила бошлаган. Шу даврдан бошлаб театр санъати ва драматургия бир тарафдан Британия, Франция ва АҚШ театрлари репертуари, кейинчалик эса европалик муҳожир санъаткорларнинг таъсири остида ривожланиб борган. Аслида Канада профессионал театрининг шаклланиши машҳур драматург Мишель Тремблининг ижоди билан боғлиқ. Мишель Трембли ва Мишель Марк Бушар асарлари фақат Канада эмас, АҚШ ва Европа театрларида ҳам муваффақият билан сахналаштирилган. 1950 йиллардан Канадада янги театрлар сони ошиб боради. Оттава, Ванкувер каби йирик шаҳарлардаги турли профессионал ва экспериментал театрлар, иктидорли актёр ва режиссёрлар ижоди театр санъати ихлосмандлари эътиборини тортади. Театрлар асосан Шекспир, Мольер, Ануй сингари таниқли драматурглар асарларига мурожаат қилади. 1960 йилгача канадалик ёзувчилар драматургия жанрига беписандлик билан қараб, миллий мавзудаги замонавий пьесалар ёзишга шошилмайдилар. Қарийб ўн йиллар мобайнида театрлар томошабинларга фақат Европа ва француз драматургияси асосида спектакллар намойиш қилади.

1970 йилларга келиб, бир қатор экспериментал ва университетлар қошидаги талабалар театрлари канадалик драматургларга ҳамкорлик қилишни таклиф этади. Шу тариқа Жорж Рига, Жон Клоутер ва Жон Херберт асарлари Канада миллий драматургиясининг илк намуналари сифатида юзага келиб, мавзу ва ҳаётий образлари билан томошабинларнинг театрга бўлган қизиқишини кучайтиради. Замонавий драматурглардан Марсель Дюбе, Мишель Тремблэ, Робер Гурик, Жак Барбо пьесалари инглиз тилига, драматурглардан Кэррол Болт, Шерон Поллок, Дэвид Френч, Биверли Френч, Майкл Кук, Жудит Томпсон асарлари француз тилига таржима қилиниб, Канада театрлари қатори АҚШ ва Европа театрлари репертуарини ҳам бойитади. Тадқиқотчиларнинг

фикрича, миллий драматургиянинг ривожда инглиз ва француз тилида ижод қилувчи ёзувчиларнинг ўзаро бирлашиши, узоқ йиллар давом этган “икки ёлғизлик” муаммосининг ҳал бўлишида муҳим ўрин тутди.

Канада театр санъатининг ривожланишида таниқли театр арбоби, машҳур режиссёр, драматург, Станиславский номидаги ва “Олтин Маска” мукофотлари совриндори Робер Лепаж, режиссёр ва драматург Доменик Шампань, Морис Пачис, Уильям Б. Девис, машҳур балериналар Эвелин Харт, Карин Кейн номлари фахр билан тилга олинади.

Бугунги кунда Канадада 90 дан ортиқ драма театрлари, шунингдек дунёга машҳур Монреаль опера театри, Канада опера театри, Монреаль балет театри, Кирил балет театри, Давлат Миллий балет театри, Оттавада “Опера Лири” театри, Миллий санъат маркази фаолият олиб бормоқда.

Театр санъати ва драматургиянинг янги босқичга кўтарилиши учун мамлакатда мунтазам равишда халқаро миқёсдаги театр фестиваллари ўтказилишига катта аҳамият берилади. Ҳар йили Стратфордда ўтказиладиган Шекспир асарлари фестивалида турли мамлакатлар театрлари энг сара спектакллари билан иштирок этади. Фестиваль давлат тарафидан молиялаштирилиб, 2000 томошабинга мўлжалланган махсус театр биносида ўтказилади. 2006 йилдан бери Торонтода ўтказиб келинаётган экспериментал театрлар фестивалида 40 минг томошабин 12 кун давомида намоёниш этиладиган мингдан ортиқ спектаклни кўриш имкониятига эга бўлади. Ҳар йили Ниагара шаҳрида ўтказиладиган Бернард Шоу асарлари фестивали ҳам халқаро театр алоқаларининг кенгайишида муҳим ўрин эгаллайди.

Кино

Канада кино санъатининг тарихи мамлакат ҳаёти ва табиати ҳақида хужжатли фильмлар яратишни йўлга қўйиш мақсадида 1939 йилда ташкил этилган “Кинематография Миллий кенгаши”нинг фаолияти билан бошланади. 1967 йилга келиб бадий фильмлар яратиш учун режиссёр ва продюсерларни қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит яратиш мақсадларида Канада кинематография ривожланиш корпорацияси (бугунги кундаги “Канада телефильми”) ташкил этилади.

Хужжатли фильмлар яратишда маълум муваффақиятларга эришган режиссёрларнинг дастлабки бадий фильмлари кўпроқ ҳаётий воқеалар, оилавий муносабатлар ва бошқа кундалик ҳаётда учраб турадиган маиший мавзуларга бағишланади. Кейинчалик, 1980 йилларга келиб Дени Аркан, Атом Эгоян, Норман Жудисон сингари режиссёрларнинг турли мавзуларда фильмлар суратга олиши билан Канада киносининг халқаро миқёсдаги фестивалларда иштирок этиш имконияти пайдо бўлди.

Дени Аркан бугунги кунда жаҳон киносининг энг машҳур режиссёрларидан. Унинг “Америка империясининг ботиши” (1986), “Монреаллик Исо” (1989), “Варварлар хужуми” фильмлари “Оскар” мукофоти номинацияларида “энг яхши сценарий учун”, Канн мукофоти ва уч марта “Сезар” мукофоти, Канада давлат мукофотларига сазовор бўлган. Режиссёр Дени Вильевнинг “Тўфон”, “Политех” фильмлари Миллий “Жинни” мукофоти, “Ёнғин” фильми “Оскар” номинациялари билан тақдирланган. Канада киносининг машҳур режиссёрларидан бири Касавье Долан 24 ёшидаёқ “Мен онамни ўлдирдим”, “Ҳаёлий муҳаббат”, “Уша Лоран” фильмлари учун Канн фестивали мукофотларига сазовор бўлган. “Том фермада” фильми эса Европадаги Венециан фестивалига тақдим этилиб, кинотанқидчилар тарафидан “Канада киносининг келажиги” деб эътироф этилган. Касавье Долан ўз фильмларида фақат режиссёр эмас, балки сценарий муаллифи, актёр ва дизайнер ҳамдир. Канада кинорежиссёрлари орасида Гай Маддин ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг “Гимни касалхонаси эртаклари”, “Музлаган нимфалар”, “Номардлар ёки мовий қўллар” фильмлари фантазмагория ва

“эски кино” услублари синтезида суратга олинган бўлиб, 1920-1930 йиллар “ок-қора” фильмларини эслатади. Кино оламида унга “даҳо” деб мурожаат қилишади. Машҳур режиссёр, сценарийнавис, актриса Ниа Вардалоснинг “Менинг энг катта юнонча тўйим” фильми замонавий кино классикасига айланиб, турли хорижий тилларга таржима қилинган ва “Оскар”, “Олтин глобус” мукофотларига сазовор бўлган.

“Жаҳон киноси юлдузлари” деб эътироф этилган актёрлар Нина Добрев, Мэри Пикфорд, Дональд Сазарленд, Майкл Жей Форс, режиссёрлардан Жеймс Кэмерон (“Аватар”, “Терминатор”, “Титаник”), Норман Жудисон (“Исо Масих – ёрқин юлдуз”, “Ой салтанати”) асли канадалик бўлиб, дастлабки ижодини ўз юртида бошлаган.

Муסיқа

Канада миллий профессионал муסיқасининг ривожини XX асрда, дунё ҳамжамияти Канадани мустақил мамлакат сифатида тан олган даврга тўғри келади. Профессионал муסיқа маданиятининг Канадага кириб келиши ва ривожиди Европадан кўчиб келган композитор ва ижрочиларнинг ижоди катта аҳамиятга эга. Аслида, Канадада қадимдан асл канадаликларнинг маросим ва халқ ижрочилиги санъати, жаз муסיқаси кенг тарқалган бўлса-да, XX аср охирига келиб Европа, Англия ва Россия композиторларининг мумтоз асарларига бўлган қизиқиш ортиб борди. Айниқса, Оттава, Монреаль, Торонто шаҳарларида ташкил қилинган дунёнинг машҳур симфоник ва камер оркестрлари концертлари канадаликларда профессионал муסיқа, композиторлик ва ижрочилик санъатига катта қизиқиш уйғотди. Умуман, Канада муסיқа санъати тез суръатларда ривожланиб, бугунги кунда ўзига хос муסיқий асарлари, машҳур композитор, ижрочи ва симфоник оркестрларининг юксак бадиий даражаси билан эътиборни тортади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Канада композиторларининг асарларида бетакрорлик, миллий маданиятга хос оҳанглар сезилиб туради. Бу уйғунликда табиатга боғлиқлик ва яқинликни бадиий-фалсафий идрок этиш тенденциялари устувордир. Композиторлардан Серж Гарант, Узо Каземетис, Шафер, Ж. Папино Кутюр, Д. Хелли асарларида ўзгариб бораётган ташқи дунёни эмас, балки инсонни ўраб турган муҳит, инсоннинг табиатдаги ўрни ва моҳиятини англашга интилиш руҳи устун. Композиторлар бадиий ижоднинг мавжуд услубларидан воз кечмаган ҳолда, янги замонавий шакллар топишга интиладилар. Мисол тариқасида авангард композиторлар Ж.Беквит ҳамда Ж.Вейнцвейг асарларини ижро этиш жараёнида муסיқа ва товуш оҳангига мос слайдлар ҳамда ёруғлик эффектларидан фойдаланиш, ҳатто оркестр ижрочиларини сахнада ҳаракатга келтириш тажрибаларини келтириш мумкин. 1972 йилда ижро этилган Отто Йоахимнинг “Одамзод” муסיқий асаридаги экспериментал тажрибалар бугунги кун композиторлари ижодида янги услуб ва йўналишларнинг вужудга келишига туртки бўлди. 1953 йилда ҳинду афсоналари асосида биринчи ҳинду миллий операси – “Цинко”нинг яратилиши Канада миллий маданий ҳаётида катта воқеага айланди. Бугунги кунда Монреаль ва Квебек катта симфоник оркестрларидан ташқари, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида 20 га яқин симфоник оркестр фаолият олиб бормоқда. Профессионал муסיқа билан ёнма-ён, жаз муסיқасининг ривожига, шунингдек, халқ ашулаларини тўплаш, ижро услубларини тиклаш масаласига ҳам жиддий аҳамият берилади. Ҳар йили Монреалда халқаро муסיқа фестивали ва муסיқа ижрочилари кўрик-танловлари ўтказиб турилади.

Канада муסיқа маданиятининг жаҳонга кенг танилишида қўшиқ ва ижрочилик санъати йўналишидаги, миллат фаҳрига айланган Брайн Адамс, Селин Дион, Аланис Моррисет, Шанайя Твэйн, Нелли Фуртадо, Жастин Бибер, Нил Янг, Леонард Коэн, Даниэль Лавуа, Клермон Пе Пинь, Глен Гульд каби санъаткорларнинг ўрни катта.

Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморлик

Канада тасвирий санъатининг дастлабки намуналари Пол Клейн, Анна Хопкинс, Томас Девис, Корнелиус Кригхофф каби сайёҳ рассомларнинг Канада табиати, дарё ва кўллари, оддий одамлари акс этган пейзаж ва натюрмортларида кўрина бошлайди. Поль Клейн лавҳаларида ҳали инсон бўйсундирмаган табиат манзаралари, резервациялардаги ҳиндулар ҳаёти ифодаланган бўлса, К.Кригхофф картиналарида оддий муҳожир деҳқонларнинг оғир, машаққатли меҳнати бадий реалистик бўёқларда тасвирланади.

XIX аср охирида Канадага келган европаликлар ўзлари билан машҳур рассомларнинг асарларини ҳам олиб кела бошлайди. Натижада, канадалик мусаввирлар дастлаб Европа тасвирий санъати анъаналарига тақлид қилади. Кейинчалик турли жанр ва йўналишлардаги ранг-баранг ижод намуналари ривожланишда давом этади. Жумладан, Жон Фрезер, Генри Сандхэм, Ж. Мари Горацій, Горацій Уолкнер сингари рассомлар ўз асарларида Шарқий Канада табиати ва диний сюжетлар қаҳрамонлари тасвирига кўпроқ эътибор қаратса, Фредерик Вернер, Генри Уэрр, Ганьон Кларенс сингари мусаввирларнинг асарларида Британия Колумбияси ҳиндуларининг турмуш тарзи, ҳайвонот ва табиат оламини тасвирлашга бўлган интилиш устуворлик қилади. 1879 йилда Оттавада Канада Қироллик санъат академияси ва Миллий санъат галереяси ташкил этилиши канадалик рассомларнинг асарларини жамлаб, коллекция тузиш имкониятини яратди. Кейинчалик энг иқтидорли рассомларнинг асарлари Торонто Қироллик музейи ва Торонто бадий галереясига тақдим этилади.

Миллий тасвирий санъат ривожидан 1919 йилда ташкил топган машҳур “Етти гуруҳ”га бирлашган рассомларнинг ижоди муҳим аҳамият касб этади. Ушбу гуруҳ аъзолари бўлмиш А.Жексон, Д.Макдональд, Ф. Крамайкл, Л.Гаррис, А.Лисмер, Ф.Уорлей, Ф.Жонстонлар ўша давр тасвирий санъатида давом этаётган Европа рассомлари асарларига тақлидчиликдан бутунлай воз кечиб, миллий мавзу ва шаклларда ижод қилиш фикрини билдиради. “Етти гуруҳ” рассомлари тасвирий санъатга олиб кирган “янги ҳаво” ва миллий рух, адабиёт ва айниқса, поэзияга узоқ йиллар кучли таъсир ўтказиб келган. Гуруҳ аъзоларидан Эмиль Карр ва Давид Мильнанинг номлари машҳур рассомлар қаторидан ўрин эгаллайди. Бир муддат Францияда яшаб қайтган Альфред Пеллан ва Поль Эмиль сингари фидойи инсонлар ўз маблағлари эвазига Монреалда дастлабки бадий ижод мактабини очади. Бу ўзининг самарали натижаларини беради ва иккинчи жаҳон урушидан кейин деярли ҳамма катта шахарларда санъат мактаблари очилади.

XX аср охирига келиб, Канада рангтасвир усталарининг ижоди янги-янги замонавий жанр ва йўналишлар билан бойиб борди. Лекин, қайси жанр ёки йўналишда бўлмасин, романтик реализм, абстракт экспрессионизм, кубизм ёки бошқами, барчаси учун умумий жиҳат Канаданинг гўзал ва бетакрор табиати бўлиб қолаверди.

Канада миллий тасвирий санъатининг жаҳонда кенг тарқалиши, турли халқаро кўргазмаларда Канада рассомларининг асарларига бўлган қизиқишнинг ортиб бориши, Эмиль Карр, Дэвид Мильна, Жек Шеболт, Тони Онли, Херольд Таун, Жейк Чемберс каби рассомларнинг бадий ижод намуналари дунёнинг энг нуфузли музейларида жой олганлиги бугунги Канада тасвирий санъатининг ўзига хос юксак мавқеини белгилайди.

Ҳайкалтарошлик санъатининг Канада маданий ҳаётига кириб келиши аввало, ҳиндулар тош ва ёғочдан ясаган кичик шаклдаги ҳайкалчалардан, кейинчалик Канадага келган французлар томонидан авлиёлар сурати ва диний манзаралар акс этган черковларнинг қад кўтариши билан бошланади.

XX асрга келиб Монреаль ва Оттава шаҳарсозлигининг тараққий этиши ҳайкалтарошлик ривожига ҳам кенг йўл очиб берди. Профессинал ҳайкалтарошлар Луи Филлип ва Эбер Майкл Сноу асарларида асосан Европа анъаналарига мойиллик, ар-нуво ва ар-деко йўналишларида замонавий материаллар асосида концептуаллик тенденциялари кўриниб туради. Шу билан бирга, Канада ҳайкалтарошлигида миллий маданият анъаналарини янги замонавий услубларга сингдириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бугунги кунда Канаданинг таниқли ҳайкалтарошлари: Вальтер Оллуард, Майт Маккензи, Елизавета Винн шаҳар хиёбонлари ва музейлардаги катта ҳажмдаги асарлари, шунингдек, Канаданинг машҳур тарихий шахслари ва замондошлари ҳайкалларини яратишдаги муваффақиятлари билан эътибор қозонган.

Канада шаҳарсозлиги замонавий Америка ва Европа шаҳарларига хос тенденцияларда ривожланиб келган. Шаҳарлардаги кўпқаватли осмонўпар бинолар қиёфаси аксар ҳолларда бир-бирига ўхшашдек туюлади. Канаданинг истеъдодли меъморларидан Артур Эриксон лойиҳаси билан қурилган Саймон университети, Монреаль ва Осакада қурилган Канада павильонлари, Ванкувердаги Антрополия музейи, Дуглас Кардинал лойиҳаси асосида қурилган Оттавадаги Цивилизация музейи бинолари дунёдаги энг жозибали меъморчилик намуналаридан ҳисобланади.

*Нафиса ЗОҲИДОВА,
санъатишунослик фанлари номзоди*





Элис МАНРО

2013 йилда Адабиёт бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлган канадалик ҳикоянавис ёзувчи Элис Манро 1931 йилда Канаданинг Октавио шаҳрида фермер Роберт Эрика Лэйдлоу ва мактаб ўқитувчиси Энн Кларк Лэйдлоу оиласида таваллуд топади. Элис бадиий адабиёт билан ўсмирлик чоғидан шуғуллана бошлайди ва ўзининг “Соя ўлчови” илк ҳикоясини 1950 йилда, университетда ўқиб юрган чоғида чоп эттиради.

Элис Манронинг “Бахтли соялар рақси” номли биринчи ҳикоялар тўплами 1968 йилда нашр этилган. Тўпلام китобхонлар, шунингдек, жамоатчилик томонидан юксак

баҳолашиб, ёзувчига суҳрат келтиради ва Канаданинг адабиёт бўйича энг юксак соврини “Генерал-губернатор” мукофоти¹га сазовор бўлади. Бири иккинчиси билан боғлиқ бўлган ҳикоялардан иборат “Аёллар ва қизлар ҳаёти” номли тўпلام ёзувчининг суҳратини янада оширади. Навбатдаги, “Сен ким бўлибсан?” ҳикоялар тўплами учун ёзувчи иккинчи марта “Генерал-губернатор мукофоти” билан тақдирланади. Ана шундай мукофотга 1986 йилда яна бир карра сазовор бўлади. 2009 йилда эса унга Халқаро Букер мукофоти топширилади. Элис Манро жами 20 дан ортиқ турли мукофотлар совриндори.

Ёзувчининг кўпгина ҳикоялари турли тилларда, жумладан, рус тилида чоп этилган. Нобель кўмитаси аъзолари Элис Манрони “замонавий ҳикоялар устаси” деб баҳолаган. Аксарият танқидчилар Манронинг ҳикоялари кўп ҳолларда романларга хос ҳис- туйғуларга, бадиий теранликка эга, дея таърифлашади. Манро ҳикоянависликда, бошқалардан айри ўлароқ, ўзига хос, баъзан ўқувчи англаши бир мунча мураккаб бўлган услубга эга.

2002 йили ёзувчининг катта қизи Шейла Манро онасининг ҳаёти ва ўзининг болалиги ҳақидаги хотираларини нашр эттирган.

Элис Манронинг “Ундан олисда” ва “Вегасдаги қизлар даврасида” ҳикоялари асосида бадиий фильмлар яратилган.

Таржимондан

ТАҚДИРГА ТАВАККАЛ¹

Ҳикоя

1965 йил июнь ойида Торранс-хаус мактабида ўқув йили якунла- ниши билан Жулиет кетиш тараддудига тушиб қолди. Негаки, у касал бўлиб қолган ўқитувчи аёлнинг ўрнида вақтинча ишлаб турган эди. Аёл соғайиб кетди. Бунинг устига доимий яшаш учун бирон бошпана топил- мади. Жулиет уйга қайтишдан олдин, ўзи айтганидек, узоқми-яқинми бирон ерга бориб, айланиб келишга, аниқроғи, денгиз қирғоғининг юқори ҳудудида яшайдиган танишиникига боришга қарор қилди.

Бундан бир ойча олдин ўқитувчилар орасида ягона дугонаси, ёш жихатидан ўзига анча яқин бўлган Хуанита билан биргаликда “Муҳаббатим, Херосима” номли эски кинофильмни кўриб қайтишар экан, Хуанита:

– Фильм қахрамони каби мен ҳам хотини бор кишини, ўқувчимнинг отасини севаман, – деб қолди.

Жулиет ҳам ўзининг шундай ҳолатда эканлигидан нолиб кетди.

– Аммо, – деди Жулиет, – ўз хисларимни юзага чиқариш учун кура-

¹ Жузъий қисқартиришлар билан чоп этилди. (Таҳририят).

пишга журъат эта олмадим. Чунки унинг хотини эс-хушини йўқотган, фожиявий бир ҳолатда ётарди.

– Севгилимнинг хотини эс-хушини йўқотган бўлса кошки эди, – деди унга жавобан Хуанита. – Йўқ, ўта серғайрат, обрўли аёл. Мени осонгина ишдан ҳайдатиши мумкин.

Орадан кўп ўтмай, гўё ўша кунги хотиранинг давомидек, кутилмаганда ундан хат келади. Кимдир чўнтагида узоқ вақт олиб юргандек, ғижимланган хатжилднинг устига: “Торранс-хаус, 1482, Марк-стрит, Ванкувер, Британия Колумбияси. Ўқитувчи Жулиетга”, деб ёзилган эди. Директор аёл:

– Бу сизга бўлса керак, – дея хатни Жулиетга берар экан, – Қизик, фамилия ёзилмаган, – деб қўйди.

“Қимматли Жулиет!

Қайси мактабда ишлашинг ёдимдан кўтарилибди. Ўтган куни мутлақо кутилмаган бир дамда эсимга келиб қолди ва бу ғойибдан ишора бўлса керак, деган ўй билан хат ёзишга қарор қилдим. Сен, ишинг ўзинга ёқмай қолиб, ўқув йили тугамасдан мактабни ташлаб кетмаган бўлсанг керак, деган фикрдаман. Демак, ҳамон ўша ерда ишляпсан. Дарвоқе, сен бошлаган ишини охирига етказмай ташлаб қўядиганлардан эмассан.

Қалай, ғарбий соҳилдаги об-ҳаво маъкул бўлдимиз? Агар, Ванкуверда ҳаво серёмғир экан, деб ўйласанг, уни икки бараварига кўпайтирсанг, бизда нималар бўлаётганлигини тасаввур қила оласан.

Мен икковимизнинг кечаси настаринга қараб ўтирганимизни тез-тез эслаб тураман. Эътибор беряпсанми, “тун гули” деб ёздим, чунки кеча яримлаб қолди, аллақачон ётиб ухлаш керак эди.

Эннинг аҳволи ҳамон ўшандай. Яқинда иш юзасидан сафарга бориб қайтганимда, аҳволи анча оғирлашгандек бўлиб кўринди. Ундан олдин эса, ҳар куни кўриб турганим учунми, буни сезмас эдим.

Ҳа, ўғлим борлигини сенга айтмаган эканман. Ёши ўн бирда. Онам билан бирга туради. Қайтишимда уни кўргани йўл-йўлакай Режайнда тўхтаб ўтдим. У ҳам анча ўзгариб қолибди...

Хуллас, мактабининг номи эсимга келиб қолганидан хурсанд бўлиб кетдим. Аммо исми шарифингни ҳеч қачон эслай олмасам керак, деган хавфдаман. Хатни хатжилдга солиб, елимлаб қўяман. Эсимга келиб қолар, деган умиддан воз кечгим йўқ.

“Мен сени тез-тез эслаб тураман.

Мен сени тез-тез эслаб тураман.

Мен сени тез-тез эслаб тураман”.

...Жулиет Ванкувер марказидан Така кўрфазининг сол тўхтайдиган жойига олиб бориб қўядиган автобусда кетиб борарди. У ердан қитъа яриморолини кесиб ўтиш, сўнг яна солда қитъадаги шаҳарчага бориши керак. Хат ёзган одам ўша ерда, Кит кўрфазиде яшайди. Чор-атроф манзараси тез ўзгариб, Такага етмасданоқ ёввойи табиат қўйнига шўнғиб кетишди. У ўқув йилининг бутун чораги давомида, сал кун ёришиши билан соҳилдаги, театр сахнасининг орқа деворини эслатувчи, тоғу тошлардан иборат манзара намоён бўладиган боғ ва майсазорлар орасида яшайди. Бу ерларда альп атиргули, дафна ва найзабарг сингари ўсимликларнинг ҳисоби йўқ. Такага етиб боришга улгурмай чор тарафдан ўрмон ўраб олди. Шунчаки дов-дарахтлар эмас, чинакам ўрмон ва яна ўрмон... Ундан кейин эса сув, қоялар, қоп-қора дарахтлар, сув ўтлари-ю замбуруғлар. Баъзида мўрисидан тутун чиқаётган, бир томонга қийшайиб турган эски уй кўриниб қолади. Ҳовлида, автогараж ёки бирон омбухона, ертўла бўлмаганидан, ёғоч-ўтин, кўҳна рўзғор буюмлари қалашиб ётар, синган ёки ҳали ярқокли бўлган велосипед, автомашинанинг занглаб қолган эҳтиёт қисмлари кўзга ташланади.

Автобус тўхтаб ўтадиган шаҳарчалар аҳоли яшайдиган манзилга

ўхшамас, аллақандай кўримсиз, у ер-бу ерда, асосан қандайдир фирмаларга қарашли пастак бинолар ўрмонлардаги уйчалар сингари бир-бирига қапишиб турар, бу ерларда ҳам турли-туман эски нарсалар қалашиб ётарди. Қишлоқни кесиб ўтадиган тошйўлни ҳисобга олмаганда, тартибга келтирилган росмана йўлу йўлкалар ҳам йўк. Катгароқ, кўркароқ биною почта ёки бошқа маъмурий идора кўринмас, харидорларни ўзига жалб қила оладиган даражада бежирим безатилган магазинлар ҳам анқонинг уруғи, урушда ҳалок бўлган жангчиларнинг хайкаллари, сув ичиладиган фавворалару гулзор хиёбонлар ҳам йўк. Баъзида кўримсиз қаҳвахонани эслатадиган меҳмонхона, мактаб ёки касалхона учун қурилган пастак, беўхшов иморатларни кўриш мумкин...

Жулиет ана шундай манзараларни томоша қилиб борар экан, ўқтин-ўқтин ўзига: “Тўғри қиялманми?” деган шубҳали саволни берарди.

*“Мен сени тез-тез эслаб тураман.
Мен сени тез-тез эслаб тураман.
Мен сени тез-тез эслаб тураман”.*

Одатда бундай гаплар ўз-ўзини тинчлантириш ёки ўзгаларни умидвор қилиб қўйиш учун айтилади.

Бу Кит кўрфазида меҳмонхона ёки саёҳатчилар қўниб ўтадиган биронта оромгоҳ бўлса керак. Ҳа, тўғри ўша ерга боради. Катта чамадонини мактабда қолдирган, кейинчалик олиб кетади. Ҳозир елкасига осиб олган сумкасидан бошқа бисоти йўк, шу боис ҳеч ким унга эътибор бермайди. Бир кеча ўша ерда тунайди. Балки ўша ердан телефон қилар. Лекин нима дейди? Мактабдаги ўқитувчи дугонаминг чорбоғига келдим, дейдими? У чорбоғ қаерда? Урмон қўйнида. Хуанита бу ерда, баланд пошнали туфлини камдан-кам оёғидан ечадиган, одатдаги Хуанитага сира ўхшамайдиган, табиат қўйнида бемалол яшай оладиган жасур аёллардан. Уша уй Кит кўрфазидан олис эмас экан. Хуллас, бу ерда меҳмон бўла туриб, баҳонада...

... Қоялар, дарахтлар, сув ва қор. Ярим йил олдин Рождество билан Янги йил оралиғида эрталаб поездда кетаётганида буларнинг бари деразадан бири иккинчиси билан муттасил алмашиб Жулиетнинг кўз ўнгидан ўтарди. Улкан қоялар баъзида олдинга интилаётгандек ваҳимали, баъзида эса юмалоқ харсангдек силлик, тўк кулранг, айрим ҳолларда батамом қора бўлиб кўринарди. Дарахтлар асосан кедр, арча ва йил бўйи ям-яшил бўлиб ўсадиган қарағайдан иборат. Қора қарағайнинг энг тепасида жажжи арчалардек ўсиб чиққан бежирим қўшимча шохлар алоҳида ажралиб турарди... найзабарг бўлмаган мирзатерак, тилоғоч, қандағоч дарахтлари эса яланғоч, сўлгин ва заиф кўринарди. Баъзида пўсти ола-була дарахтлар ҳам учраб қолади. Қоялар чўккисини қор буркаган, шамол еладиган тарафига эса ях бўлиб ёпишган. Катта-кичик кўлларнинг юзи юпқа, бир текис муз боғлаган, айрим жойларда ялпи музлар оралиқларида ҳосил бўлган жилғаларда сув шитоб билан пастликка қараб оқар эди.

Жулиетнинг тиззасида очик китоб турар, лекин уни ўқимасди. У дераза ортида намоён бўлаётган манзаралардан кўз узолмас, бир-бирига жипслаштириб қўйилган иккита курсида ўтирар, ёнидаги, шунингдек, рўпарадаги курсилар бўш эди. Жулиет кечаси ўша курсилардан ўзига ётадиган жой ҳозирлаган эди. Ҳозир ҳам у ер-бу ерда ерга теккудек осилиб турган, брезентга ўхшаш матодан тикилган адёллардан аллақандай ним хид ҳосил бўлган. Вагон назоратчиси ивиришиб юрар, айна пайтда жиҳозларни тартибга келтириш билан машғул эди. Вагоннинг у ёки бу томонидаги эшик очилгудай бўлса, қишки соф ҳаво эсиб қоларди. Ошхонадагилар қайтиб кира бошлади-ю, навбатдаги йўловчилар овқатлангани чиқиб кетишди.

Жулиет яқиндагина йигирма бир ёшга тўлган бўлса-да, ҳалитдан мумтоз филология бўйича бакалавр ва магистрлик даражаларига эришган. Ҳатто диссертация ёзишга ҳам тайёргарлик кўра бошлаган эди. Аммо бирмунча танаффус қилиш ниятида, Ванкувердаги қизларнинг хусусий мактабида дарс бера бошлади. Унинг педагогик билими йўқ. Шу боис қутилмаганда Ванкувер мактабида ўқитувчилик қилиш имконияти пайдо бўлиб қолганидан ғоят хурсанд эди. Тўғри, маош катта эмас, аммо кўп йиллар давомида арзимаган стипендия олиб келган Жулиет шунга ҳам жон-жон деб рози бўлди.

Жулиет малла соч, узун бўйли, оқ танли ва нозик қиз. У кўпроқ бамаъни ўқувчи қизни эслатади. Бошини тик кўтариб юрар, энгаги бўлик, оғзи катта, лаблари юпқа, бурни хиёл кўтарилган, кўзлари одамга тик боқадиган дадил, у ёки бу сабабдан тез-тез бўзариб турадиган юзи юмалок. Университет профессорлари уни астойдил яхши кўришарди. Улар айна ҳозирги замонда кимдир қадимий тилларни ўрганишга бел боғлаганлигидан, яна ғоят қобилиятли бўлганлигидан мамнун, шу билан бирга ташвишда эдилар. Гап шундаки, бу шахс аёл киши. У турмушга чиккудек бўлса... – бу табиий, чунки қадди-қоматию чиройи ҳеч кимни-кидан кам эмас, бунинг устига доим стипендиялар совриндори бўлиб келаётган қиз бола... ҳа, эрга тегиб кетгудек бўлса, уларнинг барчаси чиппакка чиқиши ҳеч гапмас.

Хуллас, мактабда ўқитувчилик қилиш имконияти пайдо бўлганида ҳамма бир оғиздан маъқуллаган, катта ҳаёт йўлига чиқиб оласан, ҳақиқий ҳаётни ўз кўзинг билан кўрасан, деб маслаҳат беришган эди. Узи туғилиб, катта бўлган шаҳарчада унинг қобилиятига оқсоқлик ёки ортиқча бармоққа ўхшаган нотабиий бир нарса сифатида қарашар, унинг тикув машинасига бефарқлиги ёки бирон тугунни эплаб ўрай олмаслиги, баъзан ич кўйлагининг кўриниб туришига эътибор бермаслиги каби нуқсонларини эслашар, охири нима бўларкин, деб қўйишар эди. Шундай фикр ҳатто у билан гурурланадиган ота-онасини ҳам ташвишга соларди. Онаси, табиий, қизининг истикболи порлоқ бўлишини истар, шу боис уни пианино чалишни, конькида учишни ўрганишга мажбур қилар эди. Жулиет унисиде ҳам, бунисиде ҳам истар-истамас машқ қилар, шунинг учун бўлса керак, яхшироқ натижага эриша олмасди. Отаси унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишини орзу қиларди. “Ўз ўрнини топиб олишинг керак, акс ҳолда одамлар турмушингни жаҳаннамга айлантириб қўйишлари мумкин”, деб қайта-қайта такрорларди. Аммо отасининг ўзи ҳам, онаси ҳам ўз ўринларини топишмаган. Шундай бўлса-да, ўзларини бебахт деб билишмас, фақат Жулиетнинг омади келмай қолишидан хавфсирашар эди.

Жулиет коллежга ўқишга кирганидан кейин: “Ўз ўрнимни топдим. Менинг ўрним мумтоз филологияда. Ҳамма ишларим кўнгилдагидек кетяпти”, – деб хурсанд бўлган эди.

Ўқитувчилар ҳам худди шундай фикрда бўлиб, унинг ютуқларидан мамнун, шу билан бирга, охири нима бўларкин, деган ташвишда эдилар...

У айна пайтда поездда кетаётиб нима ҳақида ўйламасин, ўзини бахтли ҳис этарди.

“Тайга”. Жулиет дераза ортида намоён бўлаётган манзараларни шундай аташ тўғримики, деб ўйлаб қолди. Ҳаёлида ўзини рус романларида тасвирланган кечаларда бўрилар увуллаб кезадиган, ўз қисматини шу ерда топадиган, нотаниш, ваҳимали, ғаройиб бир ўлка сари кетаётган ёш қаҳрамон деб ҳис этаётган бўлиши ҳам мумкин.

Бир пайт яқинлашиб келаётган сояга, сўнг оёқларга кўзи тушиб қолди-ю, бошини кўтариб қаради. Рўпарасида хом теридан тикилган попукли пойабзал, сарик шим, тўқ-қизил хошияли сарик-жигарранг куртка, кўк кўйлак кийган, бўйнига тўқ-қизил рангдаги галстук тақиб олган бир киши турарди. Ёши эллиқдан ошган бўлса керак. Сийрак малла сочи, – наҳот бўятган бўлса, – бошига ёпишиб қолгандек, – бароқ қошлари эса нисбатан қорароқ кўринарди.

– Бу жой банд эмасми? – сўради у.

– Йўқ.

Хеч ким банд қилмаган бўлса, у нима ҳам дейиши мумкин, Кўриниши хунук. Аммо Жулиетнинг ўша вақтдаги фикрича, бу ёшда кўпгина эркакларнинг хунук бўлиши табиий. Лекин ҳозир бунақа демаган бўларди.

Янги йўловчининг қошлари чимирилиб, намланган тиник кўзлари, гўё биргаликда хурсандчилик қилишга чорлаётгандек, катталашиб Жулиетга қараб турарди. У Жулиетнинг қаршисига жойлашиб олиб:

– Одамни қизиқтирадиган бирон нарса кўринмайди, – деди.

Жулиет бошини қимирлатиб қўйгач:

– Узоққа кетяпсизми? – деб сўради.

– Ванкуверга.

– Мен ҳам ўша ерга кетяпман. Мамлакат бўйлаб саёҳат қилмоқчиман. Кўриб қўйган яхши-да, а, нима дейсиз?

– Тўғри қиласиз.

– Сиз ҳам поездга Торонтода чиқдингизми? Мен ўша ерданман. Бир умр ўша ерда яшаганман. Сиз ҳам Торонтоданмисиз?

Жулиет ўртадаги сукутни чўзишга ҳаракат қилиб:

– Йўқ, – дея жавоб берди-ю, яна китобга қадалди. Аммо яхши тарбия кўргани учунми, қандайдир бир туйғу устун келиб, ўзи туғилиб ўсган шаҳарчининг номию унинг қаердалигини, каттарок шаҳардан қанчилик олис-яқинлигини, шунингдек, Гурон кўли ва Жоржия кўрфазига нисбатан қайси томонда жойлашганини гапириб берди.

– Холаваччам, – деди йўловчи, – Коллингвудда яшайди. Яхши жойлар. У ерда бир неча марта меҳмон бўлганман. Сиз ҳам менга ўхшаб якка ўзингиз кетяпсизми?

У гапирар экан, кафтларини тез-тез бир-бирига ишқалаб кўярди.

Жулиет:

– Ҳа, – деб жавоб берди-ю, ичида: “Бўлди, етар”, деб қўйди.

– Мен биринчи марта бунақа олис сафарга кетяпман. Бунинг устига якка ўзим...

Жулиет жавоб бермай жимгина ўтираверди.

– Якка ўзингиз китоб ўқиб ўтирганингизни кўриб, балки у ҳам олисга, ёлғиз ўзи кетаётган бўлса, ҳамсуҳбат бўлиб қолармиз, деб ўйладим.

Лекин у Жулиетнинг дидига ёкмади. Баъзида сўққабош, бесўнақай эркаклар ўзларига ўхшаб унинг ҳам омади келмаган, деган ўй билан Жулиетнинг олдида дадил келишади. Бу бошқа гап. Янги йўловчига аёл киши эмас, ўзи айтганидек, дўстлашадиган эркак киши керак.

Жулиет четдан қараганда, кўпларга ўзининг ғайритабиий кўринишлигини биллади. Қисман тўғри. Айрим одамлар унинг эътиборини, вақтини, ҳатто қалбини ром қилиш ниятида суйкалишини неча бор кузатган.

Ҳамиша ёнимда бўл, хушмуомила бўл, каби муомилага кичиккина шаҳарчада, айниқса, қизлар ётоқхонасида яшаб туриб ўрганиш мумкин. Жулиет унга бир қараб қўйди, лекин жилмаймади. Йўловчининг юзида негадир хавотирланиш аломати пайдо бўлди.

– Китобингиз яхши шекилли. Нима ҳақида экан?

Жулиет китоб ақл бовар қилмайдиган нарсаларга ихлос қўйган қадимий юнонлар, умуман Қадимги Юнонистон ҳақида эканини гапириб ўтиргиси келмади. Қадимий юнонлар тилидан дарс бермаса бўларди. Мана, энди “Қадимги Юнонистонда фикрлаш тарихи”ни ўрганиши лозим. Шу боис Додднинг мақолаларида баён этилган қандай фикрлардан фойдаланиш мумкинлигини англаш учун китобни қайтадан ўқиб чиқишга қарор қилган эди.

– Ҳа, яхши китоб, – деди у гапни қисқа қилиб. – Ўқиб чиқишим керак. Яхсиси, кузатиш вагонига чиқа қолай. – У ўрнидан туриб, эшик томон юрар экан, ичида қаёққа чиқиб кетаёганимни айтмасам бўлар экан, деб

қўйди. Бу ҳолда у яна биронта савол билан орқасидан эргашиши ҳам ҳеч гапмас. Сербар ойналар билан қопланган махсус кузатув вағони совуқ бўлиши табиий.

Свитерини олса бўларкан. Аммо энди орқага қайтиб ўтирмайди-ку.

Поезднинг охирига тиркалган кузатув вағонидан кўриниб турган манзаралар унга унчалик ёқмади. Чунки қатор вагонлардан иборат бутун бир поезд олдиндаги манзараларни тўсиб, ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Балки гап бунда ҳам эмасдир. Унинг аъзойи-бадани ҳалитдан совуққа уюша бошлади. Лекин бундан афсусланмади. Янги йўловчи шилимшикдай ёпишиб олиши ҳам мумкин. Танишиш ниятида исмини айтиб кўлини чўзса, у ҳам ноилож кўлини узатишга мажбур бўлади. Унинг ҳамсухбат бўлиш ҳақидаги сўзни қандай талаффуз қилганини эслади. Кузатув вағонига ўтиб тўғри қилибди.

Вагонда ундан бошқа яна икки киши – алоҳида-алоҳида ўтиришган икки кекса аёл бор эди. Бир пайт Жулиет юзини қор қоплаётган мўъжазгина кўлни кесиб ўтаётган каттакон бўрини кўриб қолди. Аёллар ҳам унга эътибор беришган экан. Аммо на унисидан, на бунисидан садо чикди. Жулиет ҳайрон бўлиб, ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Бўри поездга эътибор ҳам бермади, саросимага тушмади, қадамини ҳам тезлаштирмади, бамайлихотир кетаверди. Узун, кумушранг жунини оқ кул босгандек. Шунақада кўзга кўп ташланмайман, деб ўйлаганми? Жулиет бўрига қараб турар экан, яна бир йўловчи – эркак киши кириб келиб, унинг ён томонига ўтирди. Унинг ҳам кўлида китоб бор эди. Кейин яна бир жуфт қария – жуссаси кичик, лекин тетиккина кампир ва хансираб нафас олаётган, йўғон гавдали, новча, бесўнақай чол кириб келди.

– Бу ер совуқ экан, – деди қария жойлашиб ўтириб олгач.

– Қурткангни олиб келиб берайми?

– Кераги йўқ, кўявер.

– Менга қийинмас.

– Кўявер, музлаб қолмасман.

Бир нафасдан сўнг аёл:

– Бу ерда манзара яхши экан, – деб қўйди. – Қария жавоб бермади.

Кампир яна бир қарра: – Ҳамма ёқ қафтдек кўриниб турибди, – дея мақтаган бўлди.

– Кўрадиган нима бор экан?

– Тез орада тоғларни кесиб ўтамиз. Ана ўшанда ажойиб манзаралар бошланади. Нонушта сенга маъқул бўлдимми?

– Тухумлар меъёрига етмабди, яхши пишмабди.

Кампир:

– Биламан, – дея унинг фикрини тасдиқлади. – Ошхонага бориб ўзим пиширсамми, деб ҳам ўйлаган эдим.

– Камбуз¹га, демокчисан-да.

– Мен камбуз кемаларда бўлади, деб ўйлаган эдим.

Жулиет ва унинг ён томонида ўтирган эркак киши баравар бошларини китобдан кўтаришди. Нигоҳлар ҳеч қандай маъно ифода этмаган ҳолда учрашди. Бир неча сониядан кейин эса поезд юришини секинлаштириб, тўхтади. Улар атрофга қарашди. Поезд ўрмон орасидаги бир кишлокчада тўхтаган эди. Бир томонда тўқ қизил рангга бўялган бекатхона биноси, иккинчи томонда темирйўл ишчиларининг худди ўша рангдаги уй ва бараклари кўриниб турарди. Радиодан тўхтам ўн дақиқа давом этишини эълон қилишди.

Жулиет ташқарига кўз ташлади. Қордан тозаланган бекат майдонида оёқларининг чигилини ёзиш учун поезддан тушган кишиларни кўриб, унинг ўзида ҳам шундай истак пайдо бўлди. Аммо пальтоси ўз вағонида қолган эди.

Унинг ёнида ўтирган киши ўрнидан туриб, вагондан пастга тушиб кетди. Эшик очилиб, гуп этиб совуқ шабада кирди. Кекса киши:

¹Камбуз — кема ошхонаси.

– Нимага тўхтаб қолдик? Бу ернинг номи нима? – деб сўради. Хотини бекатнинг номини ўқиш учун дераза бўйлаб олдинга юрди, аммо бирон ерда ёзув кўзга ташланмади.

Жулиет менад қабилалари ҳақидаги мақолани ўқир эди. Доднинг ёзишича, улар ўз маросимларини кишининг ўрталарида кечалари ўтказишар экан. Ана шундай маросимлардан бирида аёллар Парнас тоғининг тепасида турган пайтларида кучли бўрон бошланиб қолади. Аёлларга кўмак бериш учун қутқарув гуруҳи жўнатилади. Уларни музлаб, тахтадек қотиб қолган кийимларда пастга олиб тушишади. Аёллар ақлдан озадиган даражада бўлсалар-да, қутқарувчиларнинг кўмагидан фойдаланишга муваффақ бўлишган. Жулиетга бу воқеа, бугунги кун кўзи билан қараганда, аини замонда табиийдек бўлиб кўринди. Аммо ўқувчилар бу ҳолатни тўғри баҳолай олишармикан? Қайдам?..

Поезднинг жилишига ҳуштак чалиниб, вагонга кираётган шабада барҳам топди. Поезд қийналиброқ юриб, бошқа йўлга ўтиб олди. Жулиет атрофга яна бир қарра назар ташлаш учун бошини кўтариб, паровознинг муйилиш орқасида кўздан ғойиб бўлаётганини кўрди.

Тўсатдан барча вагонлар силкиниб, уларнинг вагони чайқалиб кетди. Поезд кескин равишда тўхтади.

Йўловчилар поезднинг юришини кутиб, жойларида ўтираверишди, ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ҳатто арзимаган нарсдан норозилик билдирадиган кекса йўловчи ҳам миқ этмай ўтирарди. Орадан бир неча дақиқа ўтди. Эшиклар очилиб-ёпила бошлади. Эркакларнинг ваҳимали норози овозлари, яна кимнингдир, вагон назоратчиси бўлса керак – амрона овози эшитилди. Лекин унинг нима деяётганини англаб бўлмасди.

Жулиет ўрнидан туриб, олдиндаги вагонларнинг томларига қараганча вагоннинг пешига қараб юрар экан, қор кечиб чопиб кетаётган кишиларга кўзи тушди.

Ҳар қайси алоҳида ўтирган аёллардан бири унинг ёнига келиб турди.

– Шунақа бир фалокат бўлишини юрагим сезган эди, – деди у. – Ҳа, бекатда турганимиздаёқ сезганман буни. Ҳатто, жойимиздан жилмасак керак, деган ўйда эдим. Нимадир содир бўлади, деган хавотир бор эди менда.

Иккинчи аёл ҳам яқинлашиб, уларнинг орқасига бориб турди.

– Балки, ваҳима қиладиган ҳеч нарса бўлмагандир, – гапга қўшилди у. – Йўлга бирон шох-поҳ тушиб қолган бўлиши мумкин.

Биринчи аёл:

– Паровознинг олдига маҳсус мослама ўрнатилган, – дея эътироз билдирган бўлди.

– Балки...

Ҳар иккала аёлнинг гап-сўзларида шимолий англия талаффузи сезилиб турар, муомалаларида эса нотаниш ёки ҳозиргина танишган кишиларга хос назокат сезилмас эди. Жулиет уларга синчиклаб қараб, опа-сингиллар бўлиши мумкин, деган ўйга борди. Улар бирга кетаётган бўлса-да, негадир, алоҳида ўтирарди. Балки, аразлашиб қолгандир.

Бир пайт вагон назоратчиси кириб:

– Илтимос, безовта бўлманглар. Ваҳима қиладиган ҳеч нарса бўлгани йўқ, – дея йўловчиларни тинчитган бўлди. – Биронта тўсикқа дуч келган бўлсак керак. Озроқ тўхтаб қолганимиз учун узр сўраймиз. Имконият бўлиши билан жиламиз. Ҳозир эса озгина сабр қилиб туришимизга тўғри келади. Бошлиғимизнинг айтишича, бир неча дақиқадан сўнг бепул қаҳва берилади.

Жулиет пастга тушиш мақсадида унинг ортидан юрди-ю, ўзида аёлларнинг саломатлиги билан боғлиқ шахсий муаммо пайдо бўлганлигини сезиб қолди. Энди, ҳалигина зўрға қутилган одами ўтирибдими-йўқми, зудлик билан ўз жойига қайтиб, сумкасини олиб чиқиши лозим. Одамлар поезднинг бир томонидаги деразаларга қапишиб олган, баъзилар гўё ҳозир эшик очиладигандек, йўлакдаги майдончада туришар эди. Жулиет

вагонлар оралаб шошиб кетиб борар экан, сўраб-суриштиришга вақти йўқ, аммо заруратхона томон борар экан: “Айик бўлса керак ёки буғуми, сигирми?” деган сўзларни эшитиб қолди. Йўловчилар: “Урмонда сигир нима қилади? Наҳот ҳамма айиклар ҳам уйкуга кетмаган бўлса. Ё, аллақандай маст одам темир йўл ўртасида ухлаб қолганмикин”, дея хайрон бўлишмоқда эди. Йўловчилар вагон-ресторанда, дастурхонлари йиғиб олинган столлар атрофида ўтириб текин қаҳва ичишарди.

Жулиет ўз вагонига қайтиб кирганида ўз жойи ҳам, рўпарадаги ўрин ҳам бўш эди. У сумкасини олиб, заруратхонага шошилди. Қизларда бўладиган бу ҳолат жонига теккан эди. Бир марта ҳатто уч соатли муҳим ҳужжатни ёзиб топширишга қаттиқ халал берган эди, чунки имтиҳон қоидаси бўйича, ташқарига чиқиш мумкин эмасди...

Жулиет ўз жойига қайтиб келганида ён тарафда тўрт-беш ёшлардаги ўғил бола рангли каламлар билан юпка китобчадаги суратлардан бирини бўяб ўтирарди. Унинг онаси Жулиетга бепул қаҳва ҳақида гапириб кетди:

– Бепул бўлса-да, ўзимиз олиб келишимиз керак, шекилли. Мен бориб келгунимча ўғлимга қараб туролмайсизми?

Аммо болакай расмдан бошини кўтармаган ҳолда:

– У билан қолишни истамайман, – деб эътироз билдирди.

– Келинг, – деди Жулиет, – мен бориб кела қолай.

Лекин айти шу дамда қаҳва олиб юриладиган аравачани итариб ошхона ходими кириб келди.

– Ана, – деди аёл. – Мен бекорга безовта бўлибман. – Поезд босган кишининг қанақа одамлигини билдингизми?

Жулиет бошини сарак-сарак қилиб, йўқ, деган маънони билдирди.

– Эғнида ҳатто пальтоси ҳам йўқ экан. Унинг поезддан тушиб, олдинга ўтиб кетганини кимдир кўрган экан. Лекин уни нима қилмоқчи бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Шунчаки паровозни айланиб ўтмоқчи бўлган шекилли, машинист эса уни кўрмаган, босгандан кейингина билиб қолган.

Болакайнинг онаси томонда ўтирган эркак киши деразага қараб олиб:

– Ана, қайтиб келишяпти, – деди.

Бошқа йўловчилар ҳам ўринларидан туриб, дераза томон юз тутишди. Болакай ҳам даст ўрнидан туриб деразага қапишган эди, онаси:

– Сен ўз ишингни қилавер! Қара, қанақа чаплаштириб юборибсан! – дея танбеҳ берган бўлди, сўнг Жулиетга ўтирилди. – Йўқ. Бунақа нарсаларни кўришга тоқатим йўқ.

Жулиет ҳам ўрнидан туриб, деразадан пастга қаради-ю, бекатхона томон югуриб кетаётган бир гуруҳ кишиларни кўрди, холос. Баъзилари пальтолларини ечиб, улардан иккитаси кўтариб кетаётган замбилнинг устига ташлади.

Жулиетнинг орқасида турган киши ўз жойида қолган аёлга ўтирилиб:

– Ҳеч нарса кўринмайди, – деди. – Устини беркитиб кўйишибди.

Бошларини қуйи эгиб ўтиб кетаётган кишиларнинг ҳаммаси ҳам темирйўлчилар эмас. Улардан бири кузатув вагонига Жулиетнинг ёнида ўтирган киши эди.

Яна ўн-ўн беш дақиқадан сўнг поезд жойидан жилди. Муволишда поезднинг у томонида ҳам, бу томонида ҳам қон изи кўринмади. Аммо топталиб кетган бир бўйрача ерда қор уюми ҳосил бўлган эди. Орқада ўтирган эркак киши яна ўрнидан туриб:

– Воқеа худди мана шу ерда содир бўлган, – деди-да, яна бирон нарса кўриниб қолармикин, деган ниятда пастга қаради.

Поезд орадан ўтган қўшимча вақтнинг ўрнини тўлдириш мақсадида юришни тезлаштириш ўрнига ҳатто олдингига нисбатан анча секин юриб борарди. Балки навбатдаги бурилиш орқасида яна бирон нарса чиқиб қолмасмикин, деган хавфдадир. Ким билади. Бош кузатувчи вагонни оралаб биринчи навбатдаги хўрандаларни тушликка чорлаб ўтиб кетди. Унинг ортидан бир гуруҳ йўловчилар бирин-кетин чиқа бошлаш-

ди. Жулиетнинг ёнидан ўтиб кетаётган аёллардан бири суҳбатдошидан:

– Ростданми? – деб сўради.

У эса секингина:

– Шунақа, – деди. – Жикқа қонмиш!

– Кўй, гапирма.

Орадан бир мунча вақт ўтиб, овқатлангани чиқиб кетган гуруҳ қайтиб киргач, йўлакда кузатув вагонидagi киши пайдо бўлди. Жулиет уни пастда қор кечиб, ўралашиб юрган кишилар орасида ҳам кўрган эди. Жулиет илдам унинг олдига бориб:

– Кечирасиз, – дея мурожаат қилди, – сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

– Хўш, қулоғим сизда?

– Сиз шифокормисиз? Ўша одамни кўрдингизми?

– Йўқ, шифокор эмасман. Лекин бу соҳада бир мунча тажрибам бор. Поездимизда бирон шифокор бўлмагани учун...

– Ёши нечада экан?

– Билолмадим. Ҳар қалай ёш эмас.

– Кўк кўйлақдамиди? Малла соч...

У Жулиетнинг саволига жавоб бериш ўрнига:

– Сиз уни танирмидингиз? – деб сўради, сўнг: – Вагон кузатувчисига айтиш керак, – деб қўшиб қўйди.

– Йўқ, танимайман.

– Унда, узр, – деб, эшикни итариб очиб, чиқиб кетди.

Даҳшатлиси шуки, жикқа қон!

Афсуски, Жулиет ўз хатосини, ҳалигина бўлиб ўтган фожиавий воқеани ҳеч қачон ҳеч кимга айта олмайди. Негаки, кимга айтмасин, уни ҳиссиз, тошбағир бир кимса, деб ўйлаши турган гап. Англашилмовчилик нимадан келиб чиққанлиги, ўзига-ўзи суиқасд қилган кишининг мажақланган гавдаси – бири иккинчисига боғлиқ бўлмаса-да, бирини эсласа, иккинчиси кўз олдига келиб туриши аниқ. Хуллас, бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга айтмасликка қарор қилди-ю, айти пайтда кимгадир бирон нарсга айтиб беришни истаб қолди ва ёндафтарини очиб, ота-онасига хат ёза бошлади:

“...Биз ҳали Манитобой билан ораликдаги чегарага яқинлашиб қолган эдик. Кўпгина йўловчилар дераза ортида ҳамон бир хилдаги манзаралар кўринаётганидан шикоят қилаётган эдилар. Бугун эрталаб шимолий ўрмонда атрофдаги барча нарсалар темирйўлларга хос мискин қизил рангга бўялган, аллақандай ярим хароба бекатда тўхтадик. Мен поезд ортидаги энг сўнги вагон – атрофни томоша қилиб кетиш учун мўлжалланган махсус вагонда совқотиб ўтирардим. Одатда бундай вагонлар яхши иситилмас, ўтин-кўмирни тежашар эди. Мен эса вагонимга бориб, свитеримни кийиб келишга эринардим. У ерда ўн-ўн беш дақиқача туриб қолдик, сўнг поезд яна юриб кетди-ю, олдинда муюлишда кетаётган паравозга кўзим тушди ва айти шу сонияларда кўрқинчли силкиниш содир бўлди...”

Улар, жумладан, ота-онаси ҳамиша уйга қизиқарли воқеалар тўғрисидаги хабарларни келтиришга ҳаракат қилишарди. Бунинг учун воқеанигина эмас, у ёки бу воқеада ўзининг тутган ўрнини бир мунча ўзгартиришга, баъзи нарсаларни кўшиб-чатиб гапиришга тўғри келарди. Ҳар қалай Жулиетнинг шахсий ҳаёти мактабда ўтган кезларда у шундай фикрда эди. Бунинг учун ўзини бир чеккада туриб кузатувчи, ақл-идроки юқори бўлган шахс деб фараз қилиши лозим бўларди. Энди у, уйдан ҳамиша олисда юрар экан, бундай муносабат шартли равишда табиий бир ҳолга айланган.

Аммо “кўрқинчли силкиниш” деб ёзди-ю, бу ёғини давом эттира олмаслигини сезиб қолди.

У яна деразага ўгирилиб, ўзини чалғитмоқчи бўлди. Манзара ҳамон

ўша бўлса-да, назарида, бирмунча ўзгаришлар пайдо бўлгандек. Улар юз миль масофани босиб ўтишмаган бўлсалар-да, об-ҳаво ўзгариб, илик ҳарорат пайдо бўлгандек. Кўл юзини муз қоплаган, атрофи ях билан ўралган. Қорайиб турган сув, момоқалдиқдан дарак берувчи булутлар остидаги қора қоялар атрофни яна ҳам қоронғи қилиб кўрсатар эди. Табиат манзараларини кузатиш ҳам жонига тегди, шекилли, яна Додни кўлига олиб, тўғри келган жойдан варақлашга тутинди. Барибир эмасми, ахир илгари ҳам ўқиган-ку. Ҳар уч-тўрт бетда ўша вақтда тагига чизиб қўйилган матнлар бор. У пайтда бу матнлар унинг эътиборини ўзига тортган бўлса, энди ўқиб кўриб, уларнинг унчалик жозибали эмаслигига эътибор берди...

Жулиетнинг кўлидаги китоб сирғалиб ерга тушди, кўзлари аста юмилиб, туш кўра бошлади: у аллақандай болалар билан биргаликда кўл устида юриб кета бошлабди. Улар қадам босган жойларда ях дарз кетиб, бари бир хил ҳажмдаги беш қиррали шакллар ҳосил бўлар, кўл ана шу ях билан қопланган полга айланар, болалар булар нима деб сўрашар эмиш...

У уйғониб, кўзини очганида рўпарасида ўша, ҳали ўзини саволга тутган одам ўтирарди.

– Кирсам ухлаётган экансиз, – деди у жилмайиб.

Кампирларга ўхшаб бошини кўксига эгиб, оғзининг бир чеккасидан сўлакайи оқиб ухлабди. Энди эса яна зудлик билан заруратхонага бориш зарурияти пайдо бўлган эди. Шу боис не сабабдан шошаётганлигини сездирмасликка ҳаракат қилганча:

– Кечирасиз, – деди-да сумкасини олиб, чиқиб кетди.

Жулиет зарур чораларни кўриб, ювиниб, сочларини тараб, қайтиб кирганида бояги одам ҳамон ўз жойида ўтирар экан, ундан кечирим сўрамоқчи бўлганини маълум қилди:

– Ҳали менга савол берганингизда сиз билан кўпол муомала қилганимни англаб қолдим.

– Шундай, – дея унинг гапини тасдиқлади Жулиет.

– Тўғри айтган экансиз, – деди у. – Сиз уни тўғри таърифлаб берган экансиз.

Бу сўзларни у шунчаки бир тортиқ сифатида айтаётгани йўқ, бу унинг учун оддий бир иш эди. Агар Жулиет жавоб беришни истамаса, сира ҳам хафа бўлмай ўрнидан туриб, чиқиб кетган бўларди, чунки бу ерга нима мақсадда кирган бўлса, унга эришиб бўлган эди.

Жулиет уялганидан кўзлари намланди. Бу кутилмаган ҳолат шунчалик тез содир бўлдики, юзини ўгиришга ҳам улгурмади.

– Ҳечқиси йўқ, – деди у.

Жулиет дарҳол бошини қимирлатиб, енгил нафас олар экан, бечораҳол бир ҳолатда сумкасидан рўмолча олиб, бурнини артди.

– Бари жойида, – деди сўнг ва нима бўлганлигини: ўша одамнинг, бу жой банд эмасми деб сўрагани, қандай ўтиргани, ўзининг деразага қараб ўтиравергани, бу ҳам меъдасига тегиб, китоб ўқимоқчи ёки ўзини китоб ўқиётган қилиб кўрсатмоқчи бўлганини, хуллас, Жулиет ўрнидан туриб кетмагунга қадар суҳбатни давом эттириш мақсадида бўлгани – бари-барини батафсил айтиб берди.

– Ҳа, – деди яна суҳбатдоши, – эркаклар аёлларни гапга солишни хуш кўришади,

– Бу гапингиз тўғри.

– Чунки уларнинг кўнгилчанлигини билишади-да.

Жулиет ўша одамнинг хатти-ҳаракатларига бошқача тус бермоқчи бўлди шекилли:

– Ким биландир гурунглашиб кетишни кўнгли тусаган бўлса керак, – дея тахмин қилди. – Сергап суҳбатдош керак бўлган унга. Мен буни энди англадим. Мен, бундоқ қараганда, жоҳил бўлиб кўринмасам-да, аслида шунақа одам эканман... Агар унга жиндек ён босиб, суҳбатлашиб

ўтирганимда бундай фожиа юз бермаган бўлармиди...Эгнидаги барча кийим-бош, кечагина магазиндан олинган бўлса керак, сув янги эди. Сафарга чиқиш арафасида атайлаб олинган бўлса керак. Балки оғир рухий ҳолатга тушиб қолган бўлса, бирон жойга бориб, овуниб келиш мақсадида йўлга чиққандир. Ахир бу янги кишилар билан танишиб. дўст-биродар ортгиришнинг энг яхши усули-ку. Яқинроқ жойга кетаётган бўлса кошки эди, йўқ, у айнан Ванкуверга кетаётган эди. Демак, бир неча кун давомида менга ҳамроҳ бўлиши ҳам мумкин эди.

– Ҳа, албатта.

– Ростдан шундай бўлиши турган гап.

– Ҳа, одамнинг иши юришмаса қийин, – деди суҳбатдош хиёл жилмайиб. – Биринчи марта бир кимсага танбех бермоқчи бўлган экансиз-у, ўша ҳам ўзини поезднинг тагига ташлабди.

Жулиет энди ўзини оқламоқчи бўлиб:

– Балки, бу сабркосаси тўлиб кетганидандир, – деди. – Шундай бўлиши ҳам мумкин-ку.

– Начора. Энди эҳтиёт бўлиб иш тутишингизга тўғри келади. Келажакда, демоқчиман.

Жулиет бошини кўтариб, унга тикилди:

– Сизнинг назарингизда мен бу ишнинг жиддийлигини бир мунча ошириб юборгандек кўринапман, шундай эмасми? – Айни шу дамда кутилмаган галати бир ҳолат содир бўлди: даҳани силкиниб, хахолаб кулиб юборай деди. – Балки мен бирмунча ошириб юборгандирман, – деди.

– Хиёл, – деб қўйди ҳамроҳи.

– Пашшадан фил ясапти, деб ўйлаяпсизми?

– Бу табиий.

– Лекин бунга хато деб ўйласангиз керак? – У кулгидан ўзини аранг тутиб турарди. Ўз айбига иқроор бўлиш – бу ўз нуқсонларини тан олиш деб ўйласангиз керак?

– Нимаям деб ўйлардим, – деди у. – Буларнинг бари арзимаган икир-чикир. Ҳа, ҳали ҳаётингизда содир бўладиган бошқа воқеаларга нисбатан майда гап бўлиб кўриниши аниқ. Ўзингизни нималар учундир айбдор ҳис этадиган нарсалар ҳам бўлиши мумкин.

– Одамлар ўзидан кичик ёшдагиларга хамиша шунақа дейишмайдами? Мана, кўрасан, маълум вақт ўтгандан кейин сен ҳам бундай ўйламайдиган бўлиб қоласан, дейишади-ку. Гўё ёшлар жиддий ҳиссиётларга қодир ҳам эмасдек.

– Ҳиссиёт, дейсизми? Мен эса ҳаётим тажриба ҳақида гапираяпман.

– Ахир, айбинга иқроор бўлишдан ҳеч қандай фойда йўқ, деб ўзингиз айтяпсиз-ку. Бошқалар ҳам тез-тез гапириб туришади. Шу тўғрими?

– Сиз ўзингиз нима деб ўйлайсиз?

Улар бу тўғрида анча вақт баланд овозда гаплашиб ўтиришди. Атрофдаги одамлар уларга ҳайрон тикилишар, ҳатто энсалари қотаётганини билдиришар эди...

Бир пайт суҳбатдош қаҳва ичиш учун люкс вагонга ўтишни таклиф қилиб қолди. Жулиет бажонидил рози бўлди, негаки, қорни очикқан, тушлик қилиш вақти ҳам ўтиб кетган эди. Бу ерда қуритилган ўрама нону ёнғоқдан ўзга бирон нарса йўқ, шу боис уларни иштаҳа билан қавшай бошладилар. Суҳбат мавзуси ҳам ўзгарди. Энди улар ўзлари ҳақида гаплаша бошладилар. Унинг исми Эрик Портеос, Ванкувернинг шимолий қисмида, жанубий соҳилда – Кит кўрфазидеб ном олган жойда яшар экан. Аммо ҳозир тўғри ўша ерга эмас, анчадан бери кўришмаган бир киши билан дийдор кўришиш мақсадида Режайнга кетаётган экан. Касби – балиқчи. Креветка балиғини овлар экан. Жулиет унинг, тиббиёт соҳасида бир мунча тажрибага эгаман, деган сўзларини эслатди.

– Унчалик эмас, – деди у. – Озгина шуғулланганман. Кимсасиз ўрмонда ёки денгизда биргалиқда ишлаётган кишилар ёки ўзингиз билан ҳар хил ҳолатлар содир бўлиб қолиши мумкин.

Уйланган. Хотинининг исми – Эни экан.

– Саккиз йил олдин, – деди яна Эрик, – Эни автоҳалокатга учраб, бир неча ҳафта касалхонада ҳушсиз ётди, сўнг ҳушига келиб, уйга қайтди. Аммо бир умрга шол бўлиб қолди. Юролмайти, овқатни ҳам ўзи ея олмайди. Ҳатто гапириш ва атрофда нима бўлаётганини идрок этиш қобилиятини ҳам йўқотган. Мен ва уни парвариш қилаётган энага аёлни танийдигандек... Уша аёл бўлмаганида мен уни уйимда олиб туролмаган бўлардим.

... Эни унчалик ҳушламаган бўлса-да, эри билан бирга меҳмонга боради ва барвақт дастурхондан туриб, ёлғиз ўзи уйга қайтишга қарор қилади. Йўлда маст-алас ёшлар кетаётган машина уни босиб кетади...

– Биласизми, бу ҳақда бировларга гапирсангиз, – деди Эрик, – улар албатта: “даҳшат!”, “қандай фожиа!” дейишади.

Жулиет ҳам худди шу маънода бир нима демоқчи бўлиб турган эди.

– Бошқа нима ҳам дейиш мумкин?

– Ҳа, тўғри айтасиз, албатта. Аммо бу одамлар ўйлаганларига нисбатан анча мураккаб.

Дарвоқе, Эни учун бу фожиа эдими?.. Эрик учун эса яна бир фожиали томони шундан иборатки, у бунга ва бошқа кўп ҳолатларга кўникиши, умрбод кўникиб бориши лозим бўлган, бир умр давом этадиган фожиа эди бу.

Жулиетнинг эркаклар билан яқин муносабатлари фақат унинг тасаввурида кечарди. Бир жуфт киноартистлар: “Дон Жуан” даги жасоратли, қаҳри қаттиқ қаҳрамон эмас, ҳар жиҳатдан ёқимли, ҳушовоз артист ва Шекспир тасвирлаган, кинода эса Лоренс Оливье ижро этган Генрих Бешинчи.

Буларнинг бари кулгили, ғариб тасаввурлар, лекин бу билан кимнинг нима иши бор? Вокелик ҳаётда эса камситилиш, кўнгил қолиш, умидсизлик... Жулиет буларнинг барини тезроқ юрагидан чиқариб ташлаш ва унутишга ҳаракат қиларди.

У яна бир нарсани: мактабда ўтказиладиган кечаларда йигитчалар унчалик назарга илмайдиган гуруҳдаги кизлар сафида туриб, қайси бола рақсга таклиф этар экан, деб кутишдек ноҳуш ҳолатларни ҳам кўп марта бошидан кечирган. Унинг бўйи бошқа кизларникига нисбатан бир мунча баланд. Балки бу ҳам бир сабаб бўлгандир, чунки бўйи ўзидан новча бўлган кизни кучиб, рақсга тушишни ҳамма ҳам ҳуш кўравермайди-да. Коллежда эса ўзига ёқмайдиган йигитчалар билан учрашув пайтларида ўзини ҳушчакчак ва эркин қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган кезлардаги ўксиниш ҳолатлари унга тинчлик бермасди. Утган йили ўзининг илмий раҳбариникига меҳмонга келган жияни унинг номусига теккан эди. Йўқ, зўрламади, Жулиетнинг ўзи мойиллик билдирди. Бу ҳам майли-я, алам қиладиган жойи, йигитча уйга қайтаётган пайтда дабдурустан: “Сен менинг дидимга тўғри келмас экансан”, – деди. Жулиет ўзини шу даража камситилган, таҳқирланган ҳис қилдики, ҳатто унга жавоб тариқасида бирон нарса дея олмади.

У ҳеч қачон ўзини маълум бир кишининг ёки бирон ўқитувчининг севгилсиман, деб ҳатто ҳаёлига келтирган эмас. Аслини олганда, у ёши ўзидан катта бўлган эркакларни умуман ёқтирмасди.

Бу йўловчининг ёши нечада экан? Айтишига қараганда, бундан камида саккиз йил, балки икки-уч йил аввал уйланган. Бундан келиб чиқадикки, ўттиз беш, нари борса, ўттиз олти ёшларда. Манглайига оқ оралаган қорамтир сочлари жингалак, юзи ҳаловатли, ажин тушган пешанаси кенг, сергак боқадиган қорача кўзлари катта-катта. Чуқурчаси бор юмалоқ энгаҳи хиёл кўтарилган. Сал эгилган елкалари бақувват. Бўйи Жулиетникидан баланд эмас.

Жулиет унга ўзининг нима иш қилиши, Торранс-хаус мактабининг қандай аталиши, ўзининг ҳақиқий ўқитувчи эмаслиги, фақат лотин ва қадимий юнон тили бўйича мутахассис бўлгани учун уни жон-жон деб

ишга қабул қилишганларини гапириб берди. Касбининг ҳозир камёб эканлигини ҳам таъкидлаб қўйди.

– Сиз нима учун бу соҳани танлагансиз?

– Бошқалардан ажралиб туриш учун бўлса керак, – деб Жулиет қилди-ю, сўнг йигитларга, умуман, эркакларга, уларнинг ҳафсаласини пир қилмаслик учун, ўз касби тўғрисида гапирмасликка аллақачон қатъий қарор қилиб қўйганлигини айтди. – Ҳа, – деди яна, – умумун, бу соҳа менга ёқади. Қадимги дунё тарихини яхши кўраман. Рост айтяпман.

Улар кечки овқатни биргаликда тановул қилдилар. Бир қадахдан вино ичишди, сўнг кузатиш вагонига бориб, ним қоронғи жойда ўтиришди. Жулиет бу сафар свитерини ўзи билан олиб юришни унутмаган эди.

– Одамлар, кечаси бу ердан ҳеч нарса кўринмайди, деб ўйлашлари турган гап, – деди бир пайт Эрик. – Лекин, қаранг, ҳаво очик, осмон тўла беҳисоб юлдузлар чарақлаб турибди.

Ростдан ҳам тун ёруғ эди. Ҳали ой кўринганича йўқ, сон-соноқсиз хира, ёрқин юлдузлар эса жам бўлиб, осмон юзини қоплаган. Иш фаолияти денгиз билан боғлиқ бўлган ҳар қандай киши каби Эрикнинг ҳам юлдузли осмон харитасига ақли етарди. Жулиет эса фақат Етти оғайни юлдузлар туркуминигина топа олди.

– Ана шундан бошлаймиз, – деди Эрик. – Етти оғайни юлдузларнинг биқинида турган иккита юлдузни кўряпсизми? Рўпарасида – қўллари бор, топдингизми? Булар кўрсаткичлар. Шулар бўйлаб бораверсангиз, Шимол юлдузига бориб етасиз. Ва ҳоказо...

Унинг сабоғи Жулиетга ҳуш ёқарди. Ниҳоят, ўргатиш навбати Жулиетга келди. Эрик юлдузларнинг номларини яхши билар, лекин бу номларнинг келиб чиқиш тарихини билмас эди.

Жулиет Орионнинг кўзини Ойнопион қандай кўр қилиб қўйганлиги, кейин Орион кўзларини куёшга тоблаб, шифо топганлигини гапириб берди. Орион ғоят гўзал бўлганлиги учун Ойнопион унга хасад қилиб кўр қилиб қўяди. Орионга Гефест кўмак беради. Оқибат натижада у, яъни Орион Артемиданинг ўқидан ҳалок бўлади-ю, юлдузлар туркумига айланади. Одатда шундай бўлган: эътиборга лойиқ бирон кимса фалокатга учраса, у бирон туркумга айланган.

– Кассиопея қаерда?

Эрик аниқ кўринмай турган “W” ҳарфига ўхшаш шаклни кўрсатди.

– Утирган аёлга ўхшатишади.

– Бу ҳам гўзалликдан, – деди Жулиет.

– Нима, гўзаллик хавфли бўлганми?

– Бўлганда қандок! Кассиопея Эфиопия қиролининг хотини, Андромеданинг онаси бўлган. У ўз гўзаллиги билан мақтаниб, фахрланиб юрган. Бу такаббурлиги учун уни осмонга сургун қилишган. – Шу тоб Жулиет осмонга қаради. – Қаердадир Андромеда ҳам бўлиши керак, тўғрими? – деди у.

– Бу галактика. Умуман олганда, уни бугун кўриш мумкин. Ҳа, асбобсиз кўриш мумкин бўлган энг олис юлдуз у.

Эрик ҳатто қайси томонга қараш лозимлигини кўрсатган дамларда ҳам Жулиетга бирон марта қўл теккизмади. Тўғри-да, у хотинли одам бўлса.

– Ҳўш, Андромеда ким ?

– У қояга занжирбанд қилиб қўйилган эди, – дея жавоб берди Жулиет.

– Уни Персей қутқаришга муваффақ бўлган.

* * *

Кит кўрфази.

Узундан-узун қирғоқ – кемалар тўхтайдиган бандаргоҳ. Бир нечта катта кема, бензин қуядиган бўлма, деразасига автобус бекати ва почта идорасининг шу ерда жойлашганлигини маълум қилувчи эълон ёпиштирилган магазин. Магазиннинг ёнида турган машина деразасига

қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан “Такси” деб ёзиб қўйилган. Жулиет автобусдан тушган жойида қимирламай туриб қолди. Автобус тезда жилиб кетди. Таксининг сигнали чалиниб, ҳайдовчи машинадан тушди ва унинг ёнига келиб:

– Яққа-ёлғиз турибсиз. Қаёққа бормоқчисиз? – деб сўради.

– Кечирасиз, – деди Жулиет. – Бу ерда сайёҳлар тўхтайдиган бирон оромгоҳ борми?

Ҳайдовчининг жавобидан маълум бўлдики, ҳеч қанақа меҳмонхона йўқ.

– Бирон кимсанинг ижарага ётоқ жойи бериш-бермаслигини ҳам билмайман, – деди таксичи бир зум ўйланиб туриб. – Лекин сўраб кўришим мумкин. Нима, бу ерда бирон танишингиз йўқми?

Бу саволга жавобан Эрикнинг исмини айтишдан ўзга чора қолмаган эди.

– Жуда соз, – деди ҳайдовчи енгил тортгандек бўлиб. – Ўтиринг, ғизиллаб икки дақиқада олиб бориб қўяман. Фақат, афсус, кеч қолдингиз. Кеча ерга қўйишди.

Жулиет, бу нима дегани экан, деб ўйлади-ю, сўраб ўтирмади. Таксичи ўз жойига ўтирар экан:

– Қайғули ҳол, албатта, – деб қўйди. – Балки кузатиш маросимига етиб борарсиз. Дафн маросимига тумонат одам йиғилди. Вақтида йўлга чиқа олмабсиз-да.

– Ҳа, – деб қўя қолди Жулиет.

– Мен “кузатиш” деб нотўғри айтдим, шекилли. Кузатиш дафн этишга қадар бўлади, шундайми? Ундан кейин бўладиган расм-русмларнинг нима дейилишини билмайман. Истасангиз, қабристонга ўтиб келишимиз мумкин. Узоқ эмас. Кўрасиз. Гуллар, гулчамбарлар.

Денгизнинг ёнбошидаги катта тош йўлдан чеккага бурилиб, ўйдим-чуқур, ифлос йўлдан чорак милча юрилса, барча динга эътикод қилувчиларнинг умумий қабристонига борилар экан... Деворга яқин ерда сўлиб қолган хилма-хил табиий ва турли рангдаги сунъий гулларга бурканган, тепасига кичиккина ёғоч хоч ўрнатилган тупроқ уюми – янги қабр алоҳида ажралиб турарди. Шунингдек, бутун қабристон бўйлаб ола-була тасмалар ёйилиб ётарди. Таксичи машина ғилдиракларининг изларига ишора қилиб, кеча бу ерга жуда кўп машина келганлигини айтди, сўнг:

– Келганларнинг ярмиси марҳумни тириклик пайтида умуман кўришмаган, – деди. – Бари Эрикнинг хурматини қилиб келишган. Уни ҳамма танийди.

Улар яна машинага ўтириб, орқага қайта бошладилар. Лекин асосий йўлга чиқишмади. Жулиет Эрикнинг уйига бориш фикридан қайтганлигини, умуман, ҳеч кимниқига бормоқчи эмаслигини, магазиннинг олдида туриб, автобус пойламоқчи бўлганлигини, очиғини айтганда, адашганлигини, дафн маросимига боргиси йўқлигини айтмоқчи бўлди. Аммо журъат эта олмади.

Улар у ер-бу ерда қад кўтарган уйларни ортда қолдириб, тор, илон изи йўлдан кетиб боришарди. Ҳар сафар у ёки бу уй олдида машина тўхтамаसा, Жулиет енгил торгарди.

– Мана бу қутилмаган ҳол! – деди бир пайт ҳайдовчи. – Уларнинг бари қаёққа ғойиб бўлди экан? Ярим соат олдин бу ердан ўтиб кетаётганимда олтига машина турган эди. Ҳозир эса ҳатто Эрикнинг юк машинаси ҳам кўринмайди. Маросим тугаган шекилли. Кечирасиз, мен ноўрин гапириб юбордим.

– Ҳеч ким бўлмаса, – деди Жулиет бир мунча жонланиб, – орқамга қайтиб кетавераман.

– Йўғ-е, ташвишланманг. Айло шу ерда бўлиши керак. Ана у ерда турган велосипед ўшаники. Айло билан танишмисиз? Эрикка ёрдам

бериб юрган ўша. – Ҳайдовчи машинадан тушиб, Жулиет ўтирган томондаги эшикни очди.

Жулиет машинадан тушиб улгурмасдан малла кўппак вовуллаганча у томон югуриб кела бошлади. Унинг орқасида, айвонда пайдо бўлган аёлнинг:

– Тинчлан! Пет, тинчлан! – дея кичкиргани эшитилди.

Ҳайдовчи Жулиет узатган пулни чўнтагига сола туриб, у ҳам:

– Бас қил, Пет! – деб қўйди.

– Кўркманг, тегмайди, – деганича аёл уларга пешвоз чикди. – Кучукча у, – деб қўшиб қўйди.

Жулиет ичида, бу кўппак бир сакрашда ҳар қандай одамни ерга ағанатиши мумкин-у, тагин “кучукча” эмиш, деб қўйди. Айни шу чоғда яна бир малла ит пайдо бўлди-ю, вовуллаш авжига чикди.

– Пет! Корки! Ўтир! – деб кичкирганича аёл зинадан чопиб пастга тушди. – Кўркқанингизни билишса, – деди Жулиетга яқинлашиб, – баттар қилишади.

– Кўркаётганим йўк, – деди Жулиет ва турган ерида бир сакраб тушди, чунки, малла ит тумшугини унинг қўлига теккизишга улгурган эди.

– Қани, юринг, – деди аёл, сўнг итларга ўгирилиб: – Овозларингни ўчиринглар! Бўлмаса бошларингни узиб оламан! – деб дўқ қилган бўлди. – Дафн қачонлигини аниқ билмаганмидингиз? – сўради қиздан.

Жулиет гўё кечирим сўраётгандек бош чайқаб қўйди ва ўз исмини айтди.

– Менинг исмим Айло, – деди аёл.

Улар бир-бирларининг қўлларини сиқиб кўришдилар.

Айло оқиш-сарғиш сочи елкасига ёйилиб тушган, баланд бўйли, қотма, елкалари кенг, бақувват, гавдали аёл. Овози кучли, дадил. Айрим сўзларни ғалатироқ талаффуз қиларди. Қизик, бу қанақа талаффуз экан: немисчами, голландчами ё скандинавия тилидаги талаффузми? Айло уни ошхонага бошлаб кириб:

– Мана бу ерга ўтиринг, – деди жой кўрсатиб. – Ҳамма ёқ бесаранжом. Ҳозир қаҳва қўйиб бераман.

Баланд шифтга қадар кўтарилган деразали ошхона ёп-ёруғ эди. Ҳамма стол ва бошқа жойларда қатор-қатор терилган ликопчалар, стаканлар, кастрюлкаю бошқа идиш-товоклар қалашиб ётарди. Пет билан Корки ҳам шу ерга кириб, Айло олдиларига қўйган овқатни ялай бошладилар.

Ошхонадан иккинчи қаватдаги меҳмонхонага олиб чиқадиган иккита кенг зина бўлиб, очиқ эшикдан полда ётган катта-катта ёстиқлар кўриниб турарди.

Айло стуллардан бирини у томон тортиб:

– Ўтиринг! – деб ишора қилди. – Қаҳвани ичинг, овқатдан енг.

– Раҳмат, қорним тўқ, – деди Жулиет.

– Торгинманг. Қаҳвани ҳозиргина қайнатган эдим. Ўзим ҳам ичаман. Бу ерларни йиғиштиришим керак. Шунча нарса ейилмай қолди.

У Жулиетнинг олдига қаҳва билан бир бўлак яшил рангдаги дирилдоқли пирог келтириб қўйди.

– Еб кўринг, балки сизга ёқар, – деди .

– Аъло!

– Ҳаммаёқни йиғиштириб, тартибга келтириб қўйган эдим. Кейин дафн маросими бошланиб кетди. Ундан сўнг яна йиғиштириш керак.

Унинг овозида ўкинч сезилиб турарди.

– Қаҳвани ичиб бўлгач, сизга ёрдам беришим мумкин, – деди Жулиет.

– Йў-ўк, кераги йўк, – деди Айло унга жавобан. – Мен бу ерда қайси нарса қаерда туришлигини беш қўлдек биламан.

У шошмасдан ҳаракат қилар, барча ишлари режали ва пухта эди. (Бундай аёлларга бошқа кишининг кўмаги зарур эмас, улар буни исташмайди ҳам. Дарвоқе, сенинг кимлигингни ҳам дарров пайқаб олишади.)

У стаканлару ликопчаларни, бошқа асбобларни артиб, уларни жавон ва полда турган яшиқларга тахлаб қўйди, сўнг товаларни, шунингдек, итлардан тортиб олинган манқални совунли тоза сувга солиб қўйиб, бирин-кетин ювиб, артиб, жойлаштирди. Столларни артган нам латталарни худди товукнинг бошини узгандек бураб сувини сиқиб, дорга осиб қўйди. У иш жараёнида Жулиет билан ўхтин-ўхтин гаплашиб туришга ҳам улгурарди.

– Энининг дугонасимисиз? Уни кўпдан бери танийсизми?

– Йўқ.

– Узим ҳам шунақа бўлса керак, деб ўйлагандим. Унга дугона бўлиш учун анча ёшсиз. Бўлмаса нима учун унинг дафн маросимига келмоқчи бўлдингиз?

– Мен дафн маросимига келганим йўқ. Бундан хабарим ҳам йўқ. – Жулиет ўзини гўё дўстлари кўп, у эса меҳмонма-меҳмон юрадиган, бу ерга ҳам тасодифан келиб қолгандек кўрсатишга ҳаракат қилиб. – Шунчаки меҳмонга келган эдим, – деди.

Айло унга жавобан бирон нарса демай кострюлкаларни тозалаш билан машғул бўлди. Бир неча дақиқадан кейингина:

– Сиз Эрикнинг ёнига келгансиз. Ҳа, Эрик шу ерда яшайди, – деди.

Жулиет эса, гўё бу савол мавзуни ўзгартирадигандек:

– Сиз-чи, сиз ҳам шу ерда яшамайсизми? – деб сўради.

– Йўқ. Мен тепалик бағридаги уйда эрим билан бирга тураман.

“Эрим билан” деган сўзлар аллақандай ғурур билан айтилгандек бўлиб туюлди.

Айло Жулиетдан сўраб ўтирмай, аввал унинг финжонига, кейин ўзига қаҳва қуйди, сўнг бир бўлак таги қизғиш, тепаси пушти рангдаги мурабболи пирог олиб келди.

– Еб қўйиш керак, акс ҳолда айниб қолиб, исроф бўлади. Сизга ҳам бир бўлак келтириб берайми?

– Йўқ, раҳмат.

– Хуллас, Эрик йўлга кетган, бугун келмайди. Кристаникига кетган. Сиз уни танийсизми?

Жулиет қимтиниб, йўқ, деган маънода бош чайқади.

– Сиз яшайдиган жойда қандайу, билмайман. Биз эса бу ерда бир-биримиз ҳақимизда ҳамма нарсдан хабардормиз. Бир-бирларимизни яхши биламиз. Ванкувер, дедингиз, шекилли? – Жулиет, шундай, деган маънода бошини қимирлатиб қўйди. – Демак, шаҳарда яшайсиз... Эрик хотинига яхши қаради, қўлидан келганича парвариш қилди. Лекин бирон аёл кўмаклашмаса, бир ўзи эплай олмасди, албатта. Тушунган бўлсангиз керак? Мен унга ёрдам бериб турдим.

Жулиет мулоҳаза қилиб ўтирмай дабдурустан:

– Бунинг эвазига ҳақини тўлаган бўлса керак? – деб сўради.

– Тўлаб турди, албатта. Лекин бу меҳнатгина эмас. Бундан ташқари ҳар жиҳатдан хотин кишининг ёрдами керак бўлади. Гап нима ҳақида бораётганини тушуниб турган бўлсангиз керак... Мен бу нарсани ёқтирмайман. Бу бемаънилиқдан ташқари жанжалларга сабабчи бўлади. Эрик аввал Сандра билан алоқа қилиб юрди, кейин, у кўчиб кетгач, Криста билан яқинлашиб қолди. Шунинг учунми, келишмовчиликлар бўлмади. Сандранинг болалари бор, шу сабабли бирон каттарок мактаб бор жойда яшашга қарор қилди, хуллас, бу ердан кўчиб кетди. Криста эса рассом. Денгиз қирғоғида ётадиган илдизлардан турли хил кўғирчоқсимон буюмлар, шакллар – турли ҳайвонлар, паррандалар ясайди. Уларни олис-яқин жойларга олиб бориб, сотиб келади. Ҳеч қачон боласи бўлмаган. Бирон ёққа кўчиб кетишни ҳам истамаса керак. Эрик сизга бу ҳақда гапирмаганми?

– Йўқ, гапирмаган.

– Демак, буни сизга мен маълум қиляпман. – Яна қаҳва ичасизми? Ҳали бор.

- Йўқ, раҳмат.
- Бошқа ичмайдиган бўлсангиз, финжонни ювиб қўя қолай.
- У чиқиб кетаётиб музхонанинг орқа томонида чўзилиб ётган малла итни тепиб турғазини учун ўнгга бурилиб:
- Ётаверасанми, ялқов! Ҳозир уйга кетамиз, – деди.
- Жулиетга орқа қилиб турган ҳолда нима биландир машғул бўлган Айло:
- Соат саккиздан ўн дақиқа ўтганда Ванкуверга кетадиган автобус бор, – деди. – Мен билан бирга бизникига борсангиз, у ерга эрим машинасида олиб бориб қўяди. Биргаликда овқатланамиз. Мен велосипедда кетаман. Лекин секин юраман, орқада қолмайсиз. Уйим узоқ эмас.
- Жулиет ўйлаб ўтирмай ўрнидан турди ва сумкасини ахтариб, у ёқ-бу ёққа аланглади, кейин бошқа курсига ўтиб ўтирди.
- Мен шу ерда қолмоқчиман, – деди.
- Шу ерда қоласизми?
- Оғир юким йўқ. Автобусга пиёда кетавераман.
- У ерга қандай боришни билмайсиз-ку. Эрик келмайди, тушиняп-сизми? Бугун келмайди.
- Бунинг аҳамияти йўқ.
- Айло елкасини қисиб қўйиб, итга ўтирилди:
- Тур, тур ўрнингдан, – деди, сўнг Жулиетга қарамасдан – Корки шу ерда қолади, – деб кўшиб қўйди.
- Шу ерда қолсинми ё ташқаридами?
- Ташқарида бўлса яхши бўларди.
- Унда боғлаб қўяман, тагин ортимдан эргашиб юрмасин.
- Жулиет индамади.
- Ташқарига чиқилганда эшик қулфланиб қолади. Шунинг учун эшикка чиқиб қайта кирмоқчи бўлсангиз, мана бу ерни босиб қўйинг. Агар умуман кетадиган бўлсангиз, унга тегманг. Тушунарлими?
- Ҳа, тушундим.
- Илгари эшикларимизни умуман қулфламас эдик, энди... Бегоналар кўпайиб кетди.

* * *

Улар юлдузларга қараб бўлганларидан кейин поезд Винниpegда қисқа муддатга тўхтади. Улар айланиб юриш учун пастга тушишди. Қаттиқ совуқ шамол эсгани сабабли, гаплашиш эмас, ҳатто нафас олиш қийин эди. Поездга қайтиб чиқишди-да, тўғри барга ўтишди. Эрик коньяк буюрди.

– Исинамиз, кейин яхши ухлайсан, – деди.

Унинг ўзи эса ухламоқчи эмасди. Бунда маъни йўқ, негаки, эрта тонгда Режийн бекатида поездан тушиши керак.

Улар бардан чиқиб, барча жойларда тўшақлар ёзилган вагонлар ора-лаб, ҳар икки тарафга осилган тўқ яшил ранг пардалар ҳосил қилган йўлақларда Жулиетнинг вагони томон кетиб боришарди. Ҳар бир вагоннинг ўз номи бор. Жулиетнинг вагони Мирамичи деб аталади. Уша вагонга етганларида иккита вагон ўртасидаги майдончада Эрик эшикни очмоқчи бўлиб қўл чўзган эди.

– Мана шуниси, – деб шипшиди Жулиет.

– Ундоқ бўлса шу ерда хайрлашамиз, – деб эшик дастасидан қўлини олди. Айна шу дамда поезд чайқалиб кетди. Жулиет мувозанатни сақлаш учун Эрик томон эгилди. Бундан фойдаланган Эрик уни бағрига босиб, юзидан ўпиб, сўнг елкаларини силай бошлади.

Жулиет унинг кучоғидан чиқмоқчи бўлиб, шошиб:

– Тегинманг! – деди.

– Дарвоқе, – дея Эрик қулиб, яна унинг бўйнидан енгилгина ўпиб қўйди, сўнг кучоғидан бўшатиб, эшикни очди.

Улар икки томонига пардалар тутилган йўлакдан бирга боришди. Жулиет ўз жойини топгач, ундан бўса ёки ҳеч бўлмаганда, кифтига қўлини қўйиб хайрлашишини кутди. Йўқ. Эрик, гўё улар тасодифан учрашиб қолгандек, жимгина ортига ўгирилиб, чикиб кетди.

Энди у нима деб ўйлайди? Юнон афсоналари тўғрисида кўп нарса биламан, деб мактаниб, бутун бир кеча давомида мени лакилатиб ўтирди ва ниҳоят у билан хайрлашган чоғимда, “тегинманг” деб ғингшиб қолди, демайдими. Тўғри, у бунақа деб ўйлайдиган кишига ўхшамайди. Лекин, барибир, Жулиет худди шундай тасаввур этарди. У анча вақтгача ухлай олмади, поезд Режайнда тўхтагандан кейингина уйкуга кетди.

* * *

Ёлғиз ўзи қолган Жулиет энди уйни кўздан кечириб чиқиши мумкин эди, лекин бундай қилмади. Айлонинг батамом кетиб бўлганлигига тўла ишонч ҳосил қилиши учун камида йигирма дақиқа вақт кетди. Айло унинг бу ерда нима билан машғул бўлаётганлигини текишириш учун ёки эсидан чиқариб қолдирган бирон буюминини олиб кетиш учун қайтиб келиб қолишидан хавотирланмасди. Борди-ю, Жулиетни ўғри деб ховф-сираса, уни аллақачон ҳайдаб чиқарган бўларди. Айло, қаерда, айниқса ошхонада, нима иш қилмасин, сезиларли из қолдирадиган аёллардан. Жулиет дераза раҳида турган тувакчалардаги зиравор ўсимликлардан тортиб, сабзавот тўғраладиган тахтакачу полдаги ялт-юлт қилиб турган линолумгача – нимага эътибор бермасин, уларга Айвонинг қўли текканлиги сезилиб турарди.

Бир пайт Жулиетнинг хаёлидан Айло кўтарилди-ю, унинг ўрнини Криста эгаллади. Демак, Эрикнинг яхши кўрадиган аёли бор. Жулиет уни Айлога нисбатан ёшроқ, келишган деб тасаввур қила бошлади. Тоси кенг елкали, қўллари бақувват, оқ ораламаган ним малла сочлари узун, кўкраги лорсиллаган аёл.

Қизик, Жулиет кутилмаганда яна икки аёл – Ахиллес ва Агамемноннинг машуқалари бўлмиш Брисеида ва Хрисеидаларни эслаб қолди. Уларнинг ҳар иккаласини гўзал чехралар деб аташган.

Агар Криста уларга нисбатан дағалроқ бўлса, Эрикни менсимаслиги мумкинми? Лекин Жулиет ҳозир йўлга чикиб, автобустга ўтиргудек бўлса, буни қаёқдан билади?

Хуллас, у бошиданок бу ердан кетмасликка қарор қилган, шекилли. Ҳа, шунақага ўхшайди. Энди Айло йўқлигида ўз хоҳишию мақсадини бемалол таҳлил қилиши мумкин. Ниҳоят, ўрнидан туриб, қаҳва қайнатди, уни Айло бир чеккага чиқариб қўйган финжонга эмас, кружкага қуйди.

У кучли хаяжонда бўлгани учун ўзининг очлигини сезмасди. Шундай бўлса-да, хотирлаш маросимига меҳмонлар олиб келишган бўлса керак, қаторлашиб турган бир неча хил шишаларни кўздан кечира бошлади. Шерри-бренди ва нокдан таёрланган шнапс, “Тиа Мария” ликёри ва ширин вермут. Шишалар очилган, лекин, бу ерларда унчалик кадрланмаса керак, деярлик ичилмаган... Айло эшик орқасига териб қўйган джин ва виски, пиво ва вино шишалари эса бўшатишган. Жулиет қаҳванинг устига “Тиа Мария”дан озгина қуйиб, бир қўлига финжон, иккинчи қўлига шишани олиб, зиналар орқали тепадаги катта меҳмонхонага кўтарилди.

Ҳозир кунлар айна узайган палла. Бу ернинг қишин-ёзин ям-яшил бўлиб гурқираб турадиган дарахтлар ботиб бораётган қуёш нурларини тўсиб турар, шу боис меҳмонхонадаги хира ёруғлик қуюқлашиб борарди. Полга ишлов берилмаган, чорбурчак фанералар устига эскириб, патлари тўкилиб кетган гиламлар бетартиб ёзилган, бир-бирига мос келмайдиган хилма-хил буюмлар билан дидсиз жиҳозланган. У ер-бу ерда бир нечта ёстиқ тартибсиз ётибди. Улар орасида чарм ғилоф кийдирилган ёстикчалар алоҳида кўзга ташланади. Қора чарм қопланган каттакон оромкурси. Устига эски курак адёл ёпилган тахта-каравот, даққиюнусдан қолган кўхна телевизор, китоблар эмас, бир даста

“Нэйшнл жиографик” журнали ва яна аллақандай журналлар тахлаб кўйилган тахта тоқчалар... Хуллас, хона бетартиб эди.

Айло бу хонани тартибга келтиришга улгурмаган, шекилли. Гиламлар устида у ер-бу ерда, кулдон ағдарилиб кетган бўлса керак, тамаки куллари кўзга ташланиб турибди. Шунингдек, нон ушоклари ва бошқа чиқиндилар сочилиб ётибди. Жулиет чангторткични топиб, ишга киришмоқчи бўлди, аммо бир зум ўйланиб туриб, бу фикрдан қайтди ва юмшоқ курсига ўтириб, кружкадаги қахвага камайган сари “Тиа Мариядан” куйиб ича бошлади.

Бу қирғоқда унга маъкул бўладиган бирон нарса кўрмади. Дарахтлар ўта баланд ва жипс ўсар ҳамда бирини иккинчисидан ажратиб турган ўзига хос бирон белги йўқ, шунчаки ўрмон, вассалом. Тоғлар эса ҳаддан ташқари кўлами кенг ва ғайритабиийдек кўринар, Жоржия бўғозида учраб турадиган ороллар эса ҳаддан ташқари кўзга ташланадиган ёрқин манзарага эга. Мана бу, шифтлари бир томонга эгиб қурилган, поли йўнилмаган тахталар билан қопланган иккита хонадан иборат уй ҳам – бари аллақандай маънос ва ғариб кўринди.

Ит ўқтин-ўқтин ҳеч қандай заруриятсиз увлаб кўярди. Балки уйга кириб, Жулиетнинг ёнида бўлишни хоҳлаётгандир. Аммо Жулиетлар ҳеч қачон ит боқишмаган. Ит балки адашиб келиб қолган буғими, айикми ёки пума (Америка ёввойи мушуги)га вовуллаётгандир. Ванкувер газеталаридан бирида худди мана шу жойлардан бирида пума бир чақалокни ғажиб ташлаганлиги тўғрисида ёзишган эди. Уйдан чиқишинг билан йирткич ҳайвонларга рўпара бўладиган бунақа жойда яшаш хавфли бўлса керак?

Бебаҳо, нодир бойликка эга бўлган кишилар кам. Сен ана шундай имкониятга эга бўлсанг, уни кўлдан чиқармаслигинг лозим. Уни кимдир сендан тортиб олишига, нима бўлганда ҳам йўл кўймаслигинг керак.

Жулиет қахвага кўшиб ичаётган “Тиа Мария” таъсирида ўзини эркин ва беташвиш, шунингдек, тетик ва дадил хис эта бошлади. Ҳатто, Эрикни кўришим шарт эмас, деган фикрни дилидан ўтказди. Эрта тонгда бу ердан чиқиб, ғойиб бўлади.

У ўрнидан туриб, ваннахонага кириб чиқди, сўнг тахта-каравотга ётиб, курок аёлни устига тортди. Шу қадар уйкуси келган эдики, ҳатто Коркининг аёлга илашиб қолган жунларига эътибор ҳам бермади, ит ҳидини ҳам сезмади.

Жулиет уйғонганида ошхонадаги соат олтидан қирқ дақиқа ўтганлигини кўрсатиб турган бўлса-да, аллақачон тонг отиб, ҳаммаёқ ёришиб қолган эди. Боши қаттиқ оғрирди. Ваннахонада аспириин хапдорисини кўрган эди. Ундан бир йўла икки донасини ичиб, ювинди, сумкасидан тишчўткасини олиб, тишларини тозалади, сочларини тараб, ўзига оро берган бўлди. Ана шундан кейин янгитдан қахва қайнатиб, бир бўлак нон ейишга тутинди. У ошхона столи олдида, дераза рўпарасида ўтирарди.

Офтоб бош кўтарган, дарахтлар орасидан сизиб ўтаётган сарғиш нур парчалари ертут дарахтларининг силлиқ таналарини қоплаб улгурган эди. Корки яна вовуллай бошлади. Узоқ ақиллади, ҳовлига юк машинаси кириб келгандан кейингина овози ўчди.

Жулиет юк машинаси эшигининг шарақлаб очилгани, итга гапираётган кишининг овозини эшитди-ю, уни кўркув қамраб, ҳатто қаергадир яширинмоқчи бўлди. Эшик очилиб, остонада Эрик пайдо бўлди. Жулиет эса кўзларини ердан кўтара олмас, бармоқлари тиззалари устида чалишиб, қотиб қолган эди.

– Сен шу ердамисан?

Эрик, бу қадар дадилликдан ҳайратлангандек, завқланиб кулди. У қулочини ёзар экан, Жулиетга гўё хонага шамол елиб кириб, уни бош кўтаришга мажбур қилгандек бўлиб туюлди.

У бундан ярим йил олдин ҳатто дунёда шундай одам борлигини

билмас эди. Поезднинг ғилдираклари тагида ҳалок бўлган киши ярим йил олдин ҳали тирик эди, балки сафарга кетишга ҳозирлик кўриб, кийим-кечак танлаб юрган бўлиши ҳам мумкин.

– Сен шу ердამисан?!

Унинг овозида ҳокимлик оҳанги сезиларди. Жулиет ўрнидан турди. Рўпарасида ёши унинг хотирасида сақланиб қолганига нисбатан анча катта, гавдали одам турарди. Эрик унга бошдан-оёқ синовчан қараб олиб, олға юрди. Буни кўрган Жулиет ўзида енгиллик, бахтиёрлик ҳис этди. Нақадар ғаройиб бу! Даҳшатга ўхшайди.

Шу нарса маълум бўлдики, Эрик ҳозиргина ўзи ифода этган даражада ажабланмаган. Айло кеча кечга яқин Жулиет деган аллақандай қизнинг келганлиги тўғрисида уни огоҳлантириб қўйиш учун кўнғироқ қилиб, у кетдими-йўкми, хабар олиш керак, деган эди. Эрик бу хабардан қанчалик хурсанд бўлганидан ўзи ҳам хайрон эди. Лекин ўша заҳоти йўлга отланмади, Кристага бу ҳақда гапириб ҳам ўтирмади..

Жулиет буларнинг барини кейинги ҳафтала, ойлар давомида билиб олди. Баъзи маълумотлар тасодифан ошкор бўлиб қолар, айримлари эса унинг сўраб-суриштиришларига жавоб тариқасида маълум бўларди.

Криста Айлога мутлақо ўхшамасди. Жулиет фараз қилгандек, йўғон гавдали эмас, хипча, нозиккина, қорасоч аёл экан. Гапга уста, зукко, баъзан хушчақчақ, баъзан – тунд. Мағлубият ҳисси аҳён-аҳёнда тегажўғлик қилиб айтилган истехзоли пичинг сифатида юзага чиқиб турса-да, Криста келажакда Жулиетнинг яқин дугонаси ва таянчи бўлиб қолса ажабмас.



*Рус тилидан
Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ
таржимаси*



КАНАДА ШЕЪРИЯТИ

ШИМОЛИЙ АМЕРИКА ҲИНДУЛАРИ ИЖОДИДАН

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

БАҲОР ҚЎШИҒИ

* * *

*Прерияга мен
нигоҳ ташладим
баҳор ва ёзни
фарқлай бошладим.*

*Осмонни тўлдириб
булут қайтмоқда.
Сирли сўзларимни
такрор айтмоқда.*

ИШҚИЙ ҚЎШИҚ

ОҲУ ҚЎШИҒИ

*Ўйладим –
сайраган гагарамикан¹?
Жоним, эшказининг
овози экан!*

*Ерда учиб-қўниб
Яйраган эдим:
Ёй саси “ширп” этди –
Ҳушдан айрилдим.*

БОЙҚУШНИНГ ИШИ

ШУДРИНГ

*Бойқуш бир сайраса –
чақнайди юлдуз.
Яна бир сайраса –
тонг отар. Кундуз!*

*Гул япрогидаги
шудринг томчиси –
тун бўйи йиғлаган
ойнинг кўз ёши.*

ГУЛЛАР ВА МУҲАББАТ МАЪБУДИ ШАРАФИГА АЙТИЛУВЧИ ҚЎШИҚ

*Мен – гуллар ва муҳаббат маъбуди
Шочикеҷалман²,
Ёмғирли-туманли юртдан келдим мен.
Тамоанчан мамлакатидан келдим.
У ерда муқаддас дарахтлар ўсар,
Тўққиз фалак қўйнида
Шамоллар куйлайди майин, дилнавоз.*

*У ерда маҳзуна Пилцинтекутли³
Ҳўнграб йиғлаб излар Шочикеҷални.
Изларидан юриб, ўлим ва қайғу
ўлкасигача мен бораман, дейди. –
Шу сабабдан аччиқ-аччиқ йиғлайди!*

¹ Гагара – қуш номи.

² Шочикеҷаль (қуш патига ўхшаш барг ёзадиган гул) – она-маъбуд рамзи, муҳаббат ва никоҳ ҳомийси.

³ Пилцинтекутли (олижаноб ҳукмдор) – қуёш маъбудининг навқирон пайтидаги сифатларидан.

ГУЛ ВА ҚЎШИҚ

Мана, гуллар ўсди, гунча очдилар,
Тар гунча қўёшга юзланмоқда шаън.
Сен ҳам қалбда ўсган қўшиқларингни,
Ҳофиз, ўзгаларга тухфа қиласан!

МАРСИЯ

Гулларни эмади олтин капалак,
Гунча очган гулдир – юрагим маним.
Емгир юлиб ташлар бу гул баргларин,
Гунча ифорини ҳидланг, дўстларим.

ТЛАМАТИНИ (ДОНИШМАНД) МАДҲИЯСИ

Донишманд – бу нурдир, дудсиз машъала,
У – тубсиз бир кўзгу, кенг ва серқамров.
Қизил ва қора бўёқларнинг,
Қўлэзма ва матнларнинг,
Манускрипт ва битикларнинг ҳукмдори у.
Унинг ўзи – ёзув, билим, донолик,
У – йўлдир, у ўзи – йўлбошичи, устоз.
Одамларга, нарсаларга йўл кўрсатади.
Озиқлантиради ҳамда инсоний
ҳаракатларни у бошқариб турар.
Ҳақиқий донишманд, худ табиб каби
Асрар у ўтмишининг меросларини.
Умри бўйи йиққан билимларидан
Фойдаланиб ўқитади келётганларни.
У – даъваткор, жарчи,
у ёрдам берар инсоннинг ўзини топиб олишига,
ўзини кўзгуда кўришига.
У рўзгорни оқилона тебратишига ўргатар.
Ўратади одамларни эшитишига, тинглашига,
Устозларнинг устозига биз ҳаммамиз боғлиқмиз.
Кўзгу қўйиб қўяр бизнинг олдимизга у порлоқ,
Балқиб турсин равшан деб.
У синчиклаб ўрганади дунёда ҳар нарсани,
Ҳамма воқеаларни у ҳаракатга солади.
Дунёларни ёритади ўзидаги нур билан.
У хабардор тепамизда нелар бўлётганидан,
Нелар бўлётганин билар ўликлар дунёсида.
У – Тламатини ахир жиддий, қатъий ва вазмин.
Ҳар ким ҳайратланар, шавқ топади, илм топар,
У инсонга инсоний меҳр тортиқ қилар, улардан
Етиштириб чиқаради инсонларни чинакам.
У – мардликнинг манбаидир,
У – тинчликнинг таянчи,
У одамларни одам қилиб, оёққа тик қўяди!

ҚУИҚАНИ (ҲОФИЗ) МАДҲИЯСИ

Ҳофиз – чўзиқ, босиқ, ёқимли, бардам ва
етилган овозини юксалтириб
қўшиқ куйловчи одам...
У қўшиқни излаб топар, яратади, созлайди,
қоматига келтиради, оҳангларга тизади,
сабоқларда чиниқади унинг ширин овози,
тиниқади, йўналади, тозаланар, софланар.
Қўшиқ куйловчининг сўзи аниқ янграр, барқарор,
расадхона устунидай мунтазам, нафис, нозик.
У қўшиқнинг сирли-сехрли таъсирини авайлаб,
ҳеч нарсани, ҳеч нарсани унутмайди,

юрагида сақлайди, ҳамма нарса эсидадир
мумкин эмас унутиши.
Куйла, ҳофиз, сен умидли товушингга
бахш этганча эркинлик,
тош устундай тизилишган, баландларга,
пастларга оқадиган товушингни дадил-дадил
йўналтирки, жон яйрасин сасингдан.

Овозини эпломмаган ҳофизларнинг товуши
қўнғироқни эслатади дарз кетгандай сўлғун, паст,
қалби унинг ўлик бўлар, қўзғалмас,
вужудини қумурсқалар гажиб кетган бўлади,
ҳаяжонсиз, тортимсиз...

МОМАҚАЛДИРОҚНИНГ ОВОЗИ

Дунёни танг қолдирган овоз!
Чўққилардан қулаган овоз! –
Момақалдиरोқнинг овози.
Қора булутларнинг ичида.
Етилиб келмоқда яна ва яна
Дунёни танг қолдирган овоз!

Дунёни танг қолдирган овоз!
Бодий-воҳаларнинг овози,
Ниначиларнинг овози.
Қалин майсазорлар ичида
Етилиб келмоқда яна ва яна
Дунёни танг қолдирган овоз!

Полин ЖОНСОН

(1861-1943)

Келиб чиқиши канадалик туб халқлардан. Отаси – могаук қабиласининг сардори бўлган, онаси – инглиз аёли. Полин ўқув ва ёзувни мустақил равишда ўрганган. Расмий анжуманларга ҳам у асосан ҳинду аёллари кийимида келарди. Ижодида ва ижтимоий фаолиятида асосан ҳинду қабилаларининг ҳуқуқлари учун кураш руҳи акс этиши билан шухрат қозонган. Унинг бир қатор шеърлари Канада, АҚШ, Англияда жуда машҳур бўлиб, адабий давраларда ифодали (декламация сифатида) ўқилган. Ижод намуналари “Чақмоқтош ва қалам”, “Шогейнапли”, “Мокасиндузлар”, “Банкувер афсоналари” китобида нашр қилинган.

КЕКСА ҲИНДУ КАМПИР

Ўрмон йўли ўтган қишлоқдан ошиб, Елкалар майшиган очлик-оғриқдан,
Атрофни қуз, сукут босган бир чоқда, Ерга боқавериб кўзлар толади.
Яланг оёқларин мажбурлаб босиб У ҳар кун далага чиқиб, бўғриққан
Чўкиртаси даладан юриб келмоқда. Макказорда макка ситиб олади.

Хаёлида эса бошқа бир давр:
Ёвга бош эгмасдан ўтган ҳур халқи!
Ҳозир халқин ҳамма унутворгандир,
Манов тупроқдаги чўкиртаси каби...

“КУРАШ! КУРАШ!”

“Қуролингни ташла! – дер менга йиллар, –
Қаришлик нега?
Сўнги навқаринг ҳам ҳозир ер тишлар,
Нажот йўқ сенга!”
Мен-чи, ёлғизман-у мағрурман бу он:
“Мен шафқат сўрайми?
Асло, ҳеч қачон!”

Лашкарим қирилди, ер билан яқсон,
 Душман аямасдан қирди беомон.
 Ҳамон босиб келар, газабкор, тажанг
 Кемалар чўкмоқда, давом этар жанг,
 Лек мен тик турибман, қутқарайми жон?
 Жонимни асрайми?
 Асло! Ҳеч қачон!

Ўқдан галвир бўлиб кетган байроғим
 Тутунда ҳилтираб турибди яккаш.
 То тирикман, уриб турса юрагим
 Эркимни ҳимоя қилажасман, бас!
 Бош эгмасман қаттол тақдирга ҳатто!
 Қуролим ташлайми?
 Ҳеч қачон! Асло!

ҲИНДУ ДЕҲҚОНИ

<p>Чакалакзорда у ов қурмас энди, Жонворларни тутиб етказмас озор. У ибодат қилар ўпиб заминни, Ов маъбудига ҳам ишонмас зинҳор.</p>	<p>Эрта баҳор ерга уруғлар сочди, Боқди кўкдан ёмғир тилаб нечалар. Дунёга соддадил сирларин очди, Алмашгани каби кундуз-кечалар.</p>
<p>Гулханлар тутунин, ором-роҳатни, Қизлар кулгисини, кўк юлдузларин, Ҳатто келар кунни, орзу-ниятни, Парча нонга бадал қилмоқчи барин.</p>	<p>Қишин-ёз тиним йўқ, сугорар, экар, Уруғлар ниш берса қанийди кўклам. Ҳар битта бошоқнинг, ҳар битта доннинг</p>

Уилсон МАКДОНАЛЬД

(1880-1971)

Канаданинг Онтарио штатида зиёли оилада туғилган. Отаси – шотландиялик руҳонийлардан, онаси – машшоқ, қўшиқчи бўлган, орган чалган. Унинг шеърларини Б. Шоу, Р. Тагор, А. Эйнштейнлар юксак баҳолаган. Шеърлари кўплаб тилларга таржима қилинган.

ХАЛҚЛАРГА МУРОЖААТ

Дўстларим, бирлашайлик,
 Бир бўлсин аҳд ва юрак.
 Наҳот қиёматгача
 жим қараб тураверсак?

Жиноятлар қуроли –
 Бир уюм темир-терсак.
 Зулм албатта йўқ бўлур,
 Қўлларни қўлга берсак.

Дунёда ҳар гўшага
 Кун нур тўксин пок, тоза.
 Қизлар урушини қаргаб,
 Энди очмасин аза.

Дўстларим, бирлашайлик,
 Бир бўлсин аҳд ва юрак.
 Наҳот қиёматгача
 Жим қараб тураверсак.

Эдвин Жон ПРАТТ

(1883-1964)

Канада адабиятида ёрқин из қолдирган шоир. Унинг номи XX аср инглиззабон адабиётлар тарихида Роберт Фрост, Уильям Йейтс, Томас Элиотлар билан ёнма-ён тилга олинади. Торонто университети фалсафа факультетида таълим олган, сўнг шу даргоҳда инглиз тили ва адабиётидан дарс берган. Ота-боболари руҳоний зотлар бўлган. “Кэнэдиэн поузтри” журналыда узоқ йиллар муҳаррир бўлиб ишлади. Унинг номи машҳур қилган тўпламлар: “Рейчел”, “Ньюфаундлендда ёзилган шеърлар” (1923), “Турли кайфиятлар” (1932), “Титаник” (1935), “Натюрморт” (1943) китобларидир. Уч марта Канада генерал-губернаторининг адабиёт соҳасидаги мукофотига сазовор бўлган (1937, 1940, 1952 йиллар). 1952 йилда адабиёт соҳасидаги хизматлари учун Альберт университетининг олтин нишонига, 1961 йилда эса Канада Конгрессининг йиллик адабий мукофотига лойиқ топилган.

ЎТДА ЁНГАН МАҲБУСЛАР

Сўнги бор сўроққа олиб келишиб
 Ҳовлига отдилар барини. Урён,
 Чалакуюк, ўлган, уст-уст қалашиб
 Ана ётишибди тўп-тўп ва шишиб
 Қонун лаънатлаган уч юз маҳбус жон.

Рақамларин сира ўқиб бўлмайди,
 Исmlарини олов ямлаб-хўрлаган.
 Бундайин “шарафли” ўлимни ҳатто
 Биронтяям жангчи туида кўрмаган.

Хуқуқ сарбонлари, кўринглар, ана,
 Бетартиб уюлган мурдалар аро,
 Назоратчи қора бўёқ кўтариб,
 Олар бармоқлардан кўчирма – “имзо”.
 (1930)

ОЛЧА

Женни йиглар: “Олма дарахти
 Олча тугиб берса ҳам ҳатто,
 Қаргаларнинг қора қаноти
 Гулдан оқроқ бўлса ҳам ҳатто,
 Жейми томон босмасман қадам!
 Етади, бас, энди мен ўзим
 Шу Жеймининг кўрмайин юзин!”

Жейми қизни ҳовуз бўйида
 Учратди-ю, сайради чунон:
 “Сенга ўзим бўлайин қурбон,
 Сенинг учун боражасман жон!”

Сўзларимда бўлса сал ёлгон
 Жаҳаннамнинг қаърига учай,
 Дўзахнинг энг тагига тушай!”

Нима бўпти шунда, дерсиз, а?
 Худди ўша богнинг ўзида
 Дарахтларда олчалар пишди!
 Оқ қанотли қаргалар учди!
 Оқ қанотли қаргалар учиб
 Дарахтларни айланиб, қучиб,
 Келиб қўнди ҳовуз бўйига!

КУТИШ ЛАҲЗАЛАРИ

Шамоллардан менга сира тиним йўқ,
 Деразани маҳкам ёпсам ҳам ҳатто.
 Қалтиратар мени ўчоқдаги чўқ,
 Олов ёнар, зулматдадир уй аммо,
 Тун бўйи қулоқда гувуллаиди сас,

*Сиртдаги бўроннинг овози тинмас.
Менга шамоллардан нажот қайдадир,
Деразалар яна тақиллаётир.
Чирсиллаб ёнади ўчоқда ўтин,
Хонам ёришмоқда, тугаб битди тун.
Тонг отар, уйимга кирар сарсар
Чорлоқларнинг мунгли зорланишлари...*

(1930)

Жо УОЛЛЕС

(1890-1976)

Инглиз тилида ижод қилган канадалик шоир, жамоат арбоби. “Ҳамма – менинг дўстларим” (1953), “Салом, синглим, ассалом, ука!” (1956) каби тўпламлари билан мухлислар орасида шухрат қозонган.

ҲАМОН ТУШ КҮРЯПМАН...

*Тун – сиймтан ғоз,
Тун – оппоқ қушидир,
Жилва сочар ой кокиллари...
Кўрганларим – энг гўзал тушидир,
Кўрганларим – гўзал туш бари.*

*Бизлар яна биргамиз, жоним,
Мен жуда ёш, жуда ошиқман.
Маст уйқуда ўтар ҳар оним,
Туш кўряпман сира ошиқмай.*

*Унут бўлди дарди ҳижронинг,
Тинди қалбнинг оҳ-фарёдлари.
Қўйнидаман уйқу – оромнинг,
Кўрганларим – гўзал туш бари.*

*Бахтлидирман висолда тамом,
Зарра гам йўқ, йўқ кўз ёш,
ҳижрон.
Уйқудаман, руҳ учар шодон,*

Раймонд САУСТЕР

(1921 йил туғилган)

Канадаликлар энг кўп ўқийдиган шоир. 1921 йил Торонто шаҳрида туғилган. Уруш йилларида ҳарбий ҳаво кучлари сафида, кейинчалик банк соҳасида хизмат қилган. Шеърятга 40-йилларнинг охирида кириб келди. “Ёшлигимизда” (1946), “Уни, дунё” (1947), “Танланган шеърлар” (1956), “Вақт гуллари” (1964), “Ёмғир муносабати билан” (1975) каби тўпламлари халқ орасида жуда машхур. Шунингдек, у икки роман муаллифи, кўплаб шеърый антологияларнинг тузувчиси ва муаллифи ҳисобланади. Унинг шеърлятида юмшоқ юмор, халқона фалсафа, жонли сўзлашувга хос бўлган оҳанглар ўқувчи диққатини тартади. Урушга, расизмга қарши руҳда ёзилган шеърлари, мақолалари ҳам халқ орасида шухрат қозонган.

ЭЗГУ ОРЗУ

*Шаҳарга тун чўкди – яна тун.
Одам оқимига тўлди кўчалар,
Оқиб келаётир,
Оқиб кетаётир
Мавж урган оқим.
Қай томонга боқсанг – табассум балқир,
фаровонлик балқир, балқийди қувонч.
Ҳолбуки биргина лаҳзадан кейин
Мана шу юзларни,
Миллион чехрани
Изтироб сиркаси
итқитиб, тўзгитиб юборса – мумкин.
Дунё сукунатга қорилса – мумкин.*

Худойим, худойим, бор-йўқ қаҳрингни
 Бор-йўқ лаънатингни сукунатга соч!
 Парчала сукутни, тарқатиб юбор
 Баҳорни осмоннинг кенгликларига!
 Кераксиз, нозарур, манфур оғриқни
 Резалаб, майдалаб, талқон қилиб от
 Сингиб кетсин чексиз йўқликка мангу!
 Муҳаббат, меҳр-шафқат, мурувват, тинчлик
 – Ҳар бир уйга кириб борсин бостириб!
 Шаҳарларни боссин шодлик саслари!
 Ракета, бомба, тўп, портлаш овозин
 Шодон ҳайқириқлар кўмиб юборсин!!!

КЎЧАДАГИ МАШШОҚЛАР

Мана сизга томошаи икром мурувват
 Икки занжи йигит
 Йўлакчада ўтириб олиб
 бири гитарани тиригластади,
 бири бўғиқ овозда
 унга жўровозлик қилар
 мадад бўлсин деб.
 Чор атрофда сонсиз ҳайбаракаллачилар.
 “фиръавнлар”¹ учун тайёр тузоқ –
 “лаҳм” дейсиз.

Занжилар куй чалар,
 шундай куй чалар:
 гаройиб мусиқа янграр дамба-дам.
 Бунақасини сиз на бир дансингда²
 на қовоқхонада эшитмагансиз:
 бу куйлар худди
 заминнинг ўз нафасидай ёқимли,
 заминнинг ўз оҳангларидай ширин,
 заминнинг ўз эҳтироси каби қудратли.

Йигитлар пул ишлаш учун чаляпти, десанг,
 йўқ, пул ишлаш учун эмас, улар чалмоқда
 чор атрофда тинглаб турган ҳеч кимса йўқдай,
 кўзин юмиб, ўзларини унутиб қўйиб,
 бахш айлабон бор-йўқ маҳоратин шу куйга.
 Мана ҳозир тунд, хўмрайган фиръавн келиб
 Сомеъларни – ҳайбаракаллачиларни ҳайдаб солади,
 олиб кетар икки улуг машишоқ йигитни.
 аммо энди улар чалган эзгу мусиқа
 ўлмайдиган сўлмайдиган тирик оҳанглар
 юракларда, юракларда янграйверади.

КЎР ҚИЗ

Кўз қиз ёғоч панжарани
 силаган эди –
 бирдан унинг қўли остида
 дарахт гуллаш бошлади!
 Осмонга бўй чўзиб бораётган шох
 бўйчан ниҳол бўлди,
 барг ёзди, куртак.
 Ҳозир қушлар учиб келиб қўнар бу шохга,
 Қўйлаб-қўйлаб юборади бу дарахт ҳозир.

¹ Фиръавн – полициячилар лақаби.

² Дансинг – рақсхона.

МУШУК

*Яқин атрофдами, майли, қайдадир
эшитилса совуқ қотган мушук ноласи, –
Билинг, ёнингизда, анов жойдадир
Совқотмоқда демак одам боласи.*

ҚОҚИЎТ

*Қоқиўт, қоқиўт, тихирлик қилиб
Агар сен ҳам ўсмасайдинг буёқ томонда,
Манов ҳиссиз темир бетон палахсаларнинг
Умри ўтиб кетарди-я буткул армонда.*

ШОКОЛАДНИНГ КЎЙЛАГИ

*Шоколаднинг қизил-сариқ кўйлаги
йўлакчага ёпишиб ётар,
уни сира-сира қўзғаб бўлмайди,
супурги билан ҳам қўзғатолмайсиз.
Бу ўжар
“мен шу ерда туғилганман” дегандай
ёпишиб ётибди йўлакка маҳкам.*

ҚОРАЯЛОҚ

*Қуйруғини тикрайтириб осмонга,
қораялоқ сайрар сиз – оломонга.
Нима, ёқмаяптими?
Ундай бўлса, энди, худди шу ерда
Бошқа бир қуш сайраб берар эртага.*

УНИНГ ФИКРИ

*Эллик олтинчи стритда,
бир томон –
ётар тўп-тўп газеталар ёнма-ён.
Булар – газеталар эмас эканлар –
Булар – газета ўранган одамлар!
Газетани ўранганча, тўп бўлиб
Кўринаркан кўзга улар кўп бўлиб.
Юринг, қани, оралаб ҳам ўтайлик,
Фикрларига қулогимиз тутайлик.*

*Улар ичра бир саёғи гап этди:
– Мен ёпиниб кўрганман кўп газетни.
Айтаверсам барини мен бирма-бир –
Энг иссиғи – бу “Нью Йорк таймс” дир.
Очиқ суҳбат қурар бўлсам сиз билан,
Фақат газета айтадиган сўз билан –
Ачомлашиб ётмоқ қанча роҳатдир,
Газетадан бўлган уй ҳам зўр
бахтдир!*

ТАЪСИР ВА АКС ТАЪСИР

Эркаланиб ириллади манов ит менга,
Ирилладим мен ҳам аста жавобан унга.
Шундай қилиб биримизга биримиз
Душман бўлиб кўриндик-ов сал ерда эссиз...
Ким билади, эркаланиб келган бу жонзод
Хув... йўқолган дўстин балки қилганмиди ёд?!

ХИЁБОНДА

Жингалаксоч, қора тўрт яшар бола
бир яшарлик, оппоқ қизалоқнинг шод
қўлларидан тутиб ўйнайди, ана
Орадан ўн беш йил ё йигирма йил
ўтсин-чи, мана шу одамизодлар
Бар-бирин овутиб, қўлидан тутиб,
шод-хуррам, кулишиб турармиканлар?

Леонард КОЭН

(1934 йил туғилган)

Канаданинг Уэстмоунт шаҳрида туғилган. Шоир, ёзувчи, қўшиқчи (бард). 1951 йил Макчилла университетини тугатган. Ўзи ёзган шеърларни ижро этиш билан шуҳрат қозонган. “Гитлер учун гуллар” (1964), “Меҳрибонлик китоби” (1984), “Нотаниш одамнинг мусиқаси” шеърый тўпламларининг, “Севимли ўйин”, “Ажойиб омадсизлар” романларининг, қўшиқлари тўпланган бир неча дискларнинг муаллифи.
2011 йилда Астурия шаҳзодасининг адабий мукофоти билан тақдирланган.

ТИЛЛА СИМЗАНЖИР

Тунда хат ёзмоқдаман. Декабрь. Энг сўнги кун.
Сен санғиб юргандирсан, манглайи қора акам.
Шаҳар совуқдир анча? Утин ёқшиар дам-дам
Жаранглаб тўкилади деразадан оҳанг, ун...

Эшитдим, тубконларнинг тубида юрганмишсан.
Ташлаб барча ишингни.
Бахт кулиб боқса яхши – умидим шудир билсанг,
Топдингми, аллақачон дилга яқин кишингни.

Билиб қўй, Жейн кеннойим сен берган тилласимни
Ҳамон бўйнидан ечмай тақиб юрар тумордек.
Тилласим эсга солар сенинг илк ҳавасингни,
Сен-чи, “барча кўприкни ёқдим”... деб юрибсан, эҳ!..

Хўш, энди айт-чи, кўнглинг тинчидими оз-моз, сал?
Ақанг кетиб қолдими? – деб сўрайди кўрса ким.
Ўзингни анчагина олдириб ҳам қўйибсан,
Хув бир кун учрашганда даҳватан пайқаб қолдим.

Ўша кунни вокзалда тинмай роса изгидинг,
Ииртилиб тушиди охир ёмғирпўшингинг енги
Вокзалда юриб-юриб, бир ўзинг қайтиб келдинг,
Икковлон келарсан деб кутиб ётдим мен жинни.

Майса чайнаб турдинг сўнг эшикда беҳафсала
Худди саёқ жўғидай.
Жейн кеннойим тонгсаҳар йўллайди сенга салом,
Аёл десанг, вафодор ёрим десанг – дегудай.

Мен сенга нима ёзай бахтнинг жаллоди – акам,
Ҳаёт зериктирдими сени, ёки синади?!
Буларнинг бари балки яхшиликкадир, қайдам?
Ҳаёлга балки бир кун қайтиши фикри келади... –

Ҳаёлда бўлса агар, ака, уйингга келмоқ,
Қўр, кеннойим ётибди ўзни ташлаб тўшакка.
Бахтлими у, билмадим, уни бахтга ёр қилмоқ
Фақат сенинг қўлингдан келадиган иш, ака.

Билсанг, кеннойимдаги ўша тилласим занжир,
Доим сени эслатар қачон ўтирса-турса.
Сени қайтиб келар деб ҳамма умидвор ахир,
Сен-чи “барча кўприклар ёнди...” деб юргандирсан.

Санъат ЖАВОҲИР
таржималари

Жо РОЗЕНБЛАТТЕ

(1933 йил туғилган)

Замонавий Канада шеърлятидаги машҳур намояндалардан бири. Унинг шеърлари “Мушукка оид картон-қоғозлар”, “Лаззат боғи” китобларида чоп этилган. Шунингдек, у болаларга аталган китобларни, шоир дўстларининг тўпламларини ҳам ўзининг сураатлари билан безаган.

* * *

Идрокимнинг ташландиқ боғида
ўргимчак тўрига кўз ёш тўкади.
ўтирар, хўнграйди
юзлаб очиққан
бинафшаранг кўзлар

чайқалиб ҳаворангни тақсимляяпман,
моҳир ҳижронпарастлар билан
ёқимсиз қўшиқлар куйляяпман мен.
осмон қоп-қора – биз эса изтиробларни
ёйиб қўйдик қуритиши учун.

Патрик ЛЕЙН

(1939 йил туғилган)

Шоир, драматург, эссеавис. 1966 йил илк шеърый тўплами – “Ёввойи одамнинг хатлари” нашр бўлгунича кўплаб касбларда ишлаган, ёғоч кесган, қурилишда, тиббиёт соҳасида хизмат қилган, ҳисобчилик қилган. 1978 йил нашр қилинган “Танланган шеърлар” тўплами Канада Генерал-губернаторининг мукофотиға сазовор бўлди. Пьесаларининг бири АҚШ радиосининг Миллий мукофоти билан тақдирланган.

ҚУЁШ БАЗМИ

Само чанг-зуборин ичар қарагай
қишлоқда мўйсафид
қўзлари қартайган
ўлим жсуда яқин
йўли унинг бўйрага қадар.

Кун тахтидан туша бошлайди
қушлар йўқотади овозин.
жимман, тикиламан узоқ шаҳарга.
Ҳаммасини
бошидан гапир.

Тошлар қирмиз рангда нафас олади
нўстлоқларин тозалаб
дарахтзорни эмлар
шайтон гурзиси бу баҳор
у ўлимни бошдан ўтказар.

Ўлим олдидан
жавоб берасанми
бошланиши қай кўринишида қара
осмон кўзи ёшли одимлар аёл.

Юпқаланиб борар қуёш недандир
тоғлар ерга ҳайдалганида
дунё – япалоқ, қатлама каби
ёлғизликда бугланар бургут
осмон сочпопукин узади
қанотлари билан чизиқлар чизиб.

Майкл ОНДАЧЕ

(1943 йил туғилган)

Шоир, адиб, режиссёр, фотограф. Шриланкада туғилиб, Англияда вояга етган, 19 ёшидан бошлаб Канадада яшайди. 1971 йилда “Билли Кид асарларнинг тўплами” номли шеърый китоби Канада Генерал-губернатори мукофотиға сазовор бўлган. “Инглиз паценти” номли романи 1992 йил экранлаштирилиб, биратўла 9 та номинацияда Оскар мукофотини эгаллаган.

БОРАЛЕСГАМУВАЛИК АЁЛ

Дарё ўртасида нилуфар терар
лойқаланган сувда, терисида куйинди чанги

чўмилишини мадҳ этар тинмай
қўли ва билагини
қандай гўзал кулади аёл, эри кўрсайди
қисқичбақа чирмашар оёқларига

баданида қат-қат чизиқлар
мана қандай нур сочар чирой

кун қиёмигача тин-тиник
тўпигида зийнатли занжир

¹ Боралесгамува - манзил номи.

*баданида қат-қат чизиқлар
мана қандай нур сочар чирой*

*кун қиёмигача тир-тиниқ
тўпигида зийнатли занжир*

Эрл БЕРНИ

(1904-1995)

Калгари шаҳрида туғилган. Ёшлиги Библия ва Роберт Бернс шеърларидан маънавий озиқланиш билан ўтган. Ванкувер университетидан кимё саноати муҳандислиги, инглиз адабиёти мутахассислиги бўйича ўқиган. “Давид” деб номланган илк шеърый тўплами 1942 йилда нашр қилинган. Шундан кейинги йилларда жами 20 дан ортиқ тўплалари ёруғ дунё юзини кўрган. Унинг асарлари Канада университетлари ўқув дастурларига ҳам киритилган.

АСЛ КАНАДАЛИКЛАР

*Йилнинг хоҳлаган мавсумида – тоза ҳавода,
норози бўлишмас ҳаётдан,
камгап, бироқ кўнгиллари оқ.
тирбанд бўлса-да, ҳаммага топилади жой,
гуллар, дарахтлар орасида эркиндир улар
кўнгиз гўнгиллайди, чигиртка ўйнар.
Жуда сахий улар
ўғри, қароқчи, зўравони йўқ,
навбатга туришар
ўрнидан жилмай.
ҳаммага беради ўзи ҳақда маълумот: –
исми, ёши, ҳарбий хизмати, севган ака-синглиси,
абадиятнинг шакли ҳақида
айтилгувчи
сўз, таскин ҳаққи
ҳозир улар бари
ернинг остида.*

*Гўзал БЕГИМ
таржималари*



Эдуардо де ФИЛИППО

НЕАПОЛЬ – МИЛЛИОНЕРЛАР ШАҲРИ

Уч пардали комедия¹

ИККИНЧИ ПАРДА

Риккардо бир зум саросималаниб туради, сўнг гўё ўзига ўзи гапиргандай давом этади.

Р и к к а р д о. Квартирани ўзгартириш... Айтишга осон... Илгарилари осонгина иш эди... Янги квартирага кўчиб ўтиш ташвиш ҳам уйғотмасди... Чунки кўримсиз, хароба уйга ҳам бемалол кўчиб бориларди. Чунки кўчада ҳам ўзини уйидагидай ҳис қилинарди. *(Бахтиёр кунларини эслаган каби.)* Бир вақтлар... кечкурун уйингдан чиқардинг... Атрофда сокин, беозор одамлар... Улар сенга кулиб қарашади... Саломлашади... Ҳамма бир-бирига дўст... Агар озгина кўнглингни ёзгинг келса, бир чақа ҳам сарфламасдан, ойнаванд дўконларни томоша қиласан... Ҳасад йўқ... Хафагарчилик йўқ... Қарайсан: дўконда чиройли бир мол туради. Имконияти даражасида пул йиғасан-да, сотиб оласан... Квартирани алмаштириш... Ҳозир уйингдан ташқарига қадам боссанг, нима қиларингни билмай қоласан. Худди бошқа мамлакатга тушиб қолгандайсан...

Э р р и к о (таъсирланиб). Албатта, бу... менинг ишим эмас... Агар донна Амалия истаса...

Р и к к а р д о (руҳланиб). Донна Амалия, бу ерда ўн минг етти юз лир. Болаларим ҳақи, олинг! Билсангиз эди, бугун... бугун... Майли, бу гапни, ору номусимни ерга уриб бўлса ҳам, айтаман... бугун болаларим оч қолишади...

Эррико Амалияга қарайди. Амалия ҳам Эррикога қарайди. Ҳайрон бўлиб қарайди, чунки йигитнинг кўзларида Риккардога ҳамдardлик борлигини кўради.

А м а л и я. Кечирасиз... Айтганларингиз, чиройли гаплар, холос... *(Амалиянинг кўзига тикилганча, унинг кўнглини юмшатишига уринаётган Эррикога – эътироз қолдирмайдиган тарзда.)* Сен, яхшиси, аралашма. *(Катъийлик билан ўрндан туради.)* Пулни олишни биласиз... Энди эса, квартирангизни босиб олганимни айтиб, даъво қиласиз... Нима, мен квартира учун тўламаганмидим?

Риккардо Амалиянинг дод-войидан қўрқиб, уни тинчлантиришига уринади.

Биз оч қолганимизда уйингизга борганмидик? *(Қасоскорона ишонч билан.)* Менинг болаларим очликдан азоб чекишмаган эдими? Сиз иссиқ жойда ишлаб, кўчаларда сайру саёҳат этганда, ойнаванд дўконларни томоша қилиб юрганда, биз икки бўлак помидор солинган, ёвғон нўхат

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

қипиғини тоқат билан еб ўтирганмиз. *(Янада баланд қичқириққа ўтиб.)* Сизга ачинсам ҳам, айтиб қўяй: энди аввалги икки квартирангиз ҳам, ҳозир яшаб турган уйингиз ҳам меники!.. Эллик минг лирни эса, марҳамат қилиб, адвокат орқали олинг. Агар ҳозирги уйингиз қорнингиз тўқ дамларни эсга солгани учун азиз туйилса, ижара пулини тўланг-да, яшайверинг! Тўлаш қўлингиздан келмаса, ана, катта кўча! Энди бизни тинч қўйинг, ишимиз кўп... *(Риккардони таиқарига итариб.)* Бўшатиб қўйинг уйни, бўшатиб!.. Боринг, ҳисобчи! Боринг!.. Юриш фойдали!

Р и к к а р д о *(хўрланган, аммо ўзини тутиб, одоб билан сўзлашга ҳаракат қилади.)* Яхши... Фақат аччиғингиз чиқмасин! Кетаман... Квартира излайман... Бўшатаман... Эрталаб адвокатга бораман-да, ишни битказамиз... *(Бошига тушган таишвилардан ва ҳозирги ҳақоратлардан ўзини йўқотиб қўйиб, нималарнидир пичирлаганча, таиқарига йўналади. Остонада тўхтаб, ўнганга бурилади, аммо хато қилганини сезиб, чапга йўналади.)*

А м а л и я *(кўнгли жойига тушиб).* Уф! Ўйлайманки, энди нима бўлганини тушуниб етди! *(Эррикога, бўлинган гапга қайтиб)* Шундай қилиб, заргарга учрашдим денг...

Э р р и к о. Ҳа... Ўтган ойда олганим бир жуфт қимматбаҳо тошни алмаштирдим... Устига тўрт юз минг тўладим-да, мана бу икки олмосни харид қилдим... *(Юпқа қозоғга ўралган бир жуфт олмосни кўрсатади.)*

А м а л и я *(кўзларини узолмай).* Қандай гўзал!..

Э р р и к о. Тоза олмос... Нуксони йўқ.

Амалия кўчага қараб қўяди. Сўнг каравотнинг ўнг тарафидаги полдан кафел плитасини авайлаб кўтариб, қимматбаҳо жавоҳирот солинган халтача олади.

А м а л и я. Доим хавотирдаман... *(Халтачани очади-да, ҳалиги олмосларни ҳам солгач, яна авайлаб жойига қўяди. Плитани пол билан бир текис қилиб ўрнатади. Яна таиқарига қарайди. Енгил тортиб.)* Шундай қилиб, бу олмослар меники!..

Э р р и к о *(ўрнидан туриб эшикнинг ёнига келади ва кўчадаги ҳаракатга парижонликда қарайди).* Бўлиш бошланди. *(Амалияга қараб юради-да, сахнанинг ўртасида тўхтади. Алам билан).* Менинг ҳиссамни ҳиссангизга қўшиш сизга оғир бўлгани учун...

А м а л и я *(олдидан ўйлаб қўйгани – жиддий суҳбатга тайёрланиб).* Хушрўй, қулоқ солинг!.. Биласиз, сиз менга ёқасиз ва сизни жуда ҳурмат қиламан. Баъзан эҳтиросли кўзларингизни тўлдириб қараб турганингизни кўрсам, сизга шундай талпинаманки, Яратгандан бу орзум ҳақиқатга айланишини сўраб тиловатлар қиламан. Мен бу истакларим учун юзимга тарсакилар уришга тайёрман, аммо...

Эррико ғамгин тортиб, кўзларини ерга қадайдди.

Амалий дўстлигимиз... юк машиналарда бу ерга олиб келтирганингиз молларни сотишим... бизга яхшигина фойда келтирди. Худога шукур! *(Хулоса ясаб.)* Ёлғон гапириб нима қиламан? Ҳар ҳолда ёши етган қизим бор... Женнаро-чи?

Э р р и к о. Мана, бир йилдан ошди, дон Женнародан бирор дарак эшитганингиз йўқ. Худо сақласину, агар тирик бўлса, қаерда эканлиги хабарини етказишнинг бирор-бир йўлини, албатта, тополган бўлар эди. Бунақа бомбардимонлардан кейин, энди унинг изини ҳам топиш маҳол. Женнарони немислар ҳайдаб кетди... Нега уни немислар ҳайдаб кетди? Йўлда бунақа дардисар уларга нима керак? Йўлларда эса отишма... Бомбалар, дайди ўқлар... Ишонинг менга, дон Женнаро ўлган!

А м а л и я *(жавоннинг тортмасидан хат олиб, Хушрўйга кўрсатади).*

Буни кўряпсизми? Женнарога жўнатилган... Уч кун аввал келди... Бирор хабар борми, деб очиб кўрдим... Бу хат Женнаро билан яқин орада бирга бўлган бир одамдан... У Женнарога салом йўллаб, хол-аҳволини билдиради... Мухр ноаниқ – қаердан келганини ўқиш қийин... Женнаро, демак, уйимизнинг манзилини бу одамга ёзиб берган... Мен қаерга бораман? Кимдан сўрайман? У тирик, тирик, тирик! Агар борлигини билдирилмаган бўлса, демак, иложи бўлмаган... Биласизми, Женнаро ҳамма вақт кўз олдимда мана шундай туради...

Э р р и к о (*ҳовридан тушган, гангиган*). Сиз учун байрам бўлиши равшан...

А м а л и я (*афтода оҳангда*). Ҳам қувонч, ҳам қайғу. Чунки сиз, албатта, тушунасиз... Бошланади: “Бу қандай савдо-сотик? Бу ишни қилиш мумкин, бунисини мумкин эмас...” Хуллас, оёқ-қўлим боғланади.

Э р р и к о (*Аёлниг кўзларига тик қараб, унга яқин келади. Қарийб таънали оҳангда*). Албатта...

А м а л и я. “Бу хатарли... Эҳтиёт бўлиш керак...”

Э р р и к о. Бошқа... сабаби йўкми?

А м а л и я. Барча сабабга кўра ҳам.

Э р р и к о (*Амалиянинг эсига аниқ берган ваъдасини тушираркан*). Мен учун хафа бўлаётганингиз йўк, шундайми? Тўғрими? Йўк, мен учун эмас!

А м а л и я (*сохта гапиршига энди кучи етмай, йигитнинг кўзларига тик қарайди, унинг қўлларини маҳкам ушлаб, ҳаяжонланиб шивирлайди*). Сен учун ҳам! Сен учун ҳам!..

Эррико уни бор кучи билан қучоқлайди, лабларини секин лабларига босиб, узоқ ўнади. Шу пайт Поп кириб келади, жилетининг чўнтақларини кавлай бошлайди, сўнг ичкарига йўналади. Аммо ошиқ-маъшуқларни кўриб, орқага қайтади ва остонада уларга орқа ўгириб туради. Нотаниш одам киради.

Н о т а н и ш. Қаҳва!

П о п (*уни дагаллик билан тўхтатиб, тескари ўгиргач, ортидан итариб бораркан*). Савдо вақтинча тўхтатилган. Муюлишдаги уйга боринг. Боринг! Боринг!..

Нотаниш одам норозиликда алланималарни зудурлаб кетади. Амалия ва Эррико Попнинг овозини эшитиб, довдираб бир-бирларидан нари борадилар. Амалия чаптаги эшикка кириб кетади.

Э р р и к о (*жаҳли чиқиб, норози оҳангда*). Сенга нима керак?

П о п (*чўнтақларини кавлаштирар экан*). Гугуртим ичкарида қолибди.

Э р р и к о (*дагаллик билан*). Бор, ол!

П о п (*Эррикони юмшатиши учун жилмайиб*). Қўйсанг-чи... Гугуртни бошимга ураманми? (*Эррикони жаҳлдан туширолмаганини сезгач*.) Майли... Олсам, ола қолай... (*Эррикога кўз остидан қараб олади-да, ўнг тарафдаги эшикка кириб кетади*.)

Амедо киради.

А м е д и о (*Эррикога*). Мен билан гаплашмоқчи эдингизми?

Э р р и к о. Бу ёққа қара, бола... Мен кўчада туғилганман ва ҳаётни сендан яхши биламан...

А м е д и о (*довдираб*). Нима демоқчисиз?

Э р р и к о. Бир ажойиб дамда барча юришларингга нуқта қўйиб, сендан кўра кўпроқ кўрадиган, эшитадиган ва тушунадиган одамнинг сўзларига кулоқ тутгин демоқчиман. Хатарли йўлдан кетаяпсан...

А м е д и о. Қанақа йўлдан?

Эррик о. Пеппе Домкрат билан дўстлигингни йиғиштириб қўйишинг керак. Сен ҳали болакайсан ва шундай нодонликлар қилиб қўйишинг мумкинки, натижада, озодликдан маҳрум қилинишинг ҳеч гапмас. Уни нега “Пеппе Домкрат” дейишларини биласанми?

Амедио (*ўзини гўлликка солиб*). Нега?

Эррик о (*киноя билан*). Нима, билмайсанми? Шунинг учунки, у кечалари қаровсиз қолдирилган машиналарнинг атрофида изғиб юради, пайтини топади-да, рессорига елкасини тираб кўтаради... (*Эътирозга ўрин қолдирмай*.) Сен эса ғилдиракларни ечиб оласан!

Амедио (*қатъийлик билан рад этиб*). Мен?!

Эррик о. Тушунмадингми? Ҳозир, ҳозир аниқроқ тушунтираман. (*Эшикда кўринган Амалияга*.) Биз бироз сайр қилиб келамиз. (*Амедионинг кўлтисидан олади ва қарийб куч билан олиб кета бошлайди*.)

Амедио. Дон Эрри, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор...

Эррик о. Юр-юр...

Кетадилар. Қарийб шу пайтда саҳнанинг тўридаги кўчада Мария Розария кўринади. У жимгина ўнг тарафга йўналади. Стол устига сумкачасини қўйиб, онасига қараб олади. Қўлларини бир-бирига ўраб, гашини келтирадиган бир жилмайишида, бесўз ва беҳаракат туради. Унгадаги эшикдан Поп чиқади ва кўчага йўналади.

Амалия (*қизининг ҳаракатини диққат билан кузатади. Кутилмаган бир воқеа бўлганини англайди ва киноя билан сўрайди*). Эрта қайтибсан?

Мария Розария (*беписанд*). Куёв йигит туёғини шиқиллатиб, кочиб қолди.

Амалия (*қарийб қувониб*). Шундайми? Сенга нима! Бошқасини топасан.

Мария Розария (*совуққонлик билан*). Кимни хоҳласам, кимни ёқтирсам, ўшани топаман. Узим топаман. Сиз ўз ишларингиз билан шуғулланаверинг!

Амалия (*ҳазил оҳангда*). Вой, бечора! Тинмай гапирардинг! Саёҳат! Америка!.. Американинг сенга кўзи учиб турган эдими...

Мария Розария. Мен бебахтликка учрадим... Ахир, фақат гапириб юрганим йўқ, юрагимни ҳам бергандим... Сиз эса мени тузукроқ тергасангиз бўлар эди! Энди бекорга бақираяпсиз, барибир ҳеч нарсани тузатиб бўлмайди...

Амалия. Ҳеч нарсани тузатиб бўлмайди? Нималар қилиб қўйдинг?

Мария Розария (*айбни онасига ағдариниши мумкинлигига у қадар ишонмаганлиги сабабданми, қизгинлик билан*). Менга аввалроқ кўз-кулоқ бўлиш керак эди! Кечқурунлари дугоналарим билан кетаётганимда, қувониш ўрнига, тергашингиз даркор эди. Кўчада юришим сизга қулайлиги учун ҳам миқ этмадингиз... Пулнинг ортидан, фойданинг ортидан югуравермасдан... мени ҳам ўйлаш керак эди...

Амалия (*довдираб, ўзини оқлаган бир тарзда*). Сени ўйламаганим ҳақида гапиришга қандай журъат этасан? Нима қилган бўлсам, шу уй учун, сенлар учун...

Мария Розария (*кинояли*). Сиз? Мени ўйлашга қачон вақтингиз бор эди? Қачон? Хушрўйингиз ҳақида ким ўйларди? Менми?

Амалия (*газабини аранг тутиб*). Гапингни қара!.. Сенга яна бир бор тушунтираман... Хушрўй билан иккаламиз олди-сотдида ҳамкормиз... Бу ишнинг сенга алоқаси йўқ. (*Бирдан ўзини йўқотиб, жаҳл билан*) Мен ўзимга ўзим қарашни уйда қиламан, тушундингми? Яхшиси, ўзингдан гапир... Гапир... (*Саҳна тўрига бориб, эшикни ёпади*.) Қачон?.. Қаерда?

Мария Розария (*худди онаси тенгидай, унинг кўзига тап тортмай боқиб, бақиради*). Шу ерда!.. Уни шу ерга бошлаб келганман! Хушрўй билан сайру саёҳат қилиб, базму жамшид қилиб юрганларингда!..

А м а л и я (*тасаввур қилолмай*). Шу ерда? Менинг уйимда?.. Расво бўлмай кет! Бу гапни онангнинг кўзига тик қараб айтишдан уялмайсанми?! Сен мени она дейишга лойиқ эмассан!.. Сени оёқларим тагида эзиб ташлайман!.. Мажақлаб ташлайман!..

М а р и я Р о з а р и я (*паст тушмай*). Хушрўйни ҳам чақиринг! У ҳам мени сизга кўшилиб мажақласин!.. Сиз унга бу ҳуқуқни ҳам бериб кўйибсиз!

А м а л и я (*кўчадагилар эшитмаслиги учун, ўзини аранг тутиб*). Суюкоёқ! Ҳа, суюкоёқсан!..

М а р и я Р о з а р и я (*бармоғи билан онасини кўрсатиб*). Худди сиздай! Сизнинг ўзингиздай!..

А м а л и я (*ўзини йўқотиб*). Ўлдираман сени! Ўлдираман!.. (*қизининг устига газаб билан юради, Мария онасининг вазжоҳатини кўриб, ўнг тарафдаги эшикка югуради. Амалия уни таъқиб қилаб, қувади*).

Саҳна ортида жанжал янада авжланади. Мария Розария онасининг муштарига чап бераётгани билиниб турибди. Бу орада тор кўчада ҳаракат бошланади: овозлар қулоққа чалинади. “Э, ўша! Ўша!..”, “Салом...”, “Ниҳоят...”, “Дон Женна, ассалому алайкум!”, “Ана, Дон Женнаро!” деган хитоблар эшитилади. Тор кўчани, байрам кунларидай, овозлар босади. Бир овоз қолганларидан алоҳида ажралиб эшитилади: “Дон Женна, бу ерда ҳаммамиз сизни ўлган деб юрган эдик”. Женнаронинг ҳаяжонли овози янграйди: “Мана, мана, тирикман! Қайтиб келдим!”. Ҳаяжонли саломлашишлар ва табриклар хори тинмайди. Шу пайт кўчадан жуда муҳим ва қутилмаган хабарни айтадиган одамдай Аделаида киради. Ҳеч ким йўқлигини кўргач, чақиради.

А д е л а и д а. Донна Амалия! Донна Амалия!

А м а л и я (*кўчадаги шовқиндан ва Аделаиданинг қутилмаган ҳайриоддий овозидан хавотир олиб*). Нима бўлди?

А д е л а и д а. Эрингиз!

Женнаро киради.

Ж е н н а р о (*Ҳаммани – сўлга, ўннга; юқорига – балконларга қараб кутлар экан*). Раҳмат! Ҳаммаларингга раҳмат! Кейин айтиб бераман!.. Кейин айтиб бераман...

Унинг эғнида йиртилган, шўрлаб кетган кийим: бошида Италия аскарининг фуражкаси, шими Американики, пиджакнинг ўрнига – немис аскарининг ола-була (камүфляж) ёпинчиги. Женнаро жуда ориқлаб кетган. Чарчоқ, аммо ўз оиласи ва уйига етганидан юзи қувончдан чарақлаб турибди. Унинг елкасида аскарнинг елкақопига ўхшаш бир балолар тиқилган халта, қўлида декча (қозонча) вазифасини бажарувчи қўлбола сим ушлағичли банка. У остонадан киради-да, атрофига бир қур назар ташлайди. Ҳайратланади. Ҳашиамдор кийимдаги хотинига кўзи тушигач эса баттар ҳайрон қолади. Женнаро хотинини танимайди. Адашиб бошиқа эшикка кирганман, деб ўйлаб, кечирим сўрайди.

Ж е н н а р о. Кечирасиз, синьора... (*қайтиб жўнайди*.)

А д е л а и д а (*уни қувиб етиб*). Адашмадингиз, дон Женна! Кираверинг!.. Мана, бу уйингиз... Ана, хотинингиз... Кўрапсизми?

Женнаро киришига журъат қилолмай туради, сўнг шиончсизлик билан қадам ташлайди. Уйидаги ҳашам уни гарангсйтиб қўйган. Женнаронинг кўзлари Амалиянинг кўзлари билан учрашади. Женнаро ҳаяжон ва кўрқувга тўлган. Амалия эса бир сўз айтолмай, тош каби қотиб турибди.

У эрининг қанчалар азоб-уқубат чекканини таиққи кўринишидан англаб етган.

А м а л и я (аранг шивирлаб). Женнаро... (Унинг бу сўзида хитоб ҳам, ҳайрат ҳам, эркалаш ҳам, оддий инсоний тушуниш ҳам бор.)

Ж е н н а р о (уни танимагани учун кечирим сўрагандай, чўчибгина). Амалия... Кечирасан... Аммо... (Хотини томонга бир неча қадам ташлайди. Унинг юзи гуссадан аллатовур бўлиб кетган. Униманидир гапиргиси, йиғлагиси, беҳад қувонгиси келади, аммо у фақат бир сўзни айтолади.) Амалия...

Эру хотин бир-бирларига ташланадилар ва меҳрда ўртаниб кучоқлашадилар.

Ж е н н а р о (ҳаяжонда). Абадият кечгандай, Амалия...

Амалия ўқиб йиғлапти, Женнаро кўз ёшларини артаяпти.

Абадият кечгандай...

Сукунат. Амалия биринчи бўлиб ўзига келади.

А м а л и я Хуш келибсан!.. Ўтир, хордиқ чиқар... Менга айтиб бер... Қаерларда эдинг?

Ж е н н а р о (ўзининг даҳшатли саргузаштини яна қайта бошдан кечираётгандай). Хўш, Амалия... Ҳаммасини шундоқ айтиб берайми? Кўрганларимни, бошдан кечирганларимни айтиб бераверсам, бир йил ҳам етмайди. Биз айро тушган ўн уч-ўн тўрт ойнинг машаққатларини ёзиб чиқишга тоғдай қоғоз уюми ҳам камлик қилади. Ҳаммаси бу еримда (кўзларини кўрсатиб) турибди, Амалия. Кўзимнинг олдида... Бошимга чиқмайдиган бўлиб ўрнашган... Нимадан гап бошлашни ҳам билмайман... (Кўнгли очиклик билан кулади.) Аммо ҳозир ҳаммасини, ҳаммасини унутгандайман... Уйимиз... сен... дўстлар... (Пешонасини шиқаб.) Жимлик, сукунат... (Қутилмаган қатъиятда, руҳи кўтарилиб.) Яхшиси, сизлар ҳақингизда, уй ҳақида гаплашамиз... Амедио қалай?.. Ритуччи?.. Мария?..

А м а л и я. Ритуччининг тоби йўқ.

Ж е н н а р о (ташвишланиб). Нима бўлди?

А м а л и я (сокин). Ҳеч нарса... Озгина иссиғи бор... Болаларда бўлиб туради...

Ж е н н а р о. Қизгинам... (Амалияга.) Ўша ердами? (Амалиянинг тасдиғидан кейин, чапдаги эшикка кириб кетади.)

А д е л а и д а (шу пайтгача у Женнародан кўз узмай турган эди). Бечора дон Женнаро... Озиб-тўзиб кетибди... Парвардигор! Парвардигор! Мен кетдим, донна Амалия! Кейинроқ кирарман... (Таиққарига чиқаркан, тор кўчадаги Мадонна ҳайкалига мурожаат қилади.) О Мадонна! Ўзинг паноҳингда асра!

А м а л и я (ўнгдаги эшикка қараб). Мария... Бу ёққа кел.. Отанг келди!

Кўз ёшларини артиб ва сочларини тузатиб, Амалия чиқади.

М а р и я Р о з а р и я (паризион). Отам келди...

А м а л и я (нафратланиб). Бундай аҳволда кўринма... Унга аҳволингни гапириб ҳам ўтирма... Бечорага бир бало бўлиб қолмасин...

Кўчадан Амедио югуриб киради.

А м е д и о (ҳаяжонланиб). Отамни келган, дейишяпти?

Женнаро (орти билан оҳиста юриб чиқаркан, чапдаги хонага қараб сўзлайди). Амалия, унинг иссиғи баланд... Нафас олиши менга ёқмаяпти... (Амалияга ўгириларкан, Амедиога кўзи тушигач, сўзи бўғзида қотади).
А м е д и о. Ота!

Кучоқлашадилар.

Женнаро. Амеди... (Бағрига қайта босиб.) Мўъжиза!
А м е д и о. Қайтганингиз қандай яхши бўлди...
Женнаро (Бир четда гўё кўрққан каби турган қизига кўзи тушади. Унинг югуриб келишини кутиб бироз туради; ахирги таънакор оҳангли ҳайронликда, Марияга). Мари, нахотки, отангни кўрмаётган бўлсанг?

Мария Розария тоқати тугаб, югуриб келади-да, отасининг кучоғига киради. Женнаронинг бағрида икки фарзанди – бахтиёр дамларни бошдан кечираяпти. У жуда қаттиқ ҳаяжонланган, ундан қувонч барқ уриб турибди.

Агар билсаларинг эди, билсаларинг эди... Ҳали гапириб бераман... (Фуражқасини ечади, елкасидан халтасини олади-да, ўзининг ҳужраси тарафга юради ва уни тополмай саросимада тўхтаб қолади. Бироз ранжигандай, Амалияга.) Менинг... хонам қани?

А м а л и я (ўзини оқлашга уриниб, аммо эрига ҳурмат ила). Хонанг, Женне..

Женнаро. Уни ҳам сотиб юбордиларингми?
А м а л и я. Сен йўқ эдинг...
Женнаро. Тўғри, мен йўқ эдим... (Беихтиёр ўзи яшаган ва ҳозир тамом ўзгарган бурчакка қараб туради. Сўнг кўниккандай) Озгина ичим ачишди... (Узоқ сукунат. У жиҳозларга ва янги нарсаларга бир-бир қараб чиқаркан, маъқуллаб Амалияга қараб-қараб кўяди.) Албатта... Жуда чиройли бўпти!.. Жуда!..

А м е д и о. Лекин... Ота, қаерда эдингиз?
Женнаро (самимий). Билмайман. Қаерда бўлганимни айтаман десам ҳам, айтолмайман... Ўтиринглар... (Фуражқасини, халтани ва декчани саҳна тўридаги столга қўяди ва фарзандлари билан Амалиянинг қаршисига ўтиради.) Хўш... Нима десам экан? Қирғоқдаги уч юз метрлик масофада одамларни эвакуация қилиш ҳақида буйруқ берилди. Бир ярим соат ўтар-ўтмас бир зог ҳам қолмаслиги даркор эди... (Амалияга.) Эсингдами? Чамадону тугун кўтарган халк...

А м а л и я (ўшқ манзарани эслаб). Бўлмаса-чи...
Женнаро. Ўшанда қамоқхонанинг ёнидан ўтиб кетаяпман, денг. Ўн кило олма ва тўрт кило нон орқалаб, Фраттамажоредан қайтаяпман. Ўн тўрт километрдан... Ўн тўрт кило юкни орқалаб... қандай чарчаганимни худонинг ўзи билади... Хуллас, ярим йўлда денгиздан бомбардимон бўлишини айтиб қолишди. “Югуринглар! Ертўлага югуринглар! Денгиздан бомбардимон қилишади!”, “Америка кемалари!”, “Бошбапанага чопинглар!” Эсимга сен, болаларим тушди... Қандай қилиб бомбапанада ўтираман? Қаердан бомба ташлашса, ташлай беришмайдими? Денгизданми, ерданми, осмонданми, ернинг тагиданми... Уйга боришим керак... Тўхтамай кетавердим... Елкамда ўн тўрт кило юк... Ташламайман-ку... Йўлга эса тўрт тарафдан отиб туришибди. Худди дўзахнинг ўзи. Томларга, дўконларга, тарновларга ўқлар ёғилаяпти... Одамлар қочишга тушган... Пулемётлар... Немислар... Атрофда мурдалар ётибди... Шу тўполонда кимдир мени тирсаги билан уриб юборди. Йиқилдим. Нону олмалар сочилиб кетди. Ерга бошим билан тушдим, мана бу жойим (қанишарини кўрсатиб) шундоқ шилиниб кетди... Эсимда, кўлим қонга ботган... (Учап қўлини, ҳали ҳам қонга ботиб тургандай кўтариб, кўрсатади.) Эшитиб ётибман: хануз

отишяпти... *(Юки эсига тушиб.)* Билмадим, ўша олмаларни ким еган?.. *(Сукунат.)* Хушимга келиб, у-бу нарсани англай бошлаганимда, кимдир мени ерга маҳкам босганича, бўғаётгандай эди... Овозлар, одамларнинг бақир-чақири... қимирлашга уринаман – қимирлай олмайман... Оёқларим бордай, аммо ҳаракатга келмайди... Мен бомбапананинг вайронаси тагида қолганману, устимда одамлар ётибди, деган хаёлга бордим... *(Эски тахмин янги тахмин билан алмашади.)* Яқинлашиб келаётган поезднинг шовқини... Аввал узоқдан... сўнг яқинлашгандан яқинлашиб... Ётган жойим эса қаёққадир югуриб кетаяпти... Шунда яхшироқ англаш учун кўзларимни юмиб олдим... “Поездми?” Гилдиракларнинг шакқиллаши... Поезд! Ёруғ бир пайдо бўлади, бир ғойиб... яна пайдо бўлади... қанча вақт шу тарзда кечди?.. Билмайман... Кейин сукунат... Аста-аста ўзимни эркинроқ ҳис қила бошладим. Ҳатто қимирлаш ҳам мумкин... Янада ёруғ кўпайди... янада ҳаво мўлроқ... Нафас олиш мумкин... Одамлар кўзғалиб қолди... Поезддан туша бошладилар... Мен ҳам тушдим... каерда эдим? Қайси мамлакатда? Мутлақо билмайман. Дала лазаретида яраларимни боғлашди, икки кундан кейин эса немиснинг сержанти, қўлимдан нима келишини сўраб қолди. Қўрққанимдан каллам ишлаб кетди: “Агар трамвайчиман, десам...” *(Немис сержантининг овозига тақлид қилиқ қилиб)* “Бу ерда трамвай йўқ... Сен ҳам даркор эмассан!” деб қолишидан чўчидим. Ахир... *(Автоматнинг отишига ўхшатиб.)* Та-та-та-та... дунёда йўқсан...
А м е д и о *(нацистларни кўзда тутиб)*. Улар бундай ишларга устаси фаранг!

Ж е н н а р о. Атрофга қараб олдим-да, “юкчимаан, тош ташийман”, дедим. Тош!.. *(Қандай оғир ишни бажаргани гапидан билиниб.)* Мен қанча тошларни кўтарганимни билсанг эди, Амалия! Овқатсиз, сувсиз, портлаётган бомбаларни оралаб... Мен ўша сержантга негадир ёкиб қолдим. Олдимга гаплашгани тез-тез келади. Нималарнидир гапирди. Тушунмайман. Фақат “ҳа” дейман. Маъқуллаб бош силқийман... Шундай қилиб, уч ой ўтди... Бир нечта неаполик билан гапни бириктириб, қочдик. Қочиб кетаяпмиз... Бирдан биттаси “Мукаддас Мадонна! Бизга отишяпти”, деб қолди. “Отаверсинлар, – дедим, – ўлганимиз яхши!” Амалия, у ерда баъзан ўлим яхши кўринади. Фақат кечалари юрамиз, кишлокдан кишлокқа ўтамиз... *(Жим қолади. Кейин ўша дамларни кўз олдига келтиргандай, бир нуқтага тикилганча.)* Аравада, поезднинг зинасида... Пиёда... Пиёда... қандай азоб, Амалия!.. Қирғинлар, вайрона шаҳарлар, изғиган болалар... Улдирилганлар қанча!.. Бизлардан ҳам, улардан ҳам... Нималарни кўрмадим!.. *(Бошдан ўтганларни кўз олдига келтириб, тамом эзилган алфозда.)* Ўлганларнинг эса ҳаммаси бир хил... *(Сукунат. Фикрату руҳида қандай ўзгаришлар пайдо бўлганини билдириши учунми, янада ҳаяжонли оҳангда.)* Амалия... бошқа одам бўлиб қайтиб келдим. Аввалги урушдан қайтганимда, менга нима бўлгани эсингдами? Тайёр жинни эдим, кўринган билан жанжал қилаверардим...

Амалия тасдиқлайди.

Бу сафар тамом бошқачаман. Бу уруш эмас, Амалия, бошқа нарса... Биз тушуниб етмайдиган нарса... Мана, мен эллик иккига кирдим, аммо энди ўзимни ҳақиқатан эркак деб ҳис қилаяпман. *(Амедиога, тиззасига уриб.)* Бу урушдан яхши одам бўлиб қайтишяпти... Бировга озор бермайдиган... *(Амалияга, огоҳлантиргандай.)* Бировга ёмонлик қилмайлик, Амалия... Заррача ёмонлик қилмайлик... *(Ўйига қайтиши, хотиралар, яқинлари билан учрашув, энг муҳими, бу фожисалар олдига ўзининг ҳеч киммаслигини ҳис қилиши – бошидан ўтган жами воқеалар уни жисмоний тангликка олиб келган; у хўнграб йиғлайди.)*

А м а л и я *(ташвишига тушиб ва ўз одагининг аксига кўра ҳаяжонланиб)*. Бўлди!.. Бўлди, Женнаро...

А м е д и о (*Овутиб*). Ота...

Ж е н н а р о (*бўшаишганидан уялиб, ўзини тутиб олади, юзида ним-табассум пайдо бўлади*). Шу-да энди... (*Ҳикоясига қайтиб*.) Кейин... (*Бошдан кечирганлари шу қадар кўпки, Женнаро бу туришида, уларнинг энг муҳимларини на умумлаштиришига, на таҳлил қилишига кучи етади*.) Ҳозир... (*Тараддудланиб*.) Бошим негадир бўм-бўш... Хуллас, кишлоқлар ортда қолди... (*Хотирасининг ипини топиб*.) Бир одам билан танишиб қолдим... Хўш... Эшитинглар... Иккаламиз ташландиқ молхонада тунаб юрдик. Эрталаб мен бирор жойда бирор иш топиш илинжида жўнайман, оқшомда қайтиб келаман... Эътибор берсам, халиги одам ташқарига ҳеч ҳам чикмайди... Эски шох-шаббаларнинг уюми ичида ўзига ин қилиб олган... Кечалари гапириб чиқади. (*Танишининг хириллаган ва кўрқиб кетган овозига тақлид қилади*.) “Ана, улар! Ёрдам беринглар! Кўйворинглар! Мени кўйворинглар...” Сесканиб кетаман... Амалия, у яхудий эди...

А м а л и я (*ҳамдардлик билан*). Бечора!...

Ж е н н а р о. У бечора яхудий эди. Молхонада бирга яшаётганимизга икки ой ўтгандан кейин иқрор бўлди... Кечкурун қайтаман. Баъзан нону пишлоқ, баъзан нону мева, баъзан фақат мева... Бирга еймиз... Биз ака-укадай эдик. (*Ўша ғалати кунларнинг бир тафсилотини эслаб, жилмаяди*.) Энг даҳашатлиси, унинг “мени сотиб кўяди”, деган хаёлидан кейин бошланди... (*Яна жиддий*.) Унинг ранги оқариб кетган, қизарган кўзи қинидан чиқадигандай... Менга ақлдан озгандай туйиларди... Бир кун эрталаб у ёкамдан ушлади... (*Сўл қўли билан ёқасини ушлайди. Ўнг қўли билан гапига мос ҳаракат қиларкан, ўшга одамга яна тақлид қилиб*.) “Сен мени сотасан!...” (*Ўзининг овозида*.) “Йўқ, сотмайман...” (*Яна дўстига тақлид қилиб*.) “Сен ҳаётимни уларга топширмоқчисан...” (*Ўзининг овозида*.) “Бу гап хаёлимга ҳам келгани йўқ... Мен уйга қайтмоқчиман...” (*Дўстининг овозида*.) “Мени уларга топширма... уларга топшириб кўйма...” У йиғлади... Норғул, сочларига оқ оралаган... Катта бўлиб қолган фарзандлари бор... Уларнинг суратлари ёнида... қандай ваҳшийлик! Шунчалик тубан тушдикми?... Бунинг учун хали кўп нарса қурбон берамиз... Амалия, у ҳозир ҳам кўз олдимда... қўлларимни тутиб олган... қўлларимни ўпади... (*Яна яхудийга тақлид қилади*.) “Мени сотма...” (*Дўстига жавоб бергандай*.) “Нахотки, сен бундай иш қўлимдан келади деб ўйласанг?...” (*Амалияга*.) Уни роса ишонтирмоқчи бўлдим... (*Дўстига мурожаат қилиётгандай*.) “Авваламбор, мен имонли одамман, агар Худо жонингни омон сақлаб, Неаполга борсанг, суриштириб кўришинг мумкин...” Нима десам ҳам, бефойда... Калласига қуйиб олган... Кейин яна кишлоқма-кишлоқ ўтиб келавердик... Қандай қилиб, фронтдан ўтганимизни ҳам билмаймиз... Бошқача ҳарбий кийимдаги аскарларни кўрганимиздан сўнг ишондик... қандай қувонганимизни айтиб бўлмайди! Кучоклашамиз денг, ўпишамиз денг!.. Худди туғишган ака-укадай... Унга ўз манзилимни ёзиб бердим-да: “Бошингга нима иш тушса, ёрдамга тайёрман”, дедим.

А м а л и я (*бояж хат эсига тушиб*). Эҳтимол, бу хат ўша одамдандир... (*Стол устида ётган хатни олиб, Женнарога узатади*.)

Ж е н н а р о (*хатни олиб кўргач, қувониб*). Албатта... Ўша! Худога шукр! Соғу саломат! (*Ўқийди*.) “Мухтарам синьор Женнаро. Ўйлайманки, яқинларингиз билан ахийри дийдор кўришгансиз. Сизга алангали саломлар йўллайман ва сизни чин қалбдан табриклайман” (*Хотинига*.) Унутмапти... (*Ўқийди*.) “Болаларингиз ва хотинингиз, қай қисматни бошларидан кечирган бўлмасинлар, ишончим комилки, сизга ва сиз чеккан укубатларга муносиб бўладилар...”

Амалия ҳаяжонланади ва сочларини тузатган бўлиб, бу ҳолни яширишига ҳаракат қилади.

“Сизнинг барча ташвишларингизга висол ҳаяжонлари мукофот

бўлишини тилайман. Мен ўзимни яхши ҳис қиляяпман...”

А м е д и о (*хат охирига етаётганини фаҳмлаб, сабрсизлик билан*). Хуллас, ота, кўп азоб чекибсиз...

Ж е н н а р о. Гапирма... Гапирма... Ҳали ҳеч нарсани сўзлаб берганим йўқ... Айтаверсам...

А м е д и о. Энди уйдасиз, биз билан бирга... Ўтган ишларни кўп ўйламанг.

Ж е н н а р о. “Кўп ўйлама”? Айтишга осон. Бу кўргуликларни ким ҳам унута оларди!

А м е д и о (*енгилтаклик билан*). Қўйсангиз-чи, ота... Энди сиз учун кўргуликлар ниҳоясига етди.

Ж е н н а р о (*ишонч билан*). Йўқ. Адашяпсан. Мен кўрганларимни сен кўрмагансан... Уруш тугагани йўқ...

А м е д и о. Биз бу ерда тинчгина ҳаёт кечири бошладик.

Ж е н н а р о (*хурсанд бўлиб*). Кўраяпман... Кўраяпман... О, неча марта ўлимдан қутулиб қолдим! Амалия, нақ бир баҳя қолди... Помпедаги Мадоннага, албатта, шам қўйишим керак... (*Ўрнидан туриб, қувониб атрофга назар ташлар экан.*) Агар ўлганимда, мана бу қўғирчокдай қилиб қайта қурилган уйни кўролмай кетардим, мана бу мебелларни ҳам, зебо қизим Марияни ҳам... Амедиони ҳам... Сен бу чиройли кўйлақда... ҳақиқий синьоранинг нақ ўзисан!.. (*Амалиянинг сирғалари, олтин тақинчоқларига кўзи тушиб бир дақиқа ўйланиб қолади. Амалия беихтиёр тақинчоқларини кўрсатмасликка уринади.*) Кўрсат-чи, Амалия... (*Ҳайратга тушиб.*) Наҳотки, олмос бўлса?

А м а л и я (*уларнинг баҳосини гўёки туширишга ҳаракат қилиб*). Ҳа... Олмос...

Ж е н н а р о (*қовоғи уйилади. Бошида турфа фикрлар, аммо у баъзи миядан чиқмаётганларини нарига суришга ҳаракат қиляпти. Узоқ сукунат. Беихтиёр Марияга шубҳа билан қарайди. Қиз кўзларини ерга олади. Жиддий ва синовчан оҳангда гап бошлайди*). Ҳм... Менга баъзи бир нарсаларни тушунтириб бер, Амалия...

А м а л и я (*сохта кулги билан*). Нимани билишни истайсан, Женнаро? Биз бироз оёққа туриб олдик... Амедио ишляпти, яхшигина топаяпти... Мен озми-кўпми савдо қилиб турибман...

Ж е н н а р о (*хавотирда*). Яна мурда бўлишимга тўғри келадими?

А м а л и я (*вазиятдан чиқиб кетиш учун эринг ҳазилига одатдан кўра кўпроқ кулади*). Йўқ... Нима деяпсан, Женнаро.

Ж е н н а р о. Мени мурда бўлишга мажбур қилманглар. Назаримда, бу иш ёмонлик аломати... (*Эслаб.*) Энг қалтис дамларда, доим тўрт тарафимда шам ёниб турганини кўрдим... “Ҳа, ўша қилмишим менга бебахтлик келтирди”, деб ўйлардим.

А м а л и я (*уни тинчлантириб*). Хавотир олма. Ҳозир ҳамма нарса ўзгарди. Америкаликлар, англияликлар...

Ж е н н а р о (*Англо-америкаликлар уруш пайтида берган ваъдаларини амалга ошира бошлаган бўлсалар керак, деган фикрдан бироз ором топади*). Тушунаман... Бизга ёрдам беришяпти... Инглизлару америкаликлар ёрдам берамиз, дейишганди-ку! Демак, сўзларида туришибди-да... (*Ўзгача оҳангда.*) Хўш, сенинг савдонг қанақа савдо?

А м е д и о. Улар Хушрўй билан компания ташкил этишди.

А м а л и я (*саросималаниб, норози оҳангда*). Ҳа... Биз жамият ташкил қилдик. У юк машинасида... мол олиб келади...

Ж е н н а р о. Олиб келади... Транспорт жамияти... Ҳа, юк машинасини америкаликлар берса керак...

А м а л и я (*аччиқ алам билан*). Ҳа, беришади... (*Енгил киноя аралаш.*) Уларга борасан-да, “менга бир-икки юк машинаси керак эди”, дейсан – шундоқ беришади...

Ж е н н а р о. Ёрдам беришларини кўп гапирганлар. Ваъдалари усти-

дан чикибди-да! Хўкизни шохидан, имонли одамни лафзидан биласан, деганлари ҳақ рост... Амедио, сен нима қиляяпсан?

А м е д и о (*қисқа қилиб*). Мен... Автомашиналар билан шуғулланаман... (*Отасининг эътибор бераётганидан гурурланиб.*) Агар машинани кўрсам... Ҳолати яхши бўлса... Им-м-м... сотиб оламан... Олди-сотди...

Женнарога бу гаплари ёқинқирамаганини сезган Амедио гапни бошқа ёққа буради.

(*Кулиб.*) Мария Розария сизга совға тайёрлаб қўйди... Америкага кетаяпти. Америкалик аскарга турмушга чиқаяпти.

Мария Розария отасига қаршига ботинолмай, аввалгидек қовозини солиб, Амалия эса игнанинг устида ўтиргандай туришибди.

Ж е н н а р о (*ҳайратда, қувонган, хафа ҳам тортган*). Сен? Мени ташлаб кетяпсанми? Бунақа бўлиши мумкин эмас... Бир кўзсиз яшаш мумкин... Лекин отасиз... (*Қизини меҳр билан қучади, қиз юзларини кафтлари билан беркитиб, тўлиқиб йиғлай бошлайди. Женнаро эса, Мария ота уйни ташлаб кетаётгани учун йиғлаяпти деб ўйлайди.*) Йиғлама, мен ҳамиша сен биланман... Ҳеч ёққа қўйиб юбормайман... Сени ўзим неаполлик йигитга турмушга бераман... Ўз ҳамшаҳарингга...

Шошиб Эррико киради.

Э р р и к о. Амалия... (*Женнарога кўзи тушади, нима қилиши лозимлигини тез англайди ва керакли оҳангни топишга ҳаракат қилиб, гапиришга тушади*). Э-э!.. Қаранг!.. Дон Женнаро ҳам шу ерда-ку!...

Ж е н н а р о (*эски қадрдонини кўрганидан қувониб*). Салом, Хушрўй!

Қучоқлашадилар.

Ярим соат олдин келдим... Кейин ҳикоя қилиб бераман... Бутун бошли роман!.. Хотиним билан транспорт жамияти тузибсизлар деб эшитдим... Иш яхши кетаётган эмиш... Табриклайман...

Э р р и к о (*бироз саросималикда Амалияга қараб олиб*). Қўяверинг... Яқинда донна Амалия сиз ҳақингизда гапириб берган эди... Ҳамиша кўз олдида эканлигингизни, сизни ҳар дақиқа кутишини... Сиз эса айни пайтида келдингиз... Чунки бугун оқшом туғилган кунимни нишонлаймиз... Донна Амалия сўққабошлигимга раҳми келиб, марҳамат кўргазди-да, уйингизга таклиф қилди... Фақат ўзимизникилар...

Ж е н н а р о (*маъқуллаб*). Жуда яхши бўпти!.. Сиз ёлғизсиз... Бунақа нохуш замонда йиғилиб, бирга ўтириб, чакчаклашмоқ ёмон эмас... Ҳозир жуда оғир замон... Мен бўлган ўлкаларда, ҳозиргача замбараклар гумбирлаб турибди!.. Қасам ичиб айтаман, эшик “қарс” этса ҳам юрагим шувуллаб кетади... Қаранг, шу кунда...

Э р р и к о (*уни бўлиб*). Қўйинг, дон Женнаро, бу ҳақда энди кўп ўйлайверманг... Ҳозир дўстлар келишади. Озроқ ўйин-кулги қиламиз!..

Ж е н н а р о. Уйин-кулги? Ҳазиллашяяпсизми? (*Атрофдагиларни чин воқеликка чақираётгандай.*) Уруш тугагани йўқ...

Э р р и к о. Таъмирдан кейин уй сизга ёқаяптими?

Ж е н н а р о (*шунчаки*). Чиройли, чиройли...

Мария Розария чапдаги эшикка кириб кетади.

Чойшаб ёпилган катта товани кўтарган Поп қўчадан киради.

П о п (*иззат-ҳурмат билан*). Мана, улоқ гўшти... (*Женнарога кўзи*

тушади, ҳайратда.) Дон Женнаро... Омон-эсонмисиз?

Ж е н н а р о (*тўлқинланиб, қувониб*). Поп! Тирик бормисан? “Поп қандай кун кўраётган экан”, деб ҳамиша ўйлаб юрдим.

П о п. Тирикман. Мўъжиза...

Э р р и к о (*товани кўрсатиб*). Дон Женна, мана бу картошка билан қоврилган улоқ, ҳали айтганим базми жамшид учун...

Ж е н н а р о (*таомнинг иштаҳоочар бўйини ҳидларкан*). Картошка билан қоврилган улоқ! Зўр!.. (*Эслаб*.) У ёқда, шимолда, бунақа таом учун бир-биримизни ўлдиришга тайёр эдик... (*Сухбатни ўзи учун азиз мавзуга бурмоқчи бўлади*.) Қандай замонлар... Қандай замонлар... Тасаввур қилинг: биз дала ўртасидаги чуқурга яшириндик, атрофда гранаталар портляпти, замбараклар гумбирляпти... Дўзахнинг ўзи, дон Эррико... Етти одаммиз, ёнимизда ўқ тегиб ўлган икки мурда... Нонсиз, сувсиз уч кун ўтирдик... (*Қизишиб*.) Бирдан...

П о п (*кўчани кузатиб, остонада турганича*). Ана, ширин қалампир ва бақлажон қовурдоғини ҳам келтиришяпти!

Иккита това кўтарган одам киради.

Ортимдан юр!

Ўнгдаги эшикка кириб кетадилар.

Ж е н н а р о. Жуда ажойиб! Мўл-кўл тушлик деса ҳам бўлади! (*Бўлинган сухбатни давом эттириб*.) Нима деётган эдим?.. Чуқурда ётиб-миз, чунки атрофда гранаталар портляпти, замбараклар гумбирляпти...

Амалия игнада ўтиргандай, Амедио эса соатиға қарайди. Гарчи бошқа нарса ҳақида ўйлаётган бўлса ҳам, фақат Эррико ўзини эшитаетган каби тутади.

Бирдан...

А м а л и я (*нотабийий меҳр билан*). Женнаро, шошма... сен кейин... кейинроқ гапириб берасан... Ҳозир столни безаш керак...

Ж е н н а р о. Гапим чўзилмайди.

А м а л и я. Кечки овқатдан сўнг... Ҳозир одамлар кела бошлайди...

Э р р и к о. Дўстлар жам бўлгандан сўнг...

Ж е н н а р о. Ундай бўлса, ювиниб олай, ҳаммаёғим чанг.

Э р р и к о. Тўппа-тўғри!

Ж е н н а р о (*сўлдаги эшикка йўналар экан*). Кейин ҳаммасини гапириб бераман... Дон Эрри... Кўрганларимни гапириб берсам, сочларингиз тикка туради... Э, аввалги уруш бир ҳазил экан... (*Кетади*.)

Амалия эшик ортига келиб ўтириб олган, Эррикога қарашга ботинолмай турибди. Ассунта киради.

А с с у н т а. Донна Амалия, ёрдам керак эмасми?

А м а л и я. Яхши бўларди... Иш кўплигидан бошим айланиб қолди... Столни тузаш керак...

А с с у н т а. Бир оғиз гапингиз...

Амалия тортмадан дастурхон олиб, Ассунтага беради. Ассунта уни столга ёзишга ҳозирлик кўради. Амедио унга ёрдам беради. Столни узайтириш учун ёнига кичикроқ стол қўшади. У катта столга унча мос келмайди.

Холам ҳозирлик кўрапти. Чиройли янги кўйлагини кийди. У ҳам

балодай пул топаяпти... Пул топишни билади... Мен эса кийинмайман ҳам... Азадорман... Устимдаги бўлаверади...

Амедиа нимадир келтириши учун ўнгдаги эшикка кириб кетади.

(*Огоҳлантирган каби.*) Донна Амалия... дон Женнарони келди, дейишяпти, тўғрими?... Холам айтди... Жуда ориқлаб кетган эмиш. Биз холам билан ташвишдамиз... Энди, донна Амалия, нима бўлади?... Хушрўйни... ҳалиги... билиб қолса... (*“Нима рўй беради?” дегандай ҳаракат қилади.*) Чунки энди Хушрўй... бу ерда, албатта, бўлмаса керак-да!..

Э р р и к о (*кескин бўлиб*). Ким бўлмайди?

А с с у н т а. Ҳеч ким...

Э р р и к о (*жаҳл билан*). Доим менинг ишимга бурнингни тикасан.

А с с у н т а (*тавба қилиб*). Ўз-ўзидан шунақа бўлиб қолади...

Амедиа идишларни кўтариб чиқади. Ассунта билан бирга дастурхон тузаши бошлайди. Амалия Ассунтанинг гапларидан ранжиганнамо чапдаги эшикка кириб кетади. Пеппе ва Федерико, унинг ортидан бошқа эркак ва аёллар – меҳмонга таклиф қилинганлар кирадилар. Улар Эрриконинг ёнида тўхтаб қизгин табриклайдилар. Эркаклар қора костюмда, аёллар эса гижимланган кундалик кўйлаклари устидан ҳашамдор мўйна ётинчиқлар ташлаб олганлар. Ҳаммаси қимматбаҳо тақинчоқларни бошдан-оёқ тақиб олганлар ва уни кўз-кўз қилиб турадилар. Бироздан сўнг Амалия байрам либосида чиқиб келади. Одамлар гулдасталар, гулсаватлар ва бошқа совға-саломлар ҳам келтирганлар. Поп пайдо бўлади-да, столни ва атрофни гуллар ва совғалар билан безай бошлайди. Кеча “қаҳрамон”и – барча билан кулиб сўрашаётган ва совғалар учун ўзига хос тавозе билан ташаккур билдираётган Хушрўйнинг теварагида байрам руҳи пайдо бўлади. Хонада қувончли кайфият ҳукм сураяпти.

П е п п е. Биз ҳаммамиз сизни муносиб тақдирлаш учун йиғилдик.

Э р р и к о. Раҳмат. Аммо бу ўтириш менинг туғилган куним учун эмас. Кун тартибини тамомон ўзгартириб юбордик. Бу тантана қайтиб келган дон Женнаронинг шарафига...

Ф е д е р и к о. Ҳа, эшитдим...

П е п п е (*эшикдан кириб келаётган Женнарога кўзи тушиб*). Қаранглар, ана у! (*Женнарога қучоқ очиб, пешвоз чиқади.*) Дон Женнаро, салом!

Ж е н н а р о. Салом, Пеппе... (*уни қувониб кутиб олган меҳмонлар сари юради. Қучоқлашишлар, қўл олишлар...*)

П е п п е. Шу пайтгача нима қилиб юрдингиз...

Ж е н н а р о. Ҳозир гапирмаймиз. Мен уйдаман. Гарчи мўъжизадаи туюлса ҳам, уйдаман. (*Меҳмонларнинг ҳашамдор либосига кўзи тушади ва бошқаларнинг кийиниши олдидан жуда хунук кўринган ўзининг курт-касини ўшлаб қўяди. Одамларнинг кўриниши уни ҳадикли саросимага солган. Ўзини оқлагандай.*) Жин урсин! Қандай дабдаба! Афсус, кийимим афтода... Сизнинг даврангизга лойиқ эмасман.. Буни, қаранг... (*курткасини кўрсатиб.*) Худди полкнинг жанговар байроғидай тўзиган... Агар унинг тили бўлганда эди... (*суҳбатга чоғланиб.*) Тасаввур қилинг, биз дала ўртасидаги чуқурга яширинганмиз... Атрофда гранаталар портла-япти, замбараклар гумбирляпти... (*Гапи қандай таъсир қилаётганини билиш учун атрофга қарайди. Меҳмонлар ўзлари билан ўзлари овора, фақат икки-учтаси одоб юзасидан бош қимирлатиб туришибди.*) Уч кун овқатсиз, бир култум сувсиз... Етти киши, икки мурда... Бирдан...

Ф е д е р и к о. Майли, дон Женнаро, у ғамгин кунларни эслаб ўтирманг... Энди сиз орамиздасиз, ҳаммасини унутишга ёрдам берамиз....

А д е л а и д а. Сиз кўпроқ еб-ичишингиз керак, жуда ориқсиз...

Ф е д е р и к о. Ҳақиқатан!.. Худди шундай!.. (Ҳазиллашиб.) Дон Женнаро, бу янги қонун лойиҳаси...

Ҳамма кулади. Поп чиқиб кетади.

П е п п е (Женнарони қутлаётган гуруҳдан ажралиб чиқиб, столни тузашни тугатган Амедиони чап томонга бошлайди. Аланглаб.) Хўш?

А м е д и о. Ёмонмас.

П е п п е. Бу нимаси?..

А м е д и о. Қамоққа тушишни истамайман. Хушрўй роса ақл ўргатди. Мана, отам ҳам қайтиб келди.

П е п п е (авраб). Қўйсанг-чи... Бугунги иш жуда осон. Муҳандис машинасини кечаси Нэвадаги торкўчага қўяди. Машинани кўриқлайдиган йигит билан келишиб қўйдим. Уни оёқ-кўли боғланган, оғзига рўмол тикилган ҳолда топишди...

Ж е н н а р о (ҳаммани чин кўнгилдан дастурхонга таклиф қилар экан.) Ўтиринглар... Ўтиринглар!.. Уйим сизларнинг ихтиёрингизда.

Ҳамма ташаккурлар ила жойлаша бошлайди. Чапдаги эшикдан Амалия, ортидан Мария Розария кўринади. Амалиянинг эғнида кулранг тулки терисидан ёпинчиқ. Мария Розария бир четга чиқиб туради.

А м а л и я. Хайрли кеч!

Ҳ а м м а (ундан ҳайратга тушиб). Хайрли кеч, донна Амалия.

П е п п е (донна Амалиянинг либосини кўзда тутиб). Зўр!

А д е л а и д а. Уй соҳибамиз нақадар чиройли!

Бошқалар ҳам мақтов сўзларини завқ-шавқ билан айтадилар.

А м а л и я (ҳайрат сўзларидан ҳаяжонланиб ва ўзининг феъли кенглиги туфайли мақтаниб). Ассу, Поппа айт, егуликларни бераверишсин!

Ассунта ўнг эшик тарафга имо қилади.

(Ҳаммага.) Ўтиринглар!

Меҳмонлар шодмон тарзда дастурхон теварагига ўтира бошлайдилар. Бу манзарадан қарахланган Женnero ясан-тусан хотинига ҳуркибгина қарайди.

А д е л а и д а. Дон Женна, ўтиринг!

Ж е н н а р о. Ҳа, ҳаёт ҳақиқатан ҳам кино. Ўзимни ораларингда кўриб турсам ҳам. Кўзларимга ишонгим келмаяпти... (ўтиради.)

Э р р и к о. Ҳақиқатан ҳам орамиздасиз...

Ж е н н а р о. Чунки биз у ёқда қийналдик... Очлик ҳам кўрқинчли эмас, ташналик ҳам... Умидсизлик ёмон... Кейин... ўлим хавфи... (Яна ҳикоя қилишга чоғланиб.) Биласизми, биз дала ўртасидаги чуқурга яширинганмиз... Атрофда гранаталар портляпти, замбараклар гумбирляпти... Бирдан юк машинаси...

Э р р и к о (муҳим нарса эсига тушгандай). Айтгандай... Кечирасиз, дон Женне, эсимдан чиқиб қолади... (Федерикога.) Федри, бир юк машинаси сотилади... Эртага бир кўриб қўй... Юриши учун рухсатномаси бор... Агар қизиксанг...

Ф е д е р и к о. Нимага қизиктирмас экан? Эртага учрашиб олиш ҳақида ҳозироқ келишамиз... Пепе Домкрат ҳам келади...

Э р р и к о (“Катта иш эмас”, деган каби). Гап икки юз фоиз ҳақида кетаяпти.

Ф е д е р и к о. Нима бўпти! Сайру томошага етади...
 Ж е н н а р о (уларнинг суҳбати тугашини кутиб турибди ва танаффуслар-бўлмас узилган гапини давом эттиради). Шундай қилиб... Далада... чуқурнинг ичида ётибмиз... Атрофда гранаталар портлапти...
 П е п п е (ўша оҳангда). Замбараклар гумбирляпти...
 Х а м м а (тоқатсизликда, аммо дўстона). Дон Женна...
 Ф е д е р и к о (товани кўтариб олган, тантанавор). Мана, улоқча!
 (Столга, Амалиянинг қаршисига қўяди.)
 П е п п е. Дон Женна, бу таомни заҳар қилмоқ яхшимас!
 А с с у н т а. Соғлигингизни асранг.. Ахир, энди ҳаммаси тугади...
 Ж е н н а р о. Сиз нималар деяпсиз? Нима тугади?
 Э р р и к о. Майли, ўзингиз биласиз... Қани, овқатга қаранглар!
 Кўнгилсизликлар ҳақида эса ўйламаймиз!..

Амалия мўйнали ёпинчигини елкасидан олиб, товадаги зўйтни майдалашга тушади. Поп ўнгдаги эшикка кириб кетади. Ҳамма еб-ичиши, суҳбату гурунг билан овора.

Ж е н н а р о (одамларга қараб, ўйга толади. Уни бир енгиб бўлмас ҳасрат босиб келган. Ўрнидан туради). Амалия, мен озроқ Ритуччининг ёнида бўламан. (Чапдаги эшикка қараб юради.)
 Э р р и к о (ҳайрон қолиб). Дон Женна, нима бўлди? Кетаяпсизми?
 Х а м м а (ҳафсаласи тир бўлиб). Дон Женна...
 Ж е н н а р о. Мен қизчамнинг ёнида бўламан. Иссиғи баланд.
 А м а л и я (номигагина). Ўзим борардим...
 Ж е н н а р о. Йўқ-йўқ... Сен шу ерда бўл... Мен оч эмасман... Фақат чарчадим... Сен дастурхон атрофида бўл... (Таъкидлаб.) Шундай бўлса, яхши бўлади... (Юради.)
 М а р и я Р о з а р и я (ўрнидан даст туриб, отасига етиб оларкан, қатъий). Мен сиз билан бораман, ота!..

Женнаро унинг қўлидан ушлаб олади.

А д е л а и д а (ўрнидан туриб Женнаронинг ёнига келар экан). Дон Женнаро, яхши эмас... Биладан, сиз бошингиздан ўтказган азоблар таасуротида... Кўркувингиз кетгани йўқ. Аммо тинчланинг... Бу ерда энди осойишталик... Ҳаммаси тугади...
 Ж е н н а р о (ишонч билан). Йўқ! Сиз адашяпсиз!.. Уруш тугагани йўқ... Ҳеч нарса тугаган эмас! (Яна ташиқарига қараб бир неча қадам қўяди.)

Аделаида бироз уялинқираб стол ёнига қайтади. Женнаро қизига нимадир демоқчи бўлади, аммо у ердан кўз узмай турганини пайқайди. Женнаро бир зум саросимада, аммо ҳали ҳеч нарса ни фаҳмлагани йўқ. Аллақандай сезги билан нимадир нохуш нарса рўй берганини ҳис қилиб, маънос тортади. Қизини ўзига тортиб, ундан ишора билан: “Сенга нима бўлди?” – деб сўрайди. Қизи: “Ҳеч нарса”, дейди беун. Чиқиб кетадилар. Поп чап тарафдан тантана билан икки ишиша шароб кўтариб киради.

П о п. Мана, шароб ҳам келди!

Меҳмонлар хурсанд. Ҳозир столни тарк этган Женнаро ҳақида, ишлару тамаддилар тўғрисида гаплашаркан, ҳамма ўзини овқатга уради.
 УЧИНЧИ ПАРДА

Эртанги кун. Декорация ўша-ўша – иккинчи пардадагидай. Тор қўчадаги Мадонна қаршисида чироқлар ёниб турибди. Бригадир Чаппа ўртадаги стол ёнида ўтирибди. Женнаро саҳна тўрида юриб туради

ва аҳён-аҳён тор кўчага қараб қўяди.

Ч а п п а (*сукунатдан сўнг*). Уйингизда тинтув ўтказганимдан буён, хамиша сизни бир қадар меҳр билан хотирлайман. Бу ерда бўлмаганингизда ҳам, бир неча бор келиб, суриштирдим. Шу туфайли ҳозир ҳам ҳузурингиздаман. Жуда ачинарли ҳол... Менинг ҳам болаларим бор: худойим учтасини берган. Мен ҳам одамман, бошқаларнинг аҳволини тушунаман. Қаерда фирибгарлик бору қаерда сиздай одамларга дуч келганимни англайман...

Ж е н н а р о (*Чаппанинг самимийлигига ишониб, миннатдорчилик ила унинг гапни бўлар экан*). Тушунаман, бригадир, тушунаман ва сизга миннатдорчилик билдираман. Ўғлим Амедио ҳақида айтганларингизни бошқа пайтда эшитсам, ақлдан озиб, билмадим, нима қилган бўлар эдим. Аммо ҳозир нима қила оламан? Уйдан ҳайдайманми? Қизим нима дейди? Хотиним-чи? Менинг хотиним уларга яхши она бўла олмади...

Ч а п п а. Ўғлингиз ҳақида ҳамма гапни ҳали айтганим йўқ... (*Кутилмаган қаттиқлик билан.*) Бугун ўғлингизни ҳибсга олишимга тўғри келади...

Ж е н н а р о (*итоаткорликда*). На иложимиз бор! Агар у шунга лойик бўлса...

Ч а п п а. Одамларим анчадан буён ўғлингиз ва Пеппе Домкратдан кўз узмай юришибди. Дон Женне, бу иккови кўнглига келганини қилишяпти! Машинани бир дақиқага ёлғиз қўйиш мумкин эмас! Ўгирилсанг бўлди – машина йўқ... Бу Пеппе Домкрат дегани шунақа чакқон: бирпасда машина тагига кириб, елкаси билан даст кўтаради. Бу ишни қандай қилади, ақлим етмайди... Сўнг бирпасда гайкаларни бўшатиб, машинани елкада кўтариб турганча, балонни ечиб олишади... Бугун улар яна бир ишга қўл уришган, аммо биз ҳам кўз-қулоқ бўлиб турибмиз... Улар Нэва тор кўчасидаги бир машинани кўз остига олиб қўйганлар... Истасам, уларни жиноят устида қўлга тушириб, Домкратни ва ўғлингизни кишанбанд қиламан...

Ж е н н а р о (*совуққина, беҳис*). Кишанбанд қилаверинг...

Ч а п п а (*унинг оҳангидан ҳайратда*). Ҳибсга олайми?

Ж е н н а р о (*ўша оҳангда*). Агар жиноят устида қўлга туширсангиз, ҳибсга олаверинг.

Эшикдан Ассунта кўринади.

А с с у н т а (*бесабрликда*). Донна Амалия келдими?

Ж е н н а р о. Йўқ.

А с с у н т а (*ҳафсаласи пир бўлиб*). Амедио ҳам йўқми?

Ж е н н а р о. Йўқ.

А с с у н т а. Улар қачон келишаркан? Доктор кутиб турибди.

Чапдаги эшикдан доктор, унинг ортидан Аделаида киради.

Д о к т о р (*ёш, муомалали ва назокатли. Сипо, уринган, лекин тоза кийимда*). Ҳеч ким келмадими?

Ж е н н а р о. Ҳозирча ҳеч ким, доктор.

Д о к т о р (*тоқатсизланиб*). Худойим-ей, мен сизларга айтгандим-ку... Билиб қўйинг, қизалоқнинг аҳволи ҳақиқатан ҳам оғир...

А д е л а и д а (*фалакка қўл чўзиб*). Авлиё Анна!

А с с у н т а (*холасининг ёнида туриб, “Аве Мария”ни роҳибаларнинг мумтоз оҳангида ўқий бошлайди*). Ave Maria, gratia plena, Dominus tecum, Benedicta tu in mulierdus...

Уларнинг дуолари аста-секин пичирлашга ўтади.

Доктор (икка аёлга қараб). Ҳақиқатан оғир! Энг ёмони, врач охирги дақиқада чақирилгани учун бу ҳол рўй берган.

А д е л а и д а. Ё, Авлиё Анна!

Ассунта “Аве Мария”ни қайтадан ўқий бошлайди.

Доктор (аёлларнинг ишига ачиниб қараб). Мана!.. Мана шу сизларнинг лаънати расм-русумларингиз... Яна қандай қилиб, омон юрганларингга ҳайронман!..

А с с у н т а (чин кўнгилдан). Нимага эканлигини билмайсизми? Биз врачларни ёмонлик аломати деб биламиз.

Доктор (оғриниб). Э, ўлиб кетаверинглар! Мени эса, охирги дақиқада бундай ишга аралаштирманглар! “Ёмон аломат!” Юзимга бу гапни айтганинг жуда ёқди-да. “Ёмон аломат” ҳозир сенга нима дейишини биласанми? Мана бу бечора кизалоқнинг умри санокли қолди!

А д е л а и д а. Ё Жаброил!

Ассунта яна дуо ўқишга тушиб кетади.

(Дуо ўқишни бўлиб, махфий айтилаётгандай.) Авлиё Рита, Авлиё Рита, исминг бу қизчанинг ҳам исми... Авлиё Рита!.. (Ассунта билан “Аве Мария”ни ўқишга тушиб кетади.)

Доктор. Жаннатдан авлиёларни бекорга чорлаяпсиз. Бунақа берилиб дуолар ўқишингиз, сизнинг пок инсонлигингизни кўрсатади, холос. Эътикод – яхши нарса! Аммо, ҳозирги аҳволда, мен тавсия қилган дориларни етказиб келишмаса, кизалоқ вафот этади.

А д е л а и д а (аччиқланиб). Доктор, нимага бу фаришта қизчага фалокатни чорлаяпсиз!

А с с у н т а. Ана, кўраяпсиз, яна биз ноҳакмиз...

Доктор. Врачлар – “ёмонлик аломати”ми?

А д е л а и д а (уни овутиб). Йўқ... Ким билсин, бошқалар: “Умид қиламиз, охирги сўз айтилмаган...” дейишади.

Доктор. Йўқ. Сўнгги сўз айтилди. Маълумотингиз учун, бу гапни мен айтдим. Умид қиламиз, албатта... Ҳеч қачон умидни йўқотмаслик керак... Агар дорини топиб келишса, юздан тўқсон тўққиз фоиз умид борким, кизалоқ тузалиб кетади.

А д е л а и д а. Ё, пузеликкалик авлиё Антоний!

Аёллар яна дуо ўқишади. Сўнг чаптаги эшикка кириб кетадилар.

Доктор (соатиغا қараб). Вақт ўтиб кетаяпти!

Ч а п п а. Бу дорини топиш шунча қийинми?

Доктор. Ҳм-м... қийин... Ҳозир ҳамма нарсани топиш қийин... Яна шу пайтда... Кундуз кун бўлса ҳам, бир бало эди... Ҳозир дори олтин баҳосида... Топсанг, қора бозордан топасан. Майли, яна бироз кутиб тураман.

Ж е н н а р о. Бизни кечирасиз, доктор.

Доктор. Ҳечқиси йўқ. Рухсат беринг... (Чаптаги эшикка кириб кетади.)

Ж е н н а р о (алам билан). Топилса, чайқов бозордан топилади. “Шу дорини топмасангиз, қизингиз вафот этади”, деб доктор айтгандан кейин, онасининг аҳволини кўрсангиз эди... Энди Неапол оралаб, югуриб юрибди. Топадими? Ким билсин? Доктор “фақат қора бозорда топилади”, деб айтганда, хотинимнинг ранги мурданикидай оқариб кетди.

Амедиа кўчадан пишнаб, югуриб киради. Чаптани кўриб, саросималанади, аммо ўзини қўлга олади.

А м е д и о (*Женнарога*). Хеч жойда йўқ. Фақат икки-уч дорихона очик, аммо уларда ҳам дори йўқ. Фурчеллада ҳам, Паллунеттода ҳам, Кавонда ҳам бўлдим. Хар бир уйга кириб сўраб чиқдим – хеч вако йўқ. “Эртага... Топилиб қолса...” дейишади.

Поп киради.

П о п (*нафаси тиқилиб*). Бирпас ўтирай! Оёғимда оёқ қолмади! (*Тўғри келган стулга ўтиради.*)

Чапдаги эшикдан Доктор чиқади.

Д о к т о р (*янги келганларга*). Топдиларингми?

П о п (*Докторга олиб келган дориларини кўрсатиб*). Доктор, мана бунни топдим, бори шу... Ярамайдими?

Д о к т о р. Агар ўша бўлса, ярайди. (*Дорини кўриб.*) Бу дори қичимадан...

П о п. Ярамайдими?

Д о к т о р (*гаши келиб*). Бу ёққа қаранг, нодонлигингиз жонимга тегайпти!

П о п (*унга яна бир дори шишани тутқазиб*). Қаранг, бу яраб қолар...

Д о к т о р (*дориға бир қараб олиб*). Бу эмизикли аёлларнинг сутини ушлаб туришга ёрдам беради.

П о п (*саросимада*). Оббо! (*Қутидаги дорини кўрсатиб.*) Буниси-чи?

Д о к т о р. Бу ҳам эмас. (*Бирдан аччиги чиқиб.*) Нима балоларни кўтариб келдинг! Ахир, сенга қоғозга ёзиб берган эдим-ку! Қоғозда йўқ нарсани нега кўтариб келасан?

П о п (*овутиб*). Аччиқланманг, доктор. Ҳозир урушдан аввалги мўлк-кўлчилик йўқ. Докторлар тарафидан ҳам озгина кўнгилчанлик керак. (*Қутидаги дорини ўжарлик билан кўрсатиб.*) Яхшилаб қаранг, эҳтимол, мана бунни ишлатиб кўрасиз...

Д о к т о р. Эй, одам! Ҳозир кўчага отиб юбораман! “Ишлатиб кўрасиз...” Бу сенга копток ўйнатишми? (*Чунтагидан ручка олиб, блокнотига ёзади.*) Яна бир уриниб кўр... (*Варақни йиртиб беради.*) Бир ҳамкасбим бор. Ўшанга бор-чи... Балки унда бордир. Манзилини ёздим...

П о п (*қоғозни олар экан*). Узоқми?

Д о к т о р. Югурсанг, бориш-келиши ўн дақиқа... Ўв!.. Кераксиз нарсани кўтариб келсанг, юзингга отиб юбораман.

П о п. Хўп.

Д о к т о р. Тез бориб кел. (*Чапдаги эшикка кириб кетади.*)

А м е д и о (*У бу суҳбат давомида гоҳ Чаппага, гоҳ отасига, гоҳ соатига, гоҳ тор кўчага қараб, безовталаниб турибди. Кетишига журъат қилолмаётти, аммо нимадир уни кўчага тортқилаётти. Охири кетишига қарор қилади. Ҳижолатомуз тиржайиб*). Онам топгандир. У, албатта, олиб келади... Озгина сабр қилсак... Ота, сиз шу ерда бўласизми? Мен Туррето кўчасига ғизиллаб, бориб келаман.

Чаппа Женнарога пинҳона қараб олади.

Ж е н н а р о (*хеч нарса билмагандай*). Агар жуда зарурати бўладиган бўлса...

А м е д и о (*отасининг ичидагини англамай, ҳатто журъатланиб*). Бир кечиктириб бўлмайдиган иш... Шундай югуриб бориб-келаман.

Ж е н н а р о (*Гапни айлантириб*). Биласизми, нимани ўйлаяпман, бригадир? Шу кунларда вазифангизни бажариш учун тинмай ишлашингизга тўғри келаяпти. (*Амедиага.*) Шошяапсанми?

А м е д и о (*довдираб*). Йўқ.

Ж е н н а р о (*Чаппага*). Қаранг. (*Ўзгига.*) Ўтир.

Амедиа карахтланган, беихтиёр ўтиради.

Ж е н н а р о (*гапини давом эттириб*). ... Чунки уруш пайтидаги тартибсизликлар туфайли жиноятчилик ўсади... Олибсотарлар, фирибгарлар, контрабандачилар... Сохта рухсатномалар билан юриш, сохта хужжатлар... Автомобил ўғрилари...

Кўтилмаган гапдан Амедио сесканиб кетади.

Мурда киёфасида ётганимда айтган бир гапингиз ҳеч ёдимдан чиқмайди: “Сендай ўликка қўл кўтариш гуноҳингдан ҳам каттароқ гуноҳдир”. Баъзи бир нарсалар кечирилади... Шу сабабдан ҳам қўлларимга кишан урмагансиз... Тушунарли... Чунки тирик одамлар, тирик халқ нимадир қилиб ўзини ҳимоя қилмоғи зарур. Ишини уддалаган фирибгарга: “Майли, мени аҳмоқ қилдинг, аммо яшашимга имконият бердинг”, дейсан. Ҳатто: “Чакқон йигит”, деб мақтаб ҳам қўясан. Сохта хужжатлар билан юк машинасида шаҳар оралаб юриш учун ҳам жасорату хийла-найранг керак. Тўғри, кейин қойил қолишади: “Уддабурон, ушлаганини кесади, юк ташишини қаранг!..” У ёқдан-бу ёққа қатнаб турган шу юк машиналари туфайли қанчадан-қанча одамларнинг қорни тўқ юрибди. У ўзининг жонини тикаяпти, қайси бир бурчакда ўқ еб қолиши ҳам ҳеч гап эмас... Фоҳишалик? Хўш, нимаси ажабланарли, бригадир... Уруш бечораликни олиб келмайдими? Бечоралик очликни етаклаб келади. Очлик нимани келтиради? Ана, энди кўчага чиқавер... Биров камбағалликдан, биров очликдан, биров нодонликдан, биров лақмалигидан... Аммо буларнинг ҳаммаси ўтиб кетади. Барча урушларда шунақа бўлган... Одамлар жазоларини тортганлар... Уруш учун ҳамма тўлов тўлаган... Аммо ўғрилар... Йўқ, ўғрилиқ кечирилмайди! Тўғрими, бригадир?

Чаппа “фикрингизга қўшиламан” дегандай бош силкийди.

Уруш туфайли одам ўғри бўлмайди. Албатта, ҳамма гуноҳни урушнинг устига ағдарса бўлаверади. Аммо ўғри – туғилгандан ўғри бўлади! Унга: “Сен неаполликсан”, деб ҳам айтиб бўлмайди. Ёки римлик, миланлик деб... Ўғри бу – ўғри. Отаси ҳам, онаси ҳам йўқ. Бизнинг юртимизда унга ўрин йўқ. Ахир, урушдан аввал ўғрилар бекорга океан ортига кетишмаган!..

А м е д и о (*ҳали ҳам тушунмай, ҳайрон қолиб*). Ота, нега бу гапларни менга айтаяпсиз?

Ж е н н а р о (*Чаппанинг режасини зарра ошкор қилишни истамасдан, аммо ўғлини ҳам йўлдан қайтармоққа уришиб*). Чунки... Чунки бизнинг шаҳримиз ёмон ном чиқарган... Нима қиламиз?.. Бахтсизлик... “Неаполликлар” дейишса, хушёр тортилади. Ҳамма замонларда шундай бўлган. Агар бошқа бир шаҳарда ўғрилиқ юз берса ҳам, кулги учун, “Неаполда бўлди” дейишади. (*Уша ҳазилкашларга тақлид қилиб*.) “Эшитмадингизми? Неаполда бор юки билан пароход йўқолибди!..” Аслида, бу гаплар ноўрин эмасми, бригадир?.. Ахир, бундай бўлиши мумкин эмас. Одамлар фақат бу гапга ўзларини ишонган кўрсатадилар, холос. Қандай қилиб, пароход йўқолиши мумкин? Нима, у қопчикми? Агар бу гап тўғри бўлса ҳам, яна бир далил келтираман... Агар пароход йўқолган бўлса, мантиқан бу ишни амалга ошириш учун неаполлик ўғри неаполлик бўлмаган бошқа бир ўғри билан тил бириктирган бўлади. Юк машиналари бошқа гап... Чунки улар юк машинаси-да!.. Юзлаб юк машиналар изидан йўқолганмиш... Шунинг учун (*ўғлига*) сен бошқаларга яхши намуна бўлишинг лозим. Шу қадар яхши бўлишинг керакки, агар бир жойда Неапол ҳақида ёмон гапиришаётган бўлсалар, сен тоза виждон билан: “Ҳа, Неаполда ўғри бор, аммо дунёнинг ҳамма жойида бўлгани каби, у ерда покиза одамлар ҳам кўп”, деб айта олгин!

Ч а п п а. Худди шундай.

А м е д и о (*отасининг гапини маъқуллаб*). Албатта... Майли, ота, мен кетдим...

Ж е н н а р о (“*Сен жазога лойиқсан*” деган яширин аламда). Бор!

Чапна аралашигиси келади, аммо ўзини тияди.

Рўмолчанг борми?

А м е д и о (*чўнтагини кавлаштириб, топади*). Ҳа...

Ж е н н а р о. Пальто ҳам кийиб ол.

А м е д и о (*баттар ҳайратланиб*). Ота, нима учун?

Ж е н н а р о. Чунки кечкурун совуқ бўлади. Эҳтимол... сен ушланиб қоларсан?

А м е д и о. Йўқ, ушланмайман. Агар шуни истаётган бўлсангиз... (*Кийим жавондан пальтони олиб, қўлига ташлайди.*) Тезда келаман, ота. (*Кетади.*)

Ж е н н а р о (*бироз сукутдан кейин, тамом бўлган алфозда*). Саломат бўлинг, бригадир. Раҳмат...

Ч а п п а (*қўзғалиб*). Хайр, дон Женнаро. Қизингиз тузалиб кетсин. (*Амедионинг изидан кетаётгандай, секин юриб чиқади.*)

Сукунат. Женнаро оғир ўйлар қуришовида, уни бўлажак бебахтликлар ўртаётгандай... Чап томондаги эшикдан Мария Розария киради. У тамом ўзгача: одмигина кийинган, юз ифодаси жиддий; у жавонга бориб, чашика олади-да, жимгина чиқиб кетади. Бу орада кўчадан сигаретини бурқситиб, секин ва эҳтиёткорлик билан Пеппе Домкрат киради. Кимнидир излаб аланглайди-да, Женнарога кўзи тушади.

П е п п е. Хайрли кеч, дон Женнаро!

Женнаро жавоб бермайди.

Амеддио уйдами?

Ж е н н а р о (*совуқлик билан*). Ҳозиргина кетди.

П е п п е. У мен билан учрашгани кетган! (*Соатига қараб.*) Сал эрта жўнабди. (*Оҳанги ўзгариб.*) Қизча қалай?

Ж е н н а р о. Худога шукур!

П е п п е. Мен ҳам ўзимни жуда ёмон ҳис қиляпман... Дон Женнаро, кадрдоним, мана бу елкам оғриганидан, кимирлата олмаяпман... (*Ўнг елкасини азобда қимирлатади.*)

Ж е н н а р о (*гўё ҳамдардлик билдираётгандай*). Ўнг елками?

П е п п е. Ҳа.

Ж е н н а р о (*бирдан*). Бу – автомобиль.

П е п п е (*донг қотиб, аммо нотўғри эшитгандай*). Қанақасига?

Ж е н н а р о. Елкангиз оғрияптими?

П е п п е. Худди шундай!

Ж е н н а р о. Ўнг елками?..

П е п п е. Ҳа-да!

Ж е н н а р о. Бу – автомобиль.

П е п п е (*ташвишланиб*). Демак, тўғри эшитибман... Аммо кечирасиз, автомобилнинг нима дахли бор?

Ж е н н а р о (*гапининг ишорасини тинҳон тутувчи, аммо маъноли назар ташлайди. Бу лаҳзалик қараиш Пеппени янада безовталантиради*). Эҳтимол, сиз автомобиль хайдарсиз, ўнг тарафдаги ойна эса, ҳамиша очик юради.

П е п п е (*енгил тортиб*). Э-э!.. Йўқ-йўқ-йўқ-йўқ. Бундан эмас. Бу ерда гап... Биласизми, Дон Женнаро, пул топиш машаққат... Мехнат қиласан... Мен ўғлингиз билан ҳамкорлик қиламан, аммо бугун кечкурун озроқ дам

олайлик деб айтмоқчиман.

Ж е н н а р о. Албатта! Дам олиш керак!.. (*Маъноли қилиб.*) Бирор... икки йилга!

П е п п е. Ҳа! Икки йил! Шундай қилиш керак. Жуда тўғри бўлади! Биласизми, дон Женнаро, (*орзуланиб*) хилват бир жойда яшагиларим келади.

Женнаро маъқуллаб, бош силкийди.

Ҳеч кимни кўрмасанг, ҳеч кимни эшитмасанг... Қандай тушунтирсам?... Францискан роҳибларига ўхшаб...

Ж е н н а р о. Шундай... Монастирдай жой бўлиши керак...

П е п п е. Худди шундай! Ҳашамсиз, оддий: бир хона, торгина уйча...

Ж е н н а р о (*тўлдириб*)... хужра!

П е п п е. Худди шундай: хужра! (*Елғизликнинг тотидан баҳра олаётгандай*) Кимдир сенга хизмат қилиб турса, овқат олиб келса...

Ж е н н а р о. ...ҳамма вақт аниқ бир пайтда. Беташвиш, югур-югурсиз... “Эртага нима бўлади”, деб ўйламасанг. У ерда эртанг ҳақида ўйлайдиган одамлар ҳам бўлса. Ишончли одамлар.

П е п п е. Пул олишса ҳам майли...

Ж е н н а р о. Пул керак бўлмайди. Беминнат хизмат қандай яхши. Панжарали маҳкам деразалар.

П е п п е (*хижолат тортиб*). Йўқ, панжаранинг менга ҳожати йўқ.

Ж е н н а р о. Аммо жуда даркор!

П е п п е. Кечирасиз, нега даркор?

Ж е н н а р о. Нега даркор эмас? Кечирасиз, хилват жойда яшамоқчи эдингиз, шекилли...

Пеппе тасдиқлаб бош қимирлатади.

Жиноятчилик авж олган бунақа замонда ким сизга яхшилик тилайдию ким ёмонлик – қаердан биласиз?

П е п п е. Тўғри айтаяпсиз.

Ж е н н а р о. Ундай бўлса, панжара керак.

П е п п е. Майли, бўлса, бўла қолсин!..

Ж е н н а р о. Албатта.

П е п п е (*кетиши учун кўзгаларкан, ўнг елкасини ушлаб қўяди*). Ё ҳазрати Исо! Ҳақиқатан ҳам ўнг елкамни қимирлатолмаяпман. (*Аниқ қарорга келиб.*) Амедиога кечда, албатта, айтаман.

Ж е н н а р о. Охирги марта яна бир ҳаракат қилиб кўрсангиз, шу кечасиёқ томоша бошланади.

П е п п е. Шундай. Саломат бўлинг, дон Женна. (*Ташқарига йўл олади.*)

Ж е н н а р о. Хужрага тушиб қолсангиз, сиздан хабар олиб тураман.

П е п п е (*меҳрибон кўриниб кетаётган Женнаро оҳангида*). Мен панжаранинг ортида, сиз кўчада...

Ж е н н а р о. Сизга апелсинлар ва сигаретлар элтаман.

П е п п е. Мен келишингизни кутиб ўтираман...

Ж е н н а р о. Барибир ўғлимга бораман-ку, йўл-йўлакай сиз билан ҳам кўришиб ўтаман.

Пеппе кетади. Тор кўчанинг қарши тарафидан Эррико чиқиб келади.

Э р р и к о (*озгина ҳориган ва ҳаяжонланган. Женнарога кўзи тушигач, самимий ҳамдардлик билдиради*). Хайрли кеч! Ритуччининг соғлиги қалай?

Женнаро жавоб бермайди.

Попни кўриб қолдим. У менга қизалоқнинг ҳамон иссиғи баландлигини айтди.

Женнаро яна жавоб бермайди.

Бу дорини мен ҳам роса изладим. (*Қозғозни кўрсатиб.*) Мана, бу ерда номи ёзилган, аммо тополмадим. Эҳтимол, эртага... (*Женнаронинг ўзини бунақа тутиши уни ҳайрон қолдиради, нима дейишини билмайди, аммо ўзини эплаб олади. Унга ҳатто кўз қирини ҳам ташламаётган Женнаронинг қаршисига – столнинг нарига тарафига ўтиради.*) Яхши бўлмади... Айниқса, сиз келганингизда... Донна Амалия ташлаб қўйгани йўқ... Баъзан қандай бўлишини биласиз-ку... Болалар кутилмаганда шунақа оғриб туради, дейишади... Кўп ҳам ташвиш тортаверманг... Бу – гўдак, кўрарсиз, бирпасда оёққа туриб кетади. (*Яна жимлик.*) Донна Амалия таънага лойиқ эмас. У оиласи учун жонини ҳам аямайди. (*Сукунат.*) Сиз йўғингизда, донна Амалия оилани қандай қадрлашига ҳаммамиз ишондик. Донна ҳақида ким бир ёмон гап айтса, ифлос одам бўлади. Сиз унга кулоқ солманг. Мен дўстингизман, тўғриси айтман.

Женнаро ўзини тутиб туриши учун шифтларни томоша қиляпти.

Баъзан ўғлингизга ҳам оталарча насиҳат қилишга журъат қилдим. Бу ишни чин юракдан адо этдим. Сиз йўқ эдингиз. (*Женнаронинг жим туриши уни жуда ҳам тоқатсизлантиради. Овози аллақандай ҳаяжонланиб чиқади. У энди Женнаро билан эмас, ўзи билан, ўзининг виждони билан суҳбатлашаётгандай.*) Уйда ёлғиз аёл. Эр йўқ. Албатта, тушунасиз... Менинг бу уйга тез-тез келиб туришимни кўришган, ҳар қандай ўйларга боришгандир... (*Самимий ва ўз қадр-қимматини ерга урмай.*) Аммо ҳозир чин сўзимни айтман – донна Амалия сизни доим хурмат қилган ва хурмат қилади. (*Сукунат.*) Бугун эрталаб ҳам мен билан совуқ муомала қилдингиз. Буни фаҳмладим. Ҳозир эса, сиз билан гаплашиб олгани, атайлаб қайтиб келдим. Биз ёш болалар эмасмику? Дон Женнаро, агар кимдир сиздан кечирим сўраши лозим бўлса, у мен бўламан. Аммо Амалиядан кўнглингиз тўк бўлсин.

Эррико Хушрўй айна шу гапнигина айтмоқчи эди. Энди у енгил тортган. Сукунат.

Бу кеча мен Калабрияга кетаман... Кечаси баъзан, йўлда нималар рўй беришини – тирик қоласанми, йўқми, билмайсан... Мен хоҳлагандим... Бугун эрталабдаги муомалангизни назарда тутиб... (*Женнаро у билан ярашмоқни истамаётганини кўриб, кетиши учун ўрнидан кўзгалади.*) Агар сизга бирор бир фойдам тегса... (*Жўнаб.*) Қизингиз тузалиб кетишини чин кўнгилдан тилайман... Хайрли кеч... (*Яна бир неча қадам ташлайди, бурилмасдан, қарийб тўлқинланиб.*) Яна бир бор хайрли тун... (*Тор кўчага чиқиб чапга кетади.*)

Бироз вақт ўтиб, Поп киради.

П о п (*чапдаги эшик томон юрар экан*). Дон Женна, чакки эмас! Мана, яна бир кути дори топдим!.. Ҳозир докторга кўрсатаман. (*Кириб кетади.*) Амалия киради. Қийналган, бу фалокат уни тамом ўзгартирган. Биринчи бор у томошабин кўз олдидан она қиёфасида кўриниши беради. Ҳатто қаригандай... Узини бошқача тутишига истаги ҳам, кучи ҳам йўқ; ҳеч нарсани яширишини ҳам хоҳламайди. Дарду гамга тўлиб, столнинг ёнида – ўртада ўтиради.

А м а л и я. Ҳеч жойда йўқ! Йўқ! Йўқ! Ҳаммадан сўраб кўрдим! Бутун Неаполни айланиб чиқдим! Йўқ! Борини ҳам яшириб қўйишган! (*Илож-*

сизликда.) Қанақа виждонсизлик! Дори билан чайқов қилиш! Одамнинг ҳаётини сақлаб қоладиган дори билан!.. (Азобда, дод солгандай.) Нима, менинг қизим ўлиб кетаверадими? Улар дорининг нархини ошириш учун яшириб қўйишган! Бу қандай аблахлик! (Ўрnidан шарт туриб, чапдаги эшикка кириб кетади.)

Женнаро ортидан қараб қолади. Кўчадан Риккардо киради.

Р и к к а р д о (у плаида, плаининг этагидан тунги пижаманинг по-часи кўриниб турибди. Ҳамдардлик билан). Рухсат беринг. Хайрли кеч. Қизингизга дори керак, деб айтишди. Назаримда, ўша дори бизда бор... (Кичик бир қути кўрсатади.) Мана, шуми?

Ж е н н а р о (ҳаяжонланиб). Марҳамат, ўтиринг. (Ўрnidан туриб, чап-даги эшик тарафга.) Доктор, бир дақиқага қараб юборинг!

Д о к т о р (саҳна ортидан). Ҳозир. (Чиқиб.) Нима бўлди?

Ж е н н а р о. Бу синьор ёнимизда яшайди. У сиз сўраётган дори менда бор деяпти. Қаранг-чи, ўшамикан?

Д о к т о р (Риккардога). Кўрсатинг қани... (Кўрғач.) Худди ўзи. Ўзи!

Р и к к а р д о. У бизда тасодифан сақланиб қолган... Олти ой муқаддам менинг қизим ҳам шунақа касал билан оғриган эди...

Д о к т о р. Омадимиз бор экан. Беринг...

Р и к к а р д о. Йўқ, бу дорини фақат синьора Амалияга бераман.

Ж е н н а р о. Амалия! Бу ёққа чик. Ҳисобчи сени сўраяпти.

Амалия чиқади. Ортидан келаятган Поп тўхтаб, йиғилганларга савол назари билан қарайди.

Р и к к а р д о (Амалияга, ҳаяжонсиз, ўч олишни ўйламай, заҳархандасиз). Донна Амалия, доктор қизингизга тавсия қилган дори менда бор. (Кўрсатиб.) Мана у.

А м а л и я (ҳайронликда, лекин паст тушмай). Қанча сўрайсиз?

Р и к к а р д о (ҳамдардликда, сокин). Сиз менга нимани қайтариб берасиз?

Амалия унга яна қандай гаплар эшитишини кутиб, гамгин қараб турибди.

Менинг бор мол-мулким ҳозир сизники! Бор-йўғимни тортиб олган-сиз... Уйларимни, хотинимнинг нарсаларини, кийим-кечакни... Оилавий қимматбаҳо нарсаларни...

Амалия бошини эгади.

Оч қизларим учун бир ховучгина гуручни минг лир бериб, ялиниб-ёл-вориб олганман... Энди гап сизнинг қизингиз ҳақида кетаяпти...

А м а л и я (уни инсонпарварликка чақириб, қарийб таъна оҳангида). Бу, ахир, дори-ку...

Женнаро уларнинг суҳбатидан яширинаётган каби саҳна ўртасига аста юриб боради. Доктор эса гоҳ Амалияга, гоҳ Риккардога қараб, суҳбатни кузатиб турибди. Поп чўнтақларидан ниманидир излаётган каби уриниб, ўзини бефарқ кўрсатишининг пайида.

Р и к к а р д о. Қўшиламан. Тўғри айтаяпсиз, баъзан дорисиз ўлиб ҳам кетишади. Овқатсиз-чи, донна Амалия, тирик қоладими?

Амалия бирор сўз айтишига журъат қилолмай қотиб турибди.

Агар мен сўнги кўйлагимни ҳам сотмаганимда, болаларимни асраб қололмасдим. Кўраяпсиз, эртами, кечми, ҳар қандай одам кўшнисининг эшигини тақиллатар экан. Билиб турибман, ҳозир менга хоҳлаган нарсамни беришга тайёрсиз... Боламиз касал бўлганда, мен бир ҳовуч ёрма излаб изғиганимдай, сиз ҳам Неаполь бўйлаб сарсон югурганингизни кўриб, хурсанд бўлганим йўқ... Ҳозир ҳам “тўрт тарафга чопинг, овораликда эшикма-эшик, уйма-уй юринг” деётганим йўқ... Мен ҳеч қачон бундай демайман! Фақат инсон бир-бирига ҳаммиша ёрдам қўлини чўзиб туриши лозимлигини тушуниб қўйишингизни истайман, холос. *(Докторга қутичани узатиб.)* Мана, доктор. Донна Амалия тушуниб етди, деб умид қиламан. Қизалоқ тузалиб кетсин!.. Хайрли кеч. *(Кетади.)*

Амалия шошқин ишорат билан Докторни бемор қошига боришга ундайди.

П о п *(бўйини қашлаб).* Ана, бунисига қойил!

Ж е н н а р о *(тўлқинланиб кетган, ўзини тўхтатолмаяпти. Аммо бошқа нарсалар ҳақида гапиришга ҳаракат қилади).* Сен-чи? Сен чайқовчилик билан шуғулланмаганмисан? Қанча миллионинг бор?

П о п. Э-э... Миллионлар менда қаердан бўлсин! *(Ҳозиргина бўлиб ўтган гапларни эслаб ва ўзининг тоза одамлигини ўзига исбот қилишга тушгандай.)* Бир помидорни нон билан есам, ўзимни қирол ҳис қиламан. Ҳа, бир вақтлар қандайдир ишларга қўл урмоқчи бўлганман, аммо воз кечишга тўғри келган... *(Ўзига, ўзининг бахтига ишонмай.)* Бир марта сувоқчи Паскуалино билан эллик кило анжирқоқи сотиб олдик. “Бироз кутамиз. Нархи кўтарилгандан кейин сотармиз...” деб ўйладик... Кадрдоним дон Женнаро, нима бўлди денг? Ҳаммаси қуртлаб кетди! Ювиб, қуритдик. Ярми сичқонларга ем бўлди, ярми чириб адо бўлди. Албатта, бирор иш қилса бўларди... Аммо менга нима кераги бор? Айниқса, ҳозир... Хотиним бомбанинг тагида қолгандан кейин... Дон Женнаро, жуда ҳам дахшатли бўлди... *(Дахшатли онларни кўз олдига келтириб.)* Биз бомбапанада худди сиз билан мендай турибмиз... Бомбалар портляпти, биз жанжаллашмаяпмиз... “Одамлар эшитади, жим бўл!” дейман. У бўлса... *(Хотинининг тинмай бидирлаганига тақлид қилиб.)* Та-та-та... ти-ти-ти. Бирдан у ўтирган тарафдаги девор кулаб тушди... Бир лахзада, дон Женнаро. “Бу ердан чиқсак, гаплашамиз”, деганича... Раҳматли қийналмасдан, бирпасда жон берди. Яхши ўлим, дон Женна... Мендай сўққабошга савдо-сотикнинг нима кераги бор?

Ж е н н а р о *(у Попнинг бошдан ўтказганларини эшитгани йўқ, илгари ҳужраси бўлган бурчакка қараб турибди).* Эртага бир ҳожатимни чиқар. Бироз эртароқ кел. Хужрамни тиклаймиз. Тахталарини нима қилдиларинг? Ташлаб юбордиларингми? Ёқдиларингми?

П о п. Нима деяпсиз? Тахталар турибди. Бузганимизда Паскуаленинг ертўласига элтиб, ўзим тахлаб қўйганман. Ўша жойда турибди.

Ж е н н а р о. Эртага ҳужрани тиклаймиз. *(У Понга кўрсатмалар бериб, паст овозда гапиришда давом этади.)*

Чандаги эшикдан Доктор, ортидан Амалия, Аделаида ва Ассунта чиқади.

Д о к т о р. Хўп, мен кетдим. Энди бу кечанинг тугагини кутиш керак. Қизалоқ касалликнинг авж хуружидан ўтиб олади. Эрта тонгда келаман. Мени яхши хабарлар билан кутиб оласиз, деб ўйлайман. Хайрли тун!

А д е л а и д а. Хайрли тун!

А с с у н т а. Хайрли тун!

Доктор кетади. Женнаро ва Поп у билан ишора қилиб хайрлашади. Амалия, гамда адо бўлганича, шол рўмолга ўраниб, стол ёнига ўтиради.

Совуқ қотаяпти. Оқибат, бу дақиқаларнинг масъулиятини, ўзининг айбдорлигини ҳис қилган.

А д е л а и д а (Амалиянинг аҳволини сезиб, унинг ёнига келади-да, хушсўзлар айта бошлайди). Энди ҳаммаси яхши бўлади. Тинчланинг. Дори топилмаганидан, Доктор ҳам асабийлашганди, мана қаранг, қандай хуш кайфиятда кетди?

Амалия унга миннатдорчилик билан қарайди. Бу сўзлар уни тинчлантиряпти.

Биз кетайлик. Бир гап бўлса, чақирарсиз.
А с с у н т а. Хайрли тун!

Хола-жиян жимгина чиқиб кетадилар. Поп эшик ортида – тор кўчада ўтириб олади. Женнаро хотинидан кўз узмасдан, тик турибди. Амалия унинг бу назарини сезиб, зардаси қайнайди.

А м а л и я. Нега бундай қараяпсан? Мен ҳамма одам кўл урган ишни қилдим. Югурдим-елдим, устомонлик қилдим... Ўзимни ҳимоя қилдим... Нега менга тикилганинг тикилгану, бир нима демайсан? Эрталабдан буён қарайсан, миқ этмайсан? Нимада мени айбляяпсан? Қанақа ғийбатлар эшитдинг?

Ж е н н а р о (нима бўлса ҳам важ-карсонларни эшитишдан қочиб). Нега жимман? Гапиришимни истаяпсанми? Гапираман. Поп, барака топгур, боравер, эртага кўришамиз.

П о п (ўрnidан кўзгалиб). Хайрли тун! (Жўнайди.)

Ж е н н а р о. Илтимосим эсингдан чиқмасин.

П о п (кўчадан). Хўп. (Кетади.)

Ж е н н а р о (ойнаванд эшикни ёпади-да, секин хотинининг ёнига келади. Гапни нимадан бошлашни билмайди; касал қизалоқ ётган хонага бир қараб олади-да, сўзлашга журъат қилади). Амалия, билмайман нега, аммо мана шу касал ётган қизалоқ, мени бутун мамлакатимиз ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Қайтиб келаётиб, оиламизни қурбон бўлган; омон қолган бўлса, имону эътиқодда яшаётгандир деб ўйлагандим. Нима учун бундай ўйладим? Чунки мен урушдан қайтаётган эдим. Бу ерда эса, уруш ҳақида ҳатто эшитишни ҳам исташмайди. Аввалги урушдан қайтганимда, ҳамма мени меҳмонга чақирганди: биров у ёққа, биров бу ёққа... Жанговор дамлар ҳақида эшитгани, мардона жасоратлардан билгани таклиф қилишарди... Ҳамма билганларимни сўзлаб берганимдан кейин, шу даражага бориб етгандики, талабларни кондириш учун нималарнидир ўйлаб топишга ёхуд бошқа аскарлар бошидан кечирганларини ўзимники қилиб сўзлаб беришга мажбур бўлардим. Чунки халқ тўпланган, кўзлари ёниб эшитишяпти, болалар... (Ўша пайтдаги тингловчиларнинг жушиқин ташаббускорлигига тақлид этиб.) “Аскар, гапир! Италия аскари, сўзла!” Энди эса уруш ҳақида ҳеч кимнинг эшитгиси ҳам келмайди. Бунинг сабаби шундаки... Йўк, сенинг айбинг йўк, ахир, урушни сен бошламагансан... Бунинг сабаби шундаки, пул одамларнинг бошини айлантириб ташлади... (Тушунганнамо.) Аввал кўлингга озгина пул тушди, сўнг юз минглаб, миллионлаб... (Жавоннинг қутисини очади, ундан бир-икки мингталик олиб, Амалияга кўрсатади.) Мана, қара... Сен уларни оз-оздан кўргансан ва мен қайтиб келгач, уларнинг ҳаммасини кўрган чоғимдаги англашни бошингдан кечириб улгурмагансан... Менга бу уюм қоғозлар ақлдан озишдай, ҳазилдай туюлади. (Пулларни Амалиянинг қаршисига – стол устига сочаркан.) Эътибор бер, Амалия, уларга кўлим тегса, юрагим қаттиқ урмайди. Ахир, мингталикларни кўрганда, у жонҳолатда типирчилаши керак-ку!.. (Сукунат.) Сенга нима дейин? Агар

бу ерда яшаганимда, эҳтимол, мен ҳам бошимни йўқотиб қўйган бўлар эдим... ёки кеча бемор синглиси каравоти ёнида менга борини айтиб, тавба-тазарру этган қизимга нима дейин? Қўлидан ушлаганча, кўчага олиб чиқиб, “Фоҳишалikka боравер!” дейинми? Ахир, қанча оталар шу тарзда қизларини кўчага ҳайдаганлар. Фақат Неаполда эмас. Дунёдаги ҳамма мамлакатларда. Агар яхши она бўлолмаган бўлсанг, Амалия, сени нима қилишим мумкин? Улдирайми? Йўқ қилайми? (*Тобора ҳаяжонланиб ва доно тортиб.*) Ахир, бу дунёда рўй бераётган фожиалар озми? Юрагимизни ўртаётган азалар камми?.. Амедио-чи?.. Ўғри бўлган Амедио-чи?

Кўзини бўшлиққа тикиб ўтирган Амалия сесканиб кетади. Женнаронинг ҳар бир сўзи унда ойнадагидай акс бераяпти.

Амедио ўғри бўлди. Ўғлинг ўғрилик қилади! У ҳақида... ўйлаётганим йўқ, энди у ҳақида бошқалар ташвиш тортади... (*Амалиянинг ҳаяжонланаётганини у фаҳмлаб турибди. Унга ачиниб.*) Энди мени тушундингми? Мен эса, шу ерда бўлишим лозимлигини англадим. Оилага ҳалокат қанча хатар солса, ота масъулиятни бўйнига шу қадар кўпроқ олмоғи даркор. (*Хаёли бемор қизига кўчади. У ётган чапдаги эшикни кўрсатиб.*) Агар ҳамма шу эшикка киролса эди... Ҳамма виждоннинг кўзига тик қарай олса эди... Энди эса, кутиш керак... Кутишдан бошқа чорамиз йўқ... Доктор нима деди? Бу тунни ўтказиб олсак бўлди. (*Саҳна ортига боради. Соф ҳаво киритаётгандай, ойнаванд эшикни аста очиб кўяди.*)

А м а л и я (*ҳасратда адр бўлган, гўё босинқирашдан уйғонган каби йиғлаяпти*). Нима бўлди?.. Ўзи нима бўлди?..

Ж е н н а р о (*кўчада ҳам эшитиладиган баланд овозда*). Уруш бўлди, Амалия! Уруш!

А м а л и я (*ўзини йўқотиб қўйган*). Нима бўлди?.. Нималар бўлди...

Мария Розария чапдаги эшикдан чиқади. Қўлида коса ва қошиқча. У “ҳовли”ча томонга кетади.

Ж е н н а р о. Мари, менга озроқ қаҳва иситгин...

Мария Розария жавоб бермасдан, ўнгдаги кичик столнинг ёнига бориб, спирт лампасини ёқади. Устига кичик қаҳва идишини кўяди.

А м а л и я (*оддий, лекин бахтли кунларни эслаб*). Эрталаб бозорга борардим... Амедио Ритуччини мактабга кузатиб, ишга кетарди... Уйга қайтиб келиб, тушлик тайёрладим... Ўзи нима бўлди?.. Кечкурун ҳаммамиз стол атрофига жам бўлиб, овқатланишдан олдин, дуо ўқирдик... Ўзи нима бўлди?.. (*Беун йиғлайди.*)

Амедио секин кириб келади. Ҳамма унга қарайди.

А м е д и о (*ташвишланиб*). Ритуччи қалай?

Ж е н н а р о (*у стол ёнида ўтирибди. Ўғлининг овозини эшитиб, сесканиб тушади. Юзи ёришади. Йиғлагиси келади, аммо ўзини тутиб*). Дори топилди. (*Ўзини маҳкам тутиб ўрнидан туради.*) Доктор барча чорани кўрди. Фақат бу тунни ўтказиб олсак бўлди. (*Сўнг сохтароқ чиққан бепарволик билан сўрайди.*)

Сен-чи? Учрашувга бормадингми?

А м е д и о (*ҳадиксираб*). Йўқ. Ритуччининг тоби йўқлигини ўйлаб, қайтдим. Бунақа юриш яхши эмас, деб ўйладим.

Ж е н н а р о (*енгил таъна билан*). Ҳа, яхши эмас. Кел, мени ўпиб қўй.

Амедио отасини маҳкам қучиб, ўпади.

Бор, синглингнинг ёнида озроқ бўл. Унинг хали ҳам иссиғи бор.

А м е д и о. Хўп бўлади, ота. (*Иўналади.*)

Ж е н н а р о (*уни тўхтатиб*). Эртага Ритуччи ўзига келиб қолса, сени газ компаниясига элтиб, ишга жойлаб қўяман.

А м е д и о (*қатъий*). Хўп бўлади, ота. (*Чапдаги эшикка кириб кетади.*)

Мария Розария отасига қаҳва тутади. Женнаро унга меҳр билан боқади. Женнаро қизининг кўзларидан, у ҳам отасини кечирим ўпичи ила ўпгиси келаётгани билиб турибди. Женнаро қизини бағрига босиб, пешонасидан ўпади. Мария Розария ўзини озодликка чиққандай ҳис қилиб, қувончли ҳаяжонда чапдаги эшикка кириб кетади. Женнаро қаҳва ичмоқчи бўлади, аммо гам-гуссада адо бўлиб турган Амалияни кўргач, тўхтайди.

Ж е н н а р о (*хотинининг ёнига келиб, самимият ва ҳамдардлик ила*). Ма... бир қултум қаҳва ичиб ол... (*Унга чашкани тутади. Амалия чашкани бажонидил олади ва эрига: “Қандай қилиб ҳаммасини тўзатамиз? Қандай қилиб яна виждонли одамлар қаторига қўшиламиз? Қачон?” деган азобли саволларда қарайди. Женнаро хотинининг саволларини тушуниб турибди ва унга донишмандларга хос жавоб беради.*) Кутиш лозим, Амалия. Тунни ўтказиб олмоқ даркор. (*У бу гапларни айтиб, хотинининг ёнига ўтиради. Улар худди яхши кунларни ишииб кутаётгандай.*)

ПАРДА

(*Тамом*)

*Рус тилидан
Усмон АЗИМ таржимаси*



ЖЕЙМС КЭМЕРОН

Афсонавий лайнер “Титаник” чексиз океан бўйлаб сузиб бормоқда. Унинг бағрида эса ҳаёт қайнайди. Бир манзилга йўл олган турфа тақдирлар орасида икки қалб бири-бирини топади. Кемада туғилган бу оташин муҳаббат миллионларнинг қалбини ларзага келтиради... Леонардо де Каприо, Кейт Уинслет, Билли Зейном... Ҳа, бу ёддан чиқмас севги тарихи ва актёрлар номларини дунёга танитган фильм – “Титаник”! Унинг “отаси” Жеймс Кэмерон эса ўша қахрамонлари сингари шон-шухратга бурканган, инсониятни ўз санъати билан лол қолдирган “тирик афсона”!

1954 йилнинг 16 августида Канаданинг Капускасинг шаҳрида яшовчи муҳандис Кэмерон оиласида бир ўғил дунёга келади. Унинг исми Жеймс бўлиб, дастлаб Чиппьюда, сўнгра ота-онаси билан Калифорнияга кўчиб ўтиб, у ердаги мактабда савод чиқаради. Жеймс чапақай бўлса-да, расм солиш уқуви анчагина юқори бўлиб, бу унга онасидан ўтган хислат эди. Вақт ўтиб, Жеймс Калифорния университетининг физика факультети талабаси бўлади, бироқ ўқишни ўз ҳолича ташлаб қўйиб, кинофильмларни суратга олиш

жараёнларига берилиб кетади. 1978 йилда икки мактабдош дўсти билан ўзини бу соҳада синаб кўрмоқчи бўлади ва “New World Pictures” киностудияси раҳбари Рожер Корман кўмагида қисқа метражли фильм суратга олади... Бу даврда кино оламида ўз ўрнини топиш, обрў қозониш унинг асосий мақсади эди. Шу сабабдан бўлса керак, оиласига етарлича эътибор бермагани боис, рафиқаси билан ўрталаридаги никоҳ бузилади.

Иттифоқо Кэмерон қаттиқ шамоллайди. Айти шу бетоблик кезларида унинг хаёлига ўзгача бир сценарий ғояси келади. Босинқираб, тушида кўзлари қизил ёниб, ўз шаклини ўзгартириб турувчи аёлни кўради ва тезда уни қоғозга туширади. Бу “Терминатор” номли сценарий бўлиб, Кэмерон уни кўрсатиб, жуда кўп режиссёрларга, кинокомпанияларга мурожаат қилади, аммо ҳеч ким у билан бирга ишлашни истамайди. Бироқ, сценарийни кўриб чиққан продюсер (кейинчалик рафиқаси) Гэйл Энн Хёрд уни суратга олиш учун бошқаларга учрашмаслигини сўрайди ва иш олдидан Жеймсга бир доллар беради. Ниҳоят 1884 йилда “Терминатор” фильми экран юзини кўради. Кэмерон ўзгача жанрдаги фильми билан ҳаммани лол қолдиради. Ниҳоят, унга омад ва шухрат эшиклари очилади. Илк ижоддаги муваффақият Жеймс Кэмеронга “Бегона”, “Жар”, “Чинакам ёлғон”, “Ажойиб кунлар”, “Терминатор 2” сингари бир қанча фильмларни тасвирга туширишга ҳам руҳан, ҳам моддий томондан имконият яратади. Режиссёр бу фильмлари билан ўз салоҳиятини намойиш қилишга улгуради. Аммо Жеймс Кэмероннинг чинакам шону шухрати 1997 йилда суратга олинган машҳур “Титаник” фильми билан боғлиқ. Мазкур фильм



ижодкорлари бир неча “Оскар” ва турли халқаро кинофестивалларда хилма-хил номинациялар бўйича такрор-такрор ғолибликни қўлга киритдилар. Ханузгача бутун дунё томошабинларига севимли бўлган ушбу фильм ҳақида юзлаб телекўрсатувлар тайёрланган, минглаб мақолалар ёзилган... Жеймс Кэмерондан олдин ва кейин ҳам британияликларнинг 1912 йилда юз берган “Титаник” кемаси ҳалокати акс эттирилган 15 дан ортиқ турли жанрдаги фильмлар суратга олинган. Аммо Кэмероннинг фильмида инсон қалбида ва атрофида кечадиган ҳамма нарса – хиёнат, диёнат, разолату сохталик, нафс, улкан ҳадиқ, кўрқув даҳшати ва албатта бари-баридан ғолиб чиққан, баридан баланд тургувчи абадий ишқ тажассуми бор... Режиссёр ҳамда сценарий муаллифи Кэмерон шу йўл билан инсонлар қалбидаги эзгулик дарвозасини черта олган эди. Шунингдек, ушбу фильм замонавий кино технологияларидан фойдаланишнинг энг ёрқин ва мукаммал намунаси сифатида режиссёрнинг шуҳратига шуҳрат қўшди.

Канада халқининг ифтихори, Голливуднинг ёрқин юлдузига айланган Кэмерон “Титаник”дан сўнг маълум муддат бадиий фильмлар яратишдан чекланиб, телесериаллар, хужжатли фильмлар суратга олиш билан машғул бўлди. Довруғи жаҳон кино экранларида шов-шув бўлган “Титаник” мелодрамасидан кам бўлмаган, тамоман ўзгача услубдаги “Аватар” картинасига қадар у яна “Қора фаришта” (2000), “Бисмарк экспедицияси” (2002), “Ўпқон аломати: Титаник”, “Исонинг йўқолган қабри” (2007) яна бир қатор фильмлар ишлади. 2009 йилда “Аватар”нинг тақдим этилиши Кэмероннинг жаҳонда яна бир бор кинорекорд ўрнатишига

сабаб бўлди. Саргузашт-фантастика жанридаги бу фильмнинг яратилиш тарихи узоқ йиллар аввал бошланган эди. Гарчи Кэмерон “Аватар” сценарийсининг асосий қисмини 1990 йилда ёзиб бўлган ва шу йилнинг ўзидаёқ суратга олиш ишларини бошлаган бўлса-да, уни 2006 йилга келиб тугатди. Турли сабабларга кўра кўп йиллик меҳнат эвазига дунёга келган фильмнинг дастлабки премьераси 2009 йил декабрь ойида Лондон, Канада, Россия мамлакатларида бўлиб ўтди ва энг кўп маблағ тўплаган оламшумул экшн фильм сифатида эътироф этилди. Фильм 2010 йилда бешта номинация бўйича “Оскар” мукофотиغا лойиқ топилди. Дарҳақиқат, “Аватар” охириги йилларда Голливуд кинокомпанияларида яратилаётган жангари-саргузашт картиналар орасида энг оригинал ва визиул эффектларларга бой фильм эди. Режиссёр бу муваффақиятли тақдимотидан кейин бир нечта фильмларга продюсерлик қилган бўлса-да, навбатдаги муаллифлик асарини олишга шовилмаяпти. Аксинча, “Аватар”нинг мантикий давоми сифатида иккинчи ва учинчи фильмларини яратиш устида иш олиб бормоқда.

Режиссёрнинг шахсий ҳаёти у қадар ҳавас қиларли даражада эмаслиги кўпчиликка аён. У кўп бора уйланган ва ҳатто фильм яратиш борасида ўз рафиқаси билан ҳам рақобатга киришган. У кионинг ўзидан ҳам кўра уни суратга олиш жараёнини хуш кўради. Бу Жеймс Кэмероннинг чинакам санъат кишиларида учрайдиган бироз ғалати, аммо ўзига хос жиҳатидир, эҳтимол...

Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади



ЖОРЖ АРМАНД


Жорж Арманд тирикликни тасвирий санъат тимсолида ҳис қилган, тақдир синовларини кўп кўрган, рангин оламда яшаб, у билан бирга нафас олиб ижод қилаётган Канаданинг пешқадам, замонавий рассомларидан бири. Унинг ҳаёти нафис санъат билан жуда эрта боғланди. Ҳаётда неки кўрганлари, орзу-армонлари, йўқотганларининг бари рассомнинг ижодий изланишларига кўчди. Тўғри, у аввалига бу изланишларини шунчаки мухлисга ёқиш учун бир восита деб тушунган эди, аммо йиллар ўтгани сайин бу туғилаётган тахайюл мевалари аслида ўзининг эстетик мезонидан келиб чиқиб, пайдо бўлаётган сирли куч эканлигини англади, энди бу бадий маконнинг мустаҳкам бўлиши маҳоратнинг чинакам сеҳрига муҳтож эканлигини пайқаб қолди. Жорж бирор бир ўқув юртида тасвирий санъатнинг том маънодаги малакали таълимини олишга ҳар қанча уринмасин, унинг орзуси амалга ошмади, оиладаги моддий жиҳатдан ночорлик туфайли, тасвирий санъатни мустақил ўрганишига тўғри келди. Бу оламга мустақил қадам қўяр экан, унинг синовлари жуда оғир эканлигини англаган ҳолда ўз санъат маконини яратишга аҳд қилди. Тирикчилик воситаси ҳам, мақсаду орзуси ҳам, номаи аъмоли ҳам энди шу санъат эканини англади. Шу боис ҳам у ўзини Пиросманашвили ёки Поль Гоген каби примитив йўл орқали қалб туғёнларини акс эттирган, ўз маънавий эҳтиёжларини англаган

даҳо рассомларнинг ақидаларини ўзига сингдирган, аммо эстетик қарашлари мутлақо бўлак эканлигини кўрсата олган санъаткор даражасигача етишга олди. Рассом Канада тасвирий санъатида ўз эстетик қарашларини акс эттирган “Нафосат” номли қатта туркуми билан машҳур бўлди.

Жорж Арманднинг эстетик қарашлари жо бўлган аёллар портретларидаги шуқуҳли чизгилар қайсидир маънода Шарқ шоирлари, айтайлик, Умар Хайём ёки Алишер Навоий куйлаган гўзаллар таснифига бироз мос келади. Бу энг аввало, Шарқ шоирлари учун анъанавий мавзу бўлган гўзалнинг қошу кўзлари, киприклари, сочлари, дудоклари, нигоҳлари тасвирларининг мажозга юз тутган шакллари акс этириш маҳоратида кўринади. Бу чизгиларнинг мажмуаси бир ўлчамда хусусан, аёлнинг бош қисми тасвирига эътиборга берсак, унинг бу тарзда ишланишини тасодифий ҳол деб бўлмайди. Аммо Жорж Арманд қахрамонлари аслида Канаданинг бугунги аёллари, замондошларимиз, бунинг устига улар асосан, шаҳар муҳитида ўсган хонимлар портретлари бўлиб, чехралари, пардозларини соч турмаклари буни тасдиқлаб туради. Айни пайтда уларнинг бир қарашда шодмон кўринган қиёфаларида ботиний ғам-ғуссалар шарпаси зухур бўлгани, яна ана шу парда ортида ҳаё ва муҳаббат туйғулари сингдирилганини ҳам сезмай иложимиз йўқ. Худди фото нусха каби аниқ чизилган бу портретлардаги ана шу ноёб ботиний табассум ва ҳаёнинг бўртиб туриши рассомнинг ўзи таъкидлаганидек, ижодкорнинг тасаввур ва тафаккур кучи меваси эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Аслида бундай фазилятларнинг ХХI асрда, хусусан, Европа ва Америка қитъаларида яшайдиган аёлларда ғоят ноёб ҳодиса бўлиб қолаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Муаллиф ана шундай даврда шаҳар муҳитида яшаётган аёллар сиймосини орзулар гулчамбариди янгича бир мақомга кўтаради. Айни пайтда бу фазилятлар аёллар табиатида қанчалик ярашиб тушмасин,

рассом улар қиёфасидаги замонга хос ёлғизлик, ҳорғинлик ва ички изтироб туғёнларини томошабиндан яшира олмайди.

“Менинг бадиий ижоддаги саргузаштларим шаҳар муҳити билан қуршалган “аёл” тимсолидаги янги тўпламимда давом этади ва бу менинг доимий мавзум бўлиб қолади. Бугунги жамятнинг замонавий кишинидан илҳомланиб, мен картиналар яратаман,” – дейди рассом. Ҳа, рассомнинг ўзи таъкидлаётган картиналардаги бу бадиий тасаввур гирдобининг қуввати, шиддати кишини ўзига тортиб кетади. Аёллар-



нинг нигоҳларидаги пинҳоний шиддат ва мафтункорлик ана шу гирдобнинг туғилишига туртки берувчи мўъжизакорлик ва жозибаси касб этишининг амин бўламиз. Бундай мўъжизалар яратишнинг устаси бўлган Леонардо да Винчининг “Мона Лиза” (“Жоконда”) асарини беихтиёр эслаймиз. Мона Лизадаги сирли табассумнинг пинҳона чорловчи жозибаси Жорж Арманда асарларидаги аёлларга ҳам андак, аммо ўзига хос тарзда ўтганлигини сезиб тураемиз. Рассом замонавий аёл ҳолатининг жонли бўлишини таъминловчи нафис унсурларга мурожаат қилади. Бу унсурларнинг турфа жозибалари бир персонаж қиёфасида зоҳир бўлган чизги ва чизиклар ўйини ёки рангларнинг нозик товланишлари самараси ўлароқ, мутлақо янгича ифодалар пайдо қилади. Рассомнинг аёллар туркумидаги портретларини кузатар эканмиз, уларнинг ёшига эътибор қилишни хаёлга ҳам келтирмаймиз. Ҳолбуки, улар турли ёшдаги аёллар, аммо сукут сақлаётган лаблар,

қуйига тикилган кўзлар, озурда қалб туғёнларини сездирмасликка интилган нигоҳлар, тун каби бисотини ёяётган сочлар, пинҳона титраб турган мужгонлар тасвирлари ҳар бир аёл сийратининг алоҳида ва бетакрор эканлигидан дарак бериб туради. Рассом аёллар сиймосини аянчли тасвирлашдан чекинади, аммо уларда қандайдир дард, интиқлик борлигини, мискинлик туфайли зоҳир бўладиган нимтабассумни ранглар орқали англаштиришни сира унутмайди. Бу асарлардан: биз аслида аёллар ҳақида нима биламиз, уларнинг

нафасини, ҳолатларини ҳис қила оламизми деган савол пайдо бўла бошлайди. Рассом аёлни кашф этиш йўлидан

бормайди, уни сизга таништириб, уни тинглашга, англашга даъват этади, холос. Бунинг учун рассом нафисликни бош мезон қилиб олар экан, унинг ғоят теран оламига киришни истайди. Инсон қалбига болалигиданок муҳрланиб қоладиган шундай беғубор бир унсурлар борки, уларда ана шу нафисликнинг хилма-хил шакллари мавжуд, деб ҳисоблайди мусаввир. Бу, осмоннинг сирли чорлови, юлдузларнинг жилваланиб имлашлари, пичан ғарамларининг хушбўй ҳиди, даладаги гуллар қувончи... Нафислик рассом учун фақат қувонч туйғуси эмас, у қаттиқ шамолнинг йиғиси, кузги оқшомлардаги дилгирлик, ёмғирнинг ғамгин томчиларию баҳор оралаб юрган телба оҳанглардир. Рассом нафисликни ана шундай ҳис қилади, уни шу тарзда матоларга кўчиради.

Рассом чизган аёллар портретларида Канада диёрига хос турли халқлар вакиллари қиёфаларини

кўриш мумкин. Туб аҳоли бўлмиш эскимос, хиндудан тортиб, француз, арман, яхудий, ирландгача... Рассом уларнинг муштарақ томонлари бўлмиш нафисликка интилиш, юз қиёфаларидаги асл гўзаллик ва ҳаёнинг устуворлигини унутмасликка ҳаракат қилади.


Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у бир пайтлар тирикчилик манбаи



сифатида буюртма портретлар ишлашга берилиб кетган, бу ҳол уни маълум бир даражада ижод эркинлигидан чеklang кўя бошлаган эди. Аммо чинакам санъат яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёш рассом аввалига аниқ талаблар асосида ишлаш билан бирга фантазиясидаги асарини ҳам муқобил сифатида тайёрлашни йўлга қўйди, бу усулнинг буюртмачига маъкул туша бошлаши катта маблағ ишлаш имконини берди. Эндиликда бундай усулгина эмас, балки турли техник воситалар ёрдамида изланишларини давом эттириш эҳтиёжга айланди. Бу изланишларда Канаданинг турли фаслларидаги гўзал манзаралари, турли табақалар ва жамиятларга мансуб одамлар ҳаётини акс эттирувчи ёрқин ва жозибали ранглар силсиласини кўриш мумкин. Уларда Жорж Арманд санъатига хос маҳорат ва истеъдод сезилиб туради. Рассом ўз ўтмишдошларининг ижодий меросига ҳурмат ва эҳтиром билан қараган ҳолда, улар босиб ўтган йўлни тафаккур кўзгусидан ўтказиб туради. Агар Канада рангтасвир санъати тарихига бир зум назар ташласак, унинг ўз ютуқлари ва камчиликлари дарҳол бўй кўрсатади. Бир пайтлар, йигирманчи аср бошида ўзининг мустақил йўлини топа олган Канада санъатида манзара жанри устунлик қилган. Унгача европалик (асосан, Франция ва Англия санъати) ва америкалик муҳожир рассомлар олиб

келган услуб ва мавзулар таъсири етакчилик қилиб келди. Айниқса, рангтасвирда француз барбизони ва импрессионизм вакиллари ишлаган портрет ва жанрли картиналарига таклид узок вақт давом этганлигини эътиборга олсак, шубҳасиз, кейинги рассомлар уларни такрорламаслик йўлидан боришди. Шунинг учун ҳам бу юртнинг тундра кенгликлари, ўрмонлари ва кўз илғамас даштлари, фермерлар ҳаёти, саноати тез суръатларда ўсган шаҳар манзараларини чизиш урфга айлана борди. Жорж Арманд бирор бир аънанани давом эттирмади. У асарлари устида турлича ижодий синовларни ўтказиб, ниҳоят ўзининг таъсирчан, мафтункор рангтасвирини ярата олганлиги билан ҳам кадрлидир

Нодир НОРМАТОВ





КРИСТОФЕР ПЛАММЕР

Канадалик машхур санаъаткор, театр ва кино актёри Кристофер Пламмер номи жаҳон кино санъати ихлосмандларига яхши таниш. У ўзининг турфа ролларида маҳоратини намоён этиш орқали актёрлик санъатининг энг юксак чўққиларни забт этган, ўз касби шарафини янада баландроққа кўтаришга хизмат қилаётган ижодкорлардан. Кристофер Пламмер 1929 йил 13 декабрда Канаданинг йирик шаҳарларидан бири Торонтода Мари ва Жона Пламмерлар оиласида дунёга келган. Оилада ёрдўстлар ташрифи муносабати билан бўладиган меҳмондорчиликда отаонаси пианино чалиб меҳмонларни хушнуд қилишни канда қилмасди. Бундай мусиқа кечалари Кристофернинг ҳам санъатга бўлган иштиёқини аланга олдирганди. У пианино чалишни ўрганиш билан бирга мактабда ўтказиладиган барча тадбирларда кичик сахнавий чиқишлар қилар, маҳорати билан тенгқурлари ва устозларини лол қолдирарди. Жаҳон драматургларининг кўплаб асарларини мутолаа қилиб, улардаги қахрамонлар монолог ва диалогларини ёд олиб, дўстларига ижро этиб берарди.

Вақти етиб Кристофер Пламмер Канада репертуар театри труппасига аъзо бўлади ва тез орада

ҳаракатчанлиги, ўзгача ижодий қарашлари билан режиссёрларнинг эътиборига тушади. 1954 йили у Сомерсет Моэмнинг “Вафодор хотин” пьесаси асосида сахналаштирилган спектаклда илк бор роль ижро этади. Театрдаги фаолияти давомида “Ғурур ва ишонч” спектаклида Жаноб Дарси, “Юлий Цезар”да Марк Антоний, “Ҳамлет – Дания шаҳзодаси”да Ҳамлет, “Генрих 5”да Генрих каби йирик ролларни ижро этишга мушарраф бўлади. Сахнада мухлислар меҳрини қозонишга улгурган Кристофернинг кинода ҳам ютуқлари кетма-кет кўзга ташлана бошлайди. Унинг кинодаги дастлабки роли режиссёр Сидни Люметнинг “Мафтункор сахна” (1958) мелодрамасидаги Жо Шеридан эпизоди эди. 60-йиллардан кейин актёрнинг бу соҳадаги ижоди ниҳоятда жўшқин тус олади. Актёр ролларига жиддий, психологик теран ёндашгани сабабли Голливуднинг энг фаол режиссёрлари билан ижодий ҳамкорлик ўрнатади. Актёр бугунги кунга қадар бўлган фильмографиясига назар солсак, уларнинг бари ҳар жиҳатдан муваффақият қозонган фильмлардир. Унинг ижодидаги “Мусиқа овозлари” (1965) Георг, “Юракдаги уй” (1990) музикачи Шитти, “Бўри” (1994) Реймонд Алдер, “Ўн икки маймун” (1995) Доктор Гоинс, “Рух ниқоби” (1998) жаноб Карутерс, “Ўзимизнинг инсон” (1999) Майк Уаллейс, “Ажойиб ақл” (2001) Доктор Раузен, “Александр” (2004) Аристотель, “Янги ёруғлик” (2005) капитан Ньюпорт, “Кўл бўйидаги уй” (2006) Саймон Уайлер, “Охирги якшанба”да Лев Толстой каби бетакрор ва йирик образлари унинг нақадар омади қулган, мохир актёрлигидан далолат беради.

Пламмернинг “Пушти пантеранинг қайтиши” (1975) фильмидаги жаноб Чарльс Литтон роли катта машаққатлар эвазига дунёга келган ва шунга муносиб шараф

олиб келган ролларидан саналади. Режиссёр Блэйк Эдвардс актёр танлашда доим ролга бўлган изланиши, ижодий жамоа билан муносабатини инобатга олиб, Кристофер Пламмернинг инсонийлик фазилатларига ҳам аъло баҳо беради ва ҳеч иккиланмай, уни ўз фильмида суратга тушишга таклиф қилади.

Актёрнинг маҳорат қирралари намоён бўлган яна бир фильм 2001 йили суратга олинган (режиссёр Рон Ховард) “Тафаккур ўйинлари” фильми бўлиб, у олим Джон Нейснинг шифокори Доктор Раузен ролини талқин этади. Мазкур фильмда режиссёр Рон Ховард актёрлар жамоасини танлашда катта муваффақиятга эришади. Жумладан, Пламмер ўз образ орқали фильм ғоясини томошабинга етказишда маҳоратини намоён этади. 2009 йилда у режиссёр Майкл Хоффманнинг “Охирги якшанба” фильмида суратга тушади. Унда бош қаҳрамон Лев Толстой образи Кристофер Пламмер ижодидаги энг катта ютуқларидан деб айтиш мумкин. Даҳо ёзувчи сиймосини яратиш ҳар қандай актёрга ҳам насиб этавермайдиган фавқуллодда катта бахт. Фильм буюк рус адабининг ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлиб, унда асосан ёзувчи умрининг охирги йиллари ёритилади. Кристофер Пламмер (Лев Толстой) ва актриса Хелен Миррен (Софья Андреевна) эр-хотин ролида муносиб жуфтлик яратади. Толстой образининг моҳиятини тўғри очишда ижодкорнинг файласуфлик, ўлчовсиз бадиий тафаккур,

улкан қалб, кучли руҳият каби хусусиятларини теран англаш ва уни ҳаққоний гавдалантириш актёрдан жуда катта куч сарфлаганини тақозо этарди. “Охирги якшанба” фильмининг шон-шуҳрати актёр бу оғир вазифани қойилмақом қилиб уддалай билганидан далолат беради. Айниқса актёрнинг ўз образи ташқи кўриниши ва характерини ифодалашда намоён этган маҳорати барчада катта таассурот уйғотади. 2010 йилда Кристофер Пламмер “Йилнинг энг яхши эркак роли” номинациясида “Оскар” ҳамда “Олтин глобус” мукофотларини қўлга киритади. Шу йили режиссёр Майкл Миллснинг “Бошланиш” трагикомедиясида суратга тушади. Бу фильм кинотомошабинларда катта қизиқиш уйғота олди ва орадан икки йил ўтиб, яна бир бор “Оскар” га сазовор бўлади.

Кристофер Пламмернинг оилавий ҳаёти нотекис ва ўзгаришларга бой кечган бўлса-да, ижод оламида у ҳамиша омади чопган, бахтли актёр сифатида намунали фаолият олиб борди. У айна пайтда қутлуғ 89 ёшда. Кекса актёр сўнгги йилларда режиссёр Дэвид Финчернинг “Аждар татуировкали қиз” ва Скотт Стюартнинг “Чўпон” фильмларида роль ижро этди. Канада санъатини дунёга кўрсатишда ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаётган Кристофер Пламмер бутун фаолияти давомида ўнлаб мукофотларни қўлга киритди. Аммо унинг учун барча санъат аҳли орзу қилганидек мухлислар эътибори ва эътирофидан ўзга юксакроқ мукофот йўқ.

*Матлуба ИСОҚОВА
тайёрлади*





ЭЛЕН БЕЛАНД

Замонавий тасвирий санъат олами кўплаб ўзига хос услуб ва йўналишларга эга истеъдодли мусаввирларга бой. Канадалик машҳур рассом Элен Беланд ана шундай иқтидор эгаларидан бири ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб “Гавҳар”, “Сирли ховуз”, “Мўллик”, “Орзу” каби ажойиб рангин картиналар дунё тасвирий санъат мухлисларини ўзига мафтун қилиб келмоқда.

Э. Беланд 1949 йилнинг 12 декабрида Квебек провинциясининг Монреаль шаҳрида таваллуд топган. У болалигиданок расм чизишга жуда қизиқар, кўп вақтини мўйқалам билан ўтказиб, келажакда машҳур рассом бўлиб танилишни орзу қиларди. Шунинг учун мусаввирлик сир-синоатларини қунт билан ўрганишга астойдил киришади. 1968 йили коллежни тугатиб, университетнинг санъат бўлимига ўқишга киради. Бироқ кейинчалик университетни ташлаб, машҳур мусаввир Ларри Глюк томонидан ташкил этилган санъат мактабида таҳсил олади. Уз даврида донғи кетган ушбу санъат даргоҳида ўқиш давомида у ўзининг бўлажак турмуш ўртоғи, кейинчалик таниқли рассом бўлиб етишган Даниел Бриент билан танишади. Элен айниқса, мойбўёқда гўзал ва бетакрор асарлар яратиш сирларини ўрганишга астойдил интилади. Машҳур рассомларнинг ижодий фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Шимолий Америка ва Европанинг энг номдор санъат музейларига ташриф буюради. Вақт ўтиб, маҳорат ва тажрибаси ортган сари, ўзига хос индивидуал қиёфаси шаклланиб боради. Гўзаллик ва фалсафий теранликликнинг уйғунлиги Элен ижодининг асосий хусусиятига айланади. Рассом ўз қаҳрамонларини ёрқин бўёқларда жуда гўзал, нафис ва улуғвор қиёфаларда турфа ранглар орқали моҳирона ифода этади. Айниқса, унинг ижодида аёллар образлари ҳамда гўзал табиат манзаралари ўта жозибали ва мафтункор бўёқларда намоён бўлади. Журнализмнинг муқовасида тақдим этилаётган “Бахтли онлар” картинаси ҳам унинг машҳур асарларидан бўлиб, мутахассислар томонидан юксак маҳорат намунаси сифатида баҳоланган.

Элен Америка Қўшма Штатларида мунтазам равишда ўтказилиб келинадиган Халқаро кўргазмаларнинг фахрли иштирокчиларидан биридир. Мусаввирнинг суратлари Канаданинг Монреаль, АҚШнинг Техас, Флорида штатларидаги муҳташам кўргазма залларини безаб туради. Шу билан бирга, унинг сара картиналари турли мамлакатлардаги маданият ва санъат саройлари ҳамда тасвирий санъат ихлосмандларининг шахсий кўргазмаларидан муносиб жой олган.

Бугунги кунда машҳурлик даражасига етган Элен Беланд Монреалдаги ўзи ўқиган санъат даргоҳида бўлғуси мусаввирларга дарс беради. Шунингдек, у тасвирий санъатга доир қатор монографиялар ва ўқув кўлланмаларининг ҳам муаллифидир.

Абдор УМАРОВ
тайёрлади



УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАНЛАР...

3 ИЮЛЬ

Франц Кафка, (1883-1924 йиллар) австриялик адиб, абсурд адабиёти намояндalarидан бири. “Қотиллик”, “Мақтаб ўқитувчиси”, “Кучли шовқин”, “Қишлоқ врач”, “Имтиҳон”, “Посейдон”, “Овчи Гракх”, “Кулба”, “Чордоқда” каби кўплаб новеллалари, “Жараён”, “Америка”, “Қалъа” романлари билан танилган.

Анатолий Эфрос, (1925-1987 йиллар) россиялик театр ва кино режиссёри. Россиянинг турли театрларида “Уйланиш”, “Борис Годунов”, “Чайка”, “Уч опа-сингиллар”, “Дон Жуан”, “Ромео ва Жульетта”, “Отелло”, “Ўлик жонлар”, “Тартюф”, “Олчазор” каби кўплаб асарларни сахналаштирган. “Қабиса йили”, “Фантазия”, “Пайшанба ёки ҳеч қачон”, “Шовқинли кун” фильмларини суратга олган.

6 ИЮЛЬ

Карл Густав Вернер фон Хейденстам, (1859-1940 йиллар) швециялик шоир ва ёзувчи. Нобель мукофоти лауреати (1916). “Зиёрат ва саёҳат йиллари”, “Шеърлар”, “Янги шеърлар” номли тўпламлари, “Танс Альенус”, “Карл VII нинг уруши”, “Муқаддас Биргитта зиёрати”, “Фолкунглар шажараси”, “Каштанлар гуллаганда” ва бошқа кўплаб насрий асарлари билан машҳур.

ТАҚВИМ

7 ИЮЛЬ

Булат Мансуров, (1937-2011 йиллар) атоқли кино режиссёр. “Қишлоқ мозаикаси”, “Ҳафтанинг саккизинчи куни”, “Султон Бейбарс”, “Болаларга ўлим йўқ”, “Маърака”, “Муҳаббат ҳақида ҳикоя”, “Мусобақа” ва бошқа фильмлари билан ном қозонган.

10 ИЮЛЬ

Марсель Пруст, (1871-1922 йиллар) француз ёзувчиси. “Содом ва Гоморро”, “Эрмак ва кунлар”, “Қочоқ аёл”, “Туткин”, “Ҳалокат вақти” ва бошқа асарлар муаллифи.

12 ИЮЛЬ

Абдулла Авлоний, (1878-1934 йиллар) атоқли ўзбек маърифатпарвари, шоир, драматург, педагог. “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ”, “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” каби шеърый тўплам қўлланма ва дарсликлари, “Пинак”, “Биз ва сиз”, “Адвокатлик осонми?”, “Португалия инқилоби” пьесалари билан машҳур.

Амедео Модильяни, (1884-1920 йиллар) машҳур италян мусаввири, экспрессионизм намояндalarидан бири. “Келин ва куёв”, “Яхудий қиз”, “Жанна Эбютерн”, “Тоскания йўли”, “Шляпа кийган аёл”, “Соқолли киши”, “Мод Абранте портрети”, “Шляпали яланғоч” сингари асарлар ижодкори.

13 ИЮЛЬ

Михаил Пуговкин, (1923-2008 йиллар) таниқли рус актёри. “Тўй”, “Нотинч хўжалик”, “Иигитлик мактаби”, “Туғилган кунинг билан!”, “Ўзимга йўл”, “Икки капитан”, “100% нейлон”, “Гугуртга кетиб”, “Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради”, “12 стуль”, “Б” операцияси ва Шурикнинг янги

саргузаштлари” каби машхур фильмлардаги роллари билан танилган.

Пётр Фоменко, (1932-2012 йиллар) россиялик театр ва кино режиссёри. “Мезантроп”, “Урмон”, “Ҳаёт учун хавфли”, “Юбилей”, “Тўй”, “Таня-таня”, “Уруш ва тинчлик”, “Калигула”, “Уч опа-сингиллар” спектакллари ва кинофильмлари билан шухрат топган.

14 ИЮЛЬ

Важа Пшавела, (1861-1915 йиллар) грузин шоири ва адиби. “Тоготур ва Алшина”, “Қария ҳикояси”, “Меҳмон ва хўжайин” поэмалари, “Жангчи онасига мактуб”, “Ярадор қоплон” шеърӣй китоблари, “Хўрланган” пьесаси билан шухрат қозонган.

Нодар Думбадзе, (1928-1984 йиллар) атоқли грузин ёзувчиси. “Қуш”, “Дидро”, “Истак”, “Ҳеладос”, “Она”, “Қон”, “Ит”, “Лўли”, “Қуёш” ҳикоялари, “Мен, бўвим, Илико ва Илларион”, “Мен қуёшни кўряпман”, “Қуёшли кеча”, “Абадият қонуни”, “Қўркманг, онажон”, “Оқ байроқлар” романлари муаллифи.

15 ИЮЛЬ

Рембрандт Харменс ван Рейн, (1606-1669 йиллар) буюқ голланд мусаввири. “Қовоқхонадаги ноқобил ўғил”, “Тунги назорат”, “Қизил шляпали Саския”, “Муқаддас оила”, “Уч дарахт”, “Тегирмон”, “Чўпон ибодати” сингари асарлар яратган.

Сацуо Ямамото, (1910-1983 йиллар) таниқли япон кинорежиссёри. “Совиш нуқтаси”, “Фил суяклари минораси”, “Сўқир самурай нажоти”, “Императорсиз август”, “Номуги довони”, “Қачон севадан?”, “Қуёшсиз кўча”, “Арава ҳақида кўшиқ” ва бошқа фильмлари билан ном қозонган.

17 ИЮЛЬ

Жан Батист Камиль Коро, (1796-1875 йиллар) француз мусаввири. “Уқиётган қиз”, “Тонг Нимфа рақси”, “Ҳаг”, “Агостина”, “Орфей ва Эвридика”, “Лес Фортенбло” каби қатор асарлар муаллифи.

24 ИЮЛЬ

Дзюньитиро Танидзаки, (1886-1965 йиллар) япон ёзувчиси, драматург. “Болалар”, “Сир”, “Иблис”, “Наоми”, “Татуировка”, “Митти давлат”, “Гэндзи ҳақида қисса”, “Мақтов сояси”, “Калит” асарлари муаллифи.

25 ИЮЛЬ

Элиас Канетти, (1905-1994 йиллар) болгар ёзувчиси. Нобель мукофоти лауреати (1981). “Манманлик комедияси”, “Тўй”, “Сархуш”, “Оломон ва ҳокимият”, “Ишора”, “Характерлар” каби драматик асарлар муаллифи.

26 ИЮЛЬ

Андреа Моруа, (1885-1967 йиллар) француз ёзувчиси. “Оила давраси”, “Адашган муҳабба”, “Доктор О’Грэди нутқи”, “Индамас полковник Брамбл” каби қатор романлар муаллифи.

27 ИЮЛЬ


Жозуэ Кардуччи, (1835-1907 йиллар) италян шоири. Нобель мукофоти лауреати (1906). “Қофиялар”, “Усмирлик китоби”, “Янги шеърлар”, “Енгил ва жиддий”, “Қофия ва ритмлар” шеърӣй китоблари, “Бадавӣй қасидалар” тарихий асари муаллифи.


29 ИЮЛЬ


Энцо Кастеллари, (1938 йил) италиялик кинорежиссёр. “Саҳродаги олов”, “Жонатон – айиқлар дўсти”, “Сўнгги ақула”, “Ақула овчиси”, “Кеома”, “Кўча қонуни”, “Ёввойи Ғарб”, “Жанг учун етти милтиқ”, “Ун еттинчи қаваг” каби фильмлар ижодкори.


Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади

RESUME


 July's issue of the magazine is devoted to the picturesque country Canada. In this regard the story of the known Canadian writer, the Nobel Prize laureate for 2013 Alice Munro "Lot" are published. Including, it is provided to readers samples of verses of some known Canadian poets, such as Edwin John Pratt, Raymond Sauster, Patrick Lane, Earl Bernie and others. And also interesting articles about literature, culture and art of Canada are offered in the heading "Globe".


 In the column "Unforgettable Persons" the special attention to a career of celebrated world personalities, natives of Canada as James Cameron, Christopher Plammer and John Armande are paid.


 In the heading "Prose" the novel of Karakalpak writer Sharap Usnatdinov "Youth of the poet", devoted to the known poet Ibrahim Yusupov, also end of "Pride and prejudice" by an English writer Dzheyn Austen are published.


 End of the comedy of "Naples – the city of millionaires" by Italian playwright Eduardo de Filippo and the play "Waiting for Godo" of Samuel Beckett are printed in the column "Dramatic art".

РЕЗЮМЕ

 Июльский выпуск журнала посвящается живописной стране Канада. В связи с этим публикуется рассказ известной канадской писательницы, лауреата Нобелевской премии за 2013 год Элис Манро «Жребий». А также, читателям предоставляется образцы стихов некоторых известных канадских поэтов, таких как Эдвин Джон Пратт, Раймонд Саустер, Патрик Лейн, Эрл Берни и др. А также предлагается содержательная статья о литературе, культуре и искусстве Канады в рубрике «Глобус».

 В рубрике «Незабываемые личности» уделяется особое внимание творческому пути известных мировых личностей, выходцев Канады как Джеймс Камерон, Кристофер Пламмер и Джон Арманд.

 В рубрике «Проза» печатается роман каракалпакского писателя Шарапа Уснатдинова «Юность поэта», посвящённого известному каракалпакскому поэту Ибрагим Юсупову, также завершение романа английской писательницы Джейна Остина «Гордость и предубеждение».

 Завершение комедии итальянского драматурга Эдуардо де Филиппо «Неаполь – город миллионеров» и пьесы драматурга Сэмюэля Беккета «В ожидании Годо» в рубрике «Драматургия»

Жаҳон
АДАБИЁТИ

2014 йил июль сони

Навбатчи муҳаррир: О. РИЗАЕВ
Техник муҳаррир: М. АЛИЕВА
Мусахҳих: Д. АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи: А. УМАРОВ
Дизайнер: Д. ҲАМИДОВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босиш-
да ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 25.07.2014 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 2580 нусха. 3566 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, “SHARQ” НМАКда чоп этилди.
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41 уй.

© Жаҳон адабиёти, 2014 й.